

## К р и ш н а

ҳ а қ и д а  
ҳ и қ о я л а р

Эй, турмуш ташвишларига ғарқ бўлган инсон,  
Бир пас тин ол, сўзлаб берай сенга бир дoston.  
Унда бор муҳаббат, садоқат, роҳат, фароғат,  
Кимгадир у – ривоят. Аслида бу - аниқ Ҳақиқат!  
Ишон, пок ният ва имон билан ўқиган инсон  
Шубҳасиз топажак бундан чексиз бахт-саодат.

Туғилган кунимдан бошлаб мени ҳаётда  
Кришна онги билан яшашга ўргатиб  
тарбиялаган отам Гоур Мохан Де(1849-1930)  
хотирасига бағишлайман.

Ёшим салгина улғайгандан кейин у  
мени мриданга чалишга ўргатди, сажда  
қилиб сиғинишим учун менга Радха-  
Кришнанинг Илоҳини берди, тенгқур  
дўстларим билан "Ратха Йатра" байрамини  
нишонлашим учун Жаганнатха-ратха олиб  
берди. У менга ҳамиша меҳрибон эди, унинг  
шарофати билан менинг қалбимда Худога  
чуқур иймон уйғонди, кейинчалик бу иймон-  
эътиқодни руҳий устозим, мангу отам яна  
ҳам мустаҳкамлади.

Жорж Харрисоннинг мазкур китоб  
ҳақидаги фикри

Ҳаётда ҳамма Кришнани излайди.  
Баъзилар Уни излаётганини ўзлари ҳам  
тушунмайдилар, лекин аслида шундай.

Кришна - ягона Парвардигор, бутун борлиқнинг,  
оламда мавжуд бўлган, мавжуд бўладиган ҳамма  
нарсанинг манбаи.

Парвардигорнинг чеки, поёни йўк, шу боис  
Унинг номлари ҳам кўп. Оллох, Будда, Йегова, Рама:  
уларнинг ҳаммаси Кришна, уларнинг ҳаммаси аслида  
бир Зотни, ягона Парвардигорни билдиради.

Парвардигор хом-хаёл, ўйлаб топилган Зот эмас;  
Унинг шахсиятсиз ва шахсий кўринишлари бор; У -  
олий, мангу, лаззат ва илмга тўла; У албатта - Шахс.  
Худди океандан олинган бир томчи сув океан суви  
билан бир хил сифатга эга бўлгани сингари, бизнинг

онгимиз ҳам сифат жиҳатдан Худонинг онги билан  
бир хил... лекин биз ўзимизни моддий қувватга  
қиёслаб, унга(моддий танамизга, ҳиссий лаззатларга,  
моддий бойликка, сохта ўзлик ва ҳоказо нарсаларга)  
боғланиб қолганимиз сабабли, бизнинг илоҳий  
онгимиз ҳар хил иллатлар билан қопланиб қолган, шу  
боис худди чанг босган ойнага ўхшаб ўзида ҳақиқий  
ўзлигимизни акс эттира олмайди.

Жуда кўп умрлардан бери қалбимиздаги  
ўткинчи нарсаларга боғланиш туйғуси жуда кучайиб  
кетган. Адашганимиздан биз бу ўткинчи танани - суяк  
ва гўшт тўла чарм қопни - "мен ўзим" деб биламиз.  
Мана шу ўткинчи ҳолатимиз ҳақиқатан ҳам бизнинг  
асл моҳиятимиз эканига ишониб, шунга кўникиб  
юрибмиз.

Инсониятнинг бутун тарихи давомида буюк  
авлиё зотлар бизга ҳар бир тирик мавжудот қалбида  
ўз онгининг адашган ўткинчи ҳолати билан эмас,  
балки ўзининг мангу онги, Кришна онги билан яшай  
олишга қодир эканини исботлаб берганлар. Ҳар бир  
жонзот илоҳий онгга, Кришна онгига эга.

"Бхагавад Гита"да Кришна шундай дейди:  
"Ақлини жиловлаб олиб ҳамиша йога билан  
шуғулланиб юрган кишилар барча моддий  
иллатлардан покландилар ва Худога илоҳий  
муҳаббат билан хизмат қилиб, мукамал бахтнинг  
энг юксак поғонасига кўтарилдилар".(6.28).  
Йога(Худони, ҳақиқий "мен"ни билишнинг илмий)  
жараёни шундан иборатки, бу йўл билан биз  
онгимизни поклаймиз, уни моддий иллатлар билан  
булғашдан тўхтаймиз, натижада илм ва лаззатга тўла  
энг мукамал ҳолатга эришамиз.

Агар Худо, Парвардигор ҳақиқатан ҳам бор  
бўлса, мен Уни ўз кўзим билан кўрмоқчиман. Исбот,  
далилсиз бирор нарсага ишониб бўлмайди, Кришнани  
англаш ва мувоқабат қилиш усули шундай жараёнки,  
бунда сиз ҳақиқатан ҳам Худони яққол ҳис қила  
оласиз. Сиз ҳақиқатан ҳам Худони кўра оласиз,  
Унинг гапларини тинглайсиз, У билан бирга бўласиз.  
Балки бу кимгадир ғалати туюлар, лекин Худо  
ҳақиқатан ҳам мана шу ерда, биз билан бирга.

Йоганинг жуда кўп йўллари бор - раджа, гйана,  
хатха, крийа, карма, бхакти йўллари. Ҳар бир йога  
усулининг устози ўз йўлини энг мукамал йўл деб  
билади.

Бхактиведанта Свами, номидан кўриниб  
турганидай, бхакти-йога, яъни Худога садоқат билан  
хизмат қилиш йўлидаги инсон. Ўзининг фикру-хаёли,  
нутқи ва танасининг ҳар бир амали билан Худога  
хизмат қилиб, Унинг муқаддас номларини зикр  
қилиб, бхакта тез вақт ичида Худони англаб етади,  
қалбида Кришна онгини ривожлантиради. Ҳаре  
Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре деб  
Худонинг муқаддас номларини мунтазам зикр қилиб  
юрар экан, инсон шубҳасиз Худони англаб  
етади.(асалнинг таъмини билиш учун уни албатта  
тотиб кўриш керак).

Мен сизлардан Кришна ҳақидаги мана шу китоб  
берадиган имкониятдан фойдаланиб, Худони  
танишга, Уни тушунишга, англаб олишга уриниб  
кўришни илтимос қиламан. Яна бир илтимосим -  
инсонни руҳий озодликка чиқарадиган йога усули

ёрдамида шу бугуноқ ўзингизнинг Худонингиз билан учрашув белгиланг!

Жорж Харрисон

## Нашриётдан

Шуниси ажабланарлики, ғарбий давлатларда яшайдиган одамларнинг аксарият кўпчилиги Кришна ҳақида ҳеч нарса эшитмаган. Ҳар бир миллатнинг, ҳар бир халқнинг маданиятида узок вақтлардан бери одамларнинг хотирасида сақланиб келаётган ўз афсоналари, қаҳрамонлари, халоскорлари, худолари бўлади, лекин Кришна бизнинг мана шу ўткинчи маданий кадриятлардан иборат бўлган кичкина оламдан ташқарида. Кришна ҳақидаги илм - ҳамма маданиятлардан устун турадиган, ҳаммага тааллуқли бўлган, ҳаммани ўзига жалб этадиган илоҳий, трансцендент илмдир. Кришна - тарихий индуизмнинг ҳар хил диний оқимларидан бирортасида кимдир ўйлаб топган диний ёки бадиий қаҳрамон эмас. Мутлақо ундай эмас. Кришна Олий Ҳақиқат (*парам сатйам*), барча сабаблар сабабчиси (*сарва-карана-каранам*), энг муҳими - бошланғич, азалий Олий Шахс (*нуруишоттама*).

Энг аввало У - Шахс! Албатта, бундай гаплар иуда-христианлар таълимоти миясига сингдирган серғазаб чол кўринишидаги Худонинг қаҳридан қочишга жой тополмай юрган ғарбий одамларнинг аклини бутунлай чалкаштириб юбориши мумкин. Лекин Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси умуман бошқача. У - ҳаммиша бахтиёр, мангу, илоҳий табиатли ёш ўспирин, Унинг бекиёс гўзал жамоли, ғаройиб кароматлари Унинг марҳаматига эришган одамни илоҳий муҳаббат оғушига ғарқ қилиб, унга бекиёс жазавали илоҳий лаззат бағишлайди.

Кришна ҳақидаги илмнинг, умуман олганда ҳар қандай дунёвий ва илоҳий (ғайб) илмининг манбаи қадимий Веда ва Веданталар ҳисобланади. Ведалар тарихи билан шуғулланадиган олимларнинг фикрига кўра барча ведавий битикларнинг муаллифи илоҳий донишманд Вйасадева ҳисобланади. Ведавий ривоятларда айтилишига қараганда, чуқур илоий илмга эга бўлган мана шу донишманд ведавий донишмандлик илмини баён этувчи буюк асарни ёзиб тугатганидан кейин ҳам нимагадир қалби таскин топмаган: барибир у ўзининг бу ишидан қаноат ҳосил қилмаган эди. Ана шундай тушқунликка тушиб турганида Вйасанинг олдига руҳий устози Нарада Муни келган ва унинг қалбидаги беҳаловатлик боиси нимада эканини тушунтириб берган: Вйаса дунёвий ва руҳий юксалишнинг ҳар хил йўллари

белгилаб, тушунтириб ва қўллаб-қувватлаган-у лекин барча руҳий изланишларнинг якуний мақсади - *кришна-бхакти*, яъни Худонинг Олий Шахси Шри Кришнага соф садокат билан хизмат қилиш эканини аниқ кўрсатиб бермаган. Инсон Кришнанинг илоҳий фазилатлари ва кароматлари ҳақида ҳикоялар тинглагандагина унинг қалбида соф кришна-бхакти туйғуси уйғонади, шу боис Нарада Муни Вйасага Парвардигор Кришна ҳақида ҳикоя қилувчи илоҳий асар ёзишни маслаҳат берди.

"Донишманд билимдонлар шундай қарорга келганларки, илм ўрганишнинг энг олий мақсади... - Парвардигорнинг илоҳий фазилатларини таърифлашдан иборат. Шу боис сендан илтимос, сен Ведалар илмини мукамал билганинг учун сенга маълум бўлган қудратли Парвардигорнинг илоҳий кароматларини таърифлаб асар ёз. Бундай асар билимдон олимларнинг ҳам илмга бўлган чанқоғини қондиради, моддий оламда ҳаммиша изтироб чекиб юрган оддий одамларнинг ҳам мусибатини енгиллаштиради. Аслини олганда моддий олам мусибатларидан қутулишнинг бундан бошқа бирор йўли йўқ" ("Шримад Бхагаватам" 1.5.22.40).

Нарада Мунининг кўрсатмасига амал қилиб, Вйаса илоҳий мууроқабага берилиб чуқур мулоҳаза юритгандан кейин Парвардигорнинг адабий-бадиий тимсоли бўлган буюк асар "Шримад Бхагаватам"ни ёзди. "Шримад Бхагаватам" Парвардигорнинг адабий-бадиий тимсолидир, уни Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган кўринишларидан бири Вйасадева ёзган. Бу китоб бу дунёдаги алоҳида ҳар бир одамнинг бахт-саодати учун ёзилган, у инсон ҳаётидаги барча муваффақиятлар, барча лаззатлар ва барча комил фазилатлар гаровидир".

"Шримад Бхагаватам" 1.3.40.

"Шримад Бхагаватам" ўз ичига мавжуд барча илмларни мужассам қилган буюк асар бўлиб, унда метафизика, онтология, космология, илм ўрганиш таълимоти, ижтимоий динамика, сиёсат ва психология бўйича жуда кенг маълумотлар берилган. Аслида "Шримад Бхагаватам" Ведалар илмининг қаймоғи ҳисобланади. Ўн тўққизинчи асрда яшаб ўтган америкалик буюк илоҳиётчи олим Ралрф Уолдо Эмерсон "Шримад Бхагаватам"ни "эхтиром билан тиз чўккан ҳолда ўқиш лозим бўлган китоб" деб баҳолаган эди.

Мана шу яхлит асарнинг энг юксак чўккисидан энг қимматбаҳо жавоҳир - "Ўнинчи Кўшик" жойлашган бўлиб унда фақат ўтган даврда Ер сайёрасига ташриф буюрган пайтида Шри Кришна намоён этган илоҳий кароматлар ҳақида баён этилган. Қўлингиздаги китоб ана шу

машхур ўнинчи кўшиқнинг жуда енгил тилда ёзилган қисқача баёни ҳисобланади.

Шундай савол туғилиши мумкин: "Нимага Кришна бу ерга ташриф буюради, У қаёқдан келади?" Кришна бу ерга Ўзи мангу яшайдиган сайёра Голокадан, илоҳий, руҳий олам(Вайкунтҳа)дан келади. Моддий оламдан ташқарида бўлган Ўзининг ана шу даргоҳида Кришна ҳар хил мангу муносабатларда бирга лаззатланиб яшайдиган сон-саноксиз соф содиқлари билан илоҳий лаззатга тўла ҳар хил эрмак(лила)лар билан вақт ўтказиб мангу яшайди. Инсонлар жамиятида Худонинг қонунлари поймол бўлиб, инсоний кадриятлар, ҳақиқий инсонларга хос маданият таназулга юз тутганда бундай аҳволни тузатиш учун Кришнанинг Ўзи бу оламга ташриф буюради. Бу ҳақда Кришна Аржунга шундай дейди: "Ер юзида Худонинг(ҳақиқий дин) қонунлари таназулга юз тутганда, даҳрийлик, иймонсизлик авж олганида Мен Ўзим келаман, эй Бхарат авлоди. Такводорларни озодликка чиқариш, зolimларни яқсон қилиш ҳамда Худонинг қонунларини ўрнатиш учун Мен ҳар замонда ер юзига келиб тураман". "Бхагавад Гита" 4.7-8:

Бундан беш минг йил аввал айнан шундай вазият юзага келган эди, уни бартараф қилиш учун Шри Кришна Бхарата-варша(Ҳиндистон) заминида бу дунёга келди. Адолатсиз, виждонсиз ва нопок ҳукмдорларнинг тобора кучайиб бораётган ҳарбий тажовузкорлиги Курукшетрадаги, Кришна энг муҳим асосий рол ўйнаган қирғинбарот урушда ўзининг энг юқори нуқтасига етган эди. Мана шу воқеа-ҳодисалар ёритилган буюк "Маҳобҳорат" эпосида ана шу уруш ҳақида батафсил ҳикоя қилинган.

Кришнанинг бу дунёга келишининг бошқа яна бир муҳимроқ сабаби ҳам бор. Бу моддий оламда қамалиб ётган руҳ(жонзот)ларни Ўзига жалб қилиш ва уларни ўзларининг руҳий оламдаги мангу даргоҳига, ўз уйига таклиф қилиш мақсадида Кришна Ер юзига келиб Ўзининг турли илоҳий кароматларини кўрсатади. Ер юзига келганида У бу моддий оламда ҳам Ўзининг илоҳий салтанатини, руҳий оламни тўла намоён этди. Ўзининг мангу ҳамроҳлари билан биргаликда келиб У Ўз вақтини англаб бўлмас ғаройиб кароматлар кўрсатиш билан ўтказди, Унинг кароматлари шу қадар ғаройиб, улуғворки, озгина фаросати бўлган ҳар қандай тирик мавжудотнинг ақлини албатта Ўзига жалб этади.

"Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида Вйасадева Кришнанинг ана шундай илоҳий кароматларини таърифлаб берган. Айтишларига караганда, Парвардигорнинг мана шу илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаган киши Шри Кришна билан бевосита

руҳий мулоқот қилган, юзма-юз учрашган бўлади. Тинглаш орқали Кришна билан ана шундай учрашув инсон қалбида кришна-бхакти туйғусини уйғотади ва уни руҳий камолот чўққисига кўтаради: "Агар тўғри тингланса, Кришнанинг хабарлари илоҳий сеҳрли қудратга эга. Шри Кришна, Параматма(Олий Руҳ) кўринишида ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган ҳолда, содиқ хизматкорининг бахт-саодатини ўйлаб Парвардигор Кришнанинг хабарларини тинглашга интилаётган содиқнинг қалбини ўткинчи дунёвий лаззатларга бўлган интилиш иллатидан поклайди". "Шримад Бхагаватам" 1.2.17.

"Мана шу "Шримад Бхагаватам"ни тинглашнинг ўзиёқ инсон қалбида Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор Кришнага соф садоқат билан хизмат қилиш истагини уйғотади. Мана шу илоҳий истак инсон қалбидаги алам, алданиш ва кўркув иллатлари оловига сув қуяди". "Шримад Бхагаватам" 1.7.7.

То яқин замонларгача, ҳозир асосан ғарбий маданият таъсири кучайиб бораётган Ҳиндистон халқининг руҳий маданиятида **кришна-лила**(Кришнанинг илоҳий эрмаклари) асосий ўрин эгаллаган. Ҳатто ҳозир ҳам Кришнанинг илоҳий эрмакларидан олинган лавҳалар турли саҳналарда қўйилади, жамоа олдида гапирилади, рақсларда акс эттирилади ва ҳоказо, - яъни қўл келадиган ҳар хил усулларда имкони борича одамларга Парвардигор Кришна ҳақида ҳикоя қилинади. Кришнанинг туғилган кунлари ва кўрсатган кароматлари муқаддас тантана сифатида Ҳиндистоннинг барча шаҳару-қишлоқларида байрам қилинади, йил бўйи бу тантаналарда ёшу-қари, саводлию-саводсиз, бою-камбағаллар бирдай иштирок этадилар. Бундан ташқари, Ҳиндистон маданиятининг анча кейинги давридаги буюк намоёндалари яратган асарлар - Жаядеванинг санскрит тилида ёзган "Гита-Говинда"си, Билвамангала(Сурадас) ва Мирабхайнинг ҳинд тилида ёзган кўшиқлари, Видяпати ва Чандидаснинг бенгал тилида ёзган кўшиқлари, Рупа Госваманинг санскрит тилида ёзган саҳна асарлари Кришнани ўйинқароқ шўх, эркатой, ғаройиб болакай образида, гопи(ёш подачи киз)ларни ўзига мафтун этган чиройли ўспирин подачи кўринишида шарафлайди.

Мазкур асар Кришнанинг ғаройиб кароматларини батафсил ёритиб берадиган, ҳозирги даврда ғарбий давлатларда мавжуд бўлган энг муқаммал китобдир. Саксон тўққиз ҳикоянинг ҳар бирида Шри Кришнанинг ҳаётидан қисқача бир воқеа енгил, тушунарли тилда баён этилган. Мазкур асар - қадимий ведалар илми бўйича ҳозирги замонда энг машхур руҳий устоз Шри Шримад А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг

Парвардигор Кришнага бўлган илохий муҳаббатининг, ундаги буюк донишмандлик илмининг етилиб пишган мевасидир. Шрила Прабхупада ХУ1 асрда Ўзининг *санкиртана* ҳаракати билан кришна-бхакти йўлини қайта тиклаган, бу билан Ҳиндистон халқининг ҳозирги диний дунёқарашига асос солган Шри Чайтанья Махапрабхудан бошланган шогирдлар силсиласига мансуб инсон. Шрила Прабхупада мазкур китобни ўзининг энгил ўқиладиган илик, самимий изоҳлари билан бойитган, бу изоҳлар Ҳиндистон маданияти билан нотаниш бўлган ғарбий ўқувчиларга ҳинд маданияти тушунчаларини чуқурроқ англаб етишда ёрдам беради. Ҳикояларнинг асосий мазмунини ёритиб берадиган бу изоҳлар ўқувчига зарур бўлган қўшимча маълумотларни киритиб, ҳикояларни маънавий жиҳатдан бойитади.

Ҳар бир ўқувчи бу муҳим китобдан фақат ўзига тегишли бўлган муҳим нарсани албатта топа олади. Бу асар шарқий халқларнинг дин тарихини, фалсафасини, маданиятини ўрганиб юрган талабаларга ҳам энг ажойиб дарслик бўлади, чунки унда Ҳиндистон тарихи ва фалсафасидан шу қадар кенг ва чуқур маълумотлар берилганки, бундай маълумотларни биз бошқа бирор тарихий ёки антропологик манбалардан топа олмаймиз. Ҳиндистон санъатини, адабиётини, мусиқа ва рақс санъатини ўрганиб юрган кишилар бу асардан ведалар санъатини асрлар оша бойитиб келаётган лавҳалар манбаини топадилар. Бутун жаҳон халқлари маданиятини ўрганиб юрган талабалар эса Ҳиндистон диний адабиётининг рус тилида осон ва энгил тилда ёзилган асарини ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Файласуф ва теологлар бу асарда ҳақиқатнинг азалий табиати ва Мутлақ Ҳақиқат илмининг туганмас манбаини топадилар. Ҳар хил саргузаштлар билан қизиқадиган, дунёвий энгил адабиётларни ўқишдан чарчаган кишилар эса ўз чарчоқларини маънавий роҳатланиб чиқариш имконига эга бўладилар. Бу асарни диққат билан жиддий ўрганишдан руҳий ҳаётнинг ҳақиқий илмий асосларини излаб юрган одамлар ҳаммадан кўпроқ фойда оладилар. Бу асар мазмуни ўқувчининг фикрини ҳаммага маълум бўлган, сийқаси чиқиб кетган гаплардан чалғитиб, уни ҳақиқатан ҳам сирли, сеҳрли руҳий оламга саёҳат қилишда иштирок этишга ундайди. Асардаги маълумотлар аввалига ўқувчига бегона ва тушунарсиз бўлиб туюлиши мумкин. Лекин, аста-секин қалбида ўрнашиб қолган шартланганлик ва ғофиллик тўсиқларини энга боргани сари ўқувчи ўзининг замон ва макон тушунчаларидан ташқарида бўлган руҳий салтанатга, дунёдаги ҳамма нарса инсон ҳаётининг олий мақсади, илмининг энг юксак

чўккиси бўлган мангу илохий ёш ўспирин кўринишидаги Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг нуқтаи-назари билан кўринадиган илохий даргоҳга тушиб қолганини ўзи яққол ҳис қила бошлайди.

## Китобнинг инглизча нашрига ёзилган сўзбоши

*нивритта-таршаир упагийаманад  
бхаваушадхач чхротрамано "бхирамаат  
ка уттама-шлока-гунануванат  
пуман вираджейета вина пашугхнат*

"Худонинг Олий Шахсини шарафлаб куйлаш *парампара* - шогирдлар силсиласи орқали устоздан шогирдга ўтиб келади; илм руҳий устоздан шогирдга ўтади. Худони ана шундай шарафлаб-куйлаш бу моддий оламнинг сохта, вақтинчалик намоён бўлишини шарафлаб куйлашни истамайдиган одамлар учун жуда ёқимли лаззат бағишлайди. Парвардигорни таърифлаш - туғилиш ва ўлишлар гирдобига тушиб қолган шартланган руҳларнинг дардига малҳам бўладиган ҳақиқий дармондир. Шундай экан, ўзини ўзи ўлдираётган ғофил қассобдан бошқа қандай нодон Парвардигорни шарафлаб-куйлашдан қочади?

"Шримад Бхагаватам" 10.1. 4

Ғарбий давлатларда яшайдиган одамлар мана шунга ўхшаган китобларнинг сиртидаги расмга кўзи тушган заҳоти ҳар хил саволлар бера бошлайдилар: "Кришна дегани ким?", "Кришнанинги ёнида турган қиз ким бўлади?" ва ҳоказо.

Бундай саволларга ҳеч иккиланмасдан Кришна - Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор деб жавоб берамиз. Нимага? Чунки Кришнанинги илохий сифатлари ягона Парвардигорнинг, Худо Шахсининг барча муқаддас китобларда келтирилган таърифларига тўла мос келади. Бошқача қилиб айтганда Кришна - ягона Парвардигор, чунки У ҳаммани бирдай Ўзига жалб қилади. Агар ҳаммани бирдай Ўзига жалб қилиш хусусияти бўлмаса Худо, Парвардигор деган сўзнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди. Лекин, қандай қилиб кимдир ҳаммани ўзига жалб қилиши мумкин? Биринчидан, агар кимдир жуда бой бўлса, пули кўп бўлса, ундай одам кўпчиликни ўзига жалб қилади. Худди шундай агар кимдир жуда кучли бўлса - ҳаммани ўзига жалб этади, шон-шуҳрат қозонган киши ҳам одамлар эътиборини ўзига

жалб этади. Жуда чиройли ёки жуда билимдон, донишманд одам бўлса, ёки бу дунёда ҳеч нарсага боғланмаган бўлса ҳам одам бошқаларни ўзига жалб этади. Шундай қилиб, биз ўзимизнинг ҳаёт тажрибамиздан биламизки, одам бошқаларни ўзига мана шу сифат ёки фазилатлари билан маҳлиё қилиши мумкин: 1. Бойлик, 2. Куч, 3. Шон-шухрат, 4. Гўзаллик, 5. Билимдонлик, 6. Боғланмаслик. Шуни англаб етиш керакки, мана шу олти сифатнинг ҳаммасига бирдай чексиз миқдорда эга бўлган зот Худонинг Олий Шахси, Парвардигор бўлади. Парвардигорнинг бу олти сифатини Ведалар илмининг буюк билимдони бўлган донишманд Парашара Муни таърифлаб берган эди.

Биз кўплаб бой-бадавлат одамларни, кўплаган кучли одамларни, кўплаган машхур одамларни, кўплаган чиройли, гўзал одамларни, кўплаган билимдон одамларни ва моддий бойликларга бутунлай боғланмаган, таркидунё қилиб яшаётган кўплаган одамларни кўрганмиз. Лекин бутун инсоният тарихида ҳеч ким, ҳеч қачон, бир вақтнинг ўзида Кришнадай бу дунёга боғланмаган, Кришнадай бой, қудратли, машхур, чиройли, билимдон бўлмаган. Худонинг Олий Шахси Кришна - беш минг йил аввал ҳақиқатан ҳам Ер юзида яшаган тарихий шахс. У ер юзида 125 йил худди оддий одамларга ўхшаб яшаган, лекин Унинг кўрсатган кароматлари, қилган ишлари - ўзига хос ягона, ғайритабиий эди. Унинг бу дунёда туғилганидан бошлаб то бу дунёни тарк этиб кетгунга қадар қилган ишларини инсоният тарихида бошқа бирор одамнинг ишлари билан тенглаштириб бўлмайди, шу боис биз Парвардигор, Худо Шахси деганда кимни назарда тутаётганимизни тушунган одам дарров Кришна ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахси эканини тан олади. Ҳеч ким Худога тенг бўла олмайди, ҳеч ким Худодан буюкроқ бўла олмайди. "Худо буюк" деган сўзнинг маъносини шундай тушуниш лозим.

Ҳар хил одамлар Худо ҳақида турлича гапирдилар, аммо ведавий муқаддас китоблар, Шанкара, Рамануджа, Мадхава, Вишнусвами, Парвардигор Чайтанья сингари буюк **ачарья**(устоз)лар ва уларнинг узилмас **парампара**(шоғирдлар силсиласи) орқали бораётган издошларининг барчаси Кришна Худонинг Олий Шахси эканини бир овоздан тан оладилар. Ведалар маданиятига мансуб кишилар бўлган ҳолда биз коинотнинг, бутун оламнинг ведаларда ёзилган тарихини ҳақиқат деб тан оламиз: бу битикларда коинот **Сварғалока** деб аталадиган олий сайёралар тизимидан, **Мартйалока** деб аталадиган ўрта сайёралар тизимидан, **Паталалока** деб аталадиган қуйи сайёралар тизимидан таркиб топганлиги

кўрсатилган. Ер сайёрасидаги ҳозирги тарихшунос олимлар бундан беш минг йил олдин бўлиб ўтган тарихий воқеаларни исботловчи далилларни тасаввур қила олмайдилар, антрополог олимлар эса эволюцион таълимот бўйича 40 минг йил аввал бу сайёрада "онгли одам" бўлган эмас деб ҳисоблайдилар. Лекин ведавий муқаддас китоблар, Пураналар, Махобҳорат каби асарлар бизга миллион, миллиард йиллар олдин яшаб ўтган одамлар ҳақида маълумот беради.

Масалан, ведавий битикларда Кришнанинг миллион, миллиард йиллар аввал бу сайёрага келгани, кетгани ҳақидаги тафсилотлар ҳикоя қилинади. "Бхагавад Гита"нинг тўртинчи бобида Кришна Аржунга айтадики, Унинг Ўзи ҳам, Аржун ҳам аввал жуда кўп марта туғилган, У(Кришна) Ўзининг аввалги барча туғилишларини эслайди, Аржун эса эслай олмайди. Мана шу Аржуннинг илми билан Кришнанинг илми орасидаги фарқни яққол кўрсатиб турибди. Балки Аржун ҳам буюк жангчи, Куруларнинг билимдон намоёндаси бўлгандир, лекин барибир у оддий инсон эди, Кришна эса - Худонинг Олий Шахси бўлгани сабабли чексиз илмга эга. Кришна чексиз илмга эга бўлганидан Унинг хотираси ҳам чексиз.

Кришнанинг илми шу қадар мукамалки, Ўзининг миллион, миллиард йил аввал бу дунёга келган пайтида рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммасини билади, лекин Аржуннинг илми ва хотираси макон ва замон чегаралари билан чекланган, чунки у оддий инсон. "Бхагавад Гита"нинг тўртинчи бобида Кришна бир неча миллион йил илгари "Бхагавад Гита" илмини Қуёш фариштаси Вивасванга ўргатганини айтади.

Ҳозирги замонда ғофил даҳрий одамлар орасида қандайдир сеҳрли жараён ёрдамида Худо бўлиб олишга уриниш одат тусига кириб қолган. Даҳрийларнинг айтишига қараганда, одам ўз тасаввурининг кучи билан ёки муроқабасанъатини яхши билган одам Худо бўла олармиш. Лекин Кришна ундай сохта Худолардан эмас. Кришна қандайдир сеҳрли муроқабаси ёки билан ёки сеҳрли йога асосида қаттиқ риёзатлар чекиш ёрдамида Худо бўлиб олган эмас. Бошқача қилиб айтганда, Кришна ҳеч қачон Худо бўлишга интилмаган, чунки У ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳаммиша ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси бўлиб қолаверади.

Ота-онасини тоғаси қамаб қўйган зиндонда Кришна ота-онасининг олдида тўрт қўлли Вишну-Нарайана қиёфасида пайдо бўлди. Кейин У оддий чақалоқ кўринишига кирди ва отасидан Ўзини Вриндаванга, Нанда Махараж ва унинг хотини Яшоданинг уйига олиб бориб қўйишни

илтимос қилди. Кришна ҳали кичкина гўдак бўлган пайтида баҳайбат ялмоғиз иблис Путаана Уни ўлдирмоқчи бўлди, аммо Кришна иблиснинг кўкрагини эмаётиб, сути билан бирга унинг жонини ҳам сўриб олди. Ҳақиқий Парвардигор билан қандайдир "сеҳрли йўллар" ёрдамида Худо бўлиб олган "Худо" орасидаги фарқ ана шундай. Сеҳрли йога билан шуғулланишга Кришнанинг имконияти йўқ эди, шунга қарамай У ҳар қадамда - болалигида, ўсмирлик пайтида, ёшлигида Ўзини Худонинг Олий Шахсидай намоён этарди. Мазкур асарда Унинг инсон қиёфасида кўрсатган кароматлари баён этилади. Гарчи Кришна бу дунёда оддий инсон вазифасини бажариб яшаган бўлса ҳам, У Ўзининг Худонинг Олий Шахсига хос бўлган моҳиятини ҳамisha сақлаб қолган.

Кришна ҳаммани Ўзига жалб қилувчи Зот бўлгани сабабли, ҳар бир иймонли одам ўзининг барча истакларини ягона Парвардигор Кришнада мужассам қилиши лозим. "Бхагавад Гита"да айтилганки, ҳар бир алоҳида инсон фақат ўз танасининг хўжайини ҳисобланади, аммо Кришна, ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Олий Рух - ҳар бир тананинг олий хўжайинидир. Шу боис, агар биз қалбимизда табиатан мавжуд бўлган "кимнидир севиш истаги"ни фақат Кришнада мужассам қила олсак, бугун жаҳонда ўзидан-ўзи, табиий равишда муҳаббат, бирлик ва тинчлик, осойишталик ўрнатилади. Дарахтнинг илдизига сув қуйиш билан инсон унинг шохларини ҳам, баргларини ҳам, гулларини ҳам озиқлантирган бўлади; инсон қорнини овқат билан тўйғазганида у айни пайтда табиий равишда танасининг барча аъзоларини озиқлантирган бўлади.

Ўзининг бутун диққат-эртиборини ва меҳр-муҳаббатини ягона Парвардигорда мужассам қилиш санъати ҳаётда "Кришна онги билан яшаш", "Кришнани англаб яшаш" деб аталади. Жаҳондаги ҳар бир инсон бутун меҳр-муҳаббатини Кришнада мужассам қилиш ёрдамида қалбидаги бошқаларни севишга бўлган эҳтиёжини қондира олиши учун биз "Кришнани англаш Халқаро жамияти"ни ташкил этдик. Ҳар бир одамнинг қалбида кимнидир севиш туйғуси мудраб ётибди. Бутун жаҳонда одамлар қалбларидаги севишга бўлган ана шу эҳтиёжни қондиришга интиладилар. Лекин, гўёки инсониятнинг бахти ва тинчлигига қаратилган алтруизм (фидойилик), филонтропи (саховатпешалик), миллатчилик, ватанпарварлик сингари сунъий равишда ўйлаб топилган ғоялар бу йўлда мутлақо фойдасиз, чунки одамлар Кришнани севиш санъатидан мутлақо беҳабарлар. Одатда одамлар "диний қонун-қоидаларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя

қилиб яшаш билан ҳаётда бахтли бўламан" деб ўйлайдилар. Яна бир хил одамлар моддий тараққиёт ёрдамида, баъзилар ҳиссий лаззатланиш орқали бахтга эришиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Лекин, аслида одамлар фақат қалбида ягона Парвардигорга, Кришнага муҳаббат туйғусини ривожлантириш орқалигина ҳаётда ҳақиқий бахтга эриша оладилар.

Кришна ҳар бир инсон қалбидаги севишга бўлган эҳтиёжини ҳар хил *раса* (муносабат)ларда тўла қаноатлантира олади. *Раса* дегани ҳар хил лаззатга эга бўлган муносабатларни билдиради, бу лаззатлар албатта ширин. Муҳаббатнинг, севгининг лаззатли муносабатларининг асосан ўн икки тури бор. Кришнани энг буюк "номаълум Зот" сифатида, энг олий Ҳукмдор сифатида, энг яқин дўст сифатида, энг яқин фарзанд сифатида, севимли ёр сифатида севиш, Унга муҳаббат изҳор этиш мумкин. Мана шу муносабатлар асосий беш раса ҳисобланади. Бошқа етти хил муносабатларда ҳам инсон Кришнага билвосита муҳаббат ҳис қилиши мумкин, улар ташқи кўринишида бу беш асосий расадан фарқ қилади. Лекин, охир оқибатда инсон ўз қалбидаги кимнидир севишга бўлган эҳтиёжини Кришнани севиш билан қондира олса, унинг нодир инсон танасида ўтказган ҳозирги ҳаёти муваффақиятли ўтган бўлади. Бу - кимнингдир миясига келган хом-хаёл эмас, аксинча, бу - амалда ҳар бир инсон ўзи синаб кўриши мумкин бўлган, синалган аниқ ҳақиқат. Ҳар бир инсон қалбида Худого, Кришнага нисбатан уйғонган муҳаббат туйғуси унинг ҳаётига қанчалик таъсир қилганини ўзи яққол ҳис қилиши мумкин.

"Бхагавад Гита"нинг тўққизинчи бобида Худони, Кришнани англашнинг мана шу илми "барча илмлар шоҳи", "барча сеҳрларнинг маҳфий сирин", ҳамда "илоҳий англашнинг энг олий илми" деб аталган. Шунга қарамай, биз Кришнани англаш илмининг натижаларини ҳар биримиз яққол ҳис қила оламиз, чунки Кришнани англаш жараёни жуда осон бўлиб, кишига чексиз қувонч, лаззат бағишлайди. Кришнани англаш йўлида эришган озгина ютуғимиз ҳам биз билан мангу қолади, чунки бу ютуқларимиз ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда ҳам йўқолиб кетмайди. Ҳозирги замонда ғарбий давлатлардаги маънавий тубанликка юз тутган, тўғри йўлдан адашган ёш йигит-қизларнинг аксарият кўпчилиги Кришнани англаш йўлига кириб, меҳр-муҳаббатини Кришнага, фақат Кришнага қаратиш орқали эришган натижаларини ўзлари яққол ҳис қилиб, ҳаётда чексиз бахтиёр бўлиб яшаштилар.

Маълумки, инсон таркидунёлик қоидаларига қатъий амал қилиб яшаса, жуда кўп қурбонлик маросимлари ўтказса-ю, лекин

қалбидаги Кришнага бўлган мудроқ муҳаббат туйғусини уйғота олмаса, унинг қилган барча ҳаракатлари бефойда бўлади. Аксинча, қалбида Кришнага нисбатан чуқур муҳаббат туйғусини ривожлантира олган одамга таркидунё қилишнинг ёки бошқа бирор риёзат чекиб юришнинг нима кераги бор?

Кришнани англаш ҳаракати - Парвардигор Чайтаньянинг ҳозирги замон одамларига кўрсатган буюк марҳамати, бериб кетган бебаҳо неъматидир. Ҳеч шубҳа йўқки, кейинги йилларда ғарбий давлатларда кенг тарқалаётган бу Ҳаракат ҳар бир инсон қалбидаги севишга бўлган эҳтиёжни тўла қондиради. Бу асар ғарбий давлатларда Кришнани англаш Халқаро жамиятини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ниятида ёзилди. Бу илоҳий асар кўплаган рангли тасвирлар билан икки жилдли бўлиб нашр қилинди. Одамлар одатда бекор вақтини ўтказиш, ортиқча кучларини сарфлаш ниятида ҳар хил саргузаштли ҳикоялар ўқишга қизиқадилар. Энди улар ўзларининг ана шу интилишларини Кришнага қаратишлари мумкин. Бунинг натижасида улар қалбининг тўла, мангу осойишталигига эришадилар, бу ҳақиқат алоҳида ҳар бир инсонга ҳам, бутун инсониятга ҳам бирдай тааллуқлидир.

"Бхагавад Гита"да айтилганки, Кришнани англаш йўлидаги қилинган озгина ҳаракат ҳам инсонни ҳаётда энг катта хавф-хатардан сақлаб қолади. Кришнани, Худони англаш йўлида қилган озгина ҳаракати шарофати билан ҳаётда энг катта фалокатлардан қутулиб қолган одамларга инсоният тарихидан сон-саноксиз мисоллар келтириш мумкин. Шу боис биз ҳар бир фаросатли инсондан мана шу буюк илоҳий асардан ўзига керакли хулоса чиқариб олишини илтимос қиламиз. Бу асарни ўқир экансиз, ҳар бир саҳифа сайин сизга санъат, фан, адабиёт, дин ва фалсафанинг сирли илмлари очила боради, бу китобни диққат ўқиб чиққан кишининг қалбида албатта Худога нисбатан муҳаббат туйғуси уйғонади.

Мен эндиликда "Ҳаре Кришна" мантрисини зикр қила бошлаган ва мана шу асарни нашр қилиш учун 19 минг доллар пулини сарфлаган Шриман Жорж Харисонга чексиз миннатдорчилик билдираман. Эзгу ниятли бу ёш йигитнинг Худони англаш йўлида яна ҳам юксакроқ поғонага кўтарилишида Кришнанинг Ўзи чексиз марҳамат кўрсатишини Ундан тилаб қоламан.

Шунингдек мен Шриман Шйамасундара дас адхикарига, Шриман Брахмананда дас брахмачарига, Шриман Хаягрива дас адхикарига, Шриман Сатсварупа дас адхикарига, Шримати Девахути-девиға, Шримати Жадурани дасига, Шриман

Муралидхари дас брахмачарига, Шриман Бхарадваджа дас адхикарига, Шриман Прадйумна дас адхикари ва бошқаларга чексиз миннатдорчилик билдириб, уларни дуо қилиб қоламан. Уларнинг беминнат саъйи-ҳаракатлари билан бу асар муваффақият билан нашр қилинди. Ҳаре Кришна.

Шрила Бхактисиддханта Сарасватининг дунёга келган куни. 26 феврал 1970 йил.

А.Ч. Бхактиведанта Свами

## Криш

Кришна! Кришна! Кришна! Кришна!

Кришна! Кришна! Кришна! хе!

Кришна! Кришна! Кришна! Кришна!

Кришна! Кришна! Кришна! хе!

Кришна! Кришна! Кришна! Кришна!

Кришна! Кришна! Ракша мам!

Кришна! Кришна! Кришна! Кришна!

Кришна! Кришна! Пахи мам!

Рама! Рагхава! Рама! Рагхава!

Рама! Рагхава! Ракша мам!

Кришна! Кешава! Кришна! Кешава!

Кришна! Кешава! Пахи мам!

"Чайтанья Чаритамрита" (Мадхья 7.96).

Бу китобни ёзишга қўл уришдан аввал мен рухий устозим Ом Вишнупад Парамахамса Паривраджакачарья Аштоттара-Шата Шри Шримад Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махараж Прабхупада олдида эҳтиром билан сажда қиламан. Кейин мен чуқур эҳтиром билан чексиз марҳамат уммони бўлган Парвардигор Шри Кришна Чайтанья Махапрабху олдида сажда қиламан. Аслида У - Худонинг Олий Шахси, одамларга Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг буюк қонун-қоидаларини ўргатишни кенг тарғибот қилиш ниятида Ўзининг содиқ хизматкори **бхакта** қиёфасида Ер юзига ташриф буюрган Парвардигор Кришнанинг Ўзидир. Парвардигор Чайтанья бхакти таълимотини Гаудадеша(Ғарбий Бенгалия) вилоятида тарғибот қила бошлади. Мадхва-Гапудийа-сампрадаё шогирдлар силсиласига мансуб бўлганим учун мен мана шу парампарада турган барча рухий устозлар олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан.

Мадхва-Гаудийа-сампрадаё шогирдлар силсиласини "Брахма-сампрадаё" деб ҳам айтадилар, чунки бу парампара Тангри Брахмадан бошланган. Тангри Брахма бу илмни донишманд Нарада Мунига ўргатган, Нарада Муни - Вйасадевага, Вйасадева - Мадхва Мунига, яъни Мадхвачарйага. Мадхва-Гаудийа-

сампрадаёна шогирдлар силсиласига асос солган Мадхавендра Пури Мадхвачарья сампрадасига мансуб эди; унинг жуда кўп машхур шогирдлари бор эди, уларнинг кўплари таркидунёлик(*саннийаси*) турмуш тарзи билан яшаган, Нитьянанда Прабху, Адвайта Прабху, Ишвара Пури сингари баъзи шогирдлари оилавий ҳаёт кечирганлар. Ишвара Пури Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг устози бўлган. Ишвара Пури, Нитьянанда Прабху, Шри Адвайта Ачарья Прабху, Шривас Пандит ва Шри Гададхара Пандитлар олдида эҳтиром билан сажда қилайлик. Кейин Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг шахсий котиби бўлган Сварупа-Дамодара олдида эҳтиром билан сажда қилайлик. Шунингдек, Шри Васудева Датта ва Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг мангу ҳамроҳи Шри Говинда олдида, Парвардигор Чайтанья Махапрабхунинг якин дўсти Мукунда олдида, Мурари Гупта олдида хурмат билан бош эгайлик. Шунингдек Вриндаванлик олти Госвами - Шри Рупа Госвами, Шри Санатана Госвами, Шри Рагхунатха Бхатта Госвами, Шри Гопала Бхатта Госвами, Шри Жива Госвами ва Шри Рагхунатха Дас Госвами олдида эҳтиром билан бош эгамиз.

Кришна - Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор эканини "Бхагавад Гита"да Кришнанинг Ўзи тушунтириб берган. Инсоният ҳаётини тартибга солиб турган қонун-қоидалар таназзулга юз тутиб, одамларнинг аксарият кўпчилиги гуноҳ ишлар қилиб нопок ҳаёт кечира бошлаган заҳоти Кришна ер юзига ташриф буюради. Бошқача қилиб айтганда Парвардигор Шри Кришна Ер юзига келган пайтда бунинг учун яъни бу сайёрада, ёки мана шу коинотда гуноҳ ишларни камайтиришга эҳтиёж туғилган эди. Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган кўриниши Парвардигор Маха-Вишну моддий оламда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларни назорат қилиб туради.

Парвардигор бу оламга ташриф буюрганда Унинг тўлиқ қиёфаси Вишнудан пайдо бўлади. Маха-Вишну моддий олам яралишининг бошланғич сабабчиси, Ундан аввалига Гарбходакашайи Вишну, кейин Кширодакашайи Вишну намоён бўлади. Одатда бу дунёда намоён бўладиган аватараларнинг ҳаммаси Кширодакашайи Вишнунинг тўлиқ намоён бўлган кўринишларидир. Ер юзида тўпланиб қолган гуноҳ ишлар оқибатини бартараф этиш шахсан ягона Парвардигорнинг, Шри Кришнанинг иши эмас. Лекин, ер юзига Парвардигор Кришнанинг Ўзи ташриф буюрганида Унинг барча экспансиялари ҳам Унга қўшиладилар. Кришнанинг ҳар хил экспансиялари - Нарайана, тўртала экспансия

Васудева, Санкаршана, Прадьюмна ва Анирудха, балиқ Матсйа кўринишидаги тўлиқ бўлмаган экспансияси - шунингдек бошқа даврларда келадиган экспансия(йуга-аватара)лар, манвантара-аватаралар, Ману кўринишидаги қиёфалар - ҳаммаси бирга қўшилиб, Худонинг Олий Шахси Кришна билан бирга Ер юзига келадилар. Кришна тўла бутун Зот, шу боис Унинг намоён бўладиган барча экспансиялари ҳаммаша У билан бирга юради.

Парвардигор Кришна Ер юзига ташриф буюрганида Парвардигор Вишну ҳам У билан бирга эди. Аслида Парвардигор Кришна бу оламга Вриндаванда Ўзининг илоҳий эрмакларини ўтказиш учун, шартланган руҳлар орасидан энг омадлиларини Ўзига жалб қилиш учун, уларни ўз уйларига, Худонинг даргоҳига тақлиф қилиш учун ташриф буюради. Унинг иблислар билан бўлган жанглари Унинг Вриндавандаги илоҳий эрмаклари билан бир вақтда бўлиб ўтган ва уларда Кришнанинг фақат Вишну-экспансиялари иштирок этган.

"Бхагавад Гита"нинг саккизинчи боб, йигирманчи шеърида айтилганки, бу намоён бўлган ва намоён бўлмаган моддий оламга нисбатан илоҳий табиатда бўлган "бошқа олам" - мангу табиат, руҳий олам бор. Намоён бўлган оламни сон-саноксиз юлдузлар ва қуёш, ой сингари сайёралар тизими шаклида кўриш мумкин, аммо бундан бошқа борлиқнинг намоён бўлмаган қисми ҳам борки, моддий тана ичида туриб ҳеч ким унга яқинлаша олмайди. Ана шу намоён бўлмаган моддий оламдан ташқарида руҳий салтанат жойлашган. Ана шу салтанат "Бхагавад Гита"да "мангу ва олий даргоҳ" деб таърифланган. Ўша салтанат ҳеч қачон яқсон бўлмайди. Бу моддий табиат, моддий олам гоҳида пайдо бўлади, гоҳида яқсон бўлади. Лекин бошқа олам, руҳий табиат ҳеч қачон ўзгармасдан мангу қолади.

Парвардигор Кришнанинг олий даргоҳи "Брахма-самхита"да ҳам *чинтамани*(фалсафа тоши) деб таърифланган. Парвардигор Кришнанинг Голока Вриндавана деб аталадиган ана шу даргоҳида фалсафа тошидан қурилган жуда кўп саройлар бор. У даргоҳда "*орзулар дарахти*" деб аталадиган дарахтлар, *сурабхи* деб аталадиган сугирлар бор. У жойда Парвардигорга юзлаб, минглаб раванқ фаришталари хизмат қиладилар. Парвардигорнинг номи Говинда - азалий Парвардигор, У - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси. У даргоҳда Парвардигор Ўзининг найини чалиб юради, Унинг кўзлари нилуфар гулининг гулбаргларига ўхшайди, танаси ёмғирли қора булут рангида. Чиройли сочларига товус пати қистириб қўйилган. У Ўзининг гўзаллиги, чиройи, мафтункорлиги билан



минглаган севги фаришталарини лол қолдиради. Парвардигор Кришна "Бхагавад Гита"да руҳий оламдаги энг юксак сайёра бўлган Ўз даргоҳи ҳақида жуда кам гапирган. Аммо "Шримад Бхагаватам" Кришна бевосита Ўзининг барча ҳамроҳлари билан аввалига Вриндаванда, кейин Матхурада, сўнгра Дваракада Ўз эрмакларини ўтказгани ҳақида ҳикоя қилади. Парвардигорнинг ана шу илоҳий эрмаклари мазкур асарда бирин-кетин баён этилган.

Кришна бу дунёга келган хонадон Йадавалар сулоласига мансуб бўлган оила эди. Бу сулола Ой сайёрасида яшаган фаришта Сомадан бошланган. Хукмрон кшатрийларнинг икки сулоласи мавжуд, уларнинг биттаси Ой сайёрасининг ҳукмдоридан, иккинчиси Қуёш фариштасидан бошланган. Худонинг Олий Шахси Ер юзига ташриф буюрганида одатда кшатрий(шоҳ)лар сулоласида дунёга келади, чунки У одамлар орасида Худонинг қонунларини ўрнатиб, такводорлик турмуш тарзини қайта тиклаши лозим. Ведалар маданияти ҳукмрон бўлган жамиятда кшатрийлар инсониятнинг ҳимоячилари бўлган. Худонинг Олий Шахси Парвардигор Рамачандра киёфасида келганида, Қуёш фариштасидан бошланган, "Рагху-вамша" деб аталадиган сулолага мансуб хонадонда туғилган эди; Парвардигор Кришна бўлиб келганида эса У "Йаду-вамша" сулоласида дунёга келди. "Шримад Бхагаватам"нинг тўққизинчи кўшиқ, йигирма тўртинчи бобида Йаду-вамша сулоласига мансуб шоҳларнинг рўйхати кўрсатилган. Уларнинг барчаси буюк ва кудратли шоҳлар бўлган. Кришнанинг отасининг исми Васудева бўлиб, у Йадулар авлодидан бўлган Шурасенанинг ўғли эди. Аслини олганда Худонинг Олий Шахси бу моддий дунёдаги бирор сулолага мансуб эмас, лекин Парвардигор дунёга келган сулола Худонинг марҳамати билан шон-шуҳрат қозонади. Масалан, сандал дарахтини Малайдан олиб келадилар. Сандал дарахтининг ўзига хос ажойиб хусусиятлари бор, лекин сандал дарахти қандайдир сабаблар билан асосан Малайда ўсгани сабабли уни "Малайи сандал дарахти" деб атайдилар. Аслида Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахси ҳаммага бир хилда тегишли, лекин худди гарчи оламнинг бошқа томонлари бор бўлсада, қуёш ҳамиша фақат шарқдан чиққани сингари, Парвардигор ҳам бу дунёга Ўзи истаган сулолада келади ва шу билан бирга У ўша сулолага шон-шуҳрат олиб келади.

Кришна бу дунёга ташриф буюрганида Унинг барча тўлиқ экспансиялари ҳам У билан бирга келадилар. Кришна бу дунёга Балорам(Баладева) билан бирга ташриф буюрди,

Уни Кришнанинг акаси деб биладилар. Балорам тўртламчи экспансия Санкаршананинг манбаидир. Айти пайтда Балорам Кришнанинг тўлиқ экспансияси. Бу китобда биз қандай қилиб Кришна Ер юзига келгани, Йадулар хонадонидан туғилгани, Ўзининг илоҳий сифатларини қандай намоён этгани ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қиламиз. Бу воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиғида таърифланган, шу боис ушбу китоб тўлалигича "Шримад Бхагаватам"га асосланган.

Озодликка эришган руҳлар одатда Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, бундан чуқур илоҳий лаззат олиб яшайдилар. Моддий оламдаги шартланган руҳлар эса, оддий одамларнинг дунёвий ишлари ҳақида бировлар ўйлаб топган ҳикояларни ўқишни, тинглашни ёқтирадилар. Парвардигорнинг илоҳий кароматлари таърифланган ҳикояларни "Шримад Бхагаватам" ва бошқа Пураналардан топишимиз мумкин. Лекин шартланган руҳлар одатда дунёвий одамлар ҳақидаги ҳикояларни ёқтирадилар. Уларни Парвардигор Кришнанинг эрмаклари ҳақидаги китоблар унча қизиқтирмайди. Лекин Парвардигор Кришнанинг эрмаклари ҳақидаги ҳикоялар шу қадар қизиқарлики, улар ҳар қандай тоифадаги одамларга ҳам лаззат бағишлайди. Бу дунёда одамлар уч тоифага мансуб бўладилар. Биринчи тоифа одамлар - руҳий озодликка эришган буюк зотлар, иккинчи тоифадаги одамлар - руҳий озодликка интилиб юрган одамлар, учинчи тоифа одамлар - атеист, иймонсиз даҳрийлар. Қайси тоифада бўлишидан қатъий назар, озод руҳми, озодликка интилаётган кишими ёки иймонсиз даҳрийми - ҳар бир фаросатли одам Парвардигор Кришнанинг эрмакларини ўқиб ўрганиши лозим.

Озод руҳлар дунёвий фаолият билан қизиқмайдилар. "Руҳий озодликка эришгандан кейин тирик мавжудот бутунлай ҳаракатсиз бўлиб қолади, унда бирор нарса ҳақида тинглашга зарурат йўқ" деб ўргатадиган имперсоналистлар таълимоти озод руҳларнинг ҳақиқатан ҳам ҳаракатсиз эканини исботлай олмайдилар. Тирик мавжудот ҳамиша ҳаракатда бўлади - шартланган ҳолатда ҳам, озод ҳолатда ҳам. Масалан, касал одам ҳам ҳаракат қилади, соғ одам ҳам, лекин касал одамнинг ҳар бир ҳаракати унга қаттиқ изтироб олиб келади. Касалдан халос бўлгандан кейин ҳам у ҳаракат қилишда давом этаверади, лекин энди унинг ҳар бир ҳаракати унга изтироб эмас, лаззат олиб келади. Худди шундай имперсоналистлар ҳам шартланган, носоғлом ҳолатда ҳаракат қилишдан халос бўлишлари мумкин, лекин бунинг учун уларга соғлом ҳолатда ҳаракат

қилиш ҳақидаги илм етишмайди. Ҳақиқатан ҳам руҳий озодликка эришган ва мукамал илмга эга бўлган зотлар Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни мароқ билан тинглайдилар: бу пок руҳий фаолият ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам руҳий озодликка эришган кишилар Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаши керак. Улар учун бу ҳикоялар энг юксак лаззат келтирадиган машғулот ҳисобланади. Шунингдек, руҳий озодликка интилиб юрган одамлар ҳам "Бхагавад Гита" ва "Шримад Бхагаватам" сингари асарларни тингласалар, улар учун ҳам руҳий озодликка чиқиш йўллари кенг очилади. "Бхагавад Гита"ни ўрганиш натижасида инсон Парвардигор Кришнанинг ҳолатини тушуниб олади; у Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан ўзига паноҳ топганида "Шримад Бхагаватам"да келтирилган Кришна ҳақидаги ҳикояларни тўғри тушуна бошлайди. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья Ўзининг барча издошларига Кришна-катхани, Кришна ҳақидаги ҳикояларни бутун жаҳон бўйлаб тарқатишни буюрган.

Кришна-катха дегани Кришна ҳақидаги ҳикоялардир. Кришна-катха икки турли бўлади: Кришнанинг Ўзи айтган гаплар ва Кришна ҳақидаги ҳикоялар. "Бхагавад Гита" - ягона Парвардигор, Худо ҳақидаги илм, фалсафа, Худонинг таърифи бўлиб, уни бевосита Кришнанинг Ўзи айтиб берган. "Шримад Бхагаватам" Кришнанинг илоҳий кароматлари ва эрмаклари ҳақида ҳикоя қиладиган асар. Буларнинг иккиси ҳам кришна-катха ҳисобланади. Парвардигор Чайтанья бутун жаҳон бўйлаб кришна-катхани тарқатинглар деб буюрган, чунки моддий ҳаёт мусибатларидан қийналиб яшаётган шартланган руҳлар кришна-катхага мурожаат қилсалар, уларнинг олдида руҳий озодликка чиқиш йўллари кенг очилади. Бу китобни ёзишдан асосий мақсад одамларни Кришнани, кришна-катхани тушунишга ундаш, чунки бунинг натижасида улар мусибатга тўла моддий олам тутқунлигидан руҳий озодликка чиқа оладилар.

Кришна-катха ҳатто энг ашаддий дунёвий одамлар, иймонсиз даҳрийлар учун ҳам қизиқарли, чунки Кришнанинг гопи(подачи қиз)лар билан ўтказган эрмаклари сиртдан қараганда бу дунёдаги ёш йигит ва қизларнинг ишқий ўйинларига ўхшаб кетади. Аслини олганда одамлар жамиятида учратадиган ҳирсий, шаҳвоний эҳтирослар қандайдир ғайритабиий туйғулар эмас, чунки худди шундай шаҳвоний эҳтирослар Худонинг Олий Шаҳсида ҳам бор. Парвардигорнинг лаззатланиш қувватининг тимсоли Шримати Радхарани деб

аталади. Жинсий алоқага асосланган ишқий эҳтирослар ҳам Худонинг Олий Шаҳсининг хусусиятларидан бири, бизлар - шартланган руҳлар ҳам, Худонинг ажралмас бўлаклари бўлган ҳолда ўзимизда худди шундай туйғуларни ҳис қиламиз, лекин бизларнинг туйғуларимиз ҳозир нопок, булганган, мукамал эмас. Шу боис, жинсий алоқага асосланган ҳиссий лаззатларга қизиқадиган одамлар Кришнанинг гопилар билан ўтказган ишқий ўйинлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаганида, гарчи бу худди дунёвий лаззатга ўхшаса ҳам, улар бундан илоҳий, руҳий лаззат оладилар.

Руҳий лаззатнинг моддий лаззатдан афзаллиги шундаки, бунинг натижасида одамлар аста-секин руҳий поғонага кўтарила бошлайдилар. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, агар одам камтарин ҳолда ишонарли устоздан Парвардигор Кришнанинг гопилар билан ўйнаган эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тингласа, у албатта Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришади, унинг қалбидаги дунёвий эҳтирос касаллиги тағ-томири билан яксон бўлади. Бошқача қилиб айтганда бу лаззат шаҳвоний эҳтирос келтирадиган лаззатдан устун туради.

Кришна Ўзига озод руҳларни ҳам, озодликка интилаётган руҳларни ҳам, шартланган, кўпол даҳрийларни ҳам жалб этади. Шукадева Госвамидан Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаган Махараж Парикшитнинг фикрига кўра, қандай ҳаёт шароитида яшаётганидан қатъий назар кришна-катха ҳар бир одамга ҳам мос келади. Ҳар бир фаросатли одам уни жуда юксак кадрлай олади. Аммо Махараж Парикшит огоҳлантириб айтганки, ҳаётда беозор ҳайвонларни, шу билан ўзларини ҳам ўлдириб юрган ҳайвонсифат, ёвуз, бераҳм одам(қассоб)лар кришна-катхани қабул қилишлари жуда қийин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, кришна-катха муқаддас китобларда кўрсатилган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиб яшаётган оддий одамларни ўзига жалб этади, лекин ўз ҳалокатини чакириб юрган ҳайвонсифат одам(қассоб)лар бундан мустасно. "Шримад Бхагаватам"да бу ҳақда *пашуғхна* ибораси ишлатилган, унинг маъноси "ўзини ёки ҳайвонларни ўлдириш" деганни англатади. Ҳақиқий ўзлигини, "мен"ини англаб етмаган, руҳий ўзлигини англашга интилмайдиган одамлар аслида "инсон" сифатида ўзларини ўлдираётган одамлардир: улар ўзларининг ҳаётига суиқасд қилаётган қотиллар ҳисобланадилар. Инсон ҳаёти тирик мавжудотга фақат руҳий ўзлигини англаш учун берилади, шу боис ўзининг ана шу асосий, энг муҳим бурчини бажармаётган киши, худди ҳайвонларга ўхшаб яшаш билан ўз умрини ҳазон қилаётган бўлади.

Шунинг учун у - *пашугхна*. Бу иборанинг бошқа маъноси ҳақиқатан ҳам ҳайвонларни ўлдириб юрган одамларни, яъни ҳайвон(ҳатто ит) гўшти билан овқатланадиган одамларни билдиради. Ундай одамлар овда, фабрикада ҳар хил йўллар билан ҳайвонларни ўлдириб, уларниг гўштини истеъмол қиладилар. Ана шундай ёвуз одамларни албатта кришна-катха қизиқтирмайди.

Шоҳ Парикшит учун кришна-катха тинглаш қизиқарли ва жуда муҳим эди, чунки у ўзининг ота-боболари, масалан Аржун, Курукшетрада бўлиб ўтган қирғинбарот жангда фақат Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан ғалаба қозонишга муваффақ бўлганини яхши биларди. Биз ҳам бу моддий оламни ўзимиз учун Курукшетра майдони деб тасаввур қилишимиз мумкин. Мана шу жанг майдонида ҳар бир одам тирикчилик учун қаттиқ жанг олиб боряпти, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида бизни албатта қандайдир хавф-хатар кутиб турибди. Махараж Парикшитнинг гапларига қараганда Курукшетра жанг майдони худди ичида баҳайбат йиртқич ҳайвонлар тўла бўлган бепоён Уммонга ўхшайди. Унинг бобоси Аржун Бхишма, Дрона, Карна сингари, оддий жангчилардан бўлмаган буюк баҳодирлар ва бошқа кўплаб қахрамонлар билан жанг қилиши лозим эди. Ана шундай жангчиларни океанда яшайдиган йиртқич махлуқ тимингалага ўхшатадилар. *Тимингала* шу қадар даҳшатли йиртқич ҳайвонки, у осонлик билан катта китни ҳам ютиб юбора олади. Курукшетрадаги буюк жангчилар осонлик билан кўплаб Аржунларни ютиб юборишлари мумкин эди, лекин Кришнанинг марҳамати билан Аржун уларнинг ҳаммасини мағлуб қилишга муваффақ бўлди. Худди одам бузоқнинг туёқ изларида тўпланиб қолган кўлмақдан осонлик билан ҳатлаб ўта олгани сингари, Кришнанинг марҳамати билан Аржун ҳам Курукшетрадаги жанг уммонидан осонлик билан ўтиб олди.

Махараж Парикшит бошқа кўп сабабларга кўра ҳам Кришнанинг ғаройиб кароматларини жуда қадрлар эди. Кришна жанг майдонида фақат унинг бобосини эмас, балки унинг ўзини ҳам ҳалокатдан қутқариб қолган эди. Курулар хонадонининг беш нафар Пандузодадан бошқа ҳаммаси - Дхритараштра томонида жанг қилган ўғиллари, неваралари, шунингдек Пандузодалар томонда турганлар ҳам Курукшетра жанг майдонида ҳалок бўлдилар. Махараж Парикшит ўша пайтда ҳали онасининг қорнида эди. Унинг отаси, Аржуннинг ўғли Абҳиманью ҳам Курукшетрада ҳалок бўлганди, Махараж Парикшитнинг тақдирига отасининг ўлиmidан кейин дунёга келиш ёзилган эди. Ҳали онасининг қорнида пайтида уни ўлдириш учун Ашваттхама браҳмастра деган илоҳий қуролни

қўллади. Махараж Парикшитнинг онаси Уттара Кришнанинг олдига келганда, унинг қорнидаги бола хавф остида қолганини кўриб, Кришна Олий Рух кўринишида Уттаранинг қорнига кириб Махараж Парикшитни ҳалокатдан қутқариб қолди. Махараж Парикшитнинг бошқа бир исми Вишнурата, чунки уни ҳали онасининг қорнида ётган пайтида Парвардигор Вишнунинг Ўзи қутқариб қолганди.

Шундай қилиб, ҳаётда қандай турмуш кечириб юрганидан қатъий назар ҳар бир фаросатли одам Кришна ва Унинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга ҳаракат қилиши лозим, чунки Кришна - Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахсидир. У ҳаммани Ўзига жалб қилади; У ҳар бир жонзотнинг қалбида ҳам, У Ўзининг фазовий киёфасида ҳам мавжуд. Лекин шунга қарамай, "Бхагавад Гита"да ёзилганидай, У Ўзининг азалий мангу илоҳий киёфасида ҳар замон ҳар замонда омадли такводор инсонларни Ўзининг илоҳий даргоҳига, ўзларининг мангу кадрдон уйларига таклиф қилиш учун Ер сайёрасига, одамлар орасига келиб туради. Ҳар бир фаросатли одам Кришнани билиб олишга интилиши лозим, мазкур китоб ҳам илоҳи борича кўпроқ одамлар Кришна билан яқиндан танишишига, ўзларининг ҳозирги инсон танасидаги ҳаётида энг буюк бахтга эришишларига ёрдам бериш учун мўлжалланган.

"Шримад Бхагаватам"нинг тўққизинчи қўшиғиди Шри Баладева Васудеванинг хотини Рохинининг ўғли бўлиб дунёга келгани ёзилган. Кришнанинг отаси Васудеванинг ўн олти хотини бўлган, Балорамнинг онаси Рохини улардан биттаси эди. Балорамни "Девакининг ўғли" деб ҳам айтадилар, қандай қилиб У ҳам Девакининг, ҳам Рохинининг ўғли бўлиши мумкин? Махараж Парикшитнинг Шукадева Госвамига берган саволларидан биттаси шундай эди, вақти келиб бунга албатта жавоб оласиз. Махараж Парикшит Шукадева Госвамига яна шундай савол беради: нимага Шри Кришна, Васудеванинг ўғли бўлиб дунёга келган заҳоти Вриндаванга, Гокуладаги Нанда Махаражнинг уйига олиб ўтилди? Махараж Парикшит Кришна Вриндаванда, Матхурада бўлган пайтларида қандай кароматлар кўрсатгани билан ҳам қизиқди. Бундан ташқари уни нима сабабдан Кришна Ўзининг тоғаси Камсани ўлдиргани ҳам қизиқтирарди. Камса, Кришнанинг онасининг акаси бўлгани сабабли қариндошлик мартабаси бўйича Кришнадан устун турарди, шунга қарамай нимага Кришна уни ўлдирган? Шунингдек Махараж Парикшит Шукадева Госвамидан Парвардигор Кришна одамлар орасида қанча вақт яшаб қолгани, қанча вақт У Дваракада шоҳлик қилгани, Унинг нечта хотини

бўлгани ҳақида ҳам сўради. Одатда шох-кшатрийларнинг хотинлари кўп бўлади, шу боис Махараж Парикшит Кришнанинг неча хотини борлигини сўрагани. Бу асарнинг асосини Шукадева Госвामининг Махараж Парикшитнинг ана шундай ҳар хил саволларига берган жавоблари ташкил этади.

Махараж Парикшит ва Шукадева Госвामининг ўзаро муносабатлари, уларнинг руҳий ҳолатлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Махараж Парикшит - Парвардигор Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақида тинглашга муносиб бўлган инсон, Шукадева Госвами эса - Кришнанинг илоҳий кароматларини муносиб таърифлай оладиган киши. Ана шундай ажойиб вазият юзага келганда кришна-катханинг моҳияти дарров яққол намоён бўлади ва бундан одамлар энг буюк руҳий манфаат кўрадилар.

Шукадева Госвами бу ҳикояларни Махараж Парикшит Ганга дарёси бўйида оч ўтириб, риёзат чеккан ҳолда танасини тарк этишга ҳозирланаётган вақтда унга гапириб берган. Кришна-катхани тинглашдан чарчаб қолмаслигига Шукадева Госвामини ишонтириш учун Махараж Парикшит унга мурожаат қилиб очикдан-очик шундай дейди: "Очлик ва чанкоклик фақат оддий одамларни, яъни мени ташвишга солиши мумкин, аммо Кришна ҳақидаги илоҳий ҳикоялар шу қадар ғаройибки, одам уларни ҳеч чарчамасдан узок вақт тинглайвериши мумкин, чунки бунда унинг ўзи ҳам руҳий поғонага кўтарилади". Шунини яхши тушуниш лозимки, Махараж Парикшитга ўхшаб ҳар ким ҳам кришна-катхани жиддий эътибор билан тинглаш бахтига муяссар бўлавермайди. У бу ҳикояларни диққат билан жиддий тинглар эди, чунки муқаррар ажали олдида турган эди. Ҳар биримиз шуни яхши билишимиз лозимки, ажал инсонга истаган пайтда келиши мумкин. ёшми, кексами, бунинг мутлақо аҳамияти йўқ. Шундай экан, ҳар бир фаросатли одам ажали келишга улгурмай туриб албатта Худони, Кришнани тўла англаб олиши лозим.

Ўз ажалини кутиб ўтирган ҳолда Махараж Парикшит Шукадева Госвामидан "Шримад Бхагаватам"ни тинглади. Шох Парикшит Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглашга жуда қизиқиб турганини айтганида Шукадева Госвами бундан жуда қувонди. Шукадева Госвами "Шримад Бхагаватам"ни ҳикоя қиладиганлар орасида энг буюк зот эди, у ҳозирги Кали-юга давридаги инсонлар ҳаётидан барча мусибатларни бартараф этишга қодир бўлган кришна-катха, яъни Кришнанинг ҳар хил илоҳий эрмаклари ҳақида гапира бошлади. Шукадева Госвами Махараж Парикшитнинг қалбида Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглашга интиляётгани учун унга

миннатдорчилик билдирди ва уни шундай деб олқишлади: "Эй азиз шох, сен жуда ақл-заковатли зотсан, чунки сен Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглашга интиляпсан". У Махараж Парикшитга айтдики, ишнанинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни

23

тинглаш (*шраванам*) ва уларни бошқаларга гапириб бериш (*киртанам*) жараёни унда иштирок этаётган ҳар учала одамнинг қалбини ҳам барча иллатлардан поклайди: Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақида гапириб бераётган кишининг қалбини ҳам; уларни тинглаётган одамнинг қалбини ҳам, Кришна ҳақида саволлар бераётган одамни ҳам. Бу илоҳий ҳикоялар худди Парвардигор Вишнунинг қадамлари пойидан оқиб тушадиган муқаддас Ганга сувларига ўхшайди: улар бутун уч оламни - олий, ўрта ва куйи сайёралар тизими аҳлини гуноҳлари оқибатидан поклайди.

## 1. Парвардигор Кришнанинг дунёга келиши

Қадимда Ер юзига ҳукмронлик қилиб турган шохлар кўл остига шу қадар кўп ҳарбий қудрат тўпладиларки, уларни ўзининг устида кўтариб туриш Она Ерга оғирлик қилиб қолди. Аслида бу ҳукмдорлар шохлар либосини кийиб олган иккиюзламачи иблислар, иймонсиз даҳрийлар эди. Натижада Ер юзида ҳаёт бутунлай издан чиқиб кетди, Ер сайёрасидаги ҳаётни таъминлаб турган **Бхуми** деган фаришта бу иблис-шохлар дастидан қанчалик азият чекаётгани ҳақида арз қилиш ниятида Тангри Браҳма олдига йўл олди. Бхуми сигир қиёфасига кириб олди ва кўзлари жикка ёшга тўлиб Тангри Браҳманинг олдида пайдо бўлди. Бхуми чуқур қайғуга ботган, Тангри Браҳманинг ҳамдардлик билдиришини истаб, кўзидан тинмай ёш тўкарди. Фариштадан Ер юзидаги аҳвол жуда ачинарли ҳолатга келиб қолгани ҳақидаги хабарни эшитиб Тангри Браҳма қаттиқ ташвишга тушди. У шу заҳотиёқ Парвардигор Вишну яшайдиган сут уммони қирғоғига йўл

олди. Тангри Шива бошлиқ бошқа барча фаришталар ҳам унга ҳамроҳ бўлдилар, Бхуми ҳам улар билан бирга эди. Сут уммони қирғоғига келиб Парвардигор Вишнуни чақира бошлади. Бир пайтлар Парвардигор Вишну илохий тўнғиз қиёфасига кириб Ер сайёрасини сувга ғарқ бўлишдан қутқариб қолган эди.

Ведавий мантралар ичида *Пуруша-сукта* деб аталадиган алоҳида бир мантра бор. Одатда фаришталар Худонинг Олий Шахси Парвардигор Вишнуга ана шу мантрани ўқиб мурожаат қиладилар. Маълумки, ҳар бир сайёрада ҳукмронлик қилаётган фаришта ўз сайёрасида бирор фавқулудда ҳолат юз берганини сезганида коинотни бошқариб турган ҳукмдор Тангри Браҳмага мурожаат қилиши мумкин. Тангри Браҳма эса олий ҳукмдор Парвардигор Вишнуга мурожаат қилади. Тангри Браҳма Парвардигор Вишнуга бевосита эмас, сут уммони қирғоғида туриб илтижо қилиш орқали мурожаат қилади. Бу коинотда Шведатвипа деган сайёра мавжуд бўлиб, унда сут уммони бор. Ведавий муқаддас китоблар айтилганки, худди сайёрамизда шўр сувли океан бўлгани сингари, бошқа сайёраларда ҳам хил суюқлик билан тўла океанларни учратиш мумкин. Қайсидир сайёрада сут уммони бор, қаердадир ёғ уммони, қаердадир шароб уммони ва ҳоказо. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси Кширодакашайи Вишнуни мамнун қилиш учун фаришталар одатда Пуруша-сукта мантрасини тиловат қиладилар. У сут уммони юзида ётиб ҳордиқ чиқаргани сабабли Уни Кширодакашайи Вишну деб айтадилар (*кишира* - "сут" дегани). У - Худонинг Олий Шахси, Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўладиган барча қиёфаларининг манбаи ҳисобланади.

Барча фаришталар биргаликда Пуруша-сукта мантрасини тиловат қилдилар, лекин Парвардигордан ҳеч қандай жавоб бўлмаётгандай эди. Шунда Тангри Браҳманинг ўзи чуқур муроқабига берилди ва Парвардигор Вишнудан аниқ кўрсатмалар олди. Кейин у бу кўрсатмаларни бошқа фаришталарга берди. Ведалар илмини ўрганиш тизими, илохий илм ўрганиш йўли шундай. Аввалига Худонинг Олий Шахси ведалар илмини юраги орқали Тангри Браҳмага беради, бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"да ҳам айтилган: *тене брахма хрида*. Бу ерда ҳам шундай бўлди: Парвардигор Вишнунинг берган кўрсатмасини фақат Тангри Браҳма тушунган эди. Кейин у бу кўрсатмаларни дарров амалга оширишга киришишлари учун бошқа фаришталарни хабардор қилди. Кўрсатма шундан иборат эдики, тез орада Худонинг Олий Шахси Ўзининг қудратли қувватлари билан бирга Ер сайёрасига ташриф буюради. То у Ер сайёрасида юриб Ўз ниятларини - иблисларни

яксон қилиш ва омадли, иймон-эътиқодли одамларни Ўзининг содиқ хизматкор(бхакта)ларига айлантиришни амалга оширар экан, фаришталар ҳам Ер сайёрасига тушиб Унга ёрдам беришлари керак. Шунинг учун фаришталар ҳозирнинг ўзидаёқ Йадавдалар сулоласига мансуб оилаларда туғилишлари керак, вақти келиб Парвардигор ҳам айнан мана шу сулолада дунёга келади.

Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг Ўзи Васудеванинг ўғли бўлиб дунёга келди, бундан олдин эса, Парвардигорнинг бу дунёдаги ишларида ёрдамлашиш учун барча фаришталар ўзларининг рафиқалари билан бирга ҳам хил такводор оилаларнинг фарзандлари бўлиб туғилдилар. Бу ерда ишлатилган санскритча *там-прийартхам* ибораси "Парвардигорни мамнун қилиш учун фаришталар ҳам Ер юзида пайдо бўлишлари керак" деган маънони англатади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётда фақат Парвардигорни мамнун қилиш учун яшаб юрган ҳам бир тирик мавжудот фаришта ҳисобланади. Яна фаришталарга айтилган эдики, Парвардигор Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси, Ўзининг миллионлаган капчаларини ёйиб коинотдаги барча сайёраларни ушлаб турган Ананта ҳам Парвардигор Кришнадан олдинроқ Ер юзига ташриф буюради. Яна айтилган эдики, Парвардигор Вишнунинг ташқи қуввати, барча шартланган руҳларни алдаб, адаштириб қўйган Майя ҳам Парвардигорнинг режаларини амалга ошириш учун Ер юзига келади.

Фаришталарга ва Бхумига Парвардигор Вишнунинг кўрсатмаларини етказиб, ўзининг ширин сўзлари билан уларни овутиб, барча праджапатиларнинг - оламга таралган бутун инсониятнинг бошланғич аждодларининг отаси бўлган Тангри Браҳма ўз даргоҳига - коинотдаги энг олий сайёра - Браҳмаалокага йўл олди.

Йадавдалар сулоласининг сардори шох Шурасена Матхура мамлакатига, шунингдек Шурасена деган вилоятга ҳукмронлик қиларди. Шурасена Матхурада ҳукмрон бўлгани учун бу юрт Йадавдалар сулоласидаги барча шохларнинг пойтахтига айланган эди. Матхура шаҳри яна шу сабабдан Йадавдалар сулоласининг пойтахти эдики, бу сулола одамлари жуда такводор зотлар бўлиб, Парвардигор Кришна Дваракада мангу яшагани сингари, У хамиша Матхура шаҳрида ҳам мангу мавжуд эканини билардилар.

Кунларнинг бирида Шурасенанинг ўғли Васудева оила қуриш учун Деваки билан никоҳ маросимини ўтказиб уйига қайтаётган эди. Девакини жонидан ҳам ортиқ яхши кўрадиган отаси Девака, қизига жуда кўп сеп қўшиб берган, сеп таркибида олтин билан безатилган юзлаб

жанг аравалари бор эди. Уграсенанинг ўғли Камса синглиси Девакини мамнун қилиш учун Васудеванинг аравасига ўтириб, ўзи жиловдорлик қила бошлади. Янги турмуш қурган қиз ўзи туғилиб ўсган уйни ташлаб кетгани сабабли қаттиқ изтироб чекмаслиги учун одатга кўра қизнинг акаси уни то куёвнинг уйига боргунча кузатиб кўярди. Деваканинг ўз қизига берган сепи куйидагилардан иборат эди: олтин гулчамбарлар билан безатилган тўрт юз фил; қимматбаҳо тақинчоқлар билан безатилган ўн беш минг от; бир минг саккиз юз жанг араваси. Шунингдек шоҳнинг амри билан икки юз чиройли канизак ҳам унинг қизига ҳамроҳ бўлиб борарди. Ҳиндистонда ҳалигача шундай урф-одат сақланиб қолган - кшатрий уйланганида никоҳига қирган қиздан ташқари, қизнинг дугоналари бўлган бир неча ўнлаб ёш қизлар шоҳнинг уйига келиб яшайдилар. Маликага ҳамроҳ бўлиб келган қизларни канизаклар деб атайдилар, лекин аслида улар ўзларини худди маликанинг дугоналаридай тутадилар. Бундай анъанага қадим замонлардан бери амал қилиб келинади. Ҳар ҳолда бундай анъана Парвардигор Кришнанинг Ер юзига келишидан аввал, беш минг йил илгари ҳам бўлганини кўриш мумкин. Шундай қилиб, Васудева ўзининг ёш хотинидан ташқари уйига яна икки юзта чиройли қизларни олиб келаётган эди.

Аравада келаётган келин билан куёвга атаб машоқлар ҳар хил мусиқа асбобларида турли куйлар чалиб, бу қувончли воқеани нишонлар эдилар. Сур, шох, барабан ва литавраларнинг жарангдор овозлари бирга қўшилиб, ҳар тарафдан ёқимли мусиқа янгради. Камса келин-куёвнинг аравасини бошқариб борар, карвон тинчгина, аста-секин ўз йўлида давом этарди. Бирданига самодан Камсага қараб айтилган жарангдор овоз янгради: "Камса, сен ҳақиқий аҳмоқсан, сен ҳозир синглинг ва куёвингнинг аравасини бошқариб кетяпсан. Билмайсанки, уларнинг саккизинчи ўғли сени ўлдиради!"

Камса Бҳоджа сулоласига мансуб Уграсенанинг ўғли бўлиб, Бҳоджа сулоласига мансуб шоҳлар ичида энг қудратли иблис эди. Самодан келган бу илоҳий башоратни эшитган Камса шу заҳотиёқ Девакининг сочларидан тутиб олди ва қиличини олиб, шу ердаёқ унинг бошини танасидан жудо қилишга ҳозирланди. Васудева қайноғаси Камсанинг қилаётган бу ишидан ҳайратга тушган эди. Ўзининг баджаҳл, золим ва уятсиз қайноғасини тўхтатиб қолиш учун Васудева чуқур фикр юритиб унга қараб дадил гапира бошлади: "Эй азиз қайноғам Камса, сен Бҳоджа сулоласининг энг машҳур шоҳсан, одамлар сени буюк жангчи ва жасур шоҳ деб биладилар. Қандай қилиб сен шу қадар ғазабланиб кетдингки, ўзингнинг яқин

қариндошинг, кадрдон синглинг бўлган бир аёлни, яна унинг никоҳ тўйи бўлиб турган пайтда ўлдиришга шайланиб турибсан? Ажалдан бунчалик кўрқишнинг нима кераги бор? Агар ўйланиб қарасанг, туғилган кунингдан бошлаб ажалинг ҳамиша сенга ҳамроҳ бўлиб юрибди. Сен туғилган кунингдан бошлабқўқ ўлишни бошлагансан. Фараз қилайлик, ҳозир сен йигирма беш ёшдасан; демак сен йигирма беш йилдан бери ўляпсан. Сен ҳар бир минут, ҳар бир секунд сайин ўлиб боряпсан. Шундай экан ўлимдан кўрқишнинг нима кераги бор? Охир-оқибатда ҳар бир одамни муқаррар ўлим кутиб турибди. Сен бугун ёки юз йилдан кейин ўлишинг мумкин, лекин барибир ўлимдан қочиб қутула олмайсан. Шундай экан, ўлимдан кўрқишнинг кераги борми? Аслини олганда ўлим дегани - ҳозирги ўтқинчи танамизнинг яксон бўлиши, холос. Тананг ишга яроқсиз бўлиб, ўзи таркиб топган унсурларга қўшилиб кетар экан, унинг ичидаги тирик мавжудот(жон, рух) бошқа бир танага эга бўлади. Бу тананинг кўриниши одамнинг ҳозирги қилаётган ишларига ва шу ишларининг оқибатига боғлиқ бўлади. Буни йўл юриб бораётган одамга ўхшатиш мумкин: у бир оёғини олдинга қўяди, шу оёғи ерга текканига ишонч ҳосил қилганида иккинчи оёғини ердан кўтариб олади. Худди шундай таналар бирин-кетин алмашилиб туради, рух эса шу таналарга кўчиб юраверади. Қара, ўргимчаклар бир шохадан иккинчи шохага қандай эҳтиёткорлик билан кўчиб юрадилар! Худди шундай тирик мавжудот ҳам фаришталар унинг янги танаси ҳақида бир қарорга келган заҳоти бошқа бир танага ўтади. Токи тирик мавжудот бу моддий оламда шартланган ҳолатда қолар экан, у бирин-кетин моддий таналарни алмаштириб юришга мажбур. Унинг ҳозирги ҳаётида қилаётган ишларига, шу ишларининг оқибатларига қараб, табиат қонунлари асосида унга навбатдаги тана тайёрланади.

Бу тана биз ҳар куни тушимизда кўриб юрган танамизга ўхшайди. Биз ухлаганда ақлимиз ёрдамида турли хил таналар яратамиз. Кундуз куни олтиндан ясалган нарсаларни, тоғларни кўрган бўлишимиз мумкин. Тушимизда эса ана шу икки тасаввурни бир бирига қўшиб олтиндан тоғ яратамиз. Баъзан тушимизда осмонда учиб юрган бўламиз, шундай пайтларда ўзимизнинг ҳозирги ҳақиқий танамизни бутунлай эсдан чиқариб юборамиз. Худди шундай бизнинг таналаримиз ҳам алмашиб туради. Биз бир танага эга бўлганда аввалги танамизни унутиб юборамиз. Тушимизда биз жуда кўп таналар билан учрашишимиз мумкин, лекин уйқудан уйғонган заҳоти биз уларни унутиб юборамиз. Аслини олганда бу моддий таналарни бизнинг ақлимиз

яратади, аммо ҳозир биз ўзимизнинг аввалги таналаримизни эслай олмаймиз.

Ақлимизнинг табиати жуда ўзгарувчан. Баъзида у бирор нарсани қабул қилади, аммо салгина вақт ўтмасдан уни рад этади. Сизги аъзоларига лаззат берадиган беш нарса, яъни шакл, таъм, ҳид, товуш ва тери сезадиган нарсалар билан бириккан ақл ҳамиша бирор нарсани қабул қилиш ёки бирор нарсани рад этиш билан банд бўлади. Шундай қилиб, ақл ҳиссиётимизга лаззат берадиган нарсалар билан қўшилади, тирик мавжудот ўз истакларига мос келадиган қандайдир тана олишни истаганида у худди шундай танага эга бўлади. Тана бизга моддий табиат қонунлари асосида берилади. Тирик мавжудот тана олади ва шу тананинг имкониятларига мос равишда лаззатланиш ёки мусибат чекиш учун яна бу моддий оламда туғилади. Агар биз маълум бир танага эга бўлмасак, ақлимизнинг аввалги ҳаётимиздан мерос қолган истак-интилишларига мос равишда лаззатланиш ёки изтироб чекиш имкониятига эга бўлмаймиз. Бизнинг кейинги ҳаётимизда оладиган танамизнинг қандай бўлиши ақлимизнинг ҳозирги танамизни тарк этаётган пайтдаги ҳолатига боғлиқ бўлади.

Қуёш, ой ёки юлдузлар сингари ярқираб турадиган сайёралар ҳар хил суюқлик юзасида акс этади - сув юзида, мой ёки гхи, сариеғ юзида. Акс тасвирдаги ой суюқлик ҳаракатига мос равишда ҳаракат қилади. Ойнинг акси сув юзига тушиб турганда, сув оқса ой ҳам оқаетгандай бўлади, лекин аслида ҳақиқий ой қўзғалмай туради. Худди шундай ақлининг ҳар хил нарсаларни ўйлашга бўлган мойиллиги сабабли тирик мавжудот ҳар хил таналарга эга бўлади, лекин аслида тирик мавжудотнинг таналарга ҳеч қандай алоқаси йўқ. **Майя**(алданиш, рўё, сароб, шайтон)чангалига тушиб қолган, алданган тирик мавжудот ўзини шу моддий тана билан чамбарчас боғлиқ деб ўйлайди. Буларнинг ҳаммаси моддий оламдаги шартланган ҳаётда рўй беради. Фараз қилайлик, тирик мавжудот ҳозир инсон танасида жойлашган. У ўзини инсонлар жамиятига мансуб деб ўйлайди, бу эса маълум бир мамлакат билан, маълум бир ер(ватан) билан боғлиқ. У ўзини шундай деб қабул қилади ва натижада ҳеч қандай зарурат бўлмаса ҳам навбатдаги танани олишга тайёрланади. Бизнинг турли таналар олиб юришимизга ана шундай истаклар ва ҳар хил хом-хаёллар сабаб бўлади. Тирик мавжудотни ҳар томондан қоплаб олган моддий табиатнинг таъсири шу қадар кучлики, тирик мавжудот ўзига берилган ҳар қандай танадан мамнун, бахтиёр бўлиб юради ва шу танани "ўзим" деб қабул қилади. Шунинг учун мен сендан ялиниб

илтижо қиламан, ўткинчи тананг ва ақлинг амрига қулоқ солма!"

Васудева шу тариқа Камсадан эндигина турмуш қураётган синглисига ҳасад қилмаслигини ялиниб илтимос қилди. Фаросатли одам бошқаларга ҳасад қилмаслиги керак, чунки ҳасад - тирик мавжудотнинг ҳозирги ҳаётида ҳам, келажакда, ўлганидан кейин Азроил(**Ямараж**) олдига борганида ҳам кўркувга, даҳшатга тушишига сабаб бўлади. Васудева Камсага Деваки унинг синглиси эканини, бугун унинг энг бахтли куни - никоҳ тўйи эканини эслатиб, Деваки номидан ҳам илтимос қилаётган эди. Маданиятли одам укаси ёки синглисига худди ўз фарзандидай ғамхўрлик қилиши керак. "Вазият шу қадар қалтиски, - ялинди Васудева Камсага, - агар сен Девакини ўлдирсанг, ўзингнинг ҳозирги шунча юксак обрўйингга путур етади."

Васудева ҳар хил насиҳатлар ва фалсавий мулоҳазалар билан Камсани тўхтатиб қолишга уринди, лекин унга гап уқтириб бўлмасди, чунки у ҳамиша иблислар орасида юрарди. Маданиятли, обрўли шоҳ хонадонида дунёга келган бўлишига қарамай, ҳамиша иблислар билан дўстлашиб юргани сабабли, Камса барибир иблистабиат бўлиб қолган эди. Иймонсиз иблис одам ҳеч қачон яхши насиҳатларга қулоқ солмайди. Ундай одам худди ашаддий ўғрига ўхшайди, шундай ўғрига қанчалик насиҳат берманг, унга ҳеч қандай таъсир қилмайди. Худди шундай, табиатан иблис бўлган одамлар - иймонсиз даҳрийлар ҳам ҳар қандай ишонарли манбадан олинган бўлмасин, яхши насиҳатларни қабул қила олмайдилар. Фаришталар билан иблислар орасидаги фарқ мана шундан иборат. Иймон, эътиқод, виждон ҳақидаги насиҳатларни тинглайдиган, ҳаётда уларга риоя қилиб яшашга интиладиган киши **фаришта**, бундай насиҳатларни тингламайдиган, уларга амал қилишни ўйлаб ҳам ўтирмайдиган одам ҳақиқий **иблис**дир. Камсани бу қабих ишдан қайтара олмаганидан хавотирга тушиб, хотинини Камсанинг қўлидан қандай қилиб бўлса ҳам қутқариб қолиш йўллари излаб, Васудева ўзича чуқур ўйга толди. Қандайдир ҳалокатли хавф юзага келганда фаросатли одам ҳар хил йўллар билан бу фалокатнинг олдини олишга ҳаракат қилиши лозим, лекин шунча уринишларига қарамай барибир фалокат юз берса, бунга у айбдор бўлмайди. Инсон ўз бурчини бажариш учун қўлидан келганча виждонан ҳаракат қилиши лозим, лекин барибир унинг ҳаракатлари зое кетаверса, у айбдор бўлмайди.

Васудева хотини ҳақида шундай ўйларди: "Ҳозир мен Девакининг ҳаётини қутқариб

қолганим маъқул, агар мен ҳозир унинг ҳаётини сақлаб қолсам, кейин болалар дунёга келганда уларнинг ҳаётини қандай сақлаб қолиш ҳақида бош қотираман!" Кейин у шундай ўйлади: "Агар келажакда Камса ўйлаганидай уни ўлдиришга қодир бўлган ўғил фарзандим бўлса, Деваки ҳам, ўғлим ҳам омон қолади, чунки Худонинг хоҳишига, тақдирга ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди. Ҳозир мен қандай қилиб бўлса ҳам Девакининг жонини сақлаб қолишим керак!"

Худди ўрмонга кетган ёнғин маълум бир дарахтга тегиши ёки тегмаслигини олдиндан аниқ айтиш қийин бўлгани сингари, тирик мавжудот ҳам аниқ бир танага қандай эга бўлишини олдиндан аниқ айтиш жуда мушкул. Ўрмонга ёнғин кетганда шуни кузатиш мумкинки, шамол таъсирида ёнғин ўз йўлида бир дарахтни четлаб ўтиб бошқа дарахтларни ёндира бошлайди. Худди шундай инсон ҳам ҳаётда ўзининг Парвардигор олдидаги бурчларини қатъият билан жиддий бажариб юриши мумкин, лекин барибир у кейинги ҳаётида қандай тана олишини олдиндан аниқ била олмайди. Махараж Бхарат руҳий ўзлигини англаб етиш учун ҳаётда ўз бурчини жуда аниқ бажариб яшаган эди, лекин у умрининг охирида бир қийик боласига боғланиб қолди, натижада кейинги ҳаётида қийик танасида туғилишга мажбур бўлди.

Гарчи Камса иймонсиз, ашаддий даҳрий иблис бўлса ҳам, қандай қилиб бўлса ҳам хотинининг жонини сақлаб қолишни ўйлаб Васудева унга чуқур ҳурмат-эҳтиром билан мурожаат қила бошлади. Ҳаётда баъзан шундай вазиятлар ҳам юзага келиб турадики, унда эзгу ниятли, энг такводдор одам ҳам энг пасткаш, энг ярамас иймонсиз иблис одамни алқашга, мақташга мажбур бўлади. Амалий муомала(дипломатия) талаблари шуни такозо этади. Гарчи Васудева қаттиқ ташвишга тушиб турган бўлса ҳам Камсага ўзини қувноқ кўрсатишга уринди. У Камсага шундай кайфиятда мурожаат қила бошлади, чунки Камсанинг жуда золим, ёвуз одам эканини у яхши биларди. Васудева Камсага шундай деди: "Эй азиз қайноғам, илтимос, яхшилаб тушуниб ол, айнан синглинг сен учун ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайди. Сен бошинга ҳалокат тушишидан қўрқясан, чунки самодан келган илоҳий овоз шуни башорат қилди, лекин бу фалокат сенга синглингнинг ҳали туғилмаган ўғлидан келади, ким билади ҳали келажакда бизнинг фарзандларимиз бўладими, йўқми. Шуларни эътиборга олсанг, ҳали сенга ҳеч қандай хавф-хатар йўқ эканини тушуниб оласан. Сен ҳозир ўз синглингдан қўрқиб ўтиришининг мутлақо ҳожати йўқ. Агар келажакда ундан ўғил фарзандлар туғилса, сенга

аниқ ваъда бериб айтаманки, бирор чора кўришинг учун мен уларнинг ҳаммасини сенга топшираман!"

Васудева албатта берган сўзининг устидан чиқишини Камса жуда яхши биларди; у Васудеванинг айтган гапларини эътиборга олиб, ўз синглисини ҳозироқ ўлдириш фикридан қайтди. Васудева бундан жуда қувониб, қайноғасининг бундай қарорга келганини олқишлади. Шундан кейин улар соғ-саломат уйларига етиб келдилар.

Вақт ўтиб борарди, Васудева билан Деваки саккиз ўғил ва битта қиз фарзанд кўрдилар. Биринчи ўғил фарзанди туғилганда Васудева ўзининг берган ваъдасига содиқ қолиб, шу заҳотиёқ уни Камсага олиб борди. Маълумки, Васудева юксак инсоний, руҳий фазилатларга эга бўлган соф виждонли инсон эди, шу боис у ўз обрўсига путур етказишни истамади. Васудева учун ўзининг энди туғилган ўғлини Камсага бериш жуда оғир эди, лекин Камса Васудеванинг ўғлини олганидан жуда мамнун бўлди, лекин барибир унинг қалбида ҳам Васудевага нисбатан ҳамдардлик, ачиниш туйғуси уйғонди. Ҳар бир фаросатли одам бу воқеадан ўзига тўғри сабоқ олиши керак. Васудева сингари буюк зотлар ўз бурчини бажариш учун ҳар қандай азият чекишдан тап тортмайдилар. Васудевага ўхшаган билимдон одам ҳаётда ўз бурчини ҳеч иккиланмасдан бажариб яшайди. Аксинча, Камса сингари иймонсиз иблислар ўзларининг ифлос, ғаразли ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Шунинг учун айтадиларки, авлиё одам ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера олади, билимдон одам қулай вазият келишини кутиб ўтирмасдан ҳамиша ўз бурчини бажариб яшайди, Камса сингари пасткаш одамлар ҳар қандай гуноҳга қўл уришлари мумкин, **бхакти**(Худонинг содиқлари)лар Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиш учун ҳамма нарсасини қурбон қиладилар.

Камса Васудеванинг қилган ишидан жуда мамнун эди. У Васудева ўзининг берган ваъдасининг устидан чиққанига ҳайрон бўлди. Камса ундан миннатдор бўлиб, қалбида яқур ҳамдардлик билан унга шундай деди: "Азизим Васудева, менга бу ўғлингни беришинг шарт эмас. У менга ҳеч қандай хавф-хатар туғдирмайди. Сизларнинг фақат саккизинчи ўғлингиз менга ҳалокат олиб келишини эшитдим. Ҳеч қандай заруратсиз бу болани сизлардан олиб нима қиламан? Уни олиб кетишинг мумкин."

Васудева ўғлини олиб уйига қайтиб келди. Гарчи Камсанинг бу ҳаракатидан қаттиқ қувонган бўлса ҳам, Васудева унга тўла ишонгиси келмасди, чунки Камса ўз ҳиссиётини бошқара олмаслигини яхши биларди. Иймонсиз



одам ўзининг берган ваъдасининг устидан чиқишга қодир эмас. Ўз ҳиссиётини, ақлини жиловлаб олмаган одам қатъий бир қарорга кела олмайди. Буюк сиёсатчи Чанакйа Пандит шундай деган: "Ҳеч қачон сиёсатчи-дипломатга ва аёлларга ишонманг!" Ҳиссий лаззатларга берилган одам ростгўй бўла олмайди, ундай одамларга ишониб бўлмайди.

Ўша пайтда Камсанинг уйига буюк донишманд Нарада Муни келди. Камсанинг Васудевага раҳми келиб, биринчи ўғлини қайтариб бериб юборгани ҳақида унга хабар берган эдилар. Нарада Муни Парвардигор Кришнанинг бу дунёга келишини тезлаштириш ниятида юрарди. Нарада Муни Камсага айтдики, Нанда Махараж, Вриндавандаги барча подачилар, уларнинг хотинлари, шунингдек Васудева, унинг отаси Шурасена ва Ўдавалар сулоласига мансуб Вришни қабиласидаги қариндошларининг барчаси Парвардигорнинг келишига тайёргарлик кўряптилар. Нарада Муни Камсани оғоҳлантириб айтдики, у шу қариндошларидан, уларнинг дўстларидан, ошналаридан ва мана шу оилаларда дунёга келадиган фаришталардан эҳтиёт бўлиши керак. Камсанинг маслаҳатчилари ва дўстларининг ҳаммаси иймонсиз иблислар эди. Иблислар фаришталардан кўрқиб ҳамиша хавотирда яшайдилар. Шундай қилиб, Нарада Мунидан фаришталарнинг ҳар хил хонадонларда дунёга келиши ҳақида хабар топиб, Камса қаттиқ хавотирга туша бошлади. Фаришталар аллақачон туғилган бўлса, тез орада Парвардигор Вишну ҳам албатта дунёга келишини у тушуниб етган эди. У шу захотиёк куёви Васудевани, синглиси Девакини ҳибсга олиб, зиндонга ташлади.

Зиндонда занжирбанд бўлган Васудева ва Девакидан бирин-кетин ўғил фарзандлар дунёга кела бошлади. Камса уларнинг ҳар биттаси Парвардигор Вишну бўлиши мумкин деб ўйлаб, уларни бирин-кетин ўлдириб ташлади. У айниқса уларнинг саккизинчи ўғил фарзандидан жуда кўрқарди, лекин Нарада Мунининг гапларидан кейин уларнинг ҳар бир ўғли Парвардигор Кришна бўлиб чиқиши мумкинлигидан кўрқарди. Шуни ўйлаб у Деваки билан Васудевадан туғилган фарзандларнинг ҳаммасини ўлдириб ташлагани маъқул эди.

Камсанинг нимага бундай ҳаракат қилаётганини тушуниш қийин эмас. Инсоният тарихидан бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин: ўзларининг ҳукмронлик қилишга, тахтни эгаллашга бўлган ниятларини амалга ошириш учун шох оиласидаги одамлар ўз отасини, ўғлини, ака-укасини ёки бутун оиласини ўлдириб юборганлар. Бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ, чунки Худодан

кўрқмайдиган иймонсиз иблис одам ўз ниятини амалга ошириш учун ҳар қандай одамни ўлдириб юборишдан тап тортмайди.

Нарада Мунининг марҳамати билан Камсага ўзининг аввалги ҳаёти аён бўлди. У аввалги ҳаётида Каланеми деган иблис бўлган, уни Парвардигор Вишну ўлдирган. Бҳоджи хонадаонида дунёга келиб, у энди Ўдавалар сулоласининг ашаддий душмани бўлишга қарор қилган. Кришна мана шу сулолада туғилишга қарор қилган эди. Аввалги ҳаётидагидай бу ҳаётида ҳам Парвардигор Кришна уни ўлдиришидан Камса жуда кўрқарди.

Ўзининг қабих ниятларини амалга ошириш учун у энг аввало отаси Уграсенани қамокқа ташлади, чунки у Ўдавалар, Бҳоджалар ва Андхакалар сулоласидаги энг қудратли шох эди. Кейин у Васудеванинг отаси Шурасенанинг салтанатини босиб олди ва ўзини шу сарҳадларнинг ҳаммасининг ягона ҳукмдори деб эълон қилди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Кришнанинг дунёга келиши" деган биринчи  
бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## **2. Онаси қорнида ётган Парвардигор Кришнага фаришталарнинг қилган илтижолари.**

Шох Камса Ўдавалар, Бҳоджалар, Андхакалар сулоласини ва Шурасена салтанатини босиб олиш билан қаноатланиб қолмасдан, Праламба, Бака, Чанура, Тринаварта, Агхасура, Мушттика, Аришта, Двивида, Кеша, Дхенука ва ялмоғиз Путана сингари бошқа барча иблис шохлар билан бирлашиб кучли иттифок тузди. Ўша пайтларда Жарасандха Магадха вилоятининг шоҳи эди (Ҳозир бу вилоят Бихар деб аталади). Шундай қилиб, ўзининг сиёсий уддабуронлиги билан Жарасандха ҳомийлиги остида бўлган Камса ўз даврининг энг қудратли салтанатини барпо этди. У то энг қудратли ҳукмдор бўлиб олгунча Банасура ва Бхаумасура сингари шохлар билан иттифок тузишда давом этаверди. Кейин у Парвардигор Кришна дунёга келиши лозим бўлган Ўдавалар сулоласига нисбатан очикдан-очик душманлик қила бошлади.

Камсанинг қаттиқ тазйиқ ўтказишларига учраган Ўдавалар, Бҳоджа ва Андхака сулоласининг шохлари Куру, Панчала, Кекайя, Шалва, Видарбха, Нишадха Видеха ва Кошала сингари давлатлардан паноҳ топдилар. Камса Бҳоджа ва Андхака салтанатларининг ҳам,

Йадава салтанатининг ҳам бирлигини, яхлитлигини бузиб юборган эди. Ўша даврда Бхарата-варша деб аталган бепоён ерларда Камса энг қудратли ҳукмдор бўлиб олди.

Камса Деваки ва Васудеванинг бирин-кетин олти ўғлини ўлдирганида кўпчилик дўстлари ва қариндошлари унга мурожаат қилиб, бу ёвузлигини бас қилишни илтимос қилдилар. Лекин аслида уларнинг барчаси Камсанинг ҳамтовоқлари эди.

Деваки еттинчи марта ҳомиладор бўлганида Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси Ананта унинг қорнига кирди. Девакининг қалби қувонч ва шодликка тўлди. Парвардигор Вишну ўзининг қорнида эканидан у қанча қувонган бўлса, фарзанди дунёга келган заҳоти Камса Уни ўлдиришини ўйлаб, у шунчалик хавотирга тушарди. Ўша пайтда Худонинг Олий Шахси Кришна, Камсанинг кирдикорларидан қаттиқ мусибатларни бошидан кечираётган Йадаваланинг ачинарли ҳолатига раҳми келиб, Ўзининг ички қувватига, Йогамайяга бу дунёда намоён бўлишни буюрди. Кришна - бутун олам Парвардигори, лекин У айниқса Йадавалар сулоласининг алоҳида ҳукмдори.

**Йогамайя** - Худо Шахсининг олий қуввати. Ведаларда айтилганки, Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил қувватлари бор. **Парасья шактир вивидхаива ируйате**. Ана шу қувватларнинг ҳаммаси ички ва ташқи таъсир кучига эга, Йогамайя уларнинг ҳаммасини бошқариб туради. Парвардигор Йогамайяга Врэджа-бхуми кишлоғида, ҳамиша байрамона безатилган ва ажойиб сигирларга тўла Вриндаванда намоён бўлишни буюрди. Вриндаванда, шох Нанда ва малика Яшоданинг уйида Васудеванинг хотинларидан бири Рохини ҳам яшар эди. Фақат Рохини эмас, Йадавалар сулоласининг жуда кўп одамлари Камсанинг таъкибларидан қочиб мамлакатнинг ҳар хил бурчакларида яширин ҳолда яшардилар. Уларнинг баъзилари ҳатто тоғлардаги қоронғи ғорлар ичида яшар эдилар.

Парвардигор Йогамайяга шундай деди: "Деваки ва Васудева Камсанинг зиндонига қамаб қўйилган. Ҳозир Менинг тўла намоён бўлган қиёфам Ананта-Шеша Девакининг қорнида. Сен шундай қилки, Ананта-Шеша Девакининг қорнидан Рохинининг қорнига ўтсин. Сен шу ишни амалга оширгандан кейин Мен Ўзимнинг барча қувватларим билан Девакининг қорнига қираман. Кейин Мен Деваки ва Васудеванинг ўғли бўлиб дунёга келаман, сен эса Вриндавандаги Нанда ва Яшоданинг қизи бўлиб туғиласан.

Сен Мен билан бир вақтда, Менинг синглим бўлиб туғилганинг учун бутун жаҳонда одамлар сенга сиғинадиган бўладилар, улар

сенга ҳар хил инъом-эҳсонлар қиладилар: мушк-анбар, шамчироқ, гул ва бошқа ҳар хил қурбонликлар қиладилар. Сен уларнинг ҳиссий лаззатланишга бўлган эҳтиёжини даров қондиришинг керак. Дунёвий орзу-ҳавасларга берилиб кетган одамлар ҳар хил кўринишларингда Сенга сажда қилиб сиғинадилар. Сенинг ҳар хил қиёфаларингни турли номлар билан атайдилар: Дурга, Бхадракали, Виджайя, Вайшнави, Кумуда, Чандика, Кришна, Мадҳави, Канйака, Майя, Нарайани, Ишани, Шарада ва Амбика".

Кришна билан Йогамайя ака ва сингил бўлиб, яъни мос равишда "Олий Ҳукумат Эгаси" ва "Олий Ҳукумат"нинг ўзи бўлиб дунёга келдилар. Гарчи Ҳукумат билан Ҳукуматнинг Эгаси орасида аниқ бир фарқ бўлмаса ҳам, ҳукумат ҳамиша унга Эга бўлган Зотга тобе, бўйсунган бўлади. Худога ишонмайдиган материалистлар ҳукуматнинг ўзига сиғинадилар, иймонли такводорлар эса ҳукуматнинг Эгасига сиғинадилар. Кришна олий ҳукумат Эгаси, Дурга эса бу моддий оламдаги олий ҳукумат тимсолидир. Аслини олганда ведавий маданият ҳукм сурган пайтларда одамлар ҳукуматнинг Эгасига ҳам, ҳукуматга ҳам биргаликда сиғинганлар. Ҳиндистонда ҳозир ҳам Парвардигор Вишну ва Девининг юзлаб, минглаб эҳромлари бор, баъзан уларга бир вақтнинг ўзида сажда қилиб сиғинадилар. Дургага, яъни ҳукуматга, Кришнанинг ташқи қувватига сиғинадиганлар осонлик билан моддий бойликларга эришиши мумкин, лекин мангу, руҳий бойлик эгаллашга интилиб юрган одам ҳаётини ҳукуматнинг Эгасига сиғинишга, яъни Кришнага хизмат қилишга бағишлаши лозим.

Парвардигор Йогамайяга Ўзининг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси Ананта Шеша Девакининг қорнида эканини ҳам айтган эди. У Рохинининг қорнига ўтиши керак бўлгани учун Уни **Санкаршана** деб ҳам айтадилар. У бутун руҳий қувват манбаи - **бала** бўлади, айнан шу қувват ёрдамида ҳаётнинг **рамана** деб аталадиган энг олий лаззатига эришиш мумкин. Шу боис Ананта бу дунёга келгандан кейин Санкаршана ёки Балорам деган номларга эга бўлади.

Упанишадаларда шундай дейилган: **найам атма бала-хинена лабхйах**. Бу жумланинг маъноси қуйидагича: агар Балорам марҳамат кўрсатмаса инсон ҳеч қачон руҳий ўзликни англашнинг олий поғонасига кўтарила олмайди. **Бала** дегани жисмоний куч эмас. Ҳеч қим жисмоний куч ёрдамида руҳий баркамолликка эриша олмайди. Руҳий баркамолликка эришиш учун инсон Балорам яъни Санкаршана ато этадиган руҳий қудратга эга бўлиши лозим.

Ананта ёки Шеша коинотдаги барча сайёраларни ўз орбитасида ушлаб турадиган илоҳий қувватдир. Материалистлар ана шу қувватни "Гравитация қонуни" деб атайдилар, лекин бу аслида Санкаршананинг қувватининг намоён бўлишидир. Балорам ёки Санкаршана - руҳий қувват, бошланғич, азалий руҳий устоз. Шу боис Балорамнинг тўлиқ намоён бўлган кўриниши Шри Нитйананда Прабху ҳам бошланғич руҳий устоз ҳисобланади. Руҳий устоз Худонинг Олий Шахсининг, инсонга руҳий қувват ато этадиган Балорамнинг бу дунёдаги вакили ҳисобланади. "Чайтанйа Чаритамрита" айтилганки, руҳий устоз - Кришнанинг марҳаматининг бу дунёда намоён бўлган кўринишидир.

Худонинг Олий Шахсининг амрини тинглаб бўлиб, Йогамайя ҳурмат билан Унинг атрофини айланиб ўтди ва Парвардигорнинг амрини бажариш учун бу дунёда намоён бўлди. Қудратли Худонинг Олий Шахси Парвардигор Шешани Девакининг қорнидан Рохинининг қорнига олиб ўтганида уларнинг иккаласи ҳам Йогамайянинг **йога-нидра** деб аталадиган сеҳр қуввати таъсири остида эдилар. Бу иш амалга ошгандан кейин одамлар Девакининг еттинчи ҳомиладорлиги бевақт узилибди деб ўйладилар. Шундай қилиб, аслида бу дунёга Девакининг ўғли бўлиб келганига қарамай, Балорам Рохинининг ўғли бўлиб туғилиш учун унинг қорнига ўтиб олди. Бу ишларнинг ҳаммаси амалга ошгандан кейин Худонинг Олий Шахси - соф содиқларига бутун куч-қудратини ато этишга ҳамиша тайёр турадиган Кришна - бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлиб Васудеванинг ақлидан жой олди. Бу ерда шу назарда тутилганки, Парвардигор Кришна аввалига Васудеванинг пок қалбидан жой олди, кейин Девакининг қалбига ўтди. Парвардигор Девакининг қорнига уруғлик, маний билан киргани йўқ. Худонинг Олий Шахси Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида Ўзи истаган йўл билан бу дунёда Ўзини намоён этишга қодир. Унинг бу дунёга келиши учун бирор аёл қорини уруғлантириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ.

Васудева ўзининг қалбида Худонинг Олий Шахсининг қиёфасини ардоқлаб юрган пайтида худди чақнаб турган порлоқ куёшга ўхшар - ундан таралаётган ёғдуга оддий одамлар бардош беролмасди. Васудеванинг пок қалбида пайдо бўлган Парвардигорнинг қиёфаси Кришнанинг азалий қиёфасидан фарқ қилмайди. Қаерда бўлса ҳам Кришнанинг қиёфасининг намоён бўлиши, айниқса инсон қалбида пайдо бўлиши **дхама** деб аталади. Дхама ибораси Кришнанинг фақат қиёфасига эмас, балки Унинг муқаддас номига, сифатларига, белгиларига нисбатан ҳам

ишлатилади. Аслида уларнинг ҳаммаси биргаликда намоён бўлади.

Шундай қилиб, худди ботаётган куёшнинг нурлари шарқдан кўтарилаётган тўлин ойга ўтгани сингари, Худонинг Олий Шахси Ўзининг барча қувватлари билан биргаликда Васудеванинг ақлидан Девакининг ақлига ўтди.

Кришна, Худонинг Олий Шахси Васудеванинг танасидан Девакининг танасига ўтди. Парвардигор оддий тирик мавжудотлар яшайдиган шароитлардан устун туради. Шуни тушуниб олиш керакки, Кришна бор жойда У билан бирга Нарайана, Нрисимха, Вараха ва ҳоказолар сингари Унинг барча тўлиқ экспансиялари ҳам бўлади, уларнинг бирортаси бу моддий олам шароитларига бўйсунмайди. Шундай қилиб, Деваки ягона ва бетакрор Худонинг Олий Шахсига - бутун борлиқнинг яралиш сабабчисига - ўз қорнидан паноҳ берганди. Деваки энди Мутлақ Ҳақиқатнинг нажот маконига айланганди, лекин у ҳали Камсанинг уйида бўлгани учун уни яширин оловга ёки нотўғри қўлланилаётган илмга ўхшатиш мумкин эди. Олов кўзанинг ичида сақланганида унинг порлоқ ёғдусини кўриб бўлмайди; худди шундай нотўғри қўлланилаётгани сабабли одамларга ҳеч қандай манфаат келтирмайдиган илмнинг ҳам ҳеч қандай қадрли бўлмайди. Шундай қилиб, Девакини Камсанинг зиндонидан сақлар эдилар, шу боис қорнидан Худонинг Олий Шахсига паноҳ бергани туфайли ундан таралаётган илоҳий гўзалликни ҳеч ким кўра олмас эди.

Лекин Камса синглиси Девакининг бирданига илоҳий даражада гўзал бўлиб кетганини даров пайқади ва Худонинг Олий Шахси Кришна шубҳасиз унинг қорнида эканига ишонч ҳосил қилди. Ҳеч қачон Деваки бунчалик чиройли бўлган эмасди. Девакининг қорнида қандайдир ғайритабиий Зот борлигини Камса аниқ тахмин қилар ва бундан қаттиқ хавотирда юрар эди. У вақти келиб Худонинг Олий Шахси ўзини албатта ўлдиришини биларди, ҳозир эса У мана шу ерда. Камса чуқур ўйга толди: "Девакини нима қилсам экан? Вишну, Парвардигор Кришна шубҳасиз ҳозир унинг қорнида, аниқки Кришна фаришталарнинг оғирини енгил қилиш учун бу дунёга келган. Ҳатто мен ҳозирок Девакини ўлдириб ташласам ҳам Кришнанинг дунёга келишига тўсқинлик қилолмайман!" Парвардигорнинг ишларига ҳеч ким тўсқинлик қила олмаслигини Камса жуда яхши биларди. Ҳар бир фаросатли одам Худонинг қонунларини инкор этишнинг ёки уларга хилоф иш этишнинг иложи йўқлигини англаб етиши лозим. Иймонсиз иблислар қанчалик қаршилик қилмасин, қанча тўсиқлар

қўймасин, барибир Худонинг барча ниятлари албатта амалга ошаверади. Камса шундай ўйларди: "Агар мен Девакини ҳозирнинг ўзидаёқ ўлдириб ташласам, Парвардигор Вишну яна ҳам кучлироқ шижоат билан мени Ўз амрига бўйсунисга мажбур қила бошлайди. Девакини ҳомиладор бўлган ҳозирги аҳволида ўлдириш энг пасткаш одамнинг иши бўларди. Ҳатто мана шундай қалтис вазиятда ҳам ҳеч ким ўзининг обрўсига путур етказгиси келмайди. Агар мен Девакини ҳозир ўлдирсам одамлар орасида обрўйим бир пул бўлади. Деваки - аёл киши, бунинг устига ҳозир у менинг ҳимоям остида. У ҳомиладор, агар мен уни ўлдирсам менинг обрўйим ҳам, қилган барча савоб ишларимнинг натижаси ҳам, умрим ҳам бирданига завол топади".

У мулоҳаза юритишда давом этди: "Золим одам ҳатто тириклигидаёқ ўлик мурда ҳисобланади. Золим одамларни тириклигида ҳеч ким ёқтирмайди, ўлганидан кейин эса ҳамма уни ланъатлай бошлайди. Танасини "ўзим" деб юрганлари сабабли улар тубанликка юз тутиб, жаҳаннамнинг энг қоронғу жойларига равона бўладилар". Шундай мулоҳазалар билан Камса Девакини ҳозирнинг ўзидаёқ ўлдириш ёки ўлдирмаслик ҳақида ўйларди.

Ниҳоят Камса Девакини ҳозирча ўлдирмай туришга, муқаррар келажакни кутиб туришга қарор қилди. Лекин унинг ақли Худо Шахсига нисбатан ғаразли ўйларга бутунлай ғарқ бўлган эди. У Девакининг аввалги болаларини ўлдиргани сингари бу ўғлини ҳам ўлдириш учун чақалоқнинг туғилишини сабрсизлик билан кутиб юрарди. Шу тариқа Худо Шахсига нисбатан душманлик уммониға ғарқ бўлиб, у Парвардигор Вишну, Кришна ҳақида кечаю-кундуз, - ўтирганида, ухлаганида, сайр қилганида, овқатланганида ёки ишлаганида тинмасдан ўйлаб юрарди. Унинг бутун фикру-хаёли Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ўйларга шу қадар ғарқ бўлган эдики, у ҳамиша ўзининг теварак-атрофида билвосита фақат Кришнани, Вишнунни кўриб юрарди. Бахтга қарши, гарчи унинг ақли кечаю-кундуз Вишну ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб юрганиға қарамай уни бхакта, "Худонинг содиғи" деб бўлмасди, чунки у Кришнани ўз душмани сифатида эслаб юрарди. Буюк бхактанинг фикру-хаёли ҳам кечаю-кундуз Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлади, лекин бхактанинг ақлу-хаёли Кришна ҳақида ёмон фикрда эмас, яхши, ижобий ўйлар билан банд бўлиб юради. Ҳамиша Кришна ҳақида ижобий ўйларға берилиб юриш "ҳаётда Кришна онги билан яшаш" деб аталади, Кришна ҳақида ёмон, салбий ўйларға бориш Кришна онги билан яшаш ҳисобланмайди.

Шу пайт Тангри Брахма билан Тангри Шива, Нарада Муни сингари буюк донишмандлар ва бошқа кўплаган фаришталар билан биргаликда одамлар кўзига кўринмасдан Камсанинг уйида пайдо бўлдилар. Улар Худонинг Олий Шахсига ажойиб илтижолар билан мурожаат қила бошладилар, бундай илтижолар Худонинг содиқларига чексиз қувонч бағишлайди ва уларнинг барча истакларини рўёбға чиқаради. Энг аввало улар қувончға тўлиб Парвардигор Ўз ваъдасининг устидан чиқаётгани учун шовқин билан Унга миннатдорчилик билдирдилар. "Бхагавад Гита"да айтилганидай, Кришна бу дунёға фақат Ўзининг содиқларини қутқариш ва иймонсиз гуноҳкорларни жазолаш учун ташриф буюради. Парвардигор мана шунга ваъда берган. Парвардигор Ўз ваъдасининг устидан чиқиш учун ҳозир Девакининг қорниға кирганини фаришталар тушуниб етган эдилар. Парвардигор бу дунёға келиб Ўз ниятини амалга оширишға ҳозирланаётганини кўрган фаришталарнинг қалби қувончға тўлган эди. Фаришталар Унга *сатйам парам*, яъни "Олий Мутлақ Ҳақиқат" деб мурожаат қила бошладилар.

Ҳаётда ҳар бир фаросатли одам Ҳақиқатға интилади. Фалсафий изланишға асосланган турмуш тарзининг маъноси шундай. Фаришталар бизға Олий Мутлақ Ҳақиқат - Кришна деб хабар беряптилар. Кришна онгиға тўлиқ эға бўлган киши Мутлақ Ҳақиқатға эриша олади. Мутлақ Ҳақиқат - Кришна. Нисбий ҳақиқат мангу замон(нинг) ҳар уч турли кўринишида ҳам ҳақиқат бўлиб қололмайди. Замон "ўтмиш", "ҳозир" ва "келажак" кўринишида учға бўлинади. Кришна ҳамиша - ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, келажакда ҳам Мутлақ Ҳақиқат бўлиб қолаверади. Моддий оламда ҳамма нарсани ўтмиш, ҳозир ва келажак кўринишида Олий Вақт, Замон бошқариб туради. Лекин Кришна олам яралмасдан аввал ҳам мавжуд эди. Борлиқ мавжуд бўлган даврда ҳам ҳамма нарса Кришнада мужассам, борлиқ яксон бўлганда ҳам Кришна мавжудлигича қолаверади. Шунинг учун У - ҳар қандай ҳолатда ҳам "Мутлақ Ҳақиқат" бўлиб қолаверади. Агар бу моддий оламда бирор ҳақиқат бор бўлса, у албатта Олий Ҳақиқатдан, Кришнадан чиқади. Агар бу моддий оламда бирор ғаройибот мавжуд бўлса, унинг манбаи - Кришна. Бу оламда бирор шон-шуҳрат мавжуд бўлса унинг манбаи - Кришна. Агар бу дунёда бирор куч, қудрат мавжуд бўлса, унинг манбаи - Кришна. Агар бу дунёда бирор илм ёки донишмандлик мавжуд бўлса унинг манбаи - Кришна. Шунинг учун Кришна барча нисбий ҳақиқатларнинг ягона манбаи ҳисобланади.

Бу моддий олам беш асосий унсурдан таркиб топган: ер, сув, олов, ҳаво ва осмон(эфир), бу унсурларнинг ҳаммаси Кришнадан чиққан. Материалист олимлар мана шу беш бошланғич унсурни моддий оламнинг яралишига сабаб деб ҳисоблайдилар, лекин мана шу унсурларни ўзининг нафис ва кўпол ҳолатида Кришна яратади. Моддий оламда фаолият кўрсатадиган тирик мавжудотлар ҳам Кришнанинг оралиқ қувватининг маҳсулоти ҳисобланади. "Бхагавад Гита"нинг еттинчи бобида айтилганки, бутун борлиқ Кришнанинг икки турли - олий ва қуйи қувватининг бирикмасидан иборат. Тирик мавжудотлар Кришнанинг олий қувватига мансуб, ўлик, жонсиз моддий унсурлар эса Кришнанинг қуйи қувватини ташкил этади. Ўзининг мавҳум ҳолатида ҳамма нарса Кришнада мужассам бўлади.

Фаришталар моддий оламнинг моҳияти ҳақида фикр юритиб, Худо Шахсининг олий киёфаси Кришнага эҳтиром билан илтижо қилишда давом этдилар. Бу моддий олам нима ўзи? У худди дарахтга ўхшайди. Дарахт ерда ўсади. Худди шундай "моддий олам" дарахти "моддий табиат"нинг ерида ўсиб турибди. Бу моддий оламни дарахтга қиёслайдилар, чунки вақти келиб дарахтни чопиб ташлайдилар. Дарахт **врикша** деб аталади. Врикша ибораси охир-оқибатда яксон бўладиган нарсани билдиради. Шунинг учун ҳам моддий олам дарахтини Мутлақ Ҳақиқат ўрнида қабул қилиб бўлмайди. Моддий оламга Замон ўз таъсирини ўтказиши, лекин Кришнанинг танаси мангу. У бу моддий олам пайдо бўлишидан аввал ҳам мавжуд эди, бу моддий олам мавжуд бўлиб турганда ҳам У мавжуд, моддий олам яксон бўлганда ҳам Кришна мавжудлигича қолаверади.

Катха-упанишадда ҳам моддий табиат ерида ўсиб турган моддий олам дарахти мисол тариқасида келтирилган. Мана шу дарахт икки турли мева беради: мусибат ва бахт. Тана дарахтида яшайдиган зот(руҳ)лар икки қушга ўхшайди: уларнинг биттаси Кришнанинг Параматма деб аталадиган тўлиқ намоён бўлган киёфаси, иккинчи қуш эса - тирик мавжудот. Тирик мавжудот моддий оламнинг меваларидан тоғиб юради. Бошқа қушни моддий олам дарахтининг "бахт" ва "мусибат" мевалари қизиқтирмайди, чунки у ўзининг қалбидан лаззат олиб яшайди. "Катха упанишад"да айтилганки, тана дарахтида ўтирган қушлардан биттаси меваларни чўқиб кўради, бошқа қуш эса фақат уни кузатиб юради. Бу дарахтнинг илдизлари уч тарафга чўзилиб кетган. Демак, дарахтнинг илдизи моддий табиат гуналарида - эзгулик, эҳтирос, ғафлат гуналарида жойлашган.

Худди дарахт илдиз отиб улғайгани сингари, моддий табиат гуналари билан аралашгани сабабли инсон ўзининг моддий оламдаги ҳаётини узайтираверади. Унинг кўрсатаётган фаолиятининг мевалари тўрт турли кўринишда намоён бўлади: 1. Такводорлик, 2. Моддий фаровонлик, 3. Ҳиссий лаззатлар, 4. Руҳий озодликка эришиш. Моддий табиатнинг уч гунаси билан турлича алоқада бўлиб тирик мавжудот ҳаётда такводорликнинг, моддий фаровонликнинг, ҳиссий лаззатларнинг ва руҳий озодликнинг ҳар хил кўринишларидан бахраманд бўлиб яшайди. Амалда дунёвий фаолиятнинг ҳаммаси ғофиллик гунасида ўтади, лекин моддий табиатнинг уч гунаси бўлгани сабабли, баъзида ғафлат гунасини эҳтирос ва эзгулик гуналари қоплаб олади. Ўз фаолиятининг меваларини инсон беш турли сезги аъзолари ёрдамида тоғиб кўради. Бизга илм олишда восита бўладиган беш хил сезги аъзоларимиз ёрдамида биз моддий табиатнинг бизни савалаётган қамчиларининг олти турли таъминини ҳис қиламиз: қайғу, алданиш, жисмоний нуқсонлар, ўлим, очлик ва чанқоқлик. Моддий танамиз, яъни моддий оламда намоён бўлган ҳолатимиз етти хил қобик билан ўралган: 1. Тери, 2. Мускул, 3. Эт(гўшт), 4. Суяк йилиги, 5. Суяк, 6. Ёғ, 7. Уруғлик. Тана дарахтининг саккиз шохаси қуйидагилар: ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур, ўзлик. Танада тўққиз дарвоза бор: икки кўз, буруннинг икки тешиги, икки кулоқ, оғиз, жинсий аъзолар ва йўғон ичак. Танада ўн турли ҳаво оқими мавжуд: **прана, апана, удана, вйана, самана** ва ҳоказо. Шу дарахтда ўтирган икки қуш эса, юқорида айтиб ўтилганидай тирик мавжудот ва Худонинг Олий Шахсининг Параматма кўринишидаги тўлиқ намоён бўлган киёфаси.

Худонинг Олий Шахси Кришна мана шу ерда таърифланган моддий намоёнликнинг асосини ташкил этади. Худонинг Олий Шахси Ўзини кўпайтириб моддий табиат гуналарини бошқариб туради. Вишну эзгулик гунасини бошқаради, Тангри Брахма эҳтирос гунасини бошқаради, Тангри Шива ғафлат гунасини бошқаради. Бу моддий оламни Тангри Брахма эҳтирос гунаси ёрдамида барпо этади, Парвардигор Вишну унинг мавжудлигини эзгулик гунаси ёрдамида таъминлаб туради, Тангри Шива бу моддий намоёнликни ғафлат гунаси ёрдамида яксон қилади. Бутун борлиқ охир-оқибатда ягона Парвардигор Кришнада паноҳ топади. Парвардигор Кришна бутун борлиқнинг яралиши, мавжудлиги ва емирилишининг бошланғич сабабчисидир, бутун борлиқ яксон бўлганда Худонинг қуввати кўринишидаги ўзининг нафис ҳолатида Парвардигорнинг танасидан жой олади.

"Мана - деб илтижо қилишда давом этди фаришталар - Парвардигор Кришна бу моддий борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун дунёга келади". Аслини олганда Олий Сабаб битта, лекин ақл-фаросати етишмайдиган ғофил одамлар моддий табиат гуналари алдовига тушиб, моддий оламнинг яралишига жуда кўп сабаблар бор деб ўйлайдилар. Мукамал илмга эга бўлган фаросатли одамлар ягона сабаб фақат Кришна эканини кўра оладилар. "Брахма-самхита"да айтилганки, **"сарва карана каранам** - Кришна, Худонинг Олий Шахси барча сабаблар сабабчисидир". Тангри Браҳманинг вазифаси - яратиш, Парвардигор Вишну - Кришнанинг моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун бу дунёда намоён этган қиёфаси, Тангри Шива - бу оламни яксон қилиш учун Кришнанинг намоён этган экспансияси.

"Эй азиз Парвардигор, - илтижо қилишда давом этди фаришталар, - Сенинг мангу шахс қиёфангни тушуниб етиш жуда мушкул. Одатда одамлар Сенинг ҳақиқий қиёфангни англаб олишга қодир эмаслар, шунинг учун уларга Ўзингнинг азалий, бошланғич, мангу шахсий қиёфанг қандай эканини кўрсатиш ниятида Сен Ўзинг бу моддий оламга ташриф буюрасан. Одамлар Сенинг намоён этган ҳар хил қиёфаларингни тушуниб олишлари мумкин, лекин улар худди оддий одамлардай улар орасида юра оладиган мангу, илоҳий икки қўлли Кришнани англаб олишлари жуда қийин. Сенинг содиқларинг мана шу икки қўлли қиёфангни кўриб тобора кучайиб борадиган илоҳий лаззатга ғарқ бўладилар, аммо иймонсиз даҳрийларни бу қиёфанг даҳшатга солади".

"Бхагавад Гита"да айтилганидай Кришнанинг қиёфаси садхулар учун жуда ёқимли, **паритранайам садхунам**, аммо иймонсиз иблислар учун жуда хавфли, чунки Кришна бу дунёга уларни яксон қилиш учун келади. Шу боис Кришна бир вақтнинг ўзида содиқлар учун лаззат келтирса, айна пайтда иблисларни даҳшатга солади.

"Эй нилуфар кўзли Парвардигор, Сен соф эзгулик манбаисан. Жуда кўп донишмандлар **самадхи** ҳолатига кириб, яъни Сенинг нилуфар қадамларинг пойини илоҳий назарлари билан томоша қилиш орқали бутун фикру-хаёлини Сенда мужассам қилиш ёрдамида моддий табиат яратган чексиз ғафлат уммонини бузоқнинг оёқ изларида қоладиган қўлмакка айлантирганлар".

Муроқаба билан шуғулланишдан мақсад ўзининг бутун фикру-хаёлини Худо Шахсида, нилуфар қадамлари пойидан бошлаб Унинг бутун танасида мужассам қилишдан иборат. Шунчаки Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлаб юриш билан буюк донишмандлар осонлик билан моддий

тирикликнинг чексиз уммонини кечиб ўтганлар.

"Эй, Ўзидан таралаётган нур ёритиб турган Парвардигор, ғафлат уммонини Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан қилинган илоҳий қайиқда сузиб ўтган буюк авлиё зотлар шу қайиқни ўзлари билан олиб кетмадилар. Қайиқ ҳалигача ғафлат уммонининг бу қирғоғида турибди".

Фаришталар бу ерда жуда ўринли ўхшатиш ишлатяптилар: агар одам дарёни сузиб ўтиш учун бирор қайиқдан фойдаланса, у билан бирга қайиқ ҳам дарёнинг нариги томонига ўтиб қолади. Шундай экан, дарёнинг бу қирғоғида турган одамлар дарёдан ўтишда қандай қилиб яна шу қайиқдан фойдаланиши мумкин? Бу қийин саволга жавоб бера туриб фаришталар айтяптиларки, қайиқ аввалги жойида қолган. Қирғоқда турган бхакталар ҳам моддий табиат океанини кечиб ўта оладилар, чунки соф содиқлар ғафлат уммонини кечиб ўтаётганда қайиқни ўзлари билан олиб кетмайдилар. Соф содиқлар қайиқ олдида келганида моддий ғофиллик уммони кичрайиб, бузоқнинг туёқ изларида қолган қўлмак сув кўринишига келиб қолади. Шунинг учун бхакталар қайиқни уммоннинг нариги томонига олиб ўтишига ҳожат қолмайди - улар ўзлари осонлик билан ғафлат уммонидан ўтиб оладилар. Буюк авлиё зотларнинг қалби барча шартланган руҳларга нисбатан ҳамдардлик туйғуси билан тўла бўлгани сабабли, қайиқ Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида қолади. Унинг нилуфар қадамлари пойини истаган пайтда эслаш, улар ҳақида ўйлаш билан моддий тирикчилик уммонини осонлик билан кечиб ўтиш мумкин.

Муроқаба қилиш деганда бутун фикру-хаёлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилишни тушуниш керак. Нилуфар пойи қадамлар Худонинг Олий Шахсини билдиради. Имперсоналистлар Худонинг Олий Шахсини тан олмайдилар, шу боис улар мууроқаба қилиш учун қандайдир шахсиятсиз бир нарсани танлайдилар. Бу ерда фаришталар мукамал фикр билдириб, аниқ айтяптиларки, қандайдир бўшлиқ ёки шахсиятсиз нарсага мууроқаба қилиш билан шуғулланадиган одамлар ғофиллик уммонини кечиб ўта олмайдилар. Шундай одамлар фақат ўзларича "мен руҳий озодликка чиқдим" деб ўйлашлари мумкин.

"Эй нилуфар кўзли Парвардигор, уларнинг тафаккури булганган, чунки улар Сенинг нилуфар қадамлари пойинг ҳақида фикр юрита олмайдилар".

Гарчи шахсиятсиз Браҳманни англаш даражасига етган бўлсалар ҳам, ўзларининг ана шундай эътиборсизлиги сабабли имперсоналистлар тубанликка - яна моддий

оламга, шартланган ҳаётга юз тутишга маҳкум. Қаттиқ синов ва риёзатлар орқали ўтиб, улар Брахманнинг илоҳий нурида, шахсиятсиз Брахманга қўшилиб кетадилар. Лекин уларнинг ақли ҳали моддий иллатлардан покланмаган бўлади; улар шунчаки дунёвий моддий фаолиятни инкор этишга уринганлар холос. Бу ҳали улар рухий озодликка чиқдилар дегани эмас. Шунинг учун улар яна тубанликка қулашга маҳкум. "Бхагавад Гита"да айтилганки, инсон ҳаётининг якуний мақсадини англаб етиш учун имперсоналистлар қаттиқ риёзат ва синовлар орқали ўтишлари керак бўлади. "Шримад Бхагаватам"нинг бошида айтилганки, Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилмай туриб кармали дунёвий фаолият чангалидан қутулишнинг иложи йўқ. Парвардигорнинг Ўзи "Бхагавад Гита"да шундай деган, "Шримад Бхагаватам"да буюк донишманд Нарада Муни ҳам шундай деган, худди шу ҳақиқатни бу ерда фаришталар ҳам тасдиқлаётдилар.

"Агар одам ўзининг бутун ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишламаган бўлса, демек ҳали у ҳар қандай илм ўрганишнинг, умуман илмнинг охириги якуний мақсадини англаб етмаган. Демек, у ҳали Сенинг марҳаматингга эришмаган".

Имперсоналистлар ўзларича озодликка чиқдик деб ўйлайдилар, лекин аслида уларда Худо Шахсига нисбатан ҳеч қандай туйғу йўқ. Уларнинг фикрича, Кришна бу моддий оламга келганида моддий танага эга бўлади. Яъни улар Парвардигор Кришнанинг илоҳий танаси борлигини англай олмайдилар. Бу ҳақиқат ҳам "Бхагавад Гита"да тасдиқланган: **аваджсананти мам мудхах**. Имперсоналистлар моддий ҳирсени, эҳтирос туйғусини енгганига ва рухий озодлик поғонасига кўтарилганларига қарамай, яна моддий дунёвий ҳаётга қайтишга маҳкум. Агар улар фақат билиш учунгина илм ўрганишга умрини сарфласалар-у, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирмасалар, улар қутулган мақсадга эриша олмайдилар. Уларнинг эришадиган мақсадлари - чеккан риёзатлари-ю, бошидан кечирган изтироблари бўлиб қолаверади. "Бхагавад Гита"да аниқ айтилганки, шахсиятсиз Брахманни англаб етиш - ҳали Худони англаш илмининг охири эмас. Шахсиятсиз Брахманни англаб етиш инсонга рухий озодликнинг лаззатли эканини, ҳар қандай ҳолатда ҳам хотиржам, осойишта қола билиш поғонасига кўтарилишни англашга ёрдам беради, лекин шу поғонага кўтарилгандан кейин инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириш керак. Шахсиятсиз Брахманни англаб етгандан кейин Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган одам Худонинг Олий Шахси билан ҳаммиша мулоқотда бўлиб

мангу яшаши учун Худонинг даргоҳига кириш имконига эга бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг натижаси шундай. Имперсоналистларнинг бу дунёга қулашига қарши ўлароқ яна дунёвий ҳаёт гирдобига қулаш ҳеч қачон Кришнанинг содиқларига хавф соломмайди. Кришнанинг содиқ хизматкори қандайдир сабабларга кўра йўлдан адашса ҳам, барибир унинг қалбида Худо Шахсига нисбатан илиқ муҳаббат, боғланиш туйғулари сақланиб қолади. У Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ҳар хил қийинчиликларга дуч келиши мумкин, лекин у бу тўсиқларнинг ҳаммасини кўркмасдан енгиб ўтаверади. У ўз ихтиёрини Худога топшириб қўйгани учун аниқ ишонадики, Парвардигор Кришна ҳаммиша уни ҳимоя қилиб юради. Парвардигор Кришна "Бхагавад Гита"да аниқ ваъда берган: "Менинг содиқ хизматкорим ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди".

"Эй азиз Парвардигор, барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун Сен Ўзингнинг азалий қиёфангда, пок ва мангу эзгулик қиёфасида бу дунёда намоён бўлдинг. Сенинг бу дунёга келишингдан фойдаланиб тирик мавжудотларнинг ҳаммаси осонлик билан Худонинг Олий Шахсининг қиёфасини ва Унинг табиатини англай оладилар. Ижтимоий ҳаётнинг тўрт (брахмачарйа, грихастха, ванапрастха, саннийаси) табақасига мансуб одамларнинг барчаси Сенинг бу дунёга келишингдан чексиз манфаат кўрадилар.

Эй азиз Парвардигор, эй раванк фариштасининг эри, Сенинг содиқларинг ҳеч қачон имперсоналистларга ўхшаб ўзлари ҳозир эгаллаб турган юксак рухий поғонадан тубанликка қулаш хавфидан хавотирланмайдилар. Сенинг ҳимоянг остида бхакталар рухий озодликка чиқиш йўлида одамларга жуда катта тўсиқлар қўядиган майянинг қўплаган саркардаларининг бошлари устидан осонлик билан сакраб ўтадилар. Барча тирик мавжудотлар Сени яққол кўра олишлари, муқаддас китобларда кўрсатилганидай Сенга бевосита сажда қилишлари, ведавий маросимлар, муруқаба ва садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида Сенга эҳсонлар ҳадя қилишлари учун уларнинг бахт-саодатини ўйлаб Ўзингнинг азалий илоҳий қиёфангда бу дунёга келасан. Эй азиз Худойим, агар Сен ҳақингдаги ҳар қандай сохта хом-хаёлларни бартараф қиладиган Ўзингнинг илм ва лаззатга тўла мангу илоҳий қиёфангда бу дунёда пайдо бўлмасанг, одамларнинг ҳаммаси ўз билганларича, қайси моддий табиат гуналари таъсирида яшаётганига мос равишда барибир Сени ўйлаб топган бўлардилар".

Кришнанинг бу дунёга келиши ўзларича Худонинг Олий Шахсини тасаввур қилишга уриниб юрган одамларнинг ҳаммасига аниқ жавоб беради. Моддий табиатнинг қайси гунаси таъсири остида яшаётганига мос равишда ҳар бир одам Худонинг Олий Шахсининг кўринишини, қиёфасини ўзича тасаввур қилади. "Брахма-самхита"да айтилганки, Парвардигор - энг қадимий шахс. Шу боис кўпчилик диний таълимотларда "Худо Шахси кекса чол кўринишида бўлиши керак" деган фикр бор ва улар Худони оппоқ соқолли чол қиёфасида тасвирлайдилар. Лекин "Брахма-самхита" буни инкор этади: гарчи Парвардигор барча тирик мавжудотлар ичида энг қадимий Зот бўлса ҳам, У ҳамиша ёш, навқирон бўлиб қолаверади. "Шримад Бхагаватам"да ҳам бу тўғрида аниқ ёзилган: **вигйанам агйана-бхиданамаржнанам. Вигйанам** ибораси "Худо Шахсининг илоҳий илми" деган маънони англатади. Илоҳий илмни худди Тангри Браҳма Кришна ҳақидаги илмни "Брахма-самхита"да бергани сингари, юқоридан пастга, устоздан шогирдга узатишдан иборат силсиланинг узлуксиз занжир тизими орқали ўрганиш керак. "Брахма-самхита" - **вигйанам**, яъни илоҳий тажриба ёрдамида Браҳма англаб етган ҳақиқий илм. У Кришнанинг қиёфасини ва Унинг илоҳий даргоҳдаги эрмакларини шундай тасаввур этган. **Агйанабхида** ибораси ҳар қандай хом хаёлни инкор эта оладиган нарсани билдиради. Ғофиллик зулматида ботган ҳолда одамлар Худони ўзларича тасаввур қиладилар. Уларнинг ҳар хил тасаввурларига кўра баъзан Худонинг шакл-шамоили, қиёфаси бор, баъзида эса йўқ. Лекин Парвардигорнинг "Брахма-самхита"да таърифланган қиёфаси вигйанам - илмий, илоҳий тажриба орқали олинган ҳақиқий илм, бу илмни Тангри Браҳма берган, уни Парвардигор Чайтанья тан олиб қабул қилган. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Кришнанинг қиёфаси, Кришнанинг найи, Кришнанинг қорамтир ранги - буларнинг ҳаммаси аниқ, реал ҳақиқат. Бу ерда айтилганки, вигйанам ҳар қандай абстракт илмлардан устун туради. "Шу боис, агар Сен азалий қиёфангда, Кришна қиёфасида келмасанг, **агйанабхида**(абстракт, тахминий илм) ҳам, вигйанам ҳам одамлар учун жумбоқ бўлиб қолаверарди. **Агйана-бхиданамаржнанам** - Сен бу дунёга келишинг шарофати билан ғофил одамларнинг абстракт(тахминий) илмлари барҳам топиб, мағлубиятга учраб, Тангри Браҳма сингари ишонарли зотларнинг илоҳий тажриба йўли билан олган ҳақиқий илми ғалаба қозонади. Моддий табиат гуналари таъсири остида яшаётган одамлар ўша гуналарга мос ҳолда Худони ўзларича тасаввур қиладилар. Шу тариқа улар Худони ҳар хил кўринишларда

тасвирлайдилар, лекин Сенинг бу дунёга келишинг билан Худонинг Олий Шахсининг ҳақиқий қиёфаси қандайлиги аниқ-равшан маълум бўлади".

Имперсоналистларнинг энг катта хатоси шундан иборатки, улар "Парвардигор бу дунёга келганида эзгулик гунасида бўлган моддий танга эга бўлади" деб ҳисоблайдилар. Аслида эса Кришнанинг, Нарайананинг қиёфаси ҳар қандай моддий фикр, ғояларга нисбатан илоҳий табиатга эга. Ҳатто энг буюк имперсоналист Шанкарачарйанинг ўзи буни тан олган: **нарайанах паро авйактам**. Моддий олам **авйакта**, - "модданинг шахсиятсиз кўринишида намоён бўлган ҳолати", яъни "модданинг ҳиссиётлар орқали сезиб бўлмайдиган тўлиқ сақланган ҳолати" деб аталади. Кришна ана шу моддий тасаввурга нисбатан бутунлай илоҳий ҳолатда. "Шримад Бхагаватам"да Парвардигорнинг бундай ҳолати **шуддхасаттва**(трансцендент) деб аталган. Бу қиёфа моддий эзгулик гунасига мансуб эмас, У эзгулик гунаси ҳолатидан устун туради. У ҳамиша илм ва лаззатнинг мангу илоҳий ҳолатида қолаверади.

"Эй азиз Парвардигор, Ўзингнинг ҳар хил қиёфаларингда намоён бўлганинга вазиятга, шароитга қараб Сен турли ном ва кўринишларга эга бўласан. Парвардигор Кришна - Сенинг ҳақиқий номинг, чунки Сен - ҳаммани Ўзингга махлиё қиласан. Илоҳий даражада гўзаллигинг сабабли Сени "Шйамасундара" деб атайдилар. **Шйама** дегани "қора, деярли қора, қорамтир" деган маънони англатади, лекин шунга қарамай Сен минглаган севги фаришталаридан ҳам жозибали, чиройлисан. Гарчи, Сен илоҳий Мутлақ Зот бўлганинг сабабли Сенинг илоҳий танангнинг ранги ёмғирли булут рангида бўлса ҳам, Сенинг гўзаллигинг Купидоннинг нафис гўзал танасидан минг чандон кўпроқ ўзига жалб этади. Баъзида Сени **Гуридхари** деб атайдилар, чунки Сен Говардхана тепалигини кўтаргансан. Баъзида Сени **Нанданандана, Васудева** ёки **Девакинандана** деб чақирадилар, чунки Сен Мажараж Нанданинг, ёки Девакининг, ёки Васудеванинг ўғли бўлиб келасан. Имперсоналистларнинг фикрига кўра Сенинг кўплаган номларинг ва кўринишларинг маълум бир фаолият ва сифатларга мос келади, чунки улар Сени моддий нуқтаи назар билан қабул қиладилар.

Эй азиз Парвардигор ҳақиқатни тушуниш йўли Сенинг мутлақ табиатингни, қиёфанг ва қароматларингни фикр-мулоҳаза юритиш орқали ўрганишдан иборат эмас. Инсон ўзини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши керак - шундагина Сенинг мутлақ табиатингни, илоҳий қиёфаларингни, муқаддас номларингни



ва сифатларингни англаб етиш мумкин. Аслини олганда фақат Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилишга озгина бўлса ҳам ихлоси бўлган одамгина Сенинг илоҳий табиатингни, киёфангни ва сифатларингни тушуна олади. Бошқалар эса ўзларининг фикрий изланишларини миллион йиллар давом эттиришлари мумкин, лекин улар барибир Сенинг ҳақиқий ҳолатингни заррача бўлса ҳам тушуна олмайдилар". Бошқача қилиб айтганда, Худонинг Олий Шахсини, Кришнани Худонинг содиқ хизматкоридан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди, Кришнанинг ҳақиқий ҳолатини йогамайя пардаси бегоналар кўзидан тўсиб туради. Бу ҳолат "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланган: **нахам пракашах сарвасйа**. Парвардигор: "Мен дуч келган одамга кўринавермайман!" - дейди. Кришна Ер юзига келган пайтда, Курукшетра жанг майдонида Унинг Ўзи шахсан иштирок этган, бунда Уни ҳар бир жангчи кўрган эди, лекин У - Худонинг Олий Шахси эканини ҳамма ҳам тушуна олмаган эди. Лекин Унинг кўз олдида ҳалок бўлган жангчиларнинг ҳаммаси моддий олам тутқунлигидан халос бўлиб руҳий оламга эришдилар.

"Эй азиз Худойим, имперсоналистлар ва Сенинг содиқларингдан бошқа одамлар Сенинг номинг билан Сенинг киёфанг бир-биридан фарқ қилмаслигини тушуна олмайдилар". Парвардигор мутлақ табиатга эга бўлгани учун Унинг номи билан ҳақиқий киёфаси бир-биридан фарқ қилмайди. Моддий оламда бирор жисмнинг номи билан унинг киёфаси бир-биридан фарқ қилади. Манго меваси мангу сўзидан фарқ қилади. "Манго, манго, манго" - деб такрорлайверган билан мангонинг мазасини ҳис қилмаймиз. Лекин Парвардигорнинг Ўзи билан Унинг муқаддас номи бир-биридан фарқ қилмаслигини билган бхакта Унинг муқаддас номларини зикр қилади: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре ҲареҲаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - ва бунда Кришна ёнида турганини ҳис қилади.

Ҳали Парвардигор ҳақида мутлақ илмга тўлиқ эга бўлмаган одамлар учун Кришна бу дунёда Ўзининг илоҳий кароматларини намоён этади. Улар Парвардигорнинг ана шу илоҳий кароматларини эслаб, ўйлаб юриш билан ҳам энг буюк саодатга эриша оладилар. Парвардигорнинг илоҳий номлари ва киёфаси орасида ҳеч қандай фарқ бўлмаганидай, Унинг илоҳий кароматлари ва Ўзи орасида ҳам ҳеч қандай фарқ йўқ. Унча фаросатли бўлмаган одамлар(аёллар, савдогарлар ва ишчилар) учун буюк донишманд Вйасадева Маҳобҳорат достонини ёзган. Унда Кришна ва Унинг ҳар хил кароматлари ҳақида баён этилган.

Маҳобҳорат - инсоният тарихи ҳақидаги эпос, бу эпосдан Кришнанинг илоҳий кароматларини ўқиб, ўрганиб, уларни эслаб юриш орқали унчалик фаросатсиз бўлган одамлар ҳам аста-секин соф содиқлар даражасига кўтариладилар.

Ҳамиша Кришнанинг муқаддас илоҳий қадамлари пойи ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрган, ҳаётда Кришна онги билан яшаб, ҳамиша Худоба соф садоқат билан хизмат қилиб юрган соф бхакта(содиқ)лар тўғрисида "улар ҳам моддий оламда яшайди" деб бўлмайди. Шрила Рупа Госвами тушунтирган эдики, бутун вужуди, ақлу-хаёли ва амаллари билан Кришна онгидаги ишларга бутунлай ғарқ бўлган одамларни ҳатто ҳозирги танасида ҳам "руҳий озодликка эришган зотлар" деб ҳисоблаш керак. Бу ҳақиқат "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланади: Худоба садоқат билан хизмат қилиб юрган одам моддий оламдан руҳий поғонага кўтарилган бўлади.

Кришна бу дунёга бхакталарга ва ҳали бхакта бўлмаган одамларга инсон ҳаётининг олий мақсадини англаб етиш имкониятини бериш учун келади. Бунда бхакталар Уни бевосита кўриш ва Унга сажда қилиб сиғиниш, хизмат қилиш имкониятига эга бўладилар. Ҳали ундай юксак поғонага эришмаганлар эса Унинг илоҳий кароматлари ҳақида билиб олиш ва аста-секин бхакта даражасига етиш имкониятига эга бўладилар.

"Эй азиз Парвардигор, эй ҳаммани бошқариб турган турган Зот, Сен Ер юзига ташриф буюрганингда Камса ва Жарасандха сингари иймонсиз иблисларнинг ҳаммаси яксон бўладилар ва бутун жаҳонда тинчлик, фаровонлик юзага келади. Сен босиб ўтган жойларда Сенинг нилуфар қадамларинг пойидаги байроқча, санчки, яшин сингари белгиларнинг излари қолади. Бу билан Сен Ер сайёрасига ҳам, ана шу изларни жаннатий сайёраларда туриб кузатиб юрган бизларга ҳам бахт-саодат келтирасан".

"Эй азиз Парвардигор, - давом этди фаришталар, - Сен - туғилмаган Зотсан, шу боис бизлар Сенинг бу дунёга келишингдан мақсад - ҳар хил эрмаклар билан лаззатланишдан бошқа нарса эмас деб биламиз".

Гарчи Парвардигорнинг бу дунёга келишининг сабаби "Бхагавад Гита"да берилган(Ўзининг содиқларини ҳимоя қилиш ва иблисларни яксон қилиш) бўлса ҳам, аслини олганда У иблисларни яксон қилиш учун эмас, Ўзининг содиқлари билан учрашишдан қувониш, лаззатланиш учун келади. Иблисларни моддий табиатнинг ўзи ҳам бемалол яксон қила олади.

"Моддий табиатнинг ҳаракатлари ва унинг оқибатлари(яратиш, мавжудлигини таъминлаш, яксон қилиш) ўзидан-ўзи амалга ошаверади.

Лекин Сенинг муқаддас номларинг паноҳидан нажот топган бхакта мустаҳкам ҳимояланган бўлади, чунки Сенинг муқаддас номинг Сенинг Ўзингдан фарқ қилмайди".

Бхакталарни ҳимоя қилиш ва бхакта бўлмаган одамларни яқсон қилиш Худонинг Олий Шахсининг асосий иши эмас. У бу дунёга фақат ҳар хил илоҳий эрмаклар билан лаззатланиш учун келади. Унинг бу дунёга келишининг бошқа ҳеч қандай сабаби бўлиши мумкин эмас.

"Эй азиз Парвардигор, Сен Йадавдалар сулоласининг энг аъло намоёндаси сифатида дунёга келасан, биз Сенинг нилуфар қадамларинг пойига эҳтиром билан сажда қиламиз. Бундан олдин ҳам Сен балиқ, тўнғиз, от, тошбақа ва оққуш қиёфасида, шунингдек шох Рамачандра, Парашурама ва бошқа кўплаган кўринишларда ҳам бу дунёга келган эдинг. Сен ҳамиша фақат бхакталарни ҳимоя қилиш учун келгансан, худди шундай, ҳозир Худонинг Олий Шахси қиёфасида келганингда ҳам бутун уч оламда бизларни ҳимоя қилишингни ва осойишта ҳаёт кечиришимиз учун халақит берадиган барча қийинчиликларни бартараф этишингни бизлар Сендан илтимос қиламиз.

Эй азиз Деваки она, сенинг қорнингда Худонинг Олий Шахсининг Ўзи, Парвардигор Кришна ором оляпти. У Ўзининг барча тўлиқ намоён бўлган экспансиялари билан бирга дунёга келади. У - бизларнинг бахт-саодатимиз учун бу дунёга келадиган Худонинг азалий, бошланғич Олий Шахсидир. Шунинг учун сен аканг Бходжа шохидан кўркиб, хавотирланиб юришингнинг мутлақо ҳожати йўқ. Сенинг ўғлинг бўлиб туғиладиган Кришна, Худонинг азалий Олий Шахси бу дунёга такводор Йадавдаларни ҳимоя қилиш учун келади. Парвардигор битта Ўзи эмас, Унинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси Балорам ҳам Унга ҳамроҳ бўлиб келади".

Деваки акаси Камсадан жуда кўрқарди, чунки унинг аввалги болаларининг ҳаммасини у бешафқат ўлдириб ташлаган эди. Шу боис у энди туғиладиган Кришнанинг тақдирдан қаттиқ хавотирланар эди. "Вишну пурана"да айтилганки, барча фаришталар рафиқалари билан бирга тез-тез Девакининг олдига келиб, Камса унинг бўлажак ўғлини ўлдиришидан кўркиб ўтиришига ҳожат йўқлигини эслатиб уни овунтириб кетардилар. Ҳозир Девакининг қорнида ором олаётган Кришна фақат Ер сайёрасининг дардини енгиллатиш учун эмас, балки айниқса Йадавдалар сулоласининг манфаатларини, шу жумладан шубҳа йўқки, Деваки билан Васудевани ҳам ҳимоя қилиш учун ташриф буюради. Маълумки, Кришна Васудеванинг ақлидан Девакининг ақлига, кейин

унинг қорнига ўтган эди. Шунинг учун барча фаришталар Девакига, Кришнанинг онаси олдига келиб унга сажда қилардилар.

Шу тариқа Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини тавоф қилиб Тангри Браҳма ва Тангри Шива бошлиқ фаришталарнинг ҳаммаси ўзларининг даргоҳлари сари йўл олдилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Онаси қорнида ётган Парвардигор Кришнага фаришталарнинг қилган илтижолари" деган биринчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

### 3. Парвардигор Кришнанинг туғилиши

"Бхагавад Гита"да Парвардигор айтганки, Унинг бу дунёга келиши, туғилиши ва кўрсатган кароматлари илоҳий табиатга эга, уларни англаб етган киши шу заҳотиёқ руҳий оламга, Худонинг мангу илоҳий салтанатига киришга муносиб зот бўлади. Парвардигорнинг бу дунёга келиши, яъни туғилиши ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишлари оқибатида моддий тана олишга, туғилишга мажбур бўлган оддий одамларнинг туғилишидан бутунлай фарқ қилади. Парвардигорнинг бу дунёга қандай келиши иккинчи бобда таърифланган: У бу дунёга Ўзининг истаги, Ўзининг хоҳиш-иродаси билан, Ўзи истаган пайтда келади.

Парвардигор бу дунёга келадиган вақт яқинлашганида барча сайёралар осмонда энг шарофатли жойларни эгалладилар. Рохини деган юлдузнинг таъсири кучайди, чунки бу юлдуз энг шарофатли юлдуз ҳисобланади. Рохини сайёраси бевосита Тангри Браҳманинг назорати остида ҳаракат қилади. Астрологик хулосаларга кўра юлдузларнинг шарофатли жой олишларидан ташқари ҳар хил сайёралар тизимининг жойлашув ҳолатига қараб шарофатли ва шарофатсиз вақтлар ҳам бўлади. Кришна туғиладиган пайтга келиб барча сайёралар тизими ўзидан-ўзи энг шарофатли ҳолатда жойлашдилар.

Шу пайтда бутун оламда - шарқда, ғарбда, шимолу-жанубда - тинчлик, фаровонлик ва осойишталик ҳукм сура бошлади. Осмонда юлдузлар энг шарофатли тартибда жойлашган, Ер юзида - барча шаҳар- кишлоқларда, ўтлоқларда, одамларнинг фикру-хаёлларида чексиз қувонч, бахт барқ уриб турарди. Дарёлар сувга тўлиб оқар, ҳовузларда чиройли нилуфар гуллари кийғос очилиб турарди. Ўрмонлар товус ва бошқа чиройли қушларга тўла эди. Сайроқи қушларнинг ҳаммаси ўрмон муҳитини

жаранглатиб ёқимли хониш қилар, товуслар жуфтлари билан яйраб рақсга тушарди. Майин шабада чиройли гулларнинг анвойи ҳидини ҳар тарафга таратар, енгил шабаданинг танани оҳиста силаши кишига ором, роҳат бағишларди. Қурбонлик маросими ўтказишни одат қилган браҳманларнинг кўзига ўз уйлари сиғиниш маросими ўтказиш учун жуда қулай бўлиб қолгандай кўриниб кетди. Иймонсиз шоҳлар таъқиқлаб қўйгани сабабли браҳманларнинг уйларида ўрнатилган меҳроблар деярли ишлатилмас эди, лекин энди улар бемалол қурбонлик маросими ўтказиш имкониятига эга бўлдилар. Браҳманларга Худога сиғиниш, қурбонлик маросими ўтказиш таъқиқлаб қўйилгани сабабли уларнинг ақли паришон бўлиб, бундан улар қаттиқ изтироб чекардилар, лекин Кришна дунёга келган заҳоти, осмонда Худонинг Олий Шахсининг бу дунёга келганидан далолат берувчи илоҳий гулдурас овозларни эшитиб, браҳманларнинг қалбини чексиз шодлик, қувонч камраб олди.

Гандхарвалар ва Киннарлар сайёрасида яшайдиган аҳоли қўшиқлар куйлай бошладилар, Сиддхалока ва Чараналар сайёраларида яшайдиган зотлар эса Парвардигорга илтижо қила бошладилар. Жаннатий сайёраларда фаришталар ўз рафиқалари билан бирга апсарлар ҳамроҳлигида чиройли рақсга туша бошладилар.

Буёқ донишмандлар ва фаришталарнинг қалблари қувончга тўлиб Ер юзига гуллар ёмғирини ёғдирдилар. Денгиз тўлқинлари қирғоққа оҳиста урилар, денгиз устида эса ёмғирли булутлар тўпланиб, ёқимли овозда момақалдирок жарангдор гумбурларди.

Шу тарзда тун қоронғусида, вазият ҳар тарафлама шарофатли ҳолатга келганида ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Парвардигор Вишнунинг Ўзи ҳам Худонинг Олий Шахси қиёфасида бу дунёга инсон қиёфасида келган фаришта Девакининг олдида пайдо бўлди. Парвардигор Вишнунинг бу дунёда ана шундай пайдо бўлишини шарқ томондан осмонга кўтарилаётган тўлин ойга қиёслаш мумкин. Кришна камайиб бораётган ойнинг саккизинчи куни дунёга келган, шу боис осмонда тўлин Ой бўлиши мумкин эмас, деб эътироз билдириш мумкин. Бунга жавобан айтиш мумкин-ки, Парвардигор Кришна Ой фариштасидан бошланган сулолага мансуб хонадонда дунёга келди. Шунинг учун гарчи Ой шу кечаси камайиб бораётган ҳолатда бўлса ҳам, Ойнинг ўзи бошланғич шахс бўлган шу сулолада Парвардигорнинг Ўзи дунёга келгани шарофати билан Ой фариштасининг қалби ҳам қувончга тўлган эди. Шундай қилиб, Парвардигор

Кришнанинг марҳамати билан шу куни Ой тўлин Ойдаи кўрина оларди.

**Кхаманикья** деган астрологик илмий асарда Парвардигор Кришна бу дунёга келган пайтда осмонда юлдузларнинг жойлашган ҳолати аниқ тасвирланган. Унда айнан мана шу шарофатли пайтда дунёга келган чақалоқ Олий Браҳман, Мутлақ Ҳақиқат экани тасдиқланади.

Васудеванинг кўзи тўрт қўлида сур, гурзи, халқа ва нилуфар гули ушлаб турган бу ғайритабиий болага тушди. Унинг танасини **шириватса** белгиси безаб турарди, бўйнида **каустубҳа** маржони осилган мунчоқ осилган бўлиб, Унинг устидаги чиройли либоси сариқ ипакдан эди. Унинг танаси қора булут рангида бўлиб, ундан атрофга кўзни қамаштиргудай ёғду таралиб турарди. Унинг бошида **ваидурья** сеҳрли тоши билан безатилган тож бор эди. Бундан ташқари Унинг билагузуклари, сирғалари ва бошқа кўплаган тақинчоқлари бўлиб, қоп-қора узун сочи жуда чиройли эди. Чақалоқнинг бундай ғайритабиий кўриниши Васудевани қаттиқ ҳайратга солди. Қандай қилиб энди туғилган бола дарров шундай чиройли либосларни кийиб олиши мумкин? Шунда у ҳақиқатан ҳам Парвардигор Кришна бу дунёга келганини тушунди ва бу мўъжизавий ҳодиса уни бутунлай эсанкиратиб қўйди. Ўзи моддий табиат қонунлари билан шартланиб қолган оддий тирик мавжудот бўлса, бунинг устига ҳозир Камсанинг зиндонида ётган бўлса ҳам ҳар нарсага қодир бўлган Худо, Олий Шахс Кришна, Парвардигор Вишну Ўзининг азалий қиёфасида унинг оиласида фарзанд бўлиб туғилганини кўриб Васудеванинг қалби камтарин ҳолда ҳайратга тушиб турарди. Ҳеч бир оддий чақалоқ онасидан тўрт қўлли бўлиб, ҳар хил тақинчоқлар тақиб, чиройли либосда, Худонинг Олий Шахсининг барча белгилари билан туғилмайди. Васудева ҳайратга тушиб чақалоққа такрор ва такрор тикилиб қарар, айна пайтда бу бахтли ҳодисани қандай нишонлаш ҳақида ўйларди. "Одатда оилада ўғил бола туғилганида одамлар қувонганидан бундай қувончли воқеани чиройли тантана билан нишонлайдилар. Гарчи мен зиндонда бўлсам ҳам, менинг уйимда Худонинг Олий Шахси Кришна дунёга келди. Демак мен бу қувончли воқеани бошқалардан миллион-миллион марта каттароқ тантана билан нишонлашим керак!"

Баъзан **Анакадундубхи** деб ҳам чақиришадиган Васудева ўзининг янги туғилган ўғлини кўрганида қалби чексиз шодликдан шу қадар тўлиб-тошиб кетдики, у браҳманларга эҳсон сифатида кўп минглаган сигирларни садақа қилмоқчи эди. Ведалар маданиятига кўра, шоҳ-қшатрийнинг саройида қандайдир бир қувончли воқеа рўй берганида шоҳ саховат

кўрсатиб брахманларга садака улашади. Брахманларга ва авлиё донишмандларга олтин безаклар тақилган сигирлар садака қиладилар. Кришнанинг дунёга келганини нишонлаб, Васудева ҳам брахманларга сигир садака қилиш маросимини ўтказмоқчи бўлди, лекин Камсанинг зиндонидида қамалиб ётгани сабабли бунинг иложи йўқ эди. Шу боис у ўзининг хаёлида брахманларга минглаб сигирлар улашди.

Дунёга келган чақалоқ ҳақиқатан Худонинг Олий Шахсининг Ўзи эканига ишонч ҳосил қилгандан кейин, Васудева Унинг олдида эҳтиром билан сажда қилди, кўлларини қовуштирган ҳолда кўксига кўйиб Парвардигорга илтижо қила бошлади. Ўша пайтда Васудева илоҳий ҳолатда эди, шу боис унинг қалби Камсадан кўрқиб туйғусидан бутунлай пок эди. Янги туғилган чақалоқ танасидан таралиб турган нур зиндон ичини кундай ёритиб турарди.

Васудева шундай илтижо қиларди: "Эй азиз Худойим, мен Сенинг ким эканингни тушуниб етдим. Сен - Худонинг Олий Шахси, барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи ва Мутлақ Ҳақиқатсан. Сен ҳозир бу дунёда Ўзингнинг мангу азалий шахсий қиёфангда намоён бўлдинг, мен шу қиёфангни бевосита кўриб турибман. Сен бу дунёга мени Камсанинг зулмидан халос этиш учун келгансан. Сен бу моддий оламдан эмассан. Сен - моддий табиатга шунчаки нигоҳини ташлаб кўйиш билан бутун моддий оламнинг яралишини бошлаб берадиган Олий Шахссан".

Бутун борлиқни Ўзининг бир нигоҳи билан яратиб кўйган Худонинг Олий Шахси Васудеванинг хотини Девакининг қорнига туша олмайди, деб кимдир эътироз билдириши мумкин. Ана шундай эътирозларни бартараф этиш учун Васудева шундай дейди: "Эй азиз Худойим, Сен Девакининг қорнидан дунёга келишинг кишини унчалик ҳайратга соладиган мўъжиза эмас, чунки бутун борлиқ ҳам худди шундай яратилган. Сен сабаблар уммонида Маха-Вишну қиёфасида ором олиб ётган эдинг, сон-саноксиз коинотлар Сенинг нафасингдан пайдо бўларди. Кейин Сен Гарбходакашайи Вишну қиёфасида кўпайиб ҳар бир коинот ичига кирдинг. Кейин Сен Кширодакашайи Вишну қиёфасида яна кўпайиб, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбига, ҳар бир атом ичига кирдинг. Шунинг учун Девакининг қорнидан Сенинг бу дунёда туғилишингни тушуниш мумкин. Сен ҳамма жойга сингиб кетгансан, айна пайтда Сен она қорнига киришга ҳам қодирсан. Биз моддий нарсаларни мисол қилиб, Сен қандай қилиб бир вақтнинг ўзида Девакининг қорнига ҳам киришингни, ҳам

кирмаслигингни тушуниб олишимиз мумкин. Бутун моддий қувват, ҳатто ўн олти унсурга бўлиниб кетгандан кейин ҳам ўзгармасдан қолаверади. Моддий тана беш кўпол унсур - ер, сув, олов, ҳаво ва эфирнинг йиғиндисидан бошқа нарса эмас. Моддий тана қачон пайдо бўлмасин, шу кўпол унсурлар гўё янгидан пайдо бўлаётгандай бўлиб кўринади, аслини олганда бу унсурлар танадан ташқарида ҳамиша мавжуд. Худди шундай Девакининг қорнидан туғилган фарзанддай бўлиб кўринсанг ҳам, айна пайтда Сен ҳамиша ундан ташқарида ҳам мавжудсан. Сен ҳамиша Ўз даргоҳингда яшайсан, айна пайтда Сен Ўзингни миллионлаган қиёфаларда борлиқнинг турли хил чеккаларида намоён эта оласан.

Сенинг бу дунёга келишингни тушуниб етиш учун инсон ўткир тафаккурга эга бўлиши керак, чунки моддий қувват ҳам Сендан чиққан. Худди Куёш куёш нурунинг манбаи бўлгани сингари, Сен ҳам моддий қувватнинг бошланғич манбаисан. Куёшнинг нури куёш шарини бутунлай қоплаб ололмайди, худди шундай Сендан чиқиб турган моддий қувват ҳам Сенга таъсир қилолмайди. Одамларга Сен ҳам моддий табиат гуналари таъсирига бериладигандай бўлиб кўринади, лекин аслида моддий табиатнинг уч гунаси Сени қоплаб ололмайди. Билимдон файласуфлар буни яхши биладилар. Бошқача қилиб айтганда, гарчи Сен моддий табиат гуналари ҳукмронлик қиладиган бу моддий оламда яшаётгандай бўлсанг ҳам, моддий қувват Сенга ўз таъсирини ўтказа олмайди".

Ведалар адабиётидан биз биламизки, борлиқдаги ҳамма нарса Олий Брахмандан таралиб турган нур билан ёруғ. "Брахма-самхита"дан биламизки, **брахмасейоти**, яъни Брахманнинг илоҳий ёғдуси Худо Шахсининг илоҳий танасидан таралиб туради. Брахманнинг ёғдусидан эса бутун борлиқ пайдо бўлади. "Бхагавад Гита"да яна айтилганки, Парвардигор Брахманнинг ёғдусини ҳам қувватлантириб туради. Аслида Парвардигор ҳамма нарсанинг бошланғич, азалий сабабчиси. Чуқур тафаккурга эга бўлмаган одамлар Худонинг Олий Шахси Кришна бу моддий оламга келганида моддий сифатларга эга бўлади деб ўйлайдилар. Бундай нотўғри хулосалар фақат ғофил, калтафаҳм одамлардан чиқиши мумкин.

Худонинг Олий Шахси бевосита ва билвосита ҳамма жойда мавжуд: У - бу моддий оламдан ташқарида, айна пайтда У моддий олам ичида. Парвардигор моддий оламнинг ичида Гарбходакашайи Вишну қиёфасидагина эмас, балки ҳар бир атомнинг ичида ҳам мавжуд. Парвардигор бор бўлгани туфайлигина Унинг қудрати билан борлиқ мавжуд бўлиб турибди.

Бирор нарсани Худодан ажратиб бўлмайди. Ведалар Олий Рухни, бутун борлиқнинг бошланғич азалий сабабчисини излашни тавсия қилади, чунки Олий Рухга боғлиқ бўлмаган, мустақил ҳолда бирор нарса мавжуд бўлолмайди. Моддий борлиқ ҳам Унинг қувватининг намоён бўлган кўриниши. Ўлик модда ҳам, тирик жон, рух ҳам Ундан чиқади. Фақат калтафаҳм ғофил одамгина Худо Шахси бу дунёга келганида моддий шароитга тушади, моддий тана қабул қилади деб ўйлаши мумкин. Гарчи У моддий тана олгандай бўлиб кўринса ҳам, У барибир ҳеч қандай моддий шароитларга бўйсунмайди. Шунинг учун ҳам Кришнанинг Ўзи бу дунёга келиб, Худонинг Олий Шахсининг келиши ва кетиши ҳақидаги барча ногўғри хулоса ва тахминларни бартараф этди.

"Эй азиз Худойим, Сенинг бу дунёда намоён бўлишинг, кўрсатган кароматларинг ва яна кетишинг моддий табиат гуналарининг таъсир доирасидан ташқарида. Олий Зот сифатида ҳамма нарсани Ўзинг бошқариб турганинг сабабли Олий Браҳман ҳам Сенда жойлашган, Сенинг табиатингда англаб бўлмайдиган ва бир-бирига тўғри келмайдиган зиддият йўқ. Ўзинг айтганиндай, моддий табиат Сенинг амрингга бўйсуниб ҳаракат қилади. Буни олий бошқарувчининг ҳукми остида иш олиб борадиган ҳукумат ходимларига қиёслаш мумкин. Ўз ҳукминг остида бўлган фаолият билан шуғулланишнинг оқибати Сенга таъсир қилмайди. Олий Браҳман ва барча воқеа-ҳодисалар Сенда мужассам, Сен моддий табиатнинг барча ҳаракатларини бошқариб турасан.

Сени **шуклам** деб атайдилар. Шуклам, яъни "оқ ранг" Мутлақ Ҳақиқат тимсолини билдирадиган ранг, чунки у моддий табиат гуналарига аралашмайди. Тангри Браҳмани **ракта**, яъни "қизил" деб атайдилар, чунки у бунёдкорликка ундайдиган эҳтирос гунаси тимсолидир. Ғафлат гунаси Тангри Шивага топширилган, чунки у моддий борлиқни яқсон қилиш ишларига маъсул. Бу моддий оламни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш ишларини Сенинг қувватларинг амалга оширади, моддий табиат гуналари ҳеч қачон Сенга таъсир қилмайди. Бу ҳақиқат ведаларда тасдиқланган: **харир хи ниргунаҳ сакшат** - "Худонинг Олий Шахси Кришна моддий табиат гуналари таъсиридан ҳамиша пок". Яна ведаларда айтилганки, Парвардигорнинг Шахсий табиатида эҳтирос ва ғафлат сифатлари йўқ.

Эй азиз Худойим, Сен - олий Ҳукмдорсан, энг буюк Шахс, Худо Шахсисан. Сен намоён бўлган бу моддий олам тартибини сақлаб турасан. Олий ҳукмдор бўлсанг ҳам Сен шу

қадар меҳрибонсанки, чексиз марҳамат кўрсатиб ҳозир менинг оиламда дунёга келдинг. Сенинг бу дунёга келишдан мақсадинг - бутун жаҳонда, аслида ўзлари иблис бўлса ҳам, шоҳлар либосини кийиб олган иймонсиз ҳукмдорларнинг ҳамтовоқларини яқсон қилишдан иборат. Мен аминманки, Сен уларнинг ҳаммасини, шунингдек уларнинг ҳамма кўшинини, хизматкорларини ҳам албатта яқсон қиласан.

Сен бу дунёга иймонсиз ҳароми Камсани ва унинг тарафдорларини ўлдириш учун келганингни мен яхши биламан. Сен бу дунёга уларни ўлдириш учун келишингни билгани сабабли Камса Сендан олдин туғилган барча акаларингни битта қўймай ўлдириб ташлади. Ҳозир эса у Сенинг дунёга келишингни кутиб юрибди. Сен туғилганинг ҳақида хабар топган захоти у барча қурол-яроғини кўтариб Сени ўлдириш учун бу еррга етиб келади".

Васудева шу гапларни айтиб илтижо қилиб бўлгандан кейин Кришнанинг онаси Деваки илтижо қила бошлади. У акасининг ёвузлигидан қаттиқ хавотирда эди. Деваки Кришнага шундай деди: "Эй азиз Худойим, Сенинг Нарайана, Парвардигор Рама, Хайаширша, Вараха, Нрисимха, Вамана, Баладева сингари мангу қиёфаларинг ва шуларга ўхшаган, Вишнудан чиқадиган миллионлаган қиёфаларинг ведавий адабиётларда "азалий", "мангу" деб таърифланган. Сен азалий Зотсан, чунки Сенинг бу дунёга ташриф қиладиган қиёфаларингнинг барчаси бу моддий оламдан ташқарида мавжуд. Моддий олам яралишидан аввал ҳам Сенинг илоҳий қиёфанг мавжуд эди. Сенинг шахсий қиёфаларинг мангу ва ҳамма жойга сингиб кетган. Улар ўзларидан таралиб турган нур билан ёруғ бўлиб юрадилар, уларга моддий табиат гуналари таъсир қилмайди. Мана шу ўзгармас қиёфаларинг мангу илм ва лаззатга тўла. Улар илоҳий эзгуликда бўлиб, ҳамиша ҳар хил эрмаклар билан банд. Сен аниқ бир алоҳида шакл, қиёфа билан чекланиб қолмагансан. Сенинг ана шу илоҳий, мангу қиёфаларингнинг ҳар бири ўзига алоҳида тўла бутун. Сен ҳақиқатан ҳам ягона Парвардигор Вишну, Кришна эканингни тушунаман.

Орадан кўп миллион йиллар ўтгандан кейин, Тангри Браҳманинг умри ниҳоясига етганида бу коинот яқсон бўлади. Ана шунда беш унсур - ер, сув, олов, ҳаво ва эфир - **махат-таттва** ичига киради. Вақт ўтиши билан махат-таттва намоён бўлган моддий қувват ичига киради. Моддий қувват эса қувватни юзага келтирган **прадхана**га киради, прадхана эса Сенинг ичинга киради. Шу боис, бутун моддий борлиқ яқсон бўлгандан кейин

Ўзингнинг илоҳий номинг, қиёфанг, сифат ва анжомларинг билан ягона Сен Ўзинг қоласан.

Эй азиз Худойим, мен эҳтиром билан Сенинг олдингда бош эгаман, чунки Сен барча намоён бўлмаган қувватларни бошқариб турасан, шунинг учун Сен моддий табиатнинг бошланғич манбаисан. Эй азиз Худойим, намоён бўлган бутун борлиқ дақиқа(минут)дан то йилгача бўлган оралиқлар билан ўлчанадиган Замон(вақт) ҳукмига бўйсунган. Ҳамма нарса Сенинг раҳбарлигинг остида ҳаракат қилади. Сен ҳамма нарсани олдиндан бошқариб турасан, Сен - барча қудратли қувватларнинг манбаисан.

Барча шартланган руҳлар туғилиш ва ўлишлар чархпалагида қолган ҳолида ҳамиша бир танадан иккинчи танага, бир сайёрадан иккинчи сайёрага ўтиб юрадилар. Қалби кўркувга тўла тирик мавжудот нажот излаб Сенинг нилуфар қадамларинг пойига мурожаат қилганидагина даҳшатли ажалнинг ҳамла қилишидан кўркмай бемалол ётиши мумкин".

Девакининг бу гапларини "Бхагавад Гита"да Парвардигор Кришнанинг Ўзи ҳам тасдиқлайди. У айтганки, ҳатто Брахмалокадан то Паталалокагача бутун коинотни кезиб чикса ҳам тирик мавжудот туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик мусибатларидан қочиб қутула олмайди. "Лекин Худонинг даргоҳига кирган киши - дейди Парвардигор - ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмайди".

"Шунинг учун эй азиз Худойим, мени Уграсенанинг золим ўғли Камсанинг қўлларидан қутқариб олишингни илтимос қиламан. Мен Сендан ҳозирги мана шу даҳшатли вазиятдан халос этишингни илтимос қиламан, чунки Сен Ўзингнинг содиқ хизматкорларингни ҳамиша ҳимоя қиласан".

Ўзининг ана шундай фазилатини "Бхагавад Гита"да намоён этиб, Парвардигор Кришна Аржунга кафолот бериб шундай деганди: "Эй Аржун, бутун дунёга баралла эълон қилиб айтки, Менинг содиқ хизматкорим ҳеч қачон ҳалок бўлмайди".

Парвардигордан ўзини бу қийин аҳволдан халос этишини илтимос қилгандан кейин Деваки она Унга ўзининг оналик меҳрини изҳор эта бошлади: "Мен биламанки, бу илоҳий қиёфангни одатда буюк донишмандлар чуқур муроқабачолатида кўра оладилар, лекин мен барибир кўркиб кетяпман, чунки Камса Сенинг бу дунёга келганингни билган захоти Сенга зулм етказиб қўйиши мумкин. Шунинг учун мен Сендан ҳозирча бизларнинг моддий кўзларимизга кўринмай туришингни илтимос қиламан".

Бошқача қилиб айтганда Деваки Парвардигордан оддий чақалок қиёфасига киришни илтимос қилди.

"Акам Камсадан кўркиб даҳшатга тушишимнинг ягона сабаби - Сенинг дунёга келишинг. Эй Худойим Мадхусудана, Сенинг туғилганинг ҳақида Камса билиб қолиши мумкин. Шу боис Сендан тўрт кўлида сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули ушлаб турган мана шу илоҳий қиёфангни бегона кўзлардан яширишингни илтимос қиламан. Эй азиз Худойим, моддий олам яксон бўлгандан кейин Сен бутун борлиқни Ўз қорнингда сақлайсан, шунга қарамай Ўзингнинг бесабаб марҳаматинг билан Сен менинг қорнимдан дунёга келасан. Фақат Ўз содиқ(бхакта)ларингга руҳий лаззат бағишлаш ниятида Сенинг худди оддий одамлардай ҳаракат қилиб юришларинг мени қаттиқ ҳайратга солади".

Девакининг илтижоларини тинглаб бўлиб Парвардигор шундай деди: "Эй азиз она, Свайамбхува Ману даврида отам Васудева Пражапатилардан бири бўлган эди. Ўша даврда уни Сутапа деб чақирардилар, сен эса унинг рафиқаси Пришни эдинг. Моддий оламда аҳоли сонини кўпайтириш ниятида Тангри Брахма сизларга оила қуриб тақводор фарзандларни дунёга келтиришни буюрди. Сизлар ҳиссиётингизни жиловлаб олиб қаттиқ риёзат чека бошладинглар. Йога тизими бўйича нафас олиш машқлари билан шуғулланиб, сен билан эринг моддий олам қонунларининг ҳар қандай қийинчиликларига бардош бера олардинглар: ёмғир палласими, изғирин шамолларми, жазирама куёш нурларими. Сизлар барча диний қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиб яшардинглар. Шу тариқа сизлар қалбингизни покладинглар, моддий олам қонунларини бошқара оладиган бўлдинглар. Ана шундай риёзатлар чекиб яшаб, сизлар фақат дарахтдан пастга тушган япроқлар билан озикланардинглар. Шу тариқа ақлингизнинг мустаҳкам мувозанат ҳолатига эришиб, шахвоний ҳирс хуружини жиловлаб, Мендан ғайритабиий дуои-фотиҳа олиш ниятида сизлар Менга сажда қилиб сиғина бошладинглар. Сизлар иккинги хам фаришталар ҳисоби бўйича ўн икки минг йил давомида қаттиқ риёзат чекдинглар. Сизларнинг ақлингиз ҳамиша Мен ҳақимдаги ўйлар билан банд эди. Сизлар ҳамиша садоқат билан Менга хизмат қилар, қалбингизда ҳамиша Мени ўйлаб юрардинглар, - Мен бундан чексиз лаззат олардим. Эй бегуноҳ она, шу боис сенинг қалбинг ҳамиша пок, мусаффо. Ўша даврда ҳам фақат сенинг истагингни амалга ошириш учун, Мен худди мана шундай қиёфада сенинг олдингда намоён бўлган эдим. Шунда Мен сенга: "Мендан хоҳлаган истагингни амалга оширишимни сўрашинг мумкин" - деб айтган эдим. Шунда сен Мен сенинг ўғлинг бўлишимни

истаган эдинг. Гарчи сен Мени ўз кўзинг билан якқол кўриб турсанг ҳам, барча моддий мусибатлардан биратўла халос бўлишни сўраш ўрнига сен Менинг қувватим таъсири остида Мендан сенга ўғил бўлишимни илтимос қилган эдинг".

Бошқача қилиб айтганда Парвардигор моддий оламда дунёга келиш ниятида Ўзига ота ва она танлади, улар Пришни ва Сутапа эди. Бу дунёга келиши учун унга кимлардир ота-оналик қилиши керак. Шундай қилиб, У Сутапа ва Пришнини Ўзининг мангу ота-онаси қилиб танлади. Шунинг учун Пришни ва Сутапа Парвардигордан уларни рухий озодликка чиқаришни тилай олмас эдилар. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш имконияти олдида рухий озодликка чиқишнинг кадри қолмайди. Агар истаса Парвардигор Пришни ва Сутапани шу захотиёқ рухий озодликка чиқарган бўларди, лекин У Ўзининг ҳали келажакда яна бу дунёга келишини назарда тутиб, ҳозирча уларни бу моддий оламда қолдириб туришга қарор қилди. Бу ҳақда кейинги шеърларда ҳикоя қилинади. Парвардигордан Унинг ота-онаси бўлишга фотиҳа олиб, Пришни ва Сутапа қаттиқ риёзат чекишни тарк этдилар ва Худонинг Олий Шахси шу оилада ўғил бўлиб туғилиши учун эр-хотин бўлиб яшай бошладилар.

Вақти келиб Пришни хомиладор бўлганда ундан ўғил фарзанд туғилди. Парвардигор Васудева ва Девакига шундай деди: "Ўшанда Мени *Пришнигарбха* деб атардилар. Кейинги минг йилликда сизлар яна туғилдинглар, бу гал сизлар Адити ва Кашйапа эдинглар, Мен сизларнинг ўғлингиз *Упендра* бўлиб туғилдим. Ўша пайтда Мен "Пакана браҳман" қиёфасида келган эдим, шу боис Мени *Ваманадева* деб атардилар. Мен уч марта сизларнинг фарзандингиз бўлиб туғилишга ваъда берган эдим. Биринчи бор Мен Пришни ва Сутапанинг ўғли бўлиб дунёга келган Пришнигарбха эдим, кейин Адити ва Кашйапанинг ўғли Упендра, учинчи марта эса Кришна бўлиб сизларнинг - Васудева билан Девакининг - ўғли бўлиб туғилдим. Мен сизларнинг ўғлингиз бўлиб туғилган ўша ягона Парвардигор эканимга сизларни ишонтириш учун ҳозир олдингизда сизлар кўриб турган Вишну қиёфасида пайдо бўлдим. Мен оддий чақалокқа ўхшаб дунёга келишим ҳам мумкин эди, лекин унда сизлар Мен сизларнинг ўғлингиз бўлиб туғилган Худонинг Олий Шахси эканимга ишонмас эдинглар. Эй азиз ота-онам, сизлар бир неча марта Мени ўзингизнинг ўғлингиз ўрнида меҳр-муҳаббат билан парваришлаб тарбия қилдинглар, шунинг учун Мен сизлардан жуда миннатдорман ва Ўзимни сизларнинг олдингизда қарздор деб биламан. Мен сизларни

ишонтириб айтаманки, бу гал сизлар албатта ўзингизнинг мангу уйингизга, Худонинг даргоҳига қайтиб борасизлар, чунки сизлар бу дунёдаги ўз бурчингизни мукамал адо этдинглар. Биламан, сизлар Мени деб жуда кўп хавотирланасизлар, Камсадан қўрқасизлар. Шунинг учун Мен сизларга ҳозир Мени Гокулага олиб бориб, у ерда ҳозиргина дунёга келган Йашоданинг қизи билан алмаштириб келишни буюраман".

Ота-онасига шу гапларни айтиб, Парвардигор жим қолди ва оддий чақалок қиёфасига кирди.

Худонинг Олий Шахсининг амрини эшитиб Васудева чақалокни Унинг бу дунёга келган хонаси - зиндондан олиб чиқиб кетишга ҳозирланди. Худди шу пайтда Нанда ва Яшоданинг қиз фарзанди дунёга келган эди. Бу қиз Парвардигорнинг ички қувватининг тимсоли бўлган *Йога-майя* эди. Ана шу ички қувват Йога-майянинг қудрати билан Камсанинг саройида яшайдиганларнинг ҳаммаси - айниқса зиндон соқчилари - қаттиқ уйкуга кетган эди. Саройнинг барча эшик дарвозалари, гарчи улар темир занжир ўралиб, катта кулф билан илиб қўйилган бўлса ҳам, - ўзидан-ўзи очилиб кетди. Тун жуда қоронғу эди, лекин Васудева Кришнани кўлига олиб ташқарига чиққандан кейин, у худди кундуз кундагидай ҳамма нарсани аниқ равшан кўра оларди.

"Чайтанйа Чаритамрита"да айтилганки, Кришна худди Қуёш нурига ўхшайди, Кришна бор жойда зулматга қиёсланадиган алдамчи қувват бўлиши мумкин эмас. Васудева Кришнани олиб бораётганда тун қоронғулиги бутунлай тарқаб кетган эди. Зиндоннинг эшиклари ўзидан-ўзи очилди. Осмонда момақалдиروق гумбурлаб, қаттиқ жала куя бошлади. Васудева ўғли Кришнани ёмғир остида олиб борар экан, Парвардигор Шеша илон қиёфасига кириб, ўзининг капгирларини ёйиб Кришнанинг устида соябон бўлиб, Уни ёмғирдан асраб борди. Васудева Йамуна дарёси қирғоғига келиб унинг сувлари лиммо-лим тўлиб турганини кўрди, дарё қирғоқларигача кўпик билан тўлиб кетган эди. Худди бир пайтлар Ҳинд океани Парвардигор Раманинг ўтишига тўсқинлик қилмагани сингари, Ямуна дарёси ҳам қанчалик тошиб турмасин, Васудеванинг уни кечиб ўтишига тўсқинлик қилмади. Шундай қилиб, Васудева Йамуна дарёсини кечиб ўтди. Дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб, у Гокуладаги Нанда Махаражнинг уйига йўл олди. Бу ерга келиб у ҳамма подачилар қаттиқ уйкуга кетганини кўрди. Бундай қулай имкониятдан фойдаланиб, Васудева уйга кирди ва ҳозиргина туғилган қиз болани олиб ўрнига Кришнани қўйиб чиқди. Кришнани қиз болага алмаштириб

у яна Камсанинг саройидаги зиндонга келиб, киз болани Девакининг тиззасига қўйди. Кечаси билан бўлиб ўтган бу ғаройиб воқеалардан Камса хабар топмаслиги учун Васудева ўзининг оёқ-қўлларини яна аввалгидай кишанлаб қўйди.

Йашода она кўзи ёриб фарзандли бўлганини биларди, лекин туғиш изтиробларидан кейин қаттиқ чарчаб, ухлаб қолган эди. Уйқудан уйғонгандан кейин эса, туғилган фарзанди ўғил ёки киз эканини эслай олмасди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Парвардигор Кришнанинг туғилиши" деган  
учинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари  
шундай яқунланади.*

#### **4. Камсанинг таъқиб қилишни бошлаши**

Васудева ҳамма эшикларни бекитгандан кейин соқчилар уйқудан уйғониб янги туғилган чақалоқнинг йиғисини эшитиб қолдилар. Камса боланинг туғилиши ҳақидаги хабарни орзиқиб кутарди, шу боис соқчилар шу заҳотиёқ унинг олдига чошиб бориб, унга чақалоқ дунёга келгани ҳақидаги хабарни етказдилар. Камса ётган жойидан сакраб турди-да, ўзи ҳам билмаган ҳолда шундай деб хитоб қилиб юборди: "Мана, менинг бешафкат ажалим ҳам дунёга келди!" У ажали яқинлашиб қолганидан қаттиқ кўрқиб кетганди, дахшатдан унинг танасидаги туклари хурпайиб кетди. У шу заҳотиёқ чақалоқ дунёга келган жойга йўл олди.

Шиддат билан келаётган акасини кўриб, Деваки ночор ҳолда унга ялиниб илтижо қила бошлади: "Акажон, илтимос, бу киз болани ўлдирма! Мен сенга ваъда бераман, у сенинг ўғлингга турмушга чиқади, шунинг учун уни ўлдирма. Сенинг ажалинг киз боланинг қўлида эмас-ку ахир! Башоратда бундай дейилмаган эди-ку! Башоратда: "Сени ўғил фарзанд ўлдиради!" - дейилган эди, шунинг учун бу кизнинг умрини хазон қилма. Эй акажон, сен менинг эндигина дунёга келган, куёшдай чарақлаб турган ҳамма болаларимни бирма-бир ўлдирдинг. Албатта бу сенинг айбинг эмас. Сенинг иймонсиз иблис маслаҳатчиларинг сенга менинг ўғилларимни ўлдиришни маслаҳат бердилар. Мен ҳозир сендан мана шу киз боланинг бир қошиқ қонидан кечишингни илтимос қиляпман! Менинг қизимни ўлдирма!"

Камса шу қадар золим, бешафкат эдики, синглиси Девакининг зорланиб айтган бундай гапларига қулоқ солиб ўтирмади. Синглисини

четга суриб, у чақалоқни қўлига олди ва баланд кўтариб зарб билан тошга урмоқчи эди. Мана сизга ўз манфаати йўлидан ҳеч нарсадан қайтмайдиган иймонсиз золим акага бир мисол! Лекин, чақалоқ унинг қўлидан чиқиб кетди, у осмонга кўтарилди ва унинг олдига Вишнунинг саккиз қўлли синглиси қиёфасида намоён бўлди. У чиройли либосларга ўраниб олган, бўйнига тақинчоқ ва гулчамбарлар таққан эди. Ўзининг саккиз қўлида у камон, найза, қилич, пайконлар, сур, халқа, гурзи ва қалкон ушлаб турарди.

Аслида фаришта Дурга бўлган чақалоқни кўриб, Сиддхалока, Чараналока, Гандхарвалока, Апсаралока, Киннаралока ва Урагалока сингари жаннатий сайёралардан келган барча фаришталар унга турли инъомлар ҳадя қилдилар, эҳтиром билан унга илтижо қила бошладилар. Осмону-фалақда туриб фаришта Дурга Камсага шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Ҳой ярамас, сен қандай қилиб мени ўлдира олардинг! Сени ўлдириши керак бўлган чақалоқ аллақачон қаердадир бу дунёга келган. Бечора синглингга бунча шафқатсизлик қилаверма!"

Шундан сўнг фаришта Дурга дунёнинг ҳар хил жойларида турли номлар билан машҳур бўлди. Фариштанинг гапларини эшитиб Камса қаттиқ кўрқиб кетди. Унинг қалбида Васудева ва Девакига нисбатан ачиниш, ҳамдардлик туйғуси пайдо бўлиб, уларнинг оёқ-қўлларидаги занжирларни ечиб ташлади. Кейин эҳтиром билан уларга қараб туриб шундай деди: "Эй қадрдон синглим ва куёвим, ўз жиянларимни ўлдириб мен худди иймонсиз-иблислардай иш қилдим. Бизлар яқин қариндош эканимизни ҳам ўйламадим. Бу қилмишларимнинг оқибати нима бўлади, билмадим. Балки мени ҳам браҳманларни ўлдирган одамлар борадиган дахшатли дўзахга юборишар. Лекин мен ўшанда самодан келган овознинг башорати амалга ошмаганидан ҳайрон бўляпман. Ёлғон башоратлар фақат одамлар орасида бўлмас эканда?!. Энди ҳатто фаришталар ҳам ёлғон гапира бошлабдилар-да! Фаришталарнинг ёлғон гапи билан синглимнинг ёш болаларини ўлдириб, мен қанча ёвузликлар қилиб қўйдим-а! Азизим Деваки ва Васудева, сизлар буюк зотларсиз. Албатта, сизларга ақл ўргатадиган мен ким бўлибман, лекин барибир сизлардан илтимос қиламан: ўлган болаларингиз учун кўп изтироб чекаверманглар. Ҳар биримизнинг устимизда ҳаммамизни бошқариб турган олий куч бор, ўша куч бизларнинг мангу бирга қолишимизга йўл қўймайди. Вақти келиб ҳаммамиз дўстларимиз ва қариндошларимизни ташлаб кетишга мажбур бўламиз, лекин шуни аниқ билиб олиш керакки, ҳар хил таналар яқсон бўлиб кетгандан кейин ҳам жон, руҳ ўлмайди,



рух ўзгармай қолаверади. Масалан, лойдан қилинган кўзани олайлик; кўза ясайдилар, кейин эскириб, кўза синиб кетади. Лекин барибир кўза ясалган тупроқ ўзгармай тупроқлигича қолаверади. Худди шундай рухнинг қобикларидан иборат бўлган таналар ҳар хил шароитларда яратилиб, яқсон бўлиб юраверади, лекин рух ўзгармай мангу қолаверади. Шунинг учун изтироб чекиб қийналишнинг ҳожати йўқ. Ҳар бир одам яхши тушуниб олиши лозимки, бу моддий тана рух(жон)дан фарқ қилади. Токи одам мана шу ҳақиқатни англаб етмас экан, у шубҳасиз бир танадан иккинчи танага ўтиб юраверади. Қадрдон синглим Деваки, сен жуда меҳрибон, мулойимсан. Илтимос мени кечир, мен сабабли дунёдан кўз юмган болаларингни ўйлаб изтироб чекма. Аслини олганда буларнинг ҳаммаси - менинг ишим эмас, тақдирнинг муқаррар тақозоси. Инсон ҳатто ўзи истамаса ҳам тақдирига битилган ишларни қилишга мажбур бўлади. Танаси ўлгандан кейин рух(жон) ҳам ўлади ёки бирор тирик мавжудотни ўлдириш мумкин деб ўйлайдиган одамларнинг фикри нотўғри. Ҳаёт ҳақидаги ана шундай нотўғри тасаввурлар бизларни моддий олам шароитида яшашга мажбур қилади. Бошқача қилиб айтганда токи одам рухнинг мангу эканига аниқ ишонч ҳосил қилмас экан, у кимнидир ўлдирганидан ёки кимдир ўлдиришидан қийналиб азоб чекиб юраверади. Азизим Деваки ва куёвим Васудева, менга раҳмингиз келсин, сизларга кўрсатган ёвузликларим учун мени кечиринглар. Менинг бағрим тошдай қаттиқ, аммо сизларнинг қалбингиз юмшоқ, сизлар жуда меҳрибон, раҳмдилсизлар, шунинг учун менинг ҳам аҳволимни тушуниб, мени кечиринглар".

Шундай сўзлар билан Камса уларнинг оёғига йиқилди, унинг кўзларидан тинмай ёш оқарди. Ўзи ўлдиришга уринган қизча - фаришта Дурганинг гапларига ишониб, Камса шу заҳотиёқ синглиси ва куёвини қамоқдан чиқариб юборди. Унинг ўзи темир кишанларни ечиб ташлади ва уларга ўзининг меҳрибонлигини ҳар хил ҳаракатлари билан кўрсатишга уринарди.

Акаси ўзининг қилган ишларидан пушаймон бўлиб тавба-тазарру қилаётганини кўриб Девакининг қалби хотиржам бўлди ва унинг ўз фарзандларига нисбатан қилган барча ёвузликларини унутиб юборди. Васудева ҳам бўлиб ўтган ишларнинг ҳаммасини унутиб, юзида табассум билан қайноғасига гапира бошлади: "Эй азиз қайноғам, моддий тана ва рух ҳақида айтганларингнинг ҳаммаси аниқ ҳақиқат. Мана шу ўткинчи моддий танани "ўзим" деб ўйлаб, ҳар бир одам бу дунёга ғофил бўлиб келади. Ҳаёт ҳақидаги бундай тасаввурлар ғофиллик сабабли юзага келади, ана шу

ғофиллик сабабли бизлар ўзимизга бировларни "дўст" деб биламиз, бировларни "душман" деймиз. Изтироб, қувонч, ҳасад, қизганиш, алданиш ва ақлсизлик - бизнинг ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурда эканимизнинг турли кўринишдаги аломатларидир. Ана шундай тасаввур таъсирида одам фақат ўзининг ўткинчи танаси сабабли ҳар хил уруш-жанжалларга аралашади. Ана шундай ўткинчи ишлар билан банд бўлиб биз Худонинг Олий Шахси билан ўзимизнинг мангу муносабатларимизни эсдан чиқариб қўямиз".

Камсанинг ҳозир кўрсатаётган олийжаноблигидан фойдаланиб, Васудева унга шу пайтгача қилган ёвузликлари, гуноҳлари ҳам ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввурда эканининг, ўзининг ҳозирги моддий танасини "мен ўзим" деб ўйлаб юрганининг оқибати эканини эслатиб қўйди. Васудеванинг айтаётган ана шундай чуқур марноли гапларидан Камса жуда хурсанд бўлди, энди жиянларининг ўлими учун унинг қалбидаги айбдорлик туйғуси камайгандай бўлди. Синглиси Деваки ва куёви Васудевадан рухсат олиб у ўзини анча енгил ҳис қилиб уйига қайтиб кетди.

Эртаси куни Камса ўзининг барча маслаҳатчиларини тўплади ва кеча тунда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида уларга гапириб берди. Камсанинг маслаҳатчиларининг барчаси иблислар бўлиб фаришталарнинг мангу душманлари эдилар, шу боис кеча тунда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳукмдорининг айтган гаплари уларнинг кайфиятини тушириб юборди. Гарчи улар унчалик тажрибали ёки донишманд бўлмасалар ҳам Камсага ҳар хил маслаҳатлар бера бошладилар:

"Эй ҳукмдор, биз охириги ўн кун ичида барча кишлоқ-шаҳарларда, яйловларда туғилган болаларнинг ҳаммасини ўлдириб ташлашимиз керак. Ҳеч кимни аямасдан ҳамма чақалоқларни ўлдириб, мана шу ишни албатта амалга ошириш керак. Ўйлаймизки, агар бизлар шу ёвузликни амалга оширсак, фаришталар бизга ҳеч нарса қила олмайдилар - улар биз билан жанг қилишдан ҳамиша қўрқадилар, ҳатто улар бизнинг ишимизга тўсқинлик қилмоқчи бўлсалар ҳам бунга журъат қила олмайдилар. Сенинг камонингда тенгсиз куч-қудрат яширингани сабабли улар сендан қаттиқ қўрқадилар. Ҳақиқатан ҳам, билан жанг қилиш учун сен майдонга чиққанингда, уларнинг устига тинимсиз пайконлар ёмғирини ёғдира бошлашинг билан улар ҳар томонга тум-тарақай бўлиб қочиб кетишини бизлар яхши биламиз. Жуда кўп фаришталар сен билан жанг қила олмадилар, бошидан тожини олиб ёки байроғини тушириб, улар дарров таслим бўлардилар. Улар қўлларини ковуштириб, сендан раҳм

қилишингни сўраб илтижо қилардилар: "Эй хукмдор, бизлар ҳаммамиз сенинг қудратинг олдида ожизмиз. Илтимос, бизларни мана шу хатарли жангдан халос эт!" Яна биз кўп марта кўрганмизки, сен ҳеч қачон таслим бўлганларни, ёки улар қаттиқ кўрқиб кетган, ёки араваси, камони, ишдан чиққан, ёки жанг бўлаётганини эсидан чиқариб, сен билан жанг қилолмай қолган пайтларда фаришталарни ўлдирмагансан. Шундай экан, аслини олганда бизларнинг ҳозир фаришталардан кўрқиб ўтиришимизнинг мутлақо ҳожати йўқ. Оламда тинчлик ҳукм сураётган пайтларда ёки жанг майдонидан ташқарида улар ўзларини буюк жангчилар қилиб кўрсатиб гердайдилар, лекин жанг майдонида улар ўзларининг ҳарбий санъатини ёки қудратини намоиш эта олмайдилар. Гарчи Парвардигор Вишну, Тангри Шива ва Тангри Браҳма ҳамиша Индра бошлиқ фаришталарга ёрдамга келишга шай турсалар ҳам, улардан кўрқиб ўтиришимизга ҳам ўрин йўқ. Парвардигор Вишнуга келсак, У аллақачон барча тирик мавжудотларнинг қалбига яшириниб олган, У энди ҳеч қачон у ердан чиқа олмайди. Тангри Шива ҳар қандай дунёвий ишларни умуман тарк этиб ўрмонга кетган. Тангри Браҳма эса ҳамиша муруқабага берилиб, ўзини ҳамма нарсадан тийиб яшайди. Шунинг учун бизлар бу фаришталардан кўрқиб ўтирмаслигимиз керак. Лекин уларни эътиборсиз қолдириб ҳам бўлмайди, чунки улар бизнинг ашаддий душманларимиз ҳисобланади. Биз ўзимизни мустақкам ҳимоя қилиш йўлларини ўйлаб қўйишимиз керак. Уларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун бизлар ҳаммамиз бутун ҳаётимизни сенга хизмат қилишга бағишлашимиз, сенинг ҳар қандай амрингни бажаришга ҳамиша тайёр туришимиз лозим".

Иблислар давом этдилар: "Агар тана бирор касалликка учраса-ю, бунга эътибор бермаса, касаллик бедаво дардга айланади. Худди шундай, агар одам ўз ҳиссиёти(нафси)га эътиборсизлик билан қараб, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйса, уларни умуман жиловлаб бўлмай қолади. Шунинг учун бизлар фаришталарга нисбатан ҳамиша жуда эҳтиёткор бўлишимиз керак, акс ҳолда улар жуда кучайиб кетадилар, шунда биз уларни енга олмай қоламиз. Фаришталарнинг қудратининг манбаи - Парвардигор Вишну, чунки барча диний қонун-қоидаларнинг якуний мақсади Уни мамнун қилишга қаратилган. Ведаларнинг кўрсатмалари, браҳманлар, сигирлар, нафсни жиловлаш, қурбонлик маросими ўтказиш, хайр-эҳсон қилиш, садақа улашиш, инсонпарварлик қилиш - буларнинг ҳаммаси фақат Худони рози қилиш, Парвардигор Вишнунини мамнун қилиш учун мўлжалланган. Шунинг учун келинлар,

ишни ведалар илмини авайлаб асраб келаётган браҳманларнинг, қурбонлик маросимлари ўтказишга маъсул бўлган буюк донишмандларнинг ҳаммасини ўлдиришдан бошлаймиз. Қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган сарийёғ берадиган барча сигирларни ўлдирайлик. Уларнинг ҳаммасини ўлдиришни бошлаш учун биз сенинг амрингга мунтазирмиз".

Ҳақиқатан ҳам, браҳманлар, сигирлар, ведалар илми, нафсни тийиш, ростгўйлик, ақли ва ҳиссиётини жиловлаш, садоқат, хайр-саховат, сабр-тоқат, қурбонлик маросими ягона Парвардигор Вишнунинг илоҳий танасининг таркибий қисмларидир. Парвардигор Вишну ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбига яшайди, айти пайтда У барча фаришталарнинг, шу жумладан Тангри Браҳма ва Тангри Шиванинг ҳам ҳукмдори ҳисобланади. "Биз ўйлаймизки, буюк донишмандларни ва браҳманларни таъқиб қилиш - Парвардигор Вишнунини ўлдириш демакдир" - дедилар Камсанинг маслаҳатчилари.

Ўзининг иблис вазирларидан бундай маслаҳат олиб, туғилганиданок энг ёвуз иблис бўлган Камса ҳамма нарсани яқсон қиладиган мангу замон исканжасига тушиб, салтанатдаги ҳамма браҳман ва вайшнавларни таъқиб қилишга қарор қилди. У иблисларга барча такводор, художўй одамларни қийноққа солишни буюриб ўзининг хонасига кириб кетди. Камсанинг барча ҳамтовоқлари ғафлат гунаси таъсирида алданган, кучли эҳтирос гунаси таъсирида юрган одамлар эди. Уларнинг ҳаётда қиладиган иши - такводор, художўй одамларни қийнаш, уларга душманлик қилишдан иборат эди. Бундай фаолият инсон умрини жуда тез қисқартиради. Иблислар ўз ҳаракати билан замона-зайлини тезлаштириб, ўз ажалининг иложи борича тезроқ келишга қистар эдилар. Художўй, такводор одамларга озор етказиш оқибатида одамнинг фақат умри қисқарибгина қолмайди. Бундай ишлар шу қадар даҳшатли ҳақоратки, ундай гуноҳ қилган одамлар тез орада ўзининг бутун гўзаллигидан, обрўсидан, аввал қилган савоб ишларининг натижаларидан маҳрум бўладилар ва ўзлари учун жаннат эшикларини тақа-тақ бекитадилар. Фақат ўзларининг қабих ниятларини, шахсий манфаатларини ўйлаб ҳаракат қилиш билан иймонсиз иблислар инсониятнинг, жамиятнинг гуллаб-яшнашига тўсқинлик қиладилар. Бҳакталарнинг ва браҳманларнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиш ҳатто Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилишдан ҳам оғирроқ гуноҳ ҳисобланади. Шу тариқа иймонсиз одамлар жамияти, уларнинг маданияти одамлар учун ҳар хил мусибатлар манбаига айланади.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Камсанинг таъқиб қила бошлаши" деган тўртинчи бобида  
Бхактиведантининг изоҳлари шундай  
яқунланади.

## 5. Нанда Махаражнинг Васудева билан учрашуви

Гарчи Парвардигор Кришна бу дунёда Васудева билан Девакининг ўғли бўлиб туғилган бўлса ҳам, Камсанинг золимлиги дастидан Васудева ўғил фарзанд кўрганини нишонлаб роҳатлана олмасди. Лекин Кришнанинг тутинган отаси Нанда Махараж Унинг туғилишини шодлик билан муносиб нишонлади. Эрталаб Яшода ўғил фарзанд кўргани ҳаммага эълон қилинди. Ведалар маданиятига хос бўлган ананъага кўра Нанда Махараж ўғил фарзанд туғилганини нишонлаб катта байрам ўтказиш учун башоратчи мунажжим олимларни ва браҳманларни таклиф қилди. Фарзанд туғилганида башоратчилар унинг туғилган вақтидаги юлдузлар ҳолатини аниқлайдилар, шу маълумотлар асосида унинг келажак ҳаётини башорат қиладилар. Фарзанд туғилганда бошқа бир маросим ҳам ўтказилади: оиланинг ҳамма аъзолари сувда чўмилиб покланадилар, чиройли либосларини кийиб, ҳар хил тақинчоқлар тақиб безаниб оладилар. Кейин ҳаммаси чақалоқнинг атрофида тўпланишиб, боланинг келажак тақдири ҳақида башоратчининг айтганларига қулоқ солиб ўтирадилар. Нанда Махараж ва оиланинг бошқа аъзолари покланиб, чиройли либосларини кийиб чақалоқ ётган бешик атрофига тўпландилар. Башоратчилар фарзанднинг дунёга келишини нишонлаб маросим ўтказар экан, шу муносабат билан тўпланган браҳманлар ананъага кўра шарофат келтирадиган ҳар хил мантраларни тиловат қилардилар. Бундай маросимларда барча фаришталарга ва оиланинг ўтган авлодлари руҳига сиғинадилар. Нанда Махараж браҳманларга қимматбаҳо тақинчоқлар билан безатилган икки юз минг сигир улашди. У фақат сигирлар эҳсон қилиб қолмасдан устига уларга олтинранг мато ёпилган уюм-уюм ғалла ва ҳар хил тақинчоқлар ҳам садақа қилди.

Бу дунёда биз ҳар хил бойликларга эга бўламиз, лекин бу бойликларни турли хил ҳалол-ҳаром йўллар билан қўлга киритамиз, чунки бойлик тўплашнинг табиати шундай. Шунинг учун Ведавий муқаддас китобларда инсонга тўплаган бойлигини браҳманларга сигир ва олтин садақа қилиш орқали ҳалоллаш, поклаш лозимлиги кўрсатилган. Браҳманларга ғалла

садақа қилиш шарофати билан янги туғилган чақалоқ ҳам покланади. Шуни яхши тушуниб олиш лозимки, бу моддий оламда биз ҳаммиша нопок ҳолатда бўламиз. Шунинг учун биз мунтазам равишда ҳаётимизни, мол-дунёмизни ва ўзимизни поклаб туришимиз лозим. Ҳар куни сувда чўмилиш, танани ичдан ва сиртдан тозалаш, шунингдек ўн турли покланиш маросимларини ўтказиб туриш орқали биз ҳаётимизни поклаган бўламиз. Нафсимизни тийиш, Худога сиғиниш ва садақа бериш билан бойлигимиз покланади. Ведаларни, муқаддас китобларни ўрганиш, руҳий ўзлигимизни англашга интилиш, Олий Мутлақ Ҳақиқатни тушуниш, англаб етиш билан ўз(руҳ)имизни поклаймиз. Шунинг учун ведаларда айтилганки, бу дунёдаги ҳар бир одам туғилганда ғофил, шудра бўлиб туғилади, лекин покланиш маросимлари орқали ўтиб покланганида инсон иккинчи бор туғилади.

Ведаларни ўрганиш ёрдамида одам *випра* бўлиши мумкин. Випра инсоннинг браҳман бўлишига имкон берадиган асосий сифат ҳисобланади. Инсон Мутлақ Ҳақиқатни мукамал англаб етганида уни браҳман деб атайдилар. Браҳман руҳий юксалишда давом этиб, камолотга эришганида эса *вайшнава* яъни *бхакта* бўлади.

Ана шу маросим пайтида тўпланган браҳманларнинг барчаси янги туғилган фарзанднинг ҳаёти омадли бўлишини таъминлайдиган мантралар тиловат қила бошладилар. Мантраларнинг ҳар хил турлари бор: *сута*, *магадха*, *ванди* ва *вирудавали*. Мантраларга жўр бўлиб машшоқлар сурлар чалиб, литавраларни қоқиб турдилар. Ана шундай қувончли шовкин-суронлар ҳамма подачиларнинг уйларида, яйловларда эшитилиб турарди. Ҳамма жойларда куркума қўшилган гуруч уни билан чизилган чиройли расмларни учратиш мумкин эди, ҳамма ерга, ҳатто кўчалар ва йўлларга ҳам анвойи хид таратиб турадиган сувлар сепилган эди. Уйларнинг шипи ва томлари байроқчалар, гулчамбарлар ва яшил барглари билан безатилган эди. Яшил барг ва гуллардан чиройли қилиб аркалар қурилган эди. Сигирлар, бузоқлар ва ҳўкизларнинг ҳаммаси куркума аралашган ёғ билан мойланиб, оҳра, сариқ лой ва марганец сингари табиий бўёқлар билан чиройли безатилган эди. Уларга товус патларидан қилинган гулчамбар, олтин мунчоқлар тақилган, устига эса чиройли матолар ёпилган эди.

Подачиларнинг ҳаммаси қалби қувончга тўлиб ҳаёт кечирардилар, Кришнанинг отаси, Нанда Махараж ўғлининг туғилганини катта тантана билан нишонламоқчи эканини эшитиб эса улар қувончдан бутунлай яйраб кетдилар.

Улар чиройли либосларини кийиб, сирға ва мунчоқларини тақиб, бошларига катта салла ўраб олдилар. Чиройли ясанган ҳолда кўлларига ҳар хил совғалар олиб уларнинг ҳаммаси Нанда Махаражнинг уйига келдилар.

Подачи қизлар ҳам Яшоданинг ўғил фарзанд кўргани ҳақидаги хабарни эшитган захоти қувонганидан яйраб, чиройли либосларга ўраниб, қимматбаҳо тақинчоқларини тақиб безаниб, таналарига ҳар хил мойлар, атир упалар суртиб ясаниб олдилар.

Нилуфар гулига кўнган чанг унинг ғайритабиий гўзаллигини яна ҳам сезиларли қилиб туради, худди шундай гопи(подачи қиз)лар ҳам ўзларининг нилуфарсимон гўзал юзларига **қунқума** суртиб олдилар. Сохибжамол гопилар совғаларини кўтариб тез орада Нанда Махаражнинг уйида ҳозир бўлдилар. Семиз сонлари ва бўлиқ кўкраклари гопиларга тез юришга халақит берар, аммо қалбларидаги Кришнага бўлган эҳтиросли муҳаббат туйғуси уларни шиддат билан тезроқ юришга ундар, шу боис улар иложи борича шошиб Нанда Махаражнинг уйига интилардилар. Гопиларнинг кулоқларига марварид сирғалар, бўйинларига қимматбаҳо маржон, билакларига эса чиройли олтин билагузуклар тақилган эди. Гопилар чиройли ясаниб, кўзларига сурма кўйиб олгандилар. Улар тош йўлдан шошиб бораётганларида бўйнига осилган гулчамбарлар чайқалиб, ундаги гуллар сочилиб, худди осмондан ерга гуллар ёмғири ёғаётгандай бўларди. Танасидаги ҳар хил тақинчоқлар уларнинг ҳаракатига мос равишда чайқалиб, уларни яна ҳам жозибалироқ, яна ҳам гўзалроқ қилиб кўрсатарди. Мана улар Нанда ва Яшоданинг уйига етиб келдилар ва чақалокни дуо қила бошладилар: "Эй азиз болажон, бизларни ҳимоя қилиш учун умринг узок бўлсин!" Жажжи Кришнани шундай дуо қилиб улар Кришнага ёғ, курқума, қатиқ, сут ва сув аралашмасини тақдим этдилар. Улар мана шу суюкликни аввал Кришнанинг танасига сепдилар, қолганини эса шу ерда тўпланганларнинг устига сепдилар. Байрам муносабати билан бу ерда уста машшоқлар ёқимли куйлардан чалардилар.

Подачи қизларнинг шўх эрмакларини кўрган подачиларнинг кайфияти яна ҳам кўтарилиб, улар ҳам гопиларга қараб қатиқ, сут, сариеғ ва сув сепи бошладилар. Кейин ҳар икки тараф бир-бирларига сариеғ отиб ўйнай бошладилар. Подачилар билан гопиларнинг қувноқ ўйинларини кўриб Нанда Махараж жуда бахтиёр эди, у қувонганидан шу ерга тўпланган ашулачиларга саховат билан ҳар хил эҳсонлар ҳадя этди. Баъзи ашулачилар моҳирлик билан Упанишадалар ва Пураналардан шеърлар ўқиди,

бошқалари оиланинг ўтган аждодларини олқишлади, яна бирлари чиройли кўшиқлар ижро этдилар. Бу ерга жуда кўп билимдон браҳманлар ҳам келган эдилар, бўлиб ўтаётган маросимдан жуда хурсанд бўлган Нанда Махараж браҳманларга ҳар хил кийим-кечак, тақинчоқлар ва сигирлар улашди.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, Вриндаван аҳолиси фақат подачилик билан шуғулланиб, сигирларни кўпайтириш билан анча бадавлат яшардилар. Подачиларнинг ҳаммаси вайшйалар эди, уларнинг жамиятдаги бурчи сигирларга ғамхўрлик қилиш ва ғалла етиштиришдан иборат эди. Лекин уларнинг устидаги либосларига қараб мулоҳаза юритадиган бўлсак, гарчи кичкина қишлоқда яшасалар ҳам, улар жуда бадавлат эдилар. Сут маҳсулотлари уларда шунчалик кўп эдики, улар ҳеч ўйламасдан бир-бирларига сариеғ отиб ўйнардилар. Уларнинг бойлиги сут ва қатиқдан, сариеғдан ва бошқа сут маҳсулотларидан иборат эди. Дехқончиликдан ва сигирлардан олинадиган маҳсулотларни улар кийим-кечакка, ҳар хил тақинчоқларга ва қимматбаҳо нарсаларга алмашардилар. Уларда бундай қимматбаҳо нарсалар фақат ўз эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки Нанда Махараж сингари саховат билан бошқаларга садақа қилиш учун ҳам бемалол етарди.

Кришнанинг тутинган отаси Нанда Махараж байрамга тўпланган меҳмонларнинг ҳамма истакларини рўёбга чиқарди. У меҳмонларни хурмат-эҳтиром билан қабул қилди, улар нимани истаса шундай нарсани уларга совға қилди. Бошқа бирор даромад манбаи бўлмаган билимдон браҳманлар ўз тирикчилигини таъминлаб туриш учун вайшйалар ва қшатрийларга қарам эдилар, шу боис фарзанд туғилиши ёки никоҳ маросими пайтида уларга ҳар хил эҳсонлар садақа қилинарди. Ўша куни Парвардигор Вишнуга сажда қилганида, тўпланган меҳмонларни хурсанд қилишга ҳаракат қилганида Нанда Махараж Худодан фақат бир нарсани - янги туғилган чақалокнинг, Кришнанинг бахтли бўлишини тиларди. Нанда Махараж бу чақалок Парвардигор Вишнунинг ҳам манбаи эканини билмасди, у Парвардигор Вишнудан ўғлини ҳимоя қилишини тилаб илтижо қиларди.

Балорамнинг онаси Рохини-деви Васудеванинг энг бахтиёр хотини эди. Гарчи ҳозир эри ёнида бўлмаса ҳам, Нанда Махаражни янги фарзанд - Кришна туғилгани муносабати билан табриклаш учун у ҳам чиройли либосларини кийиб олди. У ҳам байрам тантаналарида қатнашиб, гулчамбар, мунчоқ ва бошқа тақинчоқлар билан безаниб олганича меҳмонлар орасида юрарди. Ведалар

маданиятига кўра эри ёнида бўлмаган хотин чиройли кийинмаслиги, тақинчоқлар тақмаслиги, безанмаслиги керак. Лекин, Рохини эри ёнида бўлмаса ҳам барибир Кришнанинг туғилиши муносабати билан чиройли либосларини кийиб, безаниб олди.

Кришнанинг туғилишини қанчалик ҳашаматли тантана билан нишонлашларига қараб билиб олиш мумкинки, ўша даврда Вриндаван ҳар тарафлама гуллаб-яшнаган. Парвардигор Кришна шоҳ Нанданинг ва Яшода онанинг уйида туғилгани боис равнақ фариштаси Вриндаванда мўл-кўлчиликни таъминлаши керак эди. Вриндаван гўё равнақ фариштаси ўзининг эрмакларини ўтказадиган жойга айлангандай эди.

Кришнанинг туғилган кунини нишонлагандан кейин Нанда Махараж Камсанинг ҳукуматига бир йиллик солиқ тўлаш учун Матхурага боришга қарор қилди. Сафарга кетишдан олдин у қишлоқнинг барча тажрибали подачиларини чакириб, улардан ўзи йўқлигида Вриндаванга кўз-қулоқ бўлиб туришни илтимос қилди. Нанда Махараж Матхурага етиб келгани ҳақидаги хабар Васудевага бориб етди. Дўстини табриклаш учун Васудева шу заҳотиёқ Нанда Махаражнинг олдига шошилди. Васудева Нанда билан кўришганида худди ҳаётга қайта келгандай қувониб кетди. Қувониб кетган Нанда дарров ўрнидан туриб, уни ўз кучоғига олди. Васудевани илиқ кутиб олиб, унга юмшоқ ўтирғич таклиф қилди.

Гарчи Нанда Махаражнинг бундан ҳали хабари бўлмаса ҳам, Васудева унинг химояси остида ўсаётган икки ўғлини ўйлаб қаттиқ ташвишланаётган эди. У хавотирланиб Нандадан улар ҳақида суриштирарди. Кришна ҳам, Балорам ҳам унинг ўғиллари эди. Балорам Девакининг қорнидан ўзининг бошқа хотини Рохинининг қорнига ўтказилган эди, лекин ҳозир унга ҳам Нанда Махараж ғамхўрлик қиларди. Кришнани эса Васудеванинг ўзи олиб бориб, унинг қизига алмаштириб кетган эди. Нанда Махараж Балорам Васудеванинг ўғли эканини биларди, лекин Кришна ҳам унинг ўғли эканидан ҳали беҳабар эди. Васудева эса ҳамма нарсадан хабардор эди, шу боис у бесабрлик билан уларни сўраб-суриштирарди.

Васудева Нанда Махаражга мурожаат қилди: "Эй азиз оғайни, сенинг ёшинг анча ўтиб қолган, шу боис ўғил фарзанд кўришга мушток эдинг. Энди эса Парвардигор сенга ажойиб ўғил фарзанд ато этди. Ўйлайманки, бу ҳодиса сен учун жуда қувончли бўлса керак. Эй азиз дўстим, мен Камсанинг зиндонида қамоқда эдим, энди озодликка чиқдим, бу ҳам мен учун худди қайтадан дунёга келишдай бўлди. Мен сен билан яна дийдор кўришаман деб ўйламаган

эдим. Мана Худонинг чексиз марҳамати билан яна бирга ўтирибмиз".

Кейин Васудева Кришна ҳақида хавотирга тушаётганини айтди. Кришна сирли равишда Яшоданинг тўшагига олиб борилган, Унинг туғилишини нишонлаб тантана билан катта байрам маросими ўтказгандан кейин Нанда Матхурага келган эди. Шундай қилиб, Васудева жуда мамнун бўлиб Нандага шундай деди: "Бу - мен учун қайтадан дунёга келиш бўлди!" Васудева Кришнанинг тирик қолишидан умид қилмаган эди, чунки Камса ундан олдинги фарзандларининг ҳаммасини ўлдириб ташлаган эди.

Васудева давом этди: "Эй азиз дўстим, бизларнинг бирга қолишимиз жуда мушкул. Ҳар биримизнинг ўз оиламиз ва қариндошларимиз, ўғил-қизларимиз бўлишига қарамай табиат қонунлари ҳамиша бизларни бир-биримиздан ажратиб қўяди. Бунинг сабаби шундан иборатки, ҳар бир тирик мавжудот бу дунёга келганида ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишларининг турли оқибатларини бошидан кечиради. Гарчи улар бирга туғилсалар ҳам ҳеч ким уларнинг узоқ вақт бирга бўлишига кафолот беролмайди. Аввалги ҳаётидаги кармали фаолиятининг оқибатларига қараб улар ҳаётда турлича ҳаракат қилишга мажбур бўладилар, шунинг учун улар тезда бир-бирларидан ажралиб кетадилар. Масалан, океан тўлқинлари жуда кўп чўпларни олиб юради. Баъзида улар бир ерга келиб қоладилар, баъзан эса бир-биридан бутунлай ажралиб кетадилар - бир чўп бир томонга, иккинчи чўп бутунлай бошқа томонга кетиб қолади. Бизнинг оила аъзоларимиз ҳам худди шундай: ҳамма бирга яшаб юрганда ҳаёт жуда ширин кечади, лекин вақт ўтиши билан вақт тўлқинлари ҳар кимни ҳар тарафга тарқатиб юборади".

Васудеванинг бу гапларининг маъноси шундан иборатки, гарчи у хотини Девакидан саккиз ўғил кўрган бўлса ҳам, бахтга қарши уларнинг ҳаммаси бу дунёни тарк этдилар. У ҳатто ўзининг ўғли Кришнани ҳам олиб қололмади. Васудева ўғлидан айрилиқ азобидан қаттиқ изтироб чекарди, лекин ҳозир Нанда Махаражга ҳақиқатни очиқ айтишга ҳам ботинолмасди. "Илтимос, менга Вриндаван ҳақида гапириб бер. - деди у - сизларнинг жуда кўп сигирларингиз бор, улар яхши юрибдиларми? Уларга ем-хашак, сув етарлими? Менга айт-чи, ҳозир сизлар яшаб турган жойларда тинчлик, хотиржамлик ҳукм суряптими?" Кришнанинг хавфсизлигини ўйлаб ташвишга тушаётгани сабабли Васудева шулар ҳақида суриштирарди. Камса ва унинг ҳамтовоқлари Кришнанинг ёнига ҳар хил иблисларни юбориб, Уни ўлдириш пайида

юрганини Васудева яхши биларди. Иблислар Кришна туғилган кундан беш кун олдин, шу кундан беш кун кейин туғилган чақалоқларнинг ҳаммасини битта кўймай ўлдиришга қарор қилган эдилар. Васудева Кришнани ўйлаб ташвишланаётгани сабабли ҳозир У яшаётган жойнинг беҳатарлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмоқчи бўляпти. Шунингдек у Нанда Махаражга ишониб топшириб кўйилган Балорам ва Унинг онаси Рохини билан ҳам қизикди. Васудева Нанда Махаражга Балорам ҳали Ўзининг отаси ким эканидан беҳабар эканини ҳам айтиб кўйди. "У сени Ўзининг отаси деб билади, энди эса сенинг ўз ўғлинг - Кришна бор, ўйлайманки сен уларнинг икковига ҳам бирдай яхши ғамхўрлик қиласан". Бу ерда шуниси эътиборга лойиқки, Васудева биринчи бўлиб Нанда Махаражнинг чорвасининг, сигирларининг аҳволи ҳақида суриштирди. Инсон уй ҳайвонларини, айниқса сигирларни худди ўз фарзандларидай парваришлаб ғамхўрлик қилиши керак. Васудева кшатрий эди, Нанда Махараж эса вайшья. Кшатрийнинг бурчи кўл остидаги аҳолига ғамхўрлик қилиш, вайшьянинг вазифаси эса сигирларга ғамхўрлик қилишдан иборат. Жамият равнақи учун сигирлар ҳам худди одамлардай қадрли. Сигирларни ҳам худди одамларга ғамхўрлик қилгандай парваришлаш, авайлаб асраш керак.

Васудева гапида давом этиб айтдики, жамиятда ҳамма дин қонунларига амал қилиши, моддий фаровонликка эришиши, етарли миқдорда ҳиссий лаззатларга берилиб яшаши учун барча қариндошлар, миллат ва бутун инсоният ягона мақсад йзлида ҳамжихатлик қилиши лозим. Шунинг учун ҳар бир фаросатли одамнинг бурчи - атрофидаги одамлар ва сигирлар қийналмасдан яшадини таъминлашдан иборат. Ҳар бир одам ҳаётда ўз яқинларининг, бошқа жониворларнинг тинчлигини ўйлаб яшаши керак. Фақат шундагина жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳеч қийналмасдан дин қонунларининг равнақи, моддий фаровонликка ва роҳат фароғатда лаззатланиб яшашига эришиш мумкин. Васудева хотини Девакидан туғилган ўғилларига ғамхўрлик қила олмаганидан афсусланиб, қайғу-ҳасратларини дўстига изҳор этаётган эди. У ўзининг мана шу гуноҳи сабабли руҳий юксалиш, моддий фаровонлик ва зарур миқдорда ҳиссий лаззатланиш ундан юз ўгирган деб ўйларди.

Унинг бу гапларини эшитиб, Нанда Махараж шундай деди: "Азизим Васудева, Деваки тукқан болаларнинг ҳаммасини золим Камса ўлдириб ташлаганидан сен қаттиқ изтироб чекаётганигни мен яхши биламан. Охирги фарзандинг қиз бола эди, Камса уни ўлдира олгани йўқ, у жаннатга кўтарилди. Эй

азиз дўстим, хафа бўлма, ҳаммамиз ҳам бу дунёда аввалги ҳаётимизда қилган ишларимиз оқибатларидан иборат бўлган "тақдир"га бўйсунмишга мажбуримиз. Ҳар бир одамнинг ҳаёти унинг аввалги ҳаётидаги кармасига боғлиқ, шунинг учун карма қонунларини, карма қандай қилиб инсон ҳаётига таъсир кўрсатишини билган одам ҳақиқий илмга эга бўлган билимдон одамдир. Шундай доно одам ҳаётда дуч келадиган воқеа-ҳодисаларни - хоҳ қувончли воқеа бўлсин, хоҳ бирор мусибат бўлсин - юрагига яқин олмасдан ҳаммиша хотиржам яшайди".

Кейин Васудева шундай деди: "Эй азиз дўстим Нанда, агар сен солиқларингни тўлаб бўлган бўлсанг, тезроқ уйингга қайт, чунки мен Гокулада бирор қор ҳол рўй беришидан жуда кўрқяпман".

Нанда Махараж билан дўстона суҳбатлашиб, Васудева уйига қайтиб келди. Нанда Махараж билан бирга Матхурага солиқ тўлаш учун келган подачилар ҳам уйларига қайтиб кетдилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Нанда Махаражнинг Васудева билан учрашуви" деган бешинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 6. Кришна ялмоғиз Путанани ўлдиради

Уйига қайтар экан, Нанда Махараж Гокулада бирор қор ҳол рўй бериши мумкинлиги ҳақида Васудеванинг огоҳлантирганини эслади. Албатта бу дўстона ва тўғри маслаҳат эди. Нанда Махараж ўйланиб қолди: "Бунда қандайдир бир ҳақиқат яширинган!" У хавотирга тушиб Худонинг Олий Шахсидан нажот тилаб илтижо қила бошлади. Қийин аҳволга тушиб қолганда бхактанинг Кришна ҳақида ўйлаши табиий ҳол, чунки Худонинг содиқларининг ҳаётда Худодан бошқа ишонган бирор ҳимоячиси йўқ. Ёш бола бирор хавф-хатарга учраса дарров отаси ёки онасининг паноҳидан нажот топади. Худди шундай бхакта ҳам ҳаммиша Худонинг Олий Шахсининг ҳимояси остида юради, лекин барибир, қандайдир хавф-хатарга

бевосита дуч келиб қолса, у дарров Худони эслайди.

Камса ўзининг иблис-маслаҳатчилари билан келишиб, сеҳр илмини биладиган ва кичкина болаларни жуда даҳшатли ва ёвуз усуллар билан ўлдира оладиган Путана деган ялмоғизга шаҳарлардаги, қишлоқ ва яйловлардаги болаларнинг ҳаммасини битта кўймай ўлдиришни буюрди. Ана шундай иймонсиз ялмоғизлар фақат Кришнанинг муқаддас номларини шарафлаб қуйламайдиган, уларни тингламайдиган, зикр қилмайдиган жойлардагина ўзларининг шум ниятларини амалга ошира оладилар. Маълумки, Кришнанинг муқаддас номлари ҳатто эътиборсиз ҳолда шарафлаб қуйланадиган жойларда ҳам ҳар қандай ёвуз кучлар - ялмоғизлар, жин-арвоҳлар ва ҳар хил офатлар - бирданига ғойиб бўлади. Албатта бундай ҳолат Кришнанинг муқаддас номи ҳурмат ва муҳаббат билан тилга олинадиган жойга, айниқса Худонинг Олий Шахсининг Ўзи яшаётган Вриндаванга ҳам тааллуқли. Шунинг учун Нанда Махаражнинг бундай хавотирга тушиши шубҳасиз унинг Кришнага бўлган қаттиқ боғланиши туфайли юзага келган эди. Аслида ялмоғиз Путана қанчалик қудратли бўлмасин, у Кришна учун заррача хавф туғдира олмас эди. Бундай ялмоғизларни **кхечари** деб атайдилар, бунинг маъноси шуки, улар осмонда ҳам уча оладилар. Ҳиндистоннинг шимолий-ғарб қисмидаги чекка қишлоқларда ҳали ҳозиргача баъзи аёллар ана шундай сеҳр санъатини намоиш эта оладилар. Улар бир жойдан иккинчи жойга томири билан кўпориб олинган ёш ниҳол устида учиб бора оладилар. Путана ҳам ана шундай сеҳр қудратига эга эди, шунинг учун у "Шримад Бхагаватам"да кхечари деб аталган.

Путана ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмасдан Нанда Махараж яшайдиган Гокулага кириб келди. Чиройли аёл қиёфасига кириб олиб, у Яшода онанинг ҳовлисига кирди. Семиз сонлари, бўлиқ кўкраклари, кулоқларидаги чиройли сирғалари ва сочларига қистирилган гуллар уни жуда хушрўй, жозибадор қилиб кўрсатарди. Айниқса унинг хипча бели ўзига жуда ярашиб турарди. У ҳаммага ўзининг мафтункор нигоҳини ташлаб, чиройли табассум билан кулимсираб турарди. Вриндаваннинг бутун аҳолиси унинг жамолига махлиё бўлиб қолган эди. Соддадил подачилар уни кўриб, қўлларига нилуфар гулини ушлаб Вриндаванга равнақ фариштаси келди деб ўйлаган эдилар. Улар равнақ фариштаси ўзининг мангу рафикаси бўлган Кришнани кўриш учун келган деб ўйлардилар. Путана ғайритабиий равишда гўзал бўлгани туфайли уни ҳеч ким тўхтатишга журъат қилмади, у

бирор тўсикка учрамасдан Нанда Махаражнинг ҳовлисига кириб олди. Шу пайтгача жуда кўп болаларни ўлдирган Путананинг кўзи беланчақда ётган жажжи Кришнага тушди ва бу чақалоқда тенгсиз илоҳий қудрат борлигини у дарров пайқади. Путана: "Бу болакай шу қадар тенгсиз қудратга эгаки, истаса бир лаҳзада бутун борлиқни яксон қила олади!" - деб хаёлидан ўтказди.

Путананинг бундай хаёлга бориши жуда муҳим аҳамиятга эга. Худонинг Олий Шахси, Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. "Бхагавад Гита"да айтилганки, Унинг Ўзи инсонга зарур бўлган ақл-идрок беради, Унинг Ўзи инсонни нутишга мажбур қилади. Ҳозир Нанда Махаражнинг уйида ўзи яққол кўриб турган бу бола Худонинг Олий Шахсининг Ўзи эканини Путана дарров тушунди. Парвардигор бу ерда кичкина чақалоқ кўринишида ётарди, лекин бу - Парвардигор ҳозирча озгина қудратга эга дегани эмас. Худого худди инсонга сиғингандай сиғинишни тавсия қиладиган иймонсиз даҳрийлар таълимоти умуман нотўғри таълимотдир. Ҳеч бир тирик мавжудот бирор муруқабга ёки риёзат чекиш ёрдамида Худо бўла олмайди. Худо ҳамиша Худо. Кришна жажжи чақалоқ ҳолида ҳам худди ёш йигит пайтидагидай қудратли, мукамал. Майвадиларнинг таълимотига кўра инсон аввал Худо бўлган, кейин эса майя таъсирига тушиб қолган. Шунинг учун улар айтадиларки, одамлар ҳозир Худо эмас, лекин майянинг таъсиридан халос бўлганида улар яна Худо бўлиб оладилар. Бу таълимотни кичкина тирик мавжудотларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Тирик мавжудот Худонинг Олий Шахсининг ажралмас кичкина зарчаси. Тирик мавжудот Кришна яъни Худо эмас, Худонинг кичик зараси, олов эмас - катта оловнинг кичкина учқуни, холос. Кришна Васудева билан Девакининг уйида пайдо бўлмасдан олдин ҳам, уларнинг уйида дунёга келгандан кейин ҳам, ҳамиша Худонинг Олий Шахси бўлиб қолаверади.

Кришна Ўзини худди оддий чақалоқдай тутарди, У гўё Путананинг юзини кўришни истамаётгандай кўзларини чирт юмиб олди. Кришнанинг кўзини юмиб олишини бхакталар ҳар хил талқин қиладилар. Баъзилар айтадиларки, шунча кўп болаларни ёвузларча ўлдирган, энди эса Ўзини ўлдиришга шайланиб турган золим ялмоғиз Путананинг юзини кўрмаслик учун Кришна кўзларини юмиб олган деб айтадилар. Бошқалар эса, бу болада ғайритабиий қудрат борлиги Путанага маълум бўлган эди, уни чўчитиб юбормаслик учун Кришна кўзини юмиб олган дейдилар. Бошқа бировлар бу ходисани қуйидагича талқин қиладилар: "Бхагавад Гита"да айтилганидай,

Кришна бу дунёга бхакталарни ҳимоя қилиш ва иблисларни ўлдириш учун келган - *паритранайа садхунам винашайа ча душкритам*. Биринчи бор ўлдирилиши лозим бўлган иблис аёл зотидан эди. Ведалар маданиятига асосан аёлларни, брахманларни, сигирларни ва ёш болаларни ўлдириш таъқиқланган. Кришна иблис Путанани ўлдиришга мажбур эди, лекин Ведаларнинг кўрсатмасига асосан аёлларни ўлдириш таъқиқлангани сабабли У кўзларини юммай тура олмасди. Яна бировларнинг фикрига кўра Кришна иблис Путанани Ўзининг энагаси ўрнида қабул қилгани сабабли кўзини юмиб олган. Путана Кришнанинг олдига Уни ўзининг кўксидан эмизиш учун келган. Кришна шу қадар олийжанобки, гарчи Путана Уни ўлдириш ниятида келган бўлса ҳам, уни худди ўзининг сут берадиган онасидай қабул қилди.

Ведаларда айтилганки, одамнинг етти онаси бор: 1. ўзининг ҳақиқий онаси; 2. рухий устознинг хотини; 3. шоҳнинг хотини; 4. брахманнинг хотини; 5. сигир; 6. сути билан бокқан аёл; 7. она-ер. Путана Кришнани тиззасига олиб, Уни ўзининг сутидан эмизиш учун келгани сабабли Кришна уни Ўзининг етти онасидан бири ўрнида қабул қилди. Бу ҳол Кришнанинг кўзларини юмиб олишига яна бир сабаб. У Ўзига сутини берган энага онасини ўлдириши лозим эди. Лекин Унинг Ўз онасини, яъни энагасини ўлдириши Унинг Ўз онасига, яъни Яшодага бўлган муҳаббати билан бир хил эди. Ведалардан олинган маълумотлардан биламизки, Кришна Путанани худди Ўз онасидай қабул қилди, кейинги ҳаётида Путана ҳам Яшода билан бир хил имкониятга эга бўлди. Кейинги ҳаётида Яшода моддий олам тутқунлигидан халос бўлгани сингари Путана ҳам рухий озодликка эришди. Жажжи Кришна кўзларини юмиб олгандан кейин Путана Уни ётган жойидан кўтариб, тиззасига олди. У қўлларида ўзининг ажал тимсолини ушлаб турганидан беҳабар эди. Агар одам билмасдан арқон ўрнида кўриб, қўлларига илонни ушлаб олса у албатта ўлади. Худди шундай Путана ҳам Кришнани учратгунга қадар жуда кўп ёш болаларни ўлдирган эди, лекин ҳозир у қўлларида ўзини ўлдириши муқаррар бўлган ажал илонини ушлаб турарди.

Путана Кришнани кўтариб тиззасига олганини Яшода ҳам, Рохини ҳам кўриб турарди, лекин улар бунга қаршилиқ қилмадилар, чунки Путана жуда башанг кийинган, бунинг устига Кришнага худди онасидай меҳрибонлик кўрсатарди. Аслида Путана қимматбаҳо безатилган қин ичидаги ўтқир қилич эканини улар билмас эдилар. Чақалокни тиззасига ўтқазиб, Путани Унинг

оғзига кўксини берди, унинг кўкрагига жуда кучли заҳар суртилган эди. У кўксини оғзига олган заҳоти Кришна ҳалок бўлади деб ўйлаган эди. Лекин жажжи Кришна шиддат билан унинг кўкрагига ёпишиб, заҳарланган сут билан бирга ялмоғизнинг жонини ҳам сўриб олди. Бошқача қилиб айтганда, Кришна Унинг кўксидан сут ҳам ичди, айна пайтда Путанани ҳам ўлдирди. Кришна шу қадар марҳаматлики, Путана келиб Унга ўзининг сутини таклиф қилгани учун унинг истагини амалга оширди, уни Ўзининг онаси ўрнида қабул қилди. Лекин, унинг бу дунёдаги қабиҳ ишларига чек қўйиш учун шу заҳотиёқ уни ўлдирди. Ялмоғиз бевосита Кришнанинг қўлидан ажал топгани учун рухий озодликка эришди. Кришна унинг ҳаёт нафасини сўриб олганида Путана қўл ва оёқларини ҳар томонга чўзиб, қаттиқ чинқирганча ерга кулаб тушди: "Ҳой бола, мени кўйиб юбор, кўйиб юбор!" У қаттиқ кичқирар, бутун вужудини тер босган эди.

Жон таслим қилаётиб Путана жуда қаттиқ чинқириб юборди, унинг овозидан осмону-фалак ларзага келди, одамлар бу шовқинни эшитиб, осмонда яшин чакнаб, момоқалдироқ гулдуреган бўлса керак деб ўйладилар. Ялмоғиз Путананинг ёвуз ҳаёти шу тариқа ниҳоясига етди, у энди ўзининг ҳақиқий танасида, кўрқинчли баҳайбат кўринишда ётарди. У ўзининг даҳшатли оғзини очиб, қўл-оёқларини ҳар томонга чўзиб ётарди. У худди Индранинг яшин қуроли зарбидан қулаган Вритрасурага ўхшаб қулаган эди. Унинг узун сочлари бир ярим йоджан узунликдаги бутун танаси бўйлаб ётар, унинг танаси йиқилаётиб атрофдаги барча дарахтларни синдириб ташлаган эди. Бундай баҳайбат танани кўриб ҳамма ҳайратга тушди. Унинг тишлари худди ағдариб ташланган йўлга, бурун тешиклари эса тоғдаги катта ғорга ўхшарди. Унинг кўкраклари катта тепаликларга, сочлари эса қизғиш чирмовуқларга ўхшарди. Унинг кўз ўринлари кўмилиб қолган қудукни, қорни эса қуриб қолган қўлни, сонлари дарёнинг икки қирғоғини эслатарди. Унинг икки қўли икки катта оғир кўприкка ўхшарди. Унинг танасининг кўриниши барча фаришталарни ва подачиларни кўрқув аралаш ҳайратга соларди. Путана йиқилаётиб чиқарган даҳшатли овози ҳалигача уларнинг кулоқларида жаранглаб турар, шу боис уларнинг юраги қаттиқ уриб турарди.

Гопилар Путананинг кўкси устида ҳеч нарсадан кўркмасдан ўйнаб ўтирган Кришнани кўриб чошиб келдиларда, дарров Уни кўтариб олдилар. Яшода она, Рохини ва бошқа ёши катта гопилар шу заҳотиёқ покланиш маросими ўткази бошладилар: сигирнинг куйруғи билан елпиб, Кришнанинг атрофини айландилар, кейин чақалокни сигирнинг сийдиги билан



ювинтирдилар, Унинг танасига сигирлар оёғидан кўтарилган чанг суртдилар. Бу амалларнинг ҳаммаси жажжи Кришнани ҳар хил хавф-хатарлардан асраш учун бажариларди. Мана шу маросимлардан кўриниб турибдики, сигир оила учун, жамият учун, умуман барча тирик мавжудотлар учун қанчалик катта аҳамиятга эга. Кришнанинг илоҳий танаси ҳеч қандай ҳимояга муҳтож эмасди, лекин сигир оддий одамлар ҳаётида қанчалик кадрли, муҳим эканини бизларга кўрсатиш учун улар Парвардигор Кришнанинг бутун танасига сигир тезагини суртдилар, сигирнинг сийдиги билан ювдилар, сигирлар подасидан кўтарилган чангдан сепдилар.

Ана шундай покланиш маросимини ўтказгандан кейин гопилар Яшода ва Роҳини бошчилигида, Кришнанинг ҳаётини ҳар қандай офатлардан асраш учун Парвардигор Вишнунинг ўн икки номини куйладилар. Улар одатга кўра мантра ўқишдан олдин қўл оёқларини ювдилар, бир қултумдан уч марта сув ичдилар. Кейин улар мантра ўқишга киришдилар: "Сенинг сонларингни **Маниман** деб аталган Парвардигор асрасин; Сенинг оёқларингни **Йағйа** деб аталадиган Парвардигор Вишну асрасин; Сенинг қўлларингни Парвардигор **Ачйута** асрасин; Сенинг қорнингни Парвардигор **Хайагрива** асрасин; Парвардигор **Кешава** эса Сенинг юрагингни асрасин; Сенинг қўлларингни Парвардигор **Вишну** асрасин; Сенинг юзларингни Парвардигор **Урукрама** асрасин; Сенинг каллангни Парвардигор **Ишвара** асрасин; олд томондан Сени Парвардигор **Чакрадхара** ҳимоя қилсин; Парвардигор **Гададхара** Сени орт томондан ҳимоя қилсин; Сенинг ўнг томонингни қўлларига камон ушлаган Парвардигор **Мадхусудана** асраб юрсин; чап томондан Сени кўлига сур ушлаган Парвардигор Вишну асраб юрсин; осмондан Сени Парвардигор **Упендра** асраб юрсин; ер остидан Сени Парвардигор **Таркийя** асраб юрсин; Парвардигор **Халадхара** Сени ҳар тарафдан асраб юрсин; Сенинг сезгиларингни Парвардигор **Хришикеша** асрасин; ҳаёт нафасингни Парвардигор **Нарайана** асрасин; сенинг юрагингни Шветадваipa Парвардигори Нарайана асрасин; Сенинг ақлингни Парвардигор **Йогешвара** асрасин; тафаккурингни Парвардигор **Пришнигарбха** асрасин; Худонинг Олий Шаҳси Сенинг жонингни асраб юрсин; сен ўйнаб юрганнингда Парвардигор **Говинда** Сени ҳар тарафдан ҳимоя қилиб юрсин, ухлаганингда Парвардигор **Мадхава** ҳар хил хатарлардан асрасин. Сайр қилиб юрганингда Ваикунтханинг Парвардигори йиқилиб тушишдан асрасин, ўтирганингда Сени Ваикунтанинг Ҳукмдори Ўз

ҳимоясига олсин, овқатланганингда Сени барча қурбонлик маросимларининг Парвардигори ҳамма нарсадан асрасин!"

Жажжи Кришнанинг танасининг ҳар хил аъзоларини балолардан асраш учун Яшода она шу тарзда Парвардигорнинг турли номларини такрорлади. Яшода шу йўл билан ўғлини ҳар хил ёвуз жин-шайтонлардан асраши лозим эканига аниқ ишонарди. Жин-шайтонларларнинг турлари жуда кўп: дакинилар, йатудханилар, кушмандилар, йакшалар, ракшаслар, винайакилар, которалар, реватилар, джейштхалар, путаналар, матрикилар, унмадалар - ва шунга ўхшаган ёвуз жинлар. Улар одамни ўзини бутунлай унутиб юборишга мажбур қиладилар ва унинг ҳаёт нафасини, ҳиссиётини безовта қиладилар. Баъзида улар одам ухлаб ётганда келиб, тушига кирадилар ва кишини даҳшатга соладилар, баъзан эса кекса кампирлар қиёфасига кириб ёш болаларнинг қонини сўрадилар. Лекин бундай жин-шайтонлар ва ёвуз руҳлар Худонинг муқаддас номлари зикр қилиниб юрган жойга яқин йўлай олмайдилар. Яшода она ведаларда берилган сигирларнинг, ҳамда Парвардигор Вишнунинг муқаддас номларининг жуда муҳимлиги ҳақидаги кўрсатмаларга аниқ ишонарди, шунинг учун ўғли Кришнанинг ҳаётини ҳимоя қилиш учун Уни сигирларга ва Вишнунинг муқаддас номлари ҳимоясига бутунлай топширган эди. Ўғлини ҳар хил офатлардан сақлаши учун Яшода Парвардигор Вишнунинг ҳамма муқаддас номларини такрорлади. Инсоният тарихининг аввалидаёқ ведалар маданияти ҳукм сурган жамиятда сигирлар ва Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш қанчалик саховатли эканини яхши билардилар. Ведаларнинг кўрсатмаларига асосланиб яшайдиган одамлар, айниқса оилали одамлар ҳозир ҳам камида ўн-ўн беш сигирга ғамхўрлик қилиб, уйларида ўрнатилган Парвардигор Вишнунинг муртисига сиғинадилар.

Вриндавандаги ёши катта гопилар Кришнага нисбатан муҳаббат туйғусига шу қадар ғарқ бўлган эдиларки, гарчи умуман бунга зарурат бўлмаса ҳам, ҳамisha Уни ҳимоя қилиб юришга интилардилар. Кришна Ўзини Ўзи бемалол ҳимоя қила оларди. Кришна - бу дунёда оддий бола ролини ўйнаётган Худонинг Олий Шаҳси эканини улар тушунмас эдилар. Болани ҳар хил офатлардан ҳимоя қилиш учун муқаддас китобларда кўрсатилган барча маросимларни ўтказиб бўлгандан кейин Яшода она

72

Кришнани олдига олиб эмиза бошлади. Яшода она энди Кришна Парвардигор Вишнунинг муқаддас номлари ҳимояси остида ҳар қандай хавф-хатардан озод эканини ҳис қиларди. Айни

пайтда солиқ тўлаш учун Матхурага кетган подачилар уйларига қайтиб, Путананинг баҳайбат жасадини кўриб ҳайратга тушдилар.

Нанда Махараж Васудеванинг оғохлантирганини эслади ва уни буюк донишманд ва сеҳргар-йог бўлса керак деб қўйди. Акс ҳолда Нанда Махараж Вриндаванда йўқ бўлган пайтда бундай воқеа бўлишини у қандай қилиб башорат қила оларди? Кейин Враджа аҳолиси ялмоғиз Путананинг баҳайбат танасини бўлакларга бўлиб, катта гулханда ёқа бошладилар. Путананинг баҳайбат танасининг бўлаклари гулханда ёнаётганида ундан бутун атрофга жуда ёқимли ҳид тараларди. Пугана шахсан Кришнанинг кўлидан ҳалок бўлгани учун шундай эди ва бу шундан далолат берардики, Пугана барча гуноҳларидан бутунлай покланиб, рухий танага эга бўлган. Мана сизга Худонинг Олий Шахсининг марҳамати чексиз эканини яққол кўрсатадиган мисол. Пугана Кришнани ўлдириш учун келган эди, лекин Кришна унинг сутини ичгани учун у шу захотиёқ барча гуноҳлари оқибатидан покланди, унинг ўлик танаси ҳам илоҳий сифатларга эга бўлди. Унинг бу дунёда қиладиган иши ёш болаларни ўлдириш эди. У фақат инсон қонини ичишни яхши кўрарди, аммо у Кришнага шунчалик ҳасад қилса ҳам, Унга ўзининг сутини бергани туфайли нажот топди. Шундай экан, Кришнани худди Унинг отасидай ёки онасидай илиқ меҳр-муҳаббат билан севадиган одамлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Соф бхакталар Кришнага ҳамisha чексиз меҳр ва муҳаббат билан хизмат қиладилар, чунки Кришна - Худонинг Олий Шахси, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Худога хизмат қилиш ниятида сарф қилинган озгина куч, озгина ҳаракат ҳам инсонга жуда катта рухий фойда келтиради. Бу "Бхагавад Гита"да аниқ айтилган: ***свалпам апи асйа дхармасйа***. Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни шу қадар буюк, улуғворки, Кришна учун онгли ёки онгсиз равишда қилинган озгина иш ҳам инсонга жуда катта бахт-саодат келтиради. Кришнага бирор дарахтдан олинган гул, барг таклиф қилиб сажда қилганда, ана шу гулни, баргни берган дарахт ичида яшаётган тирик мавжудот ҳам савоб олади, саодатга эришади. Худога сиғиниш жараёни, яъни ***арчана*** ҳаммага бахт-саодат келтиради. Парвардигор Кришнага Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари энг буюк фаришталар ҳам сажда қилиб сиғинадилар. Путананинг жуда омади келган эди, чунки мана шу улуғвор Парвардигор Кришна жажжи чақалоқ кўринишида унинг тиззаларида ўйнаб ётган эди. Кришна ўзининг нилуфар қадамлари

пойини Путананинг танасига қўйди - бу муқаддас қадамлар пойига буюк донишмандлар ва бхакталар сажда қиладилар. Одамлар Кришнага сажда қилиб, Унга ҳар хил таомлар таклиф қиладилар, лекин Путананинг кўкрагидан сутни Унинг Ўзи сўриб ичди. Шунинг учун, бхакталар Кришнага илтижо қилар экан, шундай дейдилар: "Агар Кришнанинг душмани бўлган Пугана Унга озгина сут бергани туфайли шундай катта мукофотга эришган бўлса, Кришнага чексиз муҳаббат ва садоқат билан сиғиниб юрган одамлар эришадиган мукофотни ким баҳолай олади?"

Кришнага сиғинган ҳар бир одам албатта мукофот олади, ҳеч бўлмаса шунинг учун инсон албатта Парвардигор Кришнага сиғиниши керак. Гарчи Пугана ёвуз руҳ бўлса ҳам, гўё у ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахсининг онасидай бўлиб мангу рухий оламга эришди. Аниқки, Кришнага ўзининг сутларини берган сигирлар ва катта гопиларнинг ҳаммаси илоҳий ҳолатга эришиб, мангу рухий оламга кўтарилганлар. Кришна ҳар кимга истаган нарчасини - рухий озодликка эришиш имкониятидан то инсон ўзи тасаввурига сиғдира олган ҳар хил моддий бойликларгача ато этиши мумкин. Шунинг учун Путананинг рухий озодликка чиққанига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, ахир Кришна унинг шунча сутини ичди-ку. Кришнани жонидан ҳам ортиқ кўрадиган гопиларнинг рухий озодликка чиққанига қандай шубҳа бўлиши мумкин? Ҳеч шубҳа йўқки, Вриндаванда Кришнага меҳр-муҳаббат билан хизмат қилиб юрган гопилар, подачилар ва сигирларнинг ҳаммаси моддий оламдаги аянчли тирикчилик асирлигидан рухий озодликка эришганлар.

Вриндаван аҳолиси Путананинг ёнаётган танасидан таралаётган ҳидни сезганларида бир-биридан: "Бу ёқимли ҳид қаердан келяпти?" - деб сўрай бошладилар, кейин бу ҳид ёнаётган Путананинг танасидан келаётганини англаб етдилар. Улар Кришнани жуда яхши кўрар эдилар, Пугани айнан У ўлдирганини эшитиб, Унга қаттиқ боғланиб Уни дуои-фотиҳа қилардилар. Путананинг жасадини ёқиб бўлиб Нанда Махараж уйига қайтиб келди, Кришнани тиззасига олиб, Унинг шундай даҳшатли офатдан тирик қолганидан мамнун бўлиб, Унинг сочидан келаётган ёқимли ҳидларидан тўйиб-тўйиб ҳидлай бошлади. Кришнанинг ялмоғиз Пугани ўлдиргани ҳақидаги ҳикояни тинглаган одамларнинг ҳаммасини Шрила Шукадева Госвами дуо қилиб, уларнинг ҳаммаси Парвардигор Говинданинг марҳаматига эришишини айтган.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришна ялмоғиз Путанани ўлдиради" деган олтинчи бобиға Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

## 7. Тринавартани озодликка чиқариш

Худонинг Олий Шахси, Кришна мукамалликнинг олти туриға - бойлик, куч-қудрат, шон-шухрат, илм, гўзаллик ва боғланмасликка ҳамиша тўла бўлган Зотдир. Парвардигор бу дунёда Ўзининг ҳар хил тўлик ва мангу қиёфаларида намоён бўлади. Бу дунёдаги шартланган руҳлар Парвардигорнинг ана шу қиёфаларда кўрсатган илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш имкониятиға эға бўладилар. Парвардигор "Бхагавад Гита"да: *жанма карма ча ме дивйам*, яъни "Менинг туғилишим ва кароматларим илоҳий табиатға эға" - деб айтган. Парвардигорнинг эрмаклари моддий табиатға эға эмас, улар моддий тушунчалардан ташқарида туради. Лекин ана шундай илоҳий, ғайритабиий ишлар ҳақидаги ҳикоялар шартланган руҳларға жуда катта саодат келтиради. Тинглаш жараёни орқали инсон Парвардигор билан бевосита мулоқотда бўлади. Тинглаш, шунчаки Худонинг илоҳий кароматлари ҳақида тинглашнинг ўзи руҳий табиатни тушуниш, англаб етиш демақдир. Шартланган руҳлар табиий равишда кино, роман, пресалар кўринишида бошқа шартланган руҳлар ҳақидаги нарсаларни тинглашни ёқтирадилар. Одамлар ўзларидаги тинглашға бўлган ана шу интилишдан самарали фойдаланиб, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашға ишлатса бўлади. Шунда инсон ўзининг қалбида илоҳий табиатни ривожлантира боради. Парвардигор Кришнанин эрмаклари жуда ғаройиб бўлибгина қолмасдан ақл учун жуда ёқимли ҳам.

Парвардигорнинг ҳар хил эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрган одамнинг қалби узоқ вақт моддий табиат ичида юргани сабабли тўпланиб қолган иллатлардан покланади. Парвардигор Чайтанйа ҳам айтган эдики, Парвардигор Кришнанин муқаддас номини мунтазам тинглаб юриш шарофати билан инсон ўзининг қалбини моддий иллатлардан бутунлай поклай олади. Ўзликни англашнинг, руҳий юксалишнинг турлари кўп, аммо асосий қисми тинглашдан иборат бўлган Худоға садоқат билан хизмат қилиш жараёни бу йўлдан бораётган одамларнинг қалбини барча моддий иллатлардан поклаб, уларға ўзларининг ҳақиқий ҳолатини англаш имкониятини беради. Руҳнинг бу дунёда шартланган ҳолатда

яшашининг сабаби ана шу моддий иллатлардир: инсон шу иллатдан покланган заҳоти унинг қалбида тирик мавжудотнинг ҳақиқий вазифасини бажариш истаги - Худоға садоқат билан хизмат қилиш истаги уйғонади. Парвардигор билан ўзининг мангу муносабатларини қайта тиклаб ривожлантира борар экан, инсон бхакталар билан дўстлашишға қодир бўлади. Буни ўз ҳаётида синаб кўрган Махараж Парикшит ҳаммаға Парвардигорнинг илоҳий кароматлари, эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглашни тавсия қилган. Мазкур китоб ҳам ана шу мақсадға мўлжалланган, ҳар бир ўқувчи инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришишда ундан фойдаланиши мумкин.

Ўзининг чексиз марҳаматини намоёиш этиб Парвардигор бу моддий оламға ташриф буюради ва худди оддий одамларға ўхшаб ҳар хил кароматлар кўрсатади. Бахтға қарши, имперсоналистлар ва Худоға ишонмайдиган иймонсиз даҳрийлар Уни ўзлариға ўхшаган оддий одам деб биладилар ва Унинг устидан куладилар. Парвардигорнинг Ўзи "Бхагавад Гита"да уларнинг устидан Ўз ҳукмини чиқариб кўйган: *аваджананти мам мудхаҳ*. Мудхалар, яъни виждонсиз одамлар Кришнани оддий одам деб, ёки бошқаларға қараганда озгина қудратлироқ шахс деб ҳисоблайдилар. Ўзларининг бахтиға қарши улар Кришнани Худонинг Олий Шахси ўрнида қабул қила олмайдилар. Баъзида ана шундай бахтиқаро одамлар муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид равишда ўзларини "Кришнанин намоён бўлган қиёфаси" деб эълон қиладилар.

Кришна анча улғайиб қолганида фақат чалқанча ётавермасдан, энди қорниға ағдарила бошлади. Яшода билан Нанда Махараж яна бир маросим ўтказдилар. Бу маросим Кришнанин биринчи туғилган куни эди. Бу маросимни ведалар маданияти асосида яшайдиган одамларнинг ҳаммаси ҳали ҳозиргача нишонлаб келадилар. Кришнанин туғилган куни - *Жанмаштами* қайси диний оқимға мансуб бўлишидан қатъий назар Ҳиндистоннинг бутун аҳолиси учун катта байрам ҳисобланади. Байрамға подачи ва подачи қизларнинг ҳаммаси тақлиф этилди, улар мамнуният билан маросимға келишди. Машшоқлар ёқимли мусиқа чалар, тўпланганларнинг ҳаммаси яйраб мусиқа тинглардилар. Барча билимдон браҳманларни байрамға тақлиф қилдилар. Кришнаға омад кулиб боқиши учун улар Ведалардан ҳар хил шарофатли мадҳиялар куйладилар. Мусиқа чалиниб, ведавий мадҳиялар куйланар экан, Яшода Кришнани чўмилтирди. Кришнани чўмилтириш маросими *абхишека* деб аталади. Бу маросим Вриндаваннинг ҳамма эҳромларида

Жанмаштами(Кришнанинг туғилган) куни албатта ўтказилади.

Бу муносабат билан Яшода жуда кўп ғалла садака қилмоқчи бўлди. Олтин тақинчоқлар осилган энг яхши сигирлар билимдон, хурматли брахманларга эҳсон сифатида берилиши лозим эди. Яшода чўмилиб покланди, чиройли либосларини кийди, чўмилиб бўлган ва чиройли либослар кийинтириб безатилган Кришнани тиззасига олиб, Яшода брахманлар куйлаётган Ведавий мадҳияларни тинглаб ўтирди. Уларни мароқ билан тинглаётган Кришна уйкуга кетаётгандай бўлди, буни кўриб Яшода Уни авайлаб тўшакка ётқизиш кўйди.

Муқаддас байрам маросимига келган дўстларини, қариндошларини ва Вриндаваннинг бошқа аҳолисини кутиб олиш билан овора бўлган Яшода чақалоқни эмизишни бутунлай унутиб юборган эди. Қорни очган Кришна қаттиқ йиғлар, лекин шовқин-сурон ичида юрган Яшода Унинг овозини эшитмасди. Бундан Кришнанинг қаттиқ жаҳли чиқди, чунки Унинг қорни оч, онаси эса Унга парво ҳам қилмасди. У Ўзининг нилуфарсимон оёқларини осмонга кўтариб, худди оддий болалардай ўйната бошлади. Жажжи Кришна арава тагида ётарди. Оёқларини ўйнатиб ётар экан, тасодифан Кришнанинг оёғи араванинг ғилдирагига тегиб кетди ва арава чилпарчин бўлиб синиб кетди. Араванинг устига ҳар хил уй анжомлари, мис товоқлар тахлаб қўйилган эди, катта шовқин билан уларнинг ҳаммаси ерга сочилиб кетди. Араванинг ғилдираги ўқидан чиқиб, унинг кегайлари синиб, ҳар тарафга сочилиб кетди. Яшода она ва барча гопилар, Нанда Махараж ва бошқа подачилар қандай қилиб арава ўзидан-ўзи чилпарчин бўлганига ҳайрон эдилар. Муқаддас байрамга тўпланган эркагу-аёлларнинг ҳаммаси тўпланиб, қандай қилиб арава мажақланиб кетганини ўзларича тахмин қила бошладилар. Бунинг сабабини ҳеч ким тушунтира олмасди, аммо Кришна билан бирга ўйнаш буюрилган болалар тўпланган одамларга аравани Кришна оёғи билан тепиб юборганини, шунинг учун арава синиб қолганини айтдилар. Улар буни ўз кўзлари билан кўрганларини айтиб, жон-жаҳди билан катталарни бунга ишонтиришга уринардилар. Баъзилар уларнинг гапларига ишондилар, баъзилар эса: "Қандай қилиб шу болаларнинг гапига ишониш мумкин?" - деб қўйдилар. Подачилар ва подачи қизлар қудратли Парвардигор, Илохий Шахс ҳозир уларнинг олдида чақалоқ қиёфасида ётганини, У ҳар нарсага қодир эканини тушунмас эдилар. Иложи бўлган ва иложи бўлмаган ҳамма нарса Унинг ҳукми остида. Одамлар ўзаро баҳс-мунозарада давом этар экан, жажжи Кришна йиғлаб юборди. Яшода она болани тиззасига олди, ведавий

мантралардан ўқитиш ва шу тарзда ёвуз рухларни ҳайдаб юборишлари учун у билимдон брахманларни чақирди. Айти пайтда у боласини эмиза бошлади. Агар бола онасини хотиржамлик билан эмиб ётган бўлса, демак ҳаммаси жойида, ундан хавотирланмаса ҳам бўлади. Шундан кейин энг кучли подачилар аравани тузатиб, сочилган нарсаларни яна унинг устига тахлаб жойига қўйдилар. Шундан сўнг брахманлар қурбонлик оловига ҳар хил эҳсонларни ташлай бошладилар: катиқ, сариеғ, куша майсаси ва сув. Улар Худонинг Олий Шахсига илтижо қилиб Кришнага бахтли тақдир ато этишни тилай бошладилар.

Ўша даврларда яшаган брахманлар ўз ишини яхши билганлар, чунки уларнинг қалби ҳасад туйғусидан бутунлай пок бўлган. Улар ҳеч қачон ёлгон гапирмаганлар, ҳеч қачон манманликка берилмаганлар, ҳеч бир жониворга озор бермай яшаган, ўткинчи шон-шуҳратга интилмаганлар. Уларнинг ҳаммаси ҳақиқий брахманлар эди, шу боис уларнинг дуоифотиҳалари албатта амалга ошишига ҳеч кимда шубҳа туғилмасди. Билимдон брахманларга тўла ишонган ҳолда Нанда Махараж ўғлини тиззасига олди ва брахманлар Риг, Ёаджур, Сама ведалардан турли мадҳиялар тиловат қилгунча Кришнани ҳар хил гиёҳлар солинган сувда ювинтирди.

Маълумки, тажрибали брахман бўлмай туриб Ведалардан мантра тиловат қилиш мумкин эмас. Демак, у ерда тўпланган брахманларнинг ҳаммаси брахманларга хос бўлган барча эзгу фазилатларга эга бўлган. Нанда Махараж ҳам уларга шубҳасиз ишонган. Шунинг учун ҳам бу брахманларга ведалардан мадҳиялар тиловат қилинадиган ушбу маросимни ўтказиш топширилган эди. Ҳар хил одамларга мўлжалланган турли қурбонлик маросимлари бор, фақат тажрибали брахманлар ҳар бир маросимга мос бўлган мантраларни тиловат қила оладилар. Ҳозирги Кали-юга даврига келиб тажрибали брахманлар қолмагани сабабли ҳар қандай қурбонлик маросимларини ўтказиш таъқиқланган. Шу боис Парвардигор Чайтанья Махапрабҳу ҳозирги даврда фақат битта қурбонлик маросими ўтказишни тавсия қилган, у ҳам бўлса *санкиртана-йагья*, яъни Ҳаре Кришна мантрасини биргаликда тиловат қилиш: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Брахманлар иккинчи марта ведавий мадҳиялар тиловат қилиб ананъавий маросимни ўтказиб бўлганидан кейин, Нанда Махараж уларга яна кўп миқдорда ғалла ва сигирлар эҳсон қилди. Бўйнига гулчамбар осилган чиройли сигирларнинг ҳаммасининг устига

олтин парчадан мато ёпилган, шохларида олтин халқа осилган, туёқларига эса кумуш қопланган эди. У брахманларга шунча сигирларни фақат бир ниятда - ўзининг жажжи ўғлининг бахтли бўлишини тилаб эҳсон қилар эди. Ўз навбатида брахманлар ҳам Кришнани самимий истаклар билан дуо қилдилар. Тажрибали брахманларнинг дуолари ижобат бўлишига эса ҳеч қандай куч қаршилиқ қила олмайди.

Ана шу маросимдан бир неча кун ўтгандан кейин, Яшода она ўғлини тиззасига олиб эркалатиб ўтирарди. Кришна унга шу қадар оғирдай бўлиб сезилди-ки, у Кришнани кўтара олмай, ўзи истамаган ҳолда Уни ерга қўйишга мажбур бўлди. Кейин у ўзининг кундалик ишларига киришиб кетди. Айни шу пайтда Камсанинг буйруғини амалга оширишга келган Тринаварта деган иблис хизматкори шиддатли қуюн қиёфасига кириб шу ерда пайдо бўлди. Қуюн қиёфасидаги иблис болани елкасига кўтариб олди ва бутун Вриндаванни чанг-тўзонга кўмиб ташлади. Даҳшатли қуюн дастидан бутун Вриндаванни қоронғу зулмат қоплади, ҳеч ким ҳеч нарсани - ўзини ҳам, ёнидаги одамни ҳам кўролмай қолди. Ана шу офат пайтида Яшода Қуюн олиб кетган боласини кўздан йўқотиб, аччиқ-аччиқ йиғларди. У худди ҳозиргина бузоғидан айрилган сигирга ўхшаб ҳушидан кетиб ерга қулади. Зорланиб йиғлаётган Яшоданинг ёнига подачи аёллар тўпланиб, Кришнани ахтара бошладилар. Лекин уларнинг уринишлари ҳеч қандай натижа бермади - улар Кришнани ҳеч қаердан топа олмадилар. Тринаварта елкасида жажжи Кришна билан осмонга баланд кўтарилди, шунда болакай бирданига жуда ҳам оғирлашиб кетди, энди қуюн уни елкасида тутиб тура олмас, баландга ҳам кўтарилма олмасди. Тринаварта қуюн бўлиб айланишни бас қилишга мажбур бўлди. Жажжи Кришна эса унинг бўйнини қаттиқ кучоқлаб олиб, жуда оғирлашиб иблисни пастга торта бошлади. Тринавартага бўйнига кичкина болакай эмас, худди катта бир тоғ осилгандай бўлиб кетди. Иблис Кришнанинг кучоғидан қутулишга уринарди, лекин бунинг улдасидан чиқолмади. Даҳшатга тушган Тринавартанинг кўзлари хонасидан чиқиб кетди. Иблис қаттиқ чинқирганча Вриндаванга яқин жойга гурсиллаб қулаб жон таслим қилди. Иблис Тринаварта ўзини худди Тангри Шиванинг пайкони тешиб ўтган Трипасурадай хис қиларди. Иблиснинг танаси ерга қаттиқ урилиб чилпарчин бўлди. Унинг баҳайбат танаси Вриндаваннинг барча аҳолисига кўриниб ётарди.

Гопилар ўлиб ётган иблиснинг баҳайбат танасини ва унинг кўксидан хурсанд бўлиб ўйнаб ўтирган жажжи Кришнани кўриб, дарров

Кришнани кўтариб олдилар. Подачи ва гопилар ўзларининг севимли жажжи Кришнасини яна соғ-саломат кўрганидан жуда бахтиёр эдилар. Улар иблиснинг болани ейиш учун олиб кетгани, бунинг улдасидан чиқа олмай, аксинча ўзи ерга қулаб ҳалокатга учрагани қанчалик зўр бўлганини айтиб, ўзаро гапириша бошладилар. Уларнинг баъзилари шундай ўйларди: "Бу жуда тўғри, чунки гуноҳкор одамни унинг қилган гуноҳлари оқибати ўлдиради, жажжи Кришна эса эзгу ниятли, гуноҳлардан пок, шу боис у ҳар қандай хатарли вазиятдан ҳам соғ-саломат чиқаверади. Демак, бизлар ҳам аввалги ҳаётимизда жуда кўп қурбонлик маросими ўтказган, Худога жуда кўп сиғинган, кўплаб хайр-эҳсон қилган, одамларни яхши кўриб, уларга жуда кўп яхшилиқлар қилган бўлсак керак. Ана шундай савоб ишларимиз натижасида ҳозир жажжи Кришна ҳар қандай хавф-хатардан халос бўлиб яшайпти".

Шу ерга тўпланган гопилар ўзаро гапириша бошладилар: "Бизлар аввалги ҳаётларимизда қанчалик қаттиқ риёзат чеккан, қанчалик синовлардан ўтган эканмиз-а! Балки бизлар Худонинг Олий Шахсига сажда қилиб сиғинган, ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказган, кўплаб садақа улашган, эзгу, савоб ишлар қилган - кўплаб анжир дарахти ўтказиб, кўп кудуқлар қазиган бўлсак керак. Ана шундай савоб ишларимиз шарофати билан ҳозир яна жажжи Кришнани қайта кўриб турибмиз, ахир У муқаррар фалокат олдида турган эди-ку! Мана У ўзининг яқинларига ҳаёт бағишлаш учун яна соғ-саломат олдимизда турибди". Ана шу ғаройиб воқеалардан кейин Нанда Махараж бир неча марта Васудеванинг гапларини эсига олиб ўйланиб қолди.

Шу воқеалардан кейин бир куни Яшода ўзининг ўғлини тиззасига олиб ўйнатиб ўтирарди. Бирданига унинг кўксидан сут оқа бошлади. Эмизиш учун у Кришнанинг оғзини очди, Кришнанинг оғзи ичида у бутун коинотни кўриб турарди. Яшода Кришнанинг оғзида барча ёритгичлар чарақлаб турган осмонни, юлдузларни, қуёшни, ойни, оловни, ҳавони, денгизларни, оролларни, тоғларни, дарёларни, ўрмонларни ва барча қўзғалувчан ва қўзғалмас тирик мавжудотларни кўриб турарди. Бу ғаройиботни томоша қилиб турар экан, Яшода юрагининг қаттиқ ура бошлаганини сизди ва ўзича: "Қандай мўъжиза!" - деб қўйди. Нима қиларини билмай, у кўзларини юмиб олди ва ширин хаёлларга берилиб кетди.

Кришна онасининг тиззасида ётган ҳолда унга Худонинг Олий Шахсининг фазовий қиёфасини намоён этиши шуни исботлаб турибдики, чакалоқ кўринишида онасининг олдида ётадимиз, Курукшетрада жанг

аравасининг жиловдори бўладими - Худонинг Олий Шахси ҳамиша Худонинг Олий Шахси бўлиб қолаверади. Мана шундай ҳолатлар аҳмоқ имперсоналистларнинг ўйлаб топган - мураккаб қилиш ёки бошқа бирор йўл билан ҳар бир одам Худо бўла олади деган аҳмоқона гапларини тўла инкор этади. Худо ҳамиша Худо, ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда ҳам Худо Худо бўлиб қолаверади, худди шундай барча тирик мавжудотлар ҳамиша Парвардигорнинг ажралмас руҳий зарралари бўлиб қолаверадилар. Тирик мавжудотлар ҳеч қачон англаб бўлмас, ғайритабиий, ҳар нарсага қодир бўлган қудратли Парвардигорга тенглаша олмайдилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Тринавартани озодликка чиқариш" деган  
эттинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари  
шундай яқунланади.*

## 8. Парвардигорнинг фазовий кифаси

Ана шу ҳодисадан кейин Васудева ўз оиласининг руҳий устози Гаргамунидан юлдузларнинг ҳолати бўйича Кришнанинг тақидирига нималар ёзилганини аниқлаш учун Нанда Махаражнинг уйига боришни илтимос қилди. Гаргамуни ихтиёрий равишда жуда кўп риёзатларни бошидан кечирган донишманд, авлиё инсон бўлиб, Ёдавдалар сулоласининг руҳонийси, руҳий устози қилиб танланган эди. Гаргамуни Нанда Махаражнинг хонадонига кириб келганида уни кўрган Нанда Махараж жуда хурсанд бўлди, ўрнидан сакраб туриб, қўлларини кўксига қовуштириб, унга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. У Гаргамунини худди Худога, Худонинг Олий Шахсига сажда қилаётган одам ҳис қиладиган кўтаринки руҳ билан қабул қилди. Нанда Махараж уни қулай жойга ўтқазиб, ўзининг ҳар хил хизматлари билан унинг келганидан жуда хурсанд эканини изҳор этарди. Чуқур эҳтиром билан унга мурожаат қилиб, Нанда Махараж шундай деди: "Эй азиз браҳман, сенинг ташриф буюришинг оилали одамнинг бутун хонадонига чексиз бахт-саодат келтиради. Биз оилали одамлар ҳамиша уй ишлари, оила ташвишлари билан банд бўлиб, ўзимизнинг ҳаётдаги асосий бурчимиз нима эканини эсдан чиқариб қўямиз. Инсоннинг ҳаётдаги энг асосий бурчи руҳий ўзлигини, ҳақиқий "мен"ини англаб етишдан иборат. Сен хонадонимизга руҳий ҳаёт илмидан сабоқ бериш учун келгансан. Сен ҳеч қачон оилали одамларнинг уйига бошқа бирор мақсадни кўзлаб бормаисан".

Ҳақиқатан ҳам, авлиё одамлар ёки браҳманлар кеча-кундуз қиладиган ишлари фақат пул топиш ва уни дунёвий лаззатларга сарфлашдан иборат бўлган оилали одамларнинг уйига бормаслиги керак. Авлиё ва браҳманларнинг оилали одамнинг уйига боришдан ягона мақсади - уларга Худо илмини, руҳий илм ўргатишдан иборат. Нимага оилали одамнинг ўзи руҳий илм ўрганиш учун авлиё одамнинг ёки браҳманнинг олдига бормайди, деган саволга жавоб бериб айтиш мумкинки, оилали одамлар одатда жуда қаттиққўл, ҳасис, калтафаҳм бўладилар. Уларнинг фикрича - инсоннинг ҳаётдаги энг асосий бурчи - оила аъзолари олдидаги вазифасидир, руҳий ўзлигини англаш ва руҳий юксалиш эса иккинчи даражали ишлар ҳисобланади. Шу боис авлиё браҳманлар фақат уларга ачинганидан, қалбида уларга нисбатан бўлган ҳамдардлик туйғусининг амри билан оилали одамларнинг уйига борадилар.

Нанда Махараж Гаргамунига астрология илмининг энг буюк билимдони сифатида мурожаат қилди. Қуёш ва ой тугилиши сингари ҳар хил астрологик башоратлар жуда қийин ҳисоб-китоблар орқали аниқланади, ана шу маҳсус фан ёрдамида одам келажакни аниқ башорат қила олади. Гаргамуни ана шу фан бўйича жуда тажрибали устоз эди. Бу илм ёрдамида инсон ўзининг аввалги ҳаётида қандай ишлар қилганини, ҳозирги ҳаётида қайси ишлари натижасидан лаззатланиши, қайси ишлари оқибатидан эса мусибат чекиши мумкин эканини билиб олади.

Нанда Махараж Гаргамунини "браҳманлар аълоси" деб ҳам атади. Браҳман - Парвардигор ҳақидаги илми мукамал биладиган инсондир. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида илмга эга бўлмаган одам браҳман ҳисобланмайди. Бу борада ишлатиладиган аниқ ибора **браҳма-видам** бўлиб, у "Парвардигорни жуда яхши биладиган одам" деган маънони англатади. Тажрибали браҳман жамиятнинг паст табақаларига мансуб кшатрийларнинг, вайшйаларнинг ва шудраларнинг покланишига, руҳий юксалишига ёрдам бера олади. Браҳман кшатрий ва вайшйалар учун руҳий устоз, руҳоний маслаҳатчи ҳисобланади. Нанда Махараж вайшйа эди, Гаргамуни эса олий даражадаги браҳман эди. Шунинг учун шоҳ ўзининг асраб олган икки ўғли - Кришна ва Балорамни илм ўрганиб покланишлари учун унга ишониб топширди. Фақат бу икки фарзанд эмас, инсон танасида туғилган ҳар бир тирик мавжудот ҳаётда бирор тажрибали браҳманни ўзининг руҳий устози қилиб танлаши лозим эканини Нанда Махараж биларди.

Унинг бу илтимосига жавобан Гаргамуни шундай деди: "Васудева мени бу ерга мана шу

икки фарзанднинг, айникса Кришнанинг покланиш маросимларини ўтказиш учун юборган эди. Мен уларнинг оилавий рухий устозиман, бундан келиб чиқадики, Кришна - Девакининг ўғли". Астрологик ҳисоб-китоблар ёрдамида Гаргамуни аслида Кришна Девакининг ўғли бўлиб, Нанда Махаражнинг қарамоғига берилганини, бундан Нанда Махараж беҳабар эканини билиб олган эди. Шу тариқа у очикдан-очик бўлмаса ҳам, Кришна ҳам, Балорам ҳам Васудеванинг ўғиллари эканини билдириб қўйди. Балорам - Васудеванинг ўғли экани маълум эди, чунки бу ерда Унинг онаси Рохини бор эди, лекин Кришна ҳақида Нанда Махараж ҳеч нарса билмас эди. Гаргамуни гап орасида Кришна аслида Девакининг ўғли эканини айтиб қўйди. Яна у огоҳлантириб айтдики, агар болаларнинг покланиш маросимини ўзи ўтказса, табиатан буюк гуноҳкор, золим одам бўлган Камса Кришна аслида Деваки билан Васудеванинг ўғли эканини билиб қолади. Гарчи ҳамма Девакининг саккизинчи фарзанди қиз бола бўлган деб ўйласалар ҳам, астрологик ҳисоб-китобларга кўра Девакидан қиз фарзанд туғилиши мумкин эмасди. Шундай қилиб, Гаргамуни Нанда Махаражга ўша қиз Яшоданинг қизи бўлганини, Кришна эса - Девакининг ўғли бўлганини, кейин уларни алмаштириб қўйишганини маълум қилди. Ана шу қиз, фаришта Дурга ҳам бу ҳақда Камсага айтиб, уни ўлдириши лозим бўлган фарзанд бошқа ерда аллақачон дунёга келганидан хабар берган эди. Гаргамуни шундай деди: "Агар ҳозир сенинг ўғлингга мен ном қўйсам, агар У ҳақиқатан ҳам фаришта Дурганинг Камсага айтган гапларини амалга ошириши керак бўлса, унга мен исм қўйганимни эшитиб, иймонсиз иблис Камса Кришна Девакининг ўғли эканини билиб қолади ва келиб бу болани ҳам ўлдириши мумкин. Мен келажакда рўй бериши мумкин бўлган ана шундай нохуш ишларга сабабчи бўлишни истамайман".

Гаргамунининг гапларини тинглаб туриб, Нанда Махараж шундай деди: "Агар шундай хавф-хатар бўлса, болаларги исм қўйиш маросимини катта дабада билан ўтказмаймиз. Фақат сен ўзинг ведалардан мадҳиялар ўқиб, поклаш маросимини ўтказиб қўя қоласан. Бизлар икки бор туғилганлар табақасига мансуб одамлармиз, шу боис мен сенинг шу ерда эканингдан фойдаланиб, покланиш маросимини сен ўтказишингни истардим. Шунинг учун илтимос, болаларги исм қўйиш маросимини ҳеч қандай тантанасиз ўзинг ўтказиб қўй!" Нанда Махараж бу маросим ўтганини бошқалардан сир сақлашни ва айни пайтда уни айнан Гаргамуни ўтказишини истарди.

Нанда Махаражнинг қаттиқ илтимосларидан кейин Гаргамуни болаларга исм қўйиш маросимини унинг оғилхонасида, ҳеч қандай дабадасиз, имкони борича бирор шовқинсиз ўтказди. У башорат қилиб Нанда Махаражга айтдики, Рохинининг ўғли Балорам ўзининг оиласига ва қариндошларига жуда кўп қувонч бағишлайди, шу боис Унинг номи **Рама** бўлади. Келажакда У жуда кучли бўлади, шу боис Уни ҳамма **Балорам** деб чакирадилаор. Кейин Гаргамуни шундай деди: "Сенинг оиланг билан Йадавалар хонадони бир-бирига жуда яқин қариндош, ахил бўлганингиз сабабли, Уни **Санкаршана** деб ҳам атайдилар". Демак, Гаргамуни Рохинининг ўғлига учта исм қўйди: Балорам, Санкаршана, Баладева. Лекин Гаргамуни эҳтиёткорлик юзасидан Балорам ҳам аввалига Девакининг қорнида пайдо бўлганини, кейин Рохинининг қорнига олиб ўтилганини айтмади. Кришна билан Балорам туғишган ака-укалар эди, чунки Уларнинг иккови ҳам Девакининг ўғиллари эдилар.

Кейин Гаргамуни Нанда Махаражга шундай деди: "Иккинчи фарзандга келсак, ҳар хил даврларда Унинг танаси ҳар хил рангда бўлган. Аввал У оқ рангли танада дунёга келди, кейин қизил рангли, энди эса қорамтир рангда, шу боис Унинг исми **Кришна** бўлади. Бундан ташқари У аввалги даврда Васудеванинг ўғли эди, шу боис Унинг Кришна билан бирга **Васудева** деган ҳам исми бўлади. Баъзилар Уни Кришна деб, баъзилар эса Васудева деб чакирадилар. Лекин сен шуни билиб олқи, сенинг бу ўғлингнинг кўрсатган ҳар хил қароматларига мос равишда бошқа жуда, жуда кўп номлари бўлган".

Гаргамуни Нанда Махаражга яна айтдики, унинг ўғлини **Гуридхари** деб ҳам атайдилар, чунки У ўзининг ғаройиб қароматларидан бирини намоён этиб, Говардхана тепалигини кўтаради. Гаргамуни ўтмишни, ҳозирни ва келажакни билгани учун шундай деди: "Мен Унинг номлари ва илоҳий қароматлари ҳақида кўп нарсалар биламан, лекин бу бошқалар учун номаълум. Бу бола барча подачиларга ва сигирларга шодлик келтиради. Вриндаван аҳолисининг муҳаббатини қозониб, У сенинг ҳаётингда жуда катта бахт ва шодликларга сабаб бўлади. У сенинг оилангда яшаётгани шарофати билан сен душманларнинг барча уринишларига қарамай ҳар қандай моддий тўсиқларни бемалол енгиб ўтасан".

Гаргамуни давом этди: "Эй азиз Ваджа шоҳи, ўзининг аввалги туғилишларида бу бола жуда кўп марта такводор одамларни иймонсиз ярамаслар, ўғрилар зулмидан халос қилган. Сенинг ўғлинг шу қадар қудратлики, Унинг содиқ хизматкори бўлган одамга бирор душман

тахдид сололмайди. Парвардигор ҳамиша фаришталарни ҳимоя қилиб юргани сингари сенинг ўғлингнинг содиқ хизматкорлари ҳам ҳамиша Нарайананинг, Худонинг Олий Шахсининг ҳимояси остида бўладилар. Бу бола ҳар жиҳатдан - куч-қудратда, гўзалликда, ғаройибликда - Худонинг Олий Шахси Нарайана билан тенг бўлади. Шунинг учун сенга маслаҳатим - Унга жуда меҳрибонлик билан ғамхўрлик қил, У ҳеч қандай ташвиш кўрмай ўссин!"

Кейин Гаргамуни Нанда Махаражга айтдики, у Нарайананинг буюк бхактаси бўлгани сабабли Парвардигор Нарайана унга Ўзига тенг бўлган фарзанд ато қилган. Яна у қўшиб қўйди: "Сенинг ўғлига жуда кўп иблислар таҳдид соладилар, эҳтиёт бўлиб, Уни яхши ҳимоя қил!" Гаргамуни шундай қилиб, Нанда Махаражга Парвардигор Нарайананинг Ўзи унинг ўғли бўлиб туғилганини айтиб қўйди. У Нанда Махаражнинг ўғлининг илоҳий сифатларини ҳар хил усуллар билан ҳар томонлама таърифлаб берди. Шундан сўнг Гаргамуни уйига қайтиб кетди. Нанда Махараж эса ҳаётда қанчалик бахтли, омадли экани ҳақида ўйлар, авлиё донишманддан бундай башоратлар эшитганидан жуда мамнун эди.

Бу воқеадан кўп ўтмай Кришна билан Балорам оналарининг кўзларини қувонтириб, эмаклаб юра бошладилар. Уларнинг белидаги ва бўйнидаги кўнғироқчалари ёқимли жиригларди. Улар ҳамма жойда эмаклаб айланиб юрар, Уларнинг эмаклашларини кўрган одам қувонарди. Баъзан Улар худди оддий болаларга ўхшаб бирор нарсадан қаттиқ кўрққанидан ҳимоя истаб дарров оналарининг пинжигга тиқилар эдилар. Баъзида улар Вриндаван кўчаларининг лойига булғаниб, оналарининг олдига ҳамма ери лой ва шафран бўлиб келардилар. Аслида Рохини билан Яшода Уларнинг танасига шафран ва сандал пастаси суртарди, лойга эса Уларнинг Ўзлари булғанардилар. Улар оналарининг олдига эмаклаб келган заҳоти оналари уларни сариси билан бекитиб, эмиза бошларди. Улар эмар экан, оналари Уларнинг тишлари чиқа бошлаганини кўрар, ўғиллари кун сайин ўсиб-улғаяётганини кўриб, оналари ич-ичидан қувонарди. Баъзида бу ўйинқароқ болалар оғилхонага эмаклаб кирар, бузоқларнинг куйруғидан осилиб оёққа турардилар. Бзовга бўлган бузоқлар болаларни лой ва тезакка булғаб судраганича ҳар томонга югура бошларди. Бундай ғаройиб томошани мириқиб кузатишга Яшода билан Рохини қўшни гопиларни ҳам таклиф қилардилар. Парвардигор Кришнанинг болаликдаги эрмакларини томоша қилар экан, гопилар илоҳий лаззатга фарқ бўлиб,

қувончлари ичига сиғмасдан тинмай чараклаб кулардилар.

Кришна ҳам, Балорам ҳам шу қадар бетиним, тиниб-тинчимас шўх эдиларки, Яшода билан Рохини Уларни сигирлардан, ҳўкизлардан, маймунлардан, сувдан, оловдан ва қушлардан асраб юрар, айти пайтда уй ишлари билан ҳам машғул бўлардилар. Ҳамиша болаларини ҳар хил хатарлардан асрашга, уй ишларини вақтида бажаришга тиришиб, уларнинг бир дақиқа ҳам бўш вақти бўлмасди. Орадан бироз вақт ўтгандан кейин Кришна билан Балорам оёқларига туриб, аста-секин юра бошладилар. Улар юра бошлаганида, кўни-кўшниларнинг Уларга тенг болалари ҳам Улар билан бирга ўйнай бошладилар. Уларнинг ҳаммаси биргаликда ўзларининг шўхликлари билан гопиларга, айниқса Яшода билан Рохинига чексиз қувонч бағишлардилар.

Гопиларнинг барчаси, Рохини билан Яшоданинг дугоналари Кришна билан Балорамнинг Вриндаванда ўтказган шўхликларидан лаззатланардилар. Яна ҳам кўпроқ илоҳий лаззат олиш учун гопилар тўпланишиб, уларнинг ўғилларининг қилиқларидан арз қилиш учун Яшоданинг олдига йўл олдилар. Кришна онаси Яшоданинг олдига ўтирарди, гопилар эса У ҳам эшитсин деб, Яшодага Унинг устидан арз қила бошладилар. Улар шундай дедилар: "Азизим Яшода, ўйинқароқ Кришнани тийиб қўй! У Балорам билан бирга ҳар куни эрталаб ва кечкурун, сигир соғишни бошлашимиздан олдин бизникига келади. Улар бузоқларни ечиб юборадилар, бузоқлар оналарини бир томчи сут қолдирмай эмиб қўядилар, бизлар эса сигир соғишга бориб, бўш челақ билан қайтиб келамиз. Агар Кришна билан Балорамга бу ҳақда айтиб, огоҳлантирай десак, Улар ёқимли табассум билан жилмайиб кулиб қараб тураверадилар. Биз ҳеч нарса қилолмай қоламиз. Бундан ташқари сизларнинг Кришна билан Балорамингиз қаерга яшириб қўйсак ҳам сариеғларимизни, қатикларимизни ўғирлашдан лаззатланадилар. Агар Уларни қатик ва сариеғ олиб турганларида ушлаб олсак, Улар: "Нимага бизларни ўғирликда айблайсизлар? Наҳотки бизларнинг уйда сариеғ, қатик йўқ деб ўйласанглар?" - деб айтадилар. Баъзида эса Улар сариеғ, сут, қатик ўғирлаб маймунларга едирадилар. Маймунларнинг қорни тўйиб, ҳеч нарса егиси келмай қолганда эса, Улар: "Сизларнинг қатигингиз, сариеғингиз ва сутларингиз шунчалик бемазаки, ҳатто маймунлар ҳам уларга қайрилиб қарамайдилар!" - деб устимиздан кулиб бизларнинг ўзимизни айблайдилар. Кейин улар кўзаларни уриб синдириб, ичидагиларни ҳамма ёққа сочиб ташлайдилар. Агар қатик, сут ва сариеғларни



қоронғи жойга яшириб қўйсақ, сизларнинг Кришна ва Балорамингиз барибир уларни топиб олади, чунки Уларнинг тақинчоқларидан таралиб турган ёғду ҳамма жойни кундай ёритиб юборади. Мабодо Улар излаб-излаб қатик ва сариёғларни тополмасалар, бешиқда ётган болаларимиз олдига келиб, уларни чимитлаб, йиғлатиб қочиб кетадилар. Агар қатик ва сариёғларимизни кўзага солиб шипга, баландроқ қилиб осиб қўйсақ, қўллари етмаса, оёқлари тагига сават ёки кели қўйиб оладилар. Агар шунда ҳам шипга осилган кўзаларга қўллари етмаса, Улар кўзаларнинг тагидан тешик очадилар. Шу боис болаларингизнинг ҳамма тақинчоқларини олиб қўйсанглар яхши бўларди".

Уларнинг гапларини тинглаб туриб Яшода шундай деди: "Бўпти, мен Кришнанинг ҳамма тақинчоқларини олиб қўяман. Шунда У қоронғига яшириб қўйилган сариёғларни топа олаайди". Унинг бу гапларига гопилар шундай жавоб бердилар: "Йўқ, йўқ! Асло бундай қила кўрма! Сен Унинг ҳамма тақинчоқларини ечиб олганинг билан барибир ҳеч нарса ўзгармайди. Билмадик Улар қандай болаларки, ҳатто тақинчоқларсиз ҳам Улар ўзларидан бутун атрофга ғайритабиий нур таратиб турадилар, шу боис улар барибир ҳатто қоронғида ҳам ҳамма нарсани дарров топа оладилар".

Шундан сўнг Яшода она шундай деди: "Майли, унда қатик ва сариёғларингизни Улар ололмайдиган жойга қўйинглар!" Гопилар Яшоданинг гапларига шундай деб жавоб бердилар: "Ҳалиям биз шундай қиялпимиз, лекин ҳаммиша уй ишлари билан банд бўлиб юрганимиз сабабли, бу тиниб-тинчимас болалар иложини топиб бизга билдирмасдан уйимизга кириб оладиларда ҳамма нарсани вайрон қилиб кетадилар. Баъзида, агар Улар қатик, сариёғ ўғирлай олмай қолсалар, жаҳли чиққанидан тозалаб қўйган жойларимизга сийиб, туфлаб кетадилар. Ҳозир олдинда Унинг ёқимтойгина бўлиб ўтиришига қара - У бизларнинг ҳамма гапларимизни эшитиб ётибди. Кун бўйи Улар бизларнинг қатик-ёғларимизни ўғирлаш пайида юрадилар, бу ерга келиб эса Ўзларини жуда тартибли, ёқимтой қилиб кўрсатадилар. Унинг чиройли юзига бир қара!"

Яшода она гопиларнинг арзини тинглаб туриб, ўғлини койимокчи бўлди, лекин Унинг чиройли юзига, милтираб турган кўзларига қараб туриб, бунга ботина олмади - мийиғида кулиб қўйди-да ҳеч нарса демади.

Бошқа бир куни, Кришна билан Балорам тенгқур дўстлари билан ўйнаб юрганида, бошқа болаларнинг ҳаммаси Балорам билан биргаликда Яшода онанинг олдига келиб, Кришна лой еб ўтирганини айтдилар. Яшода дарров бориб

Кришнанинг қўлларидан ушлади ва шундай деди: "Азизим Кришна, Сен ҳаммадан бекиниб олиб, лой еган эмишсан? Нимага бундай қилдинг? Қара, ҳамма дўстларинг, аканг Балорам ҳам Сени айблашяптилар".

Кришна онасининг олдига қўрқувга тушиб, шундай деди: "Азизим Онажон, уларнинг ҳаммаси, акам Балорам ҳам Менга туҳмат қиялптилар. Мен ҳечам лой еганим йўқ. Бирга ўйнаётганимизда акам Балорамнинг Мендан жаҳли чиққан эди, шунинг учун бошқа болалар билан қўшилиб Менга туҳмат қилиб, сенга арз қиялпти. Сен Мени жазолашингни истаб уларнинг ҳаммаси биргаликда сенга арз қилдилар. Агар улар ҳақиқатан ҳам рост гапиряпти деб ўйласанг, оғзимга қараб кўр, лой еганманми, йўқми - ўзинг кўрасан!" Онаси Унга шундай деди: "Агар ҳақиқатан ҳам лой емаган бўлсанг, қани, оғзингни оч, мен ўзим кўриб биламан!"

Худонинг Олий Шахси онасининг буйруғини эшитган заҳоти худди оддий болалар сингари оғзини очди. Шунда Яшода она Унинг оғзида ғаройиботга тўла бутун борликни кўрди. У ҳар томонга бепоён таралиб кетган осмонни, тоғларни, оролларни, океанларни, денгизларни, сайёраларни, ҳавони, оловни, ой ва юлдузларни кўрди. Ой ва юлдузлардан ташқари у Кришнанинг оғзи ичида ҳамма унсурларни, сувни, ҳавони, бутун эфирни, умумий ўзлик(эго)ни, сезгиларга таъсир қиладиган(ҳид, товуш сингари) нарсаларни, моддий табиатнинг уч гунасини кўрди. Шунингдек Яшода Кришнанинг оғзида барча тирик мавжудотларни, мангу Замонни, моддий ва рухий табиатни, фаолиятни, онгни ва бутун борликнинг ҳар хил кўринишларини кўриб турарди. Яшода ўғлининг оғзида бутун борлик намоён бўлиши учун зарур бўлган ҳамма нарсани кўриб турарди. Шунингдек у Кришнанинг оғзида ўзини ҳам кўрди - у Кришнани тиззасига олиб эмизиб ўтирарди. Бу ғаройиботни кўриб Яшода қаттиқ ҳаяжонга тушди ва ўзига-ўзи савол бера бошлади: "Мен ростданам мана шу ғайритабиий мўъжизани кўриб турибманми ё шунчаки бир туш кўряпманми?" Ниҳоят у ўзини ё ухлаётган, ёки бўлмаса Худонинг Олий Шахсининг алдамчи қувватининг эрмагини томоша қиладиган деб ҳисоблади. У ўзича, ақлдан озган бўлсам керак, шунинг учун мана шундай ғайритабиий нарсалар кўзимга кўриняпти деб ўйлади. Кейин у ўйлаб қолди: "Балки менинг ўғлим қандайдир сеҳр кудратига эга бўлгандир, шунинг учун Унинг оғзидаги бу ғаройибот мени ҳайратга солгандир. Мен албатта Худонинг Олий Шахсига сажда қилиб сиғинишим керак, чунки тана ва тана билан боғлиқ нарсаларнинг

хаммаси Унинг қудрати билан дунёга келади". Кейин у ўзича шундай деди: "Алдамчи қуввати мени "Нанда Махараж менинг эрим, Кришна - менинг ўғлим, Нанда Махаражнинг бутун бойлиги менга тегишли, подачи ва подачи аёлларнинг ҳаммаси менинг фуқароларим" деб ўйлашга мажбур этадиган Зотга сажда қилиш керак. Инсонда ҳаёт ҳақидаги мана шундай нотўғри тасаввурларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг алдамчи қуввати таъсири остида юзага келади. Демак, У ҳамиша мени ҳар хил адашишлардан асраб юриши учун мен Унга сиғиниб, илтижо қилишим керак!"

Яшода она шу тарзда чуқур фалсафий мулоҳазаларга берилиб турар экан, Парвардигор Кришна яна Ўзининг ички қувватини ишга солди - энди У Яшоданинг қалби яна оналик меҳрига ғарқ бўлишини истаган эди. Яшода она шу заҳотиёқ ўзининг барча фалсафий хулосаларини эсидан чиқариб юбордида, Кришнани ўзининг ўғли деб ҳисоблай бошлади. Оналик меҳри жўш уриб, у Кришнани тиззасига олди ва ўйлай бошлади: "Илм ўрганишнинг кўпол усулидан фойдаланиб юрган оддий одамлар Кришнани тушуна олмайдилар, лекин Уни Упанишадалар ва Веданта орқали, ёки сеҳрли йога ва санкхйа фалсафаси орқали англаб етиш мумкин". Кейин у Худонинг Олий Шахси ҳақида ўзи тукқан бола сифатида ўйлай бошлади.

Шубҳа йўқки, Яшода она аввалги ҳаётларида жуда-жуда кўп хайрли ишлар қилган, шу боис ҳозир Мутлак Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна унинг ўғли бўлиб дунёга келган ва Яшода Уни онасидай эмизиб парваришляпти. Худди шундай Нанда Махараж ҳам, Парвардигор Кришна унинг ўғли бўлиб, унга Ўз отасидай муносабатда бўлиши учун аввалги ҳаётларида жуда кўп риёзатлар чеккан, жуда кўп садақа улашган ва жуда кўп хайрли ишлар қилган бўлиши керак. Лекин хайратланарли жойи шундаки, гарчи Кришна уларнинг ҳақиқий ўғли бўлса ҳам, Деваки билан Васудева Парвардигор Кришнанинг ширин болалик эрмакларидан лаззатланиш ҳуқуқи берилмаган эди. Парвардигор Кришнанинг болаликдаги мароқли ўйинларини ҳали ҳозиргача жуда кўп донишмандлар ва авлиё зотлар шарафлаб куйлайдилар, лекин Васудева билан Деваки ана шу илоҳий эрмаклардан лаззатлана олмаганлар. Шукадева Госвами Махараж Парикшитга бунинг сабабини тушунтириб беради.

Етти Васу ичида энг аълоси бўлган Дрона рафиқаси Дхара билан Тангри Браҳмадан оила куриб, ўзларидан зурёд қолдиришлари ҳақида буйруқ олганида у отасига шундай деди: "Эй азиз ота, бизларни дуо қил!" шунда Тангри

Браҳма Дрона билан Дхарани дуо қилиб айтдики,

86

келажакда, улар яна моддий оламда туғилганида Парвардигор Кришна ёш бола қиёфасидаги Ўзининг энг ширин, энг ёқимли кўринишида уларнинг бутун фикру-хаёлини ўғирлаб қўяди. Уларнинг Кришна билан бўлган ўзаро муносабатлари шу қадар қудратли кучга эга бўладики, улар билан бирга бўлган пайти - болалик даврида Кришнанинг ўйинлари, кўрсатган илоҳий қароматлари ҳақида ишонч билан эшитган ҳар қандай одам ҳам туғилиш ва ўлишлардан келиб чиқадиган ғофиллик иллатидан бутунлай покланади. Тангри Браҳманинг ана шу дуолари ижобат бўлиб, Дрона ҳозир Вриндаванда Нанда Махараж бўлиб, Дхара эса Яшода она, Нанда Махаражнинг хотини бўлиб туғилган эди.

Шундай қилиб, Нанда Махараж ва унинг рафиқаси, Яшода она Худонинг Олий Шахсини ўзларига ўғил қилиб олиб, қалбида Унга нисбатан пок илоҳий муҳаббат уйғотдилар. Кришна билан бирга юрган гопилар ва подачиларда эса, Унга бўлган илоҳий муҳаббат туйғулари табиий равишда ривожланди.

Шунинг учун Тангри Браҳманинг дуоларини ижобат қилиб, Вриндаван аҳолисининг илоҳий лаззатларини кучайтириш учун Парвардигор Кришна Ўзининг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси Балорам билан бирга бу дунёга ташриф буюрганди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигорнинг фазовий қиёфаси" деган саккизинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

## 9. Яшода онанинг Парвардигор Кришнани боғлаб қўйиши

Бир куни хизматкори бошқа уй ишлари билан банд эканини кўриб, Яшоданинг ўзи қатик чаймоқчи бўлди. Кувида қатик чай экан у Кришнанинг ёшлигида кўрсатган ширин эрмаклари ҳақида кўшиқ хиргойи қилар, ўғли ҳақидаги ўйлардан чуқур илоҳий лаззатга чўмган эди.

Устидаги сариси унинг танасини таранг тортиб турарди. Ўғлига бўлган илиқ меҳри туфайли, куви чайётган икки қўлининг ҳаракатига мос силкиниб турган икки кўксидан сут томчиларди. Унинг билакларидаги билагузуклар бир-бирига тегиб ёқимли жарангларди, қулоқларидаги сирғалари ва бўлиқ кўкраклари силкиниб турарди. Унинг юзида тер

томчилари жилваланиб турар, бошидаги чамбаракнинг гуллари ҳар тарафга сочиларди. Шу пайт бу ерга унинг жажжи ўғли қиёфасида Парвардигор Кришна келиб қолди ва ана шу ажойиб манзарани кўрди. Унинг қорни оч эди, онасига бўлган чуқур меҳр-муҳаббатидан У онасининг қатиқ чайишни бас қилишини истарди. Кришна онасига Унинг энг биринчи вазифаси Унинг қорнини тўйғазиш, фақат ундан кейингина қатиқ чайиш эканини билдириб қўйди.

Яшода она ўғлини кўлига олиб эмиза бошлади. Кришна эмиб ётар экан, Яшода она ўғлининг чиройли юзларига қараб завкланиб жилмайиб турарди. Шу пайт олов устида турган сут пишиб, идишдан тошиб чиқа бошлади. Тошаётган сутни кутқариб қолиш учун Яшода она шошилганча Кришнани ерга туширди-да қозон томон чопиб кетди. Онаси Ўзини бундай аҳволда ташлаб кетганидан Кришна қаттиқ хафа бўлди, ғазабдан Унинг кўзлари ва лаблари кип-қизариб кетган эди. У тишларини қаттиқ қисиб олди, жаҳл билан кўлига катта тош олиб, сариёғ турган кўзани бир уриб синдирди, унинг ичидан сариёғ олиб, хилват жойга борди-да, худди йиғлаб ўтирган болага ўхшаб, шу ерда ўтириб сариёғ ея бошлади.

Яшода она тошаётган сутни четга олиб, қатиқ чаяётган жойига келди ва чайиш учун қатиқ солиниб турган кўзанинг синиб ёганини кўрди. Яқин атрофда ўғлининг кўринмаётганидан бу иш албатта Унинг иши бўлса керак деб ўйлади. Яшода: "Қандай зийрак, ақлли бола! Кўзани синдиргани учун жазо олишидан кўркиб қочиб қолибди!" - деб ўйлаб, мийиғида кулиб қўйди. Ҳамма жойни ахтариб, ниҳоят у ўғлини тўнкариб қўйилган кели устида турганини кўриб қолди. У шипга осилган кўзадаги сариёғдан олиб маймунларни меҳмон қиларди. У ўзидан кўрққанидан хавотирга тушиб Кришна ҳар тарафга тез-тез аланглаб турганини, Ўзининг айбдор эканини сезаётганини кўрди. Ўғлининг нималар билан машғул эканини кўриб, Яшода Унинг орқа тарафидан секин яқинлаша бошлади. Аммо Кришна онаси кўлига хипчин олиб Ўзига яқин келаётганини пайқаб қолди-да, пастга сакраб тушиб, кўрққанидан қочиб қолди.

Яшода ўғлининг изидан қувиб, ҳовлининг ҳамма бурчаклари оралаб югурар, ҳатто буюк сеҳргар йоғлар чуқур муруқаба қилиб яқинлаша олмайдиган Худонинг Олий Шахсини тутиб олишга уринарди. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто буюк йоғлар ва донишманд файласуфлар тута олмайдиган Худонинг Олий Шахси ҳозир Яшода онадай буюк бхактанинг кичкина ўғли ролини ўйнаб юрарди. Лекин гавдасининг тўлалиги, белининг хипчалиги сабабли

Яшодада ўзининг тиниб-тинчимас ўғлини ушлаш осон бўлмади. Шунга қарамай Яшода ўғлини ушлаб олиш учун Унинг изидан иложи борича тезроқ чопишга ҳаракат қиларди. Унинг сочлари тўзиб кетди, бошидаги чамбараги сочилиб ерга тушиб қолди. Гарчи қаттиқ чарчаган бўлса ҳам, у ниҳоят шўх, эркатой ўғлини ушлаб олди. Қўлга тушган Кришна эса кўрққанидан йиғлаб юборадигандай кўзларини мўлтиратиб турарди. У Ўзининг жажжи кўллари билан қора сурма суртиб қўйилган кўзларини уқалаб, кўз ёшларини артиб турарди. Болақай тепага қараб онасининг юзини кўрди, кўрққанидан Унинг кўзлари ўйнаб, онасига қараб жовдираб турарди. Яшода Кришна қаттиқ кўркиб кетганини тушунди ва Унинг кўркувини сал пасайтирмоқчи бўлди.

Севимли ўғлига ҳаммадан ҳам яхшироқ ғамхўрлик қилмоқчи бўлиб, у шундай ўйлади: "Агар ўғлим мендан бунчалик кўркиб ўсадиган бўлса, бунинг оқибати нима бўлишини тасаввур қилиш қийин". У қўлидаги хипчинни улоқ тириб юборди. Ўғлини жазолаш учун Унинг кўллари аркон билан боғлаб қўймоқчи бўлди. Аслида бунинг иложи йўқлигини - Худонинг Олий Шахсининг кўллари боғлаш қўлидан келмаслигини Яшода ҳали билмасди. Кришнани ҳеч қандай нарса билан чегаралаб бўлмаслигини билмаган Яшода ҳозир олдида фақат ўзининг жажжи ўғлини кўриб турарди. Парвардигор Кришнанинг на бошланиши бор, на охири бор, унинг ичи ҳам, ташқариси ҳам чексиз. У чексиз, бепоен ва ҳамма жойга сингиб кетган. Аслида Унинг Ўзи бутун борлиқдир. Шунга қарамай Яшода она Уни ўзининг ўғли деб ҳисобларди. Гарчи Уни ҳар қандай сезги билан сезиб бўлмаса ҳам, у Кришнани ёғоч ҳовонча(кели)га боғлаб қўймоқчи бўлди. У Кришнани ҳовончага боғлай бошлаганида қўлидаги аркон калталиқ қилиб, боғлаш учун бир қарич етмай қолди. У уйдан яна бир аркон олиб чиқиб аввалги арконга боғлади, лекин аркон боғлаш учун яна бир қарич етмай қолди. Кейин Яшода уйдан бирин-кетин аркон олиб чиқа бошлади, лекин ҳар гал, Кришнани боғлаётганида аркон бир қарич етмай қолаверарди. Яшода она сира иши юришмаётганидан кулимсирар, нимага бундай бўлаётганидан хайрон бўларди. "Нимага бундай бўляпти ўзи?"

Боласини ҳовончага боғлашга уринавериб у қаттиқ чарчади, терлаганидан танаси сув-сув бўлиб, сочлари тўзиб кетди. Шунда Парвардигор Кришна онасининг бундай уринишларининг кадрига етиб, унга раҳми келганидан унинг Ўзини боғлашига имкон берди. Яшода онанинг уйда унинг ўғли ролини ўйнар экан, Кришна бу дунёда Ўзининг алоҳида, ўзига хос ширин

эрмакларини намоён этарди. Албатта, Худонинг Олий Шахсига ҳеч ким ўз ҳукмини ўтказма олмайди. Соф бхакта Ўзининг содиқ хизматкорини ё ҳимоя қилиши, ё мағлуб қилиши мумкин бўлган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бошини қўйиб сажда қилади. Лекин бир томондан бхакта ҳеч қачон аслида ўзи Кришнага нисбатан ҳаммиша бўйсунган ҳолатда эканини эсидан чиқармайди. Парвардигор ҳам Ўзини соф бхактасининг ҳимояси остига топширишдан илоҳий лаззат олади. Буни Парвардигор Кришнанинг "онаси" Ўашоданинг амрига бўйсуниб турганида яққол кўриш мумкин.

Кришна ўзининг содиқларига руҳий озодликнинг ҳар қандай турини туҳфа қилиши мумкин, лекин Унинг Ўашода онага берган туҳфасини ҳали на Тангри Браҳма, на Тангри Шива ёки на равақ фариштаси татиб кўрмаган эди.

"Ўашоданинг ва Нанда Махаражнинг ўғли" деб танилган Худонинг Олий Шахсини ҳатто сеҳргар-йоглар ҳамда чуқур мулоҳаза юритиш билан банд бўлган файласуфлар ҳам тўлиқ англаб ета олмайдилар. Лекин Унинг соф содиқлари, бхакталар Уни дарров англаб етадилар. Бунинг устига йоглар ва файласуфлар Уни "барча илоҳий лаззатлар манбаи" деб қабул қила олмайдилар.

Ўғлини ёғоч ҳовончага боғлаб қўйдида, Ўашода она уй ишлари билан машғул бўлиб кетди. Айна пайтда Кришна кўз олдида ҳовлида ўсиб турган, *аржун* деб аталадиган икки катта дарахтга кўзи тушди. Илоҳий лаззатларнинг чексиз манбаи бўлган Парвардигор Шри Кришна Ўзича ўйлай бошлади: "Аввалига Ўашода онам Мени эмизиб сутга тўйғазмасдан ташлаб кетди, шунинг учун Мен қатиқ тўла кўзани синдириб, юқорида осилиб турган сариёғдан маймунларга бердим. Энди эса онам Мени ёғоч ҳовончага боғлаб қўйибди. Шунинг учун Мен аввалгидан ҳам баттароқ бўлган шўхлик, бузоқилик қиламан". У ҳовлидаги ана шу икки аржун дарахтини кулатишга аҳд қилди.

Бу дарахтларнинг узоқ тарихи бор. Аввалги ҳаётида бу икки дарахт ичидаги руҳлар фаришта танасида туғилган бўлиб, Куверанинг ўғиллари - Налакувера ва Манигрива эдилар. Уларнинг омади келиб ҳозир Кришнанинг кўзи уларга тушган эди. Аввалги ҳаётида уларни Нарада Муни аввалига дарахт бўлиб туғилишга дуоибад қилган, кейин эса, шу ҳаётингизда Парвардигор Кришнани кўрасизлар" деб дуо қилган эди. Улар маст ҳолатида одоб-ахлоқ қоидаларини эсидан чиқариб қўйганлари учун ана шундай қарғиш-дуога учраган эдилар. Бу ҳақда кейинги бобда батафсил ҳикоя қилинади.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Ўашода онанинг Парвардигор Кришнани боғлаб қўйиши" деган тўққизинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 10. Налакувера ва Манигривани озодликка чиқариш

Бу бобда Налакувера ва Манигриванинг қарғишга учраши ҳамда буюк донишманд Нарада Мунининг шарофатли хоҳишини бажо келтириш учун Парвардигор Кришна уларни руҳий озодликка чиқаргани ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу икки фаришта, Налакувера ва Манигрива Тангри Шиванинг буюк бхактаси Куверанинг ўғиллари эди. Кувера айна пайтда фаришталарнинг хазинабони ҳисобланади. Тангри Шиванинг марҳаматига эришган Куверанинг моддий бойлигининг чегараси йўқ эди. Одатда бадавлат одамнинг ўғиллари аёлларга ва маст қилувчи ичимликларга ружу қўядилар, худди шундай Куверанинг бу икки ўғли ҳам шаробхўрликка ва ҳиссий лаззатларга ўч эдилар. Бир куни шу икки фаришта яйраб лаззатланиш ниятида Мандакини Ганга соҳилида жойлашган Каилас вилоятидаги Тангри Шиванинг чиройли боғига кириб бордилар. Ҳар хил анвойи гуллар очилиб турган бу боғда улар шароб ичиб, ўзлари билан бирга келган чиройли қизларнинг ширин қўшиқларини тинглаб роҳатланиб ўтирардилар. Шундай сармаст, ширакайф ҳолатда уларнинг иккови ҳам кўплаб нилуфар гуллари ўсиб ётган Ганга сувига шўнғидилар ва худди урғочи филлар даврасида сувда чўмилиб яйраётган эркак филлар сингари чиройли қизлар даврасида яйраб вақт ўтказма бошладилар.

Улар сувда чўмилиб роҳатланиб ҳордиқ чиқарар экан, шу яқин атрофдан буюк донишманд Нарада Муни ўтиб қолди. У фаришталар Налакувера ва Манигрива қаттиқ маст бўлиб қолгани сабабли ҳатто уларнинг ёнидан одамлар ўтиб бораётганини ҳам сезмаётганини тушунди. Лекин уларнинг ёнидаги ёш қизлар бу фаришталарчалик маст эмасдилар, шу боис донишманд Нарада Мунида буюк зотнинг кўзига яланғоч ҳолда кўринишдан кўрқиб, шоша-пиша либосларини кия бошладилар. Куверанинг ўғиллари эса шу қадар маст бўлиб қолган эдиларки, бу ерда Нарада Муни борлигини ҳам тушунмадилар, шу боис яланғочлигича юравердилар. Бу фаришталарнинг қанчалик тубанликка юз тугганини кўриб, уларга яхшилик қилиш

ниятида Нарада Муни уларни дуои-бад қилиб, уларга ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатди.

Буюк донишманднинг қалби уларга нисбатан ҳамдардлик туйғуси билан тўла бўлгани боис уларнинг ҳозирги аҳволига ачинганидан уларнинг ёш қизлар билан бирга бўлишдан, шаробхўрликдан олаётган бу алдамчи лаззатларига чек қўйишни, улар ҳам Парвардигор Кришнанинг жамолини бевосита кўриш бахтига муяссар бўлишини истади. Шу ният билан у бу фаришталарни дуои-бад қилмоқчи бўлди. Донишманд айтдики, кишида дунёвий, ўткинчи моддий лаззатларга бўлган интилиш аслида эҳтирос гунасининг таъсири остида юзага келади. Бу дунёда кўпроқ мол дунё ато этилган бадавлат одам одатда уч нарсага интилади: 1. Маст қилувчи нарсаларга; 2. Жинсий яқинлик орқали лаззатланишга; 3. Қимор ўйнашга. Бунинг устига моддий бойликка эришган одам, бойлигидан мағрурланиб, уни кўпайтиришга интилиб шу қадар бешафкат бўлиб кетадики, беозор ҳайвонларни оммавий равишда ўлдириш учун қассобхоналар очади. Ўзи ҳақида эса: "ҳеч қачон ўлмайман" деб ўйлайди. Ғофиллиги, калтафаҳмлигидан у табиат қонунларини бутунлай эсидан чиқариб, ҳозирги танасига қаттиқ боғланиб қолади. Моддий тана, ҳатто фаришталарники сингари жуда ривожланган бўлса ҳам, охир-оқибатда бир кун келиб бир парча қулга айланишини у бутунлай унутиб юборади. Лекин, инсон тирик юрганда ҳам, сиртдан қараганда унинг танаси қанчалик чиройли бўлиб кўринмасин, барибир унинг ичи ахлат, сийдик ва ҳар хил майда жирканч ҳашаротларга тўла бўлади. Шу тариқа, ҳасад оловида ёниб, бошқа таналарга нисбатан зулм ўтказиш билан банд бўлиб юрган иймонсиз дахрийлар бу дунёдаги тирикчиликнинг, инсон ҳаётининг якуний мақсади нимадан иборат эканини тушуна олмайдилар, ана шу мақсадни билмагани сабабли эса, улар кейинги ҳаётида тубанликка юз тутиб, дўзахга равона бўладилар. Ана шундай нодон одамлар ҳозирги ўткинчи таналари сабабли ҳаётда ҳар хил гуноҳ ишлар қилиб юрадилар, лекин билмайдиларки, ҳозирги мана шу танаси ҳақиқатан ҳам ўзлариникими ё йўқми? Одатда танани ким парваришласа, бокса - тана шуники бўлади. Шунинг учун яхшилаб ўйлаб кўриш керак, аслида бу тана кимники ўзи? Тана ҳақиқатан ҳам инсонникими, ё шу одамнинг хўжайининикими? Қулдор одам қўл остидаги қулларга тўла ҳукмронлик қилади, чунки у қулларни озиқ-овқат билан таъминлайди. Шундай экан, тана аслида кимники - онасини уруғлантирган отасиникими ё танани корнида кўтариб ўстирган онасиникими?

Нодон одамлар ғофиллиги сабабли танасини "мен ўзим" деб ҳисоблагани сабабли умр бўйи турли гуноҳ ишлар билан банд бўлиб яшайдилар. Лекин, ҳақиқий инсон сал фаросатлироқ, мулоҳазалироқ бўлиши, бу тана аслида кимники эканини тушуниб олиши керак. Аҳмоқ одамлар танасининг ҳаётини таъминлаб туриш учун беозор ҳайвонларни ўлдирадилар. Лекин улар бу тана аслида кимники экани ҳақида ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўрмайдилар - ўзиникими, отасиникими, онасиникими, бувасиникими? Баъзида ота ўзининг қизини бирор одамга эҳсон қилади ва қизининг биринчи фарзандини ўзи асраб олади. Худди шундай, тана ҳам шу танани ўзи учун ишлашга мажбур қилаётган бошқа бир кучлироқ одамники бўлиши мумкин. Баъзида эса қулнинг танаси бошқа бир хўжайинга сотилади. Инсон умрининг охирида эса унинг танаси оловга ташланади ёки ит ва қарға-қузғунларга ем бўлади, ёки кўмиб ташлайдилар.

Фаросатли одам мана шу тананинг эҳтиёжини таъминлаш ниятида бирор гуноҳ ишга қўл уришдан олдин танаси аслида кимники эканини аниқлаб олиши керак. Бу борада якуний хулоса шундан иборатки, тана - моддий табиат яратган маҳсулот, кейин тирик мавжудотнинг умри тугаганда ҳам тана яна шу табиатга қўшилиб кетади. Бундан келиб чиқадики, тана моддий табиатнинг мулки. Фаросатли одам ўз ҳаётини нотўғри тасаввур қилиб, бу ўткинчи моддий танани "меники" деб ўйламаслиги керак. Аслида ўзиники бўлмаган нарсанинг эҳтиёжини қондириш учун яна бошқа бир тирик мавжудотни ўлдиришдан нима фойда? Ўткинчи тананинг мавжудлигини таъминлаш учун беғуноҳ, беозор ҳайвонларни ўлдиришнинг нима кераги бор?

Бойлиги, мол-дунёсидан мағрурланиб, ақл кўзи кўр бўлиб қолган киши ҳеч кимнинг гапини, бировнинг маслаҳатини тинглагиси келмайди, лекин жониворларни ўлдириш, аёллар билан бирга бўлиш ва ароқ ичиш билан лаззатланишга муккасидан кетади. Шу жиҳатдан камбағал одамнинг ҳолати уникдан анча устун туради, чунки камбағал одам бошқа таналар ҳақида ҳам худди ўз танасидай ўйлайди. Камбағал одамларнинг аксарият кўпчилиги бошқа таналарга озор бергиси келмайди, чунки кўпинча уларнинг ўзлари бойларнинг зулмидан озор чекиб юргани учун, улар бошқаларга озор бериш қанчалик ёмон эканини ўз таналарида ҳис қила оладилар. Шундай қилиб, фаришталар Налакувара ва Манигрива сохта ўзлигидан, бойлигидан жуда мағрурланиб кетгани учун, буюк донишманд Нарада Муни "уларни ўз бойлигидан маҳрум бўладиган шароитга солиб қўйиш керак" деган қарорга келган эди.

Бирор жойига тикон кириб азият чеккан виждонли одам бошқаларнинг бирор жойига ҳам тикон кириб, улар ҳам шундай азият чекишини истамайди. Камғалчиликда кун кечираётган иймонли, софдил, виждонли одам ҳеч қачон бошқалар ҳам ана шундай қийин аҳволга тушиб қолишини истамайди. Одатда шундай бўладики, агар одам аввал жуда камбағал бўлиб, кейин бойиб кетиб катта мол-дунё тўплаган бўлса, бошқа камбағал одамлар ҳам ўзининг бойлигидан фойдалана олиши учун умрининг охирида албатта бирор хайрия ишларига қўл уради. Бошқача қилиб айтганда виждонли, камбағал одам бошқаларнинг бахтидан қувонади, бошқаларнинг мусибатларига, дардига ҳамдард бўла олади. Камдан-кам ҳолларда камбағал одам манманликка берилиб, бемаъни орзу-ҳаваслар изидан кувади. Одатда камбағал одам Худонинг марҳамати билан келган ризқ-насибасига қаноат қилиб яшайди. Камбағал бўлиб яшаш нафси тийишга, риёзат чекишга ўрганишнинг бир тури ҳисобланади. Шу боис Ведалар маданиятига кўра браҳманлар одатда камбағал бўладилар, моддий бойлик сабабли юзага келадиган сохта ўзлик, манманликка берилмаслик учун улар ўзларининг шу ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб яшайдилар. Моддий фаровонлик туфайли юзага келадиган манманлик, мағрурлик инсоннинг руҳий юксалишида, руҳий озодликка эришиш йўлида катта тўсиқ ҳисобланади. Камбағал одам кўп овқат истеъмол қилолмагани сабабли ҳаддан ташқари семириб кетмайди, керагидан ортик овқат ейишга қурби етмагани учун унинг ҳиссиёти, нафси ҳамиша хотиржам юради. Ҳиссиёти, нафси хуруж қилмайдиган одам бировларга озор беришга, жониворларга нисбатан ёвузлик қилишга қўл урмайди.

Камбағалликнинг яна бир яхши томони шундан иборатки, ундай одамнинг уйига авлиё одамлар ҳеч тортинмасдан кираверадилар, шу боис камбағал одамнинг авлиё одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш имконияти кўп бўлади. Бадавлат одамнинг уйи эса ҳамма учун баробар очик бўлмайди, шу боис авлиё одамлар унинг уйига киролмайди. Одамлар Худонинг қонунлари асосида яшайдиган маданиятли жамиятда садақа сўраш баҳонаси билан ҳар қандай уйга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлиш учун авлиё одамлар ўзларини эшикма-эшик юриб садақа сўрайдиган девона-гадойлардай тутадилар. Одатда оила, турмуш ташвишлари билан банд бўлиб ўзининг руҳий юксалиши ҳақида эслашга вақти бўлмайдиган оилали одам ана шундай авлиё одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишдан ўзининг руҳий юксалиши учун жуда катта сабоқ олиши мумкин. Камбағал одамнинг авлиё одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб

руҳий озодликка эриша олиши учун ҳамма имконияти бор. Шундай экан, авлиё одамлар билан, Худонинг содиқлари билан, яъни Худонинг Олий Шахсининг бхакталари билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган, лекин ўзларининг вақтинчалик бойлиги билан гердаиб юрган ғофил одамларнинг неча пуллик қадри бўлиши мумкин?

Шунинг учун буюк донишманд Нарада Муни "бу фаришталарни ўзларининг вақтинчалик мол-дунёси ва мартабаси билан аҳмоқларча мағрурлана олмайдиган шароитга солиб қўйиш керак", деган қарорга келди. Нарада Муни уларнинг аҳволига ачинганидан уларни ҳозирги гуноҳқорона ҳаётдан қутқариб қолишни истарди. Улар ғафлат гунаси таъсири остида юрганидан ўзларининг ҳиссиётини бошқара олмай, жинсий яқинликдан лаззатланшга берилиб кетган эдилар. Уларни ана шундай тубан, жирканч ҳаётдан халос қилиш Нарада Мунидай авлиё одамнинг бурчи ҳисобланади. Ҳайвонларга хос тубан ҳаёт кечириб юргани сабабли ҳайвон яланғоч юриш ёмон эканини тушунмайди. Аммо Кувера фаришталарнинг хазинабони, яъни жуда катта мартабага эга зот эди, Налакувара ва Манигрива эса унинг ўғиллари эди. Шунга қарамай улар ўзларини онгсиз ҳайвонларга ўхшаб тутар, уят, ор-номус деганни шу қадар унутиб юборган эдиларки, сармаст бўлиб ўзларининг яланғоч эканини ҳам сезмас эдилар. Танасининг пастки қисмини бекитиб юриш ҳар қандай маданиятли инсоннинг ҳаётдаги асосий қонуни ҳисобланади. Жамиятда одамлар - хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин - мана шу қонидани эсдан чиқарсалар, улар албатта тубанликка юз тутадилар. Шунинг учун ҳам Нарада Муни уларни қўзғалмас тирик мавжудотларга - дарахтларга айлантириб қўйган маъқул деб ўйлади. Табиат қонунларига кўра дарахтлар ўрnidан қўзғалмай яшайдилар. Гарчи улар ғафлат гунасида бўлсалар ҳам, улар атрофидаги бошқа тирик мавжудотларга зарар етказа олмайдилар. Нарада Муни яна: "Агар қарғишга учраб дарахтга айлансалар ҳам, улар хотирасини сақлаб қолсалар, нимага бундай қарғишга учраганини ҳамиша билиб турсалар, жуда яхши бўларди" - деб ўйлаб қўйди. Одатда бошқа танага ўтгандан кейин тирик мавжудот ўзининг аввалги танасидаги ҳаётини бутунлай эсидан чиқариб юборди, лекин алоҳида ҳолларда, масалан Налакувара билан Манигривада рўй берганидай, Худонинг марҳамати билан тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётини хотирасида сақлаб қолишга қодир бўлади.

Шунинг учун донишманд Нарада Муни бу икки фаришта фаришталар ҳисоби бўйича юз йил давомида дарахт танасида қолишини истади,

кейин эса Худонинг Олий Шахсининг бесабаб марҳамати билан улар Парвардигорни бевосита кўриш бахтига муяссар бўлади деган қарорга келди. Шундай қилиб, улар яна рухий юксалишга эришиб, фаришталар танасида Худонинг буюк содиқлари сифатида бҳакта бўлиб яшай бошладилар.

Шундан сўнг Нарада Муни ўзининг Нарайанашрама деб аталадиган даргоҳига қайтиб кетди, икки фаришта эса икки эгизак *аржун* дарахтига айланди. Нарада Мунининг бесабаб марҳамати билан бу икки фариштанинг омади келиб Нанда Махаражнинг ҳовлисида ўсиш ва Парвардигор Кришнани яқиндан бевосита кўриш бахтига муяссар бўлдилар.

Гарчи ёғоч ҳовончага боғланган бўлса ҳам, жажжи Кришна судралиб, Ўзининг буюк бҳактаси Нарада Мунининг башоратини рўёбга чиқариш учун эгизак аржун дарахтлари томонга яқинлаша бошлади. Нарада Муни Ўзининг буюк бҳактаси эканини, ҳозир кўз олдида турган бу икки дарахт эса аслида Куверанинг ўғиллари эканини Парвардигор Кришна жуда яхши биларди. "Энди Мен буюк бҳактам Нарада Мунининг башоратини амалга оширишим керак!" - деб ўйлади Кришна ва икки дарахт орасига қараб юра бошлади. Оралиқдан Унинг Ўзи бемалол ўтиши мумкин эди, лекин Унга боғланган катта ёғоч кели кесасига йиқилиб икки дарахт орасига тикилиб қолди. Парвардигор Кришна бу ҳолатдан фойдаланиб, ҳовончага боғланган арқондан торта бошлади. У арқонни зарб билан тортган заҳоти икки дарахт катта шовқин кўтариб гурсиллаб ерга қулади. Ерга зарб билан урилиб бўлакларга чил-парчин бўлиниб кетган икки дарахт ичидан оловдай ярқираб ўзидан нур таратиб турган икки гайритабий жонзот чиқиб келди. Улардан таралаётган кучли ёғду бутун атрофни нурафшон қилиб юборди. Ўша икки покланган зот Парвардигор Кришнага яқин бордилар ва Унинг олдида эҳтиром билан сажда қилиб, камтарин ҳолда Унга илтижо қила бошладилар:

"Эй азиз Парвардигор Кришна, Сен - бошланғич Худонинг Олий Шахсисан, бутун сеҳр қудратининг ягона ҳукмдори Сенсан. Билимдон брахманлар биладиларки, бу яралган борлиқ Сенинг баъзан намоён бўлиб, баъзан намоён бўлмай турадиган қувватларининг намоён бўлган бир кўринишидир. Сен - барча тирик мавжудотларга аввалдан ҳаёт, тана ва ҳиссиётлар ато этадиган Зотсан. Сен - бутун борлиққа мангу ҳукмрон бўлган, ҳамма жойга сингиб кетган, мангу Худо, ягона Парвардигор Вишнусан. Сен - моддий табиатнинг эзгулик, эҳтирос ва нафрат гуналари таъсири остида ҳаракат қиладиган бутун борлиқнинг бошланғич манбаисан. Сен - ҳар хил шароитларда

яшайдиган барча тирик мавжудотларнинг ҳар бирининг ичида мавжудсан ва уларнинг таналарида, ақлларида рўй бераётган ҳамма жараёнлардан хабардорсан, шунинг учун Сен - барча тирик мавжудотларнинг бутун фаолиятини бошқариб турган Олий бошқарувчисан. Гарчи Сен моддий табиат гуналари таъсир қиладиган тирик мавжудотлар орасида юрсанг ҳам, онгни булғовчи бу моддий сифатлар Сенга таъсир қилмайди. Моддий табиат гуналари таъсири остида яшаётган тирик мавжудотларнинг бирортаси Сенинг ҳали олам яралмасдан аввал ҳам мавжуд бўлган илоҳий сифатларингни англай олмайди; шу боис Сени Ўзининг ички қувватлари мангу олқишлайдиган Олий Брахман деб атайдилар. Бу моддий оламда Сени фақат ҳар хил кўринишда намоён бўлган қиёфаларинг орқали таниб олиш мумкин. Гарчи Сен ҳар хил таналарга эга бўлсанг ҳам, у таналар бу моддий оламнинг бир бўлаги эмас. Улар ҳамиша чексиз илоҳий бойлик, куч-қудрат, гўзаллик, шон-шухрат, донишмандлик ва боғланмаслик сифатлари билан тўла. Моддий оламда тана билан унинг эгаси орасида фарқ бор, лекин Сен бу дунёга Ўзининг бошланғич рухий танангда ташриф буюрганнинг сабабли Сенинг учун бундай фарқ мавжуд эмас. Сен бу дунёга ташриф буюрганда кўрсатган ғаройиб кароматларинг Сен - ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахси эканингдан далолат беради. Бундай гайритабий кароматларни бутун борлиқда Сендан бошқа бирор тирик мавжудот кўрсата олмайди. Сен - ўша Кришна, ҳозир Ўзининг барча тўлиқ экспансиялари билан биргаликда бу дунёдаги барча тирик мавжудотларга туғилиш, ўлиш ва рухий озодлик олиб келган Худонинг Олий Шахсисан. Сен ҳар қандай одамни истаган мақсадига эриштира оласан. Эй азиз Худойим! Эй барча эзгулик ва бахт манбаи, бизлар Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгиб сажда қиламиз. Сен - ҳамма жойга сингиб кетган Худонинг Олий Шахсисан, тинчлик манбаи ва Ўдавалар сулоласида энг буюк мартабали Зот Сенсан. Эй азиз Худойим, бизнинг отамиз, фаришта Кувера Сенинг содиқ хизматкоринг бўлади. Буюк донишманд Нарада Муни ҳам Сенга садоқат билан хизмат қилади. Фақат уларнинг марҳамати билангина бизлар Сени бевосита кўриш бахтига муяссар бўлдик. Шу боис биз Сендан бизларга ҳамиша Сени олқишлаб ва Сенинг илоҳий кароматларинг ҳақида тинглаб, Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга имкон беришингни илтимос қиламиз. Бизларнинг қўлларимиз ва танамизнинг бошқа барча аъзолари ҳамиша Сенга хизмат қилишда машғул бўлсин, ақлимиз ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мужассам бўлиб, бошимиз ҳамиша Сенинг

хамма жойга сингиб кетган фазовий киефанг олдида эгилиб сажда қилиб юрсин".

Налакувара ва Манигрива ўз илтижоларини тугатгандан кейин, Гокуланинг хўжайини ва хукмдори, Йашода она ёғоч ҳовончага боғлаб қўйган Парвардигор Кришна, кулиб қўйди ва уларга шундай деди: "Менинг буюк бхактам Нарада Муни чексиз марҳамат кўрсатганини ва фаришталар оиласига мансуб зотлар ғайритабий гўзалликка ва бойликка эга бўлгани туфайли юзага келадиган жирканч манманлик ботқоғига ботиб ётган ҳолатдан сизларни халос этганини Мен яхши биламан. Агар у сизларга ўз марҳаматини кўрсатмаса, сизлар дўзахга равона бўлишларингиз аниқ эди, шунда сизлар жуда даҳшатли аҳволга тушиб қолардинглар. Сизлар жуда омадлисизлар, чунки сизлар Нарада Мунининг қарғишини олишдан ташқари унинг ўзи билан ҳам бевосита учрашиш имконига эга бўлдинглар. Агар бирор одам Нарада Муни сингари ҳамisha хотиржам, ҳар бир тирик мавжудотга меҳрибон бўлган буюк содиқ, авлиё одам билан учрашиш бахтига муяссар бўлса, ундай одам шу заҳотиёқ бу шартланган ҳаёт исканжасидан озодликка чиқади. Бу ҳолат худди ёркин қуёш нури остида турган билан баробар - Ҳақиқатни кўришга ҳеч қандай тўсиқ қолмайди. Эй Налакувара ва Манигрива, энди сизларнинг умрингиз бекор ўтмади, чунки сизларнинг қалбингизда Менга нисбатан илоҳий жазавали муҳаббат юзага келди. Бу сизларнинг моддий оламда охириги туғилишларингиз бўлади. Энди сизлар жаннатга, отангизнинг уйига йўл олишларингиз мумкин, қалбингизда Худога садоқат билан хизмат қилиш руҳини авайлаб асраб юрсанглар, шу умрингизнинг охиридаёқ сизлар руҳий озодликка эришасизлар".

Шундан сўнг фаришталар Парвардигорнинг атрофини бир неча бор айланиб тавоф этдилар, бир неча бор Унга сажда қилдилар, кейин самога кўтарилдилар, Кришна эса ҳовончага боғланган ҳолда шу ерда қолди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Налакувара ва Манигривани озодликка  
чиқариш" деб аталадиган ўнинчи бобида  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## 11. Иблислар Ватсасура ва Бакасуранинг ҳалокати

Эгизак аржун дарахтлари яшин чакнагандай гулдурос шовқин билан ерга қулаб тушганида Гокуланинг бутун аҳолиси, шу жумладан Нанда Махараж ҳам шошилиб шу ерга тўпландилар. Улар бу икки катта дарахт ўзидан-

ўзи бирданига қулаб тушганидан ҳайрон, қандай қилиб бундай бўлиши мумкинлигини тушуна олмай саросимага тушиб қолган эдилар. Йашода арқон билан ҳовончага боғлаб қўйган Кришнага кўзлари тушгандан кейингина улар: "Бу албатта қандайдир бир қудратли иблиснинг иши бўлса керак" - деб ўйлай бошладилар. Бўлмаса қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? Айни пайтда улар жажжи Кришнанинг ҳаётида ҳалиданок шунча ғайритабий воқеалар бўлиб ўтаётганидан жуда хавотирда эдилар. Катта подачилар шундай ўйларга ғарқ бўлиб турар экан, шу ерга яқин жойда ўйнаб юрган кичкина болалар келиб, уларга бу дарахтларни Ўзини ҳовонча билан боғлаб турган арқон билан тортиб Кришна йиқитганини гапириб бердилар:

"Кришна мана шу икки дарахт оралиғидан ўтди - деди улар, - ағдарилиб тушган ҳовонча эса, икки дарахт орасига сиғмай, уларга тиралиб қолди. Кришна куч билан арқонни торта бошлади, шундан кейин дарахтлар қулаб тушди. Шунда уларнинг ичидан қуёшдай порлаб нур таратиб турган иккита ғайритабий зот чиқиб Кришна билан суҳбатлаша бошладилар".

Подачиларнинг кўпчилиги болаларнинг гапларига ишонмади. Улар бундай ғаройиб воқеалар бўлишини умуман тасаввур қила олмасдилар. Лекин уларнинг баъзилари болаларнинг гапига ишондилар ва Нанда Махаражга шундай дедилар: "Сенинг боланг бошқа болаларга ўхшаган оддий бола эмас. Балки ҳақиқатан ҳам бу ишни Унинг Ўзи қилгандир?" Нанда Махараж ўзининг жажжи ўғли шундай ғайритабий қобилиятга эга бўлиши мумкинлигини ўйлаб кулиб қўйди. У яқин бориб ўзининг ғаройиб ширинтой ўғлини озод қилиш учун Унга боғлаб қўйилган арқонларни еча бошлади. Нанда Махараж арқонларни ечиб ташлаган заҳоти ёши каттароқ гопилар Кришнани қўлларига кўтариб олдилар. Улар болани ичкарига олиб кириб, Унинг ғаройиб кароматларини олқишлаб, қарсақ чалиб ширин қўшиқлар куйлай бошладилар. Кришна ҳам худди оддий болаларга ўхшаб, хурсанд бўлиб улар билан бирга қарсақ чала бошлади. Худонинг Олий Шахси, Кришна Ўз ихтиёрини гопиларга бутунлай топширганча, худди уларнинг қўлидаги қўғирчоқ сингари қарсақ чалиб рақсга тушар эди.

Баъзида Йашода она Кришнадан ўтириш учун кичик ўтиргич олиб келишни илтимос қиларди. Гарчи бу ўтиргич ёш боланинг кўтариши учун ҳали жуда оғирлик қилса ҳам, Кришна қандай қилиб бўлса ҳам бир иложини қилиб уни онасининг олдига олиб келарди. Баъзан эса Нанда Махараж Нарайанага сажда қилиб сиғинаётганида Кришнадан тахта сандалини олиб келишни илтимос қиларди,



Кришна бўлса сандалларни зўрға бошига қўйиб олар ва уларни отасининг олдига олиб келарди. Баъзида эса, уйдагилар кўтариш жуда қийин бўлган нарсани олиб келишни буюрганларида У бунга қўл силтаб қўя қоларди. Шундай қилиб, Кришна ҳар куни, ҳар дақиқада Ўзининг сеvimли ота-онаси учун чексиз лаззат манбаи бўлиб юрар эди. Вриндаваннинг бутун аҳолиси билан бўлган муносабатларда Парвардигор Ўзини худди оддий болакайдай тутарди, чунки бу билан У буюк файласуфларга ҳамда Мутлақ Ҳақиқатни излаб юрган буюк донишмандларга Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор Ўз ихтиёрини Ўзининг бхакталарининг, соф содиқларининг ҳукмига бутунлай топшириб қўйишни намоёиш этмоқчи бўлар эди.

Бир куни мева сотиб юрган бир аёл Нанда Махаражнинг ховлиси ёнидан ўтиб қолди: "Мева сотаман, мева олинглар!" Жажжи Кришна ҳам унинг овозини эшитиб, қўлига бир ҳовуч буғдой олди-да, уларни мевага алмашлаш учун кўчага югуриб кетди. Ўша пайтларда савдо-сотик ишлари одатда бирор нарсага бошқа нарсани айирбошлаш йўли билан бўларди. Кришна ҳам авваллари ота-онаси ғаллани мева ёки бошқа нарсаларга айирбошлаганини кўрган бўлса керак, ҳозир уларга тақлид қилаётган эди. Лекин ҳали Унинг ҳовучи дўмбоқ, жуда кичик эди, шу боис Унинг қўлидаги дон йўл-йўлакай ерга сочилиб борарди. Бу аҳволни кўрган савдогар хотин Кришнанинг ғайритабиий гўзаллигига маҳлиё бўлиб, Кришнанинг қўлида қолган бир неча буғдой донасини олишга рози бўлди ва саховат билан Унинг қўлларини мевага тўлдириб берди. Шундан кейин ўзининг сахийлигидан қалби қувончга тўлган савдогар хотин йўлини давом эттириш учун саватини кўтармоқчи бўлди, аммо саватини кўтара олмай ҳайратга тушди: унинг савати мевалар ўрнига қимматбаҳо тақинчоқлар билан тўла эди. Парвардигор - ҳар нарсага кодир бўлган, истаган кишига Ўзи хоҳлаганча бахт-саодат ато этадиган кудратли Зот. Агар бирор одам Унга меҳр-муҳаббат билан бирор нарса тақдим этса, бундан унинг бирор нарсаси камайиб қолмайди, аксинча бунинг эвазига у Худога берганидан миллион марта кўпроқ нарсага эга бўлади.

Эгизак *аржун* дарахтларини озодликка чиқарган Парвардигор Кришна бир куни Йамуна дарёсининг қирғоғида Балорам ва бошқа болалар билан бирга ўйнаб юрарди. Кун ўртаси яқинлашиб қолгани учун Балорамнинг онаси Рохини уларни уйга олиб кетиш учун келди. Аммо Кришна билан Балорам бошқа болалар билан ўйинга шунчалик берилиб кетган эдиларки, Рохинининг таклифига эътибор бермасдан уйга қайтишни истамай, ўйинни

давом эттиравердилар. Рохини уларни уйга олиб кела олмади, уйга қайтиб келиб, уларни олиб келиш учун дарё бўйига Йашода онани юборди. Йашода ўғлини шу қадар яхши кўрардики, ўғлини чақириш учун кўчага чиққан заҳоти унинг кўкси ўзидан-ўзи сутга тўлиб кетарди. У баланд овозда қичқира бошлади: "Ўғилгинам, илтимос, уйга кела-қол! Овқатланиш вақти бўлиб қолди!" Кейин у шундай деди: "Азизим Кришна, хой нилуфар кўзли эркатоим, илтимос келақол, мен Сенга сут бераман. Шунча вақт ўйнаганинг етар. Қорнинг жуда оч бўлиб кетгандир, узоқ ўйнавериб чарчаб қолгандирсан?" У Балорамга караб гапира бошлади: "Азизим, эй оиласининг фахри, илтимос, уканг Кришнани олиб тезда уйга келинглар. Эрта тонгдан бери ўйнаб юрибсизлар, роса чарчаган бўлсанглар керак. Илтимос, уйга келинглар, қорнингизни тўйғазиб олинглар. Отангиз Нанда Махараж сизларни кутиб овқатланмай ўтирибди. Унинг қорни очиб кетган, у овқатланиб олиши учун тезроқ уйга келинглар!"

Кришна билан Балорам Нанда Махараж уларни кутиб ўтирганини, уларсиз овқатланишни бошлай олмай ўтирганини эшитган заҳоти уйга шошилдилар. Ўртоқлари Улардан норози бўлиб гапира бошладилар: "Кришна ўйин энди қизиган пайтда бизни ташлаб кетяпти. Бундан кейин Уни қўйиб юбормаймиз".

Кейин Унинг ўртоқлари агар шундай қиладиган бўлса иккинчи марта умуман У билан бирга ўйнамаслигини айтиб, Кришнани кўрқита бошладилар. Бундай бўлишидан кўрққан Кришна уйга боришдан бош тортиб, яна ўйинни давом эттираверди. Шунда Йашода она болаларнинг ҳаммасини қойиб ташлади ва Кришнага шундай деди: "Азизим Кришна, Сени Ўзингни ким деб ўйлаяпсан, нима Сен кўча боласимисан? Ёки Сенинг уйинг йўқми? Илтимос уйга юр! Қара, эрталабдан бери ўйнавериб ҳамма ёгинг кир бўлиб кетибди. Энди уйга юр, Сен яхшилаб ювиниб олишинг керак. Бугун Сенинг туғилган кунингни нишонлаймиз, шунинг учун Сен уйга бориб браҳманларга сигирлар эҳсон қилишинг керак. Қара, Сен билан бирга ўйнаб юрган ўртоқларингга оналари қандай тақинчоқлар тақиб қўйганини кўряпсанми? Мен ҳам Сени яхшилаб ювинтиришим, чиройли либосларингни кийинтириб, қимматбаҳо тақинчоқлар билан безашим керак. Шунинг учун илтимос, уйга юр, ювиниб, чиройли кийимларингни кийиб ол, кейин яна ўйнагани чиқасан".

Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари буюк фаришталар сажда қилиб сиғинадиган Кришна билан Балорамни Йашода она шундай

гаплар билан койиб уйига чакирарди. Йашода Уларни ўзининг сеvimли болалари деб биларди.

Кришна билан Балорам уйга келгандан кейин Йашода уларни яхшилаб чўмилтирди, янги либослар кийинтирди, қимматбаҳо тақинчоқлар тақди. Кейин Йашода брахманларни таклиф қилиб, Кришнанинг туғилган куни муносабати билан уларга ўғиллари орқали кўплаб сизирлар ҳадя қилди. Шундай қилиб, у уйда Кришнанинг туғилган куни маросимини ўтказди.

Шундан сўнг Нанда Махараж бошлиқ барча ёши улуғ подачилар бир жойга тўпланиб иблислар сабабли Махаванда рўй бераётган турли хил офатларни қандай бартараф қилиш ҳақида ўзаро маслаҳатлаша бошладилар. Шу мажлисда Нанда Махаражнинг акаси Упананда ҳам иштирок этаётган эди. Ҳамма уни билимдон ва тажрибали одам ўрнида ҳурмат қиларди, у ҳамиша Кришна ва Балорамга фақат яхшилик тиларди. У мажлисни бошлаб, подачиларга шундай таклиф билан мурожаат қилди: "Эй азиз дўстларим, биз бу жойдан бошқа жойга кўчишимиз керак, чунки кўриб турибсизки энг буюк иблислар тез-тез келиб бизларга тинчлик бермаяпти. Улар айниқса ёш болаларни ўлдирмоқчи бўлиб тажовуз қилиптилар. Путананинг Кришнага қилган тажовузини эсланг! Фақат Парвардигор Харининг марҳамати билан Кришна ўша даҳшатли ялмоғизнинг кўлидан қутулиб омон қолди. Кейин иблис-қуюн Кришнани осмонга кўтариб кетди, аммо Парвардигор Харининг марҳамати билан Кришна яна омон қолди, иблис эса тош устига йиқилиб жон берди. Яқинда бу болакай икки дарахт орасида ўйнаб юрганида, дарахтлар ўзидан-ўзи ерга кулаб тушди, Кришна яна ҳеч қандай жароҳат олмади. Парвардигор Хари Уни яна сақлаб қолган эди. Бир тасаввур қилиб кўринглар, агар мана шу болани ёки шу ерда ўйнаб юрган болалардан бошқа биттасини йиқилаётган дарахтлар босиб қолса бошимизга қанчалик кулфат тушарди! Мана шу ҳодисаларнинг ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўриб, "энди бу ерда яшаш хавфли" деган қарорга келишимиз керак. Бу ердан кетиш керак. Парвардигор Харининг марҳамати билан бизлар шунча офатлардан қутулиб қолдик. Бизлар бундан кейин эҳтиёткорроқ бўлишимиз, бу ерларни тарк этиб, бошқа бир хавф-хатарсиз, хотиржамроқ жойга кўчиб ўтишимиз лозим. Менимча бизлар Вриндаван деган ўрмонга кўчиб ўтганимиз яхши, ҳозир у ерда ҳар хил майсаларнинг айни гуллаб-яшнаётган пайти. Улар бизларнинг молларимизга яхши озуқа бўлади, бизлар ҳам оилаларимиз билан бирга шу ерда тинчгина яшай оламиз. Вриндаваннинг ёнида Говардхана деган ажойиб бир тепалик ҳам

бор. У ерда сизирларимиз учун майин ўт-ўланлар ўсиб ётибди, у ерда яшаш ўзимизга ҳам қулай бўлади. Шунинг учун мен ҳозирок ўша жойга кўчиб ўтишни таклиф қиламан. Вақтни кўлдан бой бермаслигимиз керак. Агар истасанглар юқларимизни араваларга ортиб, молларимизни олдимишга солиб ҳозирок шу ёққа жўнаймиз".

Упананданинг айтган гапларини тинглаб туриб подачиларнинг ҳаммаси унинг таклифига рози бўлдилар: "Ҳозирок шу ёққа жўнаймиз!" Шундан кейин ҳар бир подачи ўзининг уй анжомларини аравага ортиб Вриндаванга кўчишга тайёрлана бошлади. Барча болаларни, кексаларни ва аёлларни араваларга ўтказдилар, эркаклар эса камон ва пайконлар билан қуролланиб, аравалар карвонининг ортида боришга тайёрландилар. Барча сизир, ҳўкиз ва бузоқларни карвоннинг олдига ўтказдилар. Камон ва пайконлари тайёр турган подачилар подани ўраб олдилар ва карвон жўнашга тайёрлигини билдириб сур чалиб юбордилар. Шундай қилиб, шовқин-сурон кўтариб катта карвон Вриндаванга қараб йўл олди.

Ким ҳам Враджанинг қизларини муносиб таърифлай оларди? Уларнинг ҳаммаси чиройли либосларини кийиб, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб араваларга чиқиб олган эдилар. Одатдагидай улар жажжи Кришнанинг болаликдаги шўхликлари ҳақида ҳар хил кўшиқлар куйлай бошладилар. Йашода она билан Рохини она бошқа-бошқа араваларда ўтирган бўлиб, Кришна билан Балорам уларнинг олдида ўтирардилар. Шундай ўтирган ҳолда сеvimли ўғиллари Кришна ва Балорам билан ўзаро суҳбатлашиб лаззатланиб борар экан, Йашода она ҳам, Рохини она ҳам ғайритабиий равишда чиройли, гўзал кўринардилар.

Шу тариқа улар ҳар бир инсоннинг мангу ва бахтиёр яшашига имкон берадиган гўзал макон Вриндаванга етиб келдилар, уни айланиб чиқдилар ва барча араваларни бир жойга келтириб қўйдилар. Уоар Йамуна қирғоғидаги Говардхана тепалигига қаратиб ўзларига турар жой қура бошладилар. Тенгқур подачилар биргаликда сайр қилиб юрар, болалар эса оталари билан суҳбатлашар эди. Бир гап билан айтганда Вриндаван аҳолиси бу ерда ўзларини жуда бахтиёр ҳис қилар эдилар.

Ўша пайтларда Кришна билан Балорамга бузоқларни боқиш топширилган эди. Подачи болаларнинг асосий вазифаси энг кичкина бузоқларни парвариш қилишдан иборат эди. Подачилар ўз болаларига буни ёшлигидан ўргатардилар. Шундай қилиб, бошқа подачи болалар билан бирга Кришна билан Балорам ҳам ҳар куни ўтлоққа кетар, бузоқларга қараб юриб, тенгқур болалар билан бирга ўйнардилар.

Бузокларга қараб юриб, баъзида икки ака-ука най чалардилар; баъзида худди ёш болалар копток ўйнагани сингари амалаки ва бел дарахтларининг меваларини копток қилиб ўйнардилар. Баъзида улар оёқларидаги кўнғироқчаларини ёқимли жиринглашиб рақсга тушардилар, баъзида Ўзларининг устига мато ёпиб олиб сигир ва хўкизларга тақлид қилардилар, баъзан эса ҳар хил қушлар ва ҳайвонларнинг овозларига тақлид қилиб кийкирардилар. Шу тариқа сиртдан қараганда худди бу дунёдаги оддий болалардай бўлиб, Кришна билан Балорам Ўзларининг болаликдаги эрмакларидан лаззатланиб ўйнаб юрардилар.

Бир куни, Кришна билан Балорам Йамуна дарёси қирғоғида ўйнаб юрган пайтда ака-укаларни ўлдириш ниятида Ватсасура деган иблис бузоқ қиёфасига кириб шу атрофда пайдо бўлди. Бузоқ қиёфасига кирган иблис бошқа бузоқларга қўшилиб кетди. Лекин Кришна буни пайқаб қолди ва дарров акаси Балорамга иблиснинг келганини айтди. Икки ака-ука иблиснинг изига тушдилар, Кришна иблиснинг икки орқа ёғидан ва қуйруғидан ушлаб олдида, боши узра айлантириб, куч билан дарахт тепасига улоқтириб юборди. Иблис шу захотиёқ жон таслим қилиб, дарахт тепасидан ерга кулаб тушди. Кришнанинг ҳамма ўртоқлари Уни табриклай бошладилар: "Жуда зўр бўлди-да! Яшавор!" Осмондаги фаришталар эса жуда хурсанд бўлиб ерга гуллар ёмғирини ёғдира бошладилар. Шундай қилиб, бутун Борликнинг мавжудлигини таъминлаб турган Кришна билан Балорам ҳар куни эрталаб бузоқ боқишга йўл олар, Вриндаванда Ўзларининг тенгқур дўстлари билан бирга ҳар хил ўйинлар ўйнаб лаззатланиб юрардилар.

Подачи болалар ҳар куни бузоқларини Йамуна дарёсининг қирғоғига сув ичиргани олиб борардилар. Одатда бузоқлар дарёдан сув ичаётганда болалар ҳам улар билан бирга сув ичардилар. Бир куни, болалар сув ичиб бўлиб, дарё қирғоғида ўтирганида, уларнинг кўзи ўрдакка ўхшаган, тумшуғи катта, тоғдай баҳайбат бир махлуққа тушди.

Бу ғайритабиий махлуқни кўриб улар қаттиқ кўрқиб кетдилар. Бу махлуқнинг номи Бакасуре бўлиб, у Камсанинг ҳамтовоғи эди. Шу ерда бирданига пайдо бўлиб у Кришнага ташланди, оғзини катта очиб Кришнани ютиб юборди. Бу қутилмаган воқеани кўриб, болаларнинг ҳаммаси, шу жумладан Балорам ҳам, нафасини ичларига ютиб, худди жонсиз мурдадай нафас олмай қотиб қолдилар. Кришнани ютиб юборган Бакасуре бирдан томоғи қаттиқ қуяётганини ҳис қилди - унинг томоғини Кришнанинг танасидан таралаётган нур қаттиқ қуйдираётган эди. Иблис шу захотиёқ

Кришнани туфлаб ташқарига чиқарди ва Уни чўқий бошлади. Гарчи Кришна ҳозир Нанда Махаражнинг ўғли ролини ўйнаётган бўлса ҳам, аслида У бутун оламни яратиб қўйган Тангри Браҳманинг бошланғич отаси эканини иблис Бакасуре билмасди. Йашоданинг эркатойи, барча фаришталар учун илоҳий лаззат манбаи, барча авлиё тақводор одамларнинг ишончли посбони бўлган Парвардигор Кришна баҳайбат ўрдакнинг тумшуғидан шартта ушлаб олди ва худди ёш бола бирор майсани бўлиб ташлаганидай, тенгқур ўртоқларининг кўзи олдида унинг танасини иккига бўлиб ташлади. Осмонда фаришталар қаттиқ ҳайратга тушганини билдириб ер юзига энг нафис анвойи хид таратадиган *мала* гулларини ёмғирдай ёғдира бошладилар. Гуллар ёмғирига сурлар, барабанлар ва шохлар овози жўр бўлиб кетди.

Осмондан ёғилаётган гуллар ёмғирини кўриб ва самовий мусиқа садоларини эшитиб подачи болалар ҳайратга тушдилар. Кришнани кўриб подачи болаларнинг ҳаммаси Балорам билан биргаликда шунчалик қувониб кетдиларки, худди дунёга қайтадан келгандай, қайтадан ҳаёт манбаини топгандай бўлиб, бирин-кетин Нанда Махаражнинг ўғлини қучоқлаб қаттиқ бағирларига боса бошладилар. Шундан сўнг улар бузоқларини бир жойга тўплаб уйларига қайтиб кетдилар.

Уйларига келиб улар Нанда Махаражнинг эркатойи кўрсатган ғаройиб кароматлар ҳақида ота-оналарига гапириб бера бошладилар. Гопилар ва подачилар болалардан бўлиб ўтган воқеалар ҳақида эшитиб, қалблари қувончга тўлди, чунки уларнинг ҳаммаси Кришнани жуда қаттиқ севар эдилар. Кришнанинг бундай ғаройиб, шавкатли кароматлари ҳақида эшитиб, уларнинг қалбида Кришнага бўлган муҳаббат туйғуси яна ҳам авж олиб кучая бошлади. Жажжи Кришна иблиснинг ҳамласидан, муқаррар ҳалокатдан қутулиб қолди, деган ўй хаёлига келган захоти улар Кришнанинг чиройли юзига кучли муҳаббат ва меҳр туйғуси билан тикилардилар. Улар ҳамиша уй ишлари билан банд эдилар, лекин барибир улар Кришнанинг чиройли юзидан кўзларини уза олмасдилар. Подачилар билан гопилар кичкина Кришна неча марта шунча иблисларнинг ҳамласига учрагани, лекин барибир иблисларнинг ўзлари ҳалокатга учраб, жажжи Кришнага ҳеч нарса бўлмай тирик қолгани ҳақида ўзаро суҳбатлаша бошладилар. Улар бири-бирига гарчи кўринишидан даҳшатли кўринса ҳам, бу иблислар Кришнани ўлдириш ниятида Унга ташланган бўлсалар ҳам, Парвардигор Харининг марҳамати билан иблислар Кришнага озгина бўлса ҳам озор етказа олмагани ҳақида гапирардилар. Аксинча иблисларнинг ўзлари

худди оловга тушган чивинлардай ҳалокатга учраганлар. Шунда улар Ведалар ва астрология илми бўйича ўзининг мукамал билимига асосланган ҳолда Гаргамунининг башорат қилиб: "Бу болага жуда кўп иблислар тажовуз қиладилар", деб айтган гапларини эслардилар. Энди улар буюк донишманд Гаргамунининг айтган гаплари ҳақиқатан ҳам аниқ амалга ошаётганини яққол кўриб турардилар.

Ёши катта подачиларнинг ҳаммаси, шу жумладан Нанда Махараж ҳам, ўзаро суҳбатлашганда Кришна билан Балорамнинг ғайритабиий кароматлари ҳақида гапиришар, ҳамиша шундай суҳбатларга ғарқ бўлиб, дунёвий ҳаётга хос бўлган уч турли азоб-укубатларни бутунлай эсидан чиқариб юборардилар. Ҳаётда Кришна онги билан, Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб яшашнинг инсонга шарофатли таъсири шундай бўлади. Беш минг йил аввал Нанда Махараж ва бошқа подачилар нима билан лаззатланиб юрган бўлса, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган ҳозирги одамлар ҳам худди шу нарсалардан бемалол лаззатланиб яшай оладилар. Бунинг учун улар Кришна ва Унинг ҳамроҳларининг илоҳий кароматлари ҳақида ўзаро суҳбатлашиб юрсалар бас.

Шу тариқа Кришна ва Балорам океандан ўтиш учун кўприк қурган Парвардигор Рамачандранинг маймунларига, океандан сакраб ўтиб Цейлонга борган Хануманга таклид қилиб, Ўзларининг бу дунёдаги ажойиб болалик эрмаклари билан лаззатланиб юрардилар. Улар ана шундай ўйинларни Ўзларининг тенгқур дўстлари билан биргаликда намоёиш этар ва Ўзларининг бу дунёдаги болалик йилларини бахтиёр ўтказардилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Иблислар  
Ватсасура ва Бакасуранинг ҳалокати" деб  
аталадиган ўн биринчи бобига  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## 12. Иблис Агхасуранинг ҳалокати

Бир куни Парвардигор Кришна эрталаб туриб ўртоқлари - подачи-болалар билан бирга ўрмонга кетишни, ўша ёқда улар билан бирга овқатланиб олишни истади. У ўрнидан туриши билан Ўзининг шохдан ясалган суринаи чалиб, ҳамроҳларининг барчасини ёнига тўплади. Бузоқларини олдига солиб улар ўрмонга йўл олдилар. Уларнинг ҳар бирининг қўлида калтак, най, сур, егулик тугилган тугунча бўлиб, ҳар

бирининг подасида минглаган бузоқлар бор эди. Ана шундай сайр пайтида подачи болаларнинг ҳаммаси жуда кувноқ ва шўх бўларди. Уларнинг ҳар бири ўзининг бузоқларига қараб юрарди. Болалар ҳар хил олтин тақинчоқлар тақиб олган эдилар, лекин бир бирлари билан баҳслашиб улар ўрмондан гуллар, япроқлар, товус патлари, қизил лой топиб, ҳар хил йўллар билан ўзларини безар эдилар. Улар подалари билан ўрмонда кетаётганида биттаси билдирмасдан иккинчисининг егулик тугилган тугунчасини ўғирлаб олиб учинчи болага узатарди. Тугунчаси йўқолган бола буни сезиб, уни тортиб олишга шошилар, у бола эса тугунчани бошқа болага отарди. Шу тарзда улар йўл-йўлакай худди одатдаги болалар ўйнагандек шўхлик қилиб борардилар.

Парвардигор Кришна бирор чиройли манзарани томоша қилиш учун олдинга ёки узоқроққа кетганида, бошқа болалар Унинг ёнига чопардилар, бунда уларнинг ҳар бири "ким биринчи бўлиб Кришнанинг олдига етиб боради" ёки "ким биринчи бўлиб Унга қўлини теккизади" деб баҳслашардилар. Кимдир: "Мен биринчи бўлиб Кришнага қўлимни теккизаман!" - деб чопиб қоларди, иккинчиси эса: "Сен эмас, мен биринчи бўлиб қўлимни теккизаман!" - деб чопарди. Баъзи болалар найини ё қўтос шохидан ясалган суринаи чаларди. Бировлари товуслар ортидан югуриб, каккуларнинг сайрашига таклид қиларди. Болалар осмонда учиб бораётган кушларнинг ердаги сояси билан бирга чопар, уларнинг ҳаракатини такрорлашга ҳаракат қилардилар. Яна бирлари маймунлар олдига бориб, индамасдан уларнинг башарасига тикилиб қараб ўтирар, баъзи бирлари товусларнинг рақсларига таклид қилардилар. Улар маймунларнинг қуйруғидан тортиб ўйнар, бир дарахтдан иккинчи дарахтга сакраганида улар ҳам бирга сакрашга уринар эдилар. Маймунлар жаҳли чиқиб болаларга қараб афтини буриштирганда улар ҳам маймунларга шу тарзда жавоб қайтарардилар. Бошқа болалар Йамуна бўйида қурбақалар билан ўйнардилар, кўркиб кетган қурбақалар сувга сакрасалар, уларнинг ортидан болалар ҳам сувга шўнғир эдилар. Улар сувдан чиқиб, ўзларининг сояларига қараб ҳар хил қилиқлар кўрсатиб кулишардилар. Улар баъзида бирор қуриб қолган қудуққа бориб унинг ичига қаттиқ қичкирардилар, овозлари акс садо бериб чикқанида эса, у билан гаплашгандай бўлиб, унга ўчакишиб кулишарди.

Худонинг Олий Шахси Кришнанинг Ўзи "Бхагавад Гита"да айтганидай, илоҳий илм ўрганиб юрган одамлар Парвардигорни шахсиятсиз Браҳман, Параматма ва Худонинг Олий Шахси сифатида билиб оладилар. Бу ерда

ана шу ҳақиқатни тасдиқлаб, Ўзининг илоҳий танасидан таралаётган нур билан имперсоналистларга шахсиятсиз Брахманни англаш имконини бериб қўйган Парвардигор Кришна Ўзининг содиқ хизматкор (бхакта)ларига илоҳий лаззат бағишларди. Парвардигорнинг ташки қуввати, майя таъсирида юрган одамлар Уни шунчаки оддий ёқимтой бола деб қабул қиладилар, лекин У Ўзи билан бирга ўйнаб юрган подачи болаларга мукамал илоҳий лаззат бағишларди. Аввалги ҳаётларида жуда кўп риёзатлар чеккани ва хайрли ишлар қилгани туфайли бу болалар ҳозир Худонинг Олий Шахси билан бевосита ҳамсуҳбат бўлиш даражасига эришгандилар. Вриндаван аҳолисининг илоҳий бахтдан қанчалик лаззатланиб юрганини ким ҳам муносиб таърифлай оларди? Гарчи Кришна ўзларининг юрагида мавжуд бўлса ҳам, кўплаган йоглар ўз хоҳиши билан жуда қаттиқ риёзатлар чекиш орқали ўтиб ҳам тополмай юрган Худонинг Олий Шахси Кришнани бу болалар ҳар куни ўз кўзи билан бевосита кўриб юрардилар. Бу ҳақиқат "Брахма-самхита"да ҳам тасдиқланади. Кришнани, Худонинг Олий Шахсини Ведалар ва Упанишадалар ичидан излаш мумкин, аммо агар кимдир ўзининг ҳаёт йўлида соф бхакта билан учрашиш бахтига сазовор бўлса, у Худонинг Олий Шахсини ўз кўзи билан бевосита кўра олади. Аввалги жуда кўп ҳаётлари давомида жуда кўп савоб ишлар захирасига эга бўлган подачи болалар энди Кришнани кўз олдида ҳар куни бевосита кўриб юрар, Унга нисбатан қалбларида қайноқ муҳаббат ҳис қилиб, Кришна билан худди дўстлардек бирга ўйнаб юрардилар.

Парвардигор Кришна Ўзининг болалик эрмаклари билан шу тарзда лаззатланиб юрар экан, буни кўрган Агхасура деган иблисининг сабр косаси тўлиб кетди. У Кришнаниннг лаззатланиб ўйнаб юрганини кўриб, қалбидаги Унга нисбатан бўлган ҳасад оловига чидаб туролмасди, шу боис бу болаларнинг ҳаммасини биратўла ўлдириб ташлаш ниятида уларнинг олдида пайдо бўлди. Бу иблис Агхасура шу қадар кўрқинчли, хавфли эдики, ундан ҳатто фаришталар ҳам кўрқарди. Гарчи фаришталар ўз умрини узайтириш ниятида ҳар куни мангулик шарбатидан ичиб юрсалар ҳам, бу иблисдан кўрқар, унинг ўлимини сабрсизлик билан кутиб юрардилар. Улар мангуликка эришиш учун шарбат ичардилар, лекин барибир ўзларининг мангу яшашларига ишонмас эдилар. Аксинча, Кришна билан бирга ўйнаб юрган болалар эса, иблислардан мутлақо кўрқмас эдилар. Уларнинг қалбида кўркувдан асар ҳам йўқ эди. Бу дунёда инсон ўзини ўлимдан асраб қолиш учун ҳар қанча чора кўрса ҳам, у ўзининг ҳақиқатан ҳам

ўлмай қолишига қалбида тўлиқ ишонч ҳосил қила олмайди; лекин агар у Кришна онгига эга бўлса, ўзини, Худони англаб етган бўлса - ўзининг мангу яшашига бўлган ишончи таъминланган бўлади.

Иблис Агхасура Кришна ва Унинг дўстлари олдида пайдо бўлди. Бу иблис Пугана билан Бакасуранинг укаси эди, шу боис у шундай ўйларди: "Кришна менинг опамни, акамни ўлдирди, энди мен барча дўстлари ва бузоқлари билан бирга Унинг Ўзини ўлдираман". Камсаниннг ундови билан бу ерга келган Агхасуранинг қарори қатъий эди. У ўйлардики, ўлган опаси ва акасининг арвоҳи учун сув ва дон қурбонлик қилса, Кришна билан бирга Унинг подачи дўстларини ҳам ўлдирса, Вриндаваннинг қолган аҳолиси ўзидан-ўзи ҳалок бўладилар. Одатда оилали одамлар болаларни жонидан ҳам ортиқ яхши кўрадилар. Агар ота-оналарнинг ҳамма болалари ўлса, болаларига қаттиқ боғланиб қолгани сабабли уларнинг ўзлари ҳам ҳалок бўладилар.

Шу йўл билан Вриндаваннинг бутун аҳолисини ўлдиришга қарор қилиб, иблис Агхасура йоглар қўлланадиган *махима* деб аталадиган *сиддхи*(сеҳр) усули ёрдамида ўз гавдасини катталаштира бошлади. Иблислар одатда барча сеҳр қудратларига эга бўладилар. Йога тизимида *махима-сиддхи* деб аталадиган сеҳр қудрати ёрдамида тирик мавжудот танасини ўзи истаган ўлчамгача каттайтира олади. Иблис Агхасура катта илон қиёфасига кириб, танасини бир *йоджан* қилиб катталаштирди. Ана шундай ғайритабиий ўлчамга эга бўлиб, у ўзининг ғорга ўхшаган катта оғзини очиб ётди. Кришна, Балорам билан бирга барча подачи болаларни бирданига ютиб юбориш учун у йўл устида ётиб олди.

Баҳайбат илон қиёфасига кириб олган иблис оғзини очиб олган, пастки лаби ер устида ётар, устки лаби эса булутларга тегиб турарди. Унинг жағлари тоғдаги катта ғорларга ўхшар, тишлари катта-катта тоғ қояларини эслатарди. Унинг тили катта йўлга, олаётган нафаси эса кучли бўронга ўхшарди. Унинг кўзларидан чиқаётган ёғду кўзни камаштирарди. Аввалига болалар уни бирор ҳайкалга ўхшатдилар, лекин яхшилаб кўриб, бу махлуқ оғзини очиб йўл устида ётган катта илон эканини тушундилар. Улар бир-бирларига шундай гапира бошладилар: "Бу баҳайбат махлуқ бизларнинг ҳаммамизни бирданига ютиб юбориш учун йўл устига ётиб олган. Қаранглар, бу ҳаммамизни бирданига еб юборишни ўйлаб ётган илон эмасми?"

Улардан бири шундай деди: "Ҳа, шундай. Бу махлуқнинг устки лаби Куёшнинг порлашига, пастки лаби эса куёшнинг ерда акс этиб турган кизгиш нурига ўхшайди. Эй азиз дўстлар, бу

махлукнинг жағининг ўнг ва чап томонига қаранглар - у худди ўлчами йўқ катта ғорга ўхшайди. Унинг ияги, тишлари тоғ қоясидай бўй чўзиб турибди. Бу узун йўл унинг тили бўлса керак, унинг оғзининг ичи эса, ғорнинг ичидай қоронғи. Бўрондай эсаётган шамол унинг нафаси бўлса керак, сасиган балиқ ҳиди эса унинг қорнидан келяпти".

Болалар ўзаро суҳбатлашишда давом этдилар: "Агар бизлар ҳаммамиз бирданига бу илоннинг оғзига кирсак, у бизларни юта олармиди? Ҳатто у бизларнинг ҳаммамизни ютиб юборса ҳам, барибир Кришнани юта олмайди. Худди Бакасурани ўлдиргани сингари Кришна шу заҳотиёқ уни ўлдириб ташлайди". Шундай деб болалар Кришнанинг нилуфарсимон юзларига қараб, қарсак чалиб кулиб кўйдилар. Кейин улар шахдам кадамлар билан тап тортмасдан баҳайбат илоннинг оғзига кира бошладилар.

Айни пайтда Кришна, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух бу ерда ўрнидан кўзгалмай ётган баҳайбат илон аслида ёвуз иблис эканини яхши биларди. У дўстларини бу фалокатдан қандай қутқариш ҳақида ўйлаб турганча болаларнинг ҳаммаси бузоқлари билан бирга илоннинг оғзига кириб кетдилар. Лекин Кришна у ёққа бормади. Иблис эса Кришнанинг киришини кутиб турарди, у: "Ҳаммаси оғзимга кирди, фақат опам билан акамни ўлдирган Кришна қолиб турибди!" - деб ўйларди.

Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаётининг хавфсизлигини таъминлайди, лекин ҳозир дўстлари Ундан узоқда, баҳайбат иблис-илон қорнида эканини кўриб У бирпас маюс тортди. У Ўзининг ташки қувватининг таъсирини кўриб таажжубга тушган эди. Кейин у қандай қилиб бу иблисни ўлдириш, унинг қорнидан болалар ва бузоқларни қандай қутқариб олиш ҳақида ўйлай бошлади. Гарчи бу иш Унинг учун ҳеч қандай ташвиш келтирмаса ҳам, У барибир ўйга толганди. Ниҳоят, вазиятни чамалаб кўриб, У ҳам иблис-илоннинг оғзига кирди. Кришнанинг эрмакларини томоша қилиш учун булутлар ортида яшириниб турган фаришталар Кришнанинг бу ишини кўриб, қаттиқ ҳаяжонлана бошладилар: "Эҳ аттанг! Эҳ аттанг!" Айни пайтда қон ва гўшт еб яшашга ўрганиб қолган Агхасуранинг барча иблис дўстлари Кришна ҳам иблиснинг оғзига кирганини кўриб жуда қувониб кетдилар. Айниқса иблис Камса жуда хурсанд эди.

Иблис Кришнани ҳам, Унинг дўстларини ҳам бирданига янчиб ташламоқчи эди, аммо иблиснинг бўғзига бориб қолган Кришна фаришталарнинг қўрқувга тушиб: "Эй аттанг! Эҳ аттанг!" - деган гапларини эшитди ва шу

заҳотиёқ Ўзининг танасини каттайтира бошлади. Гарчи иблис жуда баҳайбат бўлса ҳам, тобора катталашиб бораётган Кришна унинг нафас йўлини бўғиб кўя бошлади. Иблиснинг катта-катта кўзлари ўйноқлаб хонасидан чиқа бошлади ва у дам ололмай бўғилиб қолди. Унинг жони(ҳаёт нафаси) танасидан чиқишга жой топмай, танасининг ичида сарсон бўлиб айланиб юрди-да, ниҳоят танасини тарк этиб, калласининг уст томонидаги тешиқдан танасини тарк этди. Иблис шу тарика жон таслим қилди. Иблис жонсиз қулаб тушгандан сўнг Кришна Ўзининг битта илоҳий нигоҳи билан барча болалар ва бузоқларни ҳушига келтириб, улар билан биргаликда иблиснинг ичидан ташқарига чиқиб олди. Кришна Агхасуранинг оғзида бўлган пайтда иблиснинг жони сиртга чиқди ва бутун атрофни кўзни камаштиргудай ёритиб, ҳавода муаллақ туриб қолди. Ўзининг дўстлари ва бузоқлар билан бирга Кришна иблиснинг оғзидан чиққан заҳоти иблиснинг яркираб нур таратиб турган жони барча фаришталарнинг кўзи олдида Кришнанинг танасига кириб кетди.

Фаришталарнинг барчаси қувончдан яйраб кетдилар ва чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб Худонинг Олий Шахси Кришнани гуллар ёмғирига кўмиб ташладилар. Жаннат сайёраларининг аҳолиси шодликка тўлиб рақсга туша бошладилар, Гандҳарвалока аҳолиси эса Худога илтижо қила бошладилар. Барабанчилар қувониб барабан чала бошладилар, браҳманлар ведалардан мадҳиялар тиловат қилар, Парвардигорнинг бхакталари эса: "Жая! Жая! Худонинг Олий Шахсига шон-шарафлар бўлсин!" - дея шодлигини изҳор эта бошладилар.

Бутун коинотдан келаётган қувончли товушларни эшитиб, нималар бўлаётганини билиш учун Тангри Браҳма ҳам дарров пастга тушди. У иблиснинг ўлиб ётганини кўриб, Худонинг Олий Шахси кўрсатган ғайритабиий кароматдан ҳайратга тушди. Иблиснинг баҳайбат танаси жуда кўп кунларгача шундай қолиб кетди, вақт ўтиши билан унинг танаси куриб қолди ва подачи болаларнинг ҳар хил қувноқ ўйинлар ўтказадиган жойга айланди.

Агхасура ҳалокатга учраганида ҳали Кришна ва Унинг дўстлари беш ёшга ҳам тўлмаган эдилар. Беш ёшгача бўлган болаларни *каумара* деб атайдилар, беш ёшдан ўн ёшгача эса уларни - *пауганда* деб, ўн ёшдан ўн беш ёшгача эса *кашшора* деб атайдилар. Ўн беш ёшга тўлгандан кейин болаларни ўсмирлар деб атай бошладилар. Орадан бир йил ўтгунга қадар Агхасуранинг ҳалокати билан боғлиқ бўлган гаплардан Вриндаван аҳолиси беҳабар қолдилар, фақат болалар олти ёшга тўлгандан кейингина ота-оналарига бу ғаройиб воқеа ҳақида гапириб

бердилар. Бунинг сабаби китобнинг кейинги бобида ошкор бўлади.

Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари кудратли фаришталардан анча буюк бўлган Худонинг Олий Шахси, Кришна учун кимнидир Ўзининг мангу танасига кириб кетиш бахтига муяссар қилишнинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ. У Агхасурани ана шундай бахтга муяссар қилган эди. Албатта, Агхасура энг даҳшатли гуноҳкор зотлардан бири эди, гуноҳкор зот эса Мутлақ Ҳақиқатнинг борлиғига қўшилиб кетолмайди. Лекин бу ғайритабиий ҳодисада Парвардигор Кришна иблис Агхасуранинг ичига киргани сабабли иблис ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай покланди. Ҳамиша Парвардигорнинг *мурти* қиёфасини ёки хаёлида Унинг илоҳий шахс қиёфасини эслаб юрган одам ҳам инсон ҳаётининг илоҳий мақсадига, яъни Худонинг даргоҳига ва У билан бирга ҳамсуҳбат бўлиб мангу яшаш имкониятига эришади. Шундай экан, Худонинг Олий Шахси Кришнанинг шахсан Ўзи танасининг ичига кирган Агхасурадай тирик мавжудотнинг қанчалик улғувор ҳолатда эканини тасаввур қилиш мумкин. Муруқабачи қилиш йогаси билан шуғулланадиган буюк донишмандлар ва бхакталар Парвардигорнинг қиёфасини Ҳамиша ўз қалбида кўриб юрадилар ёки эҳромларда Унинг арча-виграҳа, мурти қиёфасига сажда қиладилар. Шу тариқа улар ҳар қандай моддий иллатлардан покландилар, танасини тарк этганларида эса Худонинг мангу даргоҳига кирдилар. Агар одам Ҳамиша Парвардигорнинг жамолини, қиёфасини ўзининг ақлида, хаёлида сақлаб юрса, у ҳам ана шундай руҳий камолот чўққисига эриша олади. Лекин Агхасура воқеасида Худонинг Олий Шахсининг Ўзи бевосита унинг ичига кирганди. Шунинг учун унинг руҳий ҳолати оддий бхактанинг ёки буюк йогларнинг ҳолатидан анча юқори эди.

Парвардигор Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ўтирган Махараж Парикшитнинг бу ҳикояларга бўлган қизиқиши тобора кучайиб борарди. Шу боис у "Шримад Бхагаватам"ни гапириб бераётган Шукадева Госвамига ҳар хил саволлар бера бошлади.

Агхасуранинг ўлими ҳақидаги воқеани Вриндаван аҳолиси орадан бир йил ўтгунча, яъни то болалар *пауганда* ёшига етгунча қадар муҳокама қилмаганини эшитиб шоҳ бироз ҳайрон бўлди. Махараж Парикшит бунинг сабабини билиб олишни жуда истарди, чунки бу воқеа ҳам албатта Кришнанинг ҳар хил қувватлари таъсирида рўй берганига унинг ишончи комил эди.

Одатда кшатрийлар, яъни ҳукмдорлар табақасига мансуб одамлар Ҳамиша давлат

ишлари билан банд бўладилар, шу боис Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб ўтиришга уларнинг вақти бўлмайди. Лекин мана шу илоҳий ҳикояларни тинглар экан, Махараж Парикшит бу ҳикояларни "Шримад Бхагаватам"нинг тенгсиз билимдони, буюк зот Шукадева Госвамининг бевосита ўз оғзидан тинглаш шарафига муяссар бўлганидан ўзини жуда бахтиёр, омадли инсон деб ҳисобларди. Махараж Парикшитнинг илтимосларига жавобан Шукадева Госвами Парвардигор Кришнанинг илоҳий кароматлари, Унинг қиёфаси, сифатлари, шон-шухрати ва анжомлари ҳақидаги ҳикояларни гапиришда давом этди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Иблис Агхасуранинг ҳалокати" деб аталадиган ўн иккинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

### 13. Тангри Брахманинг подачи болаларни, бузоқларни ўғирлаши

Махараж Парикшитнинг нима сабабдан подачи қизлар иблис Агхасуранинг ҳалокати ҳақидаги воқеани то орадан бир йил ўтганча муҳокама қилмагани тўғрисида берган саволи Шукадева Госвамини жуда илҳомлантириб юборди. У бу ҳолатни шундай тушунтирди: "Эй азиз шоҳ, сенинг қизиқувчанлигинг туфайли Кришнанинг илоҳий эрмаклари мавзуси тобора жонланиб кетяпти".

Бхактанинг табиати шундайки, у ўз ақлини, куч-қувватини, нутқини ва эшитиш қобилиятини фақат Парвардигор Кришна ҳақида гапириш ё эшитиш учун ишлатади. Мана шу Кришнани англаш, ҳаётда "Кришна онги билан яшаш" деб аталади. Кришна ҳақида ҳикояларни диққат билан тинглайдиган ва Уни шарафлаб куйлаб юрадиган одам учун бу мавзу ҳеч қачон эскириб, зерикарли бўлиб қолмайди. Моддий нарсаларга қараганда илоҳий нарсаларнинг қадри, аҳамияти шундан иборат. Моддий нарсалар ҳақидаги ҳикоялар дарров эскириб қолади, одам бирор моддий нарса, дунёвий воқеа-ҳодиса ҳақида узок вақт такрор ва такрор тинглай олмайди; у албатта мавзунини бошқа нарсаларга ўзгартиришни истаб қолади. Илоҳий мавзудаги ҳикоялар эса *нитийа-нава-нава йамана* деб аталади. Бунинг маъноси шундан иборатки, инсон Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни ҳеч қачон зерикмасдан, чарчамасдан тинглашда, гапириб беришда давом этавериши мумкин, шунда ҳам у Ҳамиша сергак ҳолда қолиб такрор ва такрор тинглашни истайверади. Руҳий устознинг бурчи - Парвардигорга ихлос билан

интилаётган ва самимий саволлар бераётган шогирдига Парвардигорнинг тобора сирлироқ томонларини ошкор эта боришдан иборат. Шундай қилиб, Шукадева Госвами Махараж Парикшитга нима сабабдан иблис Агхасураининг ҳалокатини бир йил давомида Вриндаванда ҳеч ким эсламаганининг сабабини тушунтира бошлади. Шукадева Госвами шоҳга шундай деди: "Мен сенга ҳозир бунинг сабабини тушунтириб бераман. Парвардигор Кришна ҳамроҳларини иблис Агхасураининг оғзидан халос этиб, иблисни ўлдириб бўлгандан кейин, уларни Йамуна қирғоғига олиб келди ва уларга мурожаат қилиб шундай деди: "Ҳой азиз дўстларим қаранглар, мана шу жой овқатланиб олиш, ундан кейин қумлоқ дарё соҳилида мазза қилиб ўйнаш учун жуда қулай экан. Қаранг, шамол сув юзида нилуфар гулларини қандай чиройли ўйнатиб юрибди, уларнинг бутун атрофга таратиб турган анвойи хидларини сезяпсизларми? Қушларнинг ёқимли чуғур-чуғури, товусларнинг қийкириқ овозлари, д рахт баргларининг шитирлашлари бирга қўшилиб кетган, бу товушларнинг ҳаммаси бир-бирига жўр бўлиб дарахтлар ўсиб ётган бу гўзал жойнинг файзини яна ҳам жозибалироқ қилиб турибди. Келинлар овқатланиш учун шу ерда тўхтаимиз, чунки вақт ҳам кеч бўлиб кетди, қорнимиз ҳам оч. Бузоқлар Йамунадан сув ичиб шу яқин атрофда ўтлаб юраверсинлар. Бизлар овқатланиб бўлгунча бузоқлар шу ерда ўсиб ётган майин майсаларни чимдиб юраверадилар".

Кришнанинг бу таклифини эшитиб, болаларнинг ҳаммаси қувониб кетдилар ва шундай дедилар: "Албатта, келинлар ўтириб бирга овқатланиб оламиз!" Улар бузоқларни ўтлоққа қўйиб юбордилар. Кришнани ўртага ўтказиб, унинг атрофида айланиб ўтирган ҳолда уйларидан олиб келган егуликларини тугунчаларидан чиқара бошладилар. Парвардигор Кришна давранинг ўртасида ўтирарди, бошқа болаларнинг ҳаммасининг юзи Унга қараган эди. Болалар овқатланар, айна пайтда Парвардигорнинг гўзал жамолини томоша қилиб лаззатланардилар. Кришна нилуфар гулининг ўртасини, Уни ўраб олган болалар эса гулбарглари эслатарди. Болалар дарахт гулларини, баргларини ва пўстлоқларини олиб егуликлари остига тўшаб, Кришна билан бирга бўлишдан лаззатланиб овқатлана бошладилар. Овқатланиш пайтида ҳар бир бола Кришна билан ўзининг алоҳида шахсий муносабатини намоиш этар, шод-хуррам бўлиб бир-бирлари билан ҳазиллашар эдилар. Парвардигор Кришна шу тариқа дўстлари билан бирга овқатланишдан лаззатланарди. Унинг найи белига, камарига тикиб қўйилган, сури ва таёғи чап томонида осилиб турарди. Чап қўлида

У қатик, сариёғ, гуруч ва мевалардан қилинган ширинлик ушлаб турар, Унинг қўлидаги ширинлик нилуфар гулбаргларига ўхшаган жажжи бармоқлари орасидан чиройли бўлиб кўриниб турарди. Худонинг Олий Шахси, барча буюк қурбонлик маросимларидаги эҳсонларни қабул қилувчи ягона Парвардигор Кришна Вриндаванда Ўзининг яқин ҳамроҳлари билан бирга лаззатланиб овқатланиб, улар билан ҳазиллашиб яйраб-қулиб ўтирар эди. Бу ғаройиб манзарани фаришталар ҳам осмону-фалакда турганча кузатиб турардилар, болалар эса Худонинг Олий Шахсининг даврасида ўтириб, илоҳий лаззатдан яйраб роҳатланардилар.

Айни пайтда шу яқин орада ўтлаб юрган бузоқлар майсаларни чимдиб юриб, қалин ўрмон ичига кириб кетдилар ва аста-секин кўздан йўқолдилар. Болалар бузоқларнинг кўзга кўринмай қолганини кўриб кўрқиб кетдилар ва қичқириб юбордилар: "Кришна!" Кришна инсон қалбидаги кўрқув тимсолини яқсон қилади. Кўрқув тимсолидан кўрқиб ҳамма даҳшатга тушади, аммо кўрқувнинг ўзи Кришнадан кўрқади. "Кришна!" - деб қичқирган заҳоти болалар ҳар қандай кўрқув ва хавотирлардан халос бўлдилар. Дўстларига нисбатан бўлган чуқур муҳаббатидан Кришна уларнинг овқатланишдан тўхтаб бузоқларни излашга кетишини истамади, шунинг учун у дўстларига шундай деди: "Эй азиз дўстлар, безовта бўлманглар, лаззатланиб овқатланишда давом этаверинглар. Бузоқларни олиб келишга Ўзим бораман". Шундай қилиб, Парвардигор Кришна бузоқларни ғорлардан, ўрмон ичкарасидан излай бошлади. У бузоқларни ҳамма жойдан излади, лекин уларни топа олмади.

Кришна иблис Агхасураини ўлдирган пайтда осмонда туриб фаришталар ҳам ҳайратга тушиб бу воқеани кузатиб турган эдилар. Парвардигор Вишнунинг қорнида ўсиб чиққан нилуфар гулидан пайдо бўлган Тангри Брахма ҳам бу воқеани томоша қилгани келган эди. Мана шу кичкина болакай Кришна ана шундай ғайритабиий, ғаройиб мўъжизаларни кўрсатаётганини кўриб у қаттиқ ҳайратга тушганди. Гарчи унга мана шу кичкина болакай Худонинг Олий Шахси эканини айтган бўлсалар ҳам, у Парвардигорнинг бундан ҳам ғаройиброқ кароматларини кўришни истарди; шунинг учун у подачи болаларни ҳам бузоқларни ҳам ўғирлаб, бошқа жойга олиб бориб яшириб қўйди. Шу боис Парвардигор Кришна ҳамма жойни ахтарган бўлса ҳам бузоқларни ҳеч қаердан топа олмаган эди, қайтиб келганида эса Йамуна қирғоғида овқатланиб ўтирган ўртоқларини ҳам тополмади. Подачи-болакай қиёфасидаги Парвардигор Кришна Тангри Брахма олдида жуда кичкина кўринарди, лекин У - Худонинг



Олий Шахси бўлгани учун бузоқларни ва болаларни Тангри Брахма ўғирлаб кетганини дарров тушунди. Кришна ўйлаб қўйди: "Брахма болаларни ҳам бузоқларни ҳам ўғирлаб, яшириб қўйди, энди Мен Вриндаванга қандай қайтиб бораман? Болаларнинг оналари бундан каттик қийналадилар-ку!"

Шу боис, дўстларининг оналарини мамнун қилиш ҳамда Худонинг Олий Шахси ҳамиша устивор, қудратли эканини Тангри Брахмага кўрсатиб қўйиш ниятида Кришна шу заҳотиёқ Ўзини кўпайтириб, подачи болалар ва бузоқлар киёфасида Ўзи намоён бўлди. Ведаларда айтилганки, Худонинг Олий Шахси Ўз қуввати ёрдамида Ўзини сон-саноксиз тирик мавжудотларда намоён этади. Шунинг учун Ўзини подачи болалар ва бузоқлар кўринишида намоён этиш Кришна учун қийин иш эмасди. У алоҳида ҳар бир боланинг худди ўзига ўхшаб, кийимлари, одатлари, юз кўриниши, тана тузилиши, хулқ-атворини шу боланикидай қилиб такрорларди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар кимнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади: ҳар бир одам - алоҳида рух, унинг фақат ўзига хос бўлган одатлари, ҳаракатлари бўлади. Лекин Кришна Ўзини ҳар бир боланинг худди ўзига ўхшатиб намоён қилган эди. У Ўзини ранги, катталиги ва бошқа ўзига хос бўлган томонлари билан ҳар хил бўлган ҳар бир бузоқ киёфасида ҳам намоён этди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки ҳамма нарса, ҳар бир тирик мавжудот ягона Кришнанинг қувватининг давомидир. "Вишну-пурана"да *парасйа брахманаҳ шактих* дейилган. Худди олов ва ёруғлик оловнинг ҳар хил давоми бўлгани сингари, биз кўриб турган ҳамма нарса, бирор моддами, тирик мавжудотларнинг фаолиятими - Парвардигорнинг қувватларининг давоми, экспансияларидир.

Шундай қилиб, Ўзини ҳар бир бола, ҳар бир бузоқнинг худди ўзига ўхшатиб кўпайтирган Кришна Ўзининг ана шу нусха-киёфалари, экспансиялари билан биргаликда Вриндаван қишлоғига кириб келди. Вриндаван аҳолиси бўлиб ўтган воқеалардан беҳабар эди. Вриндаванга кирган заҳоти бузоқлар молхонага, болалар эса уйларига, оналари олдига чопдилар.

Болаларнинг оналари ҳали улар қишлоққа кирмасданоқ уларнинг сур овозларини эшитиб, уларни кутиб олиш учун уйларидан югуриб чиқдилар яқин келиши билан уларни кучоқлаб бағрига босдилар. Уларнинг ўз фарзандларига бўлган меҳри жуда кучли бўлганидан дарров кўкраклари сутга тўлиб кетди, улар болаларини шу ердаёқ эмиза бошладилар. Аммо улар энди ўз сутлари билан болаларини эмас, мана шу подачи болалар киёфасига кириб олган Худонинг Олий Шахсини эмизар эдилар. Бу - Худонинг Олий

Шахсини ўзларининг кўкрак сути билан боқиш учун Вриндаван оналарига берилган яна бир имконият эди. Яъни Парвардигор Кришна Ўзини кўкрак сути билан боқиш имконини фақат она Йашодага эмас, балки бутун Вриндавандаги ёши катта гопиларга ҳам берган эди.

Подачи болалар оналарининг ёнида ўзларини худди аввалгидай тутардилар, оналар ҳам кеч кира бошлаши билан ҳар бири ўз боласини ювинтириб, уларнинг танасини тилака ва такинчоқлар билан безаб, кундузги меҳнатдан чарчаган болаларини овқатлантира бошладилар. Кечкурун ўтлоқдан қайтиб келган сигирлар бузоқларини олдига чакира бошладилар. Бузоқлар дарров она-сигирлар ёнига чопдилар, сигирлар соғиниб уларни ялашга тушдилар. Шундай қилиб, сигирлар билан бузоқлар, гопилар билан уларнинг болалари орасидаги ўзаро муносабатлар ўзгармасдан, худди аввалгидай бўлиб қолаверди, аслида эса ҳақиқий бузоқлар ҳам, ҳақиқий болалар ҳам бу ерда йўқ эди. Аслини олганда энди сигирларнинг ўз бузоқларига, гопиларнинг ўз фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатлари ҳеч қандай сабабсиз жуда кучайиб кетган эди. Ҳатто болалар ва бузоқлар аслида уларники бўлмаса ҳам, уларнинг ўз болаларига бўлган меҳри ўзидан-ўзи кучайиб кетганди. Гарчи авваллари сигирлар ва гопилар Кришнани ўз болаларидан ҳам яхши кўрсалар, энди бу воқеадан кейин уларнинг ўз ўғилларига бўлган меҳри худди уларнинг Кришнага бўлган муҳаббатидай кучайиб кетган эди. Бир йил давомида Кришна бузоқлар ва болалар киёфасида қолиб, ҳар куни ўтлоққа қатнаб юрди.

"Бхагавад Гита"да айтилганидай, Кришнанинг экспансиялари Олий Рух кўринишида ҳар кимнинг қалбида жойлашган. Бу ерда У бир йил давомида Ўзини Олий Рух кўринишида эмас, балки кўплаган подачи болалар ва бузоқларнинг тўла киёфаси кўринишида кўпайтириб юрди.

Бир куни Кришна билан Балорам ўрмонда бузоқларни бокиб юрганида, Говардхана тепалигида ўтлаб юрган бир неча сигирни кўриб қолдилар. Болалар бузоқ бокиб юрадиган яйлов узокдан сигирларга кўриниб турарди. Бузоқларига кўзи тушган сигирлар бирданига уларга қараб чопа бошладилар. Улар тепалиқдан пастга қараб шундай шиддат билан чопардиларки, орқа оёқлари олдинги оёқлари билан бир-бирига чатишиб кетарди. Сигирлар ўз бузоқларига бўлган кучли меҳр туфайли гўё эриб кетгандай эдилар, тепалиқдан пастга тушиш йўли ўнқир-чўнқир экани уларни мутлақо қизиқтирмас эди. Болалари ёнига чопиб келар экан, уларнинг елинлари сутга тўла, қуйруқлари хода бўлиб тикланган эди. Улар тепадан пастга

чошиб келар экан, гарчи бу бузоқлар уларнинг ҳақиқий бузоқлари бўлмаса ҳам болаларига бўлган қайноқ меҳри туфайли елинларидан тинмай сут оқарди. Бу сигирларнинг бошқа ҳақиқий болалари ҳам бор эди, Говардхана пастада ўтлаб юрган бузоқлар эса улардан катта эди. Шунга қарамай сигирлар чошиб келиб болаларини эмиза бошладилар, бузоқлар ҳам уларнинг елинидан сут эма бошладилар. Сигир ва бузоқларни худди энг кучли, энг илиқ муҳаббат ришталари боғлаб тургандай эди.

Сигирлар пастга қараб югура бошлаганида подачилар уларни тўхтатишга уриниб кўрдилар. Одатда катта сигирларни катта подачилар, бузоқларни эса - болалар боқишарди. Бузоқлар сигирларнинг ҳамма сутини эмиб қўймаслиги учун бузоқларни сигирлардан иложи борича узокроқда боқардилар. Тепада сигир боқиб юрган подачилар сигирларни тўхтатиб қолишга уриндилар, лекин бунинг уддасидан чиқолмадилар. Ҳафсаласи пир бўлиб, уялиб, қалби ғазабга тўлиб подачилар ҳам аста-секин пастга тушиб кела бошладилар. Пастга тушиб бузоқларга қараб юрган болаларини кўриб бирданига уларнинг ўз фарзандларига бўлган оталик меҳрлари тошиб кетди. Гарчи улар пастга ғазабланиб, жаҳл устида тушган бўлсалар ҳам, ўзларининг фарзандларига кўзлари тушиши билан уларнинг кайфияти ўзгариб, қалби болаларига бўлган кучли меҳр-муҳаббат туйғусидан юмшаб, эриб кетди. Уларнинг ғазоби ҳам, жаҳллари ҳам, норозиликлари ҳам ўз-ўзидан бирданига ғойиб бўлди. Улар ўғилларига нисбатан қайноқ оталик меҳрини намоён эта бошладилар: уларни авайлаб қўлларига олиб бағирларига босиб юзларидан ўпдилар, меҳр билан уларнинг сочларини хидлай бошладилар, қалби қувончга тўлиб уларни эркалаб, улар билан ҳазиллаша бошладилар. Болалари билан хўшлашиб подачилар сигирларни яна Говардхана тепалигига ҳайдаб кетдилар. Энди улар ўз ўғиллари ҳақида ўйлар, кўзлари эса меҳр ёшлари билан тинмай намланиб турарди.

Гарчи болалар ҳам, бузоқлар ҳам бундай чуқур муҳаббат ва ғамхўрликка муҳтож бўлмаса ҳам, сигирларнинг бузоқларга, оталарнинг ўз болаларига бўлган бундай ғайритабиий муҳаббатини кўриб турган Балорам ҳайратга тушиб, нимага бундай бўлаётгани ҳақида ўйлашиб қолди. У Вриндаваннинг бутун аҳолиси ўзларининг болаларига нисбатан, сигирларнинг бузоқларга нисбатан бўлган ғайритабиий муҳаббатини кўриб ҳайратга тушганди, ахир бундай кучли муҳаббат фақат Кришнага нисбатан бўлиши мумкин эди-да! Сигирлар ҳам ўз болаларига худди Кришнага ғамхўрлик қилгандай ғамхўрлик қилардилар. Балорам Вриндаванликлар орасидаги меҳр-муҳаббатнинг

бундай ғайритабиий равишда намоён бўлиши албатта қандайдир сеҳр қудрати бўлиши керак, буни эса бирор фаришта ёки илоҳий қудратли одам қилиши мумкин деб ўйлади. Кришнани Худонинг Олий Шаҳси деб биладиган ва Унга сажда қилиб сиғинадиган Балорам бу сирли ўзгаришни албатта Кришна қилган бўлса керак деган қарорга келди. Акс ҳолда бундай ғайритабиий ўзгариш қандай юз бериши мумкин? У ўйга толди: "Албатта буларнинг ҳаммасини Кришна уюштирган, бу сеҳр қудратига ҳатто Мен ҳам тўсқинлик қила олмайман!" Шундай қилиб, Балорам бу подачи болалар ва бузоқлар аслида Кришнанинг экспансиялари эканини тушуниб етди.

Балорам Кришнадан аслида қандай воқеалар содир бўлганини суриштирди. У шундай деди: "Азизим Кришна, аввалига Мен бу сигирлар, бузоқлар ва подачи болалар аслида буюк донишмандлар ёки авлиё зотлар ёки фаришталар бўлса керак деб ўйлагандим, энди ўйлаб қарасам улар аслида Сенинг экспансияларингга ўхшаб кетяпти. Уларнинг ҳаммаси - Сен ўзингсан. Сен ўзинг мана шу бузоқлар ва болаларнинг ролини ўйнаяпсан. Нимага бундай бўляпти? Ҳақиқий болалар билан бузоқлар қаерга ғойиб бўлди, нимага Сен ўзинг болалар ва бузоқлар қиёфасига кириб олдинг? Илтимос, марҳамат қилиб Менга ҳаммасини тушунтириб бер!" Балорамнинг илтимосини эшитиб, Кришна бўлиб ўтган воқеаларни - қандай қилиб Тангри Брахма болаларни ва бузоқларни ўғирлаб кетганини, ҳақиқий болалар ва бузоқларнинг йўқолганини бошқаларга билдирмаслик учун ўзи болалар ва бузоқлар қиёфасига кириб мана шу воқеани яшириб юрганини Унга қисқача тушунтириб берди.

Кришна билан Балорам шундай суҳбатлашиб турар экан, бир лаҳза(ўзининг вақт ҳисоби бўйича) ўтмасдан Брахма қайтиб келди. Биз "Бхагавад Гита"дан Тангри Брахманинг умри қанчалик узок эканини биламиз - тўрт югадан иборат минг давр, яъни тўрт миллион уч юз минг йилни мингга кўпайтирсак, Брахманинг бир куни - ўн икки соати бўлади. Шундай қилиб, Брахманинг ҳисоби бўйича бир лаҳза Қуёш тизими вақти бўйича бир йил бўлади. Ўзининг вақт ҳисоби бўйича бир лаҳза ўтгандан кейин Брахман болалар ва бузоқларни ўғирлаб, ўзи уюштирган ҳазилни томоша қилиш учун қайтиб келди. Лекин у бир томондан ҳадиксираб ҳам турарди, чунки олов билан ўйнашаётганини яхши биларди. Кришна унинг ҳукмдори эди, у эса бузоқ ва болаларни ўғирлаб, ўз ҳукмдори билан ҳазиллашарди. У қаттиқ ҳаяжонланаётгани учун ҳам бир зумда қайтиб келган эди. Унинг ҳисоби бўйича у бир лаҳзагина йўқ бўлган эди.

У бузоқлар ва болаларни ўғирлаб кетиб, ўзининг сеҳр қудрати билан уларни қаттиқ ухлатиб қўйганини аниқ билса ҳам, улар худди аввалгидай Кришна билан бирга ўйнаб юрганини кўрди. Тангри Браҳма ўйланиб қолди: "Мен ҳамма болаларни ҳам, бузоқларни ҳам олиб кетган эдим, яна биламанки улар ҳали ухлаб ётибдилар. Лекин, бу нимаси? Ўша болалар ҳам, бузоқлар ҳам яна Кришна билан бирга ўйнаб юрибдилар? Наҳотки уларга менинг сеҳр қудратим ўз кучини кўрсата олмаса? Наҳотки улар орадан ўтган бир йил давомида Кришна билан бирга юрган бўлсалар?" Браҳма улар аслида ким эканини, нимага уларга ўзининг сеҳр қудрати таъсир қилмаслигини тушунишга ҳаракат қилди, лекин бирор нарсани аниқлашга ожиз эди. Бошқача қилиб айтганда, ўзининг сеҳр қудратининг таъсирига унинг ўзи тушиб қолган эди. Унинг кўрсатган сеҳр қудрати худди тунда ёғаетган қорни, ёки кундуз куни ёнган шамчирокқа ўхшарди. Қоронғуда шамчирок бироз ёруғлик бериши мумкин, тоғ қоясидаги ёки ерда ётган қор кундуз куни оппоқ бўлиб кўриниши мумкин, лекин кундуз куни шамчирокнинг ҳожати бўлмагани сингари, кечаси қор ўзининг ярқираган қумуш рангини йўкотади. Худди шундай Тангри Браҳманинг намоёниши этган сеҳр қудрати Парвардигор Кришнанинг сеҳр қудрати олдида худди кундузги шамчирок, тунги қор сингари арзимас нарса бўлиб қолган эди. Озгина сеҳр қудратига эга бўлган киши қудратли сеҳр қудратига эга бўлган бошқа бир одам олдида ўз қудратини кўрсатмоқчи бўлса, ўз кучини йўкотади. Ҳатто Тангри Браҳмадай қудратли зот ҳам Кришна олдида ўзининг сеҳр қудратини кўрсатишга уриниб, ўзи қулгили аҳволга тушиб қолганди. Тангри Браҳма ўзининг сеҳр қудрати ҳақида нима деб ўйлашни ҳам билмай қолди.

Ўзи билан бирга ўйнаб юрган бу болалар ва бузоқлар аслида ҳақиқий болалар ва бузоқлар эмаслигига Тангри Браҳмани ишонтириш учун Кришна уларнинг ҳаммасини Вишнунинг қиёфаларига айлантирди. Аслида ҳақиқий болалар ва бузоқлар Тангри Браҳманинг сеҳр қудрати таъсири остида ҳалигача ухлаб ётган эдилар, ҳозир Браҳма кўриб турган бузоқлар ва болалар эса Парвардигор Кришнанинг шахсий экспансиялари эди. Вишну Парвардигор Кришнанинг экспансияси, шу боис Тангри Браҳманинг кўзи олдида Вишнунинг қиёфалари пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммаси кўкимтир рангда, сариқ либослар кийиб олган эди. Уларнинг ҳар бирининг тўрттадан қўллари бор бўлиб гурзи, халқа, нилуфар гули ва сур ушлаб турардилар. Уларнинг бошида тақинчоқлар тақилган чиройли олтин тож ярқираб турарди. Улар чиройли маржонлар, сирғалар ва чиройли

гуллардан гулчамбарлар тақиб олган эдилар. Уларнинг кўксига *шриватса* белгиси кўриниб турарди. Қўлларига билғузук осилган эди. Уларнинг бўйинлари худди сурдай силлик, оёқларида кўнғироқчалар жиринглар, белларига олтин камар, бармоқларига қимматбаҳо узуклар тақиб олган эдилар. Яна браҳма кўрдик, Парвардигор Вишнунинг бутун танасига, оёғининг учидан то бошигача янги узилган туласи барглари сепилган эди. Вишнунинг қиёфаларининг яна бир фазилати шундан иборат эдики, уларнинг ҳаммаси илоҳий даражада гўзал, жозибали эдилар. Уларнинг табассуми ой нурига, нигоҳлари эса эрталаб чиққан қуёш нурига ўхшарди. Уларнинг кўринишининг ўзиёқ бу дунёдаги эҳтирос ва ғафлат гунасини улар яратиб, мавжудлигини таъминлаб тургани яққол кўриниб турарди. Вишну эзгулик гунасининг, Тангри Браҳма эҳтирос гунасининг, Тангри Шива эса ғафлат гунасининг тимсоли ҳисобланади. Шундай қилиб, бутун борлиқдаги ҳамма нарсанинг мавжудлигини таъминлаб турган ҳолда Парвардигор Вишну Тангри Браҳма ва Тангри Шивани ҳам яратиб, мавжудлигини таъминлаб турган Зотдир.

Парвардигор Вишну Ўзини шундай намоён қилгандан кейин Тангри Браҳма кўрдик, бошқа кўплаган Браҳмалар, Шивалар, фаришталар, ҳатто кичкина ҳашаротлар ҳам - барча кўзгалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотларнинг барчаси Парвардигор Вишнунинг ўраб олиб рақсга тушяптилар. Уларнинг рақсига ғаройиб мусиқалар жўр бўлар, уларнинг ҳаммаси Парвардигор Вишнуга сажда қилардилар. Тангри Браҳма тушуниб етдики, Парвардигор Вишнунинг мана шу қиёфаларининг ҳар бирида бутун Борлиқ - *анима*, яъни ҳатто атомдан ҳам кичик бўлиш қобилиятдан то бутун борлиқ сингари бепоён бўла олиш қудратигача ҳамма нарса мужассам. Тангри Браҳманинг, Тангри Шиванинг барча сеҳр қудратлари, барча фаришталар, моддий оламнинг таркибий қисми бўлган йигирма тўрт унсур Парвардигор Вишну шахсида тўла намоён бўлган эди. Парвардигор Вишнунинг олдида барча сеҳр қудратлари бош эгиб сажда қиладилар. Унга замон ва макон ҳам, бутун борлиқ ҳам, ўзгаришлар ҳам, истаклар ҳам, моддий табиатнинг уч гунаси ва ҳар қандай фаолият ҳам бош эгиб сажда қиларди. Тангри Браҳма яна шуни тушуниб етдики, Парвардигор Вишну бутун илм, ҳақиқат ва лаззат манбаидир. У уч илоҳий сифат - мангулик, илм ва лаззатнинг бирикмаси, ҳамда У - Упанишадаларнинг барча издошлари сажда қилиб сиғинадиган Зотдир. Тангри Браҳма тушуниб етдики, бирор фаришта ёки йог ўзига ато этилган сеҳр қудрати ёрдамида болалар ва

бузоқларнинг қиёфаларини Вишнунинг қиёфасига айлантирган эмас. Вишну-муртига, Вишнунинг қиёфасига айлантирилган бузоқ ва болалар вишну-майя, яъни Вишнунинг қуввати эмасди, - улар ҳақиқатан ҳам Вишнулар эди. Вишнуга ва вишну-майяга хос бўлган белгилар худди олов ва иссиқликка ўхшайди. Иссиқликда оловнинг белгиси, яъни ҳарорат бор, лекин иссиқлик ҳали тўлиқ олов эмас. Болалар ва бузоқлар Вишнунинг қиёфасини намоён этганида улар иссиқликка эмас, ҳақиқий оловга ўхшарди, яъни улар ҳақиқий Вишнулар эдилар. Аслида Парвардигор Вишнунинг сифати мукаммал ҳақиқат, мукаммал илм ва мукаммал лаззатдан иборат. Бунга мисол сифатида ҳар хил кўринишларда акс этадиган бошқа бир моддий нарсани келтириш мумкин. Масалан, куёш жуда кўп сув идишларида акс этади, лекин сувда акс этиб турган куёшнинг акси ҳақиқий куёш эмас. Сувда акс этиб турган куёш худди ҳақиқий куёшга ўхшаса ҳам ундан иссиқлик ва нур таралиб чикмайди. Лекин Кришна бу ерда намоён этган ҳар бир қиёфа ҳақиқий Вишну эди. *Сатйа* деган ибора "ҳақиқат", *гйана* иборраси - "илм", *ананда* иборраси - "мукаммал лаззат" деган маънони билдиради.

Худонинг Олий Шахсининг илоҳий қиёфалари Унинг Ўзи билан бир хил қудратга эга. Имперсоналистлар, Упанишадаларнинг издошлари буни англаб етиш учун зарур бўлган илмга эга бўла олмайдилар. Масалан, Упанишадаларни ўрганиб фақат Мутлак Ҳақиқат моддий табиатга эга эмаслигини, Мутлак Ҳақиқатни қандайдир чекланган моддий куч билан бирор жойда тўсиб бўлмаслигини биладиган имперсоналистлар эса, Парвардигорнинг илоҳий қиёфаларини англай олмайдилар. Тангри Браҳма Парвардигор Кришнани ва У Ўзини кўпайтириб Вишнунинг қиёфаларида намоён этганини тушунди, у Парвардигорнинг қувватининг кенгайиши туфайли борлиқдаги барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотлар мавжуд бўлиб турганини ҳам тушуниб етди.

Брахма шу тариқа ўзининг қудрати чекланган эканидан қаттиқ азият чекиб турарди. Ўзининг фаолияти ўн бир сезги билан чеклаб қўйилган эканини билган ҳолда, у ўзи ҳам худди кўлларида тортиб ўйнатадиган кўғирчоқ сингари моддий қувват яратган зот эканини англаб ета олди. Худди кўғирчоқ ўзи рақсга тушишга кучи етмаса ҳам, эгасининг амрига бўйсуниб ҳаракат қила олгани сингари фаришталар ҳам, бошқа тирик мавжудотлар ҳам - ҳаммаси Худонинг Олий Шахсига бўйсундилар. "Чайтанйа Чаритамрита"да айтилганидай, ягона Парвардигор - Кришна, қолган ҳамма - Унинг хизматкорларидир.

Моддий алданиш уммони бутун оламни қоплаб олган, тирик мавжудотлар унда худди сув юзида юрадиган чўплар сингари сузиб юрибдилар. Уларнинг тирикчилик учун кураши шу тарзда боради, лекин тирик мавжудот аслида ўзи Худонинг Олий Шахсининг мангу хизматкори эканини англаб етган заҳоти мана шу майя, яъни тирикчилик учун сохта, бемаъни кураш ниҳоясига етади.

Шундай қилиб, илм фариштасининг ҳукмдори бўлган ҳамда ведалар илмининг буюк билимдони бўлган Тангри Браҳма ҳозир Худонинг Олий Шахси намоён этган ғайритабиий қудратни тушуна олмай, қаттиқ ўйга ботган ҳолда турарди. Бу дунёда ҳатто Тангри Браҳма сингари қудратли зот ҳам Парвардигорнинг яширин сеҳр қудратини англаб етишга қодир эмас. Браҳма Парвардигор Кришна намоён этган сеҳр қудратини тушуна олмай, аклини йўқотиб, таажжубга тушиб турарди.

Кришна болалар ва бузоқларнинг қиёфасига кириб Парвардигор Вишнунинг қудратини намоён этганида ҳам, Вишнулар қиёфасига кириб бўлиб турган воқеаларни *йогомайя* пардаси билан бутунлай қоплаб қўйганида ҳам Ўзини тушуна олмай турган Браҳмага ҳамдардлик билдирди. "Бхагавад Гита"да айтилганки, Худонинг Олий Шахси *йогомайя* пардаси ортидан кўринмай туради. Ҳақиқатни бекитиб турган парда *махамайя*, яъни "шартланган руҳларга моддий оламдан ташқарида бўлган Худонинг Олий Шахсини тушуниш имконини бермайдиган ташқи қувват" деб аталади. Лекин, Худонинг Олий Шахсини қисман намоён этадиган, қисман Уни кўришга имкон бермайдиган қувват *йогомайя* деб аталади. Тангри Браҳма оддий тирик мавжудотлардан эмасди. У бошқа барча фаришталардан устун туради, ҳатто у ҳам Худонинг Олий Шахси намойиш этган мўъжизани тушунолмай турарди, шунинг учун Кришна Ўз қудратини намойиш этишдан тўхтади. Шартланган руҳ бундай мўъжизалардан ҳайратга тушибгина қолмасдан, уларни умуман тушунишга қодир эмас. Браҳмани яна ҳам қаттиқроқ ҳайратга солмаслик учун Кришна унга йогомайя пардасини туширди.

Тангри Браҳма ўзининг ҳайратга тушган ҳолатидан ўзига келганида, худди ўлимни эслатадиган қарахт ҳолатидан уйғонгандай эди, у зўрға кўзларини очди. Шунда у мангу космик борликни аввалгидай ўзининг оддий кўзлари билан кўра бошлади. У кўз олдида чиройли дарахтларга бурканган ғаройиб, барча тирик мавжудотларнинг манбаи бўлган гўзал Вриндаванни кўрди. У барча тирик мавжудотлар оддий табиатга нисбатан илоҳий ҳолатда яшайдиган Вриндаван аслида илоҳий замин

эканини англай олди. Унинг ўрмонларида ҳатто йўлбарс сингари йиртқич ҳайвонлар ҳам кийик ва одамлар билан ёнма-ён яшайдилар. У яна шуни тушуниб етдики, ҳозир Худонинг Олий Шахси шу ерда Ўзининг илоҳий ўйинларини ўтказиб юргани шарофати билан Вриндаван бошқа ҳамма жойларга нисбатан илоҳий ҳолатда эканини, бу ерда ҳирс ва очкўзлик иллатига мутлақо ўрин йўқ эканини тушуниб етди. Тангри Браҳма подачи бола ролини ўйнаб юрган Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнани шу ҳолатда учратди. У бу болакайни худди бир йил олдин қандай бўлса, шундайлигича - чап кўлида қандайдир ширин егулик ушлаб турган, Ўзининг дўстларини ва бузоқларини излаб юрган ҳолатда учратди.

Браҳма шу заҳотиёқ ўзини олиб юрадиган оккуш елкасидан пастга тушди ва Парвардигор олдида олтин таёқ сингари узала йиқилиб сажда қилди. Парвардигорга сажда қилиш ҳақида гапиришар экан вайшнавлар ўзаро суҳбатларди *дандават* деган иборани ишлатадилар. Бунинг маъноси "ерга худди ҳассадай узала тушиб йиқилиш" деган маънони англатади, яъни одам ўзидан буюк вайшнавга худди йиқилган ҳассадай узала тушиб сажда қилиб эҳтиром кўрсатиши лозим. Шундай қилиб, Тангри Браҳма Парвардигор олдида эҳтиром кўрсатиб худди ҳассадай йиқилди, Тангри Браҳманинг танаси олтинранг бўлгани учун у Парвардигор олдида ётган олтин таёқчага ўхшарди. Браҳманинг тўрт калласидаги тожларнинг ҳаммаси Кришнанинг оёқларига тегиб турарди. Браҳма Парвардигорнинг кўрсатган ғаройиб кароматларини эслаб гоҳ бошини кўтарар, гоҳ яна ерга йиқилиб сажда қиларди. Жуда кўп марта сажда қилгандан кейин Браҳма ўрнидан туриб кўзларидаги ёшни артди. Олдида турган Парвардигорни кўриб у бутун вужуди титраб, Унга чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, камтарин ҳолда самимий илтижо қила бошлади.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Тангри Браҳманинг болалар ва бузоқларни ўғирлаши" деб аталадиган ўн учинчи бобида  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

#### **14. Тангри Браҳманинг Парвардигор Кришнага қилган илтижолари**

Браҳма шундай деди: "Эй азиз Худойим, сиғинишга муносиб бўлган ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси - Сен Ўзингсан, шунинг учун мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман ва Сени мамнун қилиш учун Сенга ялиниб илтижо қиламан. Сенинг илоҳий тананг сувга тўла булут рангида. Устингдаги сарик либослардан атрофга олтинранг ёғду таралади, Ўзинг ҳам нур сочиб турибсан.

Кўлига сур ушлаб, кулоқларига сирға, сочига товус пати қистириб кўз олдимда турган Нанда Махаражнинг ўғлига такрор ва такрор сажда қилишимга рухсат бер. Унинг юзи жозибали, бошида эса ўрмон гулларидан ясалган гулчамбар билан безатилган тож, кўлида эса ширинлик бор. У кўлига калтак, кўтос шохидан ясалган сур билан чиройли най ушлаб турибди. У менинг олдимда турибди, Унинг кичкина оёқлари нилуфар гулига ўхшайди.

Эй азиз Худойим, одамлар мени бутун Ведалар илмининг эгаси, мана шу коинотни яратган зот деб ўйлашлари мумкин, аммо ҳозиргина исботландики, мен ҳатто кўз олдимда кичкина болакай қиёфасида турган бўлсанг ҳам, Сенинг шахсингни англаб етолмас эканман. Сен Ўз дўстларинг ва бузоқларинг билан бирга ўйнаб юрибсан, Сени етарлича илмга эга ҳам деб айтиш мумкин. Сен худди кўлига бироз егулик ушлаб олиб бузоқларини излаб юрган оддий қишлоқи болага ўхшайсан. Лекин барибир, Сенинг тананг билан менинг танам орасида жуда катта фарқ борки, мен ҳатто сенинг танангнинг қудрати қанчалик улуғвор эканини ҳатто англашга ҳам қодир эмасман. Мен "Браҳма-самхита"да айтганимдай, Сенинг тананг моддий тана эмас".

"Браҳма-самхита"да айтилганки, Парвардигорнинг танаси бутунлай руҳий табиатга эга, Унинг танаси билан Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Унинг илоҳий танасининг ҳар бир аъзоси бошқа барча аъзоларининг ҳам ишини қилишга қодир. Парвардигор кўллари билан кўриши, кўзлари билан тинглаши мумкин. Биз таклиф қилган нарсаларни оёғи билан қабул қилиши ва оғзи билан оламни яратиши мумкин.

Браҳма давом этди: "Барча бхакталарнинг бахтини ўйлаб Сен подачи-болакай қиёфасида бу дунёга келасан, мен Сенинг бузоқларингни ва дўстларингни ўғирлаб кетиб, Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ҳақорат қилиб кўйган бўлишимга қарамай, Сен барибир мenden Ўз марҳаматингни аямаслигингни биламан. Ўзининг бхакталарини қаттиқ севиш Сенинг илоҳий фазилатингдир. Менга бўлган шунчалик муҳаббатингга қарамай мен Сенинг тананг фаолиятининг қадрига етолмайман. Тушунаманки, агар мен - бу коинотдаги энг буюк тирик мавжудот бўла туриб Сенинг ёш

бола кўринишидаги тананг фаолиятини муносиб кадрлай олмасам, бошқалар ҳақида нима дейиш мумкин? Сенинг ёш бола кўринишидаги тананг қудратини тушуна олмасам, қандай қилиб мен Сенинг илоҳий кароматларингни тушуна олардим? Шунинг учун ҳам "Бхагавад Гита"да айтилганки, Парвардигорнинг бу дунёга келиши, кўрсатган кароматлари ва кетишининг илоҳий табиатини озгина англаб етган киши ўзининг ҳозирги моддий танасини тарк этганидан кейин Худонинг даргоҳига киришга муносиб зот бўлади. Бу гаплар Ведаларда ҳам тасдиқланади: Худонинг Олий Шахсининг табиатини тушуниб етиш билан инсон бетакрор туғилиш ва ўлишлар занжирини узиб ташлай олади. Шунинг учун мен одамларга Сени ақлий фикрлашлар, дунёвий илм ўрганиш орқали тушунишга уринмасликни маслаҳат бераман.

Сени англаб етиш учун ҳар қандай ақлий изланишларни тарк этиш керак ва Сен ҳақингда "Бхагавад Гита" ва бошқа Ведавий муқаддас китобларда Сен Ўзинг айтган гапларни ёки руҳий ўзлигини англаб етган, Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топган Сенинг бхактанг айтган гапларни тинглаш лозим. Шунчаки Сенинг бхактангнинг чуқур иймон билан, ҳеч нарсани ўзгартирмасдан айтган гапларига қулоқ солиш керак. Бунинг учун одам ҳатто ўзи яшаб турган ҳозирги турмуш шароитини ҳам ўзгартиришининг ҳожати йўқ; у шунчаки Сен ҳақингдаги, Сенинг хоҳишинг ҳақидаги гапларни тинглаб юрса бас. Гарчи шунчаки моддий сезгилар ёрдамида Сен ҳақингдаги гапларни тинглаш орқали Сени тўлиқ тушуниб бўлмаса ҳам, инсон аста-секин ғофиллик иллатини енгиб, ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурлардан халос бўла олади. Бошқа ҳеч қандай йўл билан Сенга эришиб бўлмайди. Сенга қандайдир хизмат қилмай туриб, шунчаки қуруқ илм ўрганиш билан Сенга эришишга уриниш - шунчаки вақтни бекорга сарфлашдан бошқа нарса эмас. Худони англаш илми - амалий илмдир. Худого садоқат билан хизмат қилиш шу қадар муҳимки, бу йўлда қилинган озгина ҳаракат ҳам инсонни руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтара олади. Шунинг учун Худого садоқат билан хизмат қилиш усулига эътибор бермай, қуруқ назарий илм ўрганиш билан шуғулланмаслик керак. Назарий илм ёрдамида Сенинг фазовий намоён бўлган қудратининг озгина англаб олиш мумкин, аммо бутун борликнинг манбаи бўлган Сенинг Ўзининг англаб бўлмайди. Фақат назарий илм ўрганишга қизиқадиган одамларнинг барча уринишлари - худди похол орасидан гуруч топишга уриниб юрган одамларнинг уринишлари сингари бемаъни, самарасиз меҳнат. Шолига озгина ишлов бериш

билан ажойиб гуруч олиш мумкин, лекин гуручи олинган қуруқ кепакка қанча ишлов берманг, гуруч олишининг илоҳи йўқ. Бу шунчаки вақтни бекорга кетказиш, холос.

Эй азиз Худойим, руҳий юксалиш йўлида илоҳий поғонага кўтарилишга бўлган ҳамма уринишлари бирор натижа бермаганида инсон Сенга садоқат билан хизмат қилишга ўзининг бутун борлигини - танасини, ақлини ва нутқини бутунлай топширгани ва шу тариқа руҳий баркамолликнинг энг олий поғонасига - Сенинг даргоҳингга кириш имкониятига эришгани ҳақида инсоният тарихида жуда кўп мисоллар бор. Сенга садоқат билан хизмат қилмай туриб, фалсафий изланишлар ёки сеҳрли йога билан шуғулланиш орқали Сени англаб етишга бўлган барча уринишлар бирор фойда бермайди. Шунинг учун ҳатто ўзининг кундалик ишларида ҳам инсон Сен ҳақингда гапириш, Сенинг илоҳий шон-шухратинг ҳақида тинглаш ёрдамида ҳаммиша Сен билан бирга қолиши керак. Агар одам шунчаки Сен ҳақингдаги ҳикояларни тинглашга ва Сени шарафлаб қуйлашга боғланиб қолса, у албатта руҳий камолотда энг юқори поғонага кўтарилади ва Сенинг мангу салтанатингга кира олади. Агар одам ҳаммиша Сен ҳақингда гапириш, тинглаш, ўз меҳнатининг натижаларини Сенга тақдим этиш, ҳаммиша Сени мамнун қиладиган ишларни қилиш орқали Сен билан бўлган алоқасини узмай юрса, у ҳеч қийналмасдан, қалби қувончга тўлиб Сенинг олий даргоҳингга кириш имкониятига эга бўлади. Фақат қалбини ҳар қандай иллатлардан поклаган кишигина Сени англашга қодир бўла олади. Фақат Сенинг илоҳий мукамал ҳолатининг шарафлаб қуйлаш ва тинглаш орқалигина инсон ўзининг қалбини барча иллатлардан бутунлай поклаши мумкин".

Парвардигор ҳамма жойга сингиб кетган ва бутун борлиқни қамраб олган Зот. "Бхагавад Гита"да Парвардигор Кришна шундай дейди: "Бутун борлиқни Мен қўллаб-қувватлаб тураман, лекин айни пайтда Мен ҳамма нарсада мавжудман". Парвардигор ҳамма нарсага сингиб кетгани учун У билмайдиган нарсанинг ўзи йўқ, У - ҳамма нарсадан хабардор. Худонинг Олий Шахсининг ҳамма нарсага сингиб кетган табиатини тирик мавжудот чекланган илм ёрдамида англаб ета олмайди, аммо ақлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиш билан ақлининг барқарорлигига эришган одам, маълум даражада Парвардигорни тушунишга қодир бўлади. Инсоннинг ақли одатда ҳиссий лаззат излаш билан овора бўлиб ҳаммиша бир нарсдан иккинчи нарсага кўчиб юради. Шунинг учун ўз ҳиссиётини ҳаммиша Худого хизмат қилиш билан банд қилиб юрган одамгина ақлини жиловлаб,

фикру-хаёлларини ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қила олишга қодир бўлади. Ақлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиш *самадхи* деб аталади. Токи одам самадхи, яъни транс ҳолатига кўтарилмас экан, у Худонинг Олий Шахсининг табиатини тушуна олмайди. Бу моддий оламни у атомидан бу атомигача ўрганиб чиқа оладиган файласуф ва олимлар бўлиши мумкин. Илм-фан шу даражада тараққиёт қилиши мумкинки, бутун коинотда неча атом борлигини аниқлаши, осмондаги ҳамма юлдузларни санаши, ҳатто куёш нурларидаги ҳамма корпускула(нур сочувчи заррача)ларни санаб чиқишлари мумкин. Лекин Худонинг Олий Шахсининг сифатларини санаб охирига етишнинг илоҳи йўқ.

"Веданта-сутра"нинг бошида айтилганидай, Худонинг Олий Шахси барча сифатлар манбаидир. Уни одатда *ниргуна* деб атайдилар. Ниргуна ибораси "сифатини ўлчаб бўлмайдиган Зот" деганни билдиради. *Гуна* - "сифат", *нир* - ўлчаб бўлмайдиган" - деган маънони билдиради. Аммо имперсоналистлар *ниргуна* иборасини нотўғри талқин қилиб "сифати йўқ" "ҳеч қандай сифатга эга эмас" деб тушунадилар. Улар ўзлари Парвардигорнинг илоҳий сифатларини англай олмаганидин "Худонинг Олий Шахсининг ҳеч қандай сифати йўқ" деб хулоса чиқарганлар. Аслида умуман бундай эмас. Аслида Парвардигор - барча сифат, барча хусусиятларнинг бошланғич манбаидир, Ундан ҳамиша турли хил сифатлар чиқиб туради. Шунинг учун имконияти чекланган инсон Парвардигорнинг сифатларини қандай ҳисоблай оларди? Балки у маълум бир пайтда бунинг уддасидан чиқар, аммо орадан бир лаҳза ўтмай Парвардигорнинг сифатлари яна кўпайиб кетади. Демак Парвардигорнинг илоҳий сифатларининг сонини аниқлашнинг илоҳи йўқ. Шу боис Уни ниргуна деб атайдилар. Унинг сифатларини баҳолаб, санаб ниҳоясига етиб бўлмайди.

Фаросатли одам Парвардигорнинг сифатларини санашга берилиб, бемаъни фалсафий изланишларга бекорга вақтини кетказиб юрмаслиги керак. Фалсафий изланишларга берилишнинг ёки сеҳр кудратига эришиш учун ҳар хил жисмоний машқлар бажариб юришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Шуни яхши тушуниб олиш лозимки, бу тананинг ҳаётда дучор бўладиган мусибатлари ҳам, шодликлари ҳам олдиндан белгилаб, тақдирга ёзилиб қўйилган; бу дунёда тақдиримизга ёзилган мусибатлардан қочиб қутулишга ёки сеҳрли йога машқлари ёрдамида бахтга эришишга уриниб юришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Бунинг ўрнига инсон ўз ихтиёрини

бутунлай Худонинг амрига топширгани ва ўзининг танаси, ақли ва нутқи билан ҳамиша Унга хизмат қилиб яшагани яхши. Ана шундай илоҳий меҳнат албатта ўз натижасини кўрсатади, аммо Мутлақ Ҳақиқатни англаш йўлида қилинган бошқа ҳар қандай уринишлар бизга ҳеч қандай фойда бермайди. Шунинг учун фаросатли одам Худонинг Олий Шахсини, Мутлақ Ҳақиқатни фалсафий изланишлар ёки сеҳр кудрати ёрдамида тушуниб олишга уринмайди. Бунинг ўрнига у ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига топшириб, умрини Унга садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди. Шундай одам биладикки, ҳаётда рўй берадиган танаси билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси аввалги ҳаётидаги кўрсатган кармали фаолиятининг натижаларидир. Агар одам Худога садоқат билан хизмат қилиб, ҳаётда шу тариқа оддий турмуш кечирса, у табиий равишда Худонинг илоҳий даргоҳига эриша олади. Аслини олганда ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг ажралмас бир заррачаси, Худонинг фарзанди, ўғлидир. Ўз табиатига кўра ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг илоҳий лаззатларидан баҳраманд бўлиб яшашга ҳаққи бор, аммо шартланган тирик мавжудот модда билан аралашиб кетгани сабабли ўзининг ана шу ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Агар одам Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирса, у табиий равишда моддий иллатлардан покланиш ва илоҳий поғонага кўтарилиш имкониятига - Парвардигор билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятига эришади.

Тангри Брахма ўзини Парвардигор Кришна олдида барча тирик мавжудотлар ичида энг манман, ўзига бино қўйган зот қилиб кўрсатди, чунки у Парвардигорнинг мўъжизавий кудратини текшириб кўришни истаган эди. У Парвардигор қандай қилиб уларни қайтариб олишини кўриб қўйиш учун Унинг бузукларини ва дўстларини ўғирлаб кетган эди. Шу ишни қилиб бўлиб, Тангри Брахма ўзининг ҳар қандай кудрат соҳиби аслида ким эканини текшириб кўриш ниятида қилган бу уриниши жуда ғайритабиий димоғдорлик бўлганини тан олди. Ақлини йиғиб олгандан кейин Тангри Брахма кўрдикки, гарчи бу дунёдаги барча тирик мавжудотлар кўзи олдида ўзи энг кудратли зот бўлса ҳам, Худонинг Олий Шахсининг кучи ва кудрати олдида ўзининг кудрати жуда арзимас, кўримсиз экан. Масалан, дунёвий олимлар "атом бомбаси" деган мўъжиза яратдилар, агар улар мана шу мўъжизани бирор шаҳарда ёки сайёрамизнинг бирор жойида санаб кўрсалар, бу кудратли қурол уларни хайратга солади, аммо улар ана шу қуролни Куёш сайёрасида текшириб кўрсалар, унинг кучи қандай бўларди? У жойда

атом бомбанинг қудрати жуда арзимас бўлиб, умуман сезилмай қоларди. Худди шундай Тангри Браҳманинг Шри Кришнанинг бузоқларини ва дўстларини ўғирлаши унинг ғайритабиий сеҳр қудратга эга эканини намоиш этарди, аммо Шри Кришна Ўз қудратини намоиш этиб, Ўзини барча бузоқлар ва подачи болалар қиёфасида намоён этиб, ҳеч қийналмасдан уларнинг мавжудлигини таъминлаб турганини кўрган Тангри Браҳма ўзининг қудрати жуда чекланган эканини англаб етди.

Тангри Браҳма Парвардигор Кришнага Ачйута деб мурожаат қилди, чунки Парвардигор Ўз бхактасининг озгина қилган хизматини ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармайди. У Ўз содиқ(бхакта)ларига шу қадар меҳрибонки, уларнинг кўрсатган ҳар қандай хизматига жуда катта аҳамият беради. Тангри Браҳма эса, албатта Парвардигор Кришнага жуда кўп хизмат қилган. Мана шу коинот ҳаётига маъсул бўлган буюк тирик мавжудот сифатида у албатта Кришнанинг содиқ хизматкори ҳисобланади. Шунинг учун у Кришнани овута олишга эришган эди. У илтижо қилиб Парвардигордан уни ҳам Ўзининг содиқ хизматкори деб ҳисоблашини, шу боис бундай кичкина хато ва манманлиги учун кечирини илтимос қилди. У Тангри Браҳма вазифасини бажарар экан, бундан жуда мағрурланиб, гердаиб кетганини тан олди. Бу оламда эҳтирос гунасининг тимсоли бўлгани учун У бундай хатоларга йўл қўйиши табиий ҳол эди. Ниҳоят, охир оқибатда Парвардигор Кришна Ўзининг содиқ хизматкорига нисбатан чуқур ҳамдардлик билдириб, унинг содир этган бу катта ҳурматсизлигини кечирди.

Тангри Браҳма ўзининг ўрнини англаб етди. Албатта, у моддий унсурлар - сохта ўзлик, осмон, ҳаво, олов, сув ва ердан таркиб топган моддий табиатнинг яралиши учун маъсул бўлган буюк зот, мана шу коинотнинг руҳий устози ҳисобланади. Танамизни ўлчаб, унинг ўлчами етти чиғаноқ ўлчамига тенг эканини билганимиз сингари, бу коинот ҳам қанчалик катта бўлмасин уни ўлчаш мумкин. Одатда одамнинг танасининг ўлчами унинг чиғаноғи ўлчамидан етти марта катта бўлади. Коинот ҳам ғайритабиий равишда катта бўлган танадай туюлиши мумкин, аммо Тангри Браҳма учун бу коинотнинг ўлчами унинг етти чиғаноғи катталигига тенг бўлади. Моддий оламда мана шу коинотдан бошқа, бу Тангри Браҳманинг ҳукми остида бўлмаган сон-саноксиз коинотлар мавжуд. Ойнага тутиб қўйилган парданинг сон-саноксиз тешиклари орқали сон-саноксиз майда заррачалар ўтгани сингари, маха-Вишнунинг танасидаги тешикларидан ҳам миллионлаган,

триллионлаган коинотларнинг бошланғич уруғлари чиқиб туради, ана шу Маха-Вишну эса Парвардигор Кришнанинг тўлиқ экспансиясининг бир қисми холос. Шундай экан, гарчи Тангри Браҳма бу коинотдаги энг буюк тирик мавжудот бўлса ҳам, Парвардигор Кришнанинг олдида у қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкин?

Шу боис Тангри Браҳма ўзини онаси қорнида ётган ҳомилага ўхшатди. Агар онаси қорнидаги бола қўл ёки оёғини ўйнатиб, онасининг қорнини қўзгатса, наҳотки онаси бунинг учун ўзининг қорнидаги боласидан хафа бўлса? Албатта у бундан хафа бўлмайди. Тангри Браҳма ҳам моддий оламда буюк зот бўлиши мумкин, лекин барибир, фақат Браҳма эмас, бутун бутун борлиқ Парвардигорнинг ичида жойлашган. Парвардигор Ўзининг қуввати билан ҳамма жойга сингиб, бутун борлиқни қамраб олган Зот. Бутун борлиқда Худонинг қудрати таъсир қилмайдиган бирор жой йўқ. Бутун борлиқ Парвардигорнинг қуввати доирасида ҳаракат қилади, шундай экан, бу коинотнинг Браҳмаси ёки бошқа миллион-триллионлаган коинотлар ҳам Парвардигорнинг қуввати ичида мавжуд бўлиб ҳаракат қилиб туради. Шунинг учун Парвардигор - она, Унинг ичидаги бутун борлиқ эса - Унинг фарзандлари деб аталади. Яхши она ҳеч қачон ўз фарзандидан хафа бўлмайди, ҳатто боласи оёқларини ўйнатиб унинг қорнини тепиб юборса ҳам.

Кейин Тангри Браҳма аслида ўзи уч олам, яъни Бхурлока, Бхуварлока ва Сварғалока деб аталадиган уч турли сайёралар тизими яқсон бўлгандан кейин Нарайананинг қорнида ўсиб чиққан нилуфар гулидан туғилганини тан олди. Коинот учга бўлинади - Сварга, Мартйа ва Патала. Қиёмат-қойим, яъни охирзамон келганида мана шу уч сайёралар тизимининг ҳаммаси сувга ғарқ бўлади. Шу пайтда Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаси Нарайана сувда ястаниб ётади, аста-секин Унинг қорнида нилуфар ниҳоли ўсиб чиқади, унинг очилган гулидан эса Браҳма туғилади. Табиийки, Нарайана Браҳманинг онаси бўлади. Коинот яқсон бўлганда Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг паноҳ топиб ором оладиган нажот маконига айлангани сабабли Уни *Нарайана* деб атайдилар. *Нара* ибораси "барча тирик мавжудотлар тўплами" деганни, *айана* дегани эса "дам олиш жойи" деган маънони англатади. Гарбходакашайи Вишнунинг қиёфасини Нарайана деб атайдилар, чунки У мана шу сувда ором олиб ётади. Бунинг устига У - барча тирик мавжудотларнинг ором олиш маконидир. Шунингдек "Бхагавад Гита"да айтилганидай, У ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд. Шу маънода ҳам У



*Нарайана*, чунки *айана* ибораси "ором олиш жойи" деган билан бирга "илм манбаи" деган маънони ҳам англатади. "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланганки, тирик мавжудотнинг хотираси, эса саклаш қобиляти унинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухдан чиқади. Танасини алмаштиргандан кейин тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётини бутунлай унутиб юборади, аммо Нарайана, Олий Рух, унинг қалбида ҳамиша у билан бирга бўлгани сабабли у Олий Рух эслатиб турган ўзининг аввалги истакларига мос равишда ҳаракат қилади. Брахма Кришна - бошланғич Нарайана эканини, У - Нарайананинг манбаи, Нарайана Унинг ташқи қуввати намоён этган киёфа эмас, балки Парвардигорнинг руҳий қувватининг экспансияси эканини исботламоқчи эди. Майянинг, ташқи қувватнинг фаолияти бу космик олам яратилгандан кейин бошланади, Нарайананинг бошланғич руҳий қуввати эса бу моддий олам яралишидан аввал ҳам ҳаракат қилиб турарди, шундай экан, Кришнанинг экспансиялари Кришнадан Каранадокашайи Вишнуга, Каранадокашайи Вишнудан Гарбходакашайи Вишнуга, Гарбходакашайи Вишнудан Кширодакашайи Вишнуга, Кширодакашайи Вишнудан ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбигача бўлган экспансияларнинг ҳаммаси руҳий қувватнинг намоён бўлган кўринишларидир. Улар моддий қувватга боғлиқ эмас, шу боис улар мангу, ўзгармас. Моддий қувват яратган нарсаларнинг ҳаммаси ўткинчи. Руҳий қувват билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси мангу.

Тангри Брахма ўзининг "Кришна - бошланғич Нарайана" деб айтган гапларини яна бир бор тасдиқлади. У айтдики, коинотнинг баҳайбат танаси аввалгидай *Гарбходака* деб аталадиган сувда жойлашган. У шундай деди: "Коинотнинг бу баҳайбат танаси Сенинг қувватининг намоён бўлган яна бир кўриниши. Бу баҳайбат киёфа ҳам - Нарайана, чунки У ҳам сувда ётибди, бизларнинг ҳаммамиз ана шу Нарайананинг киёфаси ичидамиз. Мен Сенинг Нарайана киёфангни ҳамма жойда кўраман: мен Сени сувда кўраман, Сени ўз қалбимда ҳис қиламан, ҳозир эса Сен менинг олдимда турибсан. Сен - бошланғич Нарайанасан.

Эй азиз Худойим, ана шу киёфангда Сен майянинг олий Хукмдори эканигни исботладинг. Сен мана шу намоён бўлган космик борлиқнинг ичидасан, айна пайтда бутун борлиқ Сенда жойлашган. Сен буни Йашода Онага оғзинг ичида бутун борлиқни намоён этганинга исботладинг. Сенинг англаб бўлмас қувватинг бўлган йогамайя ёрдамида Сен бундай мўъжизаларни ҳеч қийналмасдан амалга ошира оласан.

Эй азиз Парвардигор Кришна, биз ҳозир кўриб турган бутун борлиқ Сенинг танангдан жой олган. Лекин мен барибир Сени сиртдан кўриб турибман, Сен ҳам мени алоҳида кўриб турибсан. Ана шундай ҳолатлар Сенинг англаб бўлмас қувватингиз қандай қилиб юзага келиши мумкин?"

Тангри Брахма таъкидлаб айтяптики, Худонинг Олий Шахсининг англаб бўлмас қувватини тан олмай туриб бу дунёдаги нарсаларнинг, воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини тушунтириб бўлмайди. У давом этиб шундай деди: "Эй азиз Худойим, ҳамма нарсани четда кўя туриб, фақат бугун рўй берган воқеаларни - ҳозир кўриб турган мўъжизани гапирадиган бўлсам, буларнинг ҳаммаси Сенинг англаб бўлмас қувватинг иши эмасми? Аввалига мен Сенинг ёлғиз Ўзингни кўрдим, кейин Сен Ўзингни дўстларинг ва бузоқларинг киёфасида, Вриндавандаги ҳамма мавжуд нарсалар кўринишида намоён этдинг. Кейин мен Сени ва барча подачи болаларни тўрт қўлли Вишну киёфасида кўрдим, барча унсурлар ва фаришталар, шу жумладан мен ҳам Уларга сажда қилардик. Кейин улар яна подачи болаларга айландилар, Сен эса яна аввалгидай ёлғиз Ўзинг қолдинг, мана шунинг ўзи Сен Худонинг Олий Шахси, Нарайана эканингнинг, Сендан чиқадиган ва яна Сенга қайтиб кирадиган ҳамма нарсанинг ягона манбаи эканингни, Сен эса ҳамиша бирдай ўзгармай қолаверишингни аниқ исботлаб тургани эмасми?"

Сенинг англаб бўлмас қувватларингни билмайдиган зотлар Сен Ўзингни коинотни яратувчи Брахма, борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб турувчи Вишну ва яксон қилувчи Шива кўринишида намоён этиб кўпайтиришингни тушуна олмайдилар. Ҳаётнинг асл моҳиятини билмайдиган ғофил одамлар мени, Тангри Брахмани оламни яратувчи, Вишну - борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб турувчи, Шива эса - яксон қилувчи зот деб ҳисоблайдилар. Аслида эса, ягона Сен Ўзинг ҳаммани - яратувчини ҳам, оламнинг мавжудлигини таъминловчини ҳам, оламни яксон қилувчини ҳам Ўзингда мужассам қилгансан. Худди шундай Сен Ўзингни ҳар хил киёфаларда намоён этиб борлиққа тараласан. Фаришталар орасида Сен Вamanaдева бўлиб, донишмандлар орасида - Парашурама бўлиб, инсон киёфасидаги зотлар орасида эса асл киёфангда - Парвардигор Кришна ёки Парвардигор Рамачандра кўринишида намоён бўласан. Ҳайвонлар орасида Сен тўнғиз киёфасида, сувда яшайдиган ҳайвонлар орасида балиқ кўринишида намоён бўласан. Лекин барибир Сени "пайдо бўласан" деб бўлмайди, чунки Сен мангусан. Сен Ўзингнинг англаб

бўлмас кувватинг ёрдамида фақат содик бхакталарингни ҳимоя қилиш учун ва иймонсиз иблисларни яксон қилиш учун Ўзингни бу дунёда намоён этасан ва яна ғойиб бўласан. Эй азиз Худойим, эй ҳамма жойга сингиб кетган Худонинг Олий Шахси, эй барча сеҳр кудратини бошқариб турган Олий Рух, ҳеч ким Сенинг бу уч оламда намоён этган илоҳий эрмакларингни англаб етишга қодир эмас. Қандай қилиб Сен Ўзингнинг йогамайянгни Ўз қиёфаларингга айлантирганингни, Ўзингнинг илоҳий кувватларинг ёрдамида Сен қандай ҳаракат қилишингни ҳеч ким аниқлай олмайди. Эй азиз Худойим, бу бутун космик борлиқ худди тез ўтиб кетадиган тушга ўхшайди, унинг вақтинчалик мавжуд бўлиб туриши фақат кишининг ақлини чалғитади, холос. Шу сабабли мана шу моддий ҳаёт ҳар хил ташвишларга тўла бўлади. Бу дунёда ҳаёт кечириш ҳар хил мусибатлар ва турли фалокатларни бошдан кечириш демакдир. Лекин шунга қарамай мана шу вақтинчалик, ўткинчи дунё одамниг кўзига жуда ёқимли ва қадрли бўлиб кўринади, чунки у ҳам Сенинг танангдан - илм ва лаззатга тўла мангу танангдан чиққан.

Шунинг учун мен шундай хулосага келаманки, Сен Олий Рух, Мутлақ Ҳақиқат ва Худонинг Олий Шахсисан; гарчи Сен Ўзингнинг англаб бўлмас илоҳий кудратинг ёрдамида Ўзингни шунча кўп Вишнуларга, ёки тирик мавжудотларга ва ҳар хил кувватларга айлантирган бўлсанг ҳам, Сен - ҳаммадан буюк Зотсан, ҳеч ким Сенга тенг бўла олмайди, Сен - энг Олий Рухсан. Сон-саноксиз тирик мавжудотлар азалий, бошланғич оловдан учиб чиқаётган учқунларга ўхшайдилар. Эй буюк Зот, Олий Рух ҳақида қандайдир шахсиятсиз Зот кўринишида тасаввурга эга бўлиш нотўғри, чунки мен яққол кўриб турибманки Сен - бошланғич, азалий шахссан. Сен оддий тирик мавжудот сингари Нанда Махаражнинг ўғли бўлиб туғилганинг боис Сени - бошланғич, азалий Шахс эмас деб фақат ғофил, илмсиз одамлар айтишлари мумкин. Улар қаттиқ адашадилар. Аслида Сен - бошланғич, азалий Худонинг Олий Шахсисан. Менинг яқуний хулосам шу. Нанда Махаражнинг ўғли бўлишингга қарамай, Сен - бошланғич Худонинг Олий Шахсисан, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Сен - Мутлақ Ҳақиқатсан. Сен бу моддий зулматга мансуб эмассан. Сен - бошланғич брахмажйотининг, моддий оламдаги барча ёритгичларнинг ягона манбаисан. Сендан таралиб турган илоҳий ёғду брахмажйотининг ўзидир. "Брахма-самхита"да айтилганидай, *брахмажйоти* Сенинг танангдан таралиб турган ёғду. Парвардигор Вишнунинг жуда кўп қиёфалари бўлгани сингари Сенинг ҳар хил

сифатларингнинг намоён бўлган тимсоллари кўп, аммо уларнинг ҳаммаси юқори сатҳда мавжуд. Сен - ҳамма нарсанинг манбаисан. Сен - бошланғич, бирламчи шамчиروق(ёритгич)сан Сендан туташирилган бошқа шамчиروق(ёритгич)лар ҳам атрофга бошланғич ёритгичдай ёруғлик таратиши мумкин аммо, бошланғич ёритгич барча ёритгичларнинг манбаи ҳисобланади. Сен бу моддий оламда яратилган зотларнинг бири эмассан, шу боис олам яксон бўлгандан кейин ҳам Сен аввалгидай мавжуд бўлиб қолаверасан.

Сен бошланғич шахс бўлганинг учун ҳам Сени "Гопала-тапани Упанишадада ҳам, "Брахма-самхита"да ҳам *говиндам ади-пuruшам* деб таърифлайдилар. Говинда - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлган бошланғич шахс. "Бхагавад Гита"да ҳам айтилганки, Сен - Брахман нурининг манбаисан. Ҳеч ким Сенинг тананг ҳам одатдаги моддий таналарга ўхшайди деб ўйламаслиги керак. Сенинг тананг *акшара*, "ҳеч қачон яксон бўлмайдиган", "ҳеч қачон емирилмайдиган" тана. Моддий тана ҳаммиша уч хил мусибатларга дучор бўлиб юради, аммо Сенинг тананг *сат-чид-ананда-виграха*: илм, лаззат ва мангуликка тўла. Шунингдек Сен ниранджанасан, чунки Сенинг Йашода онанинг ўғли ёки гопиларнинг хукмдори қиёфасида намоён этган эрмакларинг ҳеч қачон моддий гуналар билан булганмайди. Гарчи Сен Ўзингни шунча подачи болалар, сигирлар ва бузуклар қиёфасида намоён этиб кўпайтирган бўлсанг ҳам, Сенинг илоҳий кудратинг камайиб қолгани йўқ. Сен ҳаммиша тўла бутунсан. Ведалар адабиётида таърифланганидай, ҳатто тўла бутун Худонинг Олий Шахсидан тўла бутун ажралиб чиқса ҳам У барибир тўла бутунлигича Олий Мутлақ Ҳақиқат бўлиб қолаверади. Гарчи Сенинг кўплаган тўлиқ экспансияларинг мавжуд бўлса ҳам барибир Сен ягона ва бетакрор бўлиб қолаверасан. Сенинг барча эрмакларинг илоҳий табиатга эга бўлгани учун уларни моддий табиат гуналари булғай олмайди. Сен Ўзингни отанг Нанда Махараж ва Йашода онага қарам қилиб қўйганинг билан Сенинг улуғвор ҳолатинг, илоҳий кудратинг камайиб қолмайди. Бу шунчаки Сенинг Ўз бхакталарингга кўрсатаётган меҳр тўла муносабатларинг, холос. Ҳеч ким Сен билан тенглаша олмайди. Фақат билимсиз одамгина Сенинг бу дунёга келишинг ва кўрсатган кароматларингни оддий дунёвий ишлар деб ўйлаши мумкин. Аммо Сен ғофилликка ҳам, илмга ҳам бир хилда илоҳий ҳолатдасан, бу "Гопала-тапани упанишада"да ҳам тасдиқланади. Сен - ўзгармас, бошланғич *амрита*(мангулик шарбати)сан. Ведаларда тасдиқланганки: *амритам шаиватам брахме*.

Брахман мангу, У - на туғилишни, на ўлишни билмайдиган бўлиб, ҳамма нарсанинг энг олий манбаи ҳисобланади.

Упанишадаларда айтилганки, Олий Брахманнинг нур сочиб туриши куёшнинг нур сочишига ўхшайди, У - ҳамма нарсанинг манбаи, ана шу бошланғич Шахсни тушуна олган ҳар бир одам бу шартланган моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқади. Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Сен билан боғланган ҳар бир одам Сенинг ҳақиқий ҳолатингни, Сенинг қандай туғилишингни, бу дунёдан кетишингни, кўрсатган кароматларингни тушуна олади. "Бхагавад Гита"да айтилганидек, Сенинг бу дунёга келишингни, илоҳий ҳолатингни, кароматларингни ва кетишингни тушуниб етган одам ҳозирги танасини тарк этгандан кейин Сенинг мангу руҳий салтанатингга кўтарила олади. Шундай қилиб, моддий ғофиллик уммонини кечиб ўтиш учун фаросатли одам Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топади ва осонлик билан руҳий оламга кўтарилади. Муруқабга билан шуғулланадиган, аммо Сен ҳар кимнинг қалбидаги Олий Рух эканингни билмайдиган жуда кўп одамлар бор. "Бхагавад Гита"да айтилганки, Сен - ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухсан. Шунинг учун фикру-хаёлини Сендан бошқа бирор нарсада мужассам қилиб юришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Ҳамиша Кришна киёфасидаги Сенинг бошланғич киёфангни хаёлида мужассам қилган одам моддий ғофиллик уммонини осонлик билан кечиб ўтади. Аммо, Сен Олий Рух эканингни билмайдиган одамлар, муруқабга қанчалик ғарқ бўлмасинлар, моддий оламнинг бу қирғоғида қолиб кетаверадилар. Агар одам Сенинг бхакталаринг билан ҳамсухбат бўлиш ёрдамида Парвардигор Кришна - бошланғич Олий Рух эканини билиб олса, у моддий оламнинг ғофиллик уммонини кечиб ўтиш имконига эга бўлади. Масалан, биладиган одам арқонни илон деб кўркиб ўтирмайди. Арқон илон эмас эканини билган заҳоти у ҳар қандай кўркувдан халос бўлади. "Бхагавад Гита"да Сен Ўзинг шахсан айтган гаплардан ёки "Шримад Бхагаватам" ва бошқа ведавий адабиётларда Сенинг соф содиқларинг айтган гаплардан Сени тушуниб олган, Сен - ҳар қандай илмнинг якуний мақсади эканингни англаб етган кишининг бу моддий оламда қандайдир кўркувга, хавотирга берилиб юришига мутлақо ҳожат қолмайди.

Худди арқон илон эмаслигини билмаган одам сингари, ўзини Сенга соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган киши учун озодликка чиқиш ва моддий тутқунлик деган гапларнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди.

Бхакта яхши биладики, бу моддий олам - Сенинг мулкинг, шу боис у ҳамма нарсани Сенга муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлайди. Ундай одам учун тутқунлик мавжуд эмас. Куёш сайёрасида турган одамни куннинг ботиши ёки чиқиши мутлақо қизиқтирмай қўяди. Яна айтилганки, Сен, Кришна куёшга ўхшайсан, майя эса - зулматга. Куёш бор жойда зулматга жой қолмайди, шу боис ҳаммиша Сен билан бўлган одам учун тутқунлик ёки озодлик деган гапларнинг маъноси қолмайди, ундай одам аллақачон озодликка чиққан инсон ҳисобланади. Аксинча, адашганидан руҳий озодликка эришдик деб юрган, лекин Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топмаган одамлар албатта тубанликка юз тутадилар, чунки ҳали уларнинг тафаккурлари нопок.

Шунинг учун агар кимдир Олий Рух билан Сенинг Шахсинг орасида бирор фарқ бор, улар бир-биридан фарқ қилади деб ўйласа ва Олий Рухни бошқа бирор жойдан - ўрмонданми, Ҳимолай тоғидаги ғорларданми излаб юрган бўлса, шубҳасиз ундай ғофил одамнинг аҳволи ниҳоятда ачинарлидир.

Сен "Бхагавад Гита"да айтгансанки, инсон ўзликни англашнинг бошқа ҳамма усулларини тарк этиши, ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топшириши лозим, чунки мана шу - энг буюк баркамолликдир. Сен - энг олий Зот бўлганинг сабабли Брахманнинг илоҳий нурини излаб юрган одам ҳам аслида Сени англаб етишга уринаётган бўлади, Олий Рухни излаб юрган одам ҳам айна пайтда Сени излаб юрган бўлади. Сен "Бхагавад Гита"да айтгансанки, Ўзингнинг Олий Рух кўринишидаги қисман намоён бўлган кўринишингда бу моддий олам ичига киргансан. Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжудсан, шу боис Олий Рухни бошқа бирор жойдан излаб юришнинг ҳожати йўқ. Шундай қилиб юрган одам шунчаки ғофил одамдир. Бундай ҳолатга илоҳий назар билан қарай оладиган одам биладики, Сен - чексиз, бепоёнсан; Сен ташқарида ҳам, ҳар бир одамнинг қалбида ҳам мавжудсан. Сен ҳамма жойда мавжудсан. Олий руҳни бошқа бирор жойдан излаш ўрнига Сенинг бхактанг бутун ақлини қалбида мавжуд бўлган Сенинг киёфангда мужассам қилади. Аслини олганда фақат ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан халос бўлган одамларгина Сени излай оладилар, бошқа одамлар Сени излашга қодир эмаслар. Арқонни илон деб кўркиб юрган одамларни мисол келтириш Сени билмайдиган одамларга нисбатан жуда тўғри бўлади. Аслини олганда фақат бизнинг хаёлимизда илон арқон ўрнини эгаллаб туради. Худди шундай майя ҳам фақат бизнинг хаёлимизда мавжуд. Аслида майя - Сенинг Шахсингни билмасликдан бошқа нарса

эмас. Инсон Сени унутиб кўйган пайтда майянинг шартланган ҳолатига тушиб қолади. Шу боис ҳам қалбида, ҳам ташқи ҳаракатларида Сен билан бирга бўлиб юрган киши алданиш домига тушиб қолмайди.

Сенга қисман бўлса ҳам садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Сенинг мукамаллигини англаб ета олади. Агар Сенга садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирмаса, ҳатто шахсиятсиз Браҳманни ёки Параматмани англаб етган одам ҳам Сенинг шахсининг ҳар хил сифатларини англай олмайди. Одам ҳар хил имперсоналистларнинг руҳий устози бўлиши ёки ўрмонга, ғорга ёки тоғларга кетиб, таркидунё қилиб риёзат чекиши, узоқ йиллар давомида муроқабага берилиши, чуқур фикр-мулоҳаза юритиши мумкин, лекин агар у озгина бўлса ҳам Сенга садоқат билан хизмат қилмаса, барибир Сенинг мукамал сифатларини англаб ета олмайди. Агар Худога садоқат билан хизмат қилиш ўзининг сеҳрли таъсирини озгина бўлса ҳам ўтказмаган бўлса, инсон ҳатто шахсиятсиз Браҳманни ёки Параматмани ҳам англаб етишининг иложи бўлмайди.

Эй азиз Худойим, мен Сендан шуни илтижо қилиб тилайманки, ҳозирги ҳаётимда ёки кейинги ҳаётимда қаерда туғилишимдан қатъий назар мен ҳам Сенинг бхакталарингдан бири бўлиш бахтини татиб кўрай! Кейинги ҳаётимда қандай ҳаёт шаклида туғилсам ҳам менга фарқи йўқ, чунки кўриб турибманки, ҳатто бузоқлар ва подачи болалар танасида юриб ҳам бхакталаринг Сен билан бирга бўлиш бахтига муяссар бўлиб,

Сен билан ҳамсуҳбат бўлиб, Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрибдилар. Шунинг учун ҳозирги юксак мартабали лавозимни эгаллаб, ғофиллик уммонига ботиб юрганимдан кўра мен ҳам уларнинг биттаси бўлишни истайман. Вриндаванлик сигирлар ва гопилар Сени ўз сутлари билан боқиш бахтига муяссар бўлдилар. Кўплаган эчкиларни муқаддас оловга қурбон қилиб тантанали қурбонлик маросими ўтказиш билан овора бўлиб юрган одамлар Сени англашда баркамолликка эриша олмайдилар. Аммо шунчаки Сенга садоқат билан хизмат қилиш орқали мана шу соддадил қишлоқи қизлар ва сигирлар Сени ўзларининг сути билан мамнун қияптилар. Уларнинг сutiдан ичиб Сен улардан жуда мамнун бўласан, ҳар хил қурбонлик маросими ўтказиб юрган одамлар эса ҳеч қачон Сени шунчалик мамнун қила олмайдилар. Шу боис Нанда Махаражнинг, Йашода онанинг, подачи ва подачи аёлларнинг ҳаётда қанчалик бахтиёр экани мени ҳайратга соляпти, ахир Худонинг Олий Шахси, Мутлақ Ҳақиқат бўла туриб, Сен шахсан Ўзинг уларнинг энг сеvimли эрмаклари

бўлиб юрибсан. Эй азиз Худойим, Вриндаван аҳолисининг қанчалик бахтиёр эканини таърифлашга тил ожизлик қилади. Биз фаришталар, тирик мавжудотларнинг ҳар хил ҳиссиётларини бошқариб турадиган илоҳлар - барчамиз, шундай қудратга эга бўлганимиздан фахрланамиз, лекин аслини олганда бизларнинг бу ҳолатимизни Вриндаван аҳолисининг ҳолати билан умуман таққослаб бўлмайди, чунки улар ўз хизматларининг шарофати билан ҳақиқатан ҳам Сен билан бирга бўлиб, Сен билан ҳамсуҳбат бўлишдан лаззатланиб юрибдилар. Бизлар ҳар хил сезгиларни бошқаришимиздан фахрланишимиз мумкин, аммо Вриндаван аҳолиси шу қадар юксак илоҳий даражага кўтарилганки, улар бизларга умуман бўйсунмайдилар. Аслида улар ҳамиша Сенга садоқат билан хизмат қилишдан чуқур руҳий лаззат олиб яшайдилар. Шу боис мен кейинги ҳаётларимнинг бирида мана шу Вриндаван тупроғида туғилишни ўзим учун энг буюк бахт деб ҳисоблайман.

Эй азиз Худойим, мени на моддий бойлик, на руҳий озодликка чиқиш қизиқтирмайди. Мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош уриб илтижо қиламанки, кейинги ҳаётларимнинг бирида менга Вриндавандаги бхакталарнинг оёқлари гардни бошимга суртиш имконига эга бўлишим учун Вриндаван ўрмонларининг бирида истаган ҳаёт турида туғилиш имконини бер! Агар ҳатто мен мана шу заминда оддий майса бўлиб туғилиш бахтига эришсам ҳам бу мен учун энг шарафли туғилиш бўлади. Агар мен Вриндаваннинг ўзида туғилишга муносиб бўлмасам, шу ерга яқинроқ жойда бирор майса бўлиб туғилиш имконини бер, токи Сенинг бхакталаринг сайр қилгани чиққанида менинг устимдан тепкилаб ўтсинлар. Ҳатто мана шу ҳам мен учун энг буюк бахт бўлади. Мен илтижо қилиб Сендан менга ҳам бхакталарнинг гарди пойини бошимга суриш имконини берадиган шароитда туғилиш бахтини ато этишининг тилайман.

Кўриб турибманки, бу ерда ҳамма мавжудот Кришна онги билан тўла ҳаёт кечиряптилар: улар Ведаларнинг ўзи бетиним излаб юрган Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан бошқа ҳеч нарсани билмайдилар".

"Бхагавад Гита"да айтилганки, Ведалар илмининг мақсади Кришнани топишдан иборат. "Брахма-самхита"да айтилганки, мунтазам муқаддас китобларни ўқиб юриш орқали Кришнани, Худонинг Олий Шахсини топиш жуда мушкул. Лекин соф бхактанинг марҳамати билан Кришнани жуда осон топиш мумкин. Вриндавандаги соф бхакталар жуда омадли инсонлардир, чунки улар Муқунда(Парвардигор Кришна)ни ҳамиша бевосита кўриб юрадилар.

*Муқунда* ибораси икки хил маънони билдиради. *Мук* дегани "озодлик" деган маънони билдиради. Парвардигор Кришна инсонга озодлик ато этишга, демак илоҳий лаззат беришга қодир. Бу ибора Унинг ҳамиша табассум ўйнаб турадиган жозибали жамоли чиройли *қунда* гулига ўхшашлигини ҳам билдиради. *Муха* ибораси "юз", "сиймо" деган маънони ҳам англатади. Кунда гули жуда чиройли бўлиб, очилганда худди кулиб турганга ўхшайди. Бу ўхшатиш шунинг учун ҳам ишлатилади.

Вриндаванлик бхакталар билан бошқа бхакталар орасидаги фарқ шундан иборатки, вриндаванликлар ҳаётда Кришна билан бирга бўлишдан бошқа ҳеч нарсани истамайдилар. Кришна Ўз бхакталарига жуда меҳрибон, шунинг учун бхакталарининг истакларини У албатта рўёбга чиаради; бхакталар ҳамиша Кришна билан бирга бўлишни истайдилар, Парвардигор эса ҳамиша уларнинг истагини амалга оширишга тайёр. Вриндаванлик бхакталар ўзларининг қалбида Кришнага нисбатан табиий меҳр-муҳаббат туйғуси билан яшайдилар. Улар бунинг учун ҳар хил қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиб юришларининг ҳам ҳожати йўқ, чунки улар аллақачон табиий равишда қалбида Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат туйғусини ривожлантирганлар. Ҳар хил қоидалар эса, ҳали қалбида Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат туйғусини ривожлантира олмаган одамлар учун зарур. Браҳма ҳам Кришнанинг бхактаси, шу боис у ҳам Худонинг қонунларига, руҳий ҳаёт қоидаларига риоя қилиб яшаши шарт. У ҳам ўзининг қалбида Кришнага нисбатан табиий муҳаббат уйғотишга эришиш учун Кришнадан Вриндаванда туғилиш имконини беришни илтижо қиляпти.

Брахма давом этди: "Эй азиз Худойим, баъзан мен ҳайрон бўлиб қоламан, Вриндаван аҳолисининг шундай садоқат билан Сенга хизмат қилаётгани эвазига Сен уларнинг бундай чексиз садоқатига муносиб мукофотни қандай топа оласан? Гарчи мен Сен - барча бахт-саодатлар манбаи эканингни билсам ҳам, бутун Вриндаван аҳолисининг Сенга қилаётган хизматларини Сен қандай қайтара олишингни тушуна олмайман. Баъзан мен ўйланиб қоламан, Сен шунчалик саховатли, меҳрибонсанки, ҳатто иккиюзламачилик билан сиртқи кўринишидан онанг бўлиб кўриниб, аслида Сени алдаб, ўлдириш ниятида келган ялмоғиз Путанани ҳам Сен руҳий озодликка чиқариб, унга ҳақиқий онанг мартабасига кўтардинг. Ана шу хонадондан чиққан Агхасура билан Бакасура ҳам руҳий озодликка чиқиш мукофотига эга бўлдилар. Шуларнинг ҳаммасини кўриб мен қаттиқ таажжубга тушаман. Вриндаван аҳолиси

ўзларининг ҳамма нарсасини: бутун вужудини, ақлу-хаёлини, меҳр-муҳаббатини ва уйларини бутунлай Сенга топшириб қўйганлар. Улар ўзларининг бор мол-мулкидан фақат Сени мамнун қилиш учун фойдаланадилар. Уларнинг бундай садоқатини Сен қандай қилиб муносиб тақдирлай оласан? Сен Ўзингни аллақачон Путанага бериб қўйгансан. Менимча, Сенга кўрсатаётган бундай садоқатини муносиб тақдирлай олмай, Сен Вриндаван аҳолиси олдида мангу қарздор бўлиб қоласан. Эй азиз Худойим, улар бунинг учун ўзларининг бутун табиий қобилиятларини ишга соладилар, шу боис Вриндаван аҳолисининг кўрсатаётган хизмати Сенга жуда ёқимли эканини мен тушунаман. Маълумки, моддий нарсаларга ва уйга боғланиш туйғуси аслида тирик мавжудотни шартлаб, чеклаб қўядиган алданиш, сароб натижасида юзага келади, лекин бу ҳолат фақат Кришна онгига эга бўлмаган одамларда рўй беради. Вриндаван аҳолиси ҳаёти учун бундай тўсиқлар мавжуд эмас. Уларнинг қалбидаги боғланиш туйғуси бутунлай Сенга қаратилгани сабабли уларнинг уйлари ҳам ҳақиқий саждагоҳ-эхромларга айланган, чунки Сен ҳамиша уларнинг уйдасан. Сен билан бўлиб улар ҳаётда бошқа ҳамма нарсани эсидан чиқариб юборгани учун улар ҳаётда ҳеч қандай тўсиққа учрамайдилар. Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган одам учун уй-жой сингари нарсалар тўсиқ бўлолмаганидай, улар учун алданиш тузоғи ҳам мавжуд эмас.

Мен яна шуни яхши биламанки, Сен подачининг ўғли бўлиб, подачи-болакай қиёфасида пайдо бўлишинг ҳам бу дунёнинг оддий ишларидан эмас. Бхакталаринг Сенга изҳор этаётган муҳаббати учун улардан шу қадар миннатдорсанки, улар билан бирга бўлиб уларда Сенга муҳаббат билан хизмат қилишга яна ҳам кучлироқ иштиёқ уйғотиш учун Ўзинг бу дунёга ташриф буюргансан. Вриндаванда моддий ва руҳий нарсалар орасида фарқ қолмайди, чунки бу ерда ҳамма нарса Сен учун хизмат қилишда ишлатилади. Эй азиз Худойим, фақат Ўз бхакталаринг қувончини, шодлигини кучайтириш учунгина Сен Вриндаванда Ўзингнинг илоҳий эрмакларингни намоён этасан. Кимки Сенинг ана шу эрмакларингни бу моддий дунёнинг ишлари деб ўйласа, қаттиқ адашади.

Эй азиз Худойим Кришна, Сенинг танангни оддий одамнинг танаси сингари моддий тана деб Сенинг устингдан куладиган одамлар "Бхагавад Гита"да иймонсиз иблислар ва аҳмоқ, нодонлар деб аталган. Сен ҳамиша илоҳий ҳолатда қолаверасан. Иймонсиз одамлар Сени ҳам моддий табиат яратган деб қаттиқ адашиб юрибдилар. Аслида Сен фақат бхакталарининг

Сенга бўлган садоқатини ва илохий лаззатини кучайтириш учун оддий подачи боланинг танасига ўхшаган мана шу кифофага киргансан.

Эй азиз Худойим, "аллақачон Худони англаб етдик" дейдиган ёки ривожланган онги туфайли "аллақачон ўзларимиз Худо бўлдик" дейдиган одамлар ҳақида мен ҳеч нарса дея олмайман. Мен ўзим ҳақимда шуни тан оламанки, мен учун танам, ақлим ёки нутқим ёрдамида Сени англаб етишнинг иложи йўқ. Мен Сен ҳақингда нима деб айтишим, ўз сезгиларим ёрдамида қандай қилиб Сени англай олишим мумкин? Мен ҳатто барча хиссиётлар ҳукмдори бўлган ўз ақлим ёрдамида Сен ҳақингда мукамал ўйлай олмайман. Бу моддий оламда ҳеч ким Сенинг сифатларингни, Сенинг кароматларингни, Сенинг танангни тўла англай олмайди. Фақат Сенинг марҳаматинг билангина инсон Сен аслида ким қандай эканингни маълум даражада тушуна олади. Эй азиз Худойим, гарчи мен баъзан адашиб "бу коинотнинг эгаси мен ўзим" деб ўйласам ҳам, бутун борлиқнинг олий ҳукмдори, олий эгаси Сенсан. Балки бу ҳақиқатдир, аммо бундай коинотларнинг ва уларни бошқариб турадиган Браҳмаларнинг сон-саногии йўқ. Сен эса - уларнинг ҳаммасининг ягона ҳукмдорисан. Ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух сифатида Сен ҳамма нарсдан хабардорсан. Шунинг учун менга Сенинг камтарин қулинг, содиқ хизматкоринг бўлишимга рухсат бер. Сенинг дўстларинг ва бузоқларинг билан ўтказаётган илохий эрмакларингга билмасдан халақит берганим учун мени кечирасан деб умид қиламан. Энди, агар рухсат этсанг, дўстларинг ва бузоқларинг билан биргаликда Сен Ўз эрмакларингни давом эттиришинг учун мен ҳозирок бу ерни тарк этаман.

Эй азиз Худойим Кришна, Сенинг номингнинг ўзи Сен ҳаммани Ўзингга жалб қилишингни кўрсатиб турибди. Қуёш ва ойнинг бошқаларни ўзига маҳлиё этувчи кучи ҳам Сенинг марҳаматинг шарофатидир. Қуёшнинг ўзига жалб этувчи кучи билан Сен Йадавалар сулоласини безаб турибсан. Ойнинг мафтункор кучи билан Сен Ернинг, фаришталарнинг, браҳманларнинг, сигир ва океанларнинг кучини кўпайтирасан. Сенинг олий тортиш кучинг билан Камса ва бошқалар сингари иблислар ҳалок бўладилар. Шундай қилиб, ҳамма нарсани таҳлил қилиб, чуқур ўйланиб кўриб мен шундай хулосага келдимки, бу оламда, бутун борлиқда сажда қилиб сиғинишга муносиб бўлган ягона Илоҳ Сенсан. Токи бу моддий олам яқсон бўлгунга қадар Сенга камтарин ҳолда эҳтиром билан сажда қилишимга ишончинг комил бўлсин. Токи қуёш бу моддий оламда нур сочиб

турар экан мен Сенга камтарин ҳолда сажда қилиб сиғинаман".

Шундай қилиб коинот ҳукмдори Тангри Браҳма Худонинг Олий Шахси олдида камтарин ҳолда эҳтиром билан сажда қилди, кейин Унинг атрофини тавоф этиб уч марта айланиб ўтиб, Браҳмамолака деб аталадиган ўз даргоҳига йўл олишга ҳозирланди. Худонинг Олий Шахси Кришна имо билан унинг кетишига рухсат берди. Тангри Браҳма ғойиб бўлган заҳоти Парвардигор Шри Кришна аввал, бузоқлар ва подачи болалар ғойиб бўлган пайтда қандай кўринишда бўлса шундай аҳволда пайдо бўлди.

Кришна Ўзининг дўстларини Йамуна дарёси қирғоғида овқатланиб ўтирган ҳолда қолдириб кетган эди, гарчи У орадан бир йил ўтгандан кейин келиб турган бўлса ҳам, подачи болалар Уни ҳозиргина кетиб, яна қайтиб келган деб ўйлашарди. Парвардигор Кришнанинг ҳар хил қувватлари ва кароматлари шундай. "Бхагавад Гита"да айтилганки, Парвардигор Кришнаинг Ўзи ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлиб, эслаш ва унутиш Ундан чиқади. Барча тирик мавжудотларни Парвардигорнинг олий қуввати бошқариб туради. Баъзида улар ўзларининг ҳақиқий ҳолатини эслайдилар, баъзан эса унутиб қўядилар. Кришна шу тариқа бошқариб турган Унинг дўстлари Тангри Браҳманинг сеҳр қудрати остида Йамуна қирғоғида бўлмаганларини тушуна олмас эдилар. Кришна болаларнинг олдида пайдо бўлганида улар шундай деб ўйладилар: "Мана, озгина фурсат ўтмасдан Кришна ҳам қайтиб келди!" Кришна бизларни овқатланиб ўтирган ҳолда ташлаб кетишни истамаяпти, деб болалар Унинг устидан кула бошладилар. Улар жуда хурсанд бўлиб Уни овқатга таклиф қила бошладилар: "Кришна дўстим, Сен жуда тез қайтиб келдинг! Кела қол, бизлар ҳали овқатланишни ҳатто бошламадик ҳам. Ҳали ҳеч нарсдан емадик. Кела қол, бирга овқатланиб оламиз!" Кришна майин табассум билан кулиб қўйди-да, уларнинг таклифини қабул қилди. У дўстларининг даврасида лаззатланиб овқатлана бошлади. Овқатланиб ўтирар экан Кришна ўйга толди: "Бу болалар Мени дарров қайтиб келди деб ўйлаяптилар. Бир йил давомида Мен Браҳманинг сеҳр қудратига қаршилиқ қилиб юрганимдан уларнинг хабари ҳам йўқ".

Овқатланиб бўлгандан кейин Кришна, Унинг дўстлари ва бузоқлар ўз уйларига, Враджабхумига йўл олдилар. Йўлда улар баҳайбат илон Агхасураининг ўлик жасадини томоша қилиб ўтдилар. Кришна уйига, Враджабхумига кириб келар экан Уни Вриндаваннинг бутун аҳолиси кутиб олди. Кришнанинг бошидаги тожиги товус пати

кестирилган ва ўрмон гуллари билан безатилган эди. Унинг бўйнига гулчамбар осилган бўлиб, юзлари, танаси Говардхана тепалигидан тўпланган ҳар хил табиий бўёқлар билан безатилган эди. Маълумки, Говардхана тепалигида табиий қизил бўёқ хамиша мўл бўлиб, Кришна ва Унинг дўстлари шу бўёқлар билан таналарини безар эдилар. Уларнинг ҳар бирида кўтоснинг шохидан ясалган сур, калтак ва най бор бўлиб, уларнинг ўз бузоқларини номма-ном айтиб олдига чақириб оларди. Кришнанинг кўрсатган ғаройиб кароматларидан улар шунчалик фахрланар эдиларки, кишлокқа кирган заҳоти улар жўр бўлиб ҳамду-санолар айтиб Кришнани олқишлай бошлардилар. Вриндавандаги барча гопилар кишлокқа кириб келаётган Кришнани бевосита кўриб турардилар. Болалар қандай қилиб баҳайбат улар илон оғзидан қутулиб қолгани, илон қандай қилиб ҳалокатга учрагани ҳақида чиройли қўшиқ тўкиб куйлардилар. Бировлар Кришнани Йашоданинг ўғли(Йашоданандана) деб, бировлар Нанда Махаражнинг ўғли(Нанданандана) деб чақирардилар. "У шунчалик ғаройибки, баҳайбат илон оғзидан бизларни қутқариб олди ва илонни ўлдирди!" - дерди болалар. Аммо илон ўлганидан бери орадан бир йил ўтиб кетганини улар билмас эдилар.

Бу ҳақда Махараж Парикшит Шукадева Госвамига савол бериб, гарчи Кришна уларнинг оила аъзоси бўлса ҳам, нима сабабдан Вриндаван аҳолиси бирданига Кришнага нисбатан чуқур муҳаббат ҳис қилиб қолгани ҳақида сўради. Махараж Парикшит шундай деди: "Подачи болаларнинг ўрнига Кришна Ўзини намоён қилганида, нима сабабдан уларнинг ота-оналари ўзларининг ҳақиқий болаларига қараганда Кришнани кўпроқ севардилар? Нима сабабдан сигирлар ҳам Кришна намоён этган бузоқларни ўзларининг ҳақиқий болаларига қараганда кўпроқ меҳр билан севар эдилар?"

Шукадева Госвами жавоб бериб айтдики, ҳар бир тирик мавжудот аслида ўзига жуда қаттиқ боғланган бўлади. Уй, оила, дўстлар, ватан, жамият, мол-дунё, бойлик, шон-шуҳрат ва шу каби нарсалар одам учун иккинчи даражали аҳамиятга эга. Улар одамнинг ҳақиқий ўзлигига, руҳга қай даражада лаззат беришига мос равишда кадр-қийматга эга бўлади. Шу сабабли биринчи навбатда одамни унинг ўзи кизиқтиради, шу сабабли у биринчи навбатда қариндошларига, хотини ва болаларига, дўстларига эмас, балки ўзининг танаси ва руҳига ғамхўрлик қилади. Агар одамнинг бевосита ўзи учун қандайдир хавф-хатар туғилса, у биринчи навбатда ўзини қутқаришни ўйлайди, фақат ундан кейин бошқалар ҳақида ўйлай бошлайди.

Бу табиий ҳолат. Демак, одам биринчи навбатда бошқаларни эмас, ўзини яхши кўради. Ўзидан кейин одам ўз танасига қаттиқ боғланган бўлади. Руҳ ҳақида илмга эга бўлмаган одам ўзининг танасига шу қадар кучли боғланганки, ҳатто кексайиб қолганида ҳам, гўё ана шу яроқсиз ҳолга келиб қолган танасини сақлаб қолиш мумкиндай, ҳар турли йўллар билан ўзининг ана шу шарти кетиб парти қолган танасини қутқариб қолишга уринади. Ҳар бир одам хоҳ моддий жиҳатдан, хоҳ руҳий жиҳатдан бўлсин, фақат ўзи лаззатланиши учун кечаю-кундуз тиним билмай меҳнат қилади. Биз ўзимиз эга бўлган моддий нарсаларга боғланиб қолганмиз, чунки улар ҳиссиётимизга ёки танамизга лаззат беради. Одам фақат ўзи, ҳақиқий "мен"и шу тананинг ичида бўлгани учунгина танасига қаттиқ боғланиб қолган. Худди шундай одам руҳий юксалиш йўлида анча юқори поғонага кўтарилганида, руҳ ҳақиқатан ҳам чексиз лаззатга тўла, чуқур лаззат келтиришини билади, чунки у Кришнанинг ажралмас заррачаси. Охиروқибатда Кришна - ҳаммага лаззат бағишлайдиган ва ҳаммани Ўзига жалб қиладиган Зот. У - бутун борлиқнинг Олий Руҳи, бизлар шу ҳақиқатни билиб олишимиз учун Кришна бу дунёга келиб, Ўзи ҳақида гапиради, У - ҳаммани Ўзига жалб қилувчи Зот эканини айтади. Кришнанинг экспансияси бўлмаган бирор нарса бошқаларни ўзига жалб қила олмайди.

Бу космик оламда ёқимли, одамни ўзига жалб этадиган нимаики бўлса, ҳаммаси Кришнанинг шарофати билан мавжуд. Кришна - ҳар қандай лаззатнинг макони, ҳамма нарсани ҳаракатга келтириб турган куч, шу боис руҳий юксалишда камолотга етган илоҳиёт одамлари, донишмандлар ҳамма нарсани Худога боғлиқ ҳолда кўрадилар. "Чайтанья Чаритамрита"да айтилганки, *махабхагавата*, яъни руҳий юксалишда камолотга етган бҳакта Кришнани барча кўзғалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотларни ҳаракатга келтириб турган куч, қувват сифатида кўради. Шу боис у бутун борлиқдаги ҳамма нарсани Кришна билан боғлиқ ҳолда кўради. Ҳар бир тирик мавжудотга худди Кришнадай муносабатда бўла оладиган бахтли одам аллақачон руҳий озодликка чиққан инсон ҳисобланади. У бу оламда яшаётгани йўқ. Бу ҳақиқат "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланади. Ўзини Кришнага садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган одам руҳий поғонага, яъни *брахма-бхута* даражасига кўтарилган одам ҳисобланади. Кришна деган номнинг ўзи такводорлик ва руҳий озодликни билдиради. Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган одам ғофиллик уммонини кечиб ўта оладиган мустаҳкам кемага ўтирган бўлади. Унинг учун

бу чексиз моддий оламнинг ўлчами худди бузоқнинг оёқ изида қолган кўлмакка ўхшаб кичрайиб қолади. Барча буюк зотларнинг нигоҳи Парвардигор Кришнага тикилган, У - барча моддий оламларнинг нажот маконидир. Худони, Кришнани англаб етган одам учун Ваикунтха, рухий олам унчалик узоқ эмас. Ундай одам ҳар кимни ҳар қадамда турли офатлар кутиб турадиган бу моддий оламдан ташқарида яшайди.

Шукадева Госвами ҳаётда Кришна онги билан яшаш амалда қандай бўлишини Махараж Парикшитга шундай тушунтириб берди. У шохга ҳатто Тангри Браҳманинг қилган илтижоларини ҳам такрорлаб берди. Парвардигор Кришнанинг Ўз дўстлари ва бузоқлари билан бирга ўтказган эрмаклари, улар билан Йамуна дарёси бўйида овқатлангани, Тангри Браҳманинг Кришнага қилган илтижолари - ҳаммаси илоҳий даражадаги нарсалардир. Булар ҳақида тинглаган ёки уларни бошқаларга такроран гапириб берган ҳар қандай одамнинг барча рухий истаклари албатта рўёбга чиқади. Парвардигор Кришнанинг кичкина бола киёфасида намоён бўлиши ва Унинг Балорама билан биргаликда Вриндаванда кўрсатган кароматлари "Шримад Бхагаватам"да шундай таърифланган.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Тангри Браҳманинг Парвардигор Кришнага қилган илтижолари" деб аталадиган ўн тўртинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 15. Дхенукасуранинг ўлими.

Шундай қилиб, Кришна акаси Балорам билан *каумара* деб аталадиган болалик йилларини ўтказди ва олти ёшдан ўн ёшгача бўлган даврни ўз ичига оладиган *пауганда* деган ёшга етди. Шунда барча подачилар ўзаро маслаҳатлашиб, олти ёшга чиққан болаларга ўтлоқда сигирларга қараб юришни топшириш мумкин деган қарорга келдилар. Шундай қилиб, Кришна билан Балорамга сигирларга ғамхўрлик қилиш топширилди, шу тарика Улар нилуфар пойи қадамлари теккан жойларни поклаб, муқаддас Вриндаван ерларида юрардилар.

Балорам ва подачи болалар билан биргаликда, Кришна найини чалиб, сигирларини чиройли гуллар ва майин майсалар тўла Вриндаван ўрмонлари орқали олиб ўтарди. Бу ўрмон ҳам худди бхактанинг пок ақли сингари муқаддас эди. Ўрмон ҳар хил гуллар ва меваларга бой бўлиб, унда жуда кўп асаларилар

яшарди. Ҳар тарафда қушларнинг чуғур-чуғури эшитилиб, кўллардаги тиниқ сувлар одамнинг кайфиятини кўтариб, хордиғини чиқарарди. У ерларда ҳаммаша одамнинг ақли ва танасига ором берадиган ёқимли, майин шабада эсиб турарди. Бу ер қанчалик оромбахш эканини кўриб, Кришна дўстлари ва Балорам билан биргаликда ўрмон ичига кирдилар ва бу ердаги кишига роҳат бағишловчи муҳитда лаззатланиб хордик чиқара бошладилар. Кришна мевалари кўплигидан шохалари ерга осилиб турган дарахтларни, худди оёқларига бош қўйиб Уни қарши олаётгандай ергача эгилиб турган ёш ниҳолларнинг шохаларини кўрди. Дарахтларнинг, мевалар ва гулларнинг бундай ҳаракатлари Унга роҳат бағишларди, уларнинг истакларини рўёбга чиқариб Кришна ҳам майин табассум билан кулиб кўярди. Кейин Кришна акаси Балорамга мурожаат қилиб шундай деди: "Эй азиз акажон, Сен ҳаммамиздан буюксан, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига барча фаришталар сажда қиладилар. Қара, Сенинг нилуфар қадамларинг пойи олдида эҳтиром билан бош эгиб, мевага тўлиб-тошган мана бу дарахтлар ергача эгилиб Сенга таъзим қиляптилар. Гўё улар дарахт бўлиб туғилгани оқибатида тушиб қолган бу зулмат қаъридан озодликка чиқишга интиляётгандай кўринадилар. Аслини олганда муқаддас Вриндаван ерида ўсиб турган дарахтлар оддий тирик мавжудотлар эмас. Аввалги ҳаётида имперсоналист(Худонинг шахсиятсиз кўринишига сиғинадиган)лар бўлгани сабабли улар ҳозирги ҳаётида бир жойда кўзгалмай турадиган шароитга ташлаб қўйилган. Аммо уларнинг энди Вриндаванда Сени кўриш имконияти бор, шу боис Сен билан бевосита мулоқотда бўлгани шарофати билан улар рухий юксалишда давом этиб, юқорироқ рухий поғоналарга кўтарилишни тилаб Сенга илтижо қиляптилар. Одатда дарахтлар ғафлат гунасидаги тирик мавжудотлар ҳисобланадилар. Имперсоналист-файласуфлар ҳам ана шундай ғафлат уммонига ботган одамлардир, аммо улар бу ерда Сенинг борлигиндан фойдаланиб ана шу ғофиллик зулматидан халос бўлишлари мумкин. Менимча, Сенинг атрофингда ғувиллаб айланиб юрган асаларилар аввалги ҳаётида бхакталар бўлган. Улар ҳечам Сендан айрилишни истамайдилар, чунки ҳеч ким Сендан ҳам яхшироқ, Сендан ҳам сеvimлироқ хўжайин бўлишга кодир эмас. Сен - Худонинг бошланғич, азалий Олий Шахсисан, асаларилар Сени бетиним шарафлаб куйлаб, Сенинг шон-шуҳратингни бутун оламга тарқатишга ҳаракат қиляптилар. Менимча уларнинг баъзилари аввалги ҳаётида буюк донишмандлар, Сенинг бхакталаринг бўлган-у, ҳозир асалари киёфасига



кириб олганлар, чунки улар бир лаҳза бўлса ҳам Сенинг даврангни тарк эта олмаяптилар. Эй азиз акажон, Сен - ҳамма сажда қиладиган Олий Илоҳсан. Қара, товуслар қанчалик чуқур жазавали лаззатга тушиб Сенинг олдингда раксга тушяптилар. Кийиклар ҳам худди гопилардай меҳр-муҳаббат билан Сени қарши оляптилар. Вриндаванда яшайдиган каккулар шодликдан яйраб Сени кутиб оляптилар, чунки уларнинг уйига Сенинг ташриф буюришинг қанчалик шарофатли эканини улар яхши биладилар. Булар шунчаки оддий дарахтлар, оддий хайвонлар бўлса ҳам, бутун Вриндаванда яшайдиган тирик мавжудотлар Сени олқишляяптилар. Худди уйда бир улуғвор зотни кутиб олаётган буюк инсонларга ўхшаб, улар Сени бутун қалби билан самимий кутиб олишга ҳаракат қиляптилар. Ер бўлса, шу қадар саховатли ва омадлики, унинг танасида Сен Ўзингнинг нилуфар пойи қадамларинг изларини қолдиряпсан.

Вриндаванда яшайдиган буюк зотларнинг Сендай буюк Зотни шундай муносиб эҳтиром билан кутиб олиши табиий ҳол. Майсалар, чирмовуқлар ва ҳар хил ўсимликлар ҳам Сенинг нилуфар қадамларинг пойига тегиш бахтига муяссар бўляптилар. Очилиб турган гулларга Сенинг қўлларинг тегиши шарофати билан уларнинг шуҳрати кўкларга кўтарилади. Тоғлар ва дарёлар ҳам бугун шон-шарафга бурқанди, чунки уларга Сен шарофатли нигоҳингни ташладинг. Албатта, Сенинг гўзаллигингга маҳлиё бўлган Враджанинг подачи қизлари ҳаммадан ҳам чиройли қизлардир, чунки уларни Ўзингнинг кучли қўлларинг билан Сен кучоғингга оласан".

Шу тарика Кришна билан Балорам Вриндаван аҳолиси билан, сигир ва бузоқлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, Йамуна қирғоғида лаззатланиб юрардилар. Баъзан дўстлари улар билан бирга бўларди. Ўрмон гулларидан ясалган гулчамбарлар тақиб олган Кришна билан Балорамнинг изидан борар экан, подачи болалар асалариларга тақлид қилиб ғувиллашарди. Йўл бўйи улар баъзида қўллардаги оккушларнинг қийқиришига тақлид қилишар, раксга тушаётган товусларни кўриб қолсалар, уларнинг ўйинларини Кришнанинг олдида қизикарли қилиб кўрсатишга ҳаракат қилардилар. Кришна ҳам дўстларини қулдириш учун товусларнинг раксига тақлид қилиб, уларга бўйинини чиройли қийшайтириб кўрсатарди.

Кришнанинг қарамоғида бўлган сигирларнинг ҳар хил номлари бўлиб, Кришна уларни меҳр билан номма-ном чақирарди. Унинг овозини эшитган сигирлар дарров "ҳимм"лаб жавоб берар, подачи болалар эса уларнинг бундай ўзаро мулоқотини томоша қилиб, яйраб

лаззатланардилар. Болаларнинг ҳаммаси ҳар хил қушларнинг, айниқса чакора, какку, товус, вабхарададжаларнинг сайрашларига тақлид қилиб сайрардилар. Баъзида, йўлбарс ва арслонларнинг бўкирган товушини эшитиб, кўрқиб қочаётган кичик хайвонларни кўриб қолиб, подачи болалар Кришна ва Балорам билан бирга шу хайвонларга тақлид қилиб, улар билан биргалашиб чопардилар. Югуриб чарчаганларида эса, ўтириб дам олар, Балорам болалардан биттасининг тиззасига бошини кўйиб ётиб олар, Кришна эса шу заҳотиёк келиб Унинг оёқларини уқалай бошларди. Баъзида У палрма дарахти япроғини олиб Балорамга ёқимли шамол келтириш ва ҳордиғини чиқариш учун Уни елпиб ўтирарди. Балорам дам олгунча бошқа болалар қўшиқ куйлар ёки раксга тушар, баъзан эса бир-бирлари билан кураш тушар ёки сакрашиб ўйнардилар. Кришна ҳам дарров уларнинг ўйинларига кўшилиб кетар, уларнинг қўлларидан ушлаб бирга ўйнаб лаззатланар, уларнинг ўйлаб топган ўйинларини мактаб куларди. Кришна Ўзини бироз чарчагандай сезса, бирор дарахт илдизига ёки болаларнинг биттасининг тиззасига бошини кўйиб ётиб оларди. Кришна бирор дарахт илдизини ёки бирор подачи боланинг тиззасини ёстиқ қилиб ётиб олганида, болалардан биттаси келиб Унинг оёғини уқалай бошлар, яна биттаси Уни япроқлар билан елпий бошларди, ширин овозли болалар эса Уни хурсанд қилиш учун қўшиқ куйлай бошларди. Шу тарика Унинг ҳорғинчилиги бир пасда тарқаб кетарди. Худонинг Олий Шахси, нилуфар қадамлари пойини равақ фариштаси парваришлаб юрадиган Парвардигор Кришна подачи болалар даврасида Ўзини худди мана шу кишлоқи болаларнинг биттасидай тутарди. Лекин Ўзини худди оддий кишлоқи болалардай тутиб юргани билан, баъзида шундай вазиятлар бўлиб қолардики, шунда У Ўзининг аслида Худонинг Олий Шахси эканини намоён этарди. Баъзида кимдир ўзини Худонинг Олий Шахси деб эълон қилиб, содда одамларни алдаб юради. Лекин ундай қаллоб одамлар шунчаки фирибгарлик қилиб фақат содда, ғофил одамларни лақиллатишни биладилар, лекин ҳақиқий Худо сифатида ўз қудратини намоён эта олмайдилар.

Шундай қилиб, Кришна Ўзининг энг омадли дўстлари даврасида Ўзининг ички қувватини намоён этиб юрганида, яна бир воқеа содир бўлдики, шунда У Худонинг Олий Шахси сифатида Ўзининг ғайритабиий қудратини яна бир марта намоёйиш этди. Унинг энг яқин дўстлари Шридама, Субала ва Стокакришна чуқур меҳр-муҳаббат билан Кришна билан Балорамга шундай сўзлар билан мурожаат қилдилар: "Эй азиз Балорам, Сен жуда

кудратлисан. Сенинг қўлларинг жуда кучли. Азизим Кришна, Сен одамларга ташвиш келтирадиган ҳар қандай иблисни мағлуб қила оласан. Билсангизлар шу ерга яқин жойда Талаван деб аталадиган катта ўрмон бор. У ерда катта-катта палрма дарахтлари тўлиб ётибди, уларнинг шохаларида ширин мевалар осилиб турибди. Мевалар аллақачон пишган, ҳатто баъзилари ерга тўкилиб, баъзилари шохаларда зўрға осилиб турибди. У ўрмон жуда ғаройиб жой, аммо даҳшатли иблис Дхенукасура дастидан бу ўрмонга яқин бориб бўлмайди. Мевалардан олиш учун ҳеч ким дарахтларга яқинлаша олмайди. Азиз Кришна ва Балорам, ўша иблис эшак қиёфасига кириб шу ўрмонда яшайди, унинг атрофини ўзига ўхшаган эшак қиёфасидаги иблислар ўраб олган. Уларнинг ҳаммаси жуда кучли, шу боис ҳеч ким у ерга яқин бора олмайди. Эй ака-укалар, ўша иблисларни фақат Сизлар ўлдира оласизлар. Ажали етишидан кўрққанидан Сизлардан бошқа ҳеч ким у жойга яқин боролмайди. У ерга ҳайвонлар ҳам бормайди, ҳатто кушлар ҳам у ўрмонда тунамайдилар. Уларнинг ҳаммаси бу ўрмонни тарк этиб кетганлар. Фақат у ўрмондан келаётган ёқимли ҳидлардангина баҳраманд бўлиш мумкин. Ҳали ҳеч ким у ўрмондаги дарахтларда осилиб турган ёки ерга тўкилган мевалардан лаззатланиб татиб кўрмаган бўлса керак. Азиз Кришна, тўғриси айтсак, шу ёқдан келаётган ёқимли ҳидлар бизларнинг димоғимизни жуда китикляпти. Балорам, кетдик, ҳаммамиз шу ёққа бориб шу мевалардан мазза қилиб еймиз. Пишган меваларнинг ҳиди бутун атрофни олиб кетган. Наҳотки Сизлар ҳам шуни сезмаётган бўлсанглар?"

Яқин дўстларининг кулиб туриб айтган бу илтимосини тинглаб туриб, Кришна билан Балорамда уларни бир мамнун қилиш истаги пайдо бўлди, шунинг учун барча подачи дўстлари билан биргаликда Улар шу заҳотиёқ ўша ўрмонга йўл олдилар. Улар Талаван ўрмонига кирган заҳоти Балорам дарахтларни кучоқлаб олиб, Ўзининг филдай кудратини намойиш этиб, уларни қаттиқ силкита бошлади. Кучли силкинишдан дарахт тепасида пишган меваларнинг ҳаммаси дукурлаб ерга тўкиларди. Ўрмонда эшак қиёфасида яшайдиган иблис Дхенукасура шовкин келаётган жойга шошилди. Унинг қудратли туёқлари зарбидан ер ларзага келар, худди зилзила бўлаётгандай дарахтлар кучли чайқаларди. Иблис аввалига Балорам олдида пайдо бўлди ва ортки оёқлари билан Унинг кўкрагига тепа бошлади. Аввалига Балорам унинг ҳамласига умуман жавоб бермади, буни кўрган иблис бор кучини ишга солиб Уни қаттиқ тепа бошлади. Шундан кейин Балорам бир қўли билан унинг оёқларидан

ушлаб олди ва боши узра айлантириб-айлантириб, дарахтларнинг тепасига улоқтириб юборди. Балорам боши узра айлантириб турганидаёқ иблис жон топширган эди. Балорам иблисни энг катта палрма дарахти устига улоқтирди. Иблиснинг танаси шу қадар оғир эдики, дарахт уни кўтара олмай бошқа дарахтлар устига кулаб, яна бир нечта дарахтни кулатиб юборди. Гўё ўрмонда кучли бўрон бўлиб ўтгандай эди, чунки бирин-кетин бир неча дарахтлар қарсиллаб кулаган эди-да. Балорамнинг бундай ғайритабиий куч-қудратини намойиш этишига ҳайратланмаса ҳам бўлади, чунки Балорам - оламдаги барча сайёраларни Ўзининг минглаган капгирларида кўтариб турадиган, Ананта Шеша-нага деб аталадиган Худонинг Олий Шахси. Худди икки ип тўкилаётган матони ушлаб тургани сингари У ҳам бутун космик борлиқни ушлаб туради.

Дхенукасура дарахт тепасига улоқтириб ташлангандан кейин, унинг барча ҳамтовоклари ва дўстлари чопиб келиб, Кришна билан Балорамга ташландилар. Улар ўз ҳамроҳининг ўлими учун қасос олишга қаттиқ бел боғлаган эдилар. Лекин Кришна билан Балорам эшакларнинг орқа оёқларидан ушлаб олиб, уларни боши узра айлантира бошладилар. Улар иблисларнинг ҳаммасини ўлдириб, дарахт тепасига улоқтириб ташладилар. Эшакларнинг ўлик мурдалари ўрмон узра ғаройиб манзара намойиш этиб ёйилиб ётарди. Худди дарахтлар устида ҳар хил рангдаги булутлар сузиб юргандай кўринарди. Бу ғаройиб воқеани эшитган жаннатдаги фаришталар осмонда турганча Кришна билан Балорамнинг устига гуллар ёмғирини ёғдирдилар, барабан чалиб, муҳаббат ва садоқатга тўла сўзлар билан илтижо қила бошладилар.

Иблис Дхенукасура ўлгандан кейин бир неча кун ўтгач одамлар Талаван ўрмонига келиб мевалардан теришга киришдилар, ўрмоннинг майин майсаларидан тўйиб ўтлаш учун ҳар хил ҳайвонлар ҳам кўрқмасдан бу ўрмонга кела бошладилар. Кришна билан Балорамнинг мана шу илохий кароматлари ҳақида ишонч билан тинглаган ёки уни бошқаларга гапириб берган одам ҳам албатта такводор бўлиб, ҳаётда комил иймон билан ҳақиқий инсонлардай бўлиб яшаш даражасига кўтарилади.

Кришна, Балорам ва Уларнинг дўстлари Вриндаванга кириб келганларида, Улар иккиси ҳам най чалар, подачи болалар эса уларнинг ўрмонда кўрсатган ғайритабиий кароматларини олқишлардилар. Уларнинг сигирлар тўдаси кўтарган чанг босган юзларини чиройли тилака безаб турар эди. Кришнанинг сочларига товус пати қистирилган эди, Балорама сингари У ҳам най чалиб келарди. Уйига қайтиб келаётган

Кришнани кўриб ёш гопилар жуда кувониб кетдилар. Кришна қишлоқда йўқ бўлган пайтларда Вриндаваннинг барча гопилари ғамгин бўлиб юрардилар. Кун бўйи улар Кришнанинг қандай қилиб ўрмонда сайр қилиб юргани, ёки қандай қилиб сигир боқиб юргани ҳақида ўйлаб юрардилар. Қишлоққа қайтиб келаётган Кришнага кўзлари тушиши биланок уларнинг барча ташвишлари тарқалиб кетар, худди нилуфар гулининг ғунчасини ўраб олган асаларилар сингари, уларнинг ҳаммаси Кришнанинг атрофини ўраб олиб, Унинг чиройли юзига тўйиб тикилардилар. Кришна қишлоққа кириб келганида ёш гопиларнинг юзларида табассум ўйнаб, кулиб юбордилар.

Севимли оналари Йашода билан Роҳини дарров Кришна билан Балорамни кутиб олгани чиқдилар ва суюкли ўғилларининг нима истаги бўлса шу заҳотиёқ бажара бошладилар. Йашода она ҳам, Роҳини она ҳам ўзларининг илоҳий ўғилларига хизмат қилиб, Уларни дуо қилар, ювинтириб, кийинтириб Уларга ҳар хил ғамхўрликлар қилардилар. Кришна очиқ сариқ либос кийиб олган эди, Балорам эса очиқ-кўк рангли кийимда эди. Уларнинг ҳар иккисидан ҳам турли хил тақинчоқлар ва гулчамбарлар бор эди. Кун бўйи ўтлоқда ишлаб келиб дам олгандан кейин улар тетик ва жуда чиройли кўринардилар.

Оналари уларнинг олдида ширин таомлардан кўйдилар, Улар мамнун бўлиб таомларнинг ҳаммасидан тўйиб едилар. Овқатланиб бўлгандан кейин Уларни тоза ўриндикка ётқиздилар, оналари уларга ўзларининг эрмаклари ҳақида қўшиқ куйлай бошладилар. Боши ёстикқа теккан заҳоти Улар қаттиқ ухлаб қолдилар. Подачи болалар қиёфасига кирган Кришна билан Балорам шу тариқа Вриндаванда лаззатланиб яшардилар.

Баъзан Кришна ўзининг подачи дўстлари ва Балорам билан биргаликда, баъзида эса ўзининг дўстлари билан бирга Йамуна қирғоғига сигир боқиш учун келарди. Ёз кириб келди, бир куни ўтлоқда юрган болалар ва сигирлар чанқаб, дарёдаги сувдан ичдилар. Лекин дарё суви Калийга деган баҳайбат илоннинг заҳри билан заҳарланган эди.

Сувдаги заҳар шу заҳотиёқ болаларга ва сигирларга ўз таъсирини кўрсатди. Улар худди ўлган одамга ўхшаб ерга узала тушиб йиқилдилар. Аммо, ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаёти, жони бўлган Кришна дарров уларга ўз нигоҳини ташлади, шу заҳотиёқ сигир ва болаларнинг ҳаммаси яна ўзларига келиб, бир-бирларига хайрон бўлиб қарай бошладилар. Йамунанинг заҳарланган сувидан ичиб ҳалок бўлганини, лекин Кришнанинг марҳамат тўла нигоҳи уларни яна ҳаётга қайтарганини улар

яхши билар эдилар. Улар шу тариқа Йогешвара, яъни "барча сеҳргар-йогларнинг ҳукмдори" деб ном олган Кришнанинг сеҳр қудратига тан берган эдилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Дхенукасуранинг ўлими" деб аталадиган ўн  
бешинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари  
шундай яқунланади.*

## 16. Калийга деган илонни бўйсундириш

Кришна Йамунанинг сувини қора илон Калийга заҳарлаб қўйганини тушунди-да, илон билан жанг қилиб, илонни Йамунани тарк этиб бошқа жойга кетишга мажбур қилди, шундай қилиб, дарё суви заҳардан тозаланди.

Шукадева Госвами мана шу ҳикояни гапириб берганида Махараж Парикшит Кришнанинг болаликдаги бошқа эрмаклари ҳақида ҳам тинглаш истагини билдирди. У Шукадева Госваמידан қандай қилиб Кришна кўп вақтлардан бери Йамуна дарёсида яшаб келаётган илон Калийани жазолагани ҳақида батафсил гапириб беришни илтимос қилди. Махараж Парикшитнинг Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга бўлган иштиёқи тобора кучайиб борарди, шу боис у катта қизиқиш билан Шукадева Госвамига бу саволни берган эди. Шукадева Госвами гапириб берган бу воқеа шундай содир бўлган эди.

Йамуна дарёсининг бир қўлтиғида катта бир қўл пайдо бўлган бўлиб, қора илон Калийга ана шу қўлда яшарди. Унинг кучли заҳари яқин атрофдаги сувларни шу қадар кучли заҳарлаган эдики, сув юзидан юқорига ҳаммиша заҳарли буғ кўтарилиб турарди. Агар шу ердан ҳатто бирор қуш учиб ўтадиган бўлса, у ўша заҳотиёқ жон таслим қилган ҳолда сувга кулаб тушарди.

Йамунадан таралиб турган заҳарли буғ таъсирида қирғоққа яқин жойдаги дарахт ва ўсимликларнинг ҳаммаси қуриб қолган эди. Парвардигор баҳайбат илоннинг заҳари қанчалик кучли эканини кўриб турарди: Вриндаван орқали оқиб ўтадиган бутун бир дарё ўзининг сувлари билан бирга бутун тирик мавжудотга ҳалокат олиб келарди.

Бу дунёга ўз ҳаёти билан бошқа тирик мавжудотларга ҳалокат олиб келадиган ҳар қандай тирик мавжудотни яксон қилиш учун ташриф буюрган Парвардигор Кришна шу заҳотиёқ Йамуна қирғоғида турган баланд *кадамба* дарахти устига чиқди. Кадамба - юмалоқ сариқ рангли гул дарахти бўлиб, у фақат

Вриндаван атрофида ўсади. Дарахт тепасига чиқиб олиб Кришна камарини яхшилаб тортиб боғлади, худди кураш майдонида турган полвонлардай, қўлларини баланд кўтариб олди-да, заҳарланган қўлнинг нақ ўртасига қараб сакради. Кришна тепасига чиққан кадамба дарахти бу атрофда тирик қолган ёлғиз дарахт эди. "Шримад Бхагаватам"га изоҳ ёзган баъзи донишмандларнинг айтишига қараганда Кришнанинг нилуфар кадамлари пойи теккан заҳоти кадамба дарахти қайтадан тирилган. Пураналарнинг баъзиларида айтилганки, ҳамisha Парвардигор Вишнуни олиб юрадиган куш - Гаруда келажакда Кришна шундай эрмак қилишини билган ва шунинг учун бу дарахтга заҳардан химоя қиладиган шарбат сепиб қўйган. Парвардигор Кришна сувга сакраганида худди баҳайбат бир нарса сувга тушгандай, дарё ўз ўзанидан тошиб қирғоқдан четга чиқиб кетди. Кришнанинг бундай ғаройиб қудратли куч намоиш этиши ажабланарли эмас, чунки Унинг Ўзи - мавжуд бўлган ҳар қандай куч-қудратнинг бошланғич манбаи ҳисобланади.

Кришна худди катта қудратли филга ўхшаб сувда суза бошлаганида қаттиқ шовқин туриб, бу шовқин Калиянинг қулоғига бориб етди. Илон бу шовқинга чидаб тура олмасди, у тушуниб етдики, кимдир у яшаётган худудга ҳужум қиляпти. Шунинг учун илон шу заҳотиёқ Кришнанинг олдида пайдо бўлди. Калия келиб қараса, Кришна - завқ билан томоша қилса арзийдиган Зот, Унинг танаси ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб ва майин эди. Унинг танасининг ранги ёмғирли булут рангини эслатарди, Кришнанинг оёқлари эса чиройли нилуфар гулларига ўхшарди. Уни *шриватса* маржони ҳамда бошқа қимматбаҳо тақинчоқлар беэаб турар, У сариқ либос кийиб олган эди. Унинг ажойиб юзида майин табассум ўйнар, Ўзининг ғайритабиий кучини намоиш этиб У Йамуна сувларида яйпаб сузиб ўйнарди. Кришнанинг шундай ажойиб кўринишига қарамай, илон Калия қалбида Унга нисбатан қаттиқ ғазаб туйғусини ҳис қилиб, Кришнани ўзининг қудратли халқалари билан ўраб олди. Кришнани ана шундай даҳшатли ҳолатда - илоннинг қудратли халқалари орасида кўрган Кришнанинг суюкли подачи дўстлари, бутун Вриндаван аҳолиси даҳшатдан қотиб қолдилар. Улар бутун борлигини Кришнага бағишлаган, ўзларининг ҳаётини, бор мол-мулкни, бутун фаолиятини, меҳр-муҳаббатини Кришнага берган эдилар. Шунинг учун Кришнани бундай аҳволда кўрганларида, уларнинг қалбини қаттиқ кўрқув туйғуси қамраб олди, улар беҳуш бўлиб ерга қуладилар. Сигирлар, хўкизлар ва бузоқларнинг ҳаммаси кўрқув ва ҳаяжон ичида Кришнага термулиб қараб турардилар. Даҳшатга

тушганидан улар фақат аччиқ, аянчли ингранишни билардилар, холос. Улар ўзларининг севимли Кришнасига бирор ёрдам беришга ожиз бўлгани туфайли қирғоқда кимир этмай сукут сақлаб турардилар.

Йамуна қирғоғида бу воқеа бўлиб ўтганда жуда кўп нохуш аломатлар ҳам намоён бўлган эди. Ер титрай бошлаган, осмондан метеоритлар тушган, эркак одамларнинг танасининг чап томонини титроқ тутган эди. Буларнинг ҳаммаси тез орада бевосита юз берадиган катта фалокатдан дарак бериб турарди. Ана шундай нохуш аломатларни кўриб, Нанда Махараж бошлиқ подачилар қаттиқ хавотирланиб даҳшатга тушдилар. Шундагина улар Кришна бугун ўтлоққа акаси Балорамсиз кетганини билдилар. Нанда Махараж, Яшода бу янгиликни билганларида яна ҳам қаттиқроқ хавотирга туша бошладилар. Кришнага бўлган чексиз меҳр-муҳаббатидан, Унинг қанчалик қудратли эканидан беҳабар ҳолда улар қаттиқ хавотирга тушиб мусибат чекардилар, чунки ҳаётда улар учун Кришнадан ҳам кадрлироқ, Кришнадан ҳам азирроқ ҳеч ким йўқ эди-да. Шунинг учун улар ўзларининг бу дунёда бор нарсасининг ҳаммасини - ҳаётини, мол-дунёсини, ақли ва фаолиятини, меҳр-муҳаббатини ягона Кришнага бағишлаб, Унга қаттиқ боғланиб қолган эдилар. Кришнага бўлган чуқур илоҳий муҳаббат таъсири остида улар: "Кришна бугун ўлса керак!" - деб ўйлардилар.

Вриндаваннинг бутун аҳолиси Кришнани кўриш учун қишлоқдан чиқдилар. Бу ерга болалар, кексалар, ёш йигитлар, аёллар, ҳайвонлар ва барча тирик мавжудотлар тўпландилар. Бўлиб ўтаётган бу воқеаларни кузатиб турар экан, бутун илм ҳукмдори Балорам шу ерда бамайлихотир жилмайиб турарди. У укаси Кришнанинг қанчалик қудратли эканидан хабардор эди, шу боис Кришна моддий оламдаги қандайдир бир оддий илон билан жанг қиляётганида ташвишга тушишининг мутлақо ҳожати йўқ эканини У яхши биларди. Вриндаван аҳолиси эса қаттиқ хавотирга тушиб Кришнанинг ерда қолдириб кетган изларидан бориб Кришнани ахтара бошладилар. Шу тарика улар Йамуна дарёси қирғоғига яқинлашиб келдилар. Ниҳоят, ер юзида Кришна қолдириб кетган байроқча, камон ва сур белгилари бор излардан бориб улар дарё қирғоғига етиб келдилар, дарё ёқасида турган сигирлар ҳамда подачи болалар катта қора илоннинг бир неча ўрам халқаси ичида турган Кришнага қараб йиғлаб турганининг гувоҳи бўлдилар. Буни кўриб уларнинг мусибати баттар кучайиб кетди. Кришна энди муқаррар ҳалок бўлади деб ўйлаб, Вражабхумининг бутун аҳолиси чуқур қайғуга ғарқ бўлди, Балорам эса

жилмайганча уларнинг мусибат тўла юзларига бамайлихотир қараб турарди. Гарчи Вриндаван аҳолиси Кришна ҳақида кўп нарса билмасалар ҳам, уларнинг Кришнага бўлган муҳаббатининг тенги йўқ эди. Улар Йамуна дарёси ичида Калийа илони бир неча халқа билан ўраб олган Кришнани, қирғоқда йиғлаб турган подачи болалар ва сигирларни кўрган заҳоти шунчаки Кришнанинг ўзларига қанчалик дўстона муносабатда бўлгани ҳақида, Унинг ҳамиша кулиб турадиган чиройли сиймоси ҳақида, Унинг ширин сўзлари ва ўзаро муносабатлари ҳақида ўйлай бошладилар. Ана шулар ҳақида ўйлар экан, энди ўша кадрдон Кришналари илон Калиянинг домига тушиб қолганини кўрганларида уларга гўё бутун уч олам бўм-бўш бўлиб хувиллаб қолгандай туюларди. Парвардигор Чайтанйа ҳам бу дунёда Кришна бўлмагани учун бутун уч олам бўм-бўш, хувиллаб қолгандай кўриняпти деб айтган эди. Мана шундай ҳолатни ҳис қилиш - Кришна онгининг энг юқори поғонасида бўлишни билдиради. Вриндаваннинг деярли бутун аҳолиси қалбида Кришнага нисбатан энг юксак жазавали муҳаббат туйғусини ҳис қилардилар.

Яшода она чопганича дарё қирғоғига келганида ўзини тўғри дарёга ташлаб юбормоқчи бўлди. Уни зўрға ушлаб қолишди, у шу заҳотиёқ хушидан кетиб ерга қулади. Худди шундай саросимага тушиб азият чекаётган Кришнанинг тенгқур дўстлари ҳам тинмай йиғлардилар. Лекин, Яшода онани хушига келтириш учун улар унга баланд овозда Кришнанинг кўрсатган илохий кароматлари ҳақида гапириб бера бошладилар. Яшода она худди ўликдай қимир этмай ерда узала тушиб ётарди, чунки унинг бутун фикру-хаёли, бутун онги ҳамиша Кришна билан банд эди. Кришнага ҳамма нарсасини, бутун ҳаётини бағишлаган Нанда Махараж ва бошқалар ҳам ўзаларини Йамунага ташлашга тайёр эдилар, аммо Парвардигор Балорам уларни тўхтатиб қолди, чунки У Кришна учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқлигини биларди.

Кришна худди оддий болаларга ўхшаб, қора илон Калиянинг халқалари ичида роса икки соат қолиб кетди. Лекин, бутун Вриндаван аҳолиси, шу жумладан Ўзининг ота ва онаси, гопилар, подачи дўстлари ва сигирлар ҳам кўркувдан ажал ёқасида турганларини, агар вазият шу тарзда давом этаверса бу мусибатдан улар муқаррар ўлиб қолиши мумкин эканини кўриб, Кришна илоннинг халқаларидан дарров халос бўлди. Унинг танасининг ўлчамлари тобора катталаша бошлади, уни ўзининг халқалари ичида ушлаб қолишга уринаётган илон эса қаттиқ зўриқиб, энди Уни бўғиб ушлаб тура олмай қолганди. Илоннинг халқалари

бўшашиб, Худонинг Олий Шахси Кришнани қўйиб юборишдан бошқа иложи қолмади. Бундан илон Калийа қаттиқ ғазабланди, шунда унинг барча капгирлари шишиб катталашиб кетди. У бурун тешикларидан заҳарли тутун уфура бошлади, кўзларидан ўт чақнаб, оғизларидан кучли олов отилиб чиқа бошлади. Баҳайбат илон бир оз вақт кўзғалмасдан Кришнага тикилиб қараб турди. Оғзидан иккига айрилган тилларини чиқариб, капгирларини шишириб, илон Кришнага заҳар тўла кўзлари билан қараб турарди. Аммо Кришна шу заҳотиёқ худди илонларга ҳамла қиладиган Гарудадай бўлиб шахт билан илонга ташланди. Кришнанинг ҳужум қилаётганини кўрган илон Калийа Уни чақиб олиш учун қулай пайт пойлар, лекин Кришна ҳар гал чап бериб қоларди. Шу алфозда Кришна билан илон Калийа айлана бўйлаб ҳаракат қилиб бир-бири билан талаша бошладилар, аста-секин илон чарчаб ҳолдан тоя бошлади. Шунда Кришна сакраб илоннинг капгирлари устига чиқиб олди. Кришнанинг нилуфарсимон оёқларининг товонлари дарров қизғиш тусга кирди - бу илоннинг капгирлари устидаги қимматбаҳо ялтироқ тошларнинг акс этиб турган жилоси эди. Шунда барча санъатларнинг, шу жумладан рақс санъатининг ҳам манбаи бўлган Кришна, гарчи илоннинг капгирлари гоҳ олдинга, гоҳ орқага бетиним ҳаракат қилиб турган бўлса ҳам, уларнинг устида ажойиб рақсга туша бошлади. Бу ғаройиб томошани кўриб турган фаришталар осмондан ерга гуллар ёмғирини ёғдириб, барабан чала бошладилар, най чалиб, қўшиқ куйлаб, Унга илтижо қила бошладилар. Шу тарика бутун жаннат аҳолиси - гандхарвалар, сиддхилар ва фаришталар - бу ғаройиб томошадан лаззатланиб роҳатланардилар.

Кришна капгирлари устида рақс тушаётганини кўриб илон Калийа Уни бошқа каллалари ёрдамида тушириб юборишга уринарди. Калиянинг юзга яқин калласи бор эди, лекин Кришна уларнинг ҳаммасини тепкилаб ўйнашнинг уддасидан чиқаётган эди. Кришна илонни Ўзининг нилуфар қадамлари пойи билан босқилай бошлаган, албатта илон бунга чидаб тура олмасди. Жанг шу тарзда давом этиб ниҳоят илон энди ўзининг ҳаётини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан кураша бошлади. У оғзидан ҳар хил ташландиқ нарсалар чиқариб, олов сочиб нафас оларди. Ичидан ҳар хил заҳарли нарсаларни чиқараётгани шарофати билан илон ўзининг жуда кўп гуноҳларидан покланаётган эди. У ғазаби қайнаб, жон-жаҳди билан жонини сақлаб қолишга тиришар, каллаларининг бирортасини кўтариб Кришнани чақиб ўлдиришга тинмай ҳаракат қилар, аммо Кришна шу заҳотиёқ илоннинг ўша бошининг

устига чиқиб, рақсга уни тушиб тепкилай бошларди. Аслини олганда бу манзара узокдан қараганда худди илон Калийа Худонинг Олий Шахси Парвардигор Вишнуга сажда қилиб сиғинаётгандай бўлиб кўринарди. Унинг оғизларидан чиқаётган оловлар Худога тақдим этилаётган гулларга ўхшарди. Ниҳоят илон Калийа оғизларидан олов ўрнига қон пуркай бошлади: у жуда қаттиқ чарчаб, ҳолдан тойган эди. Парвардигор Кришна оёқлари билан тепкилаганидан унинг бутун танаси мажақланиб кетгандай эди. Шунда илон Калийа аста-секин аслида Кришна Худонинг Олий Шахси эканини тушуниб, Унга таслим бўла бошлади. Кришна - ягона Парвардигор, бутун борлиқнинг ҳукмдори эканини тушуниб етган эди.

Илоннинг Нагапатнилар деб аталадиган хотинлари қорнида бутун борлиқ паноҳ топган Парвардигор Ўзининг оёқлари билан тепкилаб уларнинг илон-эрини жиловлаб олаётганини кўриб турардилар. Шошганидан кийимлари, сочлари ва тақинчоқлари пала-партишлигича қолиб кетганига қарамай, илон Калийанинг хотинлари Парвардигорга сажда қилишга тайёрлана бошладилар. Улар Худонинг ихтиёрига ўзларини топшириб, Ундан марҳамат тилаб илтижо қила бошладилар. Улар Парвардигор олдида пайдо бўлиб, болаларини олдинга чиқардилар, чуқур ҳаяжон ва кўрқув ичида Йамуна дарёси қирғоғида тиз чўкиб Кришнага чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар. Кришна Ўзига ихтиёрини топширган зотлар учун нажот ва паноҳ макони эканини Нагапатнилар яхши биларди, шу боис улар самимий илтижо қилиб, Кришнани мамнун қилиш ёрдамида ўзларининг эрини бу фалокатдан қутқариб қолмоқчи бўлаётган эдилар.

Нагапатнилар Худо Шахсига шундай илтижо қила бошладилар: "Эй азиз Худойим, Сен барчага баробар меҳрибонсан. Сен учун дўст, душман ва ўғилларинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шу боис Сенинг илон Калийага берган жазонинг унинг учун жуда муносиб жазо бўлди. Эй азиз Худойим, Сенинг бу дунёга ташриф буюришдан ягона мақсадинг бу оламнинг тинчлигини бузаётган зотларни яқсон қилиш эди, сен - Мутлақ Ҳақиқат бўлганинг туфайли Сенинг марҳаматинг ва жазонинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шунинг учун биз ўйлаймизки, Калийа учун жазодай бўлиб кўринган бу нарса аслида унинг учун катта мукофот, Сенинг унга кўрсатган марҳаматингдир. Биз биламизки, Сенинг жазонинг аслида Сенинг буюк марҳаматингдир, чунки Сен кимнидир жазолаганингда, у ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, илон қиёфасига кириб

олган бу тирик мавжудот жуда оғир гуноҳлари оқибатидан ҳаётда қаттиқ қийналиб яшарди, акс ҳолда у бундай жирканч илон танасига эга бўлармиди? Сен унинг бошлари устида рақсга тушганинг шарофати билан у илон танасида бўлиши сабабли юзага келадиган гуноҳлари оқибатларидан покланди. Шу боис Сенинг жаҳлинг чиқиб, уни бундай жазолаганинг унинг ўзи учун жуда яхши бўлди. Сенинг бу илонга кўрсатаётган марҳаматингни кўриб бизлар ҳайратга тушяпмиз, кўриниб турибдики, бу илон аввалги ҳаётларида умрини турли хайрли ишларга бағишлаган. Демак у аввалги ҳаётларида ўзининг чеккан риёзатлари, қилган тавба-тазаррулари билан ҳаммани қувонтирган, барча тирик мавжудотларга жуда кўп яхшиликлар қилган".

Нагапатнилар бу гаплари билан агар аввалги ҳаётларида Худога садоқат билан хизмат қилиб жуда кўп савоб ишлар қилмаган бўлса, ҳеч ким бу ҳаётида Парвардигор Кришна билан учраша олмаслигини тасдиқлаётган эдилар. Парвардигор Чайтанйа Ўзининг "Шри Шикшаштака" асарида айтганидай, инсон ҳаётда ўзини йўлда ётган хасдан ҳам паст тутиб, бошқаларга беминнат ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, ўзига ҳеч кимдан иззат талаб қилмасдан камтарин, итоаткор, мискин ҳолатда Ҳаре Кришна мантрасини бетиним зикр қилиб Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаши лозим. Дахшатли гуноҳлари оқибатида ҳозир илон танасида юрган бўлса ҳам, барибир илон Калийа Парвардигорга шунчалик яқин эканидан, буни Кришна Ўзининг нилуфар қадамлари пойини унинг бошларига қўйиб исботлаганидан Нагапатнилар ҳайрон эдилар. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, бундай мартаба шунчаки оддий савоб ишларнинг натижаси эмас эди. Ана шундай икки қарама-қарши ҳолатдан улар таажжубга тушаётган эдилар. Улар илтижо қилишда давом этдилар: "Эй азиз Парвардигор, бизлар унинг қанчалик омадли тирик мавжудот эканини кўриб қаттиқ ҳайратга тушяпмиз, ахир унинг бошларида Сенинг нилуфар қадамларинг гарди-пойи қоляпти-да. Ҳатто энг буюк донишмандлар ҳам ана шундай бахтга эришишга интилиб яшайдилар. Сенинг нилуфар қадамларинг гарди-пойидан дуои-фотиҳа олиш учун ҳатто раванқ фариштаси ҳам қаттиқ риёзатлар чеккан эди. Шундай экан қандай қилиб бу илон Калийанинг бошлари осонлик билан Сенинг гарди-пойларинг билан қопланди? Биз ишонарли манбалардан эшитганмизки, Сенинг нилуфар қадамларинг гарди-пойини олиш бахтига эришган зотлар ҳатто бу оламдаги энг буюк бахтдан ҳам, хусусан Тангри Брахма бўлиш, жаннатий сайёраларда яшаш ёки мана шу сайёранинг ягона ҳукмдори бўлиш бахтидан ҳам воз кечар

эканлар. Улар ҳатто Ер сайёрасидан устун турадиган Сиддхалока сингари сайёраларга ҳукмронлик қилишни ҳам, йога билан шуғулланиш натижасида эришиладиган барча сеҳр қудратларига эга бўлишни ҳам истамас эканлар. Шунингдек, соф бхакталар ҳатто руҳий озодликка чиқиб, Сен билан бир бўлиб қўшилиб кетишни ҳам истамайдилар. Эй Парвардигор, гарчи у ҳозир моддий табиатнинг ҳамиша ғазаб туйғуси билан аралаш бўладиган энг жирканч гуналари таъминлаб турадиган ҳаёт шаклида туғилган бўлса ҳам, бу илонлар шоҳи барибир жуда жуда нодир бахтга эришди. Бу дунёда сарсон-саргардон бўлиб адашиб, ҳар хил ҳаёт шаклларига тушиб юрадиган тирик мавжудотлар фақат Сенинг марҳаматинг билан ҳаётда ҳатто энг буюк бахтга ҳам жуда осонлик билан эриша оладилар".

"Чайтанйа Чаритамрита"да ҳам тасдиқланганки, тирик мавжудотлар бу дунёда ҳар хил ҳаёт шаклларида яшаб сарсон-саргардон бўлиб юрадилар, аммо Кришна билан ҳақиқий руҳий устоз уларга ачинганидан ҳамдardлик билдириб, меҳрибонлик билан уларнинг қалбига Худога садоқат билан хизмат қилиш уруғини ташлаб кўядилар ва шу тариқа уларга руҳий озодликка чиқиш йўлини кўрсатадилар.

"Мана, бизлар Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгиб турибмиз, - давом этди Нагапатнилар, - чунки Сен Худонинг Олий Шахсисан, эй азиз Парвардигор! Сен Олий Рух кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжудсан; гарчи Сен бу мавжуд борлиққа нисбатан илоҳий ҳолатда бўлсанг ҳам, бутун борлиқ ягона Сенинг Ўзингда мужассам бўлган. Сен - тинмас, мангу Замон тимсолисан. Замоннинг мангу кучи, қуввати Сенда мужассам бўлган, шунинг учун Сен - ўтмиш, ҳозир ва келажак, ойлар, кунлар, соатлар ва дақиқалар кўринишидаги Вақт(Замон)ни Ўзида мужассам қилган ва ҳамма нарсани кўриб турган Зотсан. Бошқача қилиб айтганда эй Парвардигор, Сен замоннинг ҳар бир лаҳзасида, ҳар бир соатда, ҳар куни, ҳар ойда, ҳар йили, ўтмишда, ҳозир ва келажакда бўлиб турган ҳамма нарсани, барча воқеа-ҳодисаларни мукамал равишда кўриб турасан. Мана шу фазовий борлиқ аслида Сен Ўзингсан, лекин барибир Сен - Уни яратган Зотсан. Бир вақтнинг ўзида Сен ҳам бутун борлиқнинг ўзисан, ҳам ундан фарқ қиласан. Шу боис бизлар Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгиб сажда қиламиз. Сен бутун борлиқни яратиб, унинг мавжудлигини таъминлаб, бошқариб турасан. Бутун борлиқ яралишининг бошланғич сабабчиси Сен Ўзингсан. Гарчи Сен бу оламда Ўзингнинг уч турли сифатга эга бўлган қиёфаларинг - Брахма, Вишну ва Махешвара сифатида иштирок этсанг ҳам,

аслида Сен моддий борлиққа нисбатан илоҳий ҳолатдасан. Гарчи Сен тирик мавжудотларнинг барча турларининг, шунингдек уларнинг сезгиларининг, ҳаётининг, ақли ва тафаккурининг юзага келишига сабабчи бўлсанг ҳам, Сени фақат Сенинг ички қувватинг орқали англаб олиш мумкин. Шу боис бизлар эҳтиром билан Сенинг олдинда, чексиз, ҳаммадан гўзал, бутун борлиқнинг асоси ҳамда ҳамма нарсдан боҳабар бўлган Зот олдида эҳтиром билан бош эгамиз. Чуқур фикр-мулоҳаза юритадиган жуда кўп файласуфлар Сенга эришишга интиладилар. Барча фалсафий изланишларнинг якуний мақсади Сенсан, ҳар хил таълимотлар ва ҳар қандай фалсафа ҳам фақат Сенинг Ўзингни таърифлайди. Бизлар эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгамиз, чунки Сен - барча муқаддас китобларнинг ва ҳар қандай илмнинг ягона манбаисан. Барча далил-исботларнинг илдизи ва бизларга энг олий илм беришга кодир бўлган Худонинг Олий Шахсисан. Ҳар қандай истаклар сабабчиси Сен Ўзингсан, ҳар қандай мамнуният сабабчиси ҳам Сен Ўзингсан. Сен - Ведалар тимсолисан. Шунинг учун бизлар эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгамиз.

Эй азиз Худойим, Сен - Худонинг Олий Шахси, Кришнасан, шу билан бирга Сен Васудеванинг ўгли кўринишида соф эзгуликни намоеън этувчи Олий лаззатланувчисан. Сен - ақл ва тафаккурни бошқарувчи Илоҳлар - Прадйумна ва Анируддхасан, барча вайшнавларнинг ягона ҳукмдори Сенсан. *Чатур-вйуха* деб аталадиган Сенинг экспансияларинг(Васудева, Санкаршана, Анируддха ва Прадйумналар)да Сен ақл ва тафаккурни ривожлантириш сабабчисан. Фақат Сенинг фаолиятинг шарофати билан тирик мавжудотларнинг онги унутиш пардаси билан қопланади ёки ўзларининг ҳақиқий моҳиятини, ўзлигини англай оладилар. Бу ҳақиқат ҳам "Бхагавад Гита"нинг ўн бешинчи бобида тасдиқланган. Парвардигор Олий Рух сифатида ҳар кимнинг қалбида жойлашган, Унинг шарофати билан тирик мавжудот ҳақиқий ўзлигини, аслида ўзи ким эканини унутиб юборади ёки аксинча ҳақиқий ўзлигини англаб етади, ҳақиқий ҳолатини қайта тиклайди. Бизлар қисман тушуниб олишимиз мумкинки, Сен бизнинг қалбимиздан жой олган ҳолда қилаётган ҳар бир ишимизнинг гувоҳи бўлиб юрасан, лекин ҳамиша Сен биз билан бирга эканингни англаб етиш жуда мушкул. Ҳар бир одам буни маълум даражадагина англаб ета олади. Сен ҳам моддий, ҳам руҳий қувватларнинг олий ҳукмдорисан; шунинг учун гарчи бу намоеън борлиқдан фарқ қилсанг ҳам, Сен - бутун борлиқнинг ягона ҳукмдорисан. Сен - мана шу борлиқ таркиб топган ҳамма нарсанинг

яратувчиси ва гувоҳисан. Шунинг учун бизлар эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгиб сажда қиламиз. Эй азиз Худойим, бу моддий оламни яратишда Сен шахсан Ўзинг бирор ҳаракат қилиб юришининг ҳожати йўқ. Ўз қувватларинг, айнан эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари ёрдамида Сен бу моддий оламни яратишга, мавжудлигини таъминлаб туришга ва вақти келганда яқсон қилишга қодирсан. Замоннинг бутун қудратини бошқариб турган Зот сифатида Сен моддий қувватга шунчаки нигоҳ ташлаб қўйиш билан бу моддий оламни яратишинг ва моддий табиатнинг ҳар бир тирик мавжудотда турлича ҳаракат қиладиган ҳар хил қувватларини ҳаракатга келтира оласан. Шунинг учун бу дунёда Сенинг қандай фаолият кўрсатишингни ҳеч ким англаб ета олмайди. Эй азиз Худойим, гарчи Сен Ўзингни оламни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилиш учун бу оламда уч асосий Илоҳ - Тангри Брахма, Парвардигор Вишну ва Тангри Шива кўринишида намоён этган бўлсанг ҳам, Парвардигор Вишну сифатида шахсан Ўзинг намоён бўлишинг аслида барча тирик мавжудотларга кўрсатган буюк марҳаматингдир. Шунинг учун қалби хотиржам бўлиб олий, рухий оламга эришишга интилиб юрган одамлар Сенинг Парвардигор Вишну кўринишидаги қиёфанга сажда қилиб сиғиниб юрганлари маъқул. Эй азиз Худойим, бизлар Сенга ўз илтижоларимизни таклиф этамиз. Бу бечора илон ҳозир жон беришини Сен яхши биласан, аёл зотидан бўлганимиз учун бизларнинг бутун давлатимиз, бутун ҳаётимиз эримизнинг мулки ҳисобланади, шу боис бизлар илтижо қилиб Сендан эримиз Калиянинг бир қошиқ конидан кечинингни сўраймиз, чунки агар бу илон ўлса, бизлар қаттиқ қийналиб қоламиз. Меҳр тўла нигоҳингни фақат бизларга қаратиб, бу илоннинг Сени хафа қилган қилмиши учун кечир, биз Сендан шуни илтимос қиламиз. Эй азиз Худойим, аслида ҳар бир тирик мавжудот Сенинг фарзандинг ҳисобланади, шунинг учун ҳам Сен ҳаммани бир хилда ҳаёт учун зарур нарсалар билан таъминлаб қўйибсан. Бу илон ҳам Сенинг фарзандинг, гарчи Сенинг қанчалик қудратли эканингни билмасдан Сени ҳақорат қилиб қўйган бўлса ҳам, Сен унинг бу гуноҳини кечиришга қодирсан. Бизлар Сендан бу гал унинг гуноҳини кечиришингни сўраймиз. Эй азиз Худойим, бизлар Сенга муҳаббат билан хизмат қилишни истаймиз, чунки бизлар барчамиз аслида Сенинг мангу хизматкорларингиз. Сен бизларга буйруқ беришинг ва Ўзингга маъқул бўлган ҳар қандай ишни қилишга амр этишинг мумкин. Агар онгли равишда ҳаётда Сенинг амрингга итоат этиб яшашга рози бўлса, ҳар қандай тирик мавжудот

ҳам ҳаётда ҳар қандай қийинчиликлардан бутунлай халос бўлади".

Нагапатнилар илтижо қилгандан кейин Парвардигор Кришна илон Калияни муқаррар жазодан озод қилди. Кришнанинг қаттиқ зарбалари дастидан илон Калия хушидан кетай деб ҳолсизланиб қолган эди. У ўзига келганида, жазодан кутулган бу илоннинг аввалги ҳаёт кучи, сезгиларининг фаолияти қайта-тикланган эди. Қўлларини қовуштирган ҳолда илон Парвардигор Кришна олдида камтарин ҳолда бош эгиб илтижо қила бошлади: "Эй азиз Худойим, мен шундай ҳаёт шаклида туғилганманки, ғафлат гунасининг энг қоронғи зулматида бўлганим туфайли, ўз табиатимга кўра ҳамиша золим ва ҳасадгўй бўлиб юраман. Гарчи тирик мавжудот ўзининг табиий фазилатлари сабабли бир танадан иккинчи танага ўтиб юрса ҳам, Ўзинг яхши биласанки, тирик мавжудот ўз табиатига хос бўлган хусусиятларни енгиши, уларни ўзгартириши жуда мушкул".

"Бахавад Гита"да ҳам айтилганки, моддий табиатнинг чангалидан халос бўлиш жуда қийин, аммо агар тирик мавжудот Худонинг Олий Шахси Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топширса, моддий табиат гуналари уни безовта қила олмайди.

"Эй азиз Худойим, - давом этди илон Калия, - демак Сен бу моддий олам таркиб топган моддий табиат гуналарининг бошланғич яратувчиси Сен Ўзингсан. Ҳар хил тирик мавжудотларга ато этилган турли хил ақлларнинг сабабчиси ҳам Сенсан, ана шу ақли сабабли улар моддий оламда ҳар хил таналарга эга бўладилар. Эй азиз Худойим, мен илон танасида туғилганман, шунинг учун табиатимга кўра мен жуда золимман. Агар Сен Ўзинг марҳамат кўрсатмасанг мен қандай қилиб ўзимнинг табиий хусусиятимни енга оламан? Сенинг алдамчи қувватинг - *майя* чангалидан қутулиш жуда мушкул. Бизларни тутқунликда ушлаб турган Сенинг алдамчи қувватинг, майя бўлади. Эй азиз Худойим, ўз марҳаматингни мендан дариг тутмай, менинг табиатан муқаррар бўлган моддий хусусиятларим учун мени кечир! Энди мен ўз ихтиёримни бутунлай Сенга топишираман, истасанг жазола, истасанг халос эт!"

Илоннинг бу гапларини тинглаб туриб, подачи бола қиёфасида турган Худонинг Олий Шахси унга шундай буйруқ берди: "Сен ҳозирок бу жойни тарк этиб, океанга йўл олишинг керак. Ҳозирок бу ердан кет! Ўзинг билан бирга ҳамма хотинларингни, болаларингни ҳам олиб кетишинг мумкин. Йамунанинг сувларини бошқа захарлама! Менинг сигирларим ва



подачилар бундан кейин ундан бемалол сув ичиб юришлари лозим".

Кейин Парвардигор эълон қилиб айтдики, Ўзининг илон Калийга берган мана шу буйруғини ҳаммага етказиш керак, токи бундан кейин ҳеч ким бу илондан қўрқиб юрмасин.

Қора илон Калийга ва унинг қандай жазолангани ҳақидаги мана шу ҳикояни диққат ва ишонч билан тинглаган ҳар бир одам илонларнинг ҳасад ва ёвузлик туйғулари таъсирида қиладиган ишларидан қўрқмаса ҳам бўлади. Парвардигор эълон қилиб, яна шундай деди: "Мен ва подачи дўстларим чўмилган мана шу Калийга кўлида чўмилган ёки кун бўйи оч юриб рўза тутиб, мана шу жойдан сув олиб ажодлари руҳига тақдим қилган ҳар бир киши ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади!" Парвардигор Кришна Калийга шундай деб айтди: "Сен океан қирғоғидаги гўзал ватанингдан сени емоқчи бўлиб юрган баҳайбат қуш Гарудадан қўрққанинг сабабли бу ерга келиб яширингансан. Энди, сенинг

149

бошингда қолган Менинг нилуфар пойи қадамларим изини кўриб, Гаруда сени ҳеч қачон безовта қилмайди".

Парвардигор Кришна Калийга ва унинг хотинларидан мамнун бўлди. Калияннинг хотинлари Парвардигорнинг берган фармонларини эшитган заҳоти Кришнага чиройли либослар, гуллар, гулчамбарлар, қимматбаҳо такинчоқлар, сандал, нилуфар гули ва ажойиб ширин мевалар тақдим қилиб, эҳтиром билан чуқур миннатдорчилик билдира бошладилар. Шу тариқа илонлар қалбларига қаттиқ қўрқув солиб юрган Гаруданинг хўжайинини мамнун қилдилар. Кейин Парвардигор Кришнанинг амрига бўйсуниб, илонларнинг ҳаммаси Йамуна дарёси ҳосил қилган кўлни тарк этдилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Калияни бўйсундириши" деб аталадиган ўн олтинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 17. Кришнанинг ўрмонга кетган ёнғинни ўчиргани

Калияннинг жазолангани ҳақидаги ҳикояни тинглаб бўлиб, шоҳ Парикшит Шукадева Госвамидан нима сабабдан Калийга ўзининг гўзал ватанини ташлаб кетгани, нимага Гаруда унга нисбатан душманлик қилиб юргани ҳақида гапириб беришни сўради. Шукадева Госвами шоҳга ҳикоя қила бошлади. "Нагалайга деган оролда жуда кўп илонлар яшар, илон Калийга эса

бу ердаги энг асосий илонлардан бири эди. Илонлар билан овқатланишга одатланиб қолган Гаруда бу оролга ҳар замонда келиб турар ва илонларни ўзи истаган миқдорда ўлдириб еб юрарди. Кўп илонларни у ўлдириб ер, кўпларини эса ҳеч қандай заруратсиз, эрмак учун ўлдириб ташларди. Бутун илонлар қабиласи бундан қаттиқ ташвишга тушган эди, уларнинг сардори Васуки паноҳ сўраб Тангри Браҳмага илтижо қилди. Тангри Браҳма шундай бир чора кўрдики, Гаруда энди уларни безовта қилмай қўйди. Ҳар гал Ой камайиб ярим ой шаклига кирган куни илонлар салтанати Гарудага битта илон эҳсон қиларди. Бу илонни улар Гарудага қурбонлик сифатида эҳсон қилиб, дарахт остига қўйиб кетардилар. Гаруда ана шу илон билан қаноатланиб, бошқа илонларни безовта қилмай қўйган эди.

Лекин вақт ўтиши билан қора илон Калийга мана шу ҳолатни суистеъмол қила бошлади. У ўзининг тўплаган захари, жисмоний қудрати билан жуда мағрурланиб кетганди. "Нимага энди биз Гарудага ҳар ойда битта илон эҳсон қилишимиз лозим экан?" - деб, у ҳар ойда илон қурбон қилишни таъқиқлаб қўйди. Гарудага эҳсон қилинадиган илонларни энди унинг ўзи еб қўядиган бўлди. Буюк бхакта, ҳамиша Парвардигор Вишнуни елкасида олиб юрадиган баҳайбат қуш Гаруда ўзига эҳсон қилиниши лозим бўлган илонларни Калийга еб юрганини тушуниб етганида қаттиқ ғазабланиб ва ўзини бундай ҳақорат қилган ўша илонни ўлдириш учун шу заҳотиёқ оролга учди. Калийга Гарудага қарши жанг қилишга уриниб кўрди ва уни сон-саноксиз капгирлари ва заҳар томиб турган ўткир тишлари билан кутиб олди. У Гарудани тишлаб олмоқчи бўлди, аммо Таркшайанинг ўғли Гаруда қаттиқ ғазабланиб, елкасида Парвардигор Вишнуни олиб юрадиган зотга хос бўлган қудратли куч билан ўзининг олтиндай ярқираб турган қаноти билан Калийга қаттиқ бир зарба туширди. Баъзилар Кадруста, яъни "Кадрунинг ўғли" деб атайдиган илон Калийга бу зарбага бардош беролмай дарров қочиб қолди ва Йамуна дарёси қирғоғида жойлашган, Гаруда бора олмайдиган *Калийдаха* деб аталадиган кўлга яшириниб олди.

Калийга Йамуна сувларида куйидаги сабабларга кўра бекиниб олган эди: худди Калийга оролига илон тутгани боргани сингари Гаруда емиш учун балиқ тутгани Йамуна дарёсига ҳам тез-тез бориб турарди. Лекин бу ерда Саубҳари Муни деган буюк йог бор бўлиб, у сувда муроқабани қилиб ўтирар ва балиқларга ғамхўрлик қиларди.

Ўша буюк донишманд Гарудадан бу ерларга бошқа келмасликни, балиқларга озор бермасликни илтимос қилган эди. Гарчи

елкасида Парвардигор Вишнунинг Ўзини олиб юрадиган Гаруда ҳеч кимнинг амрига бўйсунуши шарт бўлмаса ҳам, буюк йогнинг хурмати учун унинг амрига қарши чиқолмасди. Бу ерда қолиб жуда кўп балиқларни ейиш ўрнига у фақат битта катта балиқни, балиқларнинг сардорини олиб кетди. Гаруда балиқларнинг йўлбошчисини олиб кетганидан Саубхари Муни қаттиқ хафа бўлди ва бошқа балиқларнинг ҳаётини ҳимоя қилиш учун у Гарудани шундай дуоибад қилди: "Бундан кейин то охир-замонгача, Гаруда балиқ тутиш ниятида бу ерларга учиб келса, у шу заҳотиёқ ҳалок бўлсин! Мен бу сўзларимга ўзимнинг бутун илоҳий кудратимни мужассам қиламан".

Бу дуоибад ҳақида фақат Калийя биларди. Шундай қилиб Гаруда бу ерларга бошқа келмаслигига Калийянинг ишончи комил эди. Шу боис у Йамуна дарёси ҳосил қилган бу кўлда яширинишни ўзига маъқул кўрди. Аммо Саубхари Мунининг ҳомийлиги энди унга етарли бўлмай қолди, Калийяни Йамуна дарёсидан Кришна, Гаруданинг ҳукмдори қувиб юборди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Гаруда Худонинг Олий Шахси билан бевосита боғлиқ ва шу қадар кудратлики, унга ҳеч қачон, ҳеч кимнинг, ҳеч қандай буйруқ ёки дуои-бад, қарғишлари таъсир қилмайди. Аслини олганда "Шримад Бхагаватам"да айтилишга кўра Саубхари Мунининг Худонинг Олий Шахси, Бхагаван билан бир қаторда турадиган Гарудани дуои-бад қилиб қарғашни Гарудага нисбатан катта ҳақорат эди. Гарчи Гаруда Мунидан бунинг учун ўч олиш ҳақида ҳатто ўйлаб ўтирмаган бўлса ҳам, барибир Саубхари Муни шундай буюк вайшнавни ҳақорат қилгани учун жазосиз қолмади. Ана шу ҳақорати учун у ўзининг буюк йога ҳолатидан тубанликка юз тутиб, моддий оламда ҳиссий лаззатларга берилиб яшайдиган грихастха ҳолатига тушиб қолди. Узок вақт муроқабага берилиб яшашининг натижаси сифатида руҳий лаззатлар уммонига фарқ бўлиши лозим бўлган буюк Саубхари Мунининг руҳий юксалиш йўлидан шундай тубанликка юз тутгани вайшнавларни ҳақорат қилишни ўйлайдиган одамлар учун яхши сабоқ бўлиши керак.

Ниҳоят Кришна Калийя кўлидан қирғоққа чиққанида шу ерда турган ҳамма дўстлари Уни қарши олдилар. У Ўз дўстларининг олдида пайдо бўлганида танасига чандана суртилган, чиройли қимматбаҳо тақинчоқлар, ялтироқ тошлар билан безанган ва деярли бутун танаси олтинга қопланган ҳолда эди. Вриндаванда яшайдиган подачи-болалар ва катталар, Йашода она, Нанда Махараж, барча сигирлару-бузоқлар ҳайратга тушиб Йамунадан чиқиб келган Кришнага тикилдилар, бу ҳол улар учун худди

ҳаётга қайта келишдай бир гап эди. Одатда ҳаётга қайта келган одамнинг қалби табиий равишда қувонч ва шодликка тўлиб кетади. Уларнинг ҳаммаси бирин-кетин Кришнани бағрига босар, бундан худди уларнинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлиб, ўзларини жуда енгил ҳис қилиб кетарди. Йашода она, Роҳини, Нанда Махараж ва подачилар шундай бахтиёр эдиларки, Кришнани бағрига босар экан улар инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришдик деб ўйлардилар.

Балорам ҳам қулимсираб Кришнани бағрига босди, чунки бошқа ҳамма одам қаттиқ ташвишга тушиб турган бир пайтда У Кришнанинг Калийя билан қилган жанги қандай натижа билан тугагини яхши биларди. Дарё қирғоғидаги дарахтлар, сигирлар, хўкизлар ва бузоқларнинг ҳаммаси Кришна пайдо бўлганидан жуда хурсанд эдилар. Вриндаванда яшайдиган брахманлар ҳам рафиқалари билан биргаликда Кришнани ва Унинг оила аъзоларини табриклаш учун дарров бу ерга келдилар. Брахманлар жамиятнинг руҳий устозлари ҳисобланадилар. Улар Кришнани ва Унинг оила аъзоларини Кришнанинг бу фалокатдан эсон-омон қутулгани муносабати билан дуои-фотиҳа қилдилар. Шунингдек, бу воқеани тантана билан нишонлаш учун улар Нанда Махараждан хайр-эҳсон қилишни сўрадилар. Нанда Махараж Кришнанинг бу фалокатдан халос бўлганидан шу қадар хурсанд эдики, брахманларга жуда кўп сигир ва олтин садақа қилди. Нанда Махараж шу ишлар билан банд бўлиб юрар экан, Йашода она Кришнани тиззасига ўтказиб, қаттиқ бағрига босар, қувонганидан тинмай кўз ёши тўкарди.

Тун кириб келарди, бутун Вриндаван аҳолиси, шу жумладан сигир ва бузоқлар ҳам қаттиқ чарчаган эди, шу боис улар шу тунни дарё қирғоғида ўтказишга қарор қилдилар. Улар ухлаб ётар экан, тун ярмида бирданига улар ётган ўрмонга ёнғин кетди, ўрмонда бошланган даҳшатли ёнғин гўё бутун Вриндаван аҳолисини ўз домига ютиб юбормоқчидай эди. Ёнғиннинг ҳароратини сезган заҳоти улар нажот сўраб Худонинг Олий Шахсига, ҳозир ўзларининг ўғли ролини бажариб юрган Парвардигор Кришнага мурожаат қилдилар. "О Кришна! Эй Худонинг Олий Шахси! Эй Балорам, бутун куч-қудрат ҳукмдори! Сизлардан илтимос, бизларни бу даҳшатли ва тўймас ёнғин балосидан қутқаринглар! Бу очофат ёнғин бизларнинг ҳаммамизни ўз домига ютиб юборади! Сенинг нилуфар қадамлари пойингдан бошқа бизларнинг бирор паноҳимиз, нажот маконимиз йўқ!" - дея улар Кришнага илтижо қила бошладилар. Ўзининг кадрдон кишлоғининг аҳолисига ҳамдардлик билдириб Парвардигор

Кришна шу заҳотиёқ бутун оловни симириб ичига ютиб юборди ва ҳамқишлоқларини фалокатдан асраб қолди. Албатта бундай ишлар Кришна учун қийин эмасди, чунки У чексиз қудрат соҳиби. Парвардигор Ўзи истаган ҳар қандай ишни бемалол амалга оширишга қодир бўлган чексиз илоҳий қудрат соҳибидир.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Кришнанинг ўрмонга кетган ёнгинни ўчирishi"  
деб аталадиган ўн еттинчи бобига  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## 18. Иблис Праламбасуранинг халокати.

Ҳамма ерни вайрон қиладиган ўрмон ёнгинини ўчиргандан кейин Кришна Ўзининг қариндошлари, дўстлари, сигирлари, бузоқлари ва ҳўкизлари билан бирга, уларнинг Ўзини олқишловчи ёқимли қўшиқларини тинглаб яна ҳаммиша сигирлар макони бўлган Ўзининг кадрдон Вриндаванига қайтиб келди. Кришна билан Балорам шу тариқа Вриндаванда подачи болалар ва қизлар даврасида ҳаёт завқини сурар экан, аста-секин ёз ҳам кириб келди. Одатда ёз жуда иссиқ бўлгани сабабли Ҳиндистон халқи ёз келишидан унчалик хурсанд бўлмайдилар, лекин Вриндаванда ёз келишидан ҳамма хурсанд эди, чунки бу ерда ёз ҳам баҳорга ўхшарди. Ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шиванинг ҳам ҳукмдорлари бўлган Парвардигор Кришна ва Балорам ҳозир бу ерда яшаётгани туфайли Вриндаваннинг ёзи ҳам баҳордай ёқимли, роҳати жон бўларди. Вриндаванда жуда кўп шаршаралар бор, уларнинг ёқимли овозлари чигирткаларнинг чириллашларини босиб кетади. Ҳамма жойда ҳаммиша сув оқиб тургани учун ўрмон ҳаммиша ям-яшил, чиройли бўлиб кўринарди. Вриндаван аҳолисини ҳеч қачон қуёшнинг қуйдирувчи тафти ва ёзнинг жазирама иссиғи безовта қилмасди. Қўллар бу ерда қалин майсалар билан ўралган бўлиб улар юзида *калхара*, *канджа* ва *утпала* сингари турли хил нилуфар гуллари очилиб ётади, эсиб турган майин шабада эса гулларнинг анвойи хидларини ҳар тарафга таратади. Йамунанинг, қўлларнинг ва шаршараларнинг енгил шабада элтган майда томчилари Вриндаванликлар танасига теккан заҳоти улар ёқимли салқин ҳаво лаззатини ҳис қилардилар. Шу тариқа уларни ҳеч қачон ёзнинг жазирама иссиғи безовта қилмасди.

Вриндаван - жуда ғаройиб жой. У ерда гуллар ҳаммиша чаман бўлиб очилиб ётади,

чиройли безанган кийиклар хотиржам сайр қилиб юради, қушлар ҳар хил номада ёқимли сайрайдилар, ҳар ер - ҳар ерда товуслар қийқириб рақсга тушадилар, асаларилар галаси ғувиллаб юради. Каккулар бу ерда беш турли оҳангда чиройли куйлайдилар.

Лаззат манбаи бўлган Кришна найини чалиб, акаси Балорам, подачи дўстлари ва сигирлари билан биргаликда яйраб лаззатланиш учун Вриндаван ўрмонида кириб келади. Улар гуллари товус патини эслатадиган янги барглари қоплаган дарахтлар орасида сайр қилиб юрардилар. Уларнинг таналарини ана шу гуллардан ясалган гулчамбарлар ҳамда сарғиш заъфарон рангли бўёқ билан чизилган нақшлар безаб турарди. Баъзан улар қўшиқ айтиб рақсга тушар, баъзан эса бир-бирлари билан кураш тушардилар. Кришна рақсга тушганида подачи болалардан бирортаси қўшиқ куйлар, бошқалари най, сур чалар, қарсақ чалиб Кришнани олқишларди: "Яшавор Кришна, рақсга жуда зўр тушяпсан!" Аслида бу болаларнинг ҳаммаси Кришнанинг бу дунёдаги эрмакларига ёрдам бериш учун жаннатий сайёралардан келган фаришталар эдилар. Худди бир раққос иккинчисини мактаб олқишлагани сингари, подачи қиёфасига кириб олган бу фаришталар ҳам ҳозир рақсга тушаётган Кришнани олқишлардилар. Ҳали Кришна ҳам, Балорам ҳам ананъавий соч қирқиш маросимидан ўтмаган эдилар. Шунинг учун уларнинг сочлари қарғанинг патларига ўхшатиб турмаклар бўлиб қўйилган эди. Улар ҳаммиша дўстлари билан яширинмачоқ ўйнаб ёки кураш тушардилар. Дўстлари қўшиқ куйлаб рақсга тушганида Кришна уларни олқишларди: "Рақсга жуда зўр тушяпсизлар, жуда зўр қўшиқ куйлаяпсизлар!" Болалар коптоқ ўрнига *амалаки* ва *бел* дарахтининг меваларини бир-бирларига отиб ўйнаб эдилар. Улар кўзларини боғлаб бир-бирларини топишга уриниб ўйнардилар. Баъзан улар ўрмонда юрган кийикларга ва ҳар хил қушларга тақлид қилишарди. Улар қурбақаларнинг қуриллашига ўчакишиб, бир-бирлари билан ҳазиллашар, дарахтлар соясида мазза қилиб арғимчоқ учардилар. Баъзан улар шоҳ ва унинг фуқаролари бўлиб ўйнардилар. Шундай қилиб Кришна билан Балорам дўстлари билан ҳар хил ўйинлар ўйнаб, дарёлар, ирмоқлар, қўллар, чиройли дарахтлар ва ғаройиб гуллар ва меваларга бой Вриндаваннинг оромбахш муҳитида лаззатланиб яшардилар.

Кришна билан Балорам ана шундай илоҳий лаззатларга ғарқ бўлиб ўйнаб юрган кунларнинг бирида Праламбасура деган даҳшатли иблис Уларни ўғирлаш ниятида шу ерларга келиб қолди. Гарчи Кришна ҳозир подачи бола ролини ўйнаб юрган бўлса ҳам, У - Худонинг Олий

Шахси, шу боис У ўтмиш, ҳозир ва келажакда бўладиган ҳамма нарсадан хабардор. Шунинг учун Праламбасура ўйнаб юрган болалар орасига кўшилганда Кришна ичида бу иблисни қандай қилиб ўлдириш чорасини режалаштира бошлаганди, сиртдан эса уни дўстона табассум билан даврага қарши олди: "Вой қадрдон дўстим-эй, бизлар билан бирга ўйнагани келганинг жуда зўр бўлди-да!" Кейин Кришна ҳамма дўстларини чақириб бир жойга тўплаб, уларга шундай деди: "Энди бизлар иккига бўлиниб, жуфт-жуфт бўлиб бир-биримиз билан курашиб ўйнаймиз!" Бу таклифни эшитиб ҳамма қувониб кетди. Уларнинг баъзилари Кришна тарафга, баъзилари Балорам тарафга ўтдилар ва бир-бирларига қарши ўйнашга келишиб олдилар. Мағлуб бўлган томондаги болалар ғолиб томоннинг болаларини елкасига миндириб, ўрмонни сайр қилдиришлари лозим эди. Болалар ўйинга киришиб кетдилар, айна пайтда улар Бхандираван ўрмонида ўтлаб юрган сигирларга ҳам қараб турардилар. Балорам, Шридама ва Вришабха ўйинда ғолиб чиқдилар, энди Кришна тарафда ўйнаган бошқа болалар уларни елкасига ўтқазиб Бхандираван ўрмони орқали олиб ўтишлари шарт эди. Ўйинда мағлуб бўлгани сабабли Худонинг Олий Шахси, Кришна - Шридамни, Бхадрасена эса - Вришабхани елкасида олиб юриши керак эди. Уларнинг ўйинига таклид қилиб, подачи бола қиёфасига кириб олган иблис Праламбасура эса Балорамни елкасига кўтариб олди. Иблислар орасида энг буюги бўлган ҳолда у подачи болалар ичида энг қудратлиси Кришна деб ҳисобларди. Кришнага тўқнашиб қолишдан кўркиб Праламбасура Балорамни елкасига олиб узокка кетди. Шубҳа йўқки, иблис жуда кучли ва қудратли эди, аммо унинг елкасида болалар тоғ билан тенглаштирадиган Балорам ўтирар эди. Шунинг учун орадан кўп ўтмай иблис елкасида ана шу оғир юкни яққол ҳис қила бошлади ва ноилож ўзининг асл башарасини намойиш этди. У ҳозир ўзининг бошига олтин тож кийиб олган, кулоқларига сирға таккан асл ҳолатида худди елкасида ойни олиб бораётган ёмғирли булутни эслатарди. Балорам иблисининг танаси каттайиб булутларга бориб етганини кўрди. Унинг гулхандай кўзлари ёниб турарди, оғзида эса катта ўткир тишлари ярқираб турарди. Аввалига Балорам иблисининг бирданига бу ерда пайдо бўлганидан ҳайрон бўлди: "Қандай қилиб мени кўтариб юрган бола бирданига ўзгариб қолди?" Лекин шу заҳотиёқ ақлини йиғиб олиб, Уни ўлдириш учун бу иблис Уни шиддат билан дўстлари ёнидан узокроқ жойга олиб кетаётганини тушунди. Худди жаннатий сайёралар шоҳи яшин билан тоғларга зарба бергани сингари, У шу заҳотиёқ иблисининг

калласига Ўзининг қудратли муштуми билан қаттиқ бир зарба туширди. Балорамнинг мушти зарбидан иблис худди калласи янчилган илондай жонсиз ҳолда гурсиллаб ерга қулади, унинг оғзидан қон уфуриб оқа бошлади. У ерга йиқилганда чиққан шовқин ҳар тарафга таралиб кетди. Гўё шоҳ Индранинг яшин қуролидан катта тоғ қулаб тушгандай бутун атрофга катта шовқин кўтарилди. Ҳамма болалар шовқин чиққан жойга шошилдилар. Бу мўъжизани кўриб ҳайратга тушган болалар Балорамни олқишлай бошладилар: "Балли! Балли!" Уни меҳрибонлик билан бағрига босиб, бу фалокатдан зўрға қутулиб қолган бўлса керак деб ўйлаб, болалар Уни дуо қилиб табриклай бошладилар. Жаннатдаги барча фаришталар қувониб, буюк иблис Праламбасура устидан қозонган ғалабаси билан табриклар, Балорамнинг илоҳий танасини самовий гулларга кўмиб ташладилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Иблис Праламбасуранинг ҳалокати" деб аталадиган ўн саккизинчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 19. Кришнанинг ўрмонни қоплаб олган ёнғинни ютиб юбориши

Кришна, Балорам ва Уларнинг дўстлари юқорида таърифланган эрмаклар билан машғул бўлиб юрар экан, қаровсиз қолган сигирлар ўз билганича ҳар тарафга тарқаб, майин майсалар излаб ўрмоннинг ичига чуқур кириб кетдилар. Эчкилар, сигирлар ва кўтослар бир ўрмондан иккинчи ўрмонга ўтиб, ниҳоят Ишикатави деган ўрмонга кириб бордилар. Бу ўрмондаги мўл-кўл ям-яшил ўтлар сигирларни ўзига жалб қиларди. Лекин сигирлар ўрмон ичига кирганида ўрмон даҳшатли ловуллаб турган ёнғин ичида қолганини кўрдилар ва ноилож аҳволда қолиб йиғлай бошладилар. Ўрмоннинг бошқа тарафида эса Кришна, Балорам ва Уларнинг подачи дўстлари сигирларини излаб топа олмай қаттиқ хавотирга туша бошлаган эдилар. Улар сигирларнинг қолдирган излари ва майсалари ейилган жойларга қараб подани излашга тушдилар. Ягона бойлиги бўлган сигирлари энди бутунлай йўқолган бўлса керак деб болалар қаттиқ кўркиб кетгандилар. Ўрмонда сигирларни излаб юриб уларнинг ўзлари ҳам қаттиқ чарчадилар, уларни чанқоқ азоби ҳам қаттиқ қийнар эди. Кўп ўтмай улар сигирларнинг мунгли маъраган овозларини эшитиб қолдилар. Кришна баланд овоз билан номларини айтиб Ўзининг сигирларни чақира бошлади. Унинг овозини эшитган сигирлар

дарров қувониб "Ҳмм"лай бошладилар. Афсуски бу пайтга келиб ўрмонга кетган ёнғин уларни ҳар тарафдан ўраб олган бўлиб, улар жуда қийин аҳволга тушиб қолган эдилар. Қаттиқ шамол ёнғин тилларини тобора баланд кўтарар, гўё олов шу яқин атрофдаги барча ҳўлу-қурук нарсаларнинг ҳаммасини ўз домига ғарқ қилишга уринаётгандай туюларди. Худди ўлими олдидан одам Парвардигорнинг тасвирига қараганидай, сигирлар ва подачиларнинг ҳаммаси даҳшат ичида хавотирланиб Парвардигор Балорамга қараб турардилар. Улар шундай дедилар: "Эй азиз Кришна ва Балорам, бизларни даҳшатли ёнғин ўз домига ютиб юборяпти. Сизларнинг нилуфар қадамларингиз пойидан паноҳ топишга рухсат беринглар! Биламизки, Сизлар бу даҳшатли фалокатдан бизларни ҳимоя қилишга қодирсизлар. Эй азиз Кришна, бизлар Сенинг яқин дўстларингиз. Бизлар шунчалик қаттиқ изтироб чекишимиз адолатдан эмас. Ҳаётимиз бутунлай Сенинг қўлингизда, Сен эса - ҳақиқий тақводорлик нима эканини биладиган Зотсан. Бизлар ҳаётда Сендан бошқа ҳеч нарсани билмаймиз".

Нажот тилаб Ўзини чорлаётган дўстларининг овозларини тинглаб туриб, уларга Ўзининг имонли қалбларга барқарор хотиржамлик бағишловчи илоҳий нигоҳини ташлаб қўйиб, Худонинг Олий Шахси уларга шу нигоҳи билан жавоб берди. Кўзлари билан Кришна дўстларига хавотирга тушишнинг мутлақо ҳожати йўқлигини билдириб қўйди. Кейин энг буюк сеҳргар, қудратли Худо Шахси Кришна бир зумда ёнғиннинг ҳамма тилларини, алангаларини симириб ичига ютиб юборди. Муқаррар ҳалокатдан сигирлар ва подачи болалар шу тарика қутқариб олинди. Болалар даҳшатга тушганидан бутунлай эс-хушини йўқотиб қўйган эдилар, ҳушига келиб кўзларини очганларида эса аввалгидай Кришна, Балорам ва сигирлари билан бирга беҳавотир турганларини кўрдилар. Даҳшатли ўрмон ёнғинидан кутулиб қолганини, сигирлари ҳам бу фалокатдан соғ-саломат қолганини кўриб улар ҳайратга тушдилар. Улар ўзларича Кришна оддий бола бўлмаса керак, ҳойнаҳой У қандайдир бир қудратли фаришта бўлса керак, деб ўйлаб қўйдилар.

Кеч кириши билан найларини чалиб Кришна билан Балорам подачи болалар ва сигирлар билан биргаликда Вриндаванга кириб келдилар. Уларнинг яқинлашаётганини кўрган гопилар жуда хурсанд бўлдилар. Кришна ўрмонда юрар экан, гопилар кун бўйи У ҳақида ўйлаб юрардилар, Унинг Вриндаванда бўлмаган ҳар бир лаҳзаси гопиларга гўё ўн икки йилдай узун бўлиб кўринарди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Кришнанинг ўрмонни қоплаб олган ёнғинни  
ютиб юбориши" деб аталадиган ўн тўққизинчи  
бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## 20. Ёмғир палласи

Балорамнинг иблис Праламбасура устидан ғалабаси ва Кришнанинг ўрмонда даҳшатли ёнғинни ютиб юборгани Вриндаван аҳолисининг ўзаро қизгин суҳбатларига сабаб бўлди. Подачилар бу ғаройиб ходисалар ҳақида хотинларига ва бошқаларга гапириб бердилар, бундан уларнинг ҳаммаси ҳайратга тушдилар. Улар "Кришна билан Балорам аслида чексиз марҳамат кўрсатиб, уларнинг болалари бўлиш учун Вриндаванга ташриф буюрган буюк фаришталар" деган хулосага келдилар. Бу пайтга келиб Вриндаванда ёмғир палласи бошланди. Ҳиндистонда одамлар ёзнинг жазирама иссиқ кунларидан кейин келадиган ёмғир палласини катта шодиёна билан кутиб оладилар. Осмонда тўпланиб ой ва қуёшни тўсиб қўядиган ёмғир тўла булутлар тўдаси ёмғир ёғишини орзиқиб кутаётган одамларнинг кўзларини қувончга тўлдиради. Ёздан кейин ёмғир палласининг кириб келиши ҳар бир одамнинг ҳаёт манбаи ҳисобланади. Момақалдирик ҳамда вақти-вақти билан чақнаб турадиган яшин ҳам одамларнинг қалбига қувонч бағишлайди.

Ёмғир палласининг белгиларини қайси бир даражада моддий табиат гуналари билан қопланган тирик мавжудотларнинг баъзи белгиларига қиёслаш мумкин. Бепоён осмон Олий Брахманга ўхшайди, чекланган кичик тирик мавжудотлар эса булут қоплаган осмонга, яъни моддий табиат гуналари билан қопланган Брахманга ўхшайди. Азалдан ҳар бир тирик мавжудот Брахманнинг бир учкуни, бир заррачасидир. Булут ҳеч қачон Олий Брахманни яъни чексиз осмонни бутунлай қоплай олмайди, аммо унинг бир қисмини, бир заррачасини қоплай олади. "Бхагавад Гита"да айтилганидай, тирик мавжудотлар Худонинг Олий Шахсининг ажралмас заррачаларидир. Лекин улар Парвардигорнинг арзимаган кичик қисмини ташкил этадилар, холос. Брахманнинг ана шу қисмини моддий табиат гуналари қоплаб олади, шунинг учун тирик мавжудотлар мана шу моддий оламда яшайдилар. *Брахмажйоти*, яъни "руҳий ёғду" қуёш нурига ўхшайди. Худди қуёш нури ярқираган кичкина заррачаларга тўла бўлгани сингари, брахмажйоти ҳам Худонинг Олий Шахсининг кичкина заррачалари билан тўла. Парвардигорнинг ана шу сон-саноксиз

кичкина заррачаларидан баъзилари моддий табиат таъсири остига тушиб қоладилар, бошқалари эса озод, эркин ҳолда қоладилар.

Булутлар - қуёш нури таъсирида ер юзидан тортиб олинган сув буғларининг тўпламидир. Саккиз ой мобайнида қуёш Ер шарининг ҳар хил қисмида жойлашган сувларни буғлантиради. Ана шу сувлар булутлар кўринишида тўпланади, кейин зарур пайтда яна Ер юзига ёмғир бўлиб бўлинади. Ҳукумат ҳам худди шу тарзда деҳқончилик, савдо-сотик ва саноат ишлаб-чиқариши каби даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиб юрган аҳолидан ҳар хил солиқлар тўплаб олади. Ҳукумат даромад солиғи ва савдо-сотик солиғи кўринишида аҳолидан пул ундириб олади. Бу худди қуёшнинг Ер юзидаги сувларни буғлантириб, Ердан сув тортиб олишига ўхшайди. Ер юзининг бирор жойида яна сувга эҳтиёж пайдо бўлганида қуёш нурлари сувларни булутларга айлантириб, бутун Ер юзи бўйлаб тақсимлайди. Худди шундай, ҳукумат йиғиб олаётган солиқлар ҳам турли ижтимоий фаолият, маориф ва бошқа соҳалар кўринишида аҳолига қайтарилиши лозим. Яхши, адолатли ҳукумат одатда шундай қилади. Ҳукумат пулларни шунчаки фойдасиз, бемаъни ишларга сарфлаб шамолга совуриш учун аҳолидан солиқ тўплаб олмаслиги керак. Солиқдан тўпланган пулларни жамият фаровонлиги, унинг раванк топиши учун ишлатиш керак.

Ёмғир палласида бутун мамлакат бўйлаб қаттиқ шамоллар эсиб, булутларни ҳар тарафга ҳайдаб сувларни керак жойга тақсимлайди. Ёзнинг жазирама иссиғидан кейин қаттиқ сув танқислиги юзага келганида, худди қатағон, очарчилик пайтларда ҳатто ўзининг бойлигини ҳам халқига тарқатиб берадиган саховатли бадавлат одамга ўхшаб, булутлар ҳам ўзларини фидо қилиб бутун Ер юзига ўз сувларини тақсимлаб беради.

Айтишларига қараганда, Парвардигор Рамачандранинг отаси шоҳ Дашаратҳа душманлари билан жангга кирганида улар билан худди даладан ёввойи ўт ва буталарни томири билан қўпориб ташлаётган деҳқонга ўхшаб муомала қиларди. Халққа хайр-эхсон улашиш зарурати туғилганда эса, у худди мўл-кўл ёмғир ёғдираётган саховатли булутга ўхшарди. Булутлар шу қадар саховат билан ёмғир ёғдирадиларки, уларни худди ўз бойлигини мухтож одамларга саховат билан тарқатиб бераётган буюк, сахий инсонларга ўхшатадилар. Булутлар сувга шу қадар серобки, ҳатто сувга мухтож бўлмаган тоғлар, қоялар, океан ва денгизлар устига ҳам мўл-кўл ёмғир ёғдирадилар. Уларни худди садақа тарқатиш пайтида ўз хазинасининг эшигини ҳаммага

баробар очадиган фидойи, хайр-саховатли бой одамларга ўхшатиш мумкин.

Ёз палласи келишига қараб Ернинг устки қатлами ўзининг ҳамма қувватларини сарфлаб бўлиб, худди ҳосил бермайдиган, қучсиз, қақраган кўрик ерга ўхшаб қолади. Ёмғир ёғиб ўтиши билан Ер юзи ям-яшил ўт-ўлан билан қопланиб, яна соғлом ва қучли бўлиб кўринади. Бу ерда ўзининг қандайдир дунёвий истагига эришиш учун қаттиқ риёзатга берилиб, қийналиб ишлаётган одамни мисол келтириш мумкин. Ёмғир палласидан кейин Ернинг гуллаб-яшнаши моддий истакларнинг рўёбга чиқишига ўхшайди. Баъзан, давлатни қандайдир ақлсиз, бефаросат, калтафаҳм ҳукумат бошқарганида айрим кишилар ва партиялар ҳукуматни ўз қўлларига олиш учун қаттиқ риёзат ва қийинчиликлар орқали ўтадилар, ҳукумат тепасига келиб олганларида эса, саховат билан ўзларига катта-катта маошлар белгилаб, гуллаб-яшнаб бошлайдилар. Бу ҳам ёмғир палласидан кейин Ер юзининг гуллаб-яшнашига ўхшаб кетади. Аслини олганда фаросатли одам фақат руҳий бахтга эришиш учунгина онгли равишда қаттиқ риёзатларга берилиб, ўзини оғир қийинчиликларга дучор этиши мумкин. "Шримад Бхагаватам"да Худони англаб етиш учун "инсон онгли равишда риёзатга берилиши, яъни *manasīa* орқали ўтиши лозим" деб кўрсатилган. Худога садоқат билан хизмат қилишда қаттиқ риёзат чекиш орқали инсон руҳий ҳаёт учун қайтадан туғилади, фақат шундан кейингина у чексиз руҳий лаззатдан роҳатланиб яшай бошлайди. Агар одам қандайдир моддий манфаат кўзлаб риёзат чекса, "Бхагавад Гита"да айтилганидай, бундай риёзатнинг натижаси ҳам ўткинчи бўлиб, аслида бундай ўткинчи натижаларга фақат ақли заиф одамлар интиладилар.

Ёмғир палласида, кечқурунлари у ер бу ерда дарахтлар тепасида оловдай чакнаб ярқираб кетадиган тилла қўнғизларни кўриш мумкин. Осмондаги ёритгичлар - ой ва юлдузлар эса кўзга кўринмай қолади. Худди шундай Кали-юга даврида ҳам иймонсиз ва золим одамлар дарров халқнинг кўзига ташланадиган бўлиб қоладилар, ҳақиқатан ҳам Худонинг қонунларига риоя қилиб руҳий юксалишга интилиб юрган иймонли, тақводор одамлар эса одатда кўзга ташланмайдилар. Ҳозир биз яшаётган давр, Кали-юга тирик мавжудотлар ҳаётида худди осмонни булут қоплаган даврга ўхшайди. Бу даврда моддий тараққиётнинг кескин ривожланиши таъсири остида ҳақиқий илм, Ҳақиқат илми одамлар кўзига кўринмай қолади. Арзон, юзаки ақлий фикрлашлар билан банд бўлган илмсиз одамлар, иймонсиз атеистлар ва ҳар хил "диний қонун-қоидалар"ни ўйлаб

чиқарадиган сохта диндорлар яркирок кўнғизларга ўхшаб ғофиллик қоплаган зулмат қоронғусида аниқ-равшан кўрина бошлайди, айни пайтда Ведаларнинг, ҳақиқий муқаддас китоб(шастра)ларнинг қонун-қоидаларига қатъий равишда тўғри амал қилиб юрган ҳақиқий тақводор одамлар эса, бу даврнинг ғафлат булутлари ортида кўзга кўринмай қолади. Фаросатли одамлар яркирок кўнғизларнинг арзимаган ёруғлигидан эмас, осмондаги ҳақиқий ёритгичларнинг - қуёш ва ойнинг ёруғлигидан фойдаланишни ўрганишлари лозим. Аслини олганда яркирок кўнғизлар тун қоронғулигида ҳеч қандай ёруғлик бера олмайдилар. Ҳатто ёмғир палласида ҳам, осмон озгина фурсатга булутлардан тозаланганида қуёш, ой ва юлдузларни кўриш мумкин бўлгани сингари, Кали-юга даврида ҳам баъзан одамлар учун ҳақиқий илм ўрганиш имконияти туғилиб қолади. Шу боис, баъзи омадли одамлар ҳақиқий Ведалар илмини тарғибот қилувчи Парвардигор

Чайтаняннинг

*санкиртана*(Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш)ни, Ҳаре Кришна мантрасини куйлашни бутун жаҳонда кенг тарқатишга қаратилган ҳаракатини тўғри тушуниб қабул қила бошлайдилар. Ғофиллик зулматидан ҳақиқий ёруғликка чиқишга жиддий интилиб юрган фаросатли одамлар иймонсиз атеистларнинг гапларига ва ҳар хил ўткинчи фалсафий оқимларга эътибор бериб юриш ўрнига мана шу ҳақиқий саодат келтирадиган руҳий ҳаракатга қўшилишлари лозим.

Момақалдирик гумбураб биринчи ёмғир ёға бошлагандан кейин, энди ўқишни бошлаган шогирдларнинг дарс тайёрлашларига ўхшаб, ҳамма қурбақалар шодон қуриллай бошлайдилар. Шогирдлар одатда уйқудан эрта уйғонишлари керак. Лекин одатда улар ўз хоҳиши билан ўринларидан тургиси келмайди, эҳромда ёки улар ётган жойда кўнғироқ чалингандагина уйқудан уйғонадилар. Руҳий устознинг буйруғи билан улар дарров ўринларидан турадилар, эрталабки ишларини тез-тез бажариб бўлиб, Ведаларни ўрганишга ёки ведавий мантраларни ўқишга киришадилар. Кали-юга даврида ҳамма одамлар ғафлат уйқусига ботган бўлади, аммо буюк бир ачарйа келганида, унинг биргина чақириғи билан ҳар бир фаросатли одам ҳақиқий илм ўрганиш учун Ведалар илмини ўрганишга киришади. Йилнинг бошқа фаслларида қуриб, сувсиз ётадиган ариқ, ирмоқ, сой ва кўлларнинг ҳаммаси ёмғир палласида сувга тўлиб кетади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган имонсиз материалистлар ҳам ана шундай қуриб ётган одамлардир, лекин баъзида улар маълум бир ўткинчи бойликка эришадилар, хотинли, бола-

чақали бўлиб, катта пул тўплаб худди гуллаб-яшнаётгандай кўринадилар, аммо худди кичик ирмоқларга ўхшаб, кўп вақт ўтмасдан яна қуриб қоладилар. Буюк ведавий шоир Видйapati айтган эдики, бу дунёда дўстлар, оила, хотин-бола-чақа ва қариндошлар даврасида албатта қандайдир лаззат топиш мумкин, аммо бу лаззатни, бу роҳат-фароғатни чўлда учраган бир томчи сувга ўхшатиш мумкин. Агар одам чўлда бораётиб бир томчи сув топиб олса, гарчи бу ҳақиқатан ҳам сув бўлишига қарамай, унинг чанқоқ босиш учун ҳеч қандай фойдаси бўлмайди. Бизлар бу дунёда яшар эканмиз ҳаётда худди океандай чексиз бахтга чанқоқмиз, чексиз бахтга интилиб яшаймиз, бизнинг жамиятдан, оиладан, дунёвий муҳаббатдан оладиган бахтимиз эса - биргина томчидан иборат. Шунинг учун худди ёмғирсиз паллада ҳеч қачон сувга тўлмайдиган кичкина сойларга ўхшаб, биз ҳам бу дунёдаги ҳаётда ҳеч қачон бахтга эришиб қаноат ҳосил қила олмаймиз.

Ёмғир шарофати билан майсалар, ўт-ўланлар ва дарахтлар ям-яшилдай бўлиб кўринади. Баъзида ўтларнинг усти қандайдир қизғиш рангли ҳашаротлар билан қопланади, ана шу қизғиш ва яшил ранглар соябонга ўхшаган кўзиқоринлар билан аралашиб, даладаги манзара худди бирданига бойиб кетган камбағалга ўхшаб бирданига ўзгариб кетади. Ана шундай пайтларда ўз даласининг ғаллага тўла бўлишини кўриб деҳқон жуда қувонади, аммо табиат кучларининг фаолиятдан беҳабар бўлган савдогар деҳқонга ҳасад қилиб, ўзига яна бир рақобатдош пайдо бўлишидан кўрқиб хавотирга туша бошлайди. Баъзи жойларда ҳукумат таркибига қирадиган ишбилармон одамлар, аслида барча тирик мавжудотларни озиқ-овқат учун ишлатиладиган ғалла билан Худонинг Олий Шахсининг Ўзи таъминлаб туришини билмаган ҳолда, деҳқонларга ғалла етиштиришни чеклаб қўядилар. Ведавий китобларда ёзилганки, *эко баҳунам йо видадхати каман*, яъни бутун борлиқнинг мавжудлигини Худонинг Олий Шахси, Кришна таъминлаб туради. Шунинг учун У барча тирик мавжудотларни ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар билан етарлича таъминлаб туради. Ер юзининг аҳолиси кўпайганида уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш Парвардигорнинг вазифаси ҳисобланади. Аммо, иймонсиз атеистлар ва золим одамлар кўпроқ фойда кўришни истаб, жамиятда мўл-кўлчилик, арзончилик бўлишига, айниқса ўзлари оладиган даромадга салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, ҳар хил йўллар билан деҳқонлар фаолиятига қаршилик кўрсатадилар.

Ёмғир палласи келганида, худди ўз ҳаётини Худого садоқат билан хизмат қилишга бутунлай

бағишлаган одамлар сингари ерда, осмонда ва сувда яшайдиган барча тирик мавжудотлар ҳам ҳаётга қайтадан келгандай ёшариб кетадилар. Шахсан биз буни Кришнани англаш Халқаро жамиятига аъзо бўлган шогирдларимиз мисолида яққол кузатганмиз. Гарчи ўз табиатига кўра жуда юксак фазилатларга эга бўлсалар ҳам, бизга шогирд бўлишдан аввал улар жуда ифлос, маданиятсиз, юзлари нурсиз кўринар эдилар. Ҳаётда Кришна онги билан яшаш нималигини билмагани сабабли улар аввал бахтсиз, нопок одамлар эдилар. Кришнани, Худони англаш илмини ўргана бошлаганидан кейин руҳий ҳаётнинг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қила бошлагани шарофати билан уларнинг саломатлиги яхшиланиб, юзларидан нур тарала бошлади. Чиройли сариқ либослар кийиб, пешонасига тилака кўйган, бўйнига туласидан қилинган мунчок тақиб, кўлларига тасбеҳ ушлаб турганларида улар худди руҳий оламдан, Ваикунтҳадан тушган фаришталарга ўхшайдилар.

Ёмғир палласида дарё сувлари тошиб, шитоб билан океан ва денгизларга интилганида гўё улар океаннинг ҳаловатини бузаётгандай бўлиб туюлади. Худди шундай, агар одам ўз умрини сеҳрли йога билан шуғулланишга бағишлаган, лекин руҳий юксалишда юқори поғоналарга кўтарилмаган бўлса, шахвоний ҳирс хуружи ундай одамнинг хотиржамлигини бузиши мумкин. Аммо қанча ёмғир ёғса ҳам баланд тоғ қояларига таъсир қилмайди; худди шундай Кришнани, Худони англашда юксак даражага эришган киши ҳар қандай оғир вазиятга тушиб қолганда ҳам безовта бўлиб ташвишга тушмайди, чунки руҳий жиҳатдан юксалган одам ҳаётда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларни Худонинг марҳамати деб қабул қилади, шу тариқа у руҳий оламга, Худонинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ёмғир палласида баъзи бир камқатнов йўллардан ҳеч ким юрмай қўяди, натижада уларни ўт босиб кетади. Худди шундай, ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган инсон ҳаётини тартибга соладиган қонун-қоидаларни ўрганмайдиган, ҳаётда уларга риоя қилиб яшашга интилмайдиган брахманнинг онгини ҳам майя(шайтон)нинг қалин ўтлари қоплаб олади. Ана шундай вазиятда ўзининг ҳақиқий табиатини эсдан чиқарган ҳолда, у аслида ўзи Худонинг Олий Шахсининг мангу хизматкори эканини бутунлай унутиб юборади. Майя юзага келтирган қалин ўтлар сабабли инсон ўзини "майя яратган зот"(шайтон малайи) деб ҳисоблайди ва руҳий ҳаёт нималигини эсдан чиқариб, алданиш домига илиниб қолади.

Ёмғир палласида яшин аввалига бир булутлар тўдасида, орадан бир зум ўтмасдан шу

захотиёқ бошқа бир булутлар тўдасида чакнайди. Яшиннинг бу одатини шахвоний ҳирсга берилиб, фикру-хаёлини биттадан кўп эркаклар банд этган енгилтак аёллар одатига ўхшатадилар. Булутларни бой, бадавлат ҳукмдор одамларга киёслайдилар, чунки улар ёмғир ёғдириб, жуда кўп одамларнинг тирикчилигини таъминлайди; амалдор, ҳукмрон бўлган одам ҳам корхонасидаги ишчилар ёки оила аъзолари сингари кўплаган тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туради. Бахтга қарши бевафо, номуносиб калтафаҳм хотин ўзининг эридан ажралиб, эрининг бутун умрини ҳазон қилиб юбориши мумкин. Оилада ҳукмрон бўлган эрнинг хотиржамлиги бузилса бутун оила бузилиб кетади, болалар ҳам ҳар ёққа тарқалиб кетадилар, корхонанинг иши тўхтаб қолади - вайрон бўлмаган бирор соҳа қолмайди. Шунинг учун Худони, Кришнани англашга интилаётган аёл ўз эри билан тинчгина яшаши, эр-хотин ҳеч қачон бир-биридан ажралишмаслиги керак. Эр билан хотин шахвоний ҳирсларини иложи борича жиловлаб олишга ҳаракат қилиши ва бу дунёда инсон танасидаги мана шу умрини муносиб яшаб ўтиш учун бутун фикру-хаёлини Худода, Кришнада мужассам қилиб яшашлари лозим. Бу моддий оламда эркак киши хотинсиз, хотин киши эса эркаксиз яшай олмайди. Улар бирга яшаш учун оила қурганларида эса, бир булутдан иккинчи булутга кўчиб юрадиган яшинга ўхшаб ҳар тарафга интилавермасдан, ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшашлари лозим.

Баъзан, момоқалдирок гумбурлаб турган булутларга кўшимча равишда осмонда худди ипсиз камонга ўхшаган камалак пайдо бўлади. Ҳақиқатан ҳам, агар икки учи бир-бирига тортиб ип боғлансагина камон ойга ўхшаб эгилиб туради. Лекин камалакда ҳеч қандай ип йўқ, шунга қарамай у осмонда чиройли бўлиб эгилиб туради. Худди шундай, Худонинг Олий Шахси Шри Кришна ҳам бу оламга ташриф буюрганида худди оддий одамларга ўхшайди, аммо У ҳеч қачон қандайдир моддий шароитларга бўйсуниб, боғланиб қолмайди. "Бхагавад Гита"да Парвардигор айтадики, У бу дунёга Ўзининг ташқи қувват чангалидан озод бўлган ички қуввати ёрдамида намоён бўлади. Ёмғир палласида ойни булутлар тўсиб кўйган бўлади, лекин баъзида уни томоша қилиш мумкин. Гоҳида ой ҳам худди булутлар билан биргаликда ҳаракат қилаётгандай бўлиб туюлади, лекин аслида ой қўзғалмай туради, шунчаки унинг атрофидаги булутлар ҳаракат қилаётгани учун ой ҳам юраётгандай бўлиб туюлади. Худди шундай ўзини ҳаракатланиб турган бу моддий олам билан бир, унинг бир бўлаги деб ҳисоблайдиган одамнинг ҳам онгидаги,



қалбидаги рухий ёғду алданиш қобиғи билан қопланади, умрининг ўтиб бориши, моддий фаолияти ривожланиши

билан у ўзини ҳаётнинг турли поғоналаридан ўтаётгандай ҳис қилади. Бундай ҳолат худди юриб бораётган булутлар ой нури ва қоронғуликни чеклаб қўйгани сингари, рухий ва моддий ҳаётни чеклаб қўядиган сохта ўзлик туфайли юзага келади. Ёмғир палласида осмонда биринчи марта булут пайдо бўлганида уни кўрган товуслар қувонганидан рақсга туша бошлайдилар. Буни ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб қийналиб юрган одамларнинг ҳолатига қиёслаш мумкин. Агар улар Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам билан учрашиб қолса, уларнинг қалб кўзлари очилиб, қувонганидан худди товусларга ўхшаб рақсга туша бошлайдилар. Биз буни ҳаётда ўз кўзимиз билан кўрганмиз - Кришнани, Худони англаш йўлига киришдан аввал ҳаётда ҳамиша маюс, ғамгин юрган шогирдларимиз бхакталар, Худонинг содиқлари билан учрашганларидан кейин худди шодликдан яйраётган товуслардай рақсга туша бошлайдилар.

Ўсимликлар ердан сув ичгани учун ўсиб ривожланадилар. Худди шундай, риёзат чекиб яшаётган одам ҳам қовжираб, қуриб қолади, аммо онгли равишда қаттиқ қийинчиликлар, синовлар орқали ўтгандан кейин у маълум даражада чеккан риёзатларининг меваларига эришиб, ҳиссий лаззатлардан - оила, жамият, муҳаббат, уй-жой ва шу каби нарсалардан роҳатланиб яшай бошлайди. Баъзида ўрдак ва турналар қўл ва дарёларнинг лой ва ҳар хил ташландиқларга, тиканли ўсимликларга тўла қирғоғида тинмасдан айланиб юрганини кузатиш мумкин. Худди шундай Худони, Кришнани англаб етмаган, инсон ҳаётининг асосий мақсадини англаб етмаган оилали одамлар ҳам, бу дунёда яшаш инсон учун қанчалик ноқулай эканига қарамай ҳамиша дунёвий ҳаёт чанғалида қолиб кетаверадилар. Бу дунёдаги ҳар қандай шароитда кўриниб тургани сингари, Худони, Кришнани англаб етмаган одам ҳатто оилавий ҳаётда ҳам ҳақиқий мукамал бахтга эриша олмайди. Шрила Нароттама дас Тхакур Худога қилган илтижоларида айтадики, мен ҳаётда оилалими ёки таркидунё қилганми, қандайлигидан қатъий назар, Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб, ҳамиша Парвардигор Чайтаняннинг муқаддас номларини қуйлаб юрган киши билан учрашишга интилиб яшайман. Дунёвий одамларни ҳар томондан моддий муаммолар, ташвишлар безовта қилади, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган одам учун эса ҳаёт ҳамиша қувончли ва шодиёна кечади.

Баъзан далалар атрофидаги тўсиқлар кучли ёмғир таъсиридан қулаб кетгани сингари ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларнинг чегаралари ҳам Кали-югада одамлар орасида имонсизлик иллатлари кенг тарқалиши натижасида бузилиб кетади. Оқибатда одамлар ҳам аста-секин ҳайвонлар сингари иймонсиз, Худосиз ҳаёт кечиришга ўрганиб кетадилар. Ёмғир палласида шамол таъсирида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган булутлар одамларни қувонтириб, уларга шарбатдай ёқимли бўлган сув етказиб беради. Ведавий муқаддас китобларга риоя қилиб яшайдиган браҳманлар бой-бадавлат одамларни - ҳукмдорлар ва бой савдогарларни катта қурбонлик маросими ўтказиб одамларга хайр-эхсон тарқатишга ундаганида уларнинг одамларга тарқатаётган садақалари ҳам худди шарбатдай ёқимли бўлади. Инсонлар жамиятидаги тўрт табақага мансуб одамлар - браҳманлар, кшатрийлар, ваишйалар ва шудралар - бир бирлари билан ўзаро ҳамкор бўлиб, тинч осойишта ҳаёт кечириш учун яратилган. Жамиятдаги одамларга фақат қурбонлик маросими ўтказиб, бойликларни ҳаммага баробар тақсимлаб берадиган браҳманлар раҳбарлик қилиб турсагина жамиятда ана шундай осойишталик ҳукм суриши мумкин.

Вриндаван ўрмони ёмғир ёққандан кейин яна ҳам чиройли бўлиб, пишган финиқлар, манго, смородина ва бошқа мевалар билан тўлиб кетди. Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахси, Унинг дўстлари ва Парвардигор Балорама йилнинг янги фаслидаги хушманзара муҳитдан лаззатланиш учун ўрмонга кирдилар. Янги майсалардан тўйган сигирлар семириб, анча тетиклашдилар, уларнинг елинлари сутга тўла эди. Парвардигор Кришна уларнинг исмларини айтиб чақирганида улар меҳрга тўлиб дарров Унинг олдига чопиб келишар, қувонганидан уларнинг елинидан ерга сут томчилай бошларди. Говардхана тепалиги билан Вриндаван ўрмонидан ўтган пайтларида Парвардигор Кришна жуда қувонарди. Йамунанинг қирғоғида У шохасида асал тўла асалари уялари бўлган дарахтларни кўрди. Говардхана тепалигидан шарқираган ёқимли товуш чиқариб бир неча шаршара оқиб турарди. Кришна Говардхана ғорларига қараганда ана шу шаршаралар товушини эшитарди. Ҳали ёмғир палласи охирига етмаган, лекин у аста-секин куз билан алмаша бошлаганида, баъзи пайтларда, айниқса ўрмонга ёмғир ёға бошлаганида, Кришна ва Унинг ҳамроҳлари бирор катта дарахт тагида ёки Говардхана ғорларининг бири ичига кириб олиб, етилиб пишган ширин мевалардан еб, бир-бирлари билан ҳар хил

мавзуларда сухбатлашиб лаззатланардилар. Кришна билан Балорам кун бўйи ўрмонда қолиб кетган пайтларда Йашода она Уларга қатик аралашган гуруч, мева-чевалар ва ширинликлар юборарди. Кришна бу егуликларни олиб Йамуна қирғоғидаги бирорта тош устига ўтириб оларди. Кришна билан Балорам овқатланиб ўтириб сигирларга, хўкизларга ва бузоқларга қарардилар. Сут тўла елинларини кўтариб юргани туфайли сигирлар хорғин кўринарди. Энди эса, қорни ўтга тўйиб, дам олиб бўлгандан кейин улар жуда мамнун кўринар, уларни кўриб Кришна ҳам қувонарди. У Ўзининг шахсий қувватининг намоён бўлган кўриниши бўлган ўрмоннинг бенихоя гўзаллигига қараб фахрланарди.

Ана шундай пайтларда Кришна табиатнинг ёмғир палласидаги алоҳида фаолиятини олқишлаб гапирарди. "Бхагавад Гита"да айтилганки, моддий қувват, яъни моддий табиат мустақил равишда фаолият кўрсата олмайди. Моддий табиат ҳамиша Кришнанинг ҳукми остида ҳаракат қилади. "Брахма-самхита"да ҳам айтилганки, *Дурга* деб аталадиган моддий табиат худди Кришнанинг соясидай ҳаракат қилади. Кришна қандай ҳукм чиқармасин, моддий табиат унга сўзсиз бўйсунди. Яъни, ёмғир палласида Кришнанинг амри билан табиат яна ҳам гўзал бўлиб яшнаб кетади. Кўп вақт ўтмай ҳамма сув ҳавзалари тозаланди ва жуда ёқимли тусга кирди. Куз яқинлашаётгани шарофати билан ҳамма жойда ёқимли шабада эсиб турарди. Осмон булутлардан тозаланиб яна ўзининг табиий зангори рангига кирди. Ўрмондаги тоза сувда ўсиб турган нилуфар гули худди йога билан шуғулланиб юрган, аввал йўлдан адашган кейин яна руҳий юксалиш йўлига кириб, яна ўзининг табиий гўзаллигини қайта тиклаган одамга ўхшарди.

Куз кириб келиши билан ҳамма нарса ўзининг табиий гўзаллигига эга бўлади. Аввал ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган кейин эса Худони, Кришнани англаш йўлига кириб руҳий ҳаёт кечира бошлаган одам ҳам худди куздаги сув ва осмон сингари покланади. Куз осмондаги қоп-қора булутларни, шунингдек дарёдаги ифлос сувларни олиб кетади. Кузда Ер ҳам покланади. Худди шундай Кришнани англаш йўлига кирган одам ҳам, ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан дарров покланади. Шунинг учун Кришнани *Хари* деб атайдилар. Хари ибораси "олиб кетувчи" деган маънони билдиради. Худони англаш йўлига кирган одамнинг нопок одатларини Кришна дарров олиб кетади. Кузда булутлар оппоқ рангда бўладилар, чунки улар ўзи билан ёмғир олиб юрмайди. Худди шундай, хотини, бола-чақасини боқиш билан боғлиқ бўлган барча оила

ташвишларидан халос бўлиб, умрини тўла ва бутунлай Кришнани англаш йўлига, Худого бағишлаган одам ҳам ҳаётда ҳар қандай ташвиш, мусибатлардан озод бўлиб, куз осмонидаги булутдай оппоқ бўлади. Баъзан кузда тоғ тепасидан тиниқ сувлар тўла ирмоқлар оқиб тушади, баъзан эса ирмоқлар ўзидан-ўзи тўхтаб қолади. Ёмғир палласида сув билан тўладиган кичик-кичик кўллар кузга келиб аста-секин қурий бошлайдилар. Уларда яшайдиган майда тирик мавжудотлар нимага ўзларининг сони кундан-кунга камайиб бораётганини тушуна олмайдилар. Худди шундай ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган материалистлар ҳам кун сайин нодир умри тобора қисқариб бораётганини тушуна олмайдилар. Шундай ғофил одамлар ўзларининг нодир инсон умрини сигирларга, мол-мулкига, бола-чақасига, жамиятга ва дўстларига ғамхўрлик қилишга бағишлайдилар. Худди ўзларини бошқара олмайдиган одамлар оила аъзоларини боқа олмаётганидан ёки ҳаётдан етарли лаззатлана олмаётганидан ҳамиша ўз турмушидан норози бўлиб юргани сингари, катта-катта сув ҳавзаларида яшайдиган майда тирик мавжудотлар ҳам кузда сув кам, қуёш эса ўз нурлари билан ҳавони қаттиқ қиздиргани сабабли қаттиқ ташвишга туша бошлайдилар. Тупроқли ерларнинг аста-секин нами тортила бошлайди ва ўсиб чиққан сабзавотлар қурий бошлайди. Худди шундай Кришнани англаш йўлига кирган одамнинг оилавий ҳаётдан лаззатланиб яшашга бўлган истаги ҳам аста-секин сусая бошлайди.

Куз келиши билан океан сувлари тиниб, бир маромга тушади, худди шундай руҳий ўзлигини англаб етган одамни ҳам моддий табиатнинг уч гунаси энди безовта қилмай қўяди. Кузда деҳқонлар ерларга тўпланган сувлар оқиб кетмаслиги учун дала атрофларини маҳкам тўсиқлар билан ўраб қўядилар. Яна ёмғир ёғишига ишониб бўлмайди, шунинг учун улар ҳеч бўлмаса даладаги бор сувни сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Худди шундай ҳақиқатан ҳам руҳий ўзлигини англаб етган одам ўз ҳиссиётини жиловлаб олиб, ўзининг бор куч-қувватини авайлаб асрай бошлайди. Муқаддас китобларда эллик ёшга кирган одамга оилавий турмушни тарк этиб танасининг қолган қувватини Кришнани англаш илмини ривожлантириш учун эҳтиёт қилиб сарфлаш тавсия қилинган. Агар одам ҳиссиётини жиловлаб олишга ва улардан фақат Мукунда(Худо)га илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда фойдаланишга қодир бўлмаса, унинг руҳий озодликка чиқишга ҳеч қандай имконияти қолмайди.

Куз кунларида қуёш чидаб бўлмас даражада қиздиради, аммо тунда ойнанинг тиниқ нурлари

кун бўйи чарчаган одамларга салкин ором бағишлайди. Агар одам ҳимоя тилаб Муқундага, яъни Кришнага мурожаат қилса, у ўзини тана деб билгани туфайли юзага келадиган барча ҳорғинчиликлардан халос бўлади. Муқунда, яъни Кришна Вриндаван қизлари учун роҳат, ором манбаидир. Враджабхуми қизлари ҳамиша Кришнадан айрилиқ азобида қийналадилар. Куз осмонида ой нурлари ёритиб турган тунда Кришна билан учрашувга чиққанларида уларнинг айрилиқ азоби сабабли юзага келган барча чарчоқлари бир зумда ғойиб бўлади. Осмон булутлардан покланиб мусаффо бўлганида тунда осмондаги юлдузлар ҳам жуда чиройли чарақлаб туради; худди шундай, ҳақиқатан ҳам Худони, Кришнани англаб етган, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган одамнинг қалби ҳам худди куз осмонидаги юлдузлар сингари пок ва гўзал бўлади. Гарчи Ведаларда қурбонлик маросими ўтказиш кўринишида кармали фаолият билан шуғулланиш тавсия қилинган бўлса ҳам, уларнинг якуний мақсади "Бхагавад Гита"да тушунтирилган: инсон Ведаларнинг асосий мақсадини тўла тушунган ҳолда Кришнани англаш йўлига кириши лозим. Шунинг учун ҳамиша Кришна онгида бўлган бхактанинг пок қалбини мусаффо куз осмонига қиёслаш мумкин. Парвардигор Кришна Йадавалар сулоласида дунёга келди ва сулоланинг бошқа аъзолари орасида худди юлдузлар даврасидаги Ойга ўхшар эди. Ўрмондаги гулзорларда гуллар қийғос очилганида енгил шабада ёзнинг жазирама иссиғида ва ёмғир палласида қийналган одамга жуда ёқимли бир ҳузур, енгиллик олиб келади. Бахтга қарши бундай шабада гопиларга ҳеч қандай ҳузур-ҳаловат олиб келолмайди, чунки улар ўзларининг бутун қалбини, фикру-хаёлини, бутун ҳаётини фақат Кришнага бағишлаганлар. Бундай енгил куз шамоли оддий одамларга роҳат бағишлаши мумкин, аммо гопилар Кришнанинг нигоҳларисиз, Унинг табассумисиз, Унинг кучоқлашларисиз ҳеч қандай лаззат ҳис қилмасдилар.

Куз кириб келиши билан сигирлар, кийиклар, қушлар ва бошқа тирик мавжудотларнинг урғочилари бўғоз бўладилар, чунки айни шу фаслда барча эркак зотларда шахвоний хирс кучая бошлайди. Бу худди Парвардигор Ўзининг чексиз марҳамати билан имперсоналистларга ҳаётда ўз мақсадига эришиш имконини берганига ўхшайди. Шрила Рупа Госвами ўзининг "Упадешамрита" асарида айтган эдики, инсон Парвардигорга чуқур иймон-эътиқод, сабр-тоқат ва ихлос-иштиёқ билан хизмат қилиши, барча қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши, қалбини моддий

иллатлардан ҳамиша пок тутиб Худонинг содиқлари, бхакталар даврасида қолиши керак. Ана шу қоидаларга амал қилиб яшаш билан у албатта Худога садоқат билан хизмат қилишда ўзи истаган натижаларга эриша олади. Худди ҳомиладор аёл вақти келиб албатта фарзанд туққани сингари, Худога хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига сабот билан қатъий риоя қилиб юрган киши ҳам вақти келиб албатта ўзи истаган натижаларга эришади.

Кузда кўл ва ҳовузларда жуда кўп нилуфар гуллари ўсади, чунки бу пайтда сувда лайло гуллари бўлмайди. Лайло гуллари ҳам нилуфар гуллари сингари қуёш нурида ўсади, аммо куз фаслидаги қуёшнинг жазирама иссиқ нурлари фақат нилуфар гули учун фойдали. Буни қудратли ҳукумат ёки шоҳ ҳукмронлик қилаётган мамлакатга ўхшатиш мумкин, бундай мамлакатда жинойтчилар - ўғри ва қароқчилар - гуллаб-яшнаш олмайдилар. Ўғри ва қароқчилар тинч-тотув турмушига, мол-дунёсига таҳдид сололмаслигига ишончи комил бўлганида фуқаролар ўз ҳаётларидан ҳамиша мамнун бўлиб самарали фаолият кўрсатадилар. Кучли ҳукумат худди қаттиқ қуйдирадиган куздаги қуёшга ўхшайди. Лайло гуллари ана шу мамлакатдаги жинойтчиларга, нилуфар гуллари эса - ўз ҳаётидан мамнун фуқароларга ўхшайди. Кузда далалар пишган дон, ғалла билан қопланади. Одамлар мўл-кўл ғалла ҳосилини кўриб қувонадилар ва *Наванна* - янги олинган ҳосилдан Парвардигорга эҳсон қилиш маросими сингари турли хил қурбонлик маросимлари ўтказадилар. Йиғиб олинган ғалла аввало ҳар хил эҳромларда Парвардигорга тақдим этилади, ҳаммани янги ҳосилнинг гуручидан пишган ширгуручдан татиб кўришга тақлиф қиладилар. Ҳамма жойда, айниқса Бенгалияда энг тантаналиси *Дурга-пуджа* деб аталадиган маросимга ўхшаган Худога сиғинишнинг бошқа турли хил маросимлари тантана билан ўтказилади.

Ўша куз палласида Вриндаван ғайритабиий равишда гўзал тусга кирган эди, чунки бу ерда Кришна билан Балорам, Худонинг Олий Шаҳси бор эди. Савдогарлар, шоҳ хонадонининг аъзолари ҳамда буюк донишмандлар истаган дуои-фотиҳаларини олиш учун ҳамма жойда бемалол айланиб юра олардилар. Худди шундай илоҳиёт одамлари ҳам моддий тана тутқунлигидан халос бўлиб кўзлаган мақсадларига эришдилар. Ёмғир палласида савдогарлар табақасига мансуб одамлар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юролмайдилар, шунинг учун кўзлаган мақсадларига эриша олмайдилар. Худди шундай шоҳ хонадони аъзолари ҳам фуқаролардан солиқ ундириш учун бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юра

олмайдилар. Ёмғир палласи хамиша саёҳат қилиб одамларга илоҳий`илм тарқатиб юришлари лозим бўлган авлиё одамларни ҳам ҳаракатдан тўхтатиб қўяди. Лекин куз кириб келиши билан улар ўзлари ноилож камалиб турган жойларини тарк этадилар. Илоҳиёт одамлари--ғйаниларми, йогларми ёки бхактиларими, токи моддий тана ичида қолар экан ҳақиқий руҳий ютуқларидан лаззатланиб яшай олмайдилар. Аммо таналарини тарк этганида, яъни ўлганларидан кейин ғйанилар - Парвардигорнинг руҳий ёғдусига қўшилиб кетадилар, йоглар - моддий оламдаги жаннатий сайёралардан бирига кўтариладилар, бхакталар эса - Худонинг даргоҳига, Голока Вриндаванага, яъни Ваикунтхага йўл оладилар ва у жойда илм ва лаззатга тўла мангу руҳий ҳаёт кечира бошлайдилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Ёмғир палласи" деб аталадиган йигирманчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 21. Най навосига мафтун бўлган гопилар

Атрофда асалари ва ковоғарилар кувнок ғувиллаб юрган, қийғос очилган чиройли гулларга тўла ўрмонни Кришна жуда яхши кўрарди. Қушлар, дарахтлар ва дарахт шохалари гўё бахтдан тўлиб тошгандай кўринарди, Шри Балорам ва бошқа подачи болалар билан бирга сугирларини боқиб юрган Кришна Ўзининг илоҳий найида чиройли куйлар чала бошларди. Кришнанинг найида чалаётган куйлари қулоғига чалинган захоти Вриндаванлик гопилар Кришнани эслаб, бир-бири билан Кришна Ўзининг найида қанчалик ажойиб куйлар чалиши ҳақида суҳбатлаша бошлардилар. Гопилар Кришнанинг найидан чиқаётган ёқимли наволарни бир-бирларига таърифлар экан, улар ўзларининг Кришна билан биргаликда ўтказган пайтларини ҳам эслардилар. Шунда қаттиқ ҳаяжонланганидан уларнинг ақли безовта бўлиб, улар бу най наволарининг гўзаллигини тўла таърифлай олмай қолардилар. Мана шу илоҳий товушларни тинглар экан улар Кришна қандай либос кийиб олганини, худди раққосларга ўхшаб чиройли сочиға товус пати, қулоғига эса кўк гуллар қистириб олганини эслардилар. Унинг кийими олтиндай ялтираб турар, Унинг бўйнига эса *ваиджайанти* деган чиройли маржон осилган эди. Шундай ажойиб безаниб олган Кришна най тешикчаларини Ўзининг лабларидан таралаётган лаззатли шарбат билан тўлдирётган эди. Кришна ва Унинг

дўстларининг нилуфар пойқадамлари из қолдиргани шарофати билан хамиша шон-шухратга тўла Вриндаванга кириб келаётган Кришнани гопилар шундай эслардилар.

Кришна найида жуда ажойиб куйлар чаларди, фақат гопиларни эмас, балки уларни тинглаган ҳар бир тирик мавжудотни ўзига мафтун этувчи найнинг бу наволари оҳанги барча гопиларнинг қалбини бутунлай ўзига ром этиб олган эди. Гопилардан биттаси ўз дугоналарига қараб шундай деди: "Найларини чалиб, ўрмонга кириб келаётган ва шу ерда дўстлари билан сугир боқиб юрган Кришна билан Балорамни кўриш - кўзлар учун мукамалликнинг энг юқори чўққисидир".

Ҳақиқатан ҳам, хамиша қалбида ҳам, сиртида ҳам - Кришнанинг най чалишлари, Вриндаванга кириб келишлари, подачи болалар билан бирга сугир боқиб юришлари ҳақидаги илоҳий ўйларга ғарқ бўлиб юрган одам ҳақиқий мукамал самадхи(илоҳий жазава) ҳолатига эришган одам ҳисобланади. Самадхи, яъни "транс" деганда инсон ўзининг бутун ҳиссиётини, барча сезгиларини, туйғуларини ягона бир нарсада жамлаган ҳолатини тушуниш керак. Гопилар айтяптики, онгни хамиша Кришнанинг илоҳий эрмакларидида мужассам қилиш мураккабининг, яъни самадҳининг энг юқори поғонасидир. Бу ҳақиқат "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланган: хамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрган киши йоглар орасида энг буюғидир.

Бошқа бир гопининг фикрига кўра, сугир боқиб юрган Кришна билан Балорам худди саҳнага чиқишга ҳозирланиб турган артистларга ўхшаб кетади. Кришнанинг устида ярқираган сариқ либос, Балорамда эса кўк либос бўлиб, Уларнинг қўлида манго дарахтининг ёш новдалари, товус пати ва биттадан гулдаста бор эди. Нилуфар гулидан ясалган гулчамбар тақиб олиб, дўстлари даврасида Улар баъзан ширин овозда кўшиқ куйлардилар. Бир гопи дугонасига шундай деди: "Нима сабабдан Кришна билан Балорам шунчалик ажойиб кўринаркин-а?" Бошқа бир гопи шундай деди: "Ҳой дугонажон, бамбукдан қилинган ўша най ҳақида биз ҳатто ўйлашга ҳам муносиб эмасмиз - ҳозир Кришнанинг лабларидаги шарбатдан лаззатланиш учун у аввалги ҳаётларида қанча эзгу, савоб ишлар қилган экан-а?" Кришна баъзан гопилардан бўса оларди; Унинг лабларидаги шарбат лаззатини фақат гопилар биладилар. Ана шу шарбатни улар фақат ўзларининг мулки деб биладилар. Шунинг учун гопилар савол беришяпти: "Қандай қилиб мана шу най, оддийгина бамбук қамиши, хамиша Кришнанинг лабларидаги шарбатдан лаззатланиб юриши мумкин? Унинг хамиша

Худо Шахсига бевосита хизмат қилиб юрганидан найнинг ота-онаси жуда бахтиёр бўлса керак?"

Кўл ва дарёлар дарахтларнинг онаси ҳисобланади, чунки дарахтлар фақат сув билан яшайди. Вриндавандаги кўл ва дарёларнинг юзи ҳамиша бахтиёр нилуфар гулларига тўла эди, чунки улар ҳамиша шундай ўйлаб юрардилар: "Қандай қилиб бизнинг ўғлимиз - бамбук қамиши Кришнанинг лабларидаги шарбатдан лаззатланиб юрибди?" Худди мукамал илмга эга бўлган инсон ўз авлодларининг Худога садоқат билан хизмат қилиб юрганидан жуда мамнун бўлгани сингари, Ўзининг авлодидан бўлган бамбук-найнинг Худога садоқат билан хизмат қилиб юрганини кўриб дарё ва кўл бўйида ўсиб турган бамбуклар ҳам жуда бахтиёр эди. Дарахтлар чексиз бахтдан яйраб, тинмасдан шохаларидан осилиб турган асалари уяларидан оқиб тушаётган асалдан одамларга саховат билан улашарди.

Баъзан гопилар дугоналарига Кришна ҳақида шундай гаплар айтарди: "Эй азиз дугоналар, бизнинг Вриндаван бутун ер юзига ҳамду-санолар куйлаяпти, чунки Девакининг ўғли Ўзининг нилуфар қадамлари пойини унинг устига қўйиш билан бу сайёранинг шон-шухратини чексиз даражада ошириб юборди. Бунинг устига, Говинда найини чала бошлаган заҳоти товуслар ақлдан озиб қоладилар. Говардхана тепалигидаги ва яйловдаги ҳайвонлар, дарахтларнинг ҳаммаси рақсга тушаётган товусларга кўзлари тушганида кўзгалмасдан донг қотиб найнинг илоҳий наволарини диққат билан тинглай бошлайдилар. Ўйлаймизки, бундай бахт ва лаззат бошқа бирор сайёрада бўлиши мумкин эмас". Гарчи гопилар қишлоқи қизлар, подачилар, содда аёллар бўлса ҳам, улар Кришна ҳақида мукамал илмга эга эдилар. Ишонарли манбалардан Ведалар илмини тинглаб, ҳақиқат илмини ўрганишнинг энг юксак поғонасига кўтарилиш мумкин.

Бошқа бир гопи шундай деди: "Ҳой дугонажонлар, анави кийикларга қаранглар! Аҳмоқона ҳайвон танасида бўлишларига қарамай улар ҳам Нанда Махаражнинг ўғлининг олдига келиб олганлар. Улар фақат Кришна билан Балорамнинг чиройли либосларига маҳлиё бўлгани туфайли келмайдилар, кийиклар Уларнинг най чалаётганини эшитган заҳоти ўз жуфтлари билан бирга Парвардигорнинг жамолига чексиз меҳр билан тикилиб, эҳтиром билан Унинг олдида бош эгадилар". Гопилар кийикларга ҳавас қилишарди, чунки улар ўзларининг жуфтлари билан бирга Кришнага хизмат қила олардилар. Шунини ўйлаб гопилар ўзларининг қанчалик бахтсиз экани ҳақида ўйлаб қолишарди, чунки улар Кришнанинг

олдига бормоқчи бўлганларида эрлари уларни унчалик қўллаб-қувватламасди.

Гопиларнинг бошқа биттаси шундай деди: "Эй дугоналар, Кришна шунчалик чиройли кийиниб олганки, аёллар Унинг учун ҳар хил маросимлар ўтказиб юрадилар. Унинг найдан таралаётган илоҳий товушларни эшитганда ҳатто жаннатдаги фаришталарнинг аёллари ҳам мафтун бўлиб ҳайратга тушадилар. Фаришталар жуфтлари билан бирга роҳатланиб, ўзларининг ҳаво кемаларида бутун осмон бўйлаб сайр қилиб юрадилар, аммо Кришна чалаётган най товушини эшитган заҳоти қалби тўлқинланиб, най наволарига маҳлиё бўлиб қоладилар. Уларнинг сочлари тўзиб, танасини зич қисиб турган либосларининг тахлари ҳам бузилиб кетади". Демак Кришна най чалганда унинг илоҳий товушлари коинотнинг ҳамма жойига таралади. Шунини айтиб ўтиш жоизки, гопилар осмонда бемалол учиб юрадиган ҳар турли ҳаво кемалари борлигини яхши билардилар.

Учинчи гопи дугоналарига шундай дерди: "Эй азиз дугоналар, Кришнанинг найдан таралаётган илоҳий товушларни эшитганда сигирлар ҳам мафтун бўлиб қоладилар. Гўё най тешикларидан шарбат оқаётгандай бўлиб туюлади, сигирлар узун кулоқларини динг қилиб ана шу лаззатли оҳангни тутиб олишга ҳаракат қиладилар. Бузоқлар эса, най овозларини эшитган заҳоти оғизларига онасининг елинини олганича сут эма олмай донг қотиб қоладилар. Уларнинг қалби муҳаббат ва садоқатга тўлиб, кўзларидан бетиним ёшлар оқиб, аслида улар ўз қалбларида Кришнани меҳр билан бағрига қаттиқ босаётганидан далолат бериб туради". Мана шундай ҳолат шуни яққол исботлаб турибдики, Вриндаванда ҳатто сигир ва бузоқлар ҳам Кришнани соғиниб йиғлашга, меҳр билан Уни бағрига босишга кодир. Ҳақиқатан ҳам, Кришна онги билан яшаётган одамнинг кўзларидан оқаётган шашқатор ёшлар унинг Кришнага қанчалик қаттиқ боғланган эканидан далолат бериб туради.

Гопилардан биттаси онасига шундай деди: "Онажон, най чалаётган Кришнага тикилиб турган қушлар дарахт шоҳида ўтириб, диққат билан най овозини тинглайдилар. Улар шу ўтиришларида гўё ҳамма нарсани бутунлай унутиб юбориб, фақат Кришнанинг найдан таралаётган оҳангларга бутун вужуди билан маҳлиё бўлиб ўтирганга ўхшайдилар". Бу шундан далолат берадики, улар оддий қушлар эмас, балки Кришнанинг найдан таралаётган илоҳий оҳангларни тинглаш учун Вриндаванда қуш қиёфасида туғилган буюк донишманд ва бхакталардир. Буюк донишманд ва билимдон олимлар ведалар илмини ўрганадилар, аммо Ведалар илмининг моҳияти "Бхагавад Гита"да

аниқ таърифлаб берилган: *ведаша ча сарваир ахам эва ведйах*. Ведаларни ўрганиш орқали Кришнани англаб етиш лозим. Бу кушларнинг хатти-ҳаракатидан кўриниб турибдики, улар Ведавий донишмандлик илмини мукамал англаб етган буюк донишманд зотлар бўлиб, Кришнанинг илоҳий най товушларини тинглаб, Ведалар илмининг бошқа тармоқларини бутунлай рад этганлар. Ҳатто ҳамиша Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини бағрига босишга интиладиган Йамуна дарёси ҳам Кришнанинг най оҳанглари эшитган захоти ўзининг жўшқин тўлкинларининг шаштини қайтариб, бир маромда сокин оқа бошлар, чуқур эҳтиром билан Мукундага тақдим этиш учун қўлларига нилуфар гулларини ушлаб оларди.

Баъзи пайтларда куз куёшининг жазирама иссиғига чидаб бўлмай қоларди, шунинг учун Кришна билан Балорам дўстлари даврасида най чалиб ўтирганида, уларга ҳамдардлик билан соябон бўлиш учун осмонда уларнинг устида булут парчалари пайдо бўларди. Кришна билан дўстлашиб олиш ниятида булутлар Уни куёшнинг жазирама нурларидан тўсиш учун соябон ўрнида Унга хизмат қилардилар. Вриндаваннинг эрка, шўх қизлари ҳам Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи текканидан қизғиш тусга кирган Вриндаван йўлларидаги чангни юзларига, кўкракларига суртишдан чуқур мамнуният ҳосил қилардилар. Бу шўх қизларнинг сийналари бўлиқ, қалблари эҳтиросга тўла эди, аммо севгили эрларининг уларнинг сийналарини ушлаши уларни қаноатлантира олмасди. Улар ўрмон ичига чуқурроқ кириб борганида кўрдиларки, Кришнанинг оёқлари остидаги баъзи бир япроқлар ва майсалар Унинг нилуфарсимон оёқларидан тўкилган кункумадан қизғиш тусга кириб қолган. Унинг нилуфар қадамлари пойини гопилар ўзларининг кункума суртилган кўксига қўяр эдилар, аммо Кришна билан Балорам дўстлари билан Вриндаван ўрмонларида сайр қилиб юрганларида шундай қизғиш кункума ерга тўкиларди. Шундай қилиб, қалблари эҳтиросга тўла қизлар най чалаётган Кришнага қараб турганида уларнинг кўзи ерга тўкилган қизил кункумага тушди, улар дарров кункумани олиб юзларига ва кўкракларига суртдилар. Ўзларини севган йигитлар кўкракларини ушлаганида мамнуният тополмаган қизлар шу тарика тўла мамнуният ҳосил қилардилар. Инсон Кришнани, Худони англаш йўлига кирганида унинг қалбидаги ҳар қандай моддий истаклар, ҳатто шахвоний туйғулари ҳам ўзидан-ўзи рўёбга чиқиб, у тўла мамнуният ҳосил қилади.

Бошқа бир гопи Говардхана тепалигининг алоҳида омадли эканини шундай таърифлай бошлади: "Тепаликда сайр қилиб юришни одат қилган Кришна ва Балорам билан ҳамсуҳбат бўлишдан лаззатланиб турган мана бу Говардхана тепалиги қанчалик бахтли. Бу тепаликка ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи тегиб юради. Парвардигор Кришна ва Балорамдан чексиз миннатдор бўлганидан Говардхана Парвардигорга эҳсон сифатида турли хил мевалар, илдиз ва майсалар, шунингдек ўзининг булоқларидан жуда ширин ва салқин тоза сувларни етиштириб беради". Лекин Говардхананинг энг яхши эҳсони сигирлар ва бузоқлар учун ям-яшил майсалари эди. Говардхана тепалиги Парвардигорни қандай мамнун қилиш мумкинлигини яхши биларди - у энг аввало Парвардигорнинг энг севимли ҳамроҳлари бўлган сигирлар ва подачи болаларни ўзининг совғалари билан қувонтирарди.

Бошқа бир гопи айтардики, Кришна билан Балорам найларини чалиб, барча кўзгалувчан ва кўзгалмас тирик мавжудотлар билан яқиндан дўстлашиб Вриндаван ўрмонларида сайр қилиб юрган пайтларида бутун теварак-атроф ғайритабиий равишда гўзал бўлиб кетади. Улар Ўзларининг илоҳий найларини чалганида барча кўзгалувчан тирик мавжудотлар ҳаракатдан тўхтаб қотиб қолардилар, дарахт ва бошқа ўсимликлар сингари кўзгалмас тирик мавжудотлар эса ҳайратга тушганидан титрай бошлардилар.

Кришна билан Балорам худди оддий подачи болаларга ўхшаб елка ва қўлларида арқон олиб юрардилар. Сигирларни соғишдан олдин болалар уларнинг орқа оёқларини қалта арқон билан боғлаб қўярдилар. Шу боис подачи болаларнинг елкасида ҳамиша арқон осилиб турганини кўриш мумкин эди, Кришна билан Балорам ҳам елкаларида ана шундай арқон олиб юрардилар. Улар Худонинг Олий Шаҳси бўлишларига қарамай, Ўзларини худди оддий қишлоқи подачи болалардай тутар эдилар. Улар ҳозир подачи болалар родини ўйнаётган эдилар, шу боис атрофдаги ҳамма нарса жуда ғаройиб ва кўзни қувонтирадиган даражада ёқимли тус олган эди. Кришна Вриндаван ўрмонларида ёки Говардхана тепалигида сигир боқиш билан банд экан, қишлоқда қолган гопилар Унинг илоҳий кароматлари ҳақида ўзаро суҳбатлашиб ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрардилар. Мана шу - инсон қандай қилиб ҳаётда Кришна онги билан яшаши мумкинлигига яққол мисол бўла олади - ҳамиша, ҳамма вақт қандай қилиб бўлса ҳам Кришна ҳақида ўйлаб юриш лозим. Гопиларнинг турмуш тарзи бунга яққол мисол бўла олади; шунинг

учун Парвардигор Чайтанйа айтган эдики, ҳеч ким Худога гопилардан яхшироқ садоқат билан хизмат қила олмайди. Улар билимдон брахман ёки бадавлат кшатрийлар хонадониди эмас, балки вайшйаларнинг уйида, бой савдогарларнинг эмас, балки оддий подачиларнинг уйида туғилганлар. Гарчи ведавий донишмандлик илмининг ишонарли манбалари бўлган брахманлардан ҳар хил ҳикоялар тинглаган бўлсалар ҳам гопилар ҳатто яхши маълумотга ҳам эга эмасдилар. Гопиларнинг ҳаётда фақат битта мақсади бор эди - ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб яшаш.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Най навосига мафтун бўлган гопилар" деб аталадиган йигирма биринчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай якунланади.*

## 22. Кришнанинги ёш қизларнинг кийимларини ўғирлаб олиб қўйиши

Ведалар маданиятига кўра ҳали турмушга чиқмаган ўн-ўн тўрт ёшли қизлар яхши одамга эрга чиқишни тилаб ё Тангри Шивага, ё фаришта Дургага сажда қилиб сиғинишлари лозим. Аммо Вриндавандаги ҳали турмушга чиқмаган қизларнинг ҳаммасини Кришнанинги гўзаллиги мафтун қилиб қўйганди. Улар *хеманта* мавсумининг бошида барибир фаришта Дургага сажда қилиб сиғинардилар. Хеманта мавсумининг биринчи ойи *аграхайана* (октябр-ноябр) деб аталади, ана шу пайтда Вриндаванда яшайдиган, ҳали эрга чиқмаган барча подачи қизлар ҳар хил қасам ичиб, риёзат чекишга ваъдалар бериб фаришта Дургага сиғинар эдилар. Аввалига улар *хавишйанна*, бошқа бирор нарса ёки *куркума* қўшмасдан фақат гуруч билан мошни қайнатиб пишириладиган таом еб юрадилар. Ведаларда кўрсатилган қоидаларга биноан Худога сиғиниш маросимини ўтказишдан олдин инсон ўз танасини поклаш учун мана шундай таомдан истеъмол қилиб юриши тавсия қилинади. Вриндаваннинг барча ёш қизлари ҳар куни эрталаб туриб, Йамуна дарёсида чўмилиб покланиб, фаришта Катйайанига сажда қилардилар. Фаришта

Дургани кўпчилик одамлар Катйайани деб ҳам атайдилар. Бу фариштага сиғиниш учун Йамуна қирғоғидан олинган лой ва қумдан фариштанинг ҳайкалинини ясайдилар. Ведавий муқаддас китобларда мурти(Илоҳ) яшаш учун ҳар хил моддий унсурлар тавсия қилинган. Мурти металлга чизилиши, металдан қуйилиши, қимматбаҳо тошлардан, ёғочдан, лойдан ёки тошдан ясалиши ёки сиғинаётган одам Илоҳни ҳаёлига келтириб, Уни ўзининг қалбиди тасаввур мумкин. Майвади-файласуфлар мана шу Илоҳларнинг ҳаммасини хом-хаёл, одамларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган нарсалар деб ҳисоблайдилар, аммо ведавий муқаддас китобларда Илоҳлар Парвардигор билан ёки тасвирланган фаришта билан билан баробар деб ҳисобланади.

Ёш қизлар лойдан фаришта Дурганинги Илоҳини ясардилар ва чандана, гулчамбар, мушк-анбарлар ва бошқа ҳар хил эҳсонлар - мевалар, дон ва ёш новдалар тақдим этиб унга сиғина бошлардилар. Одатга кўра сиғиниб бўлгандан кейин сиғинаётган одам ўзининг бирор истагини амалга оширишни фариштадан сўраши лозим. Ёш қизлар фариштага сиғиниб бўлгандан кейин ихлос билан ундан илтижо қилиб сўрай бошлардилар: "Эй Худо Шахсининг олий ташқи қуввати, эй олий сеҳр қудратининг тимсоли, эй бу моддий оламнинг олий ҳукмдори, эй қудратли фаришта, бизлардан ўз марҳаматининг дариғ тутма, бизларни Нанда Махаражнинг ўғли Кришна билан унаштириб қўйишининг сендан илтижо қилиб сўраймиз". Вайшнавлар одатда ҳеч қайси фариштага сиғинмайдилар. Худога соф садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришишга интилаётган содиқларга буюк руҳий устоз Шрила Нароттама дас Тхакур фаришталарга сиғинишни қатъий таъқиқлаб қўйган. Шунга қарамай, қалблари Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат туйғусига тўла гопилар фаришта Дургага сиғинар эдилар. Фаришталарга сиғиниб юрган одамлар ҳам баъзида ана шу гопиларни эслаб, ўзларининг амаллари тўғри эканини исботламоқчи бўладилар, аммо бу ерда гопиларнинг фариштага сиғинишдан мақсади нима эканига эътибор бериш керак. Одатда гофил одамлар фаришта Дургага ўзлари учун бирор шахсий моддий манфаат кўзлаб сиғинадилар. Бу ерда эса гопилар унга Парвардигор Кришнага турмушга чиқишни ният қилиб сиғиняптилар. Сиғинишнинг моҳияти шундан иборатки, агар бхактанинги фаолияти, нияти ягона Парвардигор Кришнага қаратилган бўлса, у ўз мақсадига, яъни Кришнага эришиш учун ҳар қандай воситадан фойдаланиши мумкин. Кришнани мамнун қилиш ёки Унга хизмат қилиш учун гопилар истаган нарсдан

фойдаланишлари, ҳар қандай усулни қўллашлари мумкин. Гопиларнинг энг ажойиб фазилатлари шундан иборат. Кришнага турмушга чиқишни ният қилиб улар бир ой давомида фаришта Дургага сажда қилиб сиғиниб юрдилар. Ҳар куни улар фариштага илтижо қилиб ундан Нанда Махаражнинг ўғли Кришнага турмушга чиқишда ёрдам беришини илтижо қилардилар.

Эрта туриб гопилар чўмилиб покланиш учун Йамуна қирғоғига борардилар. Улар бир жойга тўпланиб, бир-бирларининг қўлларини ушлаб давра қуриб, Кришнанинг ғайритабиий кароматлари ҳақида кўшиқ куйлардилар. Ҳиндистонда қадимдан келаётган удумга кўра хотин-қизлар чўмилганларида кийимларини дарё бўйида қолдириб, сувга яланғоч ҳолда қирадилар. Шу боис ҳали ҳозиргача хотин-қизлар чўмиладиган жойга бирорта эркак кишининг бориши умуман таъқиқлаб қўйилган. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна ёш қизларнинг қалбидаги ниятларини билган ҳолда уларнинг истакларини амалга ошироқчи бўлди. Улар Кришна ўзларининг эри бўлишини истардилар, Кришна уларнинг мана шу истагини рўёбга чиқармоқчи бўлди.

Ой охирида Кришна Ўзининг дўстлари билан ана шу жойга келди. Кришнанинг яна бир номи - Йогешвара, яъни "барча сеҳр қудратининг ҳукмдори" деб аталади. Муроқаба билан шуғулланиш орқали йоглар бошқа одамларнинг қалбида кечаётган ўй-фикрларни, истакларни билишга қодир бўла оладилар, Йогешвара Кришна албатта қизларнинг қалбидаги истакларини жуда яхши биларди. Дарё қирғоғида пайдо бўлиб, Кришна гопиларнинг ҳамма кийимларини йиғиб олди ва кулиб туриб уларга мурожаат қилди.

"Ҳой азиз қизлар, - деди У - энди битта-битта Менинг олдимга келиб, кийимларингизни Мендан ялиниб сўранглар, шундагина кийимларингизни Мендан қайтариб оласизлар. Мен сизлар билан ҳазиллашаётганим йўқ. Мен сизларга бор ҳақиқатни айтяпман. Мен сизлар билан ҳазиллашмоқчи эмасман, чунки сизлар бир ой давомида жуда қаттиқ риёзатга берилиб фаришта Катъайанига сажда қилдинглар. Сизлардан фақат битта илтимосим бор, Менинг олдимга ҳаммангиз бирданига келманглар. Битта-биттадан келинглар: Мен сизларнинг алоҳида ҳар бирингизнинг қанчалик гўзал, сарвқомат эканингизни яхшилаб кўриб олмақчиман. Қани, битта-битта олдимга келинглар-чи! Энди ҳеч қандай шубҳа йўқки, сизлар Менинг илтимосимни албатта бажарасизлар!"

Дарё сувида турган қизлар Кришнанинг ҳазил гапларини эшитиб бир-бирларига қараб

жилмая бошладилар. Улар Кришнадан бундай илтимосни эшитиб жуда хурсанд бўлган эдилар, чунки улар аллақачон Кришнани севиб қолган эдилар. Улар уялганидан бир-бирларига қарар, лекин сувдан чиқишга журъат қила олмадилар, чунки қип-яланғоч эдилар. Шу тариқа улар сувда узоқ вақт қолиб кетганидан совқотиб баданлари титрай бошлади, лекин Говинданинг ҳазил аралаш ёқимли ширин сўзлари уларнинг қалбини қувончга тўлдирган, энди улар нима қиларини билмай ақли шошиб турар эдилар. Улар Кришнага мурожаат қила бошладилар: "Ҳой Нанда Махаражнинг ўғли, илтимос, бизлар билан бундай ҳазиллашма! Бу адолатдан эмас. Ахир Сен одобли боласан-ку, Сен - Нанда Махаражнинг ўғлисан. Сен бизлар учун жуда азизсан, лекин Сен бизлар билан бундай ҳазиллашмаслигинг керак, ахир совуқ сувда туравериб бизлар жуда совқотиб кетдик. Илтимос, ҳозироқ кийимларимизни қайтариб бер, акс ҳолда бизлар шамоллаб касалланиб қоламиз". Кейин улар камтарин ҳолда Кришнадан илтимос қилиб ялинишга тушдилар: "Ҳой азиз Шйамасундара, - деди улар - аслида бизлар ҳаммамиз Сенинг мангу хизматкорларингиз. Сен қандай буйруқ берсанг ҳам бизлар ҳеч иккиланмасдан бажаришимиз лозим, чунки шундай қилишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз. Аммо Сен бизлар бажара олмайдиган шу гапларингизда қаттиқ туриб олсанг, бизлар албатта Нанда Махаражнинг олдига бориб, унга Сенинг устингдан арз қиламиз. Агар Нанда Махараж ҳам гапларимизга қулоқ солмаса, бизлар Сенинг бу аҳмоқона қилиқларинг ҳақида шоҳ Камсага гапириб берамиз".

Қизларнинг гапларини тинглаб туриб Кришна шундай деди: "Ҳой азиз қизлар, агар сизлар ўзингизни Менинг мангу хизматкорим деб ҳисобласанглар ва ҳамиша Менинг ҳар қандай амримни бажаришга тайёр бўлсанглар, Менинг сизлардан илтимосим шундай: битта-биттадан Менинг олдимга келиб, кийимларингизни олиб кетинглар. Агар Менинг олдимга келмасанглар, отамга бориб арз қилсанглар ҳам Менга барибир, чунки биламанки отам кексайиб қолган, Менга қарши ҳеч нарса қилолмайди".

Кришнанинг Ўз қарорида қатъий турганини кўрган гопилар Унинг амрига бўйсунидан бошқа иложи йўқлигини тушундилар. Улар битта-биттадан сувдан чиқа бошладилар, қип-яланғоч бўлгани учун улар чап қўли билан оёқлари орасини бекитиб олган эдилар. Улар шу аҳволда совуқдан титраб дарё бўйида турар эдилар. Улар шунчалик содда ва қалби пок эдиларки, Парвардигор Кришна уларнинг бунчалик соддалигидан ҳайратга тушарди.



Катйайанидан Кришнага турмушга чиқишга ёрдам сўраган гопиларнинг ҳаммаси шу тариқа ўз ниятларига етган эдилар. Худонинг қонунларига кўра аёл киши ўзининг эридан бошқа бирор эракнинг олдида қип-яланғоч кўриниши мумкин эмас. Ёш гопилар Кришна ўзларининг эри бўлишини ният қилган эдилар, Кришна эса ҳозир уларнинг шу ниятини ана шундай йўл билан рўёбга чиқарган эди. Қизлардан мамнун бўлиб, Кришна уларнинг кийимларини елкасига кўтариб олди ва уларга шундай деди: "Ҳой азиз қизлар, сизлар Йамунада қип-яланғоч ҳолда чўмилиб оғир гуноҳ иш қилиб кўйдинглар. Шунинг учун сув фариштаси Варуна сизлардан қаттиқ хафа бўлди. Ана шу ҳақоратларингизни кечирини учун сизлар икки қўлингизни қовуштириб фаришта Варуна олдида бош эгиб сажда қилинглар". Гопиларнинг ҳаммаси жуда содда, қалби пок қизлар бўлиб, Кришна нима деса ҳам улар айна ҳақиқат деб қабул қилардилар. Варунадевининг ғазабини бартараф қилиш ҳамда чеккан риёзатларидан кўзланган мақсадга эришиш, айна пайтда севимли Парвардигори бўлган Кришнани мамнун қилиш учун улар дарров Кришнанинг айтган гапини бажо келтирдилар. Шу тариқа улар Кришнанинг энг яқин севгиллари ва энг итоаткор хизматкорлари бўлгандилар.

Ҳаётда ҳеч ким ана шу гопиларчалик Кришна онгига ғарқ бўлиб яшай олмайди. Аслини олганда уларни Варуна ёки бошқа қандайдир бирор фаришта мутлақо қизиқтирмасди; улар фақат Кришнани мамнун қилишни истардилар. Гопиларнинг соддалигидан, қалблари беғубор поклигидан Кришна жуда мамнун бўлган эди. Битта-битта олдида келган гопиларга Кришна кийимларини қайтариб бера бошлади. Гарчи Кришна бу ёш қизларни алдаган ва уларни Ўзининг олдида қип-яланғоч туришга мажбур қилган, улар билан ҳазиллашиб лаззатланган бўлса ҳам, гарчи У қизларни худди кўғирчоқдай ўйнаб, кийимларини ўғирлаб қўйган бўлса ҳам, гопилар Ундан жуда мамнун эдилар ва Унинг устидан ҳеч кимга арз қилмадилар. Гопиларнинг ана шундай ҳолатини Парвардигор Чайтанйа Ўз илтижоларида таърифлаб шундай деган: "Эй азиз Парвардигор Кришна, Сен мени кучоқлаб бағринга босишинг ёки оёғинг остида тепкилашинг мумкин, Сен ҳеч қачон менга кўринмасдан қалбимни тилка-пора қилишинг ҳам мумкин. Сен мени истаган кўйингга солишинг мумкин, чунки Сен мутлақо мустақил Зотсан. Лекин Сен мени нима қилсанг ҳам Сен барибир мен сажда қилиб сиғинадиган ягона Парвардигор бўлиб қолаверасан ва мен Сендан бошқа бирор зотга сиғинмайман". Гопиларнинг Кришнага бўлган муносабати ана шундай.

Парвардигор Кришна улардан жуда миннатдор эди, уларнинг ҳаммаси фақат Унга турмушга чиқишни истаётгани учун У гопиларга шундай деди: "Эй Менинг азиз, итоаткор фаришталарим, сизларнинг истакларингиз фақат Менга қаратилган эканини, нимага сизлар фаришта Катйайанига сиғиниб юрганингизни Мен яхши биламан ва сизларнинг бу ишларингизни Мен тўла қўллаб-қувватлайман. Онги ҳаммиша бутунлай Менда мужассам бўлган ҳар қандай одам ҳатто шахвоний ҳирси хуруж қилаётган бўлса ҳам барибир улуғвор зот бўлиб қолаверади. Худди қовурилган уруғлик ҳеч қачон униб чиқмагани сингари, Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай истак ҳам ҳеч қачон оддий карма келтирадиган ишга ўхшаб моддий оқибатларга олиб келмайди".

"Брахма-самхита"да шундай дейилган: *кармани нирдахати кинту ча бхакти-бхаджам*. Ҳар бир одам бу дунёда ўз фаолиятининг карма оқибатлари билан боғланган, аммо бхакталар фақат Худо учун, фақат Парвардигор мамнун бўладиган ишлар билан машғул бўлиб яшаётганлари учун ўз фаолиятининг оқибатларига боғланиб қолмайдилар. Худди шундай, гарчи сиртдан қараганда шахвоний ҳирсга ўхшаб кетса ҳам, гопиларнинг Кришнага бўлган муносабатларини оддий аёлларнинг шахвоний истаклари билан тенглаштирмаслик керак. Бунинг сабабини Кришнанинг Ўзи тушунтириб берди. Худога, Кришнага садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳар қандай карма оқибатларига нисбатан бутунлай илохий табиатли бўлади.

"Эй Мен учун азиз бўлган гопилар, - давом этди Кришна - сизларнинг Менга турмушга чиқиш истагингиз албатта рўёбга чиқади, чунки сизлар фаришта Катйайанига фақат шу ният билан сиғинадинглар. Мен сизларга ваъда бериб айтаманки, келгуси кузда сизлар билан яна учрашамиз, шунда сизлар Мен билан бирга бўлишдан тўйиб лаззатланасизлар".

Дарахтлар соясида ўтирган Кришна Ўзини жуда бахтиёр ҳис қиларди. Ўрмонда сайр қилиб юрганида У Вриндаван аҳолисига шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Эй қадрдон Стоақришна, азизим Варутхапа, азизим Бхадрасена, азизим Судама, азизим Субала, азизим Аржун, азизим Вишала, азизим Ришабха Вриндаванда шундай бахтга эришган мана бу дарахтларга бир қаранглар. Улар ўзларининг бутун умрини фақат бошқаларнинг бахти учун бағишлаган. Уларнинг ўзлари табиат юборган шунча қийинчиликларга - бўронлар, ёмғирлар, жазирама иссиқлар, қаҳратон совуқларга дучор бўладилар. Лекин улар бор кучи билан

бизларнинг оғиримизни енгиллатишга, хордик чиқаришимиз учун соя-салқин беришга интиладилар. Азиз дўстлар Менинг фикримча дарахт танасида бу ерда туғилиш уларга жуда катта шон-шараф келтиради. Улар бошқаларга бошпана беришга шунчалик интиладиларки, бу ҳаракати билан улар худди ёрдам сўраб мурожаат қилган бирор одамнинг илтимосини ҳеч қачон рад этмайдиган улуғ мартабали ва саховатли олижаноб одамларга ўхшаб кетадилар. Бу дарахтлар ҳеч кимдан ўзларининг соясини аямайдилар. Улар инсонларни ҳар хил зарур нарсалар - барглар, гуллар, мевалар, соя, илдиз, пўстлоқ, зираворлар ва ўтин билан таъминлаб турадилар. Улар фақат саховатли ишлар билан ҳаёт кечиришга муносиб намуна бўла оладилар. Улар ўзларининг ҳамма нарсасини - танасини, ақлини, фаолиятини, тафаккурини ва нутқини барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун фаолият кўрсатишга бағишлаган олижаноб инсонларга ўхшайдилар".

Худонинг Олий Шахси, Кришна шу тарика Йамуна қирғоқларида сайр қилиб, дарахт баргларини, меваларини, шоха ва гулларини ушлаб, уларнинг инсонларга қилаётган беминнат хизматини олқишлаб юрарди. Қандайдир эзгу ишларнинг инсоният учун қанчалик фойда келтираётгани ҳақида турли одамлар турлича фикрда бўлиши мумкин, - бу ҳар кимнинг дунёқарашига боғлиқ - аммо ҳамма учун ҳақиқий, мангу эзгулик - одамларга Кришнани, Худони англаш илмини ўргатишдан иборат. Мана шу эзгу ишга ҳар бир фаросатли одам кўлидан келганича ёрдам бериши керак. Парвардигор Чайтанйа айтиб кетганидай, ҳақиқий инсон ўзини хасдан ҳам паст тутадиган камтар, итоаткор ва дарахтдан ҳам сабрли бўлиши керак. Дарахтларнинг сарб-тоқатини Парвардигор Кришнанинг Ўзи ҳам олқишляпти, ўзининг бутун ҳаётини одамларга Худони, Кришнани англаш илмини ўргатишга бағишлаган киши узилмас парампара орқали бизгача етиб келган Парвардигор Кришна ва Парвардигор Чайтанйанинг насихатларидан ўзи учун аниқ хулоса чиқариб олиши керак.

Вриндаванда, Йамуна қирғоғидаги ўрмонда сайр қилиб юрганида Кришна бир гўзал манзарали жойда тўхтади, Ўзи ерга ўтириб олиб, сигирларига Йамунанинг салқин тоза сувидан мириқиб ичиб олишга имкон берди. Чарчаган подачилар ҳам, Кришна ва Балорам ҳам тўйиб сув ичиб олдилар. Йамунада чўмилаётган ёш гопилар билан учрашгандан кейин Кришна куннинг қолган вақтини болалар билан биргаликда ўтказди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Кришнанинг ёш қизларнинг кийимларини

ўғирлаши" деб аталадиган йигирма иккинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

### 23. Қурбонлик маросими ўтказаетган брахманларнинг хотинларининг озодликка чиқиши

Кун тушликка яқинлашди, эрталаб ҳеч нарса емагани сабабли подачи болаларнинг қоринлари очган эди. Улар Кришна билан Балорамга шундай сўзлар билан мурожаат қилдилар: "Ҳой азиз Кришна, Балорам, Сизлар икковингиз ҳам жуда қудратлисизлар, жуда кўп иблисларни ўлдира оласизлар; бугун эса Сизлар биз билан бирга очликдан қийналяпсизлар, бу бизларни жуда ҳайратга соляпти. Илтимос, бизларнинг қорнимизни тўйдиришнинг бирор чорасини кўринглар!"

Дўстларининг бундай илтимосини тинглаб туриб, Парвардигор Кришна билан Балорамнинг қалбида қурбонлик маросими ўтказиб юрган баъзи бир брахманларнинг хотинларига нисбатан чуқур ҳамдардлик туйғуси уйғонди. Бу аёллар Парвардигорнинг буюк бхакталари эди, шу боис Кришна ҳозирги фурсатдан фойдаланиб уларни муносиб тақдирламоқчи бўлди. У шундай деди: "Эй азиз дўстларим, илтимос шу яқин атрофда яшайдиган брахманларнинг уйига боринглар. Ҳозир улар *ангираса* деб аталадиган ведавий қурбонлик маросими ўтказяптилар, чунки улар кейинги ҳаётида жаннатий сайёраларга кўтарилишни ният қилганлар. Илтимос, уларникига ҳаммангиз бирга боринглар". Кейин Парвардигор Кришна дўстларини огоҳлантириб қўйди: "Бу брахманлар вайшнавлардан эмас. Улар ҳатто Бизларнинг Кришна ва Балорам деган номларимизни тилига ҳам олмайдилар. Гарчи ведавий илмларни ўрганишдан яқуний мақсад Мени таниш, Мени англаб етиш бўлса ҳам, улар фақат ведавий мадҳияларни тиловат қилиш банд. Уларни Кришна ва Балорам деган номлар қизиқтирмагани учун улардан Менинг номимдан бирор нарса сўраманглар. Яхшиси улардан Балорамнинг номидан бирор нарса сўрай қолинглар".

Одатда хайр-садақани юқори мартабали брахманларга берадилар, аммо Кришна билан Балорам олий мартабали брахманлар хонадонидан туғилмаган эдилар. Балорам кшатрийлар табақасидан бўлган Васудеванинг ўғли, Кришнани эса Вриндаваннинг бутун аҳолиси "вайшйалар табақасига мансуб бўлган Нанда Махаражнинг ўғли" деб билар эди. Уларнинг бирортаси ҳам олий брахманлар

табақасига мансуб эмасди. Шу боис Кришна курбонлик маросими ўтказаетган олий табақага мансуб брахманлар ўзларидан паст табақадаги кшатрий ва ваишьяларга бирор нарса садақа қилишни истамаслиги мумкин деб ҳисобларди. "Ҳеч бўлмаса улардан Балорамнинг номини айтиб садақа сўранглар. Балки улар ваишьялардан бўлганим учун Менга садақа бермаса ҳам, кшатрийлардан бўлган Балорамга бирор нарса беришар?!"

Худонинг Олий Шахсининг буйруғини эшитиб, болаларнинг ҳаммаси брахманларнинг олдига бордилар ва улардан садақа сўрай бошладилар. Улар кўлларини қовуштириб брахманларнинг олдига яқин бориб, чуқур эҳтиром билан ерга йиқилиб уларга сажда қилдилар. "Эй ердаги фаришталар, марҳамат қилиб бизларнинг илтимосимизга кулоқ солинглар, бизлар бу ерга Кришна билан Балорамнинг амрига итоат қилиб келдик. Ўйлаймизки, сизлар Уларнинг икковини ҳам яхши биласизлар, биз сизларга бахт ва омад тилаймиз. Кришна билан Балорам шу яқин атрофда сизга боқиб юрибдилар, бизлар ҳам Уларга ҳамроҳ бўлиб юрибмиз. Биз сизлардан бизга бирор егулик беришингизни сўраб келдик. Сизлар барчангиз брахмансизлар, шу боис диний қонун-қоидаларни яхши биласизлар, агар сизлар бизларга садақа бериш мумкин деб ўйласанглар, илтимос, бизларга бирор егулик бериб юборинглар, бизлар Кришна ва Балорам билан биргаликда қорнимизни тўйғазиб оламиз. Сизлар одамлар орасида энг ҳурматли брахмансизлар, шу боис барча қонун-қоидаларни яхши билишларингиз керак".

Гарчи подачиларнинг ҳаммаси оддий қишлоқи болалар бўлиб, уларнинг ведаларда ёзилган курбонлик маросимлари ўтказиш қонун-қоидаларини яхши билишидан умид қилиб бўлмаса ҳам, улар брахманларга Кришна ва Балорам билан ҳамсуҳбат бўлиб юрганлари сабабли барча диний қонун-қоидаларни яхши билишларини эслатиб қўйдилар. Брахманларни "барча диний қонун-қоидаларни яхши биладиган одамлар" деб аташ билан подачи болалар аслида Худонинг Олий Шахси бўлган Кришна ва Балорам бирор егулик сўраганида, ҳақиқий брахманлар ҳеч иккиланмасдан дарров бирор егулик бериши керак эканини назарда тутган эдилар, чунки "Бхагавад Гита"да айтилганки, ҳар қандай йағйа, яъни ҳар қандай курбонлик маросимини фақат Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш учун ўтказиш керак.

Болалар давом этдилар: "Парвардигор Вишну Кришна ва Балорам сифатида бизларни кутиб турибди, сизлар бизга бирор егулик бериб юборишларингиз керак". Шунингдек улар брахманларга қандай овқатланиш лозимлигини

ҳам тушунтирдилар. Маълумки, одатда вайшнавлар, яъни Кришнанинг соф содиқлари оддий курбонлик маросимларида иштирок этмайдилар. Лекин улар *дикиша*, *пашу-самстха* ва *саутрамани* деб аталадиган маросимларни яхши биладилар. Инсонга *дикиша* деб аталадиган маросимдан кейин, бирор ҳайвон курбон қилишдан олдин ва саутрамани, яъни ҳар хил шароблар эҳсон қилиш маросимидан олдин овқатланиш рухсат этилади. Болалар шундай дедилар: "Сизлар ўтказаетган курбонлик маросимида ҳозир бизлар бирор егулик олишимиз мумкин. Бу таъқиқланмаган. Сизлар ҳозир бизга бирор егулик беришингиз мумкин".

Гарчи Кришна билан Балорамнинг ҳамроҳлари оддий подачи болалар бўлса ҳам, улар ҳатто ведавий курбонлик маросими ўтказаетган юксак мартабали брахманларга ҳам маслаҳат бера олардилар. Аммо, фақат курбонлик маросими ўтказиш ҳақида ўйлайдиган смарта-брахманлар Парвардигорнинг илоҳий бхакталари бераётган маслаҳатларини тушунишга қодир эмасдилар. Улар ҳатто Парвардигор Кришна билан Балорамнинг илтимосини ҳам муносиб қадрлай олмадилар. Гарчи брахманлар Кришна ва Балорамнинг номидан айтилган барча далилларни диққат билан тинглаган бўлсалар ҳам, бу гаплар уларни заррача бўлса ҳам қизиқтирмади ва улар болалар билан гаплашиб туришдан бош тортдилар. Гарчи ўзларини юксак даражага эришган буюк инсонлар деб ҳисобласалар ҳам, ҳар хил Ведавий маросимларни ўтказиш қоидаларини мукамал билса ҳам Парвардигорнинг бхактаси бўлмаган бундай брахманларнинг ҳаммаси аслида шунчаки ғофил, аҳмоқ одамлардир. Уларнинг кўрсатиб юрган бутун фаолияти ҳеч кимга бирор фойда келтирмайдиган ишлардир, чунки "Бхагавад Гита"да ёзилганидай, Ведаларнинг мақсади - Кришнани англаб етиш эканини улар билмайдилар. Ведалар илмини, ҳар хил маросимларни ўтказиш қоидалари ҳақидаги илмларни қанчалик яхши билишига қарамай, улар Кришнани тушунмайдилар, демак уларнинг барча илмлари юзаки илмлар ҳисобланади. Шу боис Парвардигор Чайтанйа Ўзининг жуда катта аҳамиятга эга бўлган фикрини айтиб кетган: инсон албатта брахман оиласида туғилиши шарт эмас; агар у Кришнани, Кришнани англаш илмини билса, у ҳар қандай брахмандан устун туради ва бошқаларга руҳий устоз бўлишга муносиб инсон бўлади.

Курбонлик маросими ўтказишда рию қилиниши шарт бўлган жуда кўп қоидалар мавжуд. Улар: *деша*(жой); *кала*(вақт); *притхаг-дравйа*(маълум бир анжомлар); *мантра*(мадҳиялар); *тантралар*(муқаддас

китобларда кўрсатилган қоидалар); *агни*(олов); *ритвиж*(қурбонлик маросими ўтказадиган билимдон авлиё одамлар); *девата*(фаришталар); *йажамана*(маросим ўтказаетган одам); *курату*(қурбонлик маросимининг ўзи); *дҳарма*(удумлар). Буларнинг ҳаммаси - Кришнани мамнун қилиш воситаларидир. Маълумки, Кришна - барча қурбонлик маросимларидан лаззатланадиган ягона Зот, чунки У бевосита Парвардигорнинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси ва моддий хиссиётларнинг тушуниш ва фикрлаш доирасидан ташқарида бўлган Олий Мутлақ Ҳақиқатдир. У бизнинг олдимизда худди оддий подачи боладай намоён бўлади. Аммо, моддий танасини "ўзим" деб ҳисоблаб юрган одамлар Уни англаб етиши жуда мушкул. Браҳманларни мана шу моддий тана учун ҳар хил қулайликлар ва *сваргаваса* деб аталадиган жаннатий сайёраларга эришиш қизиқтирарди. Шу боис улар Кришнанинг илоҳий ҳолатини тушуна олиши, Худонинг Олий Шахсини англаб етиши жуда мушкул эди.

Браҳманлар улар билан ҳатто гаплашишни ҳам истамаётганини кўриб, болалар улардан қаттиқ хафа бўлдилар. Улар Кришна ва Балорамнинг олдига қайтиб келиб, Уларга бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини гапириб бердилар. Уларнинг гапларини тинглаб туриб, Худонинг Олий Шахси Кришна маъноли кулиб кўйди. У болаларга браҳманларнинг бирор нарса бермаганидан хафа бўлмаслик кераклигини айтди, чунки садақа сўраган ҳар қандай одам ҳам шундай аҳволга тушиши мумкин. У болаларга тушунтириб айтдики, бировлардан садақа сўраб, тиланчилик қилиб кун кечирадиган одам ҳамиша ўзига омад кулиб боқаверади деб ўйламаслиги керак. Балки баъзи жойларда унинг омади келмас, лекин ҳеч қачон унинг бундан ҳафсаласи пир бўлиб, жаҳли чикмаслиги керак. Шундан кейин Парвардигор Кришна болалардан яна ўша жойга боришни, лекин бу гал қурбонлик маросими ўтказиш билан банд бўлган браҳманларнинг хотинларига мурожаат қилишни илтимос қилди. Кришна уларга бу аёллар - Ўзининг буюк бхакталари эканини ҳам айтиб кўйди. "Улар ҳамиша Бизлар ҳақимиздаги ўйларга фарқ бўлиб юрадилар. Яна шу жойга қайтиб борингларда Менинг ва Балорамнинг номимдан улардан бирор егулик сўранглар. Аминманки, улар сизларга қанча истасанглар шунча егулик бериб юборадилар".

Кришнанинг амрига бўйсуниб, подачи болалар шу заҳотиёқ браҳманларнинг хотинлари олдига йўл олдилар. Болалар келганида улар уйларида ўтирган эдилар. Улар ҳар хил қимматбаҳо тақинчоқлар билан безаниб олган эдилар. Уларга хурмат-эҳтиром кўрсатиб,

болалар шундай дедилар: "Эй азиз оналар, бизларнинг камтарин таъзимларимизни қабул қилинглар-да сизга айтадиган гапларимизга кулоқ солинглар. Парвардигор Кришна ва Балорам шу яқин жойда эканини сизларга айтишга рухсат беринглар. Улар бу ерга сигирларини боққани олиб келганлар. Билсангиз бизларни сизнинг олдингизга Улар юбордилар. Ҳаммамизнинг қорнимиз жуда оч бўлиб кетди, шу боис бизлар сизларнинг олдингизга бирор егулик сўрагани келдик. Илтимос, Кришна ва Балорам учун, бизларнинг ўзларимизга ҳам бирор егулик беринглар!" Браҳманларнинг хотинлари бу хабарни эшитган заҳоти Кришна ва Балорамни ўйлаб қаттиқ хавотирга тушдилар. Уларнинг Кришна ва Балорамга бўлган меҳр туйғулари табиий эди. Кришна ва Балорам аслида кимлар эканига, Уларга хизмат қилишнинг моҳияти нимадан иборат эканига уларни ишонтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди; Уларнинг номларини эшитган заҳоти аёллар Кришна билан Балорамни кўришга шошилдилар. Улар ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрганлари туфайли руҳий юксалишда ана шундай юксак поғонага эришган эдилар, мана шу энг олий кўринишдаги сеҳрли муроқабасули эди. Браҳманларнинг хотинлари шошилангича кўзаларни ширин егуликлар билан тўлдирди бошладилар. Бу ерда қурбонлик маросими ўтказилаётгани туфайли ширин егуликлар жуда кўп эди. Қалбларидаги қайноқ меҳр-муҳаббат

таъсири остида худди денгизга шошилаётган дарёлар сингари аёллар ўзлари билан ҳар хил егуликлардан олиб Кришнанинг олдига шошилдилар.

Браҳманларнинг хотинлари узоқ вақтлардан бери Кришнанинг жамолини кўришга мушток бўлиб юрардилар. Аммо, Кришнани кўришга йўл олиш учун улар уйларида чиқиб кетмоқчи бўлиб турганларида эрлари, ўғиллари ва қариндошлари уларга уйдан чикмасликни буюрдилар. Аммо аёллар уларнинг гапларига кулоқ солиб ўтирмадилар. Кришна бхактани Ўзига жалб қилганида уни бу дунёдаги ҳар хил боғланишлар умуман қизиқтирмай кўяди. Аёллар дарров йўлга чиқиб, Йамуна қирғоғидаги гуллар, новдалар ва майсалардан ям-яшил тус олган чиройли Вриндаван ўрмонида кириб бордилар. Бу ерда улар Ўз дўстлари билан бирга сигир боқиб юрган Кришна билан Балорамни кўрдилар.

Браҳманларнинг хотинлари Кришна билан Балорамни олтиндай ярқираб турган чиройли либосларда кўрдилар. Уларга ўрмон гулларидан ясалган чиройли гулчамбарлар осилган, сочларига чиройли товус пати қистирилган эди. Кришна Вриндаван ўрмонидан топиладиган

табий бӯёқлар билан танасига ҳар хил нақшлар чизилган қиёфада худди саҳнага чиқишга тайёр бўлиб турган раққосга ўхшарди. Аёллар Кришнани бир қўлини дўстининг елкасига, иккинчи қўлида нилуфар гули ушлаб турган ҳолда учратдилар. Унинг қулоқларини лайло гуллари безаган, пешонасига чиройли қилиб тилака қўйилган бўлиб, Ўзи кишини мафтун қиладиган ширин табассум билан жилмайиб турарди. Брахманларнинг хотинлари шунча вақтдан бери орзу қилиб юрган, Улар ҳақида шунча гаплар эшитган, ўзлари учун жуда қадрли бўлган, ҳамиша ўзлари бетиним ўйлаб юрган Худонинг Олий Шахси Кришнани ўз кўзлари билан бевосита томоша қилиб турардилар. Ҳозир улар Парвардигор Кришнани бевосита ўз кўзлари билан Кришнани яққол кўриб турардилар, Кришна уларнинг кўзлари орқали уларнинг юрагига, қалбининг тўрига кириб жойлашди.

Уларнинг қалби меҳрга тўлиб Кришнани тўйиб-тўйиб бағрига босдилар, шунча йиллик ҳижрон азоби бир зумда тарқалиб кетганди. Улар ҳозир худди илм олишда юксалиб Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетадиган буюк донишмандларга ўхшардилар. Ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух сифатида Парвардигор Кришна уларнинг қалбидаги кечинмаларни яхши биларди; улар қариндошларининг, оталарининг, ўғилларининг кўрсатган қаршиликларига қарамай, барча уй-рўзгор ишларини ташлаб Кришнанинг олдига келган эдилар. Бутун ҳаёти ва жонини бахшида қилган Кришнани бир марта бўлса ҳам кўриб қолиш учунгина улар бу ерга келган эдилар. Улар ҳаётда ҳақиқатан ҳам Кришнанинг "Бахавад Гита"да айтган насиҳатларига қатъий риоя қилган эдилар: инсон турмушдаги барча диний бурч ва вазифаларини тарк этиб, ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириши лозим. Брахманларнинг хотинлари ҳозир "Бахавад Гита"нинг мана шу кўрсатмасига тўлалигича амал қилган эдилар. Шунинг учун юзида ширин табассум билан Парвардигор Кришна улар билан яқиндан суҳбатлаша бошлади. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки,

182  
Кришна кўзлари орқали уларнинг юрагига кирганида, улар Кришнани бағрига босиб илоҳий лаззатга фарқ бўлганларида Парвардигор Кришна ҳам, брахманларнинг хотинлари ҳам ўзларининг алоҳида шахс хусусиятини йўқотмадилар. Парвардигор ҳам, брахманларнинг хотинлари ҳам шахс бўлиб қолавердилар, лекин энди улар аслида бир бутун эканини тўла ҳис қилиб турардилар. Севишганларнинг биттаси ўзи ҳақида мутлақо ўйламасдан ўз ихтиёрини бутунлай

севгилисининг ихтиёрига топширган ҳолати "бирлик" деб аталади. Парвардигор Чайтанья Ўзининг "Шикшаштака" асарида ана шундай бирлик ҳақида айтган эди: Кришна тўла мустақил ҳолда уни Ўзи истаган кўйига солиши мумкин, ҳақиқий соф бҳакта ҳамиша Унинг истакларидан рози ва мамнун бўлиб қолаверади. Брахманларнинг хотинлари ҳозир ўзларининг Кришнага бўлган муҳаббатларида ана шундай бирликни намоён этган эдилар.

Кришна уларни шундай сўзлар билан қарши олди: "Эй брахманларнинг азиз хотинлари, сизлар жуда омадли зотларсиз, Бизлар сизлардан жуда хурсандмиз. Илтимос, айтинглрчи, сизларга Мендан қандай ёрдам керак? Қариндошларингизнинг, оталарингизнинг, акаларингизнинг ва эрларингизнинг тўсқинлик қилиши ва қаршилик кўрсатишига қарамай Мени кўриш учун бу ерга келиб сизлар жуда тўғри иш қилгансизлар. Ана шундай қилган одам ҳаётда ўзи учун фойдали бўлган иш нима эканини яхши биладиган одамдир, чунки ҳеч қандай шарт-шароитга қарамай Менга илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилиш барча тирик мавжудотлар учун энг шарофатли фаолиятдир".

Парвардигор Кришна бу ерда айтяптики, шартланган руҳнинг ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириши руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасидир. Худонинг Олий Шахсига бутунлай таслим бўлиш, ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириш - шартланган руҳ учун энг тўғри, энг шарофатли йўлдир, чунки Парвардигор севишга муносиб бўлган ягона, энг буюк Зотдир. Охир-оқибатда ҳар бир одам Кришнани севади, лекин буни ҳар ким ўз онгининг ривожланиш даражасига, олган илмига боғлиқ равишда англаб етади. Тирик мавжудот ўзи аслида мангу руҳ эканини, руҳ Парвардигорнинг бир бўлаги, ажралмас заррачаси эканини тушуниб етади; демак Парвардигор муҳаббатнинг якуний мақсади ҳисобланади, шунинг учун онгли инсон ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириши лозим. Парвардигорга онгли равишда ана шундай бўйсуниб шартланган руҳлар учун ҳақиқий бахт-саодат келтиради. Бизнинг ҳаётимиз, мулкимиз, уйимиз, хотин, бола-чақамиз, ватанимиз, жамиятимиз, биз учун жуда азиз, қадрли бўлган бошқа нарсаларнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахси намоён этган турли кўринишлар, Унинг экспансияларидир. Парвардигор - севиш лозим бўлган энг асосий, олий Зот, чунки У бизларнинг ҳозирги ҳолатимизга - тана, аклий, руҳий ҳолатларимизга мос равишда Ўзини шунча йўллар билан кўпайтириб бизларга лаззат юборади.

"Эй брахманларнинг азиз хотинлари, - деди Кришна, - энди сизлар уйларингизга қайтиб кетишингиз мумкин. Эҳсон қилиш, эрларингизга хизмат қилиш ва уй-рўзғор ишларини бажариш билан машғул бўлиб яшанглар, эрларингиз ҳамиша сизлардан мамнун бўлсин, улар бошлаган қурбонлик маросими муваффақият билан ниҳоясига етсин. Ахир сизларнинг эрларингиз оилали одамлар, сизларнинг ёрдамингизсиз қандай қилиб улар ҳаётда ўз бурчини бажара оладилар?"

Брахманларнинг хотинлари шундай жавоб бердилар: "Эй азиз Парвардигор, бизларга бундай насиҳат бериш Сенга ярашмайди. Сен ҳамиша Ўз бхакталарингни химоя қилиб юришга ваъда бергансан, энди шу ваъдангни бажаришинг керак. Олдинга келиб Сенга ўз ихтиёрини бутунлай топширган киши ҳеч қачон орқага, яна моддий тирикчиликнинг шартланган ҳолатига қайтиб кетмайди. Бизлар энди Сенинг Ўз сўзингнинг устидан чиқишингни кутамиз. Бизлар Сенинг туласи баргларига кўмилган нилуфар қадамларинг пойига бош кўйдик, шу боис энди яна ўз дўстларимиз, қариндошларимиз даврасига, жамиятга қайтиб Сенинг нилуфар қадамларинг пойинг паноҳини тарк этмаймиз. Бизлар энди яна уйга қайтиб бориб нима ҳам қила олардик? Эрларимиз, оталаримиз, қариндошларимиз, болаларимиз ва оналаримиз, дўстларимиз энди бизларни қабул қилмайдилар, чунки бизлар аллақачон уларни тарк этганмиз. Энди бизларнинг борадиган жойимиз йўқ. Илтимос, бизлардан уйларимизга қайтиб кетишни илтимос қилма! Шундай қилгинки, бизлар ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойида қолиб, Сенинг химоянг остида мангу қолиб кетайлик!"

Худонинг Олий Шахси Кришна уларга шундай деб жавоб берди: "Эй кадрдон брахманларнинг хотинлари, ишончингиз комил бўлсинки, қайтиб борганингизда эрларингиз сизлардан юз ўгирмайди, қариндошларингиз, оталарингиз ва болаларингиз ҳам сизларни яна қабул қилишдан бош тортмайдилар. Сизлар Менинг соф бхакталарим бўлганингиз туфайли энди нафақат сизларнинг қариндошларингиз, балки жаҳондаги ҳамма одамлар, шунингдек ҳатто фаришталар ҳам сизлардан жуда мамнун бўладилар". Кришна Олий Рух кўринишида ҳар кимнинг қалбида мавжуд. Шу боис агар кимдир ҳақиқатан ҳам Парвардигор Кришнанинг соф бхактаси бўлиб етишса, у шу заҳотиёқ ўзидан-ўзи атрофидаги одамларнинг барчасига ёқимли, азиз бўлиб қолади. Парвардигорнинг соф бхактаси ҳеч қачон ҳеч кимга душманлик қилмайди. Шу боис эси жойида бўлган фаросатли одам ҳеч қачон Худонинг соф содик хизматкорига бирор душманлик қилмайди.

"Менга бўлган илоҳий муҳаббат туйғусининг моддий дунёдаги тана билан боғлиқ бўлган боғланишларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, - деди Кришна, - лекин фикру-хаёли ҳамиша Мен ҳақимдаги ўйларга ғарқ бўлиб юрган киши Мен билан мангу қолиш учун ҳеч қандай шубҳасиз, тез орада албатта Менинг олдимга келади".

Худонинг Олий Шахсининг ана шундай насиҳатларини тинглаб туриб, брахманларнинг хотинлари уйларига, эрларининг олдига қайтиб кетдилар. Хотинларининг қайтиб келганидан хурсанд бўлган брахманлар, шастраларда кўрсатилганидай ҳаммаси бир жойга тўпланиб ўтириб олган ҳолда қурбонлик маросимини ўтказдилар. Ведавий муқаддас китобларда ёзилишига кўра диний ибодатларни эр билан хотин биргаликда ўтказишлари лозим. Брахманларнинг хотинлари қайтиб келгандан кейин ўтказилаётган қурбонлик маросими муваффақият билан ниҳоясига етказилди. Брахманларнинг биттасининг хотини, Кришнанинг олдига кетаётганида уни зўрлик билан тўхтатиб қолдирганлари сабабли Кришнанинг кўриниши ҳақидаги гапларни ўз хаёлида тасаввур қилиб, диққат билан Кришнани ўйлай бошлади. Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлган ҳолда у моддий табиат қонунлари билан шартланган ҳозирги моддий танасини тарк этди.

Шри Говинда, ҳамиша қувноқ Худо Шахси оддий инсон қиёфасида намоён бўлиб Ўзининг илоҳий эрмакларини намоёиш этди ва брахманларнинг хотинлари таклиф этган ширин таомлардан еб лаззатланди. У шу тарзда оддий одамларни Кришнани англаб етишга, Худони танишга жалб этарди. Ўзининг ширин сўзлари ва беқиёс гўзал жамоли билан Вриндаваннинг барча сигирларини, подачи ва қизларини У Ўзига мафтун этиб қўйганди.

Хотинлари Кришна билан учрашувдан қайтиб келгандан кейин қурбонлик маросими ўтказиш билан банд бўлган брахманлар Худонинг Олий Шахсига бирор егулик бериб юборишдан бош тортиб қилган хатоларидан пушаймон бўлиб, қаттиқ афсуслана бошладилар. Ниҳоят улар ўзларининг қилган хатосини тушуниб етган эдилар. Ведавий маросим ўтказиш билан банд бўлиб, улар оддий инсон қиёфасида келиб улардан бирор егулик сўраган Худонинг Олий Шахсини инкор этган эдилар. Ўз хотинларидаги Парвардигорга бўлган чуқур ишонч ва садоқатни кўриб брахманлар ўзларини қийин бошладилар. Хотинлари Худого соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасида бўлишига қарамай ўзлари Олий Рухни севиш ва Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш қандай бўлишини умуман тушуна олмаслигидан пушаймон бўлиб улар қаттиқ қийналардилар.

Улар ўзаро шундай суҳбатлаша бошладилар: "Ҳаётда шундай браҳман бўлиб туғилганимизга минг ланъат! Ҳайф бизнинг Ведалар адабиётини шунча ўрганганимиз! Ҳайф бизнинг шунча буюк қурбонлик маросимлари ўтказишларимиз, Ҳайф бизнинг барча диний қонун-қоидаларга риоя қилишларимиз! Ҳайф бизнинг шунча оила, болачақа қилиганимизга! Ҳайф бизнинг қурбонлик маросимларини шастраларда қандай кўрсатилган бўлса худди шундай ўтказишни ўрганиб тажриба орттирганимиз! Буларнинг ҳаммасига минг ланъат, чунки агар биз Худонинг Олий Шахсига, ақл, тана ва ҳиссиёт билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммасидан устун бўлган Зотга илоҳий муҳаббат билан хизмат қила олмасак - қилиб юрган бу ишларимизнинг барчаси сарик чақага ҳам арзимаиди!"

Ведавий қурбонлик маросимларини ўтказиш илмини мукамал биладиган билимдон браҳманлар бекорга афсус надомат чекаётганлари йўқ эди, чунки қалбида Кришна онгини ривожлантиришга, ҳаётда Кришна онги билан яшашга интилмайдиган кишининг қилаётган ҳамма ишлари, ўтказаётган ҳамма қурбонлик маросимлари ўз вақтини, кучини бекорга сарфлашдан бошқа нарса эмас. Браҳманлар ўзаро суҳбатлашишда давом этдилар: "Кришнанинг ташқи қуввати шу қадар қудратлики, у ҳатто энг буюк сеҳргар-йогларни ҳам мағлуб қилишга қодир бўлган саробни намоеън эта олади. Гарчи бизлар инсониятнинг бошқа барча табақаларидаги одамларга руҳий устоз бўладиган тажрибали браҳманлар бўлсак ҳам, Худонинг ташқи қуввати ҳатто бизларни ҳам алдаб қўйди. Қаранг-а, бутун ҳаётини Худонинг Олий Шахси Кришнанинг ихтиёрига топшириб қўйган мана бу хотинлар қанчалик бахтиёр аёллар. Улар бошқалар учун энг қийин бўлган ишни - ўз оиласига бўлган боғланиш ришталарини осонлик билан узиб кета оладилар. Оилавий ҳаёт худди чуқур қудуққа ўхшайди, оила инсоннинг моддий азоб-уқубатларини фақат давом эттиради, холос.

Одатда аёллар содда, ишонувчан, қалби пок бўладилар ва Кришнани, Худони англаш йўлига тез қирадилар, қалбида Кришнага нисбатан муҳаббат туйғуси уйғонганида эса, улар майя(шайтон) чангалидан осонлик билан озодликка чиқа оладилар, аслида бу иш ҳатто ақлли ва билимдон эркаклар учун ҳам жуда қийин бўлган ишдир. Ведавий қонун-қоидаларга кўра аёлларга покланиш маросими орқали ўтиб муқаддас чилвир, зуннор олиш руҳсат этилмайди, шунингдек уларга *браҳмачарини* сифатида руҳий устоз ашрамида яшаш ҳам таъқиқланган. Уларга тарбия беришда қаттиқ интизом чораларини қўллаш ҳам мумкин эмас, одатда улар чуқур фалсафий фикрлашга,

шунингдек руҳий ўзликни англаш илмини чуқур англашга ҳам қодир эмаслар. Табиатига кўра улар унчалик пок ҳам эмаслар, қалблари хайрли ишлар қилишга ҳам унчалик мойил бўлмайдилар. "Уларнинг Кришнага, барча сеҳргар-йогларнинг ҳукмдори бўлган ягона Парвардигорга нисбатан қалбида шундай кучли илоҳий муҳаббат уйғота олгани қандай яхши! - ҳайратга тушарди браҳманлар. - Улар Кришнага бўлган чуқур илоҳий муҳаббати ва садоқати билан бизларни ортда қолдириб кетдилар. Гарчи одамлар бизларни ҳар хил покланиш маросимларини ўтказишда тажрибали зотлар деб билсалар ҳам, дунёвий ҳаётга боғланиб қолганимиз сабабли бизлар ҳақиқатан ҳам бу ишлардан кўзланган асосий мақсад нима эканини билмаган эканмиз. Ҳатто подачи болалар бизга Кришна ва Балорам ҳақида эслатган бўлсалар ҳам, бизлар Уларга умуман эътибор бермабмиз. Энди ўйлаб қарасак, Худонинг Олий Шахси бирор егулик сўраш учун олдимизга Ўз ҳамроҳларини юбориши - Унинг бизларга кўрсатаётган беسابаб марҳамати экан. Аслида У подачиларнинг қорнини шу ернинг ўзидаёқ ҳеч қийналмасдан тўйдиришга қодир Зот эди".

Агар кимдир Кришна тирикчилик қилиш учун сигир боқиб юрганини эшитиб, У ҳеч нарсага муҳтож эмаслигини инкор этмоқчи бўлса, ёки кимдир Унинг ҳақиқатан ҳам қорни оч эди деб ўйлаб, Унинг бирор егуликка муҳтож эмаслигидан шубҳаланаётган бўлса, билиб қўйсинки, раванқ фариштаси ҳамиша Унга бетиним хизмат қилиш билан машғул бўлиб юради. Равнақ фариштаси Унга хизмат қилишдан ҳеч-қачон тиниб-тинчимайди. "Брахма-самхита" сингари ведавий муқаддас китобларда айтилганки, Кришнанинг даргоҳида Унга битта эмас, минглаб фаришталар чуқур эҳтиром билан хизмат қиладилар. Шундай экан, Кришна ҳақиқатан ҳам қорни оч бўлгани учун браҳманлардан бирор егулик сўради деб ўйлаш катта хатолик бўлади. Бу шунчаки ўзига хос бир айёрлик бўлиб, шу йўл билан Кришна браҳманларга Уни қабул қилиш ва Унга соф садоқат билан хизмат қилиш имконини берган эди. Барча ведавий маросимларнинг ҳар хил анжомлари, қулай вақт ва жой,

186

маросим ўтказиш учун зарур бўлган нарсалар, ведавий мадҳиялар, қурбонлик маросими ўтказа оладиган руҳоний, олов ва фаришталар, қурбонлик маросими ўтказаётган одам ва диний қонун-қоидалар - буларнинг ҳаммаси охи-роқибатда фақат ягона Парвардигорни таниш, Кришнани англаб етиш учун мўлжалланган, чунки Кришна - Худонинг Олий Шахси. У -

ягона Парвардигор Вишну ва барча сеҳргар-йогларнинг ягона Ҳукмдори.

"У бу дунёда Йадавалар хонадониди оддий бола қиёфасида намоён бўлгани сабабли, нодонлигимиз туфайли бизлар У аслида Худонинг Олий Шахси эканини тушунмадик, - дерди браҳманлар. - Шунга қарамай, бизларнинг шунча қаршиликларимизга қарамай Худога илоҳий муҳаббат ва соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришган шундай буюк хотинларимиз борлигидан мағрурланамиз. Шундай экан, Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойиига эҳтиром билан сажда қилайлик, Унинг майя деб аталадиган ташқи қувватининг таъсири остида бизлар кармали фаолият билан машғул бўлиб юрибмиз. Шу боис бизлар биздан Ўз марҳаматини аямаслигини, бизнинг гуноҳимизни кечиришини тилаб Парвардигорга илтижо қиламиз, чунки бизлар Унинг ташқи қувватининг чангалига тушиб қолган эдик. Бизлар Унинг илоҳий шон-шухратидан беҳабар бўлганимиз сабабли Унинг амрига кулоқ солмадик".

Браҳманлар шу тариқа қилган гуноҳларига пушаймон бўлиб қаттиқ афсусланардилар. Улар ўзлари ҳозирок Кришнанинг олдига бориб Унга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқчи эдилар, аммо Камсадан кўрққанлари сабабли бундай қилолмасдилар. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида қалби покланмаган кишининг ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириши жуда қийин бўлади. Билимдон браҳманлар ва уларнинг хотинлари бунга яққол мисол бўла олади. Қалбида Кришнага нисбатан ҳақиқатан ҳам соф муҳаббат ва садоқат бўлган аёллар ҳеч қандай тўсиқларга эътибор бермадилар. Улар шу заҳотиёқ Кришнанинг олдига йўл олдилар. Парвардигор Олий Ҳукмдор эканини тан олганига, гуноҳлари учун тавба қилганига қарамай, браҳманлар шох Камсадан кўрқар эдилар, чунки улар дунёвий фаолиятга қаттиқ боғланиб қолган эдилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Қурбонлик маросими ўтказилган браҳманларнинг хотинларининг озодликка чиқиши" деб аталадиган йигирма учинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 24. Говардхана тепалигига сиғиниш.

Ҳар хил Ведавий қурбонлик маросимлари ўтказишга қаттиқ берилиб кетган браҳманлар билан бўлиб ўтган мана шу воқеалардан кейин Кришна ва Балорам подачилар ҳам Ер юзини сув

билан таъминлашга маъсул бўлган фаришта - осмон шоҳи Индрани мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказишга тайёргарлик кўраётганининг гувоҳи бўлдилар. "Чайтанья Чаритамрита"да айтилганидай, Кришнанинг бхактаси аниқ ишонадики, агар у ҳаётини Кришнани англашга, Кришнага муҳаббат билан хизмат қилишга бағишласа, ҳаётда бошқа ҳар қандай бурч ва вазифаларидан бутунлай озод бўлади. Парвардигор Кришнанинг соф бхактаси Ведаларда кўрсатилган бирор диний маросимларни ўтказишининг ҳам, бирор фариштага қурбонлик эҳсон қилиб сиғинишининг ҳам ҳожати йўқ. Шунини тушуниб олиш лозимки, Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган одам аввал барча ведавий маросимларни ўтказиб, барча фаришталарга сиғиниб бўлган ҳисобланади. Ведавий қурбонлик маросимларини ўтказиш ёки фаришталарга сиғиниш орқали инсон Кришнага садоқат билан хизмат қилиш даражасига эриша олмайди. Аммо, ҳаётини ягона Худо Шахсига, Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган киши ҳаётда барча ведавий қонун-қоидаларга, Худонинг барча қонунларига риоя қилиб яшаётган бўлади.

Ўзининг сеvimли бхакталари ана шундай умуман кераксиз бўлган фаолият билан машғул бўлиб юришига чек қўйиш учун Кришна Вриндаванда юрган пайтида одамлар орасида фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиб яшашга асосланган турмуш тарзини ўрнатмоқчи эди. Подачилар фаришта Индра шарафига қурбонлик маросими ўтказишга ҳозирлик кўраётганини Кришна яхши биларди, чунки У - ҳамма нарсани биладиган қудратли Парвардигордир, лекин одоб-ахлоқ қоидаларини бузмаслик учун У камтарин ҳолда бу ҳақда Нанда Махараж ва бошқа ёши катта подачилардан сўрай бошлади.

Кришна отасига шундай савол берди: "Отажон, нима сабабдан бундай катта қурбонлик маросимига тайёргарлик кўряпсизлар? Бундай қурбонлик маросимининг натижаси нима бўлади? Бу қурбонлик маросими кимга аталган? У қандай ўтказилади? Илтимос, Менга шуларни тушунтириб бер! Мен бу қандай маросим эканини билиб олишга жуда қизиқяпман, илтимос бу қурбонлик маросимини ўтказишдан мақсад нима эканини Менга батафсил тушунтир!"

Ҳали ёш бўлгани учун Кришна йағйа ўтказишнинг нозик томонларини барибир тушунмайди деб ўйлаб, отаси Нанда Махараж Кришнанинг саволларига жавоб бермади. Лекин Кришна ундан қаттиқ талаб қила бошлади: "Отажон, авлиёсифат киши ёки бирор яширин нияти бўлмаган қалби пок инсон ҳеч қачон ҳеч



кимдан ҳеч нарсани яширмайди, ҳақиқий авлиё одамнинг ҳеч қандай сири бўлмайди. У ҳеч кимни ўзига дўст ёки душман деб ҳисобламайди, чунки унинг қалби ҳамиша ҳаммага бирдай очик. Ҳатто қалбида бирор яширин нияти бўлган одам ҳам ўзининг сирини оила аъзоларидан ва яқин дўстларидан яширмаслиги керак, инсон ўзининг сирини фақат душманларидан яшириш мумкин. Шу боис сен Мендан ҳеч нарсани яширмаслигинг керак. Ҳаётда ҳамма одамлар кармали дунёвий фаолият билан машғул бўлиб яшайдилар. Баъзилар дунёвий фаолият нима эканини тушунадилар, баъзилар унинг натижаси нима бўлишини яхши биладилар, баъзилар эса бундай фаолиятдан мақсад нима эканини, бу фаолият қандай натижаларга олиб келишини билмасдан бошқаларга кўр-кўрона эргашиб юраверадилар. Қилаётган ҳар бир иши ҳақида мукамал илмга эга бўлган кишигина ўз ишидан энг яхши натижага эриша олади. Нима қилаётганини ўзи ҳам билмайдиган одам ҳеч қачон ўз ишидан бирор яхши натижага эриша олмайди. Шунинг учун илтимос, Менга тушунтириб бер, сизлар ўтказмоқчи бўлаётган бу қурбонлик маросимидан кўзланаётган мақсад нима ўзи? Бу маросим Ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига тўғри келадими ёки шунчаки оддий халқ байрамими? Илтимос, бу қандай маросим эканини Менга батафсил тушунтириб бер!"

Кришнанинг саволларини тинглаб туриб, Нанда Махараж Унга шундай деб жавоб берди: "Қадрдон ўғлим, бу маросимни ўтказиш жуда қадим замонлардан бери бизларга одат бўлиб қолган. Осмон шоҳи, фаришта Индранинг марҳамати билан ерга ёмғир ёғади, булутлар - шу фариштанинг вакиллари ҳисобланади, бизлар ҳаёт кечиришимиз учун сувнинг аҳамияти жуда катта бўлгани учун бизларга ёмғир юбориб турган зотга - фаришта Индра Махаражга биз ўз миннатдорчилигимизни билдиришимиз лозим. Шунинг учун бизлар ҳозир қурбонлик маросими ўтказиш билан шоҳ Индрани мамнун қилмоқчи бўляпмиз, чунки у бизга шунча марҳамат кўрсатиб, мўл ҳосил олишимизни таъминлаш учун етарли миқдорда сув билан таъминлайдиган булутларни юбориб турди. Ҳаёт учун сув жуда муҳим. Ёмғир бўлмаса бизлар деҳқончилик қилиб ғалла етиштира олмаймиз. Ёмғир бўлмаса биз умуман тирикчилик қила олмаймиз. Ҳаётда ўзимизнинг муқаддас бурчимизни муваффақият билан бажариб яшашимиз, моддий фаровонликка, ниҳоят озодликка эришишимиз учун ёмғир бизга жуда зарур. Шунинг учун бизлар азалдан урф-одат бўлиб қолган диний маросимларни ўтказишни ҳеч қачон тарк этмаслигимиз лозим; агар одам ўз нафсининг, ҳирсининг таъсири

остида ёки кўрқанидан шундай қурбонлик маросимларини ўтказмай қўйса, бу яхши оқибатларга олиб келмайди".

Бу гапларни тинглаб туриб, Худонинг Олий Шаҳси Кришна отаси ва Вриндаваннинг барча подачилари олдида осмон шоҳи Индранинг ғазабини келтирадиган гапларни гапира бошлади. У подачиларга бундай қурбонлик маросими ўтказишни, Индрага бундан кейин бирор эҳсон қурбон қилишни бутунлай тарк этишни таклиф қилди. У Индрани мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказиб юришнинг мутлақо ҳожати йўқлигига икки сабаб кўрсатди. Биринчидан, "Бхагавад Гита"да айтилганидай, бирор моддий манфаат кўриш учун фаришталарга сиғинишнинг ҳожати йўқ; фаришталарга сиғиниш орқали инсон фақат ўткинчи нарсаларга эришади, ўткинчи нарсалар эса фақат бефаросат, узокни кўзлай олмайдиган калтафаҳм, аҳмоқ одамларни кизиқтиради. Иккинчидан, ҳатто фаришталарга сиғиниб эришадиган ўткинчи фойдага, вақтинчалик натижага ҳам инсон фақат Худонинг Олий Шаҳсининг рухсати билан эришади. "Бхагавад Гита"да аниқ айтилганки, *майаива вихитан хи тан* яъни, фаришталарнинг дуоси билан ато этиладиган барча моддий нерматларни ҳам аслида одамларга Худонинг Олий Шаҳсининг Ўзи инъом этади. Худонинг Олий Шаҳсининг рухсатисиз ҳеч ким бошқаларга бирор саховат кўрсата олмайди. Баъзан, моддий табиат таъсири остида фаришталар жуда мағрурланиб кетадилар. Ўзини бутун борлиқнинг ҳукмдори ҳис қилиб, улар Худонинг Олий Шаҳсини эсан чикариб қўядилар. "Шримад Бхагаватам"да аниқ айтилганки, Кришна ҳозир осмон шоҳи Индранинг ғазабини келтирмоқчи бўлаётган эди. Парвардигор Кришна ер юзига иймонсиз иблисларни яқсон қилиш ва бхакталарни ҳимоя қилиш учун ташриф буюрган. Шоҳ Индра иблис эмас, шубҳасиз Кришнанинг буюк бхактаси эди, аммо у жуда мағрурланиб кетгани учун ҳозир Кришна уни муносиб жазоламоқчи бўлаётган эди. Бунинг учун Кришна аввало Вриндаван подачиларининг Индрага атаб ўтказмоқчи бўлаётган *пуджа* маросимини тўхтатиш билан Индранинг ғазабини кўзгамоқчи бўлди.

Шу мақсадда Кришна худди карма-мимамсалар фалсафасининг издоши бўлган иймонсиз одамларга ўхшаб гапира бошлади. Ана шундай фалсафа тарафдорлари Худонинг Олий Шаҳсининг ҳукмронлиги ҳамиша устивор эканини, яъни Худонинг Олий Шаҳси ягона Ҳукмдор эканини тан олмайдилар. Уларнинг фикрига кўра, агар одам виждон билан қандайдир ишга қўл урса, у албатта қилган ишининг натижасига эришади. Уларнинг фикрига кўра, ҳатто одамнинг қилган ишларига

қараб мукофотлайдиган Парвардигор мавжуд бўлса ҳам, Унга сиғиниб юришнинг ҳожати йўқ, чунки агар одам ишламаса Парвардигор унга ҳеч қандай мукофот юбора олмайди. Улар айтадиларки, бирор фариштага ёки Худога сиғиниб юргандан кўра одамлар ҳаётда ўз бурчини бажариб яшашга кўпроқ эътибор беришлари керак, шунда улар албатта ўз фаолиятининг натижаларига эришадилар. Парвардигор Кришна карма-мимамсаларнинг ана шу фалсафасига асосланиб отасига гапира бошлади: "Эй азиз отажон, - деди У, - Менинг фикримга кўра, деҳқончиликдан яхши ҳосил олиш учун сен қандайдир фариштага сиғиниб юришининг ҳожати йўқ. Ҳар бир тирик мавжудот бу дунёда ўзининг аввалги ҳаётидаги кармасига(қилган ишларига) мос ҳолда белгиланган тақдир билан туғилади. Умрини эса ҳозирги ҳаётида қилган ишларининг натижасидан иборат карма билан тугатади. Ўзининг аввалги фаолияти натижаларига қараб ҳар бир тирик мавжудот ҳар хил ҳаёт турларига мос бўлган танада дунёга келади, келгуси ҳаётда оладиган танаси эса, ҳозирги ҳаётида қилаётган ишларига боғлиқ бўлади. Инсоннинг ҳаётда дучор бўладиган барча бахт ва мусибатлари, қулайлик ва ноқулайликлари - ҳаммаси ё аввалги ҳаётидаги, ё ҳозирги ҳаётида қилган ишларининг турли меваларидан иборат".

Нанда Махараж ва сулоланинг бошқа ёши катта подачилари ҳукмрон фаришталарни мамнун қилмай туриб, шунчаки моддий фаолият кўрсатиш ёрдамида бирор яхши натижага эришиб бўлмаслиги ҳақида ўзаро баҳслаша бошладилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, баъзида ҳатто энг яхши тиббий ёрдамга ва энг яхши шифокорлар даволашига қарамай, беморнинг касали тузалмай ўлиб қолади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, яхши тиббий ёрдам, малакали врачнинг даволаши ўзидан-ўзи беморнинг тузалиб кетишига ягона сабаб, ягона кафолот бўлолмайди, бунинг учун албатта Худонинг Олий Шахсининг, Кришнанинг хоҳиши ҳам бўлиши керак. Худди шундай, ота-онаси қанчалик ғамхўрлик қилмасин, фарзандининг хавфсизлигини улар тўла таъминлай олмайдилар. Баъзан ота-онаси шунчалик ғамхўрлик қилишига, авайлаб-асрашига қарамай фарзанди ярамас, тартибсиз одам бўлиб етишади ёки бирор ҳалокатга учрайди. Демак, қутилган натижага эришиш учун фақат моддий дунёвий фаолиятнинг ўзи камлик қилади. Ҳар қандай натижага эришиш учун бу натижани албатта Худо, Кришна буюрган бўлиши, яъни Худо хоҳлаши керак. "Югурганники эмас, буюрганники бўлади!" Нанда Махараж бошқаларни ишонтириб айтдики, деҳқончилик қилиб яхши натижага

эришиш учун албатта ёмғир юборадиган фаришта Индрани мамнун қилиш лозим. Парвардигор Кришна унинг гапини инкор этиб, "фаришталар фақат ўз бурчини бажариб юрган одамларгагина марҳамат кўрсата оладилар" деди. Ҳаётда ўз бурчини бажармай юрган одамга фаришталар бирор инъом-эҳсон юбора олмайдилар. Шунинг учун фаришталар ҳам одамларнинг ҳаётда ўз бурчини қандай бажариб юришларига боғлиқ ҳолда ҳаракат қиладилар, улар ўзлари истаган одамга ўз билганича бирор мукофот бера олмайдилар.

"Эй азиз отажон, фаришта Индрага сиғинишнинг ҳожати йўқ, - деди Парвардигор Кришна, - ҳар бир одам ўз фаолиятига яраша албатта мукофот олиши керак. Аслини олганда кузатиш мумкинки, ҳар бир одам ўзининг туғма табиатига мос келадиган фаолият билан машғул бўлади ва ана шу фаолиятининг натижаларига мос равишда ҳар бир тирик мавжудот, одамлар ҳам, фаришталар ҳам белгиланган мукофотга эга бўладилар. Тирик мавжудотларнинг ҳаммаси фақат ўзларининг ҳар хил фаолияти натижасида ҳаётда олий ёки қуйи тана турларига эга бўлади, дўст ёки душманларга, ёки ўзларига бефарқ бўлган одамларга ҳамроҳ бўлади. Ҳар бир одам ҳаётда ўз табиатига мос бўлган фаолият билан машғул бўлиб яшаши, ҳар хил фаришталарга сиғинишга диққатини бўлиб юрмаслиги керак. Ҳар ким ўз бурчини мукамал бажариб юрса фаришталар ўзидан-ўзи ҳаммадан мамнун бўладилар, уларга сиғиниб юришнинг ҳожати қолмайди. Шунинг учун келинлар, ҳар биримиз ҳаётда ўзимизнинг табиатимизга мос равишда белгиланган муқаддас бурчимизни виждонан бажариб яшаймиз. Ҳақиқатан ҳам, ҳеч ким ҳаётда ўз табиатига мос ҳолда белгиланган муқаддас бурчини бажариб яшамай туриб ҳақиқий бахтга эриша олмайди. Ҳаётда инсон сифатида ўзининг муқаддас бурчини бажармай юрган одамни бузуқи, суюкоёқ, фоҳиша аёлга ўхшатадилар. Брахманларнинг асосий вазифаси Ведавий муқаддас китобларни ўрганишдан иборат. Ҳукмрон кшатрийлар табақасига мансуб одамларнинг бурчи қўл остидаги фуқароларни ҳар қандай зулмдан ҳимоя қилишдан иборат. Ваишйаларнинг вазифаси деҳқончилик қилиш, сигирларни ҳимоя қилиш ва савдо-сотик билан шуғулланиш. Шудралар эса ана шу табақаларга мансуб одамларнинг, яъни брахманларнинг, кшатрий ва ваишйаларнинг хизматини қилиб яшашлари керак. Бизлар ваишйа табақасига мансуб одамлармиз, шу боис бизларнинг асосий вазифамиз деҳқончилик қилиш, деҳқончилик маҳсулотларини сотиш, сигирларга ғамхўрлик қилиш ёки банк иши билан шуғулланишдан иборат".

Кришна Ўзини ваишйалар табақасига мансуб деб ҳисоблади, чунки Нанда Махаражнинг қарамоғида сигирлар кўп бўлиб, Кришна сигир боқиш билан шуғулланарди. У ваишйалар шуғулланиши мумкин бўлган фаолиятнинг тўрт турини санаб ўтди - деҳқончилик, савдо-сотик, чорвачилик ва банк иши. Гарчи ваишйалар ана шу ишлардан истаган бири билан машғул бўлиб яшаши мумкин бўлса ҳам, Вриндаван аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланардилар.

Кришна отасига тушунтиришда давом этди: "Бутун коинот моддий табиатнинг уч турли қуввати - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналарининг ўзаро фаолияти натижасида мавжуд бўлиб турибди. Мана шу уч гуна моддий оламнинг яралиши, мавжудлиги ва яқсон бўлишининг асосий сабабчисидир. Булутлар эҳтирос гунаси таъсири остида пайдо бўлади, шунинг учун ёмғир ёғишига ана шу гуна сабаб бўлади. Ёмғирдан кейин тирик мавжудотлар унинг натижасига - мўл-кўл ҳосилга эга бўладилар. Бунга фаришта Индранинг қандай алоқаси бўлиши мумкин? Агар сизлар Индрани мамнун қилмасанглар у сизларга нима ҳам қила оларди? Бизлар алоҳида Индранинг ўзидан бирор манфаат кўрмаймиз. Ахир у ҳеч қандай ёмғирга муҳтож бўлмаган океан устига ҳам ёмғир юборади-ку? У курукликка ҳам, океан устига ҳам ёмғир ёғдираверади; унинг ёмғир юбориши бизларнинг унга сиғиниш ёки сиғинмаслигимизга боғлиқ эмас. Бизларга келсак, бошқа бир шаҳар ёки қишлоққа, ёки бошқа давлатга кўчиб юришимизнинг ҳожати йўқ. Шаҳарларда катта-катта саройлар бўлишига қарамай бизлар мана шу Вриндаван ўрмонида яшаб ҳам ўз ҳаётимиздан тўла мамнун бўлиб юрибмиз-ку! Бизлар бошқа жойларга қараганда Говардхана тепалигига, Вриндаванга жуда ўрганиб, уларга қаттиқ боғланиб қолганмиз. Шунинг учун, эй азиз отажон, Мен сендан браҳманларни ва Говардхана тепалигини мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказишни илтимос қиламан, фаришта Индра билан умуман ишимиз бўлмасин!"

Кришнанинг бу гапларини тинглаб туриб, Нанда Махараж шундай деди: "Сен шуни истасанг, мен браҳманлар ва Говардхана тепалигини мамнун қилиш учун алоҳида қурбонлик маросими ўтказаман. Лекин ҳозир *Индра-йағйа* деб аталадиган бу маросимни ўтказишимга ҳалақит берма!"

Аммо Кришна отасига шундай деди: "Эй қадрдон отажон, Мен айтган ишни ортга сурма. Говардханага ва браҳманларга атаб алоҳида ўтказиладиган қурбонлик маросимига тайёрланиш учун жуда кўп вақт керак бўлади. Яхшиси, мутлақо кераксиз бўлган Индра-йағйа

маросими учун тайёрланган нарсаларни олиб Говардхана тепалигини, маҳаллий браҳманларни мамнун қилиш маросимига ишлатиш керак".

Ниҳоят, ноилож қолган Нанда Махараж Кришнанинг айтганини қилишга рози бўлишга мажбур бўлди. Шундан кейин подачилар Кришнадан бу йағйани қандай ўтказиш кераклигини сўрадилар. Кришна уларга шундай кўрсатма берди: "Қурбонлик маросими учун тайёрланган нарсалардан олиб дон ва сариёғдан ҳар хил ширин егуликлар тайёрланг. Қайнатилган гуруч, дал(мош), халава, пакори, пури ҳамда ширгуруч, рабри, ширин шариклар, сандеш, расагулла ва ладду сингари сутли ширинликлар тайёрланг, ведавий мадҳияларни яхши тиловат қила оладиган ва муқаддас олов ёкиб унга эҳсон қилишни биладиган билимдон браҳманларни таклиф қилинглар. Эҳсон сифатида браҳманларга ғалла садақа қилинглар. Кейин ҳамма сигирларнинг яхшилаб безатинг, уларнинг қорнини яхшилаб тўйғазинглар. Шундан кейин браҳманларга пул садақа қилинглар. Ит, мушук сингари пасткаш ҳайвонларни ҳам, чандалалар сингари паст табақага ёки "бешинчи табақа" деб аталадиган, ит гўшти ейдиган ҳароми имонсиз одамларни ҳам ширин прасадам билан меҳмон қилинг. Сигирларни майин майса билан тўйдиргандан кейин *Говардхана-пуджа* деб аталадиган маросимни бошлайвериш мумкин. Ана шундай маросим Мени жуда мамнун қилади".

Бу ерда Кришна ваишйаларнинг хўжалик юритиш тизими қандай бўлишини таърифлаб берган. Одамлар яшайдиган ҳар қандай жамиятда ҳам, ҳайвонот оламида ҳам, сигирлар, эчкилар, итлар ва бошқа мавжудотлар жамоаларида ҳам ҳар кимнинг ўз ўрни, ўз бурчи бўлади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқалар билан ҳамкорликда бутун жамиятнинг манфаатини кўзлаб меҳнат қилиши керак, жамият деганда фақат одамларни эмас, фақат тирик мавжудотларни ҳам эмас, ҳатто ер, тоғлар сингари кўзгалмас мавжудотларни ҳам ўз ичига оладиган мукамал жамиятни тушуниш керак. Айниқса ваишйалар табақасига мансуб одамлар жамиятни ғалла билан таъминлаш билан, сигирларни ҳимоя қилиш билан, жамият учун зарур бўлган истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан, савдо-сотик қилиш билан, ҳамда банк ишлари билан шуғулланиб жамиятнинг моддий фаровонлигини таъминлайдилар.

Парвардигор Кришнанинг гапларидан биз шуни билиб оламизки, ҳозир гарчи ривожланган давлатларда жуда ардоқланадиган ит ва мушукларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлса ҳам, сигирларга алоҳида ғамхўрлик қилиш жамият учун жуда

катта аҳамиятга эга. Шунингдек, юқори табақага мансуб бўлган одамлар чандаллар ва пасткаш ҳароми одамларга ҳам албатта ғамхўрлик қилишлари керак. Жамиятда ҳар бир тирик мавжудотнинг ўз ўрни бор, аммо баъзи бир одамлар жамият ривожланиши учун бевосита маъсул бўладилар, бошқалар эса улар билан ҳар хил муносабатлар воситасида ҳамкорлик қиладилар. Лекин жамият аъзоларининг ҳаммаси ҳаётда Кришна онги билан яшаганида жамиятнинг ҳар бир аъзосига тўла ғамхўрлик қилиш таъминланади.

Кришнани англаш Халқаро жамиятида *Говардхана-пуджа* деб аталадиган тантанали маросим ўтказиш ананъага айланиб қолган.

193

Парвардигор Чайтанья айтган эдики, содиқлар Парвардигор Кришнага сажда қилиб сиғинар эканлар, демак Унинг ватани Вриндаванга ҳам, Говардхана тепалигига ҳам сажда қилиб сиғинишлари лозим. Ўзининг мана шу кўрсатмасини тасдиқлагандай Парвардигор Кришна: "Говардхана-пуджа маросими ўтказиш - бевосита Менинг Ўзимга сажда қилиш билан баробар" - деб айтган. Мана шу кундан бошлаб то ҳозирги кунгача бхакталар Говардхана-пуджа маросимини ўтказадилар, Ҳиндистонда бу байрам "*Аннакута*" деб аталади. Вриндавандаги, Вриндавандан бошқа жойлардаги барча эҳромларда мана шу маросим муносабати билан жуда кўп миқдорда ҳар хил ширинликлар тайёрланади ва саховат билан яқин-атрофдаги барча аҳолига улаштирилади. Баъзида ширинликларни одамлар гавжум жойга сочиб юборадилар, одамлар мамнуният билан табаррук ширинликларни ердан чўплаб оладилар. Бу мисолдан шуни тушуниб олиш мумкин-ки, *прасадам*(Кришнага тақдим этилган таом) ҳатто ерга тушиб кетса ҳам ҳеч қачон ифлосланмайди ва бундан ҳаром бўлмайди. Шунинг учун одамлар ердан уни чўплаб олиб лаззатланиб ейдилар.

Шу боис Худонинг Олий Шахси Кришна осмон сайёраларининг олий ҳукмдори бўлганидан жуда мағрурланиб кетган фаришта Индрани жазолаш учун подачиларга Индра-йағйа маросимига тайёрланишни тўхтатишни ва Говардхана-пуджага тайёрланишни маслаҳат берди. Нанда Махараж бошлиқ қалби пок ва содда подачилар Кришнанинг бу таклифини қабул қилдилар ва Кришна нима деган бўлса ҳамма ишларни худди У айтгандай бажара бошладилар. Улар Говардхана-пуджа маросимини ўтказдилар, тепаликка сажда қилиб, унинг атрофини айланиб чиқдилар. Ҳар йили Говардхана-пуджадан кейин Вриндаван аҳолиси ҳозир ҳам, худди қадим замонлардагидай чиройли либосларини кийиб тепалик ёнига

тўпланадилар, тепаликка сажда қиладилар, сигирлари билан бирга тепалик атрофини тавоф этиб айланадилар. Парвардигор Кришнанинг кўрсатмалари асосида Нанда Махараж ва бошқа подачилар билимдон браҳманларни таклиф қилиб, ведалардан мадҳиялар тиловат қилиб, одамларга прасадам тарқатиб Говардхана тепалигига сиғиниш маросимини ўтказиш бошладилар. Вриндаван аҳолиси бир жойга тўпландилар, сигирларини безаб, улар олдига мўл ширин майса ташладилар. Гопилар чиройли либосларини кийиб олдилар, хўкиз қўшилган араваларга ўтириб олиб, Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақида қўшиқ куйлай бошладилар. Говардхана-пуджа маросимини ўтказишга келган билимдон браҳманлар эса яхши тилаклар тилаб, гопиларни, подачиларни ва уларнинг хотинларини дуо қилдилар. Барча тайёргарлик ишлари тамом бўлгандан кейин Кришна Ўзининг баҳайбат илоҳий қиёфасини намоён этди, У Говардхана тепалиги ва Кришнанинг Ўзи аслида бир-биридан фарқ қилмаслигига Ўз бхакталарини ишонтириш учун Вриндаван аҳолисига қараб шундай деди: "Мен Ўзим Говардхана тепалиги бўламан!" Кейин Кришна маросимда тақдим этилган егуликларнинг ҳаммасини бир чеккадан тановул қила бошлади. Парвардигор Кришна билан Говардхана аслида бир Зот экани ҳали ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган, шу боис буюк бхакталар

194

Говардханадан тош олиб кетиб, худди эҳромда Кришна Илоҳига сиғингандай уйларида ана шу тошларга сиғиниш маросими ўтказадилар. Шу боис бхактилар Говардханадан тош олиб кетиб, уйларида унга сажда қиладилар, чунки бу ҳам Илоҳларга сиғиниш билан баробар бўлади. Қурбонлик маросими пайтида эҳсон қилинган егуликларни тановул қилаётган Кришнанинг баҳайбат қиёфаси Кришнанинг Ўзидан бошқа, алоҳида мавжуд қиёфа эди, Кришнанинг Ўзи эса Вриндаванлик бошқа подачилар билан бирга Илоҳга ва Говардхана тепалигига сиғина бошлади. Кришнанинг баҳайбат қиёфасига ва Говардхана тепалигига эҳтиром билан сажда қилар экан, Парвардигор Кришна шундай деди: "Қаранг-а, Говардхана тепалиги мана шундай баҳайбат қиёфага кирди ва таклиф этган эҳсонларимизни қабул қилиб, бизга катта марҳамат кўрсатди". Шу ерда тўпланганларга қараб туриб Кришна шундай деди:

"Бу маросимни шахсан Мен Ўзим ўтказаяётганим сабабли Говардхана тепалигига сиғиниш маросимини ўтказмаган киши ҳаётда бахтли бўла олмайди. Говардхана тепалигида илонлар жуда кўп, Говардхана тепалигига сиғиниш маросимини ўтказмаган одамни мана шу илонлар чақиб ўлдиради. Сигирлари билан

ўзларининг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлаш учун Вриндаванда ва Говардхана тепалиги атрофида яшайдиган одамларнинг ҳаммаси Мен кўрсатган йўл билан Говардхана тепалигига сажда қилиб сиғинишлари лозим".

Шундай қилиб, Васудеванинг ўғли Кришнанинг насиҳатларига амал қилиб Вриндаваннинг бутун аҳолиси Говардхана-пуджа маросимини ўтказиб бўлиб, уйли-уйларига тарқалдилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Говардхана тепалигига сиғиниш" деб  
аталадиган йигирма тўртинчи бобида  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## 25. Вриндаванга кучли ёмғир ёғиши.

Кришна Индрага атаб қурбонлик маросими ўтказишга тайёрланаётган Вриндаванлик подачиларни тўхтатиб қолганини тушуниб етгандан кейин Индра қаттиқ ғазабланди ва гарчи уларни Кришнанинг шахсан Ўзи ҳимоя қилаётган бўлса ҳам, Индра ўзининг бутун қаҳру-ғазабини Нанда Махараж бошлиқ бутун Вриндаван аҳолиси бошига ёғдирди. Барча булутларнинг ҳукмдори бўлгани учун у олдига Самвартака деган булутни чақирди. Одатда у бу булутни бутун космик борлиқни яксон қилиш зарур бўлганда чақирарди. Индра Самвартакага Вриндаванга бориб, теварак-атрофнинг ҳаммасини сувга ғарқ қилиб юборишни буюрди. Худди иблисларга ўхшаб, Индра ҳам ўзини қудратли Олий шахс деб ўйлаётган эди. Одатда иблислар катта куч-қудратга эга бўлсалар дарров Олий Ҳукмдорга, ягона Парвардигорга, яъни Худога қарши чиқа бошлайдилар. Гарчи Индра аслида иблис бўлмаса ҳам, ўзининг моддий оламдаги вақтинчалик эга бўлган қудратидан жуда мағрурланиб кетган, шу боис ҳозир Олий Ҳукмдорни тан олмаётган эди. У ҳозир ўзини худди Кришнадай қудратли зот деб ўйлаган эди.

У шундай деди: "Бу Вриндаванликларнинг шижоатига қаранг-а! Ўзлари бир арзимас ўрмонда яшайдиган одамлару, оддий инсон зотидан бўлган қандайдир Кришна билан дўстлигидан мағрурланиб, фаришталарнинг қудратини тан олмай қўйдилар!"

Парвардигор Кришна "Бхагавад Гита"да айтганки, фаришталарга сиғинадиган одамлар аслида эси паст, фаросатсиз одамлардир. У яна шуни эълон қилдики, фаросатли одам бошқа бирор зотга сиғинишни тарк этиб, ҳаётда фақат Кришна онги билан яшаши лозим. Қандай қилиб Кришна аввалига Индранинг ғазабини келтиргани, кейин уни жазолаганидан Кришнанинг бхактаси ўзига хулоса чиқариб олиши лозимки, бундай қилишдан ҳатто фариштанинг жаҳли чикса ҳам, Кришна онги билан яшаб юрган содиқ хизматкор ҳеч қандай фариштага сиғинишининг мутлақо ҳожати йўқ. Парвардигор Кришна Ўзининг бхакталарини ҳамиша ҳар қандай ташвишлардан тўлалигича ҳимоя қилиб юради, шу боис Худонинг содиқлари ўз ҳаётида тўлалигича фақат Унинг марҳаматидан умидвор бўлиб яшашлари лозим.

Индра Вриндаван аҳолисининг бу ишидан ғазабланиб, уларни ланъатлаб шундай деди: "Фаришталарнинг ҳукмронлигини тан олмагани сабабли Вриндаванликлар энди бу дунёда оғир мусибатларга дучор бўладилар. Фаришталарга атаб қурбонлик маросими ўтказмагани учун улар бу моддий мусибатлар уммонида дуч келадиган кийинчиликларга бардош бера олмайдилар!" Кейин Индра шундай деди: "Кришна деган мана шу сўзамол подачи болакайнинг гапига кириб Вриндаваннинг ҳамма подачилари менинг қудратимни инкор этдилар. У Ўзи ҳали кичкина бола, уларнинг мана шу болага ишониб юришлари менинг қаттиқ ғазабимни келтиряпти!" Шундан сўнг у Самвартакага шу жойга йўл олиб, гуллаб-яшнаётган Вриндаванни яксон қилишни буюрди. "Вриндаван аҳолиси, - деди Индра ўзича, - ўзларининг моддий бойлигидан жуда мағрурланиб кетдилар, Кришна деган кичкина бола билан дўст бўлиб, улар ўзларига жуда бино қўйиб юбордилар. Гарчи бу бола чуқур илмга эгаман деб ўйласа ҳам, У аслида бутун космик оламнинг ҳолатини билмайдиган шунчаки ғофил сўзамол болакай. Улар Кришнага шунчалик чуқур ишонар экан, албатта уларни жазолаш керак, шу боис мен Самвартака булутига шу ёққа боришни ва бутун қишлоқни сувга ғарқ қилишни буюрдим. Сигирлари билан бирга уларнинг ҳаммасини яксон қилиш керак!"

Бу ерда кўрсатилганки, қишлоқларда аҳолининг гуллаб-яшнаши, моддий фаровонлиги уларнинг сигирларига боғлиқ бўлади. Сигирлар ҳалок бўлганида одамлар ўзларининг бутун

бойлигидан махрум бўладилар. Индра Самвартака ва бошқа булутларга Вриндаванга боришни буюрганида, бундай топшириқ олганидан булутлар жуда кўрқиб кетдилар. Аммо шох Индра уларга далда бериб шундай деди: "Сизлар олдинда боринглар, филга миниб, даҳшатли бўронлар билан бирга мен ўзим ҳам шу жойга бораман. Вриндаван аҳолисини жазолаш учун мен ўзимнинг бор куч-кудратимни ишга соламан".

Индранинг амрига бўйсуниб булутларнинг ҳаммаси Вриндаван устига тўпландилар ва бор кучи, кудратини ишга солиб шу ерга қаттиқ жала куйдира бошладилар. Ҳар лаҳзада осмонда яшин чакнаб, момоқалдирак гумбурларди, қаттиқ бўрон туриб, тинимсиз жала қуя бошлади. Ёмғир осмондан худди ўткир пайконлардай ерга шиддат билан ёғиларди. Ўзларидан тинимсиз сув қуйиб, устундай қалин булутлар бутун Вриндаван кишлоғини сувга ғарқ қилдилар, баланд паст жойларнинг фарқи умуман кўринмай қолди. Вазият айниқса ҳайвонлар учун жуда қалтис, хатарли бўлиб борарди. Ёмғир билан бирга кучли бўрон ҳам эсар, қаттиқ изғирин совуқдан Вриндавандаги ҳар бир тирик мавжудот зир титрай бошлади. Бошқа бирор нажот йўлини топа олмай, уларнинг ҳаммаси Говинда(Кришна)га мурожаат қилиб, Унинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ сўрадилар. Айниқса сигирлар, кучли ёмғирга бардош беролмай, бузоқларини ўз танаси билан тўсиб, нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиш учун Худонинг Олий Шахсининг олдига келдилар. Бутун Вриндаван аҳолиси Парвардигор Кришнага илтижо қила бошладилар: "Эй азиз, қадрдон Кришна, - деди улар, - Сен ҳар нарсага қодирсан, Сен Ўз бхакталарингни жуда севасан. Илтимос, Индранинг ғазабидан бизларни Ўзинг халос эт!"

Уларнинг илтижоларини тинглаб туриб, Кришна тушундики, гарчи ҳали ёмғир ёғадиган фасл келмаган бўлса ҳам, кишлоқ аҳли қурбонлик маросими ўтказмагани учун Индра қаттиқ бўрон турғизиб, бу ерга кучли жала аралаш дўл ёғдирапти. Индра шундай йўл билан ўзининг ғазабини намойиш этаётганини Кришна дарров тушунган эди. Кейин У шундай хулосага келди: "Бу фаришта ўзини олам ҳукмрони деб ўйлаб, ўз кудратини намойиш этапти, лекин Мен унга Ўз кудратимни кўрсатиб қўяман, аслида у тўла мустақил эмаслигини, бу оламнинг ишларини ўзбошимчалик билан мустақил ҳолда бошқараётгани йўқлигини унга билдириб қўяман. Мен - ягона Парвардигорман, бутун борлиқнинг ягона ҳукмдори Менман, анча кудрат ато этиб қўйганим учун у жуда гердайиб кетган, унинг бу сохта мағрурлигини, манманлигини пасайтириб қўяман.

Фаришталарнинг ҳаммаси - Менинг бхакталарим, шу боис Олий Хукмрон Мен эканимни улар ҳеч қачон унутмасликлари лозим, лекин нима бўлганда ҳам ҳозир Индра ўз кудратидан жуда мағрурланиб кетиб, бундан бутунлай ақлини йўқотиб қўйган. Мен уни бу сохта мағрурлик домидан қутқариб оламан ва Вриндаванлик соф бхакталаримни унинг ғазабидан албатта ҳимоя қиламан. Вриндаванликлар ҳозир фақат Менинг марҳаматимдан умидвор бўлиб турибдилар, Мен уларни Ўз ҳимоямга олганман. Мен уларнинг Ўзимнинг сеҳрли кудратим билан ҳимоя қиламан".

Шундай деб ўйлади-да, худди ёш бола ердан кўзиқоринни кўтариб олгандай, Кришна Говардхана тепалигини бир қўлида кўтариб, боши устига тутиб турди. Шундай қилиб, У Ўзининг илоҳий эрмакларидан яна бирини намойиш этди. Кейин Кришна Ўзининг бхакталарига мурожаат қилди: "Эй қадрдон ака-укаларим, қадрдон отам, эй Вриндаван аҳли, энди кўрқмасдан Мен кўтариб турган Говардхана тепалиги ҳосил қилган мана шу соябон остига киришларингиз мумкин. Бу тепалик Менинг қўлимдан тушиб кетади деб хавотирланманглар. Изғирин шамол ва қаттиқ жала дастидан жуда қаттиқ қийналиб кетдинглар, шунинг учун Мен бу тепаликни кўтариб олдим, у катта соябонга ўхшаб сизларни ҳимоя қилиб туради. Менимча сизларни бу қийинчиликлардан ҳимоя қилишнинг энг яхши йўли шу. Ўзларингизнинг барча ҳайвонларингиз билан бу соябон остида сизлар ҳеч қийналмай тураверасизлар". Парвардигор Кришнанинг ундови билан Вриндаваннинг бутун аҳолиси ўзларининг бутун анжомлари ва моллари билан бирга катта тепалик ҳосил қилган соябон остига кирди.

Вриндаванликлар моллари билан бирга тепалик-соябон остида бир ҳафта қолиб кетдилар. Уларни бу вақт давомида очлик, чанқоқлик ёки бошқа бирор қийинчилик ташвишга солмади. Қандай қилиб Кришна Ўзининг чап қўлининг жимжилоғи билан шундай катта тоғни кўтариб турганини кўриб, улар хайратга тушганча донг қотиб турардилар. Кришнанинг ғайритабиий сеҳр кудратини кўриб, осмон шоҳи Индра худди яшин ургандай қотиб қолган эди, унинг ўз кудратига бўлган ишончи дарров сусайиб кетди. Шу захотиёқ у ҳамма булутларни олдига қайтариб олди. Осмон булутлардан бутунлай тозаланиб яна куёш нур соча бошлаганида қаттиқ шамол ҳам тўхтади. Шундан сўнг энди "Говардханани кўтарган Зот, *Гири-Говардхана*" деган номга эга бўлган Худонинг Олий Шахси шундай деди: "Эй азиз подачилар, энди сизлар хотинларингиз,

болаларингиз, барча анжомлару-сигирларингиз билан ўз уйлариингизга қайтишингиз мумкин, хавф-хатарнинг ҳаммаси ордда қолди. Сув тошқини тамом бўлди, тошган дарё ҳам ўзанига қайтди".

Эркаларнинг ҳаммаси анжомларини аравага юклаб, сигирларини олиб шошмасдан тепалик тагидан чиқдилар. Ҳамма тепалик остидан чиқиб бўлгандан кейин Кришна тепаликни эҳтиёткорлик билан яна аввалги ўзининг ўрнига қўйди. Бу ишларнинг ҳаммаси тамом бўлганида Вриндаван аҳолиси Кришнанинг олдига келиб, чуқур илоҳий лаззат оғушида Уни бағирларига босдилар. Қалби ҳамиша Кришнага нисбатан муҳаббатга тўла бўлган гопилар Унга кўз ёшлари аралашган пишлоқ таклиф қилдилар, Уни ўзларининг эзгу дуои-фотиҳаларига кўмиб ташладилар. Йашода она, Рохини она, Нанда Махараж, тенгсиз куч-қудратга эга Балорам навбат билан бирин-кетин қалби меҳр-муҳаббатга тўлиб, Кришнани бағирларига босиб, Уни такрор ва такрор дуо қила бошладилар. Сиддхалока, Гандхарвалока ва Чараналока сингари жаннатий сайёралар тизимидаги фаришталар ҳам самода туриб ўзларининг мамнунлигини изҳор эта бошладилар. Улар жаннатда туриб ерга гуллар отар, бу эса худди гуллар ёмғирини эслатарди. Фаришталар сурларини чалиб, барабан қоқа бошладилар, илоҳий туйғудан илҳомланган Гандхарвалока аҳолиси эса Парвардигорни мамнун қилиш учун барабан чала бошладилар. Шундан сўнг Худонинг Олий Шахси Кришна ўзининг азиз дўстлари ва сигирлари билан биргаликда уйига қайтиб келди. Одатдагидай гопилар бутун қалби меҳр-муҳаббатга тўлиб Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмакларини шарафлаб қуйлай бошладилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Вриндаванга кучли ёмғир ёғиши" деб  
аталадиган йигирма бешинчи бобига  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## 26. Ғаройиб Кришна.

Худонинг Олий Шахси Кришнанинг қанчалик мукамал Зот эканини тушунмай, Унинг ғайритабиий руҳий қудратларини билмай соддадил подачилар ва Вриндаванлик подачи аёллар ўзаро суҳбатларида Кришнанинг оддий одамлар кўрсата олмайдиган ғаройиб кароматларини муҳокама қила бошладилар.

Улардан биттаси шундай деди: "Ҳой азиз дўстлар, қандай қилиб мана шундай ғаройиб ишларни амалга оширишга қодир бўлган

ғайритабиий бола Вриндаванда пайдо бўлиб, бизлар билан бирга яшайпти? Ҳақиқатан ҳам бундай бўлиши мумкин эмас. Бир тасаввур қилиб кўринг-а! У ҳали эндигина саккиз ёшга тўлди. Қандай қилиб У Говардхана тепалигини бир қўлида кўтариб олиб, худди филлар шоҳи нилуфар гулини ушлаб турганидай, бир ҳафта мобайнида боши узра ушлаб тура олди? Фил учун нилуфар гулини кўтариб туриш ҳеч гап эмас, худди шундай Кришна ҳам Говардхана тепалигини ҳеч қийналмасдан кўтариб турди. У чақалоқлигида, ҳатто ҳали яхши кўра олмайдиган пайтида баҳайбат иблис, ялмоғиз Путанани ўлдирган эди. Унинг кўкрагидан сут билан бирга ҳаёт нафасини ҳам сўриб олган эди. Худди мангу замон вақти келганда тирик мавжудотни ўлдиргани сингари Кришна ҳам иблис Путанани ўлдирган эди. У ҳали энди уч ойга тўлган пайтида кўл арава тагида ухлаб ётарди. Қорни оч бўлиб сут эмгиси келиб қолди, шунда У оёқларини баландга кўтариб ўйнатганча йиғлай бошлади. Ўшанда Унинг жажжи оёғи тегиб кетганидан арава чил-парчин бўлиб синиб кетганди. Энди бир ёшга тўлганида қуюн қиёфасига кирган иблис Уни олиб кетганди, гарчи иблис Кришнани олиб баланд осмонга кўтарилган бўлса ҳам, Кришна иблиснинг бўйнига маҳкам осилиб олди ва уни ерга қулаб жон таслим қилишга мажбур қилганди. Бир куни Кришнанинг сарийёғ ўғирлаганидан жаҳли чиққан онаси Уни ёғоч келига боғлаб қўйган эди. Кришна эса келини судраб, *йамала-аржуна* деб аталадиган икки дарахт томон олиб бориб, дарахтларни кулатиб юборганди. Яна бир марта, У акаси Балорам билан бирга ўрмонда сигир боқиб юрганида Бакасура деган иблис ҳам шу ерда баҳайбат ўрдак қиёфасида пайдо бўлганди, шунда Кришна иблиснинг тумшугидан ушлаб уни иккига айириб ташлади. Ватасура деган иблис Кришнани ўлдириш ниятида Кришна боқиб юрган бузоклар орасига кириб олганида Кришна дарров уни таниб қолди ва иблисни ўлдириб, дарахт тепасига отиб юборди. Кришна акаси Балорам билан Талаван деган ўрмонга кириб борганида, эшак қиёфасида юрадиган Дхенукасура деган иблис Уларга ташланди, Балорама шу заҳотиёқ иблиснинг ортки оёқларидан ушлаб олиб, палрма дарахтлари тепасига улоқтирди. Гарчи Дхенукасурага ўзига ўхшаб эшак қиёфасига кириб олган бошқа иблислар ҳам ёрдамга келганига қарамай, уларнинг ҳаммаси ҳалокатга учрадилар, шундан сўнг Вриндаван аҳолиси ва сигирлар Талаван ўрмонида кўркмасдан қира оладиган бўлдилар. Иблис Праламбасура Кришнанинг дўстлари, подачи болалар орасига қўшилиб кетган бўлишига қарамай, Кришна шундай қилдики,

окибатда Балорам бу иблисни ўлдириб ташлади. Кейин Кришна дўстларини ва сигирларни ўрмонга кетган даҳшатли ёнғиндан асраб қолди, Йамунада яшайдиган захарли илон Калийани жазолаб, уни бу ерларни тарк этиб кетишга мажбур қилди, шундай қилиб, У дарё сувини захараланишдан асраб қолди".

Нанда Махаражнинг дўстларидан яна бири шундай деди: "Қадрдоним Нанда, сенинг ўғлинг Кришна бизларни нимаси билан Ўзига мафтун этишини бизлар сира тушуна олмаймиз. Бизлар Уни эсламасликка ҳаракат қиламиз, аммо бунинг умуман иложи йўқ. Унга нисбатан табиий равишда қалбимизда юзага келган бу кучли боғланиш қаердан пайдо бўлган? Бу ҳол қанчалик ғаройиб эканини бир тасаввур қилиб кўргин-а! Бир томондан У ҳали эндигина саккиз ёшга тўлган оддийгина болакай, шунга қарамай мана шу катта Говардхана тепалигини бир кўлида осонлик билан шунча вақт кўтариб турди. Ҳой Нанда Махараж, бизлар жуда таажжубланиб қолдик, сенинг ўғлинг Кришна қандайдир бир кудратли фаришта бўлса керак? У шунчаки оддий болалардан эмас. Балки У - Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигордир?"

Вриндаванлик подачилардан ўғли ҳақида бундай олқишларни тинглаб туриб Нанда Махараж шундай деди: "Эй азиз дўстлар, сизларнинг гумонларингизни тарқатиб юбориш учун бу гапларингизга жавобан мен фақат Гаргамунининг айтган гапларини такрорлашим мумкин. Зарур бўлган барча покланиш маросимларини ўтказиб ўғлимга исм кўйиш учун менинг олдимга келганида ўша буюк донишманд айтган эдики, бу болакай ер юзига бир неча бор ташриф буюрган, ҳар гал Унинг танаси турли рангда бўлган, бу гал У Вриндаванда дунёга келган, Унинг танаси қорамтир рангда бўлиб, Уни Кришна деб атайдилар. Бундан олдин келганида Унинг танаси оқ рангда эди, кейин қизғиш рангли танада дунёга келган, кейинга гал эса сарик рангда келади. Ўша донишманд яна шуни айтдики, бу бола бир пайтлар Васудеванинг ўғли эди, Унинг ўша туғилишини билган одамлар Уни Васудева деб ҳам чақирадилар. Аслини олганда донишманд айтдики, менинг ўғлимнинг ҳар хил фазилатлари ва қароматларига мос равишда айтилаётган номлари жуда кўп. Гаргачарйа мени ишонтириб айтдики, бу бола оиламга жуда катта бахт-саодат келтиради ҳамда Вриндавандаги подачи ва сигирларнинг ҳаммасига илоҳий лаззат бағишлашга қодир бўлади. Ҳатто бизлар қандайдир қийин аҳволга тушиб қолсак ҳам, мана шу боланинг марҳамати билан бизлар ҳар қандай мусибатдан осонлик билан қутуламиз. Донишманд яна шуни айтдики, қадимда бу бола ер юзини гуноҳ ишлардан

поклаб, такводор инсонларни иймонсиз золим одамлар зулмидан халос этган. У яна шуни айтдики, бу болага, яъни Кришнага боғлана олиш бахтига эришган ҳар бир одам ҳаётда ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди ва душманидан мағлуб бўлмайди. Умуман олганда У худди ҳамиша фаришталарнинг, иймонли такводор зотларнинг тарафини олиб, уларни душманидан мағлуб бўлишдан ҳамиша асраб юрадиган Парвардигор Вишнуга ўхшайди. Хулоса қилиб Гаргамуни айтган эдики, менинг ўғлим Ўзининг илоҳий гўзаллиги, сифатлари, қароматлари, бошқаларга таъсири ва ғаройиблиги билан худди Парвардигор Вишнуга ўхшаб ўсиб-улғаяди, шу боис Унинг ғайритабиий ишларидан ҳайратланиб ўтиришга ҳожат йўқ. Менга бу гапларни айтиб бўлиб Гаргамуни уйига қайтиб кетди, шундан бери бизлар ҳамиша бу бола кўрсатаётган ҳар хил ғайритабиий қароматларнинг гувоҳи бўлиб юрибмиз. Агар Гаргачарйанинг гапларига ишонадиган бўлсак, менимча У Нарайананинг Ўзи ёки Нарайананинг тўла намоён бўлган қиёфаси бўлса керак".

Нанда Махараждан Гаргамунининг унга айтган гапларини эшитгандан кейин подачилар Кришнанинг ғайритабиий қароматларини яна ҳам муносиброқ кадрлай бошладилар, қалбларида эса чексиз қувонч ва чуқур мамнуният ҳосил қилдилар. Улар Нанда Махаражни олқишлай бошладилар, чунки унинг шарофати билан улар Кришна ҳақидаги шубҳаю-гумонлардан бутунлай халос бўлган эдилар. Улар шундай дедилар: "Илоё шунчалик меҳрибон, чиройли ва чексиз марҳамат уммони бўлган Кришна ҳамиша бизларни ҳимоя қилиб юрсин. Ғазабланган Индра бизларнинг устимизга катта-катта дўл аралаш жала куйдириб, кучли бўрон юборганида, Кришнанинг дарров бизларга раҳми келиб, худди ёш бола едан кўзиқоринни кўтариб олганидай, осонлик билан Говардхана тепалигини кўтариб туриб бизларни, оила аъзоларимизни, сигирларимизни, барча зарур нарсаларимизни ҳалокатдан қутқариб қолди. У бизларни шундай ғаройиб йўл билан Индранинг ғазабидан ҳимоя қилганди. Илоё бундан кейин ҳам У бизларни ва сигирларимизни Ўзининг марҳамат тўла нигоҳлари билан хурсанд қилиб юрсин! Ана шундай ғаройиб Кришнанинг ишончли ҳимояси остида бизлар ҳамиша тинч ва осойишта ҳаёт кечирайлик.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Ғаройиб Кришна" деб аталадиган йигирма олтинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.*



## 27. Осмон шоҳи Индранинг илтижолари.

Кришна Говардхана тепалигини соябон қилиб кўтариб Вриндаван аҳолисини Индранинг ғазабидан қутқариб қолганида жаннатдан тушиб келган Индира билан бирга Голока Вриндавандан сугир сурабхи ҳам пастга тушиб Кришнанинг олдида пайдо бўлди. Осмон шоҳи Индра Кришнани қаттиқ ҳақорат қилиб қўйганини англаб етган эди: шу боис у хилватда кўринмай турган жойидан чиқиб, аста Кришнанинг олдида пайдо бўлди. Гарчи бошидаги тожи худди қуёшдай порлаб турган бўлса ҳам у дарров Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига йиқилди. Индра аслида Кришна ўзининг Ҳукмдори эканини, шу боис У ҳамиша энг улуғвор поғонада турган Зот эканини англаб етган, лекин Кришна ерга тушиб Вриндаванда подачилар билан бирга яшаётганига ишона олмаган эди. Кришна ўзининг қудратини тан олмай қўйгани сабабли Индра қаттиқ ғазабланган эди, чунки Индра ўзича: "Бу коинотдаги барча тирик мавжудотлардан устун тураман, ҳеч ким менчалик қудратга эга эмас" - деб ўйларди. Аммо бўлиб ўтган мана шу воқеадан кейин унинг сохта мағрурлиги яқсон бўлган эди. Ўзининг бўйсунган, тобе ҳолатда эканини англаб етиб, у Кришнанинг олдида пайдо бўлди, камтарин ҳолда қўлларини қовуштириб, Унга илтижо қила бошлади.

"Эй азиз Парвардигор, - деди Индра, - сохта манманлигим таъсири остида, подачиларга Индра-йағйа қурбонлик маросимини ўтказишга тўсқинлик қилиш билан Сен мени ҳақорат қилдинг, бу маросимга тайёрланган эҳсонлардан Сен Ўзинг лаззатланмоқчи бўляпсан, деб ўйлабман. Говардханага сиғиниш маросими ўтказиш баҳонаси билан Сен менинг улушимни олиб қўйдинг, деб ўйлабман, бу билан мен Сенинг ҳақиқий ҳолатингни билмай қолибман. Энди эса Сенинг марҳаматинг билан мен тушуниб етдимки, Сен - Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигорсан, Сен барча моддий сифатларга нисбатан илоҳий ҳолатдасан. Сенинг илоҳий ҳолатинг *вишуддха-саттвам*, яъни моддий эзулик гунасидадан устун туради, Сенинг илоҳий даргоҳинг эса моддий сифатлар юзага келтирадиган ҳар қандай ташвишлар чегарасидан ташқарида жойлашган. Сенинг номинг, шухратинг, қиёфанг, сифатларинг ва эрмакларинг бу моддий табиатдан ташқарида бўлиб, моддий табиат гуналари ҳеч қачон уларга таъсир қилиб халақит бера олмайди. Фақат ўз хоҳиши билан онгли равишда қаттиқ синовлар орқали ўтган ва риёзат чекиб, тавба-тазарру

қилиб яшайдиган, эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсирдан халос бўлган буюк инсонларгина Сенинг даргоҳингга кира оладилар. Сени бу дунёга келганида моддий табиат гуналари таъсири остига тушиб қолади, деб ўйлайдиган одамлар қаттиқ адашадилар. Моддий табиат гуналарининг тўрлари Сенга тўсиқ бўлолмайди, шубҳа йўқки бу дунёга ташриф буюрганнинг Сен уларнинг таъсирига берилмайсан. Моддий табиат қонунларининг турли шартлари Сенга мутлақо таъсир қилмайди.

Эй азиз Парвардигор, Сен бутун космик Борлиқнинг бошланғич отасисан, Сен - бутун Борлиқнинг Олий руҳий устози ва бутун Борлиқнинг бошланғич, азалий ҳукмдорисан. Мангу замон кўринишида Сен бировларга зулм ўтказиб юрган золим одамларни муносиб равишда ажойиб жазолашни яхши биласан. Бу моддий оламда менга ўхшаб ўзини "Худо" деб ёки "бутун оламнинг яратувчиси" деб ҳисоблайдиган аҳмоқлар жуда кўп. Сен шунчалик меҳрибон, марҳаматлисанки, бу ҳақоратлари учун уларни жазолаш ўрнига, уларнинг сохта мағрурлигини яқсон қилиш йўлларини ўйлаб топасан, шунда улар Сен аслида Худонинг Олий Шахси эканингни билиб оладилар.

Эй азиз Парвардигор, Сен - Олий Ота, Олий руҳий устоз ва Олий Ҳукмдорсан. Шу боис Сен Ўзинг белгилаб қўйган тартибни бузган ҳар қандай тирик мавжудотни муносиб жазолашга ҳақлисан. Ота ўз болаларига, руҳий устоз шогирдларига ва ҳукуматдаги олий ижройи шахс ўз фуқароларига ҳамиша фақат яхшиликни истайди. Шу боис ана шундай саховатли зотлар ўз ҳомийлиги остидаги одамларни жазолаш ҳуқуқига эга бўладилар. Барча тирик мавжудотларнинг бахтини ўйлаб Сен Ўз хоҳишинг билан ҳар хил қиёфаларда намоён бўлиб Ер юзига ташриф буюрасан; Сен Ер сайёрасининг шон-шухратини ошириш учун, айниқса гарчи бунга ҳеч қандай ҳаққи бўлмаса ҳам, бу ерда ўзини "Худо" деб юрган зотларни жазолаш учун келасан. Моддий оламда жамиятга ҳукмронлик қилиш учун турли хил тирик мавжудотлар орасида ҳамиша ўзаро кураш бўлиб туради, ана шу кураш жараёнида жамиятда юқорироқ поғона эгаллашга эриша олмаган ғофил нодон одамлар эса ўзларини Худо, Олий Шахс деб эълон қиладилар. Бу дунёда менга ўхшаган шундай аҳмоқлар жуда кўп, лекин вақти келиб, ақли жойига тушганида улар ўз ихтиёрини Сенга топширадилар ва яна Сенга садоқат билан хизмат қила бошлайдилар. Мана шунинг учун ҳам Сен Ўзингга ҳасад қиладиган зотларни жазолайсан.

Эй азиз Парвардигор, мен ўзимнинг моддий бойлигимдан аҳмоқларча мағрурланиб кетганим

ва Сенинг чексиз кудратингни билмаганим сабабли Сенинг нилуфар қадамларинг пойини жуда қаттиқ ҳақоратлаб қўйдим. Шу боис, эй азиз Худойим, олижаноблик билан менинг шу гуноҳимни кечир, чунки мен энг ғофил нодонман. Марҳаматингни мендан дариг тутмай, бошқа бундай аҳмоқлик қилмаслигим учун мени дуои-фотиҳа қил! Эй азиз Худойим, агар Сен буни кечириб бўлмайдиган катта хато деб ўйласанг, мен - Сенинг мангу хизматкоринг эканимни эслатиб қўйиб, Сенга зорланиб илтижо қиламан; Сен бу дунёга Ўзингнинг мангу хизматкорларингни ҳимоя қилиш ҳамда жуда катта ҳарбий кудрат тўплаб олгани сабабли ер сайёрасининг мавжуд бўлиб туришига таҳдид солаётган иблисларни яқсон қилиш учун ташриф буюргансан. Илтимос, Ўз марҳаматингни намоён этиб, мени - Сенинг мангу хизматкорингни содир этган шу гуноҳи учун кечир!

Эй азиз Худойим, Сен - Худонинг Олий Шахсисан. Мен эҳтиром билан Сенинг олдингда бош эгаман, чунки Сен - Олий Шахс ва Олий Рухсан. Сен Васудеванинг ўғлисан, Сен - ягона Парвардигор Кришна, барча соф бхакталарнинг Ҳукмдорисан. Илтимос, менинг камтарин таъзимларимни қабул қил! Сен олий илм тимсолисан. Сен Ўзинг истаган жойда Ўзингнинг мангу киёфаларингнинг бирида намоён бўла оласан. Сен - бутун борлиқнинг илдиши ва барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухсан. Ўзимнинг ғофиллигим сабабли мен осмондан дўл аралаш қаттиқ жала қуйдириб Вриндаван аҳолисининг тинч-осойишта ҳаётини бузиб қўйдим. Сен мени мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказишга тайёрланаётган одамларни тўхтатганиндан жаҳлим чиқиб мен шундай қилган эдим. Эй азиз Худойим, Сен менга шунчалик меҳрибонсанки, Ўз марҳаматингни мендан дариг тутмай менинг сохта мағрурлигимни яқсон қилдинг. Шунинг учун мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ излайман. Эй азиз Худойим, Сен - барча тирик мавжудотларнинг ҳам Олий Ҳукмдори, ҳам олий руҳий устозисан".

Шундай қилиб, Индра олқишлаётган Худонинг Олий Шахси, Кришна юзида мафтункор табассум билан шундай деди: "Азизим Индра, Мен Ўзимнинг бесабаб марҳаматимни кўрсатиш учун ҳамда Мен - сенинг мангу ҳукмдоринг эканимни сенга эслатиб қўйиш учун шу қурбонлик маросимини тўхтатган эдим. Мен фақат сенинг эмас, балки бошқа барча фаришталарнинг ҳам ягона ҳукмдориман. Сендаги мавжуд бўлган моддий бойликларнинг ҳаммаси Менинг сенга кўрсатиб турган марҳаматим натижаси эканини сен ҳамиша эсда тутишинг керак. Ягона

Парвардигор Мен эканимни ҳар бир одам ҳамиша эсида сақлаб юриши керак. Мен истаган одамга Ўз марҳаматимни кўрсатишим ва истаган одамни жазолашим мумкин, чунки Мендан устун турадиган бирор зот мавжуд эмас. Агар бирор одамнинг қалбида сохта манманлик туйғуси пайдо бўлганини кўриб қолсам, Мен унга Ўзимнинг чексиз марҳаматимни кўрсатиб унинг ҳамма бойлигини олиб қўяман".

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, баъзан бой-бадавлат инсон ҳам ўз ихтиёрини Худога топшира олиши учун Парвардигор Кришна унинг бутун бойлигини тортиб олиб қўяди. Бу - Парвардигорнинг унга кўрсатган алоҳида марҳаматидир. Баъзан шундай бўладики, моддий жихатдан бой, бадавлат бўлган одам Худога садокат билан хизмат қилиб юрганида бирданига жуда қашшоқ бўлиб қолади. Лекин, у Худога сиғиниб юргани учун шундай қашшоқликка дучор бўлди, деб ўйламаслик керак. Гап шундаки, соф бхакта йўлдан адашиб, қалбида моддий табиатга ҳукмрон бўлиш истаги пайдо бўлганида, Парвардигор унга алоҳида марҳамат кўрсатиб, то у ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширмагунча унинг бутун бойлигини олиб қўяди.

Индрага бераётган насихатларини тамомлаб, Парвардигор Кришна ундан жаннатдаги ўз салтанатига йўл олишни ва ҳеч қачон Худо бўлмаслигини, лекин ҳамиша Худонинг Олий Шахсининг ҳукми остида эканини эслаб юришни илтимос қилди. Кришна унга осмон шоҳи бўлиб қолишни, лекин сохта манманлик туйғусига берилиб кетишдан эҳтиёт бўлишни маслаҳат берди.

Шундан сўнг Кришнани кўриш ниятида Индра билан бирга келган илоҳий сигир *Сурабхи* Кришнага чуқур эҳтиром кўрсатиб, ўзининг илик туйғуларини изҳор этди. Сурабхи Кришнага илтижо қилиб шундай деди: "Эй азиз Парвардигор, Кришна, барча сеҳргарлардан энг кудратлиси - Сенсан, чунки Сен - бутун борлиқнинг юраги, жонисан, бутун борлиқ ягона Сендан чиққан. Шунинг учун, гарчи Индра бор кучини ишга солиб менинг авлодларимни - Вриндаван сигирларини яқсон қилишга уринган бўлса ҳам, улар Сенинг паноҳинг остида нажот топдилар, Сен уларни ҳалокатдан асраб қолдинг. Бизлар бошқа ҳеч кимни ягона Парвардигор деб ҳисобламаймиз ва паноҳ беришини, ҳимоя қилишини тилаб бошқа бирор Илоҳ ёки фариштага мурожаат қилмаймиз. Шунинг учун бизларнинг Индрамиз - Сен Ўзингсан, Сен - бутун космик оламнинг олий Отасисан, Сен - барча сигирларни, брахманларни, фаришталарни ва Ўзининг соф бхакталарини ишончли ҳимоя қиладиган Зотсан. Эй бутун борлиқнинг Олий Рухи, Сени ўз сутимиз билан чўмилтиришга

рухсат бер, чунки Сен - бизларнинг Индрамизсан. Эй азиз Худойим, сен бу дунёга фақат Ер юзидаги нопок, гуноҳ ишларнинг оқибатини камайтириш учун ташриф буюрасан".

Шундай қилиб, сурабхи Кришнани ўзининг сути билан чўмилтирди, Индрани олиб юрадиган фил эса, самовий Ганга сувидан олиб Кришнанинг устидан қуйди. Шундан сўнг осмон шоҳи Индра сурабхи сугирлари, бошқа фаришталар ва уларнинг оналари билан бирга Парвардигор Кришнани Ганга сувлари ва сурабхиларнинг сути билан ювинтириб, Унга чуқур хурмат-иззат кўрсатди. Говинда, Парвардигор Кришна уларнинг ҳаммасидан жуда мамнун бўлди. Гандхарвалока, Видйадхаралока, Сиддхалока ва Чараналока сингари олий сайёралар тизимида яшайдиган аҳолининг ҳаммаси тўпланиб Худонинг муқаддас номларини такрорлаб Парвардигор Кришнани олқишлай бошладилар. Уларнинг рафикалари ва қизлари шодиёна рақсга туша бошладилар. Улар самодан бетиним гуллар ёғдириб Парвардигор Кришнани мамнун қилдилар. Ҳар тарафда шундай шодиёна байрам, шод-хуррамлик юзага келганида сугирлар Ер юзини ўзларининг сути билан ҳўлладилар. Дарё сувлари тўлиб оқиб, ҳар хил гул ва мевалар берадиган дарахтларни сув билан таъминлаб турарди. Дарахтлардан хушбўй асал томиб турарди. Тепалик ва тоғлар ҳаммани кучли доривор гиёҳлар ва қимматбаҳо тошлар билан таъминлай бошладилар. Кришна ҳозир шахсан Ўзи ер юзида юргани учун оламда ана шундай ғаройиб фаровонлик юзага келиб тургани, ҳатто табиатига кўра жуда ҳасадгўй бўлган пасткаш ҳайвонлар ҳам ҳасад нималигини билмай қўйгандилар.

Вриндавандаги барча сугирлар ҳукмдори, Говинда деган ном билан машҳур бўлган Кришнани мамнун қилиб, шоҳ Индра Ундан ўзининг самовий салтанатига қайтиб кетишга рухсат сўради. Бутун космик осмон йўли орқали учиб келган фаришталар унга ҳамроҳ эди. Мана шу ғайритабиий ҳодиса - ҳаётда Кришна онги билан яшаш бутун оламга бахт-саодат келтиришини яққол исботлайдиган қудратли мисолдир. Ҳаётда Кришна онги билан яшаш жараёнида ҳатто энг пасткаш ҳайвонлар ҳам ўзларининг ҳасадгўй табиатини ўзгартириб, фаришталарга хос фазилатларга эга бўла бошладилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Осмон шоҳи Индранинг илтижолари" деб аталадиган йигирма еттинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 28. Нанда Махаражни Варунанинг қўлидан халос этиш.

Говардхана тепалигига сиғиниш маросими янги ой туғилган куни бўлиб ўтди. Шундан сўнг шоҳ Индранинг амри билан етти кун давомида осмондан қаттиқ жала қуйиб, дўл аралаш ёмғир ёғди. Ой тўққиз кунлик бўлди, ойнаинг ўнинчи куни Индра Парвардигор Кришнага иззат-икром кўрсатди, шу тарика ҳамма иш жойига тушиб кетди. Шундан сўнг, тўлишаётган ойнаинг ўн биринчи куни - *Экадаши* бўлди. Нанда Махараж одатдагидай экадашида кун бўйи оч юриб рўза тутди ва эртасига, *Двадаши* куни эрта тонгда туриб чўмилиш учун Йамуна томон йўл олди. У чўмилаётиб дарёнинг жуда чуқур жойига бориб қолгани, шу заҳотиёқ уни Варунадеванинг хизматкорларидан биттаси ушлаб олди. Варунадеванинг хизматкорлари Нанда Махаражни фаришта Варунанинг олдига олиб келдилар ва уни одамлар чўмилиши таъқиқланган пайтда дарё сувида чўмилганликда айбладилар. Астрономик ҳисоб-китоблар бўйича Нанда Махараж чўмилган пайтда фақат иблисларга чўмилиш рухсат берилган эди. Аслини олганда Нанда Махараж Йамуна дарёсида эрта тонгда, куёш чиқишидан олдин чўмилмоқчи бўлган эди, аммо адашганидан у уйқудан жуда эрта уйғонгани сабабли бу вақт иблислар ҳукмрон бўладиган пайтга тўғри келиб қолган эди. Шу боис уни Варунанинг хизматкорлари ушлаб олган эдилар.

Варунанинг хизматкорлари Нанда Махаражни ушлаб олиб кетганларида унга ҳамроҳ бўлиб борган подачилар ёрдам сўраб, баланд овозда дарров Кришна ва Балорамни чакира бошладилар. Кришна билан Балорам, отаси Нанда Махараж сув фариштаси Варунанинг қўлига тушиб қолганини тушундилар ва шу заҳотиёқ Варунанинг даргоҳига йўл олдилар, чунки подачилар Улардан нажот кутаётган эдилар. Худди ота-онасидан бошқа ҳеч кимдан нажот кутмайдиган болалар сингари, Худонинг Олий Шахсидан бошқа ҳеч қандай нажоткорни билмайдиган Вриндаванлик содиқлар, соф бхакталар табиий равишда ҳаммиша фақат Парвардигорни ёрдамга чакирардилар. Фаришта Варуна Парвардигор Кришна билан Балорамни чуқур иззат-икром билан қарши олиб шундай деди: "Эй азиз Худойим, аслини олганда айнан ҳозир, мана шу пайтда Сенинг дийдорингни бевосита кўриб турганим туфайли фаришта Варуна сифатида яшаётган ҳаётимда руҳий юксалишда камолот чўққисига эришдим. Гарчи мен сув тагида мавжуд бўлган барча марваридларнинг ҳукмдори бўлсам ҳам, аниқ биламанки, бу

бойликлар инсон умрини муваффақиятга эриштира олмайдилар. Ҳозир, мен Сенинг дийдорингни бевосита ўз кўзим билан кўриб турганим туфайли ҳаётим мукамал ҳолатга эришди, чунки Сени ўз кўзим билан кўрганим шарофати билан мен энди бошқа моддий тана олмайман. Шунинг учун эй азиз Худойим, Худонинг Олий Шахси, Олий Брахман, эй бутун борлиқнинг жони, мен чуқур эҳтиром билан Сенинг олдинда сажда қиламан. Сен - Олий Илоҳий Шахссан. Моддий табиат Сенга ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди. Менинг нима қилиш керагу, нима ишлар қилиш мумкин эмаслигини билмайдиган нодон хизматкорларим адашиб Сенинг отанг Нанда Махаражни ушлаб олдимга келтирганлари учун мен Сендан кечирим сўрайман. Хизматкорларим Сени ҳақорат қилганлари учун мен ўзим Сендан кечирим сўрайман. Ўйлайманки, шахсан Ўзинг бу ерга келиб мени Ўз марҳаматингдан баҳраманд қилиш учун бу ишларнинг ҳаммаси шундай содир бўлишини Сен Ўзинг истагансан. Эй азиз Парвардигор Кришна, Говинда, менга раҳм қил. Мана отанг, Сен ҳозироқ уни олиб кетишинг мумкин".

Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахси шу тарика отасини ҳалокатдан қутқариб, қувонч билан уни ўз дўстлари даврасига олиб борди. Гарчи сув фариштаси жуда ҳашаматли жойда яшаётган қудратли фаришта бўлса ҳам, Кришнага жуда катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатганини кўриб Нанда Махараж ҳайратга тушган эди. Бундан Нанда Махараж қаттиқ таажжубга тушди ва ўз кўзи билан кўрган бу ғаройиб воқеаларни дўстлари ва қариндошларига гапириб бера бошлади.

Аслини олганда, Парвардигор Кришна шунча ғаройиб кароматлар кўрсатса ҳам Нанда Махараж ва Яшода она Кришнани Худонинг Олий Шахси деб ўйламадилар. Бунинг ўрнига улар Кришнани ҳамisha ўзларининг суюкли ўғиллари деб ҳисоблардилар. Шу боис Нанда Махараж Кришнанинг Худонинг Олий Шахси эканини, сув фариштаси Варунанинг Кришнага сажда қилиб сиғинганини қабул қилолмай ҳайратга тушганди. У Кришна шунчалик ажойиб, ширин бола бўлгани учун Уни ҳатто фаришта Варуна ҳам ҳурмат қилади деб ўйларди. Нанда Махаражнинг барча дўстлари, подачилар Кришна ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахси эканини, ягона Парвардигор сифатида У уларни руҳий озодликка чиқаришини билишга жуда қизиқар эдилар. Подачилар ўзаро шундай мулоҳаза юритиб турар экан, уларнинг нима ҳақида ўйлаб юрганини билган Кришна, улар ҳозирги ҳаётидаёқ руҳий озодликка чиқиб албатта руҳий оламга

эришишларига уларни ишонтириш учун уларга Ўзининг руҳий салтанатини намоён этиб кўрсатди. Одатда одамлар бу моддий оламда машаққатли меҳнат қилиш билан машғул бўлиб юрар экан, руҳий олам деб аталадиган бошқа олам - илм ва лаззатга тўла, мангу ҳаёт ҳукм сурадиган бошқа бир салтанат ҳам борлигини ҳатто билмайдилар ҳам. "Бхагавад Гита"да айтилганидай, ана шу илоҳий салтанатга эришган одам ўлим ва мусибатлар уммони бўлган бу моддий оламга ҳеч қачон қайтиб келмайди.

Худонинг Олий Шахси, Кришна шартланган руҳларнинг бу моддий оламдан юқорида, моддий қувватнинг таъсир доирасида намоён бўлган мана шу сон-саноксиз коинотлардан ташқарида руҳий олам ҳам мавжуд эканини билиб олишларига ҳаракат қилади. Шубҳа йўқки, Парвардигор Кришна ҳар бир тирик мавжудотга алоҳида меҳрибонлик кўрсатади, аммо, "Бхагавад Гита"да айтилганидек, У Ўз бхакталарига алоҳида меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилади. Уларнинг саволларини эшитган заҳоти Кришна Ўзининг вриндаванлик бхакталари руҳий олам ва у жойдаги Вайкунтха сайёралари ҳақида албатта билиб олишлари керак деб ўйлади. Моддий оламда ҳар бир шартланган тирик мавжудот ғафлат, ғофиллик зулматида чуқур ботган. Яъни, шартланган руҳларнинг ҳаммаси ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб, ҳаётда тана нуктаи-назаридеги тасаввурга эга бўлиб яшайдилар.

Ҳар бир одам ўзини мана шу моддий оламнинг бир бўлаги деб тасаввур қилиб яшайди, ҳаётни шундай тушунган ҳолда ҳар ким ўз ғофиллиги сабабли ҳаётнинг турли шаклларида меҳнат қиладилар. Маълум бир турдаги тананинг фаолияти *карма*, яъни "бирор натижага эришиш учун қилинадиган фаолият" деб аталади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган шартланган руҳларнинг барчаси ўзларини тана деб билган ҳолда ўз танасининг турига, шаклига мос равишда ҳаракат қилади. Уларнинг ҳозир кўрсатаётган фаолияти эса уларнинг келгуси шартланган ҳаётини, кейинги ҳаётида қандай тана олишини белгилайди. Руҳий олам ҳақида жуда кам илмга эга бўлгани сабабли одатда улар *бхакти-йога* деб аталадиган руҳий фаолият билан қизиқмайдилар. Бхакти-йога билан жиддий шуғулланиб юрган бхактилар эса ҳозирги моддий танасини тарк этганларидан сўнг тўғри руҳий оламга йўл олиб Вайкунтха сайёраларидан бирида мангу жойлашиб оладилар. Вриндаван аҳолисининг ҳаммаси соф бхакталар ҳисобланади. Таналарини тарк этгандан кейин уларнинг ҳаммаси албатта Кришналокага йўл оладилар.

Улар ҳатто Вайкунтҳалокадан ҳам юқори кўтариладилар. Ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаб, ҳамиша Худога ўзгармас, мукамал соф садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ажали етгандан кейин мана шу моддий оламдаги сайёраларда Кришна билан бирга ҳамсухбат бўлиб яшаш имкониятига эга бўладилар. Кришнанинг эрмаклари гоҳида бу сайёрада, гоҳида бошқа сайёраларда мангу давом этаверади. Қуёш ҳамиша Ер сайёрасининг қайсидир бир қисмида порлаб тургани сингари, *кришна-лила*, яъни Парвардигор Кришнанинг илоҳий табиатга эга бўлган келиши, эрмаклари ҳам у ёки бу сайёрада ҳамиша давом этаверади. Кришна онгига тўлиқ эга бўлган комил содиклар дарров Парвардигор Кришна Ўзини намоён этиб турган коинотга ўтиб оладилар. Бхакталар Кришна билан бевосита ҳамсухбат бўлиш имкониятига мана шу сайёрада биринчи бор эга бўладилар. Кришнанинг бу сайёрадаги вриндавана-лилаларида кўриб турганимиздай, содикларнинг руҳий оламга эришиш учун тайёргарлиги давом этаверади. Ҳозирги ҳаётидаги вазифалари нимадан иборат эканини уларга билдириб қўйиш учун Кришна Вриндаванлик бхакталарга ҳақиқий Вайкунтҳа сайёралари қандай эканини намоён этиб кўрсатди.

Кришна уларга мангу, ҳамиша мавжуд бўлиб турадиган, чексиз, илмга тўла руҳий оламни кўрсатди. Бу моддий оламда ҳаётнинг турли поғоналарига мансуб таналар мавжуд бўлиб, илм ана шу поғоналарга, муайян тананинг қобилиятига мос равишда намоён бўлади. Масалан, чақалоқ танасидаги тирик мавжудотнинг илми ёши катта танадаги тирик мавжудотнинг илми сингари мукамал эмас. Ҳамма жойда тирик мавжудотлар ҳаётнинг ҳар хил юксалиш поғоналарига мансуб бўлган таналарда бўладилар - сувда яшайдиганлар, дарахт ва ўсимликлар, ҳашаротлар, қушлар ва ҳайвонлар, маданийлашган ва ёввойи ҳаёт кечираётган одамлар. Бу дунёдаги ҳаётнинг инсон танасида ўтадиган шаклидан фаришталар, чарана ва сиддхилар ва то Тангри Брахма яшайдиган Брахмалока аҳолисигача бўлган тирик мавжудотларнинг ҳаёти устун туради. Ана шу фаришталарда ҳам илм турли поғоналарда намоён бўлади. Аммо бу моддий оламдан ташқарида, Вайкунтҳа оламида яшайдиганларнинг ҳаммаси мукамал илмга эга бўладилар. У жойда яшайдиган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ё Вайкунтҳа сайёраларидан бирида, ё Кришналокада Худога садоқат билан хизмат қилиб яшайдилар.

"Бхагавад Гита"да тасдиқланганидай, мукамал илм Кришнани Худонинг Олий Шаҳси сифатида англаб етишдан иборат.

Ведаларда ҳам, "Бхагавад Гита"да ҳам айтилганки, брахмажйотида, яъни руҳий осмонда қуёш ёки ой нурига, ёки бошқа бирор ёруғлик манбаига зарурат йўқ, бу сайёраларнинг ҳаммаси ўзидан ёруғлик таратиб туради ва уларнинг ҳаммаси мангу мавжуд бўлиб турадилар. Брахмажйоти, яъни руҳий осмон ҳеч қачон яратилган эмас ва ҳеч қачон яқсон бўлмайди. "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланганки, моддий оламдан ташқарида мангу руҳий олам мавжуд бўлиб, у жойда бирор ўткинчи нарсага ўрин йўқ. Фақат буюк донишмандлар ва авлиё инсонлар руҳий олам, руҳий осмон ҳақида илм беришга кодир, чунки ундай буюк инсонлар моддий табиат гуналари таъсиридан озодликка чиққан зотлардир. Ҳамиша илоҳий ҳолатда юрмаган одам одамларга руҳий табиатни тушунтиришга кодир бўлолмайди. Шу боис ҳар бир фаросатли инсонга ҳаётда бхакти-йога билан машғул бўлиш шарофати билан ҳамиша, суткасига йигирма тўрт соат Кришна онгига ғарқ бўлиб яшаш тавсия қилинади, шунда улар моддий табиат гуналарининг таъсир чегарасидан устун кўтариладилар. Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган, Кришна онгига ғарқ бўлган киши руҳий оламнинг, Вайкунтҳалоканинг табиатини осонлик билан тушуна олади. Вриндаван аҳолиси ҳамиша Кришна онгига ғарқ бўлиб яшайдилар, шунинг учун улар Вайкунтҳалоканинг илоҳий табиатини осонлик билан тушуна оладилар.

Шундай қилиб, Кришна Нанда Махараж бошлиқ барча подачиларни кўл бўйига олиб келди. Кейинроқ мана шу жойда Акрурага Вайкунтҳанинг барча сайёралар тизими намоён бўлган эди. Улар бу ерда чўмилиб покландилар ва Вайкунтҳалока сайёраларининг ҳақиқий табиатини бевосита томоша қилдилар. Руҳий осмонни ва Вайкунтҳалокаларни кўриб, Нанда Махараж бошлиқ подачилар ғаройиб лаззат уммониغا ғарқ бўлдилар. Сувдан чиқиб улар Кришнани кўрдилар ва Унга сажда қилиб ажойиб илтижолар билан Уни олқишлай бошладилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Нанда Махаражни Варунанинг қўлидан халос этиш" деб аталадиган йигирма саккизинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 29. Раса рақси. Кириш

"Шримад Бхагаватам"да айтилганки, раса рақси *шарат* фаслида, тўлин ой кечасида бўлиб ўтган. Аввалги боблардан биламизки,

Говардхана-пуджа байрами Карттика ойи тамом бўлган ойсиз кечада бўлиб ўтган. Шундан сўнг "Бхратридвитийа" маросими ўтказилган эди. Кейин Индранинг ғазаби келиб, Вриндаванга дўл аралаш кучли жала ёғдирган, Парвардигор Кришна Говардхана тепалигини кўтариб уни етти кун давомида, то ой туғилганидан тўққиз кун ўтганча боши устида ушлаб турган эди. Ўнинчи кун подачилар Кришнанинг ғаройиб илоҳий кароматлари ҳақида суҳбатлашган эдилар, шундан кейинги куни Нанда Махараж Экадаши қондасига риюя қилиб рўза тутган эди. Двадаши куни Нанда Махараж Гангага чўмилгани борганида Варунанинг хизматкорлари кўлига тушган ва Парвардигор Кришна уни қутқариб олган эди. Кейин Парвардигор Кришна Нанда Махараж ва бошқа подачиларга руҳий оламни намён этиб кўрсатган эди.

Биз Ведавий адабиётлардан яхши биламизки, сахнада битта рақоснинг кўплаган рақоса қизлар билан рақсга тушиши "раса ракси" деб аталади. Шарат фаслининг тўлин ой кечаси кириб келганини кўриб, Кришна Ўзини шу фаслда гуллайдиган гуллар билан, айниқса анвойи хид таратиб турадиган маллик гуллари билан безай бошлади. Гопиларнинг фаришта Катйайанига илтижо қилиб, ундан Кришнага эрга чиқишда ёрдам беришни тилаганлари Унинг яхши эсида эди. Кришна шарат фаслидаги мана шу тўлин ой кечаси қизлар билан роҳатланиб рақсга тушиш учун жуда қулай ва ёқимли вақт бўлади деб ўйлади. Гопиларнинг Кришнага турмушга чиқиш истаги айнан мана шу кечаси рўёбга чиқиши керак эди.

"Шримад Бхагаватам"да буни ифодалаш учун *бхагаван апи* ибораси ишлатилган. Бу шуни билдирадики, гарчи Кришна Худонинг Олий Шахси бўлса ҳам, Унинг Ўзида албатта рўёбга чиқишига зарурат бўлган бирор истак йўқ, чунки У ҳамиша олти хил мукамалликка тўла, бенуксон бутун Зотдир. Шунга қарамай У гопилар билан бирга бўлишдан лаззатланмоқчи эди. *Бхагаван апи* ибораси шуни билдирадики, бу рақс оддий йигит-қизларнинг рақсидан бутунлай фарқ қилади. "Шримад Бхагаватам"да ишлатилган аниқ ибора - *йогамайам унаиритах*, яъни гопилар билан бўлиб ўтган бу рақс *махамайя* эмас, балки *йогамайя* поғонасида бўлиб ўтади. Бу дунёдаги йигит ва қизларнинг ракси - махамайя салтанатида, яъни ташқи қувват доирасида бўлиб ўтади. Кришнанинг гопилар билан бўлиб ўтган ракси эса *йогамайя* сатҳида бўлиб ўтади. "Чайтанья Чаритамрита"да айтилганки, йогамайя поғонаси махамайя поғонасидан худди олтин оддий темирдан фарқ қилгандай фарқ қилади. Металлургия нуқтаи-назаридан олтин ҳам, темир ҳам металл, аммо

уларнинг сифати бутунлай бошқа-бошқа. Худди шундай, гарчи раса ракси ва Парвардигор Кришнанинг гопилар билан бирга ўйнагани ҳам худди ёш йигит-қизларнинг одатдаги ўйинларидай, шунчаки рақсдай бўлиб кўринса ҳам уларнинг сифати, руҳий поғонаси бутунлай бошқа-бошқа. Буюк вайшнавлар ана шу фарқни кўра оладилар, чунки улар дунёвий шахвоний хирс билан Кришнага бўлган илоҳий муҳаббат орасидаги фарқни яхши биладилар.

Махамайя сатҳидаги рақс ҳиссиётни лаззатлантиришга асосланган бўлади. Лекин, Парвардигор Кришна найини чалиб, гопиларни чақирганида гопилар қалбида Кришнани мамнун қилишга бўлган илоҳий истак кучи билан шошилганча рақс бўладиган жойга йўл олдилар. "Чайтанья Чаритамрита"нинг муаллифи Кришнада Кавираджа Госвами тушунтирадики, шахвоний хирс - ҳиссиётни ўзи учун лаззатлантириш туйғуси, муҳаббат ҳам - ҳиссиётни лаззатлантириш, лекин ўзи учун эмас, Кришна учун. Бошқача қилиб айтганда, одам бирор ишни ўзининг шахсий ҳиссиётини қондириш учун қилса, бу фаолият - моддий фаолият бўлади, айнан шу иш Кришнани мамнун қилиш учун бажарилса - руҳий фаолият бўлади. Ҳар қандай фаолиятда ҳам ҳиссий лаззатланиш мавжуд. Руҳий сатҳга кўтарилганда инсон ҳиссиётини Худонинг Олий Шахси учун, Кришна учун лаззатлантиради, моддий сатҳда эса - ўзи учун лаззатланади. Масалан, моддий сатҳда хизматкор хўжайинига хизмат қилаётганида хўжайини манфаатидан кўра кўпроқ ўз манфаати учун хизмат қилади. Агар хўжайини иш ҳақи тўламаса, у хўжайинига хизмат қилмай кўяди. Демак, хизматкор хўжайинига фақат ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб хизмат қилади. Лекин руҳий поғонага кўтарилганда, Худонинг содиқ хизматкори фақат Кришнага холис хизмат қилади, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай вазиятда ҳам Унга хизмат қилишда давом этаверади. Моддий, шахсий онг билан илоҳий онг, Кришна онги орасидаги фарқ мана шундан иборат.

Маълумки, Кришна гопилар билан раса рақсига тушганида эндигина саккиз ёшга тўлган эди. Бу пайтга келиб гопиларнинг кўпчилиги турмуш қурган эдилар, чунки Ҳиндистонда, айниқса ўша қадим замонларда қизлар жуда эрта турмуш қурганлар. Қизлар ўн икки ёшида фарзанд кўрганига жуда кўп мисоллар бор. Шунинг учун Кришнага эрга чиқишни ният қилган гопиларнинг ҳаммаси турмуш қурган қизлар эди. Шунга қарамай улар Кришнага эрга чиқамиз деб умид қилишда давом этаверардилар. Улар Кришнани ўзларининг севгилиси деб билардилар. Шу боис Кришнанинг гопилар билан бўлган ўзаро муносабатларини *паракийя-*

раса деб атайдилар. Хотини бор бўлиб бошқа аёлга кўнгил қўйган эркакнинг ёки эри бўла туриб, бошқа эркакни севиб қолган аёлнинг кайфияти *паракийя-раса* деб аталади.

Аслини олганда, Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг ягона эри, чунки У - Олий лаззатланувчи. Гопилар Кришна ўзларининг эри бўлишини истар эдилар, лекин У гопиларнинг ҳаммасига уйлана олмас эди. Аммо, гопилар табиий равишда Кришна ўзларининг олий эри бўлишини истагани учун гопилар билан Кришна орасидаги муносабатлар *паракийя-раса* деб аталади. Моддий оламдаги *паракийя-раса*га хос бўлган "моддий лаззат" мавжуд бўлмаган мана шундай *паракийя-раса* руҳий оламда, Голока Вриндаванда ҳамиша мавжуд. *Паракийя-раса* моддий оламда булганган, жирканч ҳолатда бўлади, аммо руҳий оламда бу муносабатлар Кришна билан гопиларнинг ажойиб, бетакрор илоҳий муносабатларида намоён бўлади. Тирик мавжудот Кришна билан бошқа турли муносабатларда бўлиш мумкин: хўжайин ва хизматкор муносабатида, ўзаро дўстлик муносабатида, ота-она ва ўғил муносабатларида, ошиқ-маъуқлар муносабатида. Мана шу муносабатлар, яъни расалар орасида *паракийя-раса* энг аъло, энг юксак муносабат ҳисобланади.

Бу моддий олам руҳий оламнинг бузилиб кўриниб турган акси ҳисобланади. У худди сув бўйида ўсиб турган дарахтнинг сув юзидаги аксига ўхшайди. Акс тасвирда дарахтнинг тепаси пастга қараган бўлади. Худди шундай руҳий оламдаги илоҳий лаззатли *паракийя-расанинг* ҳам моддий оламдаги бузилган акси жирканч табиатли бўлади. Шунинг учун ғофил одамлар Кришнанинг гопилар билан ўйнаган *раса* рақсига тақлид қилганларида илоҳий *паракийя-расанинг* бу оламда акс этиб турган бузилган, жирканч ҳолатида бўладилар. Илоҳий табиатли *паракийя-раса* билан бу моддий оламда лаззатланишнинг имкони йўқ. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, инсон ҳатто тушида ҳам *паракийя-раса*га тақлид қилишни хаёлига келтирмаслиги керак. Ана шундай қилган одамлар ўзларининг руҳий ҳаётида энг кучли захар ичган бўладилар.

Олий лаззатланувчи ягона Парвардигор Кришна шарат фаслининг тўлин ой кечаси гопилар билан лаззатланишни истаган мана шу пайтда юлдузлар ҳукмдори бўлган тўлин ой осмонда ўзининг бетакрор гўзал жамолини кўз-кўз қилиб чарақлаб турарди. Шарат фаслидаги тўлин ой кечаси - йилнинг энг гўзал туни, энг гўзал оқшоми ҳисобланади. Ҳиндистонда, Уттар Прадеш вилоятининг Агра шаҳрида энг аъло сифатли мрамардан қурилган Тож Маҳал деган катта мақбара бор. Шарат фаслининг тўлин ой кечаси жуда кўп чет эллик меҳмонлар тўлин

ойнинг мақбара мрамарларида акс этишини томоша қилиш учун шу ерга келадилар. Шундай оқшомнинг гўзаллигини ҳозирги кунда одамлар шундай олқишлайдилар.

Шарқ тарафдан чиққан тўлин ой бутун атрофни чиройли қизғиш рангга кўмиб қўйди. Ой чиқиши билан бутун осмон худди кункума сепилганга ўхшаб тенгсиз чирой очди. Хотини билан узок вақт айрилиқда бўлган эри сафардан қайтиб келганида хотинининг юзини қизил кункума билан безайди. Худди шундай узок кутилган тўлин ой ҳам шарат фаслида осмоннинг шарқий тарафини қизғиш рангга бўяган эди.

Осмонда тўлин ойнинг пайдо бўлиши Кришнанинг гопилар билан рақсга тушиш истагини яна ҳам кучайтириб юборди. Ўрмон анвойи ҳид таратиб турган гулларга тўла эди. Уларнинг ҳидига тўла ҳаво ёқимли ва салқин эди. Парвардигор Кришна найини чала бошлаганида Вриндаванлик гопилар Кришнанинг жамолига бутунлай мафтун бўлиб қолган эдилар. Кўтарилаётган тўлин ой, қизғиш рангга бўялган шафак, сокин, салқин ҳаво ва қийғос очилган анвойи гуллар таъсири остида найнинг ширин наволари гопилар учун минг чандон мафтункорроқ бўлиб туюларди. Гопиларнинг табиати шундай эдики, уларни Кришнанинг гўзаллиги ҳамиша ўзига мафтун этарди, Кришна чалаётган най наволарини эшитган гопиларнинг қалбида Кришнанинг истагини қондириш, Унга лаззат бағишлаш истаги яна ҳам жўш уриб кетди.

Най овозини эшитган заҳоти улар машғул бўлиб турган ҳамма ишларини ташлаб Кришна най чалиб турган жойга шошилдилар. Тез чопаетганидан уларнинг қулоғидаги сирғалар чайқалиб ҳар ёққа бориб келиб турарди. Уларнинг ҳаммаси Вамшивата деб аталадиган жойга шошилардилар. Уларнинг баъзилари сугир соғаетган эдилар, аммо соғишни чала қолдириб дарров Кришна томон чопдилар. Гопилардан биттаси сугир соғиб бўлиб, сутни эндигина оловга қўйган эди, у ҳам Кришна томонга шошилди - сут пишиб, тошиб кетадими, йўқми, - уни мутлақо қизиқтирмасди. Уларнинг баъзилари ёш боласини эмизаётган, баъзилари оила аъзоларига овқат солиб бераётган эдилар. Уларнинг ҳаммаси қилаётган ишларини чала қолдириб, Кришна най чалиб турган жойга чопиб кетдилар. Баъзилари эрига хизмат қилаётган эдилар, баъзилари эса овқатланаётган эдилар, аммо эрларига ҳам қарамасдан, овқатланишни ҳам чала қолдириб, шу заҳотиёқ Кришнанинг олдига чопдилар. Уларнинг баъзилари Кришнанинг олдига боришдан аввал ўзларига оро бериб, ясениб олмоқчи эдилар, аммо Кришнани кўришга шошганидан

либосларини ҳам тўғри кия олмас, ўзига яхшилаб пардоз ҳам беролмас эдилар. Уларнинг юзлари шоша-пиша, алпоқ-чалпоқ бўялган эди. Ҳатто уларнинг баъзилари шошганидан юбкасини устига, кофтасини пасига кийиб олган эдилар.

Гопиларнинг ҳаммаси шу тарзда шошиб-пишиб уйдан чиқиб кетаётганида уларнинг эрлари, акалари, оталари хайрон бўлиб уларнинг қаерга бунчалик шошаётганини билишга кизикдилар. Ёш қизлар бўлгани учун улар ҳали ё ота-онасининг, ё эрининг, ё акасининг қўли остида эдилар. Уларга ғамхўрлик қилаётган одамларнинг ҳаммаси уларга Кришнанинг олдига боришни таъқиқлаб қўйдилар, аммо улар бу таъқиқларга эътибор ҳам бермадилар. Кришна онгига ғарқ бўлган кишини Кришна ўзига мафтун қилиб чорлаганида уни бу дунёдаги ҳатто энг зарурдай бўлиб кўринган вазифа ва бурчлари ҳам кизиктирмай қўяди. Кришна онги шу қадар қудратлики, ҳар қандай одамни дунёвий вазифалардан, ҳар қандай дунёвий фаолиятдан бутунлай озод қилади. Шрила Рупа Госвами дугонасига гапираётган гопи ҳақида ажойиб бир шеър ёзган: "Эй азиз дугонажон, агар сен бу дунёдаги ҳаётдан, дўстларинг билан, севгилинг билан лаззатланиб яшашни орзу қилаётган бўлсанг - юзида майин табассум билан, чиройли лабларини тўлин ой ёритиб, мафтункор жилмайганча Кришна, Говинда най чалиб турган Йамуна қирғоғига бора кўрма!" Бу ерда Шрила Рупа Госвами шунга ишора қиляптики, Кришнанинг жилмайиб турган мафтункор жамоли ўзига мафтун қилган кишини моддий ҳаётнинг ўткинчи лаззатлари умуман кизиктирмай қўяди. Мана шу содиқнинг қалбида Кришна онги қанчалик ривожланганининг аниқ ўлчови бўлади: қалбида Кришна онги ривожланган кишининг моддий фаолиятга ва ҳиссий лаззатларга бўлган кизикиши бутунлай йўқолиши керак.

Баъзи гопиларнинг эрлари уларни Кришнанинг олдига юбормай, бир хонага қамаб, устидан кулфлаб қўйдилар. Кришнанинг олдига боролмасдан, улар кўзларини юмиб, ҳаёлида кўз олдида Кришнанинг илоҳий киёфасини келтиришга урина бошладилар. Улар Кришнанинг мафтункор жамолини ҳамиша қалбида, ҳаёлида асрар эдилар. Бу иши билан улар буюк сеҳргар-йог эканини исботлаган эдилар: "Бхагавад Гита"да айтилганки, ҳамиша қалбида чуқур имон ва муҳаббат билан Кришна ҳақида ўйлаб юрган одам йоглар орасида энг буюги ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, буюк йоглар бутун ақлу-ҳаёлини Парвардигор Вишнунинг киёфасида мужассам қиладилар. Мана шу - ҳақиқий йога бўлади. Кришна барча вишну-таттваларнинг бошланғич киёфаси.

Гопилар Кришнанинг олдига бора олмасдилар, шу боис улар комил йоглар сингари Кришна ҳақида ўйлаб, чуқур муроқабага берила бошладилар.

Шартланган ҳолатда тирик мавжудотлар кўрсатаётган кармали фаолият икки хил оқибат келтиради: ҳамиша гуноҳ ишлар билан шуғулланиб юрган тирик мавжудот ўз фаолияти натижасида азоб чекиши лозим; савоб, эзгу ишлар натижасида эса тирик мавжудот моддий лаззатланиш имконига эга бўлади. Моддий нарсалар билан лаззатланаётганида ҳам, моддий мусибатлар чекаётганида ҳам тирик мавжудот моддий табиат қонунлари билан шартланган ҳолатда бўлади.

Кришна моддий оламда Ўзини намоён этганда Унинг атрофида тўпланадиган гопилар ҳар хил тоифаларга мансуб бўладилар. Гопиларнинг аксарият кўпчилиги - Кришнанинг мангу ҳамроҳлари ҳисобланади. "Брахма-самхита"да айтилганки: *ананда-чин-майя-раса-пратибхавитабхи* - руҳий оламдаги Кришнанинг ҳамроҳлари, айниқса гопилар, Парвардигор Кришнанинг лаззатланиш қувватининг намоён бўлган кўринишларидир. Улар - Шримати Радхаранининг экспансияларидир. Аммо, Парвардигор Кришна моддий оламда, коинотларнинг бирортасида Ўзининг илоҳий эрмакларини намоён этганида, У билан бирга фақат Ўзининг мангу ҳамроҳлари эмас, балки моддий оламдан руҳий юксалишда ана шундай поғонага кўтарила олган тирик мавжудотлар ҳам келадилар. Кришнанинг илоҳий эрмакларига бу моддий оламдан кўшилган гопилар руҳий юксалиш йўлини оддий инсон поғонасидан бошлаганлар. Ҳатто кармали фолият билан боғланган ҳолда ҳам улар ҳамиша Кришнани ўйлаб, чуқур илоҳий муроқабада юрганлари сабабли карма оқибатларидан бутунлай озод бўлган руҳлар эдилар. Кришнани кўра олмаганидан қаттиқ азоб чекиб, ҳижрон азобидан чуқур мусибатга тушиши уларни барча қилган гуноҳ ишларининг оқибатидан халос этиб, Кришна билан бирга бўлмаган пайтда ҳам, уларнинг қалбидаги Кришнага нисбатан илоҳий жазавали муҳаббати дунёвий савоб ишлари натижаларига нисбатан илоҳий ҳолатда эди. Шартланган руҳ ўзи содир қилган савоб ёки гуноҳ ишлари натижасида моддий оламда туғилиш ва ўлишга маҳкум бўлади. Аммо, Кришна ҳақида чуқур ўйларга ғарқ бўла бошлаган гопилар бундай ҳолатларга нисбатан илоҳий даражага эришдилар, карма оқибатларидан бутунлай покланиб, улар ҳам Кришнанинг лаззатланиш қуввати яратган гопилар ҳолатига эришгандилар. Кришнани ўз севгилиси сифатида ўйлаб, фикру-ҳаёлини Унга қаратган гопиларнинг ҳаммаси моддий оламдаги



хар қандай кармали фаолият оқибатлари иллатидан бутунлай покландилар ва уларнинг баъзилари моддий табиат гуналари яратган моддий таналарини шу заҳотиёқ тарк этдилар.

Махараж Парикшит Кришна билан раса раксида катнашиш учун тўпланган гопиларнинг илоҳий ҳолатда экани ҳақида Шукадева Госвамнинг айтган гапларига диққат билан кулоқ соларди. Гопилардан баъзилари Кришнани ўзининг севгилиси деб билиб, бутун фикру-хаёлини Унда мужассам қилиш шарофати билан моддий оламда туғилиш ва ўлиш билан боғлиқ бўлган барча моддий иллатлардан халос бўлгани ҳақида эшитган заҳоти, Махараж Парикшит шундай деди: "Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини гопилар билмас эдилар. Улар Кришнани шунчаки оддий, чиройли бола деб, Уни ўзларининг севгилиси деб ҳисоблардилар. Шундай экан, қандай қилиб шунчаки ўзларининг севгилиси ҳақида ўйлаш натижасида улар моддий шароитлар таъсиридан озодликка чиқишлари мумкин?" Кришна билан оддий тирик мавжудотларнинг сифати, табиати бир хил деб ўйламаслик керак(Кришна пок рух, тирик мавжудотлар - онги булганган рух). Кришнанинг ажралмас бўлаклари бўлган ҳолда оддий тирик мавжудотлар ҳам Браҳман(рух) тимсолидир, аммо Кришна - Парвардигор, Олий Браҳман. Шундай экан, агар бхакталар шунчаки Кришна ҳақида ўйлаш шарофати билан моддий иллатлардан озодликка чиқа олган бўлсалар, нимага шунчаки бошқа бировлар ҳақида ўйлаб юриш шарофати билан бунинг иложи йўқ? Агар ҳамма тирик мавжудотлар ҳам Браҳман(рух) бўлса, нимага одамлар ўзининг эри ёки ўғли ҳақида, ёки умуман бошқа қандайдир бир тирик мавжудот ҳақида ўйлаб юрса, нимага у моддий табиат билан қопланган шартланган ҳолатдан озодликка чиқа олмайди? Бу жуда ўринли савол, чунки иймонсиз атеистлар, даҳрийлар ҳамиша Кришнага тақлид қиладилар. Ҳозирги биз яшаётган Кали-юга даврида ўзларини Кришна сингари буюк деб ҳисоблайдиган, улар ҳақида ўйлаб юриш ҳам Кришна ҳақида ўйлаш билан баробар деб одамларни алдайдиган жуда кўп қаллоблар бор. Махараж Парикшит Кришнага кўр-кўрона тақлид қиладиган иблисларнинг ақл кўзи кўр издошлари қанчалик қийин аҳволга тушиб қолишини олдиндан кўра билиб мана шу саволни берган, одамларнинг бахтига, содда одамларни оддий одам ҳақида ўйлаш Кришна ҳақида ўйлаш билан баробар бўлолмаслиги ҳақида огоҳлантириш учун бу савол "Шримад Бхагаватам"да ёзиб қолдирилган.

Аслини олганда, ҳатто фаришталар ҳақида ўйлаб юришни ҳам Кришна ҳақидаги ўйларга тенглаб бўлмайди. "Ваишнава Тантра"да огоҳлантириб айтилганки, Парвардигор

Вишнуни, Нарайанани, яъни Кришнани бошқа фаришталар билан бир қаторда деб ўйлаган одам *пашанди*, яъни "қаллоб", "иймонсиз даҳрий" деб ҳисобланади. Махараж Парикшитнинг бу саволини эшитиб, Шукадева Госвами шундай деди: "Эй азиз шох, сенинг бу саволингга мен аввал жавоб берган эдим".

Махараж Парикшит бу чигал масалани ҳал қилиб олишни истаганида, унинг руҳий устози унга жуда оқилона жавоб берди: "Сенга тушунтирилган мавзу ҳақида нимага яна такрор савол беряпсан?" Нимага сен бунчалик унутувчансан?" Руҳий устоз ҳамиша шогирдидан устун туради, шу боис унинг ўз шогирдига шундай танбех беришига ҳаққи бор.

Шукадева Госвами Махараж Парикшит фақат ўзи яхшилаб тушуниб олиши учун эмас, балки келажакда соддадил одамлар бошқа бирор тирик мавжудот ҳам Кришнага тенг деб ўйлаши мумкинлигини ўйлаб бу саволни бераётганини яхши биларди.

Шунда Шукадева Госвами Махараж Парикшитга Шишупаланинг қандай озодликка чиққанини эслатиб кўйди. Шишупала ҳамиша Кришнага ҳасад қиларди, шу ҳасадгўйлиги сабабли Кришна уни ўлдирган эди. Кришна Худонинг Олий Шахси бўлгани сабабли Шишупала ўлими олдиндан шунчаки Уни бевосита кўриб тургани туфайли руҳий озодликка эришганди. Шунчаки ақлини Кришнада мужассам қилиш шарофати билан ҳатто ҳасадгўй одам ҳам руҳий озодликка эришадиган бўлса, Кришна учун жуда азиз бўлган, ҳамиша Кришна ҳақида чуқур муҳаббат билан ўйлаб юрадиган гопилар ҳақида нима дейиш мумкин? Дўстлар ва душманлар орасида ахир қандайдир бир фарқ бўлиши лозим-ку? Ҳатто Кришнанинг душманлари ҳам моддий иллатлардан халос бўлиб Парвардигорнинг борлигига кўшилиб кета олсалар, гопилар сингари Унинг азиз, кадрдон дўстлари ҳам албатта руҳий озодликка эришиб, У билан бирга бўла оладилар.

Бунинг устига "Бхагавад Гита"да Кришна *Хришикеша* деб аталган. Шукадева Госвами ҳам айтяптики, Кришна - Хришикеша, Олий Рух, оддий одам эса, - моддий тана билан қопланган шартланган рух. Кришна билан Унинг танаси бир бутун, чунки У - Хришикеша. "Кришна билан Унинг танасини бир-биридан фарқ қилади" деб ўйлайдиган ҳар қандай одам - энг ғофил нодон киши ҳисобланади. Кришна - *Хришикеша* ва *Адхокшаджа*. Бу мисолни келтирар экан Махараж Парикшит айнан мана шу икки иборани ишлатади. Хришикеша - Олий Рух, Адхокшаджа эса - моддий табиатга нисбатан илоҳий ҳолатда бўлган Худонинг Олий Шахси. Фақат оддий тирик мавжудотларга

Ўзининг бесабаб марҳаматини намоён этиш учун, уларга чексиз меҳрибон бўлгани туфайли, Ўз хоҳиши билан, аслида қандай бўлса шундайлигича У бу дунёга ташриф буюради. Бахтга қарши ғофил, нодон одамлар адашганидан Уни оддий одамларнинг биттаси деб қабул қиладилар ва шу тариқа дўзахга равона бўлишга муносиб бўладилар. Кришна ўзгармас, бениҳоя, ҳар қандай моддий иллатлардан пок бўлган Худонинг Олий Шахси эканини бу ерда Шукадева Госвами яна бир бор тасдиқлади.

Шукадева Госвами Махараж Парикшитга Кришна оддий одам эмаслигини тушунтиришда давом этди. Кришна - Худонинг Олий Шахси ва барча руҳий сифатларга тўлиқ эга бўлан Зот. У Ўзининг чексиз марҳаматини намоён этиб бу моддий оламга ташриф буюради, У бу дунёга қачон келса ҳам ҳамиша ўзгармасдан Ўзининг асл қиёфасида келади. Бу "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланган. Унда Парвардигор айтадики, У бу дунёда Ўзининг руҳий қувватида намоён бўлади. У бу дунёга моддий қувват таъсири остида келмайди. Моддий қувват Унинг ҳукми остида ҳаракат қилади. "Бхагавад Гита"да айтилганки, моддий қувват Унинг назорати остида ҳаракат қилади. "Брахма-самхита"да ҳам бу ҳақиқат тасдиқланиб, фаришта Дурга номи билан таниш бўлган моддий қувват тимсоли худди буюмнинг ҳаракатига мос ҳаракат қиладиган соядай ҳаракат қилади, деб айтилган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, агар одам Кришнанинг гўзал жамолигами, сифатларигами, улуғворлигигами, шон-шуҳратигами, кудратигами, илмигами, мустақиллигигами махлиё бўлиб, Унга нисбатан кўркувми, муҳаббатми, дўстликми ҳатто шахвоний ҳирс туйғуси орқалими ёки бошқа қандайдир йўл билан қалбида қаттиқ боғланиш туйғусини уйғота олса, унинг моддий олам иллатларидан халос бўлиб, руҳий озодликка чиқиши кафолатланган бўлади.

"Бхагавад Гита"нинг ўн саккизинчи бобида Парвардигор Кришна айтганки, бу дунёда одамлар орасида Кришнани англаш илмини тарғибот қилиб юрган одам Кришна учун жуда азиз. Одамларга Худо ҳақидаги Ҳақиқат илмини ўргатиб юрган одам бу эзгу ишни амалга ошириш учун курашда жуда кўп қийинчиликларга дуч келади. Баъзан у танасига етказилган жароҳатлардан қийналади, баъзида эса у ҳатто бу йўлда ўзининг ажалини ҳам қарши олади. Буларнинг ҳаммаси Парвардигор Кришнани мамнун қилиш йўлида дуч келадиган улуғвор синовлардир. Шу боис Парвардигор Кришна: "Ана шундай содиқ тарғиботчи Мен учун жуда, жуда азиз" - деб айтган. Ҳатто фикру-хаёлини Кришнада жамлаган Кришнанинг

душманлари моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишдан умидвор бўла оладиган бўлса, Кришнага шунчалик азиз бўлган тарғиботчи-содиқлар ҳақида нима дейиш мумкин? Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин-ки, бутун дунёда одамларга Кришна ҳақидаги илмини тарқатиш билан шуғулланиб юрган одамлар ҳар қандай вазиятда ҳам албатта руҳий озодликка эришиши кафолатланган. Лекин ана шундай тарғиботчиларнинг ўзлари ҳеч қачон озодликка чиқишга интилмайдилар, чунки, аслини олганда ҳаётда Кришна онги билан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам аллақачон руҳий озодликка эришган руҳ ҳисобланади. Шунинг учун Шукадева Госвами Махараж Парикшитни ишонтириб айтяптики, Кришнага мафтун бўлган, Унга боғланган одам албатта моддий олам тутқунлигидан халос бўлади, чунки Кришна барча сеҳр қудратининг илоҳий ҳукмдоридир.

Гопиларнинг ҳаммаси юқорида таърифланганидай Кришнанинг олдига тўпланганида Кришна уларни қарши олиб, айти пайтда Ўзининг чигал гаплари билан уларнинг ҳафсаласини пир қилиб, уларга мурожаат қила бошлади. Сўзамолликда, гапга чечанликда Кришнага ҳеч ким тенг келолмайди. У - "Бхагавад Гита"ни гапириб берган Зот. У энг буюк фалсафий, сиёсий ва иқтисодий - ва бошқа ҳар қандай мавзуларда мукамал гапиришга қодир. Шундай қилиб, У Ўзи учун энг азиз бўлган гопиларга мурожаат қила бошлади. У гопиларни Ўзининг чалкаш гаплари билан ҳайратга солмоқчи бўлиб, уларга шундай гапира бошлади: "Эй Вриндаван қизлари, сизлар энг бахтиёр қизларсизлар, сизлар Мен учун жуда қадрли, азизсизлар. Мен сизларнинг бу ерга келганингиздан жуда мамнунман, Вриндаванда ҳаммаси жойида, осойишталик бўлса керак деб ўйлайман. Энди Мен сизларнинг амрингизга мунтазирман. Буюринг, Мен сизлар учун қандай хизмат қилишим мумкин? Тун ярмида бу ерга нима мақсадда келдинглар? Келинлар, ўтиринлар, кейин тушунтириб беринлар-чи, Мен сизларга қандай хизмат қилишим мумкин?"

Кришна билан бирга бўлишдан лаззатланиш, У билан бирга рақсга тушиш, Уни кучоқлаш, юзларидан ўпиш учун гопилар шунчалик шошилиб Кришнанинг олдига келган эдилар, шу боис Кришна барча одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда уларни бундай совуқ қарши олганини кўриб улар жуда ҳайратга тушдилар. Кришна уларга худди қандайдир бир енгилтак аёлларга мурожаат қилгандай гапирарди. Гопилар беихтиёр бир-бирига қараб жилмайиб, Кришнанинг бундай ноқулай гапларига диққат билан қулоқ солиб турдилар. Уларнинг Ўзига қараб қулиб турганини кўриб,

Кришна шундай деди: "Ҳой азиз дугоналар, биласизми, ҳозир қоронғу тун, бундай пайтда ўрмонда юриш жуда хатарли. Бундай пайтда ўрмонда барча йиртқич хайвонлар - йўлбарслар, айиқлар, шоғоллар ва бўрилар изғиб юрган бўлади. Шунинг учун бу ерларда юриш сизлар учун жуда хавфли. Бу ерда сизлар хавф-хатардан холи бўлган бирор пана жой топа олмайсизлар. Қаерга борсанглар ҳам ўзига ўлжа излаб юрган йиртқич хайвонларга дуч келасизлар. Шундай қоронғу тунда бу ерга келиб сизлар ҳаётингизни жуда катта хавф остига қўйибсизлар. Илтимос, ҳозирок орқага қайтиб кетинглар!"

Гопилар барибир кулиб тураверишда давом этаётганини кўриб, Кришна уларга шундай деди: "Сизларнинг гўзаллигингиз Мени ўзига бутунлай мафтун этади. Сизларнинг ҳаммангизнинг қоматингиз жуда келишган". Гопиларнинг ҳар бири ғайритабиий равишда гўзал, жозибали киз эди. Уларнинг гўзаллигини таърифлаш учун санскритча *сумадхйама* ибораси ишлатилган. Аёлнинг гўзаллиги унинг келишган, нозик қомати билан ифодаланади.

Ҳали ўзларини ўзлари ҳимоя қила олишлари учун улар жуда ёшлиқ қилишига Кришна гопиларни ишонтирмоқчи эди. Аслини олганда гопилар кимнингдир ғамхўрлигига, ҳомийлигига муҳтож эдилар. Ярим тунда уларнинг ёлғиз ҳолда Кришнанинг олдига келиши яхши эмас эди. Кришна уларга ҳали Ўзи ҳам ёш бола эканини, улар ҳам ҳали жуда ёш эканини эслатиб қўймоқчи бўлди. "Қоронғу тунда ёш ўспирин билан ёш қизларнинг бирга бўлиши одобдан эмас". Кришнанинг бундай гапларини эшитган гопилар албатта хурсанд бўлмади. Шу боис Кришна уларни бошқа гаплар билан бу йўлдан қайтаришга урина бошлади.

"Эй азиз гопилар, билишимча сизлар ўз хўжайинларингиздан, қариндошларингиздан берухсат ҳолда уйларингизни ташлаб келгансизлар: шу боис ҳозир сизларнинг оналарингиз, оталарингиз, акаларингиз ва ҳатто ўғилларингиз, айниқса эрларингиз сизларни излаб, сизларни тополмай қаттиқ қийналиб юрган бўлсалар керак. Сизлар бу ердасизлар, улар эса сизларни ҳамма жойдан излаб овора бўлиб юргандир. Шундай экан ҳаялдамасдан уйингизга қайтинглар. Илтимос, ҳозирок уйларингизга қайтиб, уларнинг кўнглини хотиржам қилинг!"

Аммо Кришнанинг бундай қутилмаган насихатларидан гопиларнинг бироз ҳафсаласи пир бўлди ва улар ўзларининг диққат-эътиборини ўрмоннинг гўзаллигига қаратдилар. Айни пайтда ўрмон тўлин ойнанинг ёрқин нури билан қундай ёруғ бўлиб турарди. Қийғос очилган гуллар устида майин шабада эсар, дарахтлардаги янги барглари ёқимли шитирлаб

турарди. Уларнинг ўрмон гўзаллигига маҳлиё бўлиб турганидан фойдаланиб, Кришна уларга яна маслаҳат бера бошлади: "Менимча сизлар шундай тунда Вриндаваннинг гўзаллигини томоша қилиш учун келгансизлар, ўрмондаги гўзалликни кўриб мамнун бўлдинглар. Энди эса дарров уйларингизга қайтиб кетинглар. Мен биламанки, сизларнинг ҳаммангиз одобли бокира, покдомон аёлларсиз, Вриндаван ўрмонини мазза қилиб томоша қилган бўлсангизлар, энди уйларингизга боринглар, сизлардан илтимос, ўз эрларингизга садоқат билан хизмат қилинглар. Гарчи ҳали ёш бўлсангизлар ҳам, кўпларингизнинг болаларингиз бўлса керак. Албатта, сизлар ёш болаларингизни уйда қолдириб келгансизлар, улар ҳозир йиғлаб ётган бўлса керак. Илтимос, ҳозирок уйларингизга қайтиб бориб, сутингиз билан уларнинг қорнини тўйдиринглар. Сизлар Мени жуда қаттиқ севишларингизни Мен яхши биламан, қалбингиздаги кучли илоҳий муҳаббат таъсирида сизлар Мен чалган най овозини эшитган захоти бу ерга шошилгансизлар. Сизларнинг Менга бўлган муҳаббатингизни, Менга қаттиқ боғланиб қолганингизни Мен тушунаман, чунки Мен - Худонинг Олий Шахсиман. Барча тирик мавжудотлар Менинг ажралмас заррачаларимдир, шу боис улар табиий равишда Менга боғланган бўладилар. Шунинг учун сизларнинг Менга нисбатан бундай боғланишингиз ҳар қандай таҳсинга муносибдир, Мен сизларни бу билан табриклайман. Энди эса уйларингизга қайтинглар. Яна Мен сизларга шуни айтишим лозимки, покдомон аёл учун ўзининг эрига виждон билан, садоқат билан ҳалол хизмат қилиш - диннинг энг буюк қонунидир. Аёл киши эрига садоқатли ва покдомон бўлиш билан бирга эрининг дўстларини ҳам севиши, эрининг ота-онасига бўйсунуши, эрининг укаларига меҳрибон бўлиши керак. Энг муҳими аёл ўз фарзандларига ғамхўрлик қилиши лозим".

Шундай қилиб, Кришна гопиларга аёлларнинг ҳаётдаги муқаддас бурчи нимадан иборат эканини тушунтириб берди. У аёлларнинг эрига бўлган садоқати жуда муҳимлигини таъкидлади: "Агар ҳақиқатан ҳам танасини тарк этганидан кейин жаннатга эришишни ният қилиб юрган бўлса, ҳатто эри ёмон, камбағал ва омадсиз бўлса ёки кекса, касалванд ёки ожиз бўлса ҳам, ҳар қандай ҳолатда ҳам покдомон аёл ҳеч қачон эрини ташлаб кетмаслиги керак. Бундан ташқари, эрига содиқ бўлмасдан бошқа эркак излаб юрган аёлдан жамиятда ҳамма нафратланади. Бундай одатлар аёлнинг жаннатий сайёраларга қўтарилишига тўсқинлик қилади ва уни тубанликка маҳкум этади. Эри бор аёл ўзига

бошқа бир эркак изламаслиги лозим, чунки муқаддас китобларда кўрсатилган қонунларда бундай ишлар таъқиқлаб қўйилган. Агар сизлар Менга қаттиқ боғланиб қолганингиз сабабли Мен билан ҳамсухбат бўлишни истаётган бўлсанглар, сизларга Мен билан шахсан лаззатланишни маслаҳат бермайман. Яхшиси уйланингизга борингларда, Мен ҳақимда ўйланглар, Мен ҳақимда ўзаро суҳбатлашинглар. Ҳамиша Мен ҳақимда ўйлаб юришларингиз, Менинг муқаддас номимни зикр қилиб юришингиз шарофати билан сизлар албатта руҳий поғонага кўтариласизлар. Мен билан шахсан бирга бўлишнинг ҳожати йўқ. Илтимос, уйланингизга қайтиб кетинглар".

Худонинг Олий Шахсининг бу ерда гопиларга мурожаат қилиб айтган насиҳатлари ҳечам шунчаки ҳазил гаплар эмасди. Ҳар бир виждонли аёл бу насиҳатларни жиддий қабул қилиши лозим. Бу ерда Худонинг Олий Шахси айтяптики, аёл покдомон бўлиши лозим. Шунинг учун ҳаётда баркамолликка, кейинги ҳаётида жаннатга эришишга жиддий интилаётган ҳар бир аёл ҳаётда ана шу қоидага қатъий риоя қилиб яшаши лозим. Аслида барча тирик мавжудотларнинг муҳаббати Кришнага қаратилган. Агар инсон ўзининг қалбида ана шу муҳаббатни тўла ривожлантира олса, барча ведавий қонун-қоидалардан юқори бўлган руҳий поғонага кўтарилса олади. Гопилар ана шундай поғонага кўтарилган зотлар эди, шу боис улар Кришнани бевосита кўриб турардилар. Шартланган ҳолатдаги бирор аёл бунга қодир бўла олмайди. Бахтга қарши, баъзида бир қаллоб фирибгар Кришнанинг гопилар билан ўтказган илоҳий эрмакларига тақлид қилиб, монизм, яъни "Худо билан бир"лик фалсафасига асосланиб ўзини Кришна деб эълон қилади; у қўплаган соддадил аёлларни "руҳий юксалиш йўли" деб алдаб ўзининг тузоғига илдириш учун, сурбетларча мана шу раса-лила ҳикоясидан фойдаланади. Шундай қаллобларнинг тузоғига тушишдан огоҳлантириш мақсадида Парвардигор Кришна бу ерда айтяптики, гопилар қила оладиган ишни бу дунёдаги оддий аёллар қила олмайдилар. Гарчи аёл ҳам қалбида Кришна онгини ривожлантириш орқали юқори руҳий поғоналарга кўтарилса олса ҳам, у ўзини Кришна деб эълон қиладиган ҳар қандай қаллобга эргашиб кетавермаслиги керак. Бу ерда айтилганидай, у Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ва Кришнани эслаб юриш, У ҳақида бошқалар билан суҳбатлашиш орқали ўзининг бутун фаолиятини Худого садоқат билан хизмат қилишда мужассам қилиши лозим. Ҳар бир нарсага энгилтаклик билан қарайдиган, ўзларини бхакта деб ҳисоблайдиган тақлидчи, калтафаҳм саҳаджияларга ишонмаслик керак.

Кришнадан одамнинг ҳафсаласини пир қиладиган бундай гапларни эшитиб, гопилар қаттиқ хафа бўлдилар, чунки улар Кришна билан рақсга тушиб лаззатланамиз деган нияти албатта рўёбга чиқади деб ўйлаган эдилар. Улар энди хавотирланиб, саросимага туша бошладилар. Мусибатга тушган гопилар хўрсиниб, оғир-оғир нафас ола бошладилар. Кришнанинг юзига тик қараш ўрнига улар ерга тикилганча оёқ учида, бармоқлари билан ерга қандайдир чизиклар чизиб хомуш турардилар. Юзларига сурилган бўёқларни ювиб, уларнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Кўз ёшлари уларнинг кўксига сурилган кункума бимлан аралашиб, битта-битта ерга томчиларди. Улар Кришнага бирор гап айтолмай, ерга тикилганча жим турардилар. Кришнанинг бундай муомаласидан қалblлари тилка-пора бўлганини улар хомуш бўлиб сукут сақлаш билан ифодалаб турардилар.

Гопилар оддий аёллар эмасдилар. Аслини олганда улар Кришна билан тенг бўлган руҳий поғонада турган зотлар эдилар. Улар - Кришнанинг мангу ҳамроҳлари. "Брахма-самхита"да тасдиқланганидек, улар - Кришнанинг лаззатланиш қувватининг экспансиялари бўлиб, Кришнанинг қуввати бўлгани сабабли Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Гарчи улар Кришнанинг гапларидан ҳозир тушкунликка тушаётган бўлсалар ҳам, Кришнанинг бундай муомаласига жавобан улар Унга қўпол муомала қила олмасдилар. Лекин шунга қарамай гопилар бундай аччиқ гаплари учун Кришнага танбех бермоқчи бўлдилар ва титраган овозда гапира бошладилар. Ўзларининг ўтқир, аччиқ гаплари билан улар ҳам Кришнага озор бермоқчи эмасдилар, чунки Кришна уларнинг бутун бойлиги, жони, ҳаёт-момоти бўлиб, улар Кришнани қалбининг тўрида жуда ардоқлаб авайлаб-асраб юрардилар. Улар ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириб, бутун ҳаётини, қалбини Унга бахшида қилган эдилар. Албатта, Кришнадан бундай аччиқ гапларни эшитган захоти улар ҳам Кришнага муносиб жавоб беришга ҳаракат қилган эдилар, лекин томоғига тикилиб келган ажиб бир ҳаяжон, кўзларидан тўкилаётган бетиним ёшлар бунга халақит берарди. Ниҳоят улар гапира бошладилар.

"Кришна - деди улар, - Сен жуда бешафқатсан! Сен бизларга бундай гапларни айтмаслигинг керак. Бизлар ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топшириб қўйган жонлармиз. Илтимос, бизларни қабул қил, бизларга бунчалик шафқатсизлик қилма! Албатта, Сен - Худонинг Олий Шахсисан, шу боис истаган ишингни қилишга ҳақлисан, лекин бизларга шафқатсизлик қилиш Сенга ярашмайди. Бизлар

ҳамма нарсамиздан воз кечиб, Сенинг нилуфар пойи қадамларинг паноҳидан нажот топиш учун келдик. Бизлар яхши биламизки, Сен бутунлай мустақил бўлган Зотсан, шу боис истаган ишингни қилишга қодирсан, лекин бизлар камтарин ҳолда Сендан илтимос қиляпмиз, бизларни рад этма! Бизлар Сенинг бхакталарингмиз. Худди Парвардигор Нарайана Ўз бхакталарини қабул қилганидай, Сен ҳам бизларни қабул қилишинг керак. Нарайананинг кўплаган содиқлари Унга руҳий озодликка чиқиш ниятида сиғинадилар, У Ўзининг содиқларига ана шундай имкониятни беради. Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан бошқа бизларнинг бирор паноҳимиз йўқлигини била туриб, Сен қандай қилиб бизларни рад эта оласан?

Эй азиз Кришна, - давом этди улар, Сен - Олий руҳий устозсан. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Аёллар ўзларининг эрига садоқатли бўлиши, болаларига меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилиши, уй-рўзғорига қараши, оиланинг ёши катталарига бўйсунуши лозимлиги ҳақида берган насиҳатларингнинг ҳаммаси шастраларнинг, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига тўла мос келади. Лекин бизлар шуни ҳам яхши биламизки, инсон фақат Сенинг нилуфар пойи қадамларингдан паноҳ топган ҳолдагина шастраларнинг ана шу кўрсатмаларига тўла риоя қилиш мумкин. Бизларнинг эрларимиз, дўстларимиз, оила аъзоларимиз ва фарзандларимиз фақат уларнинг қалбида ҳам Сен мавжуд бўлганинг учунгина бизлар учун азиз, ёқимли, чунки Сен - барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухисан. Агар Сен бўлмасанг уларнинг ҳеч қандай кадр-қиммати қолмайди. Сен бирор танани тарк этиб кетганигда, у шу заҳотиёқ ҳалок бўлади, шастраларнинг кўрсатмасига биноан эса ўлик танани, мурдани шу заҳотиёқ дарёга ташлаш ёки ёқиб юбориш керак. Шу боис охир-оқибатда бу дунёдаги барча тирик мавжудотлар учун Сен энг азиз, энг қадрли Зотсан. Қалбимиздаги бутун ишончимизни, муҳаббатимизни Сенинг Шахсингга қаратиш билан бизлар ҳеч қачон эрларимиздан, дўстларимиздан ва фарзандларимиздан айрилиб қолмаймиз. Агар аёл Сени ўзининг Олий рафиқаси, эри деб қабул қилса, у моддий ҳаётдагига ўхшаб, ҳеч қачон ўзининг эридан айрилиб қолмайди. Агар бизлар Сени ўзларимизнинг Олий эримиз деб қабул қилсак, бизларга ҳеч қачон ҳижрон, айрилиқ азоби ёки бева бўлиб қолиш хавфи таҳдид қилолмайди. Сен - мангу эр, мангу ўғил, мангу дўст ва мангу ҳукмдорсан, шу боис Сен билан бирор муносабат орқали боғланган киши мангу бахтга эришади. Сен - барча диний таълимотларнинг ягона руҳий устози бўлганинг

учун, инсон энг аввало Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилиши лозим. Шастралар ҳам шуни тақозо этади: *ачарйа-упасана* - Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилиш руҳий юксалиш йўлида биринчи энг асосий қоида. Бундан ташқари "Бхагавад Гита"да айтилганидай, Сен - ягона лаззатланувчи, ягона ҳукмдор ва ягона - яқин дўстсан. Шунинг учун бизлар ўзларимизнинг ўтқинчи дўстларимизни, жамиятимизни ва муҳаббатимизни ташлаб Сенинг олдинга келдик, энди Сен бизлар билан лаззатланиб турибсан. Илоё Сен бизлар билан ҳаммиша лаззатланиб юргайсан! Бизларни қабул қил, бизларга Ўзинг эгалик қил, чунки бу Сенинг табиий ҳуқуқинг, бизларнинг олий дўстимиз бўл, чунки Сен табиатан ҳам шундайсан. Бизларга ўзимизнинг олий севгимиз сифатида Сени кучоқлаб бағримизга босишга рухсат бер!"

Кейин гопилар нилуфаркўзли Кришнага шундай дедилар: "Илтимос, бизларни шунча вақтдан бери қалбимизнинг тўрида ардоқлаб келган Сени ўзимизнинг эримиз деб билиш истагидан қайтаришга уринма. Ўзининг ҳақиқий манфаатини англаб етган ҳар қандай фаросатли одам ўзининг бутун муҳаббатини албатта Сенга қаратади. Ташқи қувват таъсири остида адашиб юрган ва ташқи нарсалардан лаззатланиш истагида юрган одамлар Сендан ажралган ҳолда ўзлари алоҳида лаззатланишни истайдилар. Аслини олганда бу дунёдаги эр, дўст, ўғил, қиз, ота-она деган нарсаларнинг ҳаммаси - моддий мусибатлар манбаидир. Шунчаки ота-онаси, эри, ўғли, қизи ёки дўстлари бўлгани билан ҳеч ким бу моддий оламда бахтли бўла олмайди. Гарчи ота ва она ўз фарзандига ғамхўрлик қилиши лозим бўлса ҳам, жуда кўп болалар ҳаётда бошпана, озик-овқат йўқлигидан қийналиб яшайдилар. Шунча яхши врачлар бор, аммо бемор касалланиб ўлиб қолса, бирор врач уни ҳаётга қайтара олмайди. Шунча ҳимоя воситалари ўйлаб топилган, лекин агар одамнинг тақдирига ҳалокат ёзилган бўлса, бирор ҳимоя воситаси унинг шу ҳалокатдан қутулишига ёрдам беролмайди. Агар Сен Ўзинг марҳамат кўрсатмасанг, барча ҳимоя чоралари фақат мусибатларни кучайтиради холос. Эй барча ҳукмдорларнинг Олий Ҳукмдори, шу боис бизлар Сенга ялиниб илтижо қиламиз, илтимос, шунча вақтдан бери қалбимизда ардоқлаб келган Сени Ўзимизнинг Олий эримиз қилиш истагидан бизларни қайтарма!

Эй кадрдон Кришна, аёл сифатида бизлар оила ташвишлари билан банд бўлиб юрганнимизда албатта қалбимизда мамнуният ҳосил қиламиз, аммо бизларнинг қалбимизни аллақачон Сен ўғирлаб олгансан. Биз энди қалбимизни уй-рўзғор ишлари билан машғул

қила олмаймиз. Бунинг устига Сен ҳамиша бизларни уйга қайтишга ундаяпсан, албатта, бу жуда тўғри маслаҳат, лекин бахтга қарши бизлар ҳозир мана шу жойга қоққан қозикдай ёпишиб қолганмиз. Сенинг нилуфар қадамлари пойингдан бир қадам ҳам узоқлашишга оёқларимизда жон қолмаган. Шунинг учун, агар бизлар Сенинг маслаҳатинг билан уйларимизга қайтиб кетсак, у ерда нима ҳам қила олардик? Бизлар Сенсиз бирор иш қилишни бутунлай эсдан чиқариб қўйганмиз. Бошқа аёлларга ўхшаб, бутун қалбимизни уй ишларига бағишлаш ўрнига қалбимизда бутунлай бошқача эҳтирос олови ловуллаб ёняпти. Эй азиз Кришна, энди бизлар Сендан илтимос қилиб, Ўзингнинг ажойиб табассуминг ва лабларингдан таралаётган илоҳий товушлар билан ана шу оловни ўчиришингни тилаймиз. Агар Сен бизларга раҳминг келиб шундай марҳамат кўрсатмасанг, бизларнинг барчамиз ҳижрон оловида ёниб кул бўламиз. Ана шундай шароитда бизлар фақат Сен ҳақингда, Сенинг ажойиб жамолинг ҳақида чуқур ўйларга берилиб таналаримизни тарк этамиз. Ўйлаймизки, шунда бизлар кейинги ҳаётимизда албатта Сенинг нилуфар қадамларинг пойи ёнида яшаш имконига эга бўламиз. Эй азиз Кришна, Сен агар бизлар уйга, эрларимиз олдига борсак, улар қалбимиздаги эҳтирос оловини сўндира оладилар, деб айтяпсан, лекин билиб қўйки, энди бунинг асло иложи йўқ. Сен бизлар билан бирга ўрмонда лаззатландинг, аввал ҳам бир марта Сен бизларнинг кўксимизни ушлаган эдинг, бизлар буни Вайкунтхалокада Сен билан лаззатланадиган равнақ фаришталарининг бизларга кўрсатган буюк марҳамати ўрнида қабул қилдик. Ана шундай илоҳий лаззатни татиб кўргандан кейин бизлар қалбимиздаги эҳтирос оловини сўндириш учун Сендан бошқа ҳеч кимнинг олдига боришни истамаймиз. Эй азиз Кришна, гарчи равнақ фариштаси ҳамиша Ваикунтха сайёраларида Сенинг кўксингда бўлса ҳам бошқа фаришталарнинг ҳаммаси унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиб сиғинадилар. Сенинг ҳамиша туласи барглари билан қопланган нилуфар қадамларинг пойига эришиш учун равнақ фариштаси онгли равишда жуда узоқ вақт давомида қаттиқ риёзатларга берилиб яшаган. Сенинг нилуфар пойи қадамларинг содиқ хизматкоринг учун ҳақиқий нажот маконидир, равнақ фариштаси Сенинг кўксингга бош қўйиш ўрнига ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош эгади. Мана, бизлар ўзимизни Сенинг нилуфар қадамларинг пойидаги гарддан ҳам пастроққа қўямиз, бизларни рад этма, чунки бизлар энди ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топширган руҳлармиз.

Эй азиз Кришна, Сени Хари деб атайдилар. Сен барча тирик мавжудотларнинг, айниқса ўз уйига, оиласига бўлган боғлиқларини тарк этиб ўзини бутунлай Сенга топширган зотларнинг бу дунёдаги барча мусибатларига чек қўясан. Бизлар бутун ҳаётимизни Сенга хизмат қилишга бағишлаш ниятида уйларимизни ташлаб келганмиз. Бизларни Ўзингга хизматкор қилиб олишни Сендан илтижо қилиб сўраймиз. Биз Сендан бизларни Ўзингга хотин қилиб ол деб илтимос қилмаймиз. Сен бизларни шунчаки Ўзингга чўри қилиб ол! Сен - Худонинг Олий Шахси бўлганинг, *паракийя-раса* билан лаззатланишни ёқтирганинг ва аёлларни овлайдиган илоҳий овчи бўлганинг учун бизлар Сенинг илоҳий истақларингни қондириш учун бу ерга келганмиз. Шу билан бирга бундан биз ўзимиз ҳам лаззатланишни истаймиз, чунки Сенинг кулиб турган жамолингга кўзимиз тушиши биланоқ қалбимизда шахвоний хирс олови алангаланиб кетади. Бизлар Сенинг олдинга ясаниб, тақинчоқлар тақиб безанган ҳолда келдик, аммо токи Сен бизларни кучоқлаб бағрингга босмас экансан, бизларнинг ҳамма безақларимизнинг ва юзларимизнинг пардозини ниҳоясига етмай қолаверади. Сен - Худонинг Олий Шахсисан, агар Сен *пуруша-бхушана*, яъни эркак сифатида тақинчоқ, безақ бўлиб бизларнинг ясанишга бўлган ишимизни ниҳоясига етказсанг - ана шу бизларнинг энг олий истагимиз бўлади ва бизга шундан бошқа ҳеч қандай безакнинг асло кераги йўқ.

Эй азиз Кришна, бизларни Сенинг тилака ва сирғалар бегаз турган жамолинг ўзига мафтун қилди, бизларни юзингга тушиб турган бир тутам сочинг ва жозибали ширин табассуминг ўзига мафтун қилиб қўйди. Яна бизларни Сенинг ўз ихтиёрини Сенга топширган зотларга дадиллик бағишлайдиган қўлларинг мафтун этди. Гарчи бизларни Сенинг ҳамиша равнақ фариштаси эгаллаб олган кўксинг ҳам ўзига мафтун қилган бўлса ҳам, бизлар унинг жойини эгаллашни истамаймиз. Бизлар шунчаки Сенинг чўриларинг, хизматкорларинг бўлишдан ҳам чексиз бахтиёр бўламиз. Лекин шунга қарамай Сен барибир бизларни одобсизликда айблашда давом этаверадиган бўлсанг, бизлар Сенга шундай савол берамиз: бутун уч оламда Сенинг хусни-жамолингга, Сенинг илоҳий найингдан таралаётган ажойиб наволарга маҳлиё бўлмай тура оладиган бирор аёл топиладими? Сенга нисбатан олиб қараганда бутун уч оламда аёллар ва эркаклар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, чунки аёллар ҳам, эркаклар ҳам Сенинг оралик қувватинг - пракритига мансуб бўлган зотлардир. Аслини олганда ҳеч ким лаззатланувчи, яъни эркак эмас. Ҳар бир тирик мавжудот фақат Сени лаззатлантириш учун

яратилган. Агар Сен уни Ўзинга махлиё қилсанг такводорлигини, покдомонлигини шу захотиёқ тарк этмайдиган аёлни бутун уч оламда ҳам топа олмайсан, чунки Сенинг бекиёс гўзаллигинг шу қадар улуғворки, фақат эркак ва аёллар эмас, балки сигирлар, қушлар, ҳайвонлар ва ҳатто дарахтлар, мевалар ва гуллар - бутун оламдаги ҳамма нарса - Сенинг жамолинга махлиё бўлиб, бутунлай мафтун бўлиб қолади, шундай экан, бизлар нима ҳам қила олардик? Лекин, маълумки худди Парвардигор Вишну ҳамиша фаришталарни иблисларнинг ҳамласидан ҳимоя қилиб юргани сингари, Сен ҳам Вриндаван аҳолисини ҳар хил мусибатлардан халос этиш ниятида Вриндаван заминига ташриф буюргансан. Эй мусибат чекаётганларнинг энг яқин дўсти, Сендан илтижо қиламиз, қўлларингни бизларнинг ёниб турган кўкраklarимизга, ўтдай ёнаётган бошимизга қўй, мангу хизматкорларинг сифатида бизлар ўзимизни бутунлай Сенга топширдик. Агар нилуфарсимон қўлларинг бизларнинг ёниб турган кўксимизга тегиб ёниб кетади деб ўйлаётган бўлсанг, Сени ишонтириб айтамызки, худди шунчалик нозик ва майин бўлишига қарамай нилуфар гули қуёшнинг жазирама иссиғидан лаззат олгани сингари, Сенинг нилуфарсимон қўлларинг ҳам оғрик ўрнига кўксимиздан фақат лаззат олади".

Гопиларнинг ялиниб илтижо қилаётганларини кўриб, Худонинг Олий Шахси Кришна ширин табассум билан кулиб қўйди, гарчи ҳамиша Ўзига тўла бутун бўлишига қарамай, У гопиларга нисбатан ҳамиша меҳрибон бўлгани учун уларнинг истагини бажариб гопиларни кучоқлаб, юзларидан ўпа бошлади. Кришна юзида табассум билан гопиларнинг юзига қараганида уларнинг табиий гўзаллиги минг чандон кучайиб кетарди. Уларнинг даврасида туриб лаззатланаётганида Кришна худди миллионлаган ёруғ юлдузлар ўртасида чарақлаб турган тўлин ойга ўхшаб кетарди. Чиройли гулчамбар тақиб олган Худонинг Олий Шахси шу тариқа юзлаб гопилар даврасида, баъзида Ўзи бирор куй хиргойи қилиб, баъзида гопилар билан бирга қўшиқ куйлаб Вриндаван ўрмонида сайр қила бошлади. Кўп ўтмай Парвардигор гопилар билан бирга Йамунанинг лайло ва нилуфар гуллари ўсиб ётган салқин қумлоқ қирғоғига етиб келди. Ана шундай илоҳий муҳитда гопилар ва Кришна биргаликда лаззатлана бошладилар. Улар дарё қирғоғида сайр қилиб юрганида, Кришна қўлини гопиларнинг бошига ёки кўксига қўяр ёки белидан ушлаб оларди. Шу тарзда улар бир-бирларини чимдилаб, ҳазиллашиб, бир-бирларининг жамолига қараб яйраб лаззатланиб юрдилар. Кришна гопиларнинг таналарига

қўлини теккизганида уларнинг қалбида Кришнани кучоқлаб бағрига қаттиқ босиш истаги хуруж олиб кетарди. Ана шундай кувноқ вақт ўтказишдан уларнинг ҳаммаси чексиз лаззатланар эди. Шу тарзда гопилар Худонинг Олий Шахсининг тўла марҳаматига сазовор бўлгандилар, чунки улар Кришна билан бирга бўлишдан лаззатланиб роҳатланардилар, аммо бу лаззатларда моддий оламдаги дунёвий, моддий хирсий лаззатлардан асар ҳам йўқ эди.

Лекин, кўп ўтмай гопилар ўзларини коинотдаги энг бахтиёр аёллар деб ўйлаб, жуда мағрурланиб кетдилар, чунки улар Кришна билан бевосита бирга бўлиш имконига эга эдилар-да. Кешава деб ҳам машхур бўлган Парвардигор Кришна Ўзи билан бирга бўлиш натижасида уларнинг қалбида пайдо бўлган бу манманликни, мағрурликни дарров сезиб қолди ва уларга Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб, уларнинг қалбидаги сохта мағрурлик иллатини яқсон қилиш ниятида Ўзининг мутлақо мустақил эканини, ҳеч нарсага боғланмаган эканини намоиш этиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Худонинг Олий Шахси ҳамиша олти хил мукамал фазилатнинг ҳаммасининг тўлиқ соҳиби ҳисобланади, Унинг бу иши Ундаги боғланмаслик сифатининг намоён бўлиши эди. Бундай мустақиллик Кришнада бирор нарсага боғланиш туйғуси умуман йўқлигини тасдиқлайди. У ҳамиша Ўзига тўла бутун, У ҳеч қачон ҳеч кимга боғланган, тобе эмас, тўла мустақил Зот. Илоҳий эрмаклар бўлиб ўтадиган руҳий поғонанинг табиати ана шундай.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Раса рақси. Кириш." деб аталадиган йигирма тўққизинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

### **30. Кришнанинг гопилар кўзидан яшириниши.**

Кришна гопилар даврасини тарк этиб, бирданига ғойиб бўлганидан кейин гопилар ҳамма жойдан Уни ахтара бошладилар. Кришнани бирор жойдан топа олмай улар жуда кўркиб кетдилар, Кришнага бўлган кучли муҳаббати таъсири остида улар ақлларида озишига сал қолди. Улар энди илиқ меҳр ва қайноқ муҳаббат билан фақат Кришнанинг ҳар хил эрмаклари ҳақида ўйлар олардилар, холос. Ана шундай ширин ҳаёлларга берилиб улар ҳамма нарсени бутунлай унутиб юбордилар, уларнинг ёш тўла кўзлари олдида Кришнанинг эрмаклари, Унинг айтган ширин-ширин

гаплари, Унинг гопиларни кучоқлаб қаттиқ бағрига босишлари, ширин-ширин бўсалари ва бошқа эрмаклари намоён бўлган эди. Кришнага ана шу йўл билан боғланиб, гопилар гўё ўзлари Кришна бўлиб қолгандай Унинг рақсларига, юришларига, табассумига тақлид қила бошладилар. Кришнанинг ғойиб бўлгани уларнинг ҳаммасини ақлдан оздириб қўйган эди; ҳар бир гопи ўзи Кришна эканига бошқаларни ишонтиришга зўр бериб уринарди. Кўп ўтмай уларнинг ҳаммаси бир жойга тўпланиб, баланд овозда Кришнанинг номини такрорлаб, ўрмонни айланиб Уни излай бошладилар. Ҳақиқатан ҳам Кришна - ҳамма жойга сингиб кетган, У ҳар ерда мавжуд; У осмонда ҳам, ўрмонда ҳам бор; У - ҳар кимнинг қалбида ҳам бор; У ҳамиша ҳамма жойда мавжуд.

Гопилар дарахт ва бошқа ўсимликлардан Кришнани сўраб-суриштира бошладилар. Ўрмонда катта дарахтлар ҳам, кичик буталар ҳам ўсиб ётарди, гопилар шундай сўзлар билан уларга мурожаат қила бошладилар: "Ҳой азиз баньян дарахти, сен шу ердан Ўзининг найини чалиб, жилмайиб ўтган Нанда Махаражнинг ўғлини кўрмадингми? У бизларнинг қалбимизни ўғирлаб қўйиб, Ўзи биздан яшириниб олди. Агар сен Уни кўрган бўлсанг, илтимос, қаерга кетганини айт! Ҳой ашока дарахти, ҳой гуллаб турган нага ва чампака, сизлар Балорамнинг укаси шу ердан ўтганини кўрадингларми? У бирданига ғойиб бўлди, чунки бизлар жуда мағрурланиб кетган эдик". Нимага Кришна бирданига ғойиб бўлганини гопилар яхши билардилар. Кришна билан бирга лаззатланиб рақсга тушаётганида улар ўзларини бутун коинотдаги энг бахтиёр аёллар деб ўйлаган эдилар, улар жуда мағрурланиб кетгани сабабли уларнинг қалбидаги ана шу манманлик иллатини яқсон қилиш мақсадида Кришна шу заҳотиёқ ғойиб бўлганини улар яхши тушунардилар. Кришна бхакталарининг Ўзига бевосита хизмат қилиб юрганидан мағрурланишини жуда ёқтирмайди. Кришна ҳар кимнинг хизматини қабул қилади, аммо содиқ хизматкорининг бошқалар олдида гердайишини умуман ёқтирмайди. Баъзан бхактанинг қалбида ана шундай манманлик, кибор туйғуси пайдо бўлиб қолса, Кришна Ўзининг шу бхактага бўлган муносабатини ўзгартириб, дарров унинг манманлигини, сохта ғурурини яқсон қилади.

Кейин гопилар туласи буталарига мурожаат қила бошладилар: "Эй азиз туласилар, Парвардигор Кришна сизларни жуда севади, чунки сизларнинг барглариғиз ҳамиша Унинг нилуфар қадамлари пойидан жой олган. Ҳой малати гули, ҳой гўзал маллика гули, ҳой азиз жасмин, илоҳий лаззатдан тотдириб бизларни ташлаб, мана шу йўлдан ўтиб бораётганида

Кришна сизларнинг ҳар бирингизни ушлаб ўтган бўлса керак. Сизлар Мадхаванинг шу ердан ўтганини кўрмадингларми? Ҳой манго дарахти, ҳой нон дарахти, ҳой нок ва асана дарахтлари! Ҳой смородина буталари, бел ва кадамба дарахтлари, - Йамуна қирғоғида яшайсизларми, демак сизлар жуда олижаноб дарахтсизлар. Балки Кришна мана шу жойлардан ўтгандир? Илтимос, бизларга раҳмингиз келсин, Унинг қаерга кетганини айтинглар!"

Кейин гопилар Кришна босиб ўтган ерларни кўздан кечира бошладилар ва она заминга, тупроққа шундай мурожаат қилдилар: "Ҳой Ер сайёраси, ҳозир ўз танангга Парвардигор Кришна Ўзининг табаррук оёқ изларини қолдириши учун сен қанча тавба-тазарру қилганингни, қанча риёзат чекканингни бизлар билмаймиз. Сен жуда қувноқсан; мана шу қувноқ дарахтлар ва майсалар танангдаги тукларингдир. Парвардигор Кришна сендан жуда мамнун бўлса керак, акс ҳолда бу дунёга Тўнғиз қиёфасида келганида сени кучоқлаб олмаган бўларди. Сен сув тошқини остида қолиб кетганингда У Сенинг бутун борлигинг оғирлигини Ўзининг курақларига олиб сени ҳалокатдан қутқариб қолган эди".

Шундай қилиб, улар жуда кўп дарахт ва буталарга мурожаат қилдилар, кейин меҳр билан ўзларига қараб турган охуларга, кийикларга мурожаат қила бошладилар: "Кришна - Олий Нарайананинг Ўзи - деди улар охуларга, - балки У Ўзининг рафиқаси, раванқ фариштаси Лакшми билан мана шу ерлардан ўтгандир? Бўлмаса Унинг бўйнидаги, раванқ фариштасининг кўкрагидаги қизил кункумадан сепилган чиройли гулчамбарнинг енгил шабада атрофга таратган анвойи ҳидлари ҳалигача сезилиб турармиди? Улар мана шу ердан ўтаётганида сизларнинг таналарингизга теккан бўлсалар керак, шунинг учун ҳам сизлар жуда мамнун бўлиб бизларга ҳамдардлик билан майин қараб турибсизлар. Илтимос, бизларга раҳмингиз келсин, Кришна қайси йўлдан кетганини кўрсатинглар! Кришна Вриндаванликларнинг ҳаммасига фақат яхшилик қилишни истайди. У сизларни ҳам худди бизлар севгандай яхши кўради; шунинг учун бизларни тарк этиб У сизлар билан бирга бўлгандир. Эй бахтиёр дарахтлар, бизлар Балорамнинг укаси Кришна ҳақида ўйлаб юрибмиз. Бу ердан ўтаётиб, У бир қўлини раванқ фариштасининг елкасига ташлаб, иккинчи қўлларининг бармоқларида нилуфар гулини ўйнатиб тургандир. Сизларнинг кўрсатган илтифотингиздан У жуда мамнун бўлгандир, Унинг қанчалик мамнун экани



чиройли кўзларидан кўриниб турган бўлса керак?"

Кейин баъзи гопилар бошқа гопиларга мурожаат қила бошладилар: "Ҳой азиз дугоналар, нимага сизлар катта дарахтларни худди ўзларининг эрларидай қувнаб кучоқлаб ётган мана бу чирмовуқларни сўроққа тутмаяпсизлар? Балки Кришнанинг тирноқлари мана шу чирмашиб ўсиб ётган ўсимликларнинг гулларига тегиб кетгандир? Бўлмаса нимага улар бунчалик қувончга тўлиб яшнаптилар?"

Гопилар Кришнани ҳамма жойдан изладилар, ниҳоят қаттиқ чарчаганларидан худди бутунлай ақлдан озгандай бўлиб гапира бошладилар. Улар фақат Кришнанинг ҳар хил эрмакларига тақлид қилишдангина таскин топардилар. Гопилардан биттаси ялмоғиз Путана бўлди, бошқа бири эса Кришнанинг ролини ўйнаб, унинг кўксига ёпишиб олди. Гопиларнинг яна биттаси қўл арава бўлди, бошқа бир гопи эса, Кришна Шакарасура ўлдирганида қилганидай, арава тагида ётиб, оёқларини арава гилдирагига текказиб, осмонда ўйната бошлади. Улар ерда ётган жажжи чақалоқ Кришнани тасвирай бошладилар, бир гопи иблис Тринаварта бўлиб жажжи Кришнани осмонга кўтариб кетди. Бошқа бир гопи Кришнанинг оёқларидаги кўнғироқчаларини жаранглатиб, Унинг энди юришни ўргана бошлаган пайтларини тасвишлаб берди. Икки гопи Кришна билан Балорам бўлиб ўйнадилар, бошқалар эса Уларнинг подачи дўстлари бўлдилар. Гопилардан биттаси ўзини иблис Бакасурадай қилиб тутди, бошқа гопи эса, Кришна иблис Бакасурани ўлдирганида рўй берганидай, уни пастга кулашга мажбур қилди. Бошқа бир гопи эса, Кришна бўлиб Ватасура устидан ғалаба қозонди. Кришна Ўз сигирларининг исмларини айтиб чақираётганидай гопилар ҳам сигирларнинг исмларини кичкириб, Унга тақлид қила бошладилар. Гопилардан биттаси най чала бошлади, бошқалар эса, худди Кришнани най чалганида подачи дўстлари Уни олқишлаганидай, най чалаётган гопини мактаб олқишлай бошладилар. Худди Кришна Ўзининг подачи дўстлари билан ўйнаганидай, бир гопи бошқа бир гопини елкасига ўтказиб кўтариб юрди. Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, елкасига дугонасини ўтказиб олган гопи ўзини Кришна деб ҳисоблаб, бошқа гопиларга мактана бошлади: "Ҳаммангиз бир кўриб кўйинглар, мен қанчалик зўр юриб кўйяпман!" Гопиларнинг яна бири қўлига сарисини олиб баланд кўтарди ва шундай деди: "Энди сизлар қаттиқ жаладан ва кучли бўрондан қўрқмасанглар ҳам бўлади. Мен сизларни ўзим ҳимоя қиламан!" Бу гопи Кришнанинг Говардхана тепалигини кўтарганига тақлид қилаётган эди. Бир гопи

оёғини бошқа бир гопининг бошига қўйди ва шундай деди: "Ҳой сен, ярамас Калийя! Мен сени қаттиқ жазолайман! Сен ҳозироқ бу ердан кетишинг керак. Мен бу оламга ҳамма иймонсиз иблисларни жазолаш учун келганман!" Бошқа гопи дугоналарига шундай деди: "Ҳой, бу ёққа қаранглар! Ўрмонга кетган ёнғин сизларни ютиб юбормоқчи! Кўзларингизни юмиб олинглар, мен сизларни бу фалокатдан қутқариб қоламан!"

Шу тариқа гопилар Кришнадан айрилиқ азобига чидамай ақлдан озар эдилар. Улар Кришна ҳақида дарахт ва буталардан сўрардилар. Бази жойларда улар Кришнанинг оёқ изларидаги белгилар - байроқча, нилуфар гули, санчқи, яшин ва бошқа аломатларни кўриб қолдилар. Бу белгиларни кўриб улар шундай хитоб қилдилар: "О, мана Кришнанинг оёқ излари! Унинг ҳамма белгилари - байроқча, нилуфар гули, санчқи ва яшин - аниқ кўриниб турибди!" Улар шу оёқ излари бўйлаб бора бошладилар, аммо кўп ўтмай, бу излар билан яна бир из пайдо бўлганини кўриб, уларнинг ҳафсаласи пир бўлди. "Ҳой азиз дугоналар, бу ёққа бир қаранглар! Иккинчи оёқ излари кимники? Улар Нанда Махаражнинг ўғли билан ёнма-ён кетяпти! Шубҳа йўқки, Кришна мана шу ердан ўтган, худди фил ўзининг севган фили билан ёнма-ён юрганидай, Кришнанинг қўллари ҳам қайсидир бир гопини кучоқлаб олган! Тушунсанглар ўша гопи Кришнага бизларга қараганда кўпроқ меҳр ва муҳаббат билан хизмат қилган. Шунинг учун Кришна бизларни тарк этса ҳам ўша гопини ташлаб кета олмаган. Кришна Уни Ўзи билан бирга олиб кетган. Азиз дугоналар, мана шу жойлар гардининг илохий шон-шуҳратини бир тасаввур қилиб кўринглар-а! Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи гардига ҳатто Тангри Браҳма, Тангри Шива ва равақ фариштаси Лакшми сажда қиладилар. Айни пайтда бизларга ўша гопининг Кришна билан бирга кетгани алам қияпти, чунки у бизларни ғам-аламда қолдириб, Кришнанинг бўсаларидан лаззатли шарбат ичаётир. Ҳой дугоналар, бунга қаранглар! Мана бу ерда ўша гопининг оёқ излари йўқолиб қолган. Балки шу ерда курук тиконлар кўп бўлган бўлса керак, шу боис Кришна Шримати Радхаранини елкасига кўтариб олгандир. Эҳ, У Кришна учун шунчалик азиз-ки! Мана шу ерда Кришна Радхаранини мамнун қилиш учун бир неча гул узган бўлса керак. Мана, гул узиш учун У оёғининг учига кўтарилган, кўряпсизларми, бу ерда Унинг оёқ изларининг ярмиси кўриниб турибди. Азиз дугоналар, қаранглар мана бу ерда Кришна Шримати Радхаранининг сочларига гул тақиб қўйиш учун У билан бирга ўтириб олган. Ишонаверинглар, Улар иккови мана шу ерда ўтирганлар. Кришна ҳамиша Ўзига тўла бутун,

У лаззатланиш учун бошқа бирор манба излаб юришининг ҳожати йўқ, шунга қарамай Ўзининг бхактасини мамнун қилиш учун, худди ўз дугонаси билан бирга ўтирган шахвоний хирсга берилган ёш йигитга ўхшаб, У ҳам Шримати Радхарани билан бу ерда ўтирган. Кришна шунчалик меҳрибонки, Ўзининг дугоналари келтираётган ташвишларга ҳамиша чидам билан сабр қилади".

Шундай қилиб, гопилар Кришна Ўзи билан бирга олиб кетган гопидан ҳар хил нуқсон излай бошладилар. Улар ўзаро суҳбатлашиб, гопиларнинг сардори Шримати Радхарани, Кришна Унинг бир ўзини олиб кетгани учун гопилар орасида энг аълоси менман деб жуда мағрурланиб кетган бўлса керак, деб гапира бошладилар. "Агар У ғайритабий гўзалликка ва ажойиб фазилатларга эга бўлмаса Кришна қандай қилиб бизларни ташлаб, фақат Уни Ўзи билан бирга олиб кетиши мумкин? У Кришнани ўрмон ичига олиб бориб, шундай деган бўлса керак: "Азизим Кришна, Мен жуда чарчадим. Мен бошқа юра олмайман. Илтимос, Мени кўтариб истаган жойинга олиб бор!" Унинг гапларини эшитган заҳоти Кришна Унга шундай деган: "Хўп майли, кел елкамга чиқиб ола-қол!" Аммо Кришна шу заҳотиёқ ғойиб бўлгандир, энди Шримати Радхарани ҳам Уни йўқотиб қўйиб тинмай кўз ёши тўкиб ўтиргандир: "Менинг азиз севгилим, Менинг кадрдоним, Сен шунчалик ажойиб ва қудратлисанки! Қаерга ғойиб бўлдинг? Мен Сенинг энг итоаткор хизматкорингман. Мен қаттиқ изтироб чекапман. Илтимос, яна олдimgа келиб Мен билан бирга бўл!" Лекин Кришна Унинг олдига бормайди. У Шримати Радхаранини узоқдан туриб кузатаётган, Унинг қийналиб изтироб чекишидан лаззатланиб турган бўлса керак?"

Кришнани излаб гопилар ўрмон ичкарасига тобора чуқур кириб борардилар. Аслида улар Кришна Шримати Радхаранини ҳам ташлаб кетганини билганларида қаттиқ қайғура бошладилар. Мана шу - содиқ Кришна онгида қай даражада бўлишининг имтиҳонидир. Аввалига улар Кришна уларни ташлаб, Шримати Радхаранини Ўзи билан бирга олиб кетганига бироз ҳасад қилдилар, лекин Кришна Шримати Радхаранини ҳам ташлаб кетганини, энди У ҳам Кришнани йўқотиб мусибатга тушаётганини тушуниб етган заҳоти уларнинг қалбида Шримати Радхаранининг аҳволига нисбатан чуқур ҳамдардлик туйғуси уйғонди. Кейин улар ҳаммаси Шримати Радхарани билан биргаликда то ой нури кўринмайдиган бўлиб қолганча ўрмон ичкарасига чуқур кириб кетдилар.

Атроф тобора қоронғулашиб бораётганини кўриб гопилар юришдан тўхтадилар. Уларнинг

бутун ақлу-хаёлини Кришна ҳақидаги ўйлар қамраб олган эди. Уларнинг ҳаммаси Кришнанинг ҳаракатларига, гапирган гапларига таклид қилардилар. Уларнинг бутун қалби, бутун вужуди Кришнага топширилган бўлгани туфайли улар оила аъзоларини бутунлай эсдан чиқариб, Кришнани шарафлаб қуйлардилар. Шундай қилиб, гопиларнинг ҳаммаси Ямуна қирғоғига тўпланиб, Кришнанинг қайтиб келишини интизорлик билан кутганча Шри Кришнани шарафлаб қуйлай бошладилар: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Кришнанинг гопилардан яшириниши" деб  
аталадиган ўттизинчи бобида  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

31. Гопилар қуйлаган қўшиқлар.

Гопилардан биттаси шундай деди: "Азизим Кришна, Сен Ваджабхуми заминида туғилганингдан бери бу ердаги ҳамма нарса жуда ғаройиб бир тусга кирган. Вриндаван диёри шундай ажойиб, гўзал бўлиб яшнаб кетдики, гўё равнақ фариштасининг ўзи ҳамиша шу ерда яшаётгандай. Фақат бизлар ўзимизни жуда бахтиқаро ҳис қиляпмиз, чунки бизлар Сени изляпмиз, аммо бор кучимизни ишга солиб уринаётган бўлсак ҳам Сени кўра олмаяпмиз. Бизнинг ҳаётимиз бутунлай Сенга боғлиқ бўлиб қолган, шунинг учун Сендан бизларнинг олдimgа яна қайтиб келишингни илтимос қиламиз".

Бошқа гопи шундай деди: "Азизим Кришна, ҳатто куз ёмғирлари билан покланиб, мусаффо бўлган кўлларда ўсадиган нилуфар гулларининг ҳаёти ҳам Сен Ўзингсан. Гарчи нилуфар гуллари табиатан жуда чиройли бўлса ҳам, агар Сенинг нигоҳинг тушиб турмаса, улар сўлиб қоладилар. Худди шундай бизлар ҳам Сенсиз ўлиб қоламиз. Аслини олганда бизлар Сенинг хотининг ҳам эмасмиз, чўринг ҳам эмасмиз. Сен ҳеч қачон бизлар учун ҳеч қандай маблағ сарфламагансан, аммо бизларни Ўзингнинг бир нигоҳинг билан Ўзингга бутунлай мафтун қилиб қўйгансан. Энди эса, агар Ўз нигоҳингни ташламасанг, бизлар биратўла ҳалок бўламиз, шунда бизларнинг ҳалокатимизга Сен сабабчи бўласан. Шубҳа йўқки, аёл зотини ўлдириш жуда оғир гуноҳ ҳисобланади. Агар Сен олдimgа келмасанг-у бизлар ўлиб қолсак, Сен содир этган ана шу гуноҳинг учун қаттиқ азоб чекасан.

Шунинг учун илтимос, бизларнинг ёнимизга кел! Одамни фақат бирор қурол билангина ўлдириш мумкин деб ўйлама. Ёнимизда Сенинг йўқлигининг ўзи бизларни ўлдиради. Сен аёл зотини ўлдираётганинг учун жавобгарликни ҳис қилишинг лозим. Биз ҳамиша Сендан чексиз миннатдормиз, чунки Сен бизларни жуда кўп марта муқаррар ҳалокатдан асраб қолгансан: Йамунанинг заҳарланган сувларидан, Калия заҳарли илонидан, иблис Бакасурадан, Индранинг ғазабидан ва унинг кучли жала-ю бўронларидан, ўрмонга кетган ёнғиндан ва бошқа жуда кўп хатарли фалокатлардан ҳимоя қилгансан. Сен - энг буюк ва ҳаммадан қудратли Зотсан. Сенинг бизларни жуда кўп фалокатлардан ҳимоя қилиб юрганинг жуда яхши, лекин ҳозир Сен бизларга умуман эътибор бермай қўйганинг бизларни қаттиқ ҳайратга соляпти. Ҳой азиз Кришна, эй кадрдон дўстимиз, аслида Сен подачи Нанда Махараж ва Йашода онанинг ўғли эмаслигини бизлар жуда яхши биламиз. Сен - Худонинг Олий Шаҳси ва барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухсан. Сен Ўзингнинг бесабаб марҳаматинг билан, Тангри Браҳманинг қилган илтимосига жавобан Ер юзини ҳалокатдан асраб қолиш учун бу оламга ташриф буюргансан. Фақат Ўз марҳаматинг билан Сен Йадавалар сулоласида дунёга келгансан. Эй Йадавалар сулоласининг энг аъло фарзанди, агар дунёвий ҳаёт мусибатларидан даҳшатга тушган бирор киши Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот тиласа, Сен ҳеч қачон Уни ҳимоя қилишдан бош тортмайсан. Сенинг ҳар бир ҳаракатинг, ҳар бир ишинг бутун олам аҳлига фақат яхшилик, саодат келтиради, Сен тўла мустақил Зотсан. Бир қўлингни Сен равнақ фариштасининг елкасига қўйиб турасан, бир қўлингда эса нилуфар гулини ушлаб турасан. Сенинг ғаройиб, ғайритабиий аломатларинг шундай. Шунинг учун биз Сендан ялиниб илтимос қиламиз, бизларнинг ёнимизга кел, қўлингдаги нилуфар гули билан бизларни бахтиёр қил!

Азизим Кришна, Сен Вриндаванда яшайдиган зотларнинг қалбидаги ҳар қандай кўркувларни бартараф қиласан. Сен энг олий қудратга эга бўлган қаҳрамонсан, бизга маълумки, бизларга ўхшаган аёлларнинг мағрурлигини битта чиройли табассуминг билан яқсон қилганинг сингари, Сен Ўз бхакталарингнинг бемаъни мағрурлигини ҳам осонлик билан яқсон қилишга қодирсан. Бизлар шунчаки Сенинг чўриларинг ва хизматкорларингмиз, Сендан илтимос, бизларни қабул қил ва Ўзингнинг нилуфарсимон юзларингни бизлардан яширма!

Эй азиз Кришна, ҳақиқатан ҳам, Сен нилуфар пойи қадамларингни бизларга

текказганинг туфайли қалбимизда кучли шаҳвоний ҳирс туйғуси уйғонган эди. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, Сенинг нилуфар пойи қадамларинг уларнинг паноҳига кирган бхакталарни ҳар қандай гуноҳ ишлар оқибатидан поклайди. Сен шунчалик меҳрибонсанки, ҳатто оддий ҳайвонлар ҳам Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топадилар. Сенинг нилуфар пойи қадамларинг - равнақ фариштасининг паноҳ маконидир, шунга қарамай уларни Сен Калия илонининг бошига қўйиб рақсга тушгансан. Энди бизлар Сендан Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойини бизларнинг кўксимизга қўйиб, қалбимиздаги Сенга яқин бўлиш истагини қондиришигни илтимос қиламиз.

Эй Парвардигор, Сенинг жозибадор кўзларинг нилуфар гулига ўхшайди, улар нақадар ёқимли ва чиройли. Сенинг ширин нутқларинг шу қадар ҳайратланарлики, улар ҳатто Сенга мафтун бўлган буюк билимдон донишмандларни ҳам ҳайратга солади. Сенинг нутқинг ҳам, юзу-кўзларингнинг жамоли ҳам бизларни ўзига мафтун этади. Шунинг учун Сендан илтимос, Ўзингнинг лаззатли бўсаларинг билан бизларни бахтиёр қил. Эй азиз Парвардигор, Сенинг сўзларинг ёки Сенинг кароматларингни таърифлайдиган ҳикоялар шу қадар лаззатли шарбатки, шунчаки уларни тинглаш ёки бошқаларга гапириб бериш ёрдамида инсон моддий тирикчиликнинг ловуллаб ёнаётган даҳшатли оловидан халос бўла олади. Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари буюк фаришталар ҳамиша Сенинг гапларингни олқишлаб юрадилар. Улар бутун оламдаги барча тирик мавжудотларнинг гуноҳ ишлари оқибатларини томири билан яқсон қилиш ниятида шундай қиладилар. Агар кимдир шунчаки Сенинг илоҳий сўзларингни тинглашга ҳаракат қилса, у тез орада эзгу ишлар қилишга қодир бўладиган юксак поғонага кўтарилади. Сенинг сўзларинг вайшнавлар учун илоҳий лаззат манбаидир, Сенинг илоҳий хабарингни бутун олам аҳлига етказишга бутун умрини бағишлаган авлиё зотлар эса - оламдаги энг саховатли одамлардир".

Эй азиз Кришна, - давом этди гопилар, - Сен жуда маккорсан. Сенинг айёрона табассумингни, Сенинг ёқимли нигоҳларингни, бизлар билан биргаликда Вриндаван ўрмонларида сайр қилиб юрган дамларингни ва Сенинг ёқимли фикрларингни эслаганда бизлар қанчалик чуқур мусибатга тушишимизни Сен тасаввур қила оласан. Хилват жойда бизлар билан бирга қурган суҳбатларинг қалбимизга илиқ ҳарорат бағишларди. Энди эса Сенинг одатларингни эслаганда қалбимизни чексиз қайғу, ҳасрат чулғаб оляпти. Илтимос, бизларни

бу дарддан халос эт! Хой азиз Кришна, ўрмонда сигир боққани Вриндаванни тарк этиб кетганингда бизлар қанчалик изтироб чекишимизни Сен жуда яхши биласан. Сенинг нозик нилуфар қадамларинг пойига ўрмондаги қуруқ тиканаклар ва дағал тошлар озор етказиши мумкинлиги ҳақидаги ўйларнинг ўзиёқ бизларга қанчалик азоб берарди! Бизлар Сенга шунчалик қаттиқ боғланиб қолганмизки, ҳамиша фақат Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ўйлаб юрамиз.

О Кришна, Сен сигирларни ўтлоқдан қишлоққа олиб келаётганингда бизлар Сенинг жингалак сочлар ўраб олган, сигирлар подаси кўтарган чангдан оқарган чиройли жамолингни кўрамиз. Бизлар Сенинг гўзал жамолингни, лабларингдаги майин табассумни кўрганимизда қалбимизда Сен билан бирга лаззатланиш истаги жуда кучайиб кетади. Эй азиз Кришна, Сен - Олий маъшуқасан, ўз ихтиёрини Сенга топширган зотларга Сен ҳамиша ишончли паноҳ бўласан. Сен ҳар кимнинг истагини амалга оширасан; Сенинг нилуфар қадамларинг пойига ҳатто коинотни яратган буюк фаришта Тангри Брахма ҳам сажда қилади. Нилуфар қадамларинг пойига ким сажда қилса ҳам, Сен ҳамиша уни албатта Ўзингнинг дуои-фотиҳаларинг билан мукофотлайсан. Шундай экан, бизларга раҳминг келсин, бизларни аввалгидай бахтиёр қилиб, нилуфар қадамларинг пойини кўксимизга кўйиб, бизларни бу мусибатлардан халос эт! Эй азиз Кришна, бизлар Сенинг бўсаларингга интизормиз, Сен ҳатто найингни ҳам Ўз лабларинг шарбатидан баҳраманд қиляпсан. Сенинг найингдан таралаётган наволар бутун олам аҳлини, шу жумладан бизларнинг қалбимизни ҳам ўзига мафтун этяпти. Шунинг учун илтимос, бизларга раҳминг келсин, олдимизга қайтиб кел, шарбатдай ширин лабларинг билан бизлардан бўса ол!"

Ниҳоят, Парвардигор Кришна гопиларнинг олдига қайтиб келганида, У борликда мавжуд бўлган барча мукамалликлар соҳибига яраша тенгсиз даражада гўзал бўлиб кўринарди. "Брахма-самхита"да айтилганки, *ананда-чин-майя-раса-пратибхавитабхи* - Кришнанинг Ўзи алоҳида гўзалликка эга эмас, лекин Унинг қуввати айниқса Шримати Радхаранида тўла мужассам бўлган. Унинг лаззатланиш қуввати ўзини намоён этганида Кришна бекиёс даражада гўзал бўлиб кетади. Майявадилар мактабининг Мутлақ Ҳақиқат Ўзининг қувватисиз ҳам мукамал экани ҳақидаги таълимоти уларнинг мукамал илмга эга эмаслиги оқибатидир. Ҳақиқатан ҳам, Ўзининг ҳар турли қувватларини намоён этмаса Мутлақ Ҳақиқат мукамал бўлмайди. *Ананда-чин-майя-раса* дегни шуни билдирадики, Унинг танаси мангу

илм ва лаззатнинг илоҳий қиёфасидир. Кришна ҳамиша Ўзининг ҳар хил қувватлари билан бирга бўлади, шунинг учун ҳам У мукамал ва гўзал. "Брахма-самхита" ва "Сканда-пурана"дан биз яхши биламизки, Кришна ҳамиша минг-минглаган равнақ фаришталари билан бирга юради. Гопиларнинг ҳаммаси равнақ фаришталаридир, ҳозир Кришна Ўямуна қирғоқларида уларнинг қўлларидан ушлаб юради.

"Сканда-пурана"да айтилганки, минглаб гопилар ичида ўн олти минг гопи асосий гопилардир. Уларнинг орасида бир юз саккизтаси алоҳида ажралиб туради, бир юз саккиз гопи орасида эса саккиз гопи яна ҳам бошқачароқ бўлиб ажралиб туради. Ана шу саккиз гопи ичида Шримати Радхарани ва Чандравали бошқалардан устун туради, бу иккисидан асосийси - Шримати Радхарани.

Кришна Ўямуна дарёси қирғоғидаги ўрмонга кирганида осмондаги тўлин ой нури атрофни қоплаган қоронғу зулматни ёритиб юборган эди. Ўша фаслда *кунда* ва *кадамба* гуллари қийғос гуллаган бўлиб, майин эсиб турган шабада уларнинг анвойи атрини бутун атрофга таратарди. Ана шу анвойи ҳидлардан маст бўлган асаларилар бу ҳидларни асал деб ўйлаб, ҳавода ғувиллаб айланиб учиб юришарди. Гопилар соҳилдаги қумни текислаб, устига ўзларининг либосларини ташлаб Кришна учун қулай ўриндик ясадилар.

Бу ерда тўпланган гопиларнинг қўпчилиги Ведаларнинг билимдонлари эдилар. Ер юзига Парвардигор Рамачандра ташриф буюрганида, ўзларининг аввалги ҳаётларида улар Ведалар илмини мукамал биладиган донишмандлар бўлиб, Парвардигор Рамачандрага ошиқ-маъшуқлар муносабатида хизмат қилиш истагини билдирган эдилар. Шунда Парвардигор Рамачандра уларни дуо қилиб, Парвардигор 233

Кришна келганида улар ер юзига яна бир бор келишларини, шунда бу истакларини албатта рўёбга чиқаришга ваъда берган эди. Парвардигор Кришна ер юзига ташриф буюрганида ўша донишмандлар Вриндаванлик гопилар бўлиб дунёга келдилар. Ёш гопилар сифатида улар Парвардигор Кришна билан ҳамсуҳбат бўлиш имконига эга бўлдилар, уларнинг аввалги ҳаётидаги истаклари шу тариха рўёбга чиқаётган эди. Улар ўзларининг мукамал истакларига эришиб, инсон ҳаётининг якуний мақсадига эришган эдилар, энди уларнинг қалби шу қадар кучли илоҳий шодликка тўлган эдиларки, улар энди ҳаётда бошқа ҳеч қандай мақсадга интилмас эдилар. Бу ҳақиқат "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланади: агар одам Худонинг Олий Шахсига эришса, у

хаётда бошқа ҳеч нарсага интилмайд кўяди. Гопилар Кришна билан бирга бўлганларида, Кришнадан айрилиб ҳижрон ўтида қолгани сабабли келган алам-изтироблардан бутунлай фориг бўлган эдилар. Улар энди қалбида ҳеч қандай истак қолмаганини ҳис қилардилар. Кришна билан бирга бўлишдан тўла қаноат ҳосил қилиб, улар ўзларининг либосларини ерга тўшадилар. Бу либослар юмшоқ матодан тикилган бўлиб, устига уларнинг кўкраklarини безаб турган кункумадан сепилган эди. Улар чексиз меҳрибонлик билан Кришна учун ажойиб ўриндик тайёрладилар. Кришна уларнинг бутун ҳаёти, вужудларидаги жони эди, шунинг учун улар Унга атаб ажойиб ўриндик ҳозирладилар.

Гопилар даврасида ана шу ўриндикда ўтирган Кришна яна ҳам чиройлироқ кўринарди. Тангри Шива, Тангри Брахма ёки ҳатто Парвардигор Шеша сингари буюк сеҳргар йоглар ҳамиша қалбларида бутун фикру-хаёлини Кришнада мужассам қилишга уриниб юрадилар, аммо бу ерда гопилар Кришнани шу ернинг ўзидаёқ, қулай ўриндикда, кўзларининг олдида якқол кўриб турардилар. Гопилар даврасида ўтирган Кришна жуда гўзал, жозибали, мафтункор кўринарди, гопилар бутун уч оламдаги энг соҳибжамол кизлар эди, ҳозир уларнинг ҳаммаси Кришнанинг атрофида тўпланган эдилар.

Бу ерда шундай савол туғилиши мумкин: қандай қилиб Кришна битта Ўзи бир вақтнинг ўзида ҳам шунча гопи билан ёнма-ён ўтириши, ҳам ёлғиз Ўзи ўтириши мумкин? Бу ерда жуда муҳим бўлган *ишвара* ибораси ишлатилган. "Бхагавад Гита"да шундай дейилган: *ишварах сарва-бхутанам*. Ишвара ибораси ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорни англатади. Кришна гопилар билан бирга вақтини ўтказар экан Ўзининг ана шу Параматма сифатида кўпая олиш қобилиятидан фойдаланди. Бошқаларга кўринмасдан Кришна ҳар бир гопи билан алоҳида бирга ўтирарди. Кришна гопиларга шу қадар марҳаматли эдики, уларнинг қалбида бўлиш ўрнига, улар йога ёрдамида қийналиб Мени қалбидан излаб юрмасинлар деб, Кришна уларнинг ҳар бирининг ёнида ўтирарди. Кришнанинг гопилар қалбидан ташқарига чиқиши Унинг гопиларга - бутун борлиқдаги энг гўзал кизларга кўрсатган алоҳида марҳамати эди. Гопилар олдида уларнинг севгили Хукмдори қайтиб келганида улар ўзларининг ғазабини босишга уриниб, қошларини ўйнатиб, майин табассум билан жилмайишиб Унинг кўнглини овлашга ҳаракат қила бошладилар. Уларнинг баъзилари Унинг нилуфар пойи қадамларини тиззасига олиб уқалай бошладилар. Улар юзида табассум билан Кришнага қалбининг тўрида

яширинган ғазабини изҳор этиб гапира бошладилар: "Эй азиз Кришна, бизлар Вриндаваннинг содда аёлларимиз, бизлар Ведаларда ёзилган донишмандлик илмидан беҳабармиз, шу боис нима яхши-ю нима ёмон эканини ажрата олмаймиз. Шунинг учун бизлар Сендан ўзимизни қийнаб юрган саволларга жавоб олмакчимиз, чунки Сен жуда билимдонсан ва саволларимизга тўғри жавоб бера оласан. Бизларнинг фикримизга кўра севишганлар орасидаги муносабатларда эркакларни уч тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифа эркаклар фақат олишни биладилар, иккинчи тоифа эркаклар - ҳатто севгилиси унга салбий, ёмон муносабатда бўлса ҳам барибир уни севишда давом этаверадилар, учинчи тоифа эркаклар эса, севгилисининг ҳистуйғуларига, ишқий муносабатларига яхши ҳам жавоб бермайдилар, уларни инкор ҳам этмайдилар. Сен уч тоифага мансуб ана шундай эркакларнинг қайси бирининг амалини маъқуллайсан, Сенингча уларнинг қайси бири виждон билан иш тутаётган бўлади?"

Уларга жавобан Кришна шундай деди: "Менинг азиз дугоналарим, фақат бировнинг илиқ ишқий муносабатларига жавоб берадиган("сен мени қанчалик севсанг мен ҳам сени шунчалик севаман" қабалида иш тутадиган) одам ҳасис одамдир. Ундай одамлар муҳаббат бобида ҳам қанча олсалар, фақат шунчагина берадилар. Бундай муносабатларнинг муҳаббатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу шунчаки ўзаро манфаат асосида юзага келган, ҳар бир одамнинг фақат ўзига қаратилган муносабатлардир. Иккинчи тоифа эркаклар улардан анча устун турадилар: улар ҳатто севгисига муносиб жавоб олмасалар ҳам севаверадилар. Фақат ўз манфаатини ўйлайдиган ҳасис одамлардан ҳатто мутлақо севмайдиган, севги, муҳаббат нималигини билмайдиган ғофил одамлар ҳам яхшироқ. Самимий муҳаббатга ота-онанинг ўз фарзандига бўлган муҳаббати мисол бўлиши мумкин, улар ҳатто фарзандлари уларга умуман эътибор бермаса ҳам барибир уларни севишда давом этаверадилар. Учинчи тоифа эркаклар бировни севмайдилар ҳам, бировдан нафратланмайдилар ҳам. Бундай одамларни яна икки тоифага бўлиш мумкин. Улардан баъзилари ҳеч кимнинг муҳаббатига муҳтож бўлмасдан ҳаётда ўзларининг қалбида мамнуният ҳосил қилиб яшайдилар. Ундай одамларни *атмарам* деб атайдилар, бунинг маъноси шундан иборатки, улар ҳамиша Худонинг Олий Шаҳси ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб яшайдилар, шу боис кимдир уларни севиши ёки севмаслиги уларни умуман қизиқтирмайди. Иккинчи тоифа одамлар - тошбағир, яхшиликни билмайдиган кўрнамак

одамлардир. Бу тоифага мансуб одамлар ўзидан устун бўлган одамларга қаттиқ қарши чиқадилар. Масалан, ноқобил фарзанд ўзини севадиган меҳрибон ота-онасидан ҳаёти учун зарур бўлган шунча нарса олади, шунга қарамай тошбағирлик қилиб ҳеч қачон, атиги миннатдорчилик юзасидан бўлса ҳам ота-онасига ўзининг илиқ туйғуларини изҳор этмайди. Ана шундай тоифага мансуб одамларни одатда *гуру-друха* деб атайдилар. Бунинг мазмуни шундан иборатки, улар ота-онасидан ёки рухий устозидан ҳар хил моддий ва маънавий бойлик оладилар-у, бунинг учун улардан бир умр миннатдор бўлиш ўрнига уларга нисбатан кўрнамаклик қилиб, виждонсизларча уларни инкор этадилар".

Кришна Ўзининг бу гаплари билан гопиларнинг ҳамма саволларига, шу жумладан ҳатто ичидан "Кришна бизларнинг муҳаббатимизга муносиб жавоб бермади" деб ўйлаб турган гопиларга ҳам тўлиқ жавоб берган эди. Кришна айтдики, аслида У - Худонинг Олий Шахси, ҳамиша Ўзидан тўла мамнун бўлган тўла бутун Парвардигор. Кришна кимнингдир муҳаббатига муҳтож эмас, лекин шунга қарамай У, яъни Кришна яхшиликни билмайдиган виждонсиз эркаклар тоифасига кирмайди.

Эй Менинг азиз дугоналарим, - давом этди Кришна, - Менинг ҳаракатларим ёки айтган гапларим сизларни бироз хафа қилган бўлса керак, лекин шуни билиб кўйингларки, баъзан Мен Ўзимнинг бхакталаримнинг Менга бўлган меҳр-муҳаббатига муносиб жавоб бермайман. Менинг содиқларим Менга қаттиқ боғланиб қолганлар, лекин баъзида уларнинг Менга бўлган муҳаббати яна ҳам кучлироқ бўлиши учун Мен уларнинг бундай туйғуларига жавоб бермайман. Агар улар осонлик билан Менга эришсалар, улар: "Кришнага эришишнинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ! Унга ҳамма эриша олади!" - деб ўйлашлари мумкин. Шунинг учун Мен баъзида уларнинг муҳаббатига умуман жавоб бермайман. Агар одам аввалига жуда қашшоқ бўлиб, кейин қийинчилик билан анча бойликка эришса-ю, кейин ана шу пулларини бирданига йўқотиб қўйса, у сутканинг йигирма тўрт соати давомида йўқотган пулларини ўйлаб юради. Худди шундай Мен ҳам, бхакталаримнинг Менга бўлган муҳаббати яна ҳам кучлироқ бўлиши учун улар учун бутунлай ғойиб бўлгандай бўламан, шунда Мени унутиш ўрнига аксинча улар қалбида Менга бўлган муҳаббати яна ҳам кучая бошлаганини ҳис қиладилар. Эй азиз гопилар, Мени ҳатто бир лаҳза ҳам сизлар билан худди оддий бхакталаримдай муносабатда бўлди деб ўйламанглар. Мен сизларнинг аслида ким

эканингизни жуда яхши биламан. Сизлар ўзларингизнинг муқаддас бурчингизни ва жамиятдаги вазифаларингизни ташлаб бу ерга келгансизлар; сизлар ҳатто қариндошларингиз билан ҳам алоқа қилмай кўйдинглар. Муқаддас бурчингизни ўйламай, сизлар Менинг олдимга келиб, фақат Мени севдинглар, Мен сизлардан шунчалик қарздорманки, сизларга ҳеч қачон оддий бхакталаримдай муносабатда бўлолмайман. Мени сизларни ташлаб кетди деб ўйламанг. Мен ҳамиша сизларнинг ёнингизда эдим. Мен шунчаки сизлар Мен йўқлигимда Мени қанчалик соғиниб кўмсаганингизни томоша қилиб тургандим. Шунинг учун илтимос, Менинг ҳаракатларимдан қандайдир нуқсон ахтаришга уринманглар. Сизлар Мени ўзларингиз учун жуда азиз деб билсанглар, мабодо бирор ишни нотўғри қилиб кўйган бўлсам, илтимос Мени кечиринглар. Сизларнинг Менга бўлган бундай кучли муҳаббатингиз эвазига Мен ҳатто жаннатдаги фаришталардай узок умр кўриб сизларга бетиним хизмат қилсам ҳам муносиб жавоб бера олмайман. Сизларнинг Менга бўлган муҳаббатингизни муносиб қадрлашнинг ёки унга муносиб мукофот беришнинг, қайтара олишнинг иложи йўқ; шунинг учун илтимос, қилаётган эзгу ишларингизнинг ўзи мукофот бўлиб, сизларга тўла мамнуният олиб келсин. Сизлар - Менга боғланишда бошқаларга муносиб ўрнак кўрсатдинглар, чунки сизлар бу йўлда ҳатто қариндошлик ришталарини ҳам узиб ташладинглар. Илтимос, қилган эзгу ишларингиз сизларнинг муҳаббатингиз учун муносиб сийлов бўлсин, чунки Мен сизларнинг Менга бўлган бундай кучли муҳаббатингизга муносиб жавоб бера олмайман, Мен сизлардан мангу қарздор бўлиб қоламан".

Вриндаванлик бхакталарнинг Парвардигорга хизмат қилишда кўрсатган садоқати мукамал соф садоқат намунасидир. Ишонарли муқаддас китобларда айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш туйғуси *ахаутика* ва *апратихата* бўлиши лозим. Бу шуни билдирадики, ҳеч қандай сиёсий, итжимоий ёки диний шарт-шароитлар содиқнинг Кришнага, Худога садоқат билан хизмат қилишига тўсқинлик қила олмайди. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш ҳамиша рухий поғонада бўлади. Гопилар Парвардигор Кришнага ана шундай соф садоқат билан хизмат қилиш намунасини намойиш этгандилар, шу боис Кришнанинг Ўзи уларнинг олдида Ўзини қарздор ҳис қиляпти. Шунинг учун Парвардигор Чайтанья айтган эдики, Вриндаванлик гопиларнинг Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиши Худонинг Олий Шахсига

эришишнинг бошқа барча усулларида устун туради.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Гопилар куйлаган қўшиқлар" деб аталадиган ўттиз биринчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 32. Раса рақси.

Худонинг Олий Шахси Кришнанинг қалбларга ором бағишловчи ана шундай ширин гапларини тинглаб туриб, гопилар қалбида чуқур мамнуният ҳосил қилдилар. Фақат Унинг гапларини тинглаб эмас, шунингдек Унинг қўлларини, оёқларини ушлаб ўтирганлари сабабли гопилар Кришнадан айрилиқ азоби келтирган барча мусибатларни бутунлай эсдан чиқариб юборган эдилар. Шундан сўнг Худонинг Олий Шахси, Кришна Ўзининг раса рақсини бошлади. Кўплаган қизлар билан битта йигитнинг биргаликда рақсга тушиши "раса рақси" деб аталади. Шундай қилиб Кришна бутун уч оламдаги энг гўзал ва бахтли қизлар бўлмиш Вриндаванлик гопилар билан бирга рақсга туша бошлади. Кришнага мафтун бўлиб, Унга бутун вужуди билан боғланиб қолган Вриндаванлик қизлар У билан кўл ушлашиб шодон рақсга тушардилар.

Кришнанинг раса рақсини ҳеч қачон базм ёки байрамларда ўйналадиган оддий дунёвий рақсларга ўхшатмаслик керак. Кришнанинг раса рақси мукаммал руҳий жараёнدير. Буни исботлаш учун Олий сеҳргар Кришна Ўзини жуда кўп қиёфаларда намоён этиб, алоҳида ҳар бир гопи билан бирга, уларнинг ҳар бири билан ёнма-ён рақс тушарди. Ҳар икки томонида турган гопининг елкасига қўлларини қўйиб, У гопилар билан рақсга туша бошлади. Гопилар Кришна Ўзининг сеҳр қудрати билан намоён этган экспансияларини албатта пайқамас эдилар, чунки уларнинг ҳар бири фақат битта Кришнани кўриб турарди. Гопиларнинг ҳар бири "Кришна фақат мен билан рақсга тушяпти" деб ўйларди. Мана шу ғаройиб рақс бўлиб турган жой устидан жаннатда яшайдиган фаришталар ўтирган жуда кўп ҳаво кемалари учиб ўтар, улардаги фаришталар Кришнанинг гопилар билан тушаётган ажойиб рақсини томоша қилишни истардилар. Гандҳарвалар ва киннарлар рафикалари жўрлигида қўшиқ куйлай бошладилар, гандҳарвалар рақсга тушаётганлар устига самодан гуллар ёмғирини ёғдира бошладилар.

Кришна билан гопилар биргаликда шундай рақсга тушаётганида уларнинг қўнғироқчалари, тақинчоқлари ва билагузуклари жуда ёқимли оҳангда жирингларди. Кришна худди олтин ва қимматбаҳо тошлардан ясалган маржонга тақилган қимматбаҳо сапфирга ўхшарди. Гопилар Кришна билан рақсга тушаётганида уларнинг ғайритабиий гўзаллиги яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланиб турарди. Уларнинг оёқ ҳаракатлари, қўлларини бир-бирларининг елкасига қўйиб туришлари, қошларини чиройли ўйнатишлари, юзларидаги табассумлари, силкиниб турган кўкраклари, либослари, сирғалари, ёноқлари, гуллар билан безалган сочлари - буларнинг ҳаммаси уларнинг рақси ва куйлашлари билан бирга қўшилиб, худди осмонда бир вақтда пайдо бўлган булутлар, момоқалдирик, қор ва яшинларни эслатарди. Кришна тўпланган булутларга ўхшарди, уларнинг куйлаётган қўшиқлари момоқалдирик овозларини эслатарди. Гопиларнинг гўзаллиги осмонда чакнаган яшинни эслатарди, уларнинг юзларидаги маржон-маржон тер томчилари эса ёғайтган паға-паға қорни эслатарди. Шу тариқа Кришна ва гопилар раса рақсига бутунлай ғарқ бўлиб кетдилар.

Гопиларнинг бўйинларига билинар-билинемас қизиллик югурди - уларнинг Кришна билан бирга бетиним лаззатланишни истаётгани шундай намоён бўлаётган эди. Уларнинг истагини қондириш учун Кришна улар куйлаётган қўшиқ оҳангига мос равишда қарсақ чала бошлади. Аслини олганда бутун борлик Кришнанинг қўшиқлари оҳанги билан тўлган, аммо тирик мавжудотларнинг ҳар хил турлари буни турлича талқин қилардилар. Бу ҳақиқат "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланади: *йе йатха мам прападийанте*. Кришна рақсга тушади, ҳар бир тирик мавжудот ҳам рақсга тушади, аммо руҳий оламдаги рақс билан моддий оламдаги рақс орасида жуда катта фарқ бор. Бу ҳақда "Чайтанья Чаритамрита"нинг муаллифи айтганки, Кришна - асосий, бош раққос, қолган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси эса Унинг хизматкорларидир. Ҳар бир тирик мавжудот ҳаётда Кришнанинг рақсига тақлид қилишга ҳаракат қилади. Ҳақиқатан ҳам Кришна онгига эга бўлган одам Кришнанинг рақсини тўғри тушуниб, У билан биргаликда лаззатланади: улар мустақил равишда рақсга тушишга уринмайдилар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган дунёвий, имонсиз даҳрийлар эса ўзларини Худонинг Олий Шахси деб билиб, Кришнага тақлид қилишга уринадилар. Бу дунёда тирик мавжудотлар Кришнанинг хизматкори бўлган майянинг амрига бўйсуниб рақсга тушадилар ва ўзларини Кришнага тенг деб ҳисоблайдилар, лекин аслида бундай эмас.

Худони, Кришнани англаб етган, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган одам ҳаётни бундай нотўғри тушунмайди, чунки Кришна онгига эга бўлган одам Кришна - Олий ҳукмдор, ягона Парвардигор, қолган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси Унинг хизматкорлари эканини яхши билади. Фаросатли, имонли инсон Худонинг Олий Шахси Кришнага тақлид қилиш ёки Унга тенг бўлиш учун эмас, балки аксинча Кришнани мамнун қилиш учун рақсга тушиши керак. Гопилар Кришнани мамнун қилишга, Унинг кўнглини овлашга, Унга ёқишга ҳаракат қилардилар, шу боис Кришна кўшиқ куйлаганида улар: "Балли! Яша! Зўр! Ажойиб!" - деб Кришнани олқишлаб турардилар. Баъзан улар Унга атаб чиройли куйлар чалар, Кришна эса уларнинг куйларини олқишларди.

Баъзи гопилар шитоб билан жазавали рақсга тушишдан роса чарчадилар ва қўлларини Шри Кришнанинг бўйнига ташлаб олдилар. Уларнинг сочлари тўзиб кетган, унга кистириб қўйилган чиройли гуллар эса ерга сирпаниб тушиб кетган эди. Улар қўлларини Кришнанинг елкасига қўйганида, нилуфар ва бошқа анвойи гуллардан таралаётган ҳидига, сандал ҳидига ғарқ бўлдилар. Гопиларнинг қалбида Кришнага бўлган эҳтиросли муҳаббат туйғуси қаттиқ кучайиб, улар Кришна билан қайноқ бўсалар алмаша бошладилар. Баъзи гопилар ёноқларини Кришнанинг ёноқларига кўяр, Кришна эса чайнаб турган бетел ёнғоғидан оғзи билан уларнинг оғзига узатар, гопилар уларни бўса билан бирга лаззатланиб оғзига олардилар. Кришнанинг бевосита оғзидан бетел ёнғоқларини олиб гопилар руҳан юксалар эдилар.

Узоқ вақт кўшиқ куйлаб, рақсга тушган гопилар қаттиқ чарчаган эдилар. Кришна ҳам улар билан бирга рақсга тушарди. Чарчоғини кетказиш учун гопилар Шри Кришнанинг қўлларини олиб, уни Кришнанинг қўлларидай шарофатли бўлган ўзларининг баланд кўкраклари устига кўярдилар; шу боис улар бирга кўшилганида уларнинг руҳий қудрати яна ҳам ортиб кетарди. Гопилар равнақ фариштасининг эри Кришна билан бирга бўлишдан шу қадар бахтиёр эдиларки, уйда ўз эрлари борлигини умуман эсламас, Кришнанинг кучоғида, У билан кўшиқ куйлаб, рақсга тушиб ҳамма нарсани бутунлай эсдан чиқариб юборган эдилар. Гопиларнинг Кришна билан айланиб рақсга тушаётгандаги гўзаллигини "Шримад Бхагаватам" шундай таърифлайди: уларнинг кулоқларини нилуфар гули яшириб турарди, юзлари сандал ва тилака билан безатилган эди. Кулиб турган лаблари устида майда тер томчилари кўриниб турарди. Уларнинг билагузуклари ва оёқларидаги кўнғирокчалар

чиройли жирингларди. Уларнинг сочларига қистирилган гуллар Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига тушар, бундан Кришна жуда мамнун эди.

"Брахма-самхита"да айтилганки, бу гопиларнинг ҳаммаси аслида Кришнанинг лаззатланиш қувватининг экспансияларидир. Уларнинг таналарига қўлларини кўйиб, уларнинг чиройли кўзларига Ўз нигоҳини ташлаб, Кришна худди ойнага қараб ўзининг акси билан ўйнашиб завқланаётган ёш болага ўхшаб лаззат оларди. Танасининг ҳар хил жойларига Кришна кўлини текказганида гопилар бундан жуда кучли руҳий қувват олаётганини ҳис этардилар. Улар қанча уринмасин, тахи бузилиб кетган либосларини тўғрилаб кўя олмасдилар. Кришна ёнида бўлганидан гопилар ўзларини бутунлай йўқотиб қўйган, сочлари ва либосларининг тахи бузилиб, такинчоқлари ечилиб кетган эди.

Кришна гопилар билан биргаликда раса рақсига тушиб лаззатланар экан, хайратга тушган фаришталар рафиқалари билан биргаликда улар устида самода тўпландилар. Эҳтиросга ўхшаган ажиб бир туйғуга ғарқ бўлган ой ҳам раса рақсини томоша қилиб таажжубга тушарди. Гопилар фаришта Катйайанига сиғиниб, ундан Кришна ўзларининг эри бўлишини тилаб илтижо қилган эдилар. Қанча гопи бўлса Ўзини шунча марта кўпайтириб намоён этган Кришна ҳозир уларнинг ана шу истаklarини рўёбга чиқарган ва худди уларнинг эридай бўлиб гопилар билан бирга лаззатланар эди.

Шукадева Госвами таъкидлаб айтяптики, Кришна Ўзига тўла бутун, У - атмарама. У лаззатланиш учун ҳеч кимга муҳтож эмас. Гопилар Кришна эри бўлишини истаганлари учун Кришна уларнинг истагини рўёбга чиқарган эди. Кришна гопиларнинг рақсга тушишдан чарчаганини пайкаганида, уларнинг чарчоғини тарқатиб юбориш учун Ўзининг майин қўллари билан уларнинг ёноқларини силарди. Кришнанинг меҳрибонлиги ва ширин муҳаббатига жавобан гопилар ҳам Унга муҳаббат тўла кўзларини тикардилар. Кришнанинг шарофатли қўллари тегиши билан уларнинг қалби қувончга тўлиб кетарди. Уларнинг майин табассум билан кулиб турган юзларидан ёш қизларга хос жозибали гўзаллик барқ уриб турар, гопилар илоҳий лаззат билан Кришнани шарафлаб куйлардилар. Гопилар Кришнанинг соф бхакталари эди, улар Кришна билан бирга бўлишдан қанчалик лаззатлансалар, Унинг мукамаллигини шунчалик англаб етар, шу тарзда Унга муносиб жавоб берардилар. Улар Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақида куйлаб, Уни мамнун қилишга ҳаракат



қилардилар. Кришна Худонинг Олий Шахси, барча ҳукмдорлар ҳукмдори, ўзларига нисбатан кўрсатаётган бундай чексиз марҳамати учун миннатдор бўлган гопилар Унга самимий сажда қилишни истардилар.

Раса рақси тамом бўлгандан кейин ҳордиқ чиқариш ниятида Гопиларнинг ҳаммаси Кришна билан бирга Йамуна дарёси сувига кирдилар. Улар Кришнани кучоклаган пайтларида бўйинларини безаб турган лайло гулларидан ясалган гулчамбарлар узилиб кетган, кўкракларига суртилган кункумадан гуллар қизгиш ранга кирган эди. Қовоғарилар ғувиллаб гулларнинг нектарини йиғиб юрарди. Худди қудратли фил бир гала урғочи филлар билан чўмилиш учун сувга киргани сингари, Кришна билан бирга гопилар Йамуна дарёсига тушдилар. Сувда ҳар хил қувноқ ўйинларга берилиб, раса рақсидан чарчоғни чиқариб, бирга бўлишдан лаззатланиб Кришна ва гопилар ҳамма нарсани бутунлай эсдан чиқариб юборган эдилар. Гопилар жозибали кулимсираб Кришнага сув сепа бошладилар, Кришна ҳам уларга сув сепиб лаззатланарди. Кришна шу тариқа гопилар билан ўзаро сув сепишиб, ҳазиллашиб лаззатланар экан самодан фаришталар уларнинг устига гуллар ёмғирини ёғдирдилар. Олий лаззатланувчи Кришнанинг ғаройиб раса-рақсини ва Унинг гопилар билан Йамуна дарёсидаги марокли ҳордиқ чиқараётганини фаришталар шу тариқа олқишлардилар.

Шундан сўнг Парвардигор Кришна билан гопилар сувдан чикдилар ва Йамуна соҳили бўйлаб сайр қила бошладилар. Сув юзидаги ва қирғоқда ўсиб ётган анвои гуллар ҳидини енгил эсаётган ёқимли шабада чор атрофга таратиб турарди. Йамуна соҳилида сайр қилиб юрар экан Кришна ажойиб шеърлар ўқирди. Куз фаслининг мусаффо осмонида, тўлин ой атрофни тўлдириб майин нур сочиб турган сўлим кечада бекиёс гўзал гопилар билан Кришна шу тарзда яйраб лаззатланарди.

Шаҳвоний ҳирс одамларда айниқса куз фаслида жуда кучли хуруж қила бошлайди, аммо Кришна билан гопилар орасидаги бу муносабатларнинг алоҳида фазилати шундан иборат эдики, уларнинг ўзаро муносабатларида шаҳвоний ҳирседан асар ҳам йўқ эди. Шукадева Госвами бу ҳолатни "Шримад Бхагаватам"да *аваруддха-сауратах* ибораси билан таърифлаган, яъни улар шаҳвоний ҳирсларини тўла бошқариб олган зотлар эдилар. Парвардигор Кришнанинг гопилар билан ўйнаган раса-рақси билан моддий оламдаги тирик мавжудотларнинг оддий рақсларидан кескин фарқ қилади. Келажакда раса-рақси ҳамда Кришнанинг гопилар билан ўзаро муносабатлари ҳақида юзага келадиган

ҳар хил нотўғри тасаввурларнинг олдини олиш, ҳамда уларни тўғри тушуниб олиш ниятида "Шримад Бхагаватам"ни тинглаб ўтирган Махараж Парикшит Шукадева Госвамига шундай деди: "Парвардигор Кришна Ер юзига ҳақиқий дин қонунларини ўрнатиш, имонсизликка чек қўйиш учун ташриф буюрган эди. Аммо Кришна билан гопиларнинг бу муносабатларидан ўрناق олиб моддий оламда оддий одамлар ҳақиқий дин қоидаларини поймол қилишлари мумкин. Унинг бегона аёллар даврасида қоронғу тунда шундай лаззатланиб юрганини эшитиб мен жуда хайрон бўляпман". Махараж Парикшитнинг бу гапларини Шукадева Госвами мамнуният билан олқишлаб қабул қилди. Шукадева Госвамининг Махараж Парикшитнинг бу саволига берган жавоби ўзларини Кришнанинг ўрнида қўйиб ёш қиз-жувонлар билан лаззатланиб юрган майявади-имперсоналистларнинг жирканч одатларини кескин қоралайди.

Ведавий муқаддас китобларда келтирилган қонунларда эркак кишига ҳеч қачон ўзининг хотинидан бошқа бегона аёл билан жинсий алоқа қилиб лаззатланишга рухсат берилмаган. Кришна билан гопиларнинг бу ердаги ўзаро муносабатлари ана шу қонунга хилофдай бўлиб кўриняпти. Шукадева Госвамининг гапларидан бу муносабатларнинг қандай сатҳда эканини Махараж Парикшит дарров тушунган эди, лекин раса-рақсидаги Кришна билан гопиларнинг илоҳий табиатини яна ҳам чуқурроқ англаб етиш учун у бундан хайрон бўлаётганини айтганди. Дин қонунларини ўзларига ниқоб қилиб олган пракрити-саҳаджияларнинг аёллар билан ҳеч қандай тўсиқларга учрамай ўзаро алоқа қилиб юришларига чек қўйиш учун бу савол жуда зарур ва ўринли эди.

Махараж Парикшит бу ерда алоҳида аҳамиятга эга бўлган бир неча ибора ишлатади, уларни алоҳида изоҳлаб ўтиш жоиз. Биринчи ибора, *жуғуписитам* ибораси, - "жирканч" деган маънони англатади. Махараж Парикшитда гумон уйғотган биринчи нарса куйидаги ҳол эди: Кришна - Худонинг Олий Шахси. У бу оламга ҳақиқий дин қонунларини ўрнатиш учун келган. Шундай экан У нимага тун қоронғусида бегона аёллар билан рақсга тушиб, кучоклашиб, ўпишиб лаззатланиш билан вақтини ўтказиб юрибди? Ведавий муқаддас китобларнинг қонунларига кўра бундай ишлар таъқиқлаб қўйилган. Унинг Ўзи ҳам гопилар Унинг олдида келган заҳоти уларга дарров уйларига қайтиб кетишни маслаҳат берган эди. Агар Ведавий кўрсатмалар нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, бегона аёлларни ёки ёш қизларни чақариб улар билан бирга рақсга тушиб лаззатланиш такводор одам учун албатта

жирканч амал ҳисобланади. Нимага Кришна шундай ишга қўл урган бўлиши мумкин?

Бу ерда ишлатилган яна бир ибора *апта-кама*. Албатта, баъзилар шундай чиройли қизлар даврасида Кришнанинг шахвоний эҳтиросга берилиб кетиши табиий ҳол деб ўйлаши мумкин, аммо Махараж Парикшит бундай бўлиши мутлақо мумкин эмас деб айтяпти. Кришна шахвоний ҳирсга берилиб кетиши мумкин эмас. Биринчидан, моддий ҳисоб бўйича У ҳали энди саккиз ёшга тўлган эди. Бу ёшда ҳали ўғил болада шахвоний эҳтирос уйғонмайди. Апта-кама дегани Худонинг Олий Шахсининг Ўзи ҳамиша лаззатга тўла эканини билдиради. Ҳатто У қандайдир шахвоний эҳтиросга зарурат сезганда ҳам бу заруратни қондириш учун У ташқаридан бировларнинг ёрдамига муҳтож эмас. Кейинги савол қуйидагича: агар Унинг Ўзида шахвоний эҳтирос бўлмаса, балки Унга гопиларнинг кучли ҳирсий эҳтирослари таъсир қилгандир?

Махараж Парикшит кейин *йаду-пати* деган иборани ишлатади, бу ибора шуни англатадики, Кришна - Йадавалар сулоласидаги энг улуғвор Шахс. Йадавалар сулоласидан чиққан шоҳларнинг ҳаммаси тақводор зотлар бўлиб, уларнинг барча авлодлари ҳам шундай эдилар. Ана шундай улуғвор хонадонда дунёга келган Кришна, ҳатто чиройли гопилар таъсир қилаётган бўлса ҳам, қандай қилиб шахвоний ҳиссиётга берилиб кетиши мумкин? Буларнинг ҳаммасини таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкин-ки, ҳеч қачон Кришна бирор жирканч ишга қўл уриши асло мумкин эмас. Лекин нима сабабдан Кришна бундай қилганини Махараж Парикшит сира тушуна олмасди. Унинг бундан асосий мақсади нима эди?

Махараж Парикшит Шукадева Госвамига мурожаат қилаётиб ишлатган яна бир ибораси *суврата*, яъни "фақат эзгу ишлар қилишга қасам ичиш" деган маънони билдирадиган ибора эди. Шукадева Госвами билимдон браҳмачарий, шу боис унинг шахвоний эҳтиросларга берилишга ҳаққи йўқ эди. Браҳмачариларга жинсий алоқа бутунлай таъқиқланган, шундай экан Шукадева Госвамидай буюк браҳмачарий ҳақида нима дейиш мумкин? Аммо, раса-рақсидаги ҳолатлар Махараж Парикшитнинг қалбида ҳар хил гумон ва шубҳалар уйғотгани сабабли у буларни аниқроқ тушунтириб беришни Шукадева Госвамидан илтимос қиляпти. Шукадева Госвами дарров жавоб бериб айтдики, Олий Ҳукмдорнинг диний қонунларга хилоф иш тутиши Унинг буюк кудратидан далолат беради. Масалан, олов ҳар қандай ҳаром нарсани ўз домига ютиб юбориши мумкин, бу оловнинг ҳамма нарсадан устивор ҳолатда эканини билдиради. Худди шундай қуёш ҳам ахлат ёки

сийдикдан намликни сўриб олиши мумкин, - бу билан қуёш ҳаром бўлиб қолмайди; аксинча, қуёшнинг нури таъсири остида ифлос ва ҳаром жойлар ҳам мутлақо покланиб ҳалол бўладилар.

Кимдир эътироз билдириши мумкин, Кришна энг олий ишонарли Зот бўлгани учун ҳамма нарсада Ундан ўрнак олиш мумкин. Бунга жавобан Шукадева Госвами аниқ равшан қилиб айтдики, *ишваранам*, яъни Олий Ҳукмдор баъзан Ўз кўрсатмаларига риоя қилмаслиги мумкин, лекин бу Унинг издошларига эмас, балки фақат Ҳукмдорнинг Ўзигагина тааллуқлидир. Оддий тирик мавжудотлар ҳеч қачон Олий Ҳукмдорнинг ғайритабиий ишларига тақлид қилмаслиги керак. Шукадева Госвами огоҳлантириб айтдики, аслида бирор нарсани бошқариб юрмаган, бу дунёда шартланган ҳолда яшаётган руҳлар ҳатто тушларида ҳам Олий Ҳукмдорнинг ғайритабиий ишларига тақлид қилмаслиги керак. Қандайдир файласуф-майявади аслида бунга ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмаса ҳам, ўзини Худо яъни Кришна деб эълон қилиши мумкин, аммо аслида у ҳеч қачон Кришнанинг қилган ишларини қила олмайди. Албатта у ўзининг онгсиз, ғофил издошларини раса-рақсига тақлид қилишга ишонтириши мумкин, лекин у ҳеч қачон Говардхана тепалигини кўтара олмайди. Раса-рақсига тушиб лаззатланиш ниятида ўзини Кришна деб эълон қилиб издошларини лақиллатиб юрган жуда кўп қаллобларни бир неча марта кўрганмиз. Аксарият ҳолларда ҳуқумат ундай қаллобларнинг ишларини тўхтатиб қамоққа ташлаб, жазолайди. Бҳактивинода Тхакур ҳам Ориссада ўзини Вишнунинг бу дунёда намоён бўлган қиёфаси деб, ёш қизлар билан раса-рақсига тушиб юрган бир қаллобни жазолаган. Ўша пайтларда Бҳактивинода Тхакур қозилик лавозимида ишлаган, ҳуқумат унга ўша қаллобнинг ишини кўриб чиқишни буюрганида, у ўша қаллобни қаттиқ жазолаган. Кришнанинг раса-рақсига ҳеч ким тақлид қила олмайди. Шукадева Госвами огоҳлантириб айтяптики, оддий инсон Унга тақлид қилишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаслиги керак. У эслатиб қўйяптики, агарда кимдир ўзининг нодонлиги туфайли Кришнанинг раса-рақсига тақлид қилишга ҳаракат қилса, у худда бир океан заҳарни ичган Тангри Шивага тақлид қилмоқчи бўлган киши сингари албатта ҳалокатга учрайди. Тангри Шива бир океан заҳарни ичиб, уни ўзининг томоғида ушлаб турган эди. Заҳар таъсирида унинг бўйни кўкариб кетди, шунинг учун Тангри Шивани *Нилакантха* деб атайдилар. Аммо агар оддий одам Тангри Шивага тақлид қилишга ҳаракат қилиб заҳар ича бошласа ёки ганджа чека бошласа, у албатта қаттиқ адашиб, тез орада ҳалок бўлади.

Парвардигор Кришнанинг гопилар билан эрмаклари алоҳида шароитда бўлиб ўтган эди.

Гопиларнинг аксарият кўпчилиги аввалги ҳаётида Ведаларни чуқур ўрганган буюк донишмандлар эдилар, Парвардигор Кришна бу дунёда Парвардигор Рамачандра киёфасида намоён бўлганида улар Парвардигор билан бирга бўлиб лаззатланиш истагини билдирган эди. Парвардигор Рамачандра уларнинг истагини бу дунёга Парвардигор Кришна киёфасида келганида рўёбга чиқаришга ваъда берган эди. Яъни гопилар Парвардигор Кришна билан бирга бўлиб лаззатланиш истагини қалбларининг тўрида жуда узоқ вақтлардан бери авайлаб-асраб келардилар. Шу тариқа улар фаришта Катяянига илтижо қилиб Кришнага эрга чиқишни тилаган

эдилар. Шунингдек бошқа ҳолатлар ҳам Кришнанинг олий ҳукмдор эканидан ва У бу моддий оламнинг қонун-қоидаларига боғланмаган эканидан далолат бериб турибди. Алоҳида ҳолатларда У Ўзининг бхакталарига алоҳида марҳамат кўрсатиш учун, ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмасдан Ўз билганича ҳаракат қилади. Бунга фақат Унинг Ўзигина қодир ва ҳақли, чунки У - Олий Ҳукмдор. Оддий одамлар Парвардигор Кришнанинг "Бхагавад Гита"да берган насиҳатларига амал қилиб яшаши, Парвардигор Кришнанинг раса-раксига тақлид қилишни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаслиги керак.

Парвардигор Кришна Говардхана тепалигини кўтарган, Путаана ва бошқалар сингари жуда кўп иблисларни ўлдирган, албатта бундай ишларнинг ҳаммаси ғайритабиий, мўъжизавий ишлардир. Худди шундай раса-раксини ҳам оддий дунёвий фаолият деб қарамаслик керак ва бирор оддий одам бундай раса раксига тақлид қилмаслиги керак. Худди Аржундай, инсон ҳаётда ўз бурчини Кришнани мамнун қилиш ниятида бажариб яшаши лозим; у мана шунга тўла ҳақли. Аржун жангчи авлодидан эди, Кришна унинг ўзи учун эмас, балки Худони, Кришнани мамнун қилиш ниятида жангга киришини истаган эди. Гарчи Аржун аввалига аввалига ўзи учун жанг қилишни истамай турган бўлса ҳам, Аржун Кришнани мамнун қилиш учун албатта жанг қилишга рози бўлди. Оддий одамларнинг ҳаётда албатта қандайдир бурчи, вазифаси бўлиши керак. Улар қўлидан келмайдиган ишга қўл урмаслиги, Кришнага тақлид қилиб раса-раксига тушиш билан ўз ажалини яқинлаштириб юрмаслиги лозим. Шунини яхши билиш лозимки, Кришна Ўз содиқларининг бахти учун қилаётган бундай ишларидан шахсан Ўзи бирор манфаат кўзлаётгани йўқ эди. "Бхагавад Гита"да айтилганки: *на мам кармани лимпанти* -

Кришна ҳеч қачон Ўз фаолиятининг натижаларидан лаззатланмайди ҳам, улар оқибатида азобланмайди ҳам. Шунинг учун У ҳеч қачон бирор ҳақиқий дин қонунларига зид амал қилиши мумкин эмас. У ҳамиша ҳар қандай фаолиятга ҳамда барча диний қонунларга нисбатан илоҳий даражада бўлади. Моддий табиат гуналари Унга ўз таъсирини ўтказмаймайди. У - инсонлар жамиятидаги, жаннатий сайёралардаги фаришталар жамиятидаги ва қуйи ҳаёт шаклидаги барча тирик мавжудотларнинг Олий Ҳукмдори. У - барча тирик мавжудотларнинг ва моддий табиатнинг Олий Ҳукмдори; шунинг учун Унинг диний қонунларга ёки динсизлик, иймонсизлик қоидаларига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шукадева Госвами гапини давом эттириб яна шунини айтадики, шартланган ҳолатдан тўла покланган буюк донишмандлар ва бхакталар Худонинг Олий Шахси Кришнани ҳамиша ўз қалбида олиб юрганлари туфайли ҳатто моддий табиат иллатлари орасида ҳам эркин ҳаракат қила оладилар. Шундай қилиб, уларга бу дунёда моддий табиат гуналари таъсиридан лаззатланиш ва азобланиш қонуни ўз таъсирини ўтказмаймайди. Шундай экан, бу дунёда ҳамиша Ўзининг ички қуввати ёрдамида намоён бўладиган Кришнага карма қонунлари қандай таъсир қилиши мумкин?

"Бхагавад Гита"да Парвардигор аниқ айтганки, У бу дунёда Ўзининг ички қуввати ёрдамида намоён бўлади; карма қонунлари худди оддий одамларни мажбур қилгандай, Уни қандайдир моддий тана олишга мажбур қила олмайдир. Бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишларининг оқибатига мос келадиган маълум бир турдаги тана олишга мажбур. Аммо Кришна бу дунёда намоён бўлганида У аввалиданок Ўзининг мангу руҳий танасида бўлади; Уни аввалги қилмишларига яраша тана олишга ҳеч ким мажбур қила олмайдир. Унинг танаси - Ўзининг ички қуввати ёрдамида намоён этадиган илоҳий эрмакларини ўтказувчи воситадир. У карма қонунлари билан боғланган эмас. Монист-майявадилар табиат қонунларига бўйсунган ҳолда маълум бир танани олишга мажбур бўладилар; шунинг учун уларнинг Кришна билан, Парвардигор билан бирмиз деб даъво қилишлари шунчаки қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас. Ўзларини Кришна билан бир деб даъво қилиб раса-раксига тушиб юрадиган одамлар оддий одамларни жуда қийин аҳволга солиб кўядилар. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна гопиларнинг, уларнинг эрларининг қалбида Олий Руҳ киёфасида ҳамиша мавжуд. У барча тирик мавжудотларнинг ҳаракатини бошқариб туради,

бу ҳақиқат "Катха упанишад"да ҳам тасдиқланган: *нитйо нитйанам четанаиш четананам* - Олий Рух алоҳида рухнинг ҳаракатларини бошқариб туради, Унинг Ўзи ҳамма ҳаракатларни амалга оширади, Унинг Ўзи ҳамма нарсага гувоҳ бўлиб туради.

"Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланганки, Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, ҳар қандай ҳаракат, хотира ва унутиш Ундан чиқади. У - азалий шахс ва ведалар илмининг якуний мақсади. У Веданта фалсафасининг муаллифи, шу боис У Ведаларни мукамал биладиган Зотдир. Ўзларини ведантист ҳисоблаб, Ведалар илмининг билимдони деб юрган майявадилар аслида Кришна ким эканини билишга қодир эмаслар; улар Кришнанинг ишларига кўр-кўрона тақлид қилиб, ўзларининг издошларини нотўғри йўлга бошлайдилар. Кришна - ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Рухи, - ҳамиша унинг қалбида мавжуд, шундай экан, агар Унинг Ўзи кимнидир яхши кўрса ёки кимнидир кучокласа, қандайдир одоб қонунларининг бузилиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Баъзиларда шундай савол туғилади: агар Кришна Ўзига тўла бутун бўлса, нима сабабдан У гопилар билан Ўз эрмакларини намоён этиб бу дунёнинг ахлоқшуносларини безовта қилади? Гап шундаки, Кришнанинг бундай ишлари Унинг адашган шартланган рухларга кўрсатган алоҳида марҳаматидир. Гопилар - Унинг ички қувватининг тимсолларидир, Кришна Ўзининг раса-раксини намоён этишни истагани учун улар оддий одамлар қиёфасига кириб Кришна билан бирга бу оламга келган. Моддий оламдаги лаззат охир-оқибатда эркак билан аёлнинг ўзаро жинсий алоқаси билан боғлиқ бўлади. Эркаклар ҳаётда аёлларнинг кўзига яхши кўриниш учун яшайдилар, аёллар эса эркакларни ўзига мафтун этиш учун яшайдилар. Моддий оламдаги ҳаётнинг асосий қонуни шундан иборат. Мана шу ўзаро интилиш туйғулари бирлашган заҳоти одамлар дунёвий ҳаётга яна ҳам қаттиқроқ боғланиб қоладилар. Одамларга Ўзининг алоҳида марҳаматини намоён этиш учун Кришна бу оламда Ўзининг раса-раксини намоёиш этган, У шартланган рухларни Ўзига жалб этиш учунгина шундай қилди. Шартланган рухлар жинслар орасидаги яқин муносабатларга шунчалик қизиқар эканлар, улар Кришна билан шундай алоқа қилиш орқали ҳам моддий оламдаги шартланган ҳаёт чангалидан озодликка чиқишлари мумкин. "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи кўшиғида Махараж Парикшит тушунтириб айтганки, Парвардигор Кришнанинг эрмаклари ва кўрсатган кароматлари - шартланган рухлар учун дармон, дори ҳисобланади. Агар улар шунчаки Кришна

ҳақидаги ҳикояларни мунтазам равишда тинглаб юрсалар ўзлари мубтало бўлган моддийлик касалидан халос бўладилар. Одамлар одатда моддий лаззатларга берилиб, дунёвий муҳаббат ҳақидаги китобларни ўқишни ёқтирадилар, аммо Кришнанинг гопилар билан илоҳий табиатга эга бўлган ўзаро муносабатлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, улар моддий иллатлардан халос бўладилар.

Шукадева Госвами одамлар бундай ҳикояларни кимдан, қандай кайфиятда тинглаши лозимлиги ҳам тушунтириб кетган. Бу ишнинг оғирлиги шундан иборатки, бутун оламни майявадилар босиб кетган, улар "Шримад Бхагаватам"ни тиловат қилишни ўзларининг кун кечирини, тирикчилик қилиш воситасига айлантириб олганида, уларнинг фикрлари бошқаларга қанчалик кучли таъсир қилишини билмаган ҳолда оддий одамлар "Шримад Бхагаватам"ни уларнинг оғзидан тинглаб юрадилар, натижада уларнинг онги ҳам майя(алданиш) билан булғанади. Оддий одамларга Кришнанинг раса-раксини муҳокама қилиш таъқиқланган, чунки улар майявадиларнинг фалсафаси таъсирига берилиб кетганлар, аммо руҳий камолот чўққисига кўтарилган одам "Шримад Бхагаватам"ни тушунтирганида, уни шундай одамнинг оғзидан тинглаган одамлар шубҳа йўқки аста-секин Кришнани англаш даражасига кўтариладилар ва моддий иллатларга ботган дунёвий ҳаётдан руҳий озодликка эришадилар.

Бу ерда яна шуни айтиб ўтиш керакки, Кришна билан рақсга тушган барча гопиларнинг моддий таналари йўқ эди. Улар Кришна билан ўзларининг руҳий таналарида рақсга тушган эдилар. Уларнинг эрлари ҳам ўз хотинларини ёнида ётибди деб ўйлардилар. Гопиларнинг эрларини Кришнанинг ташқи қуввати алдаб, чалғитиб қўйган эди. Ана шу қувват таъсир остида улар хотинларининг Кришна билан рақс тушишга кетганини тушуна олмас эдилар. Шундай экан, Кришнани бегона аёллар билан рақс тушишда айблагга бирор асос бўлиши мумкинми? Гопиларнинг ўз эрларига тегишли бўлган моддий танаси эрлари билан бирга тўшакда ётарди, лекин Кришнанинг ажралмас заррачаси бўлган руҳий таналари Кришна билан бирга рақсга тушарди. Кришна Олий Шахс, пок рух бўлган ҳолда гопиларнинг руҳий таналари билан рақс тушаётган эди. Шунинг учун Кришнани бирор ишда айблагга ҳеч қандай асос йўқ.

Раса рақси тамом бўлгандан кейин, "Бхагавад Гита"да айтилганидай Тангри Брахманинг жуда узоқ давом этган туни *брахма-мухурта* даврига ўтди. *Брахма-мухурта* тахминан куёш чиқишига бир ярим соат

қолганда бошланади. Рухий юксалиш йўлига кирган одамга мана шу вақтда уйқудан туриб, ювиниб-покланиб *мангала-арати* ўтказиб, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб, рухий машғулотлар билан шуғулланишга киришиш тавсия қилинади. Мана шу вақтда рухий фаолият билан шуғулланиш инсонга жуда катта самара беради. Ана шундай шарофатли вақт кириб келганида Кришна гопилардан энди ҳар ким ўз уйларига қайтишни илтимос қилди. Кришна билан бирга қолишни жуда истаб турган бўлишига қарамай, гопилар Кришнага итоаткорлик билан бўйсунар, шу боис Унинг учун жуда азиз эдилар. Кришна улардан илтимос қилган заҳоти улар уйларига қайтиб кетдилар. Шукадева Госвами раса-ракси ҳақидаги ҳикоясини тамомлар экан айтадики, агар одам ишонарли манбадан Кришна, яъни Вишну билан Унинг экспансиялари бўлган гопиларнинг ўзаро эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тингласа, у бу дунёдаги энг хавfli касалликдан - шахвоний хирс касаллигидан халос бўлади. Агар одам ҳақиқатан ҳам Кришнанинг раса-лиласини диққат билан тингласа, у жинсий алоқадан лаззатланишга интилиш туйғусидан бутунлай покланиб, рухий юксалишнинг энг юксак поғонасига кўтарилади. Одатда одамлар майявадиларнинг гапларини тинглагани, ўзлари ҳам майявади бўлгани сабабли жинсий алоқадан лаззатланишга тобора чуқурроқ ботиб кетадилар. Шартланган рух Кришнанинг раса-лиласи ҳақида ҳақиқий рухий устоз оғзидан тинглаши ва ундан Кришнанинг бу эрмагининг асл моҳиятини тўғри тушуниб олишни ўрганмоғи лозим; инсон шу йўл билан рухий юксалишнинг энг юксак поғонасига кўтарила олади. Акс ҳолда у йўлдан адашиб кетади. Моддий шахвоний хирс - шартланган рухнинг юрак касалидир, ана шу моддий хасталикдан даволаниш учун фаросатли одам қаллоб-имперсоналистлардан эмас, Парвардигорнинг соф бхактаси бўлган ҳақиқий рухий устоздан Кришнанинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаши лозим. Агар одам ишонарли манбадан, тўғри кайфият ва тасаввур билан тингласа, унинг эришадиган ҳолати бутунлай бошқача бўлади.

Рухий ҳаётни тўғри тушунган кишининг ҳолатини ифодалаш учун Шукадева Госвами *шраддханвита* иборасини ишлатган. *Шраддха*, яъни "ишонч" - бу биринчи қадам. Кришна - Худонинг Олий Шахси, Олий Рух эканинга қалбида чуқур иймон келтирган киши Кришна ҳақида гапиришни ҳам билади, тинглашни ҳам билади. Шукадева Госвами кейин *анушринуйат* иборасини ишлатади. Инсон Кришна ҳақидаги ҳикояларни рухий устозлар силсиласида, парампарада турган зотдан тинглаши лозим. *Ану* дегани "изидан бориш", *шринуйат* - "ҳамиша"

деган маънони англатади. Яъни, одам рухий юксалиш йўлида ҳамиша парампарага мансуб зотлар изидан бориши, ташқаридан, бошқаларга рухий илм ўргатишни ўзининг тирикчилик воситаси қилиб, ўзига касб қилиб олган Худога садоқатдан бегона одамларнинг, майявадиларнинг ёки оддий одамларнинг Худо ҳақидаги гапларини тингламаслиги керак. *Анушринуйат* ибораси шуни билдирадики, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни парампарада турган, ҳамиша ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган ишонарли одамнинг оғзидан тинглаш лозим. Агар инсон Кришна ҳақида ана шундай тартибда тинглашни истаса - тинглашдан эришиладиган ижобий натижа ҳам кафолатланган бўлади. Раса-лила ҳақидаги ҳикояни тинглар экан, инсон рухий ҳаётнинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлади.

Шукадева Госвами бу ерда икки аниқ иборани ишлатган - *бхакти* ва *парам*. *Бхакти парам* ибораси Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошланғич ҳолатдан анча юқори поғонада эканини билдиради. Худога фақат эҳромларда сиғинишга боғланиб қолган, ҳали бхакти фалсафасини яхши тушунмайдиган одамлар ҳали Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошланғич поғоналарида юрган содиқлар ҳисобланадилар. Бхактининг бу тури ҳали рухий баркамоллик эмас. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш, яъни соф бхакти, ҳар қандай моддий иллатлардан бутунлай пок бўлади. Моддий иллатнинг энг хатарли, энг хавfli тури - шахвоний хирс, яъни жинсий алоқа билан лаззатланишга интилиш иллатидир. Бхакти парам поғонасида Худога садоқат билан хизмат қилиш шундай кудратга эга бўладики, содиқ бу йўлда қанча юксала борса, у дунёвий ҳаёт лаззатларидан шунчалик юз ўгира бошлайди. Кришнанинг раса-лиласи ҳақидаги ҳикояни тинглашдан тўғри хулоса чиқариб олган содиқ шубҳасиз илоҳий поғонага кўтарилади. Унинг қалбини шахвоний хирс туйғуси албатта бутунлай тарк этади.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур таъкидлайдики, "Бхагавад Гита"да айтилишига кўра Тангри Браҳманинг тунни ва кунни тўрт миллион уч юз куёш йилининг мингга кўпайтмасига тенг. Вишванатха Чакраварти Тхакурнинг фикрига кўра раса-ракси Тангри Браҳманинг бутун тунни бўйича давом этган, аммо гопилар буни сезмаганлар. Уларнинг истагини рўёбга чиқариш учун Парвардигор Кришна бу тунни шунча узайтириб қўйган эди. Кимдир бунга шубҳа қилиши мумкин: Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? Аммо, Вишванатха Чакраварти Тхакур бизларга эслатиб қўядики, Кришна гарчи онаси Уни арқон билан боғлаб қўйган бўлса ҳам, оғзини

очиб, онасига оғзининг ичида бутун коинотни кўрсатган эди. У қандай қилиб бунга қодир бўлганди? Гап шундаки, Парвардигор Кришна Ўзининг бхакталарини мамнун қилиш учун ҳар нарсани қилишга қодир. Худди шундай гопилар Кришна билан рақсга тушиб лаззатланишни истаганлари учун Кришна уларга шунча узоқ вақт У билан бирга бўлиш имконини яратиб берди. Кришна шу тариқа Ўз сўзининг устидан чиққан эди. Гопилар Йамуна қирғоғидаги Чирагхатада сувда чўмилаёт пайтда Кришна уларнинг кийимларини ўғирлаб қўйганида келаси йили куз тунларнинг бирида уларнинг истагини рўёбга чиқаришга ваъда берган эди. Шу ваъдага кўра улар Кришна билан худди ўзларининг севимли эрларидай узун бир тун давомида бирга бўлиб лаззатландилар, бу тун оддий тунлардан эмас эди. Бу тун Тангри Браҳманинг тунидай узун бўлиб, миллион миллион йиллар давом этди. Кришна ҳамма нарсага қодир, чунки У - Олий Ҳукмдор.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Раса рақси" деб аталадиган ўттиз иккинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

### **33. Видйадхарани озодликка чиқариш ва иблис Шанкхасура устидан ғалаба**

Бир куни Нанда Махараж бошлиқ Вриндаванлик подачилар *Шиваратри* маросимини нишонлаш учун Амбикаванга бормоқчи бўлдилар. Раса-лила куз пайтида бўлиб ўтган эди, шундан кейин *Холи*, яъни *Долайатра* деган катта байрам нишонланади. Долайатра билан раса-лила орасида Шиваратри деб аталадиган жуда муҳим сиғиниш маросими бор бўлиб, унга айниқса шиваитлар, Тангри Шиванинг содиқлари жуда катта эътибор берадилар. Баъзан бу маросимни вайшнавлар ҳам нишонлайдилар, чунки Кришнанинг содиқлари Тангри Шивани энг буюк вайшнав деб ҳисоблайдилар. Аммо Кришнанинг бхакталари Шиваратрига унчалик катта эътибор бермайдилар. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"да "Нанда Махараж бошлиқ подачилар "кунларнинг бирида" бу маросимни ўтказишни истаб қолдилар" деб ёзилган. Демак, улар бу маросимни мунтазам ўтказиб юрмаганлар, шунчаки бир куни қизиқиб қолиб Амбикаванга шу маросимни нишонлаш учун боришни истаб қолганлар. Амбикаван - Гуджарат вилоятида жойлашган шаҳар. Яна

айтилганки, у Сарасвати дарёси бўйида жойлашган, аммо Сарасвати Гуджаратдан оқиб ўтмайди. У ерда биргина дарё бўлиб, у ҳам бўлса Савармати. Ҳиндистондаги барча муқаддас зиёратгоҳлар *Ганга*, *Йамуна*, *Сарасвати*, *Нармада*, *Годавари* ва *Кавери* сингари чиройли дарёлар бўйида жойлашган. Амбикавана ҳам Сарасвати дарёси бўйида жойлашган, Нанда Махараж бошлиқ подачилар ҳам шу жойга йўл олдилар.

Бу ерга келиб улар Тангри Шива ва Амбиканинг Илоҳларига чуқур эҳтиром кўрсатдилар. Одатда Тангри Шиванинг эҳроми бор жойда албатта яна бир эҳром - Амбиканинг(яъни фаришта Дурганинг) эҳроми ҳам бўлиши шарт, чунки Амбика Тангри Шиванинг рафикаси бўлиб, аёллар ичида энг улуғвор ва энг покдомон аёл ҳисобланади. У ҳеч қачон ўзининг эридан узоқ жойда яшамайди. Амбикаванга келиб вриндаванлик подачилар аввалига Сарасвати дарёсида чўмилиб покландилар. (Агар одам бирор муқаддас жойга зиёратга борса, унинг биринчи вазифаси - муқаддас сувда чўмилиб покланиш, баъзида соч-соқолини олдиришдан иборат). Поклангандан кейин подачилар Илоҳларга эҳтиром кўрсатиб сажда қилдилар, кейин шу ердаги одамларга хайр-эҳсон улашдилар.

Ведаларга асосланган маданиятга кўра садақани браҳманларга бериш лозим. Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилиши бўйича фақат браҳманлар ва саннийасилар бошқа одамлардан садақа олишлари мумкин. Вриндаванлик подачилар браҳманларга олтин тақинчоқлар ва чиройли гулчамбарлар билан безатилган сигирлар садақа қилдилар. Одатда браҳманларга ҳар хил эҳсонлар садақа қиладилар, чунки улар ҳаётда бирор моддий фойда келтирадиган иш билан шуғулланмайдилар. Улар бутун ҳаётини браҳманлар учун мўлжалланган фаолиятга бағишлайдилар, бундай фаолият турлари "Бхагавад Гита"да кўрсатилган: улар муқаддас китобларни чуқур ўрганиши, тавба-тазарру қилиб риёзат чекиб яшаши лозим. Улар ўзлари ўрганган Ҳақиқат илмини бошқа одамларга ҳам ўргатишлари лозим. Браҳманлар фақат ўзларигина ҳақиқий браҳман даражасига етиб қолмасдан бошқа фаросатли, қобилиятли одамларни ҳам ҳақиқий браҳман қилиб тайёрлашлари керак. Браҳманга шогирд бўлиш истагини билдирадиган одам топилса, унга ҳам браҳман даражасига кўтарилиш имкони берилади. Браҳман бутун умрини Парвардигор Вишнуга сиғиниб яшашга бағишлаши лозим. Шу боис браҳманлар Худо йўлида қилинган ҳар қандай эҳсонларни қабул қилишга муносиб одамлар ҳисобланади. Лекин браҳман одамлардан жуда кўп эҳсон қабул қилса, у ўз

эхтиёжидан ортган мол мулкининг ҳаммасини Парвардигор Вишнуга хизмат қилиш йўлида сарфлаши лозим. Шунинг учун ведавий муқаддас китобларда одамларга Худо йўлида бериладиган садақаларни браҳманларга бериш тавсия қилинган, шунда садақа берган одамларнинг ҳаммаси ягона Парвардигор Вишнунини ва барча фаришталарни мамнун қилган бўладилар.

Зиёратга келган одамлар чўмилиб покланадилар, Илоҳларга сажда қиладилар ва шу ердаги браҳманларга хайр-садақа улашадилар; шунингдек, зиёратга келганларга шу ерда бир кун оч юриб рўза тутиш тавсия этилади. Муқаддас зиёратгоҳга келган зиёратчилар шу ерда камида уч кун қолишлари лозим. Биринчи кун улар рўза тутадилар, кечкурун улар озгина сув ичишлари мумкин, чунки сув ичиш билан рўза очилмайди.

Нанда Махараж бошлиқ подачилар биринчи тунни Сарасвати дарёси соҳилида ўтказдилар. Улар кун бўйи рўза тутиб, кечкурун озгина сув ичдилар. Улар дам олиб ётар экан, шу ерга яқин ўрмондан катта бир илон чиқиб келди-да, очкўзлик билан Нанда Махаражни ўз домига тортиб, ичига юта бошлади. Нанда Махараж ночор аҳволда қолиб, ёрдам сўраб кичкира бошлади: "Азизим Кришна, илтимос, келақол, мени бу фалокатдан қутқар! Бу даҳшатли илон мени ичига ютиб юборяпти!" Нанда Махаражнинг ёрдамга чақираётган овозидан бошқа подачилар уйғониб кетдилар ва нималар содир бўлаётганининг гувоҳи бўлдилар. Улар дарров қўлларига гулхандан учи ёниб турган гўлаларни олиб, илонни ўлдиришга уриниб, хар томондан уни калтаклай бошладилар. Лекин ёниб турган катта-катта таёқлар билан танасига кетма-кет зарба тегаётганига қарамай илон Нанда Махаражни ичига ютишда давом этарди.

Шу пайт Кришна пайдо бўлди ва илонга Ўзининг нилуфарсимон оёқларини текказди. Кришнанинг нилуфар пойи қадамлари тегиши билан илон ўзининг баҳайбат илон танасини тарк этиб, Унинг олдида *Видйадхара* деган чиройли фаришта киёфасида намоён бўлди. У шундай чиройли эдики, худди сажда қилса арзигудек улуғвор киёфада эди. Унинг танаси ярқираб, бутун атрофга нурафшон нур таратиб турарди. Бўйнига олтин маржон тақилган эди. У Парвардигор Кришнага чуқур эҳтиром билан сажда қилиб, Унинг олдида жуда камтарин ҳолда қўл қовуштириб турди. Шунда Кришна фариштадан сўради: "Кўринишингга қараганда равнақ фариштасининг марҳаматига сазовор бўлган чиройли фариштага ўхшайсан. Қандай қилиб сен шунчалик жирканч бир иш қилиб қўйдингки, унинг оқибатида мана шундай ярамас илон танасига эга бўлиб қолгансан?"

Шунда фаришта ўзининг аввалги ҳаёти ҳақида гапира бошлади: "Эй азиз Худойим, - деди у, - аввалги ҳаётимда менинг отим Видйадхара эди, мен бутун оламга ўзимнинг гўзаллигим билан машхур эдим. Шухратим бутун оламга таралгани учун мен ўзимнинг ҳаво кемамда ҳамма жойда бемалол сайр қилиб юрардим. Ана шундай сайрларнинг бирида мен Ангира Муни деган бир буюк донишмандни учратиб қолдим. У жуда хунук, бадбашара зот эди, мен эса гўзаллигимдан мағрурланиб, манманлик билан уни масҳара қилиб устидан кулдим. Ана шу гуноҳим учун буюк донишманд мени дуои бад қилиб қарғади. Шундай қилиб мен илон танасига эга бўлдим".

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, одам қанчалик юксак поғонага кўтарилмасин токи Кришна унга Ўз марҳаматини кўрсатмас экан у ҳамиша моддий табиат гуналари таъсири остида сарсон бўлиб юраверади. Видйадхара буюк фаришта бўлиб, моддий жихатдан жуда юкори поғонага кўтарилган эди. Бунинг устига у жуда чиройли эди. Шунча юксак мартабага эга бўлиб, истаган жойида сайр қилиш имконияти бўлганига қармай у қарғишга учраб, кейинги ҳаётида илон танасида туғилишга мажбур бўлди. Ҳозирги ҳаётида моддий жихатдан энг юксак поғонага кўтарилган хар қандай одам ҳам агар жуда эҳтиёткор бўлмаса, кейинги ҳаётида энг тубан, жирканч ҳаёт шароитига тушиб қолиши мумкин. Инсон танасида туғилгандан кейин тирик мавжудот ҳаётнинг қуйи турларига тушиб қолмайди, деган таълимот асоссиз, нотўғри таълимотдир. Видйадхаранинг ўзи айтяптики, аввалги ҳаётида фаришта бўлганига қарамай, содир қилган гуноҳи учун жазоланиб, ҳозир у илон танасида туғилишга мажбур бўлган. Лекин танасига Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи тегиши биланок у дарров Кришна онгига эга бўлди. Ҳозир у аввалги ҳаётида гуноҳкор зот бўлганини тан олиб турарди. Кришна онгига эга бўлган киши биладики, у ҳамиша - Кришнанинг хизматкорининг хизматкори, ўзи аслида ҳеч нарсага қодир эмас, у ўзи қилаётган хар бир ишга фақат Парвардигор Кришнанинг ва рухий устозининг марҳамати билангина қодир бўляпти.

Фаришта Видйадхара Шри Кришнага ўз тарихини гапиришда давом этарди: "Ўз танамнинг ғайритабиий гўзаллигидан мағрурланиб, мен буюк донишманднинг юзининг хунуклиги устидан кулдим, шу боис у мени дуои бад қилди. Шу тариқа мен илон бўлиб қолдим. Энди эса ўша буюк донишманднинг қарғиши аслида ҳеч қандай дуои бад эмаслигини тушуниб турибман. Бу қарғиш аслида мен учун чексиз бахт келтирадиган оқ фотиҳа экан. Агар у мени қарғамаса мен илон танасига эга

бўлмасдим, унда Сен Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойини менга текказмаган ва мени барча моддий иллатлардан бутунлай покламаган бўлардинг".

Бу моддий оламда яшаганда тўрт нарса жуда қадрланади: 1. Муносиб хонадонда туғилиш; 2. Мол-дунёга эга бўлиш; 3. Билимдонлик; 4. Гўзаллик. Моддий бойлик деганда асосан мана шулар назарда тутилади. Бахтга қарши, агар одам Кришна онгига эга бўлмаса, мана шу моддий бойлик одамнинг гуноҳ ишларининг манбаи бўлиб, келажакда унинг тубанликка юз тутишига сабаб бўлади. Видйадхара фаришта эканига, чиройли танага эга бўлишига қармай манманлиги учун илон танасида туғилишга маҳкум этилган эди. Илонлар энг шафқатсиз ва ҳасадгўй тирик мавжудотлар ҳисобланади; инсон танасига эга бўла туриб бошқаларга ҳасад қиладиган одамлар эса илондан ҳам пасткаш, жирканч гуноҳкор зотлар ҳисобланади. Ҳар хил мантра ва гиёҳлар билан илонларни қўлга ўргатиб уларни бошқариш мумкин. Ҳасадгўй одамни эса ҳеч ким бошқара олмайди.

"Эй азиз Худойим, - давом этди Видйадхара, - энди, барча гуноҳларим оқибатидан бутунлай халос бўлганимдан кейин, Сендан ўз даргоҳимга, жаннатий сайёрага қайтиб кетишимга ижозат беришингни илтимос қиламан". Унинг бу илтимоси шуни кўрсатиб турибдики, жаннатий сайёраларга эришиш ниятида кармали фаолиятга қаттиқ боғланиб қолган одамлар Худонинг Олий Шахсининг рухсатисиз инсон ҳаётининг якуний мақсадини англаб ета олмайдилар. "Бхагавад Гита"да айтилганки, бефаросат, калтафаҳм одамлар моддий бойликка интилиб яшайдилар, шу боис улар фаришталарга сиғинадилар, лекин аслида улар фақат Парвардигор Вишну, яъни Парвардигор Кришнанинг рухсати билан фаришталарнинг марҳаматига сазовор бўладилар. Фаришталар ўз хоҳиши билан моддий бойлик ато этишга қодир эмаслар. Ҳатто моддий бойликка интилаётган одамлар ҳам Кришнага, Худонинг Олий Шахсига сиғиниб, Ундан ёрдам сўраши мумкин. Кришна ҳатто моддий истакларни ҳам энг олий даражада рўёбга чиқарадиган Зотдир. Лекин моддий истакларни рўёбга чиқаришни тилаб фаришталарга сиғиниш билан Кришнага сиғиниш орасида катта фарқ бор. Дхрува Махараж моддий истакларининг рўёбга чиқишини тилаб Худонинг Олий Шахсига сажда қилган эди, аммо Парвардигорнинг марҳаматига эришганида у бундан шунчалик мамнун бўлиб кетган эдики, қалбидаги моддий истакларининг ҳаммасидан бутунлай воз кечиб юборди. Фаросатли одам фаришталарга сиғиниб,

уларнинг марҳаматини тилаб юрмайди; у тўғридан тўғри Кришнага мурожаат қилади, ҳаётда Кришна онги билан яшайди. Худони, Кришнани англаб етган одам ҳатто қалбида бирор моддий истаги қолган бўлса ҳам унга эришиш учун фаришталарга эмас, Парвардигор Кришнага мурожаат қилади.

Жаннатий сайёраларга қайтиб кетиш учун Кришнадан рухсат сўраб, Видйадхара шундай деди: "Сенинг нилуфар қадамлари пойи тегиши билан мен барча моддий мусибатлардан халос бўлдим. Сен - барча сеҳргарлар ичида энг қудратлисисан. Сен - Худонинг бошланғич Олий Шахсисан. Сен - барча бхакталарнинг ҳукмдорисан. Барча сайёралар тизимини яратувчи Сенсан, шунинг учун мен Сендан кетишга рухсат сўраб турибман. Билиб қўйки, мен ўз ихтиёримни бутунлай Сенга топширдим. Мен жуда яхши биламанки, ҳамиша Сенинг муқаддас номларингни зикр қилиб юрган одамлар ўзларининг барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўладилар, Сенинг нилуфар пойи қадамларинг тегишига муяссар бўлган зотлар ҳам албатта руҳий озодликка чиқадилар. Шу боис мен аминманки, Сенинг нилуфар пойи қадамларинг теккани шарофати билан мен браҳманнинг қарғиши оқибатидан бутунлай покландим".

Шундай қилиб, Видйадхара Парвардигор Кришнадан жаннатий сайёралардан бирига қайтиб кетишга рухсат олди. Кришна рухсат бергандан кейин у Кришнанинг атрофини тавоф қилиб уч марта айланди, кейин чуқур эҳтиром билан Унинг олдида сажда қилиб, ўзининг жаннатий сайёсига кўтарилиб кетди. Шундай қилиб, Нанда Махараж даҳшатли илоннинг чангалидан қутулиб қолди.

Тангри Шива ва фаришта Амбикага сиғиниш маросимини ўқизиш ниятида бу ерга келган подачилар ўз ишларини тамомлаб Вриндаванга қайтиб кетишга ҳозирлана бошладилар. Йўл-йўлакай улар Кришнанинг ғайритабиий кароматини эслаб суҳбатлашиб кетдилар. Видйадхарани озодликка чиқариш воқеаси ҳақида суҳбатлашар экан улар Кришнага яна ҳам қаттиқроқ боғланиб қолдилар. Улар бу ерга Тангри Шива ва фаришта Амбикага сиғиниш маросими ўтказиш учун келган эдилар, лекин ўзлари Кришнага яна ҳам қаттиқроқ боғланиб қолдилар. Худди шундай, гопилар ҳам Кришнага яна ҳам қаттиқроқ боғланиш учун фаришта Катаянига сажда қилиб сиғингандилар. "Бхагавад Гита"да айтилганки, қандайдир шахсий манфаатларига эришиш ниятида Тангри Браҳма, Тангри Шива, Индра ва Чандра сингари фаришталарга сиғинишга интиладиганлар фаросатсиз, калтафаҳм одамлар бўлиб, аслида улар инсон ҳаётининг ҳақиқий,



якуний мақсади нимадан иборат эканини эсидан чиқариб қўйган зотлардир. Аммо подачилар ва Вриндаванда яшайдиган бошқа одамлар оддий инсонлар эмас, улар нима иш қилсалар ҳам ҳаммасини Кришна учун қилардилар. Агар инсон Кришнага яна ҳам қаттиқроқ боғланиш мақсадида Тангри Шива ва Тангри Брахма сингари фаришталарга сажда қилса, унинг бундай ишлари ҳар қандай мақтовга сазовордир. Лекин одам ўзининг қандайдир шахсий манфаатига эришиш ниятида фаришталарга мурожаат қилса, унинг бундай иши албатта қораланади.

Ана шу воқеадан кейин, ғаройиб тунларнинг бирида Кришна билан акаси Балорам - иккови ҳам англаб бўлмас даражада қудратли зотлар - Вриндаван ўрмонига йўл олдилар. Уларга Ваджабхумилик қизлар ҳамроҳ бўлган ва улар бирга вақт ўтказишдан роҳатланиб яйраб борардилар. Ваджалик ёш қизлар чиройли либосларини кийиб, сандал ва гуллар билан ясениб олган эдилар. Осмонда чарақлаган юлдузлар даврасида тўлин ой нур сочиб турарди. Маллик гулларининг ҳидини атрофга таратиб энгил шабада эсиб турар, бу анвойи ҳидлардан қовоғарилар ҳам ақли-хушини йўқотиб қўйган эдилар. Ана шундай оромбахш шароитда Кришна билан Балорам чиройли кўшиқлар куйлай бошладилар. Уларнинг ёқимли кўшиқларига шунчалик мафтун бўлиб қолган қизлар ўзларини бутунлай унутиб қўйган эдилар; уларнинг сочлари тўзиб кетган, либослари тартибсиз ҳолга келиб қолган, гулчамбарлари узилиб ерга тушиб қолган эди.

Улар ана шундай лаззатли кайфиятдан эс-хушини йўқотиб роҳатланиб турган пайтда шу ерда бир иблис пайдо бўлди. Бу иблис Куверанинг ошнаси эди. Унинг исми Шанкхасура эди, чунки унинг калласини денгиздаги чиғаноқларга ўхшаган қимматбаҳо говхартош безаб турарди. Худди Куверанинг ўғиллари ўзларининг моддий бойлиги ва гўзаллигидан мағрурланиб ёнидан Нарада Муни ўтиб бораётганига эътибор бермагани сингари, моддий бойлигидан жуда мағрурланиб кетган Шанкхасура ҳам Кришна билан Балорамни чиройли қизлар даврасида лаззатланиб юрган оддий подачи болалар бўлса керак деб ўйлади. Бу моддий оламда бой-бадавлат яшаётган одам одатда ҳамма чиройли аёллар албатта меники бўлиши керак деб ўйлайди. Куверанинг бой-бадавлат дўстлари даврасида юргани сабабли Шанкхасура ҳам ўзини шунча кўп чиройли қизлар даврасида Кришна билан Балорам эмас, мен ўзим лаззатланишим лозим деб ўйлади. Шунинг учун у қизларни ўзи билан бирга олиб кетишга қарор қилди. У Кришна билан Балорамнинг олдида пайдо бўлиб, қизларни ўзи

билан бирга олиб шимолга қараб юра бошлади. Кришна билан Балорамнинг шу ердалигига қарамай у худди қизларнинг хўжайини, эри сингари уларга буйруқ берарди. Шанкхасура зўрлик билан олиб кетаётган Ваджалик қизлар Кришна билан Балорамни ёрдамга чақира бошладилар. Икки ака-ука қўлларига катта таёқ олиб, шу заҳотиёқ уларнинг изидан югурди: "Қўркманглар! Қўркманглар! - кичирди Улар гопиларга. - Бизлар ҳозирок бу иблиснинг яхшилаб адабини бериб қўямиз!" Улар дарров иблисни қувиб етдилар. Ака-укаларни жуда кучли деб ҳисоблаб, Шанкхасура қизларни ташлаб жонини сақлаб қолиш ниятида қоча бошлади. Аммо Кришна унинг қочиб кетишига йўл қўймади. У гопиларга қараб туришни Балорамга топширди ва Ўзи Шанкхасуранинг изидан чопа бошлади. Кришна иблиснинг бошидаги денгиз чиғаноғига ўхшаган чиройли қимматбаҳо гавхартошни олмоқчи эди. Тез орада Кришна иблисни қувиб етди, унинг бошига бир мушт тушириб уни ўлдирди. Қимматбаҳо тошни олиб У орқасига қайтди. Ваджалик қизлар олдида У қимматбаҳо гавҳар тошни акаси Балорамга топширди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Видйадхарани озодликка чиқариши ва иблис  
Шанкхасура устидан галаба" деб аталадиган  
ўттиз учинчи бобида Бхактиведантининг  
изоҳлари шундай яқунланади.*

### **34. Гопиларнинг ҳижрон азобида ҳис қилган туйғулари.**

Вриндаванлик гопилар Кришнага шу қадар кучли боғланиб қолган эдиларки, У билан бирга тун бўйи раса-раксига тушган бўлсалар ҳам қалбларидаги соғинч туйғуси қонмаган эди. Гопилар У билан кундуз кунлари ҳам бирга бўлиб лаззатланишни истар эдилар. Кришна Ўзининг дўстлари ва сизирлари билан бирга ўрмонга кетганида гопиларнинг таналари У билан бирга ўрмонга боролмас, лекин уларнинг қалби, юраги ҳамини Кришна билан бирга эди. Улар қалбида ҳамини Кришна билан бирга бўлгани учун Кришнадан айрилгани сабабли қаттиқ ҳижрон азобини ҳис қилиб, худди Кришна билан бирга бўлгандай лаззатланар эдилар. Парвардигор Чайтанйа ва Унинг бевосита издошлари бўлган олти Госвами айтадиларки, ҳақиқий содиқ Кришна билан айрилиқни, қаттиқ ҳижрон туйғусини ҳис қила олишни ўрганиши лозим. Биз Кришна билан бевосита бирга бўлмасак ҳам, худди гопилар

сингари, хижрон азоби воситасида У билан бевосита мулоқот қилишимиз мумкин. Кришнанинг илохий қиёфаси, Унинг сифатлари, эрмаклари ва ҳамроҳлари Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз усули мавжуд. Кришнага хижрон туйғуси воситасида садоқат билан хизмат қилиш бхактани рухий баркамолликнинг энг юкори поғонасига, гопиларнинг поғонасига кўтариб кўяди.

Шриниваса ачарйанинг Вриндаванлик олти Госвамига қилган илтижоларида айтилганки, улар ҳукуматга хизмат қилишдан келадиغان дунёвий бойликдан, шунингдек қишлоқда бой-бадавлат фаровон турмуш кечиришдан воз кечиб Вриндаванга йўл олдилар ва шу ерда эшикма-эшик юриб одамлардан садақа сўраб, худди қашшоқ гадойларга ўхшаб яшадилар. Лекин уларнинг қалбини Кришна билан айрилик, гопилар ҳис қиладиган хижрон туйғуси шу қадар чуқур қамраб олган эдики, улар ҳамиша илохий лаззатга ғарқ бўлиб яшардилар. Худди шундай Парвардигор Чайтанйа ҳам Джаганнатха Пурида бўлганида Ўзини Кришнадан айрилганидан хижрон азобида қийналаётган Шримати Радхарани деб биларди. Мадхва-Гаудийа-сампрадаясига мансуб содиқлар ҳам Кришнадан айрилик, хижрон туйғусини ҳис қилиб, Унинг илохий қиёфасига сажда қилишлари, Унинг илохий таълимотини, Унинг эрмакларини, сифатларини, ҳамроҳларини дўстона муносабатларини ўзаро муҳокама қилишлари лозим. Рухий устоз бхакталарни Худога бўлган садоқатнинг юкори поғонасига кўтариши лозим. Агар одам Кришнага садоқат билан хизмат қилиб, Кришна билан айрилик, хижрон туйғусини ҳамиша ҳис қилиб юрса, мана шу ҳолат - Худони, Кришнани англашнинг мукамал ҳолати ҳисобланади.

Гопилар бир-бири билан тез-тез Кришна ҳақида суҳбатлашардилар. Уларнинг суҳбатлари шундай бўларди: "Ҳой дугонажонлар, - дерди гопилардан биттаси, - биласизларми, Кришна ерда ёнбошлаб ётганида чап тирсагига суяниб, бошини чап кўли устига кўйиб ётади. Най чалганида Унинг нозик бармоқлари най тешиклари бўйлаб югурар экан, У Ўзининг қошларини чиройли ўйнатиб туради. Кришнанинг найдан таралаётган ёқимли оҳанглар бутун атрофни шундай илохий лаззатга тўлдириб юборадик, осмону-фалақда ўзларининг чиройли рафиқалари билан сайр қилиб юрган фаришталар ҳаво кемаларини тўхтатиб кўйиб, шу оҳангларга махлиё бўлиб қоладилар. Шунда ҳаво кемаларида ўтирган фаришталарнинг рафиқалари ўзларининг қўшиқ куйлаш санъатидан, мусиқий маҳоратидан уялиб кетадилар. Бунинг устига уларда маъшуқалик

ҳирси хуруж олиб, сочлари тўзиб, таналарида таранг тортилиб турган либосларининг тахи бузилиб кетади".

Бошқа бир гопи шундай дейди: "Ҳой азиз дугоналар, Кришна шундай чиройли, ажойибки, раванқ фариштаси ҳеч қачон Унинг кўксини тарк этмайди. Унинг бўйнини ҳамиша олтин маржон безаб туради. Кўплаган бхакталарнинг қалбини жонлантириш учун Кришна Ўзининг найда ажойиб ёқимли куйлар чалади. У бу оламда мусибат чекиб юрган тирик мавжудотларнинг ягона дўстидир. У най чалганида ўтлоқда ўтлаб юрган барча сигирлар ва Вриндавандаги бошқа ҳайвонлар, ўт чайнашдан тўхтаб, най навосига махлиё бўлиб қоладилар. Қулоқларини динг қилиб улар турган жойларида ҳайкалдай қотиб қоладилар. Шунда улар тирик эмас, худди сунъий ясалган шакллардай бўлиб кўринадилар. Кришна Ўзининг найини шунчалик зўр чаладики, унинг оҳанглари ҳатто ҳайвонларни ҳам ҳайратга солади, бизларни-ку айтмаса ҳам бўлади".

Бошқа бир гопи шундай дейди: "Ҳой дугоналар, нафақат ҳайвонлар, ҳатто дарёлар, кўллар сингари Вриндавандаги жонсиз нарсалар ҳам Кришна ўтиб бораётганида ҳайратдан қотиб қоладилар, Унинг сочлари товус пати билан, танаси эса Вриндаваннинг турли хил табиий бўёқлари билан безатилган. Барг ва гуллар билан ясаниб олган Кришна қандайдир қаҳрамонга ўхшаб кетади. Кришна Балорамни, сигирларни олдига чорлаб Ўзининг найини чалганида Йамуна дарёси ҳам оқишдан тўхтаб, Кришна Ўзининг нилуфар қадамлари пойидан чанг олиб келишини кутиб туради. Йамуна дарёси ҳам худди бизларга ўхшаб хижрон азобида қийналади. Кришна уни ҳам Ўз марҳаматига зор қилиб кўйибди. Худди бизлар Кришнадан айрилик азобига чидамай кўз ёши тўкишни бас қилганимиз сингари дарё ҳам тўлқинларининг югуришини тўхтатиб, бир жойда тўхтаб туриб қолади".

Кришна ёнида бўлмаган пайтларда гопилар тинмасдан кўз ёши тўқардилар, лекин баъзан улар тез орада Кришнанинг келиб қолишини кутганларида йиғлашни бас қилардилар. Кришнанинг ҳадемай келавермаганини кўриб, улар хижрон азобига берилиб яна йиғлашни бошлардилар. Кришна Худонинг бошланғич Олий Шахси, Парвардигор Вишнунинг барча қиёфаларининг манбаи, подачи-болалар эса - фаришталардир. Парвардигор Вишну ҳамиша Тангри Шива, Тангри Браҳма, Индра, Чандра ва бошқалар сингари турли фаришталар билан бирга юради, фаришталар ҳамиша Унга сажда қиладилар. Кришна Вриндаван ўрмони орқали ўтганида ёки Говардхана тепалигида сайр қилганида Унга подачи болалар ҳамроҳ

бўлардилар. Йўл-йўлакай У сигирларини ёнига чакириб, най чалиб борарди. Кришна шу ерларда юргани шарофати билан ўрмондаги дарахтлар ва бошқа ўсимликлар шу заҳотиёқ Кришна онгига эга бўларди. Кришна онгига эга бўлган киши Кришна учун ҳамма нарсасини қурбон қилади. Гарчи дарахт ва ўсимликларнинг онги унчалик ривожланмаган бўлса ҳам, Кришна ва Унинг дўстлари билан бирга бўлгани туфайли улар ҳам Кришна онгига эга бўладилар. Шунда улар ўзида бор нарсаларининг ҳаммасини - мевалари, гуллари ва шохаларидан тинмай оқиб турган асалларни Кришнага ҳада қиладилар.

Кришна Йамуна дарёси қирғоғида сайр қилиб юрганида Унинг юзини чиройли тилака безаб турарди. Унинг бўйнига ўрмон гулларидан ясалган гулчамбар осилган бўлиб, танасига сандал суртилган, туласи барглари кўйилган эди. Ўрмон ҳавосининг бойлиги ва ширинлигидан ковоғарилар бутунлай ақлини йўқотиб қўйган эдилар. Кришна асалариларнинг ғувиллашини ёқтирарди, У Ўзининг найини чалганида, унинг овози асалариларнинг ғувиллаган овози билан бирга ҳамоҳанг бўлиб, шунчалик ёқимли бўлардики, сувда туриб уни тинглаётган турналар, оққушлар, ўрдак ва бошқа қушлар - хайратдан қотиб қолардилар. Сувда сузиш ёки учиш ўрнига улар кўзларини юмиб, Кришнага сажда қилганча, илоҳий жазавали чуқур муруқабага ғарқ бўлардилар.

Гопилардан биттаси шундай деди: "Ҳой дугонажон, Кришна билан Балорам сирға ва марварид маржонлар тақиб безаниб олганлар. Улар Ўз вақтини Говардхана тепалигида мазза қилиб ўтказиб юрибдилар, бутун борлиқни хайратга солиб Кришна Ўзининг найини чалганида ҳамма илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўлади. У най чалганида Ундан қўрққанидан момоқалдиروق гумбурашни бас қилади. най овозига халақит бериш ўрнига булутлар Унга ҳамоҳанг бўлиб оҳиста овоз чиқариб, дўсти Кришнани олқишлайдилар".

Кришнани булутларнинг дўсти деб айтадилар, чунки одамларнинг ороми бузилганда булутлар ҳам, Кришна ҳам уларни мамнун қиладилар. Одамлар чидаб бўлмас жазирама иссиқдан қийналиб кетганида булут осмондан ёмғир ёғдириб уларга роҳат бағишлайди. Худди шундай, бу дунёда одамлар моддий мусибатлар оловида ковурилиб қийналганида Кришна уларга енгиллик олиб келади. Бунинг устига ёмғирли булутлар ҳам, Кришна ҳам бир хил рангда бўлган ўзаро яқин дўстлар ҳисобланадилар. Ўзининг юқори мартабали дўстини олқишлаш ниятида булутлар Кришнанинг устига ёмғир эмас, гуллар ёғдирар, Унинг бошини қуёшнинг жазирама иссиғидан ҳимоя қилиб юрарди.

Гопилардан биттаси Йашода онага шундай деди: "Эй азиз онажон, сенинг ўғлинг - подачилар орасидаги энг мохир подачи. У ҳамма нарсани - сигирларни қандай ўтлатишни ҳам, най чалишни ҳам жуда яхши билади. У қўшиқлар тўқийди, уларни куйга солиш учун лабларига найини олиб боради. Эрталаб ва кечкурунлари У най чалганида Тангри Шива, Тангри Брахма, Индра ва Чандра сингари фаришталарнинг ҳаммаси бошларини эгиб, диққат билан Унинг куйларига кулоқ соладилар. Гарчи жуда тажрибали ва билимдон бўлсалар ҳам, улар Кришнанинг найидан таралаётган мусиқий тароналар сирини англай олмайдилар. Улар шунчаки диққат билан кулоқ солиб уларни тушунишга ҳаракат қиладилар, лекин бундан яна ҳам қаттиқроқ хайратга туша бошлайдилар, холос".

Бошқа бир гопи шундай дейди: "Ҳой дугонажон, Кришна Ўзининг сигирлари билан бирга уйига қайтиб келаётганида, Унинг ер юзида қолдирган байроқча, санчки, яшин ва нилуфар гули белгилари бўлган оёқ излари ер сайёрасининг сигирлар тепкилаб юргани туфайли ҳис қилаётган оғриқларига малҳамдай бўлиб босилаётгандай бўларди. У Ўзининг мафтункор юриши билан катта-катта қадам ташлаб борар, кўлларига эса найини ушлаб олганди. Унга нигоҳ ташлашимиз биланок У билан бирга бўлиш истагида ёна бошлаймиз. Шунда бизлар турган жойимизда қотиб қоламиз. Бизлар худди дарахтларга айланиб қолгандай ўрнимиздан қўзғала олмай қоламиз. Бизлар ҳатто ташқи кўринишимизга ҳам эътибор бермай қўямиз".

Кришнанинг бир неча минг сигири бор эди, таналарининг рангига қараб уларни турли подаларга бўлиб қўйган эдилар. Уларнинг тана рангларига мос келадиган турли-турли номлари ҳам бор эди. Ўтлоқдан қайтиб келиш вақти келганида Кришна ҳамма сигирлар бир жойга тўпланиб турганини кўрарди. Худди вайшнавлар бир юз саккиз гопининг тимсоли бўлган бир юз саккиз мунчоқни ўтказиб мантра айтгани сингари Кришна ҳам бир юз саккиз подага бўлинган сигирларини номма-ном олдига чакириб оларди.

"Кришна қайтиб келаётганида, Уни ўрмон гулларидан ясалган гулчамбар безаб турган бўлади - таърифлай бошларди бир гопи Кришнани дугонасига. - У Ўзининг қўлини подачи дўстининг елкасига қўйиб, Ўзининг илоҳий найини чала бошлайди. Унинг вина асбобидан тараладиган нафис товушларга ўхшаган овоз чиқараётган найининг овозини эшитиб, қора кийикнинг рафиқаси хайратга тушади. Охулар Кришнанинг олдига келадилар, Кришна уларни Ўзига шунчалик ром қилиб

қўядики, улар ўзларининг уйини, жуфтларини бутунлай эсидан чиқариб, хайратдан турган жойида қотиб қоладилар. Худди бизларни Кришнанинг илоҳий фазилатлари уммони ўзига мафтун қилгани сингари, Унинг найининг овозлари охуларни ўзига бутунлай маҳлиё қилиб қўяди".

Бошқа бир гопи Йашода онага шундай дейди: "Эй азиз онажон, сенинг ўғлинг уйга қайтиб келаётганида Ўзини кунда деган гуллар билан бежаб олади, дўстларига қувонч ва шодлик бағишлаш учун У найини чалиб келади. Жанубдан эсаётган енгил, салқин ва анвойи ҳидларга тўла шабада кишига ором бағишлайди. Гандхарвалар ва сиддхалар сингари фаришталар ана шундай ёқимли вазиятдан фойдаланиб Кришнага илтижо қила бошлайдилар. Улар сурларини чалиб, барабанларини қоқа бошлайдилар. Кришна Вражабхуми, Вриндаван аҳолисига жуда меҳрибон, У Ўзининг подачи дўстлари ва сигирлари билан қишлоққа қайтиб келаётганида улар Кришнани "Говардхана тепалигини кўтарган Зот" деб эслайдилар. Ана шундай имкониятдан фойдаланиб, Тангри Браҳма ва Тангри Шива кечки илтижоларини айтиш учун пастга тушадилар ва подачи болалар билан биргаликда Кришнанинг илоҳий сифатларини олқишлайдилар.

Кришнани Девакининг қорин уммонидан дунёга келган ойга ўхшатадилар. Кечкурун қишлоққа қайтиб келаётганида У чарчагандай кўринади, лекин шунга қарамай У Ўзининг шарофатли иштироки билан Вриндаван аҳолисига қувонч бағишлашга ҳаракат қилади. Ўрмон гулларидан ясалган гулчамбар билан безаниб қишлоққа кириб келаётган Кришнанинг юзи жуда жозибали кўринади. У Вриндаванга худди катта филга ўхшаб катта-катта қадам ташлаб кириб келади ва секин уйига киради. У қайтиб келиши билан Вриндаванлик эркаклар, аёллар ва сигирлар куннинг жазирама иссиғини бутунлай унутиб юборадилар".

Кришна Вриндавандан узоқда бўлганида гопилар Унинг илоҳий эрмакларини шу тарзда эслаб юрардилар. Улар бизларга Кришнанинг қанчалик мафтункор эканлигидан озгина бўлса ҳам тушунча беради. Кришна бутун борлиқдаги ҳамма нарсани ва ҳаммани Ўзига мафтун этади - Кришнанинг мафтункорлигининг мукамал таърифи ана шундай. Кришна онгига ғарқ бўлиб яшашга интилаётган содиқлар учун гопиларнинг турмуш тарзи яхши сабоқ бўлади. Инсон шунчаки Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақида ўйлаш, уларни эслаш орқали Кришна билан мулоқот қила олади. Ҳар бир одамда кимнидир севишга мойиллик бор. Инсоннинг севиши лозим бўлган ягона Зот - Кришна экани - ҳаётда Кришна онги билан яшашнинг асосини ташкил

этади. Ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб ва Кришнанинг илоҳий эрмакларини эслаб юриш билан инсон ҳаётда Кришна онги билан яшайди, шу йўл билан инсон танасидаги ўзининг ҳозирги ҳаётини энг улуғвор, энг юксак поғонага кўтариб, нодир умрини энг катта самара билан яшаб ўтади.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Гопиларнинг ҳижрон азобида ҳис қилган  
туйғулари" деб аталадиган ўттиз тўртинчи  
бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

### **35. Камса Акрурани Кришнани олиб келгани жўнатади.**

Бутун Вриндаван аҳли ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан яшарди. Бу ердаги ҳар бир одам ҳамиша Кришнанинг эрмакларини эслаб, илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўлиб юрарди. Аммо бу моддий олам моддий иллатларга шу қадар тўлиб кетганки, асурлар, яъни иблислар ҳатто Вриндаванда ҳам одамларнинг тинчлигини, осойишталигини бузишга уринадилар.

Ариштасура деган бир иблис баҳайбат ҳўкиз қиёфасига кириб қишлоққа бостириб келди: унинг танаси ва шохлари жуда катта бўлиб, пишқирганча туёқлари билан ер кураб турарди. У Вриндаванга кириб келганида худди зилзила бўлаётгандай Ер зир титраб кетди. Иблис дарё соҳилида кураниб турганча даҳшатли овоз билан бўқирарди, сал ўтмай у қишлоқ ичкарасига кириб келди. Ҳўкизнинг даҳшатли наъраси шу қадар қўрқинчли эдики, баъзи бир ҳомиладор аёллар ва бўғоз сигирлар вақтидан олдин туғиб қўйдилар. Иблиснинг танаси шу қадар баҳайбат, семиз ва кучли эдики, худди катта тоққа ўхшаб осмону-фалакка тегиб турарди. Ариштасура Вриндаванга бостириб кирди, бу буюк иблиснинг даҳшатли қиёфасига кўзи тушган эркагу-аёлларнинг барчаси қаттиқ қўрқиб кетди, сигир ва бошқа ҳайвонлар эса қишлоқни ташлаб қочиб кета бошладилар.

Вазият жуда қалтис эди, Вриндаванликлар дарров ёрдам сўраб Кришнага мурожаат қила бошладилар: "Кришна! Кришна, илтимос, бизларни қутқар!" Сигирларнинг даҳшатга тушиб қишлоқдан қочиб кетаётганини Кришна ҳам кўрди ва шу заҳотиёқ уларга шундай деди: "Қўрқманглар! Қўрқманглар!" Кейин Кришна Ариштасуранинг олдида пайдо бўлди ва унга шундай деди: "Ҳой пасткаш махлуқ! Нимага сен Гокула аҳолисини қўрқитасан? Бу билан сен

нимага эришмоқчисан ўзи? Агар сен Менинг амримга қарши бош кўтараётган бўлсанг, сен билан жанг қилишга тайёрман!" Шундай қилиб, Кришна иблисни жангга чақирди, Кришнанинг гапларидан иблиснинг баттар ғазаби қайнади. Кришна иблис олдида бир қўлини дўстининг елкасига ташлаб бамайлихотир турарди. Хўкиз кутурганча Кришнага яқинлашиб кела бошлади. Туёқлари билан ер кураб, Ариштасура куйруғини хода қилиб кўтарди, гўё булутлар нақ унинг куйруғи устида сузиб юргандай кўринарди. Унинг қизғиш ранг кўзлари ғазаб билан хонаси ичида гир-гир айланиб турарди. Иблис Индранинг яшин куролидай шохларини Кришнага тўғрилаб, шиддат билан Унга ҳамла қилди. Аммо Кришна дарров унинг шохларидан ушлаб олди ва худди баҳайбат фил кичкина фил боласини улоқтириб ташлаганидай, хўкизни четга отиб юборди. Иблис қора терга ботиб эзилиб кетгандай кўринса ҳам, бор кучини тўплаб яна ўрнидан туришга журъат қилди. Оғир-оғир нафас олиб у яна Кришна томонга йўл олди ва бутун кучини тўплаб, шиддат билан Кришнага ташланди. Кришна яна унинг шохларидан ушлаб олди, шохларини синдириб, иблиснинг ўзини ерга қулатди-да, худди латгани тепкилагандай хўкизнинг устига чиқиб, уни тепкилай бошлади. Кришнанинг зарбаларидан иблис елкасига ағдарилиб, оёқларини типирчилата бошлади. Унинг ичидан ахлат ва сийдик аралаш қон кетиб, кўзлари хонасидан чиқиб, ўзи ажал салтанатига равона бўлди.

Кўрсатган бу ғайритабиий жасорати ва қахрамонлиги учун жаннатдаги фаришталар Кришна устига гуллар ёмғирини ёғдира бошладилар. Кришна аллақачон Вриндаванликларнинг бутун борлиғига, танижонига айланган эди, хўкиз қиёфасига кириб олган иблисни ўлдириб энди уларнинг йўлчи юлдузи ҳам бўлиб олди. Балорам ва Кришна ғолибона тантана билан Вриндаванга кириб келди, бутун аҳоли шодликдан яйраб Уни олқишлай бошлади. Агар кимдир бирор ғайритабиий қахрамонлик кўрсатса унинг қариндошлари ва дўстлари табиий равишда хайратга тушиб қувонганидан яйраб кетадилар.

Айнан мана шу ходисадан кейин буюк донишманд Нарада Муни Кришнанинг сирини ошкор этди. Нарада Мунини одатда *дева-даршана* деб атайдилар, бунинг маъноси шундан иборатки, уни фақат фаришталар ва руҳий юксаклиги билан фаришталар каторида турган буюк инсонлар кўра оладилар. Нарада Муни Камсанинг олдига ҳам келди, гарчи руҳий юксалишда фаришталар билан бир поғонада турмаган бўлса ҳам, барибир у Камсанинг кўзига ҳам кўринди. Албатта, Камса фақат Нарада Мунини эмас, Кришнани ҳам кўрган.

Лекин, Парвардигорни ва Унинг бхакталарини кўриш учун инсон энг аввало қалб кўзини поклаши лозим. Худонинг содиқлари билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан одам ўзи ҳам билмаган ҳолда покланиши мумкин, буни *агйата-сукрити* деб айтадилар. Одам Худонинг содиқларини кўргани билан ўзи қандай покланаётганини тушунмаслиги мумкин, лекин барибир у бхакталарга кўзи тушгани шарофати билан у руҳий жиҳатдан албатта юксалади. Нарада Мунининг мақсади Кришнанинг бу дунёдаги ишларини тезлаштириш эди. Кришна бу дунёга иблисларни яқсон қилиш учун келган эди, Камса эса иблисларнинг энг асосийси эди. Нарада Муни ана шу воқеаларни тезлаштирмоқчи бўлганди; шунинг учун у Камсанинг олдига бориб, унга бор ҳақиқатни гапириб берди: "Сен Васудеванинг саккизинчи ўғлининг қўлидан ҳалок бўлишинг керак, - деди Нарада Муни Камсага. - Унинг саккизинчи ўғли - Кришна. Саккизинчи фарзанди қиз бола эканига ишонтириб, Васудева сени алдади. Аслида қиз болани Нанда Махаражнинг хотини Йашода туккан эди, Васудева эса уни ўзининг ўғлига алмаштириб қўйди. Сени шундай қилиб алдадилар. Худди Балорам сингари Кришна ҳам - Васудеванинг ўғли бўлади. Сенинг ёвузлигингдан кўрқиб Васудева Уларни сенинг кўзингдан йироқда, Вриндаванда яшириб қўйган". Шунингдек Нарада Муни Камсага бошқа гапларни ҳам айтди: "Кришна билан Балорам Нанда Махаражнинг ғамхўрлиги остида ўзларининг ким эканини яшириб юрдилар. Ёш болаларни ўлдириш учун сен Вриндаванга юборган иблис ва асурларнинг ҳаммаси Кришна билан Балорамнинг қўлидан ҳалокатга учради".

Нарада Мунидан бу гапларни эшитган заҳоти Камса ўтқир қиличини қўлига олди ва иккиюзламачилиги учун жазолаб Васудевани ҳозирок ўлдиришга ҳозирланди. Аммо Нарада Муни унинг шаштини қайтариб қўйди: "Сен Васудеванинг қўлидан ўлмайсан, - деди у. - Нимага сен уни ўлдирмоқчи бўляпсан? Яхшиси сен Кришна билан Балорамни ўлдиришга уриниб кўр!" Аммо, қалбидаги ғазаб оловини салгина бўлса ҳам пасайтириш учун Камса Васудева билан унинг хотинини ушлаб, занжирбанд қилиб зиндонга ташлаб қўйди. Нарада Мунининг айтганларини эътиборга олиб, Камса иблис Кешани олдига чақирди ва ундан ҳозирок Вриндаванга йўл олиб, Балорам билан Кришнани олиб келишни илтимос қилди. Аслини олганда Камса Кешани Вриндаванга бориб Балорам билан Кришнанинг қўлида ҳалок бўлиб, руҳий озодликка чиқиши учун олдига чақирган эди. Кейин Камса олдига тажрибали филбонлар Чанура, Муштика, Шал, Тошал ва бошқаларни чақириб, уларга шундай деди: "Эй

азиз дўстларим, диққат билан менга кулок солинглар. Вриндаванда Нанда Махаражнинг уйида икки ака-ука - Кришна билан Балорам яшайди. Аслини олганда улар - Васудеванинг ўғиллари. Ўзларингиз яхши биласизларки, самодан келган башорат бўйича мен Кришнанинг кўлидан ҳалок бўлишим керак. Мен сизлардан катта кураш мусобақаси ўтказишга ҳозирлик кўришни илтимос қиламан. Бу байрамни томоша қилиш учун мамлакатнинг ҳамма жойидан одамлар келадилар. Мен ана шу икки бола ҳам курашда қатнашишини уюштираман, сизлар эса яккама-якка курашда уларни ўлдиришга уриниб кўрасизлар".

Ҳиндистоннинг шимолий қисмида яшайдиган аҳоли учун ҳали ҳозиргача кураш бўйича турли мусобақалар ўтказиб туриш энг қизиқарли анъана ҳисобланади, "Шримад Бхагаватам"даги хабардан маълумки, бундан беш минг йил аввал ҳам кураш бўйича мусобақалар ўтказиш омма орасида кенг тарқалган. Камса кураш бўйича шундай мусобақа маросими ўтказиб, халққа томоша кўрсатишни ўйлаб қўйди. У филбонларга уқтириб қўйди: "Албатта Кувалайапида деган филни олиб келинглар ва уни кураш майдонида кирадиган дарвоза олдида ушлаб туринглар. Кришна билан Балорам келиши билан Уларнинг йўлини тўсишга урининглар ва шу заҳотиёқ ўлдириб ташланглар!"

Камса ўзининг яқинларига ҳайвонларни қурбонлик қилиб, шунингдек *Дханурйагйя* деб аталадиган қурбонлик маросими ўтказиб Тангри Шивани мамнун қилишни маслаҳат берди. У ойнанинг ўн тўртинчи куни ўтказиладиган *Чатурдаши* деб аталадиган маросим ўтказишни ҳам таклиф қилди. Бу кун Экадашидан уч кун ўтгандан кейин келади ва Тангри Шивага сиғиниш учун мўлжалланган. Тангри Шиванинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаларидан бири - *Калабхаирава*. Иблислар Тангри Шиванинг ана шундай кўринишдаги қиёфасига ўлдирилган ҳайвонларни эҳсон қилиб сажда қиладилар. Мана шундай қурбонлик маросимлари Ҳиндистоннинг *Вайдйанатха-дхама* деб аталадиган жойида ҳали ҳозиргача ўтказиб турилади, унда иблислар Калабхаирава Илоҳига ҳайвонларни ўлдириб эҳсон қиладилар. Камса ҳам ана шундай иблислардан бири эди. Шунингдек у жуда топқир тажрибали дипломат эди, шу боис дарров Кришна билан Балорамни осон ўлдириш йўллари йўлаб топиб, ўзининг ҳамтовокларига зарур кўрсатмалар берарди.

Шунингдек у олдида Акрурани, Васудеванинг ўғли сифатида Кришна дунёга келган сулолага мансуб бўлган кишилардан биттасини чақирди. Акрура Камсанинг олдида келганида, Камса эҳтиром билан қарши олиб,

унинг қўллари каттиқ қисиб шундай деди: "Азизим Акрура, ҳақиқатан ҳам Бходжа ва Йадавалар орасида менинг сендан яқинроқ дўстим йўқ. Сен жуда саховатли инсонсан, шу боис дўстинг сифатида мендан ўз марҳаматингни аямаслигингни сендан илтимос қиламан. Худди шоҳ Индра Парвардигор Вишнудан паноҳ излагани сингари мен ҳам сенинг ёрдамингга муҳтожман. Мен сендан ҳозироқ Вриндаванга йўл олишни, у ердан Кришна ва Балорам деган икки болани излаб топишни илтимос қиламан. Улар Нанда Махаражнинг ўғиллари бўлади. Шу болалар учун тайёрланган мана бу аравани ол-да уларни дарров бу ерга олиб кел! Менинг сендан илтимосим шу. Мен бу икки болани ўлдирмоқчиман. Улар дарвоза олдида келганида Уларни Кувалайапида деган кутурган катта фил кутиб туради, шу фил уларни ўлдириб ташласа керак. Агар қандайдир йўл билан бу фалокатдан қутулиб қолсалар, Улар кураш майдонида полвонлар билан курашга тушадилар, шунда полвонлар Уларни ўлдирдилар. Менинг режаларим шундай. Бу икки болани ўлдириб бўлиб мен Вришни ва Бходжа қабилаларини қўллаб-қувватлаб турган Васудева билан Нанда Махаражни ўлдираман. Шунингдек, мен отам Уграсенани ва унинг акаси Девакани ҳам ўлдираман, чунки улар аслида менинг душманларим бўладилар, улар менинг сиёсий режаларимга тўсқинлик қилиб келяптилар. Шу тарика мен ҳамма душманларимдан қутуламан. Жарасандха - менинг қайнотам, шунингдек менинг Двивида деган баҳайбат маймун-иблис яқин дўстим ҳам бор. Уларнинг ёрдами билан фаришталарни қўллаб-қувватлаб турган шоҳларнинг ҳаммасини ер билан яксон қилиш мен учун унчалик қийин бўлмайди. Менинг ўйлаб қўйган режаларим ана шундай. Шундай қилиб менга қаршилик кўрсатаётган одамларнинг ҳаммасидан биратўла қутуламан, ҳеч қандай қаршиликсиз оламни бошқариш эса жуда лаззатли бўлади. Балки сен билсанг керак, Шамбара, Наракасура ва Банасуралар менинг яқин дўстларим бўладилар, мен фаришталарни қўллаб-қувватлаб турган шоҳларга қарши уруш бошлаганимда улар менга ҳар томонлама ёрдам берадилар. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, мен душманларимнинг ҳаммасидан халос бўламан. Сендан илтимос, сен ҳозироқ Вриндаванга йўл ол, Матхуранинг гўзал жойларини, кураш бўйича бўладиган томошаларни кўриб роҳатланишлари учун бу болаларни бу ёққа келишга кўндир!"

Камсанинг ўйлаган режаларини тинглаб туриб, Акрура шундай деди: "Эй азиз шоҳ, сиёсий ишларингга тўсқинлик қилиб турган тўсиқларни бартараф қилиш ҳақидаги бу

режаларинг жуда зўр. Лекин сен хотиржамрок бўлишга ҳаракат қил, чунки сенинг бу ҳаракатларинг бирор натижа бериши ҳам, бермаслиги ҳам мумкин. Охир-оқибатда инсон фақат ният қила олади, ниятларни эса фақат Парвардигор рўёбга чиқаришга қодир. Бизлар жуда буюк нарсаларни ният қилишимиз, режалаштиришимиз мумкин, аммо агар бу режаларимиз Худога ёқмаса кўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Бу дунёда яшаётган ҳар бир одам яхши билади-ки, ҳаётда ҳамма нарсани, ҳамма ишларни ғайритабиий бир самовий кудрат бошқариб туради. Ўзининг топқир ақли ёрдамида инсон жуда буюк ишларни режалаштириши мумкин, лекин у ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керакки, қилаётган ҳар бир ишининг натижасини у албатта тотиб кўради - ё лаззатланади, ё мусибат чекади. Лекин мен сенинг режаларингга қарши ҳеч қандай эътироз билдиrolмайман. Мен сенинг дўстингман, сенинг амрингга бўйсунаман ва сен шуни истаётган бўлсанг, мен Кришна билан Балорамни бу ерга олиб келаман".

Ўзининг яқинларига ҳар хил кўрсатмалар бериб Камса уйига кетди, Акрура ҳам йўлга тушди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Камса Акрурани Кришнани олиб келгани жўнатади" деб аталадиган ўттиз бешинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

### **36. Иблис Кеша ва Ўюмасура устидан ғалаба.**

Камсанинг кўрсатмаларини тинглаб туриб, иблис Кеша баҳайбат кутурган айғир от қиёфасига кириб олди ва Вриндаванга ўқдай отилиб кирди. Унинг ёли шамолда ҳилпираб турар, туёқлари остидан атрофга лой парчалари отиларди. Мағрур кишнаши билан у бутун оламни ларзага келтириб юборган эди. Кришна бу иблис ўзининг худди катта булутдай ҳавода ўйнаб турган қуйруғи ва даҳшатли кишнаши билан Вриндаван аҳолисини даҳшатга солаётганини кўрди. Кришна от қиёфасидаги бу иблис Уни жангга таклиф қилиб турганини дарров тушунди. Парвардигор унинг бу таклифини қабул қилиб иблис-от олдида пайдо бўлди. Иблис худди арслон наърасидай даҳшатли овозда кишнаб Кришнага яқинлаша бошлади. Кеши шиддат билан Кришнанинг олдига бориб, Уни ўзининг метиндай қаттиқ ва мустаҳкам туёқлари билан тепкилаб ташлашга уринди. Лекин Кришна шу заҳотиёқ унинг орқа оёқларидан ушлаб олиб, унинг режаларини

чиппакка чиқарди. Салгина жаҳли чиққан Кришна отнинг орқа оёқларидан ушлаб, Ўзининг атрофида гир айлантира бошлади. Отни бир неча марта айлантирганидан кейин, худди Гаруда катта илонни улоқтирганидай, Кришна ҳам отни юз кадамча узокка отиб юборди. Кришна улоқтириб юборган от хушидан кетиб қолди, аммо бироз вақт ўтмай яна хушига келиб, ғазаби қайнаб, жаҳли чиқиб шиддат билан яна Кришнага ташланди. Бу гал у катта оғзини очиб олган эди. Кеши ёнига яқинлашган заҳоти Кришна чап кўлини мушт қилиб тугди-да отнинг оғзига тикди. От оғзининг ичида шу заҳотиёқ қаттиқ оғриқ сеза бошлади, чунки Кришнанинг муштуми худди чўғдай қиздирилган темирга айлангандай иссиқ эди. Отнинг ҳамма тишлари тўкилиб кетди. Отнинг оғзи ичидаги Кришнанинг муштуми тобора катталаша бошлаган ва Кешининг нафас олиш йўллари бекитиб қўйганди. Баҳайбат от нафас ололмай бўғила бошлади, унинг бутун танаси терлаб кетганди. У оёқларини ҳар тарафга узатиб, охирги марта нафас чиқарди. Отнинг кўзлари хонасидан чиқиб кетган, оғриққа чидамай типирчилаганча жони танасини тарк этган эди. От жон таслим қилганида унинг оғзи очилиб қолганди, Кришна ҳеч қийналмасдан кўлини отнинг оғзидан чиқариб олди. Кешанинг устидан шундай осонлик билан ғалаба қозонганидан У ҳеч ажабланмади. Жаннатда туриб бу жангни кузатиб турган фаришталар эса ҳайратга тушиб, Кришнани олқишлаб ерга гуллар ёмғирини ёғдирдилар.

Ана шу воқеадан кейин Худонинг содиклари орасидаги буюк зотлардан бири Нарада Муни Кришнани кўргани келди ва хилват жойда Унга шундай деди: "Азизим Кришна, Сен - барча сеҳр кудратларининг эгаси, бутун борлиқнинг Хукмдори, ҳамма жойга сингиб кетган чексиз Олий Руҳ ва Олий Шахссан. Сен - бутун борлиқ қарор топган макон, барча бхакталарнинг ҳукмдори ва ҳар бир тирик мавжудотнинг ягона Хукмдорисан. Эй азиз Худойим, худди ҳар бир ўтин ичида олов яширингани сингари, ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Руҳи сифатида Сен уларнинг қалбида яширингансан. Сен - барча тирик мавжудотларнинг ҳар бир ишининг гувоҳисан ва уларнинг юрагида мавжуд бўлган Олий ҳукмдорсан. Сен ҳамшиша Ўзингга тўла бутунсан. Сен олам яралмасдан аввал ҳам мавжуд эдинг, бу моддий оламни Сен Ўз қувватинг ёрдамида яратиб қўйибсан. Бу моддий олам Сенинг мукамал истагинг билан моддий табиат гуналари томонидан яратилади, Сен унинг мавжудлигини таъминлаб турасан ва вақти келганда яқсон қиласан. Гарчи бу фаолият Сенга мутлақо таъсир қилмаса ҳам, Сен - мангу

Олий бошқарувчи ҳукмдорсан. Эй азиз Худойим, Сен бу дунёга аслида ўзлари иблис бўлган ҳолда, ўзларини шоҳ, ҳукмдор деб юрган имонсизларни яқсон қилиш учун ташриф буюргансан. Шоҳларнинг либосларини кийиб олиб бу иблислар одамларни алдаб юрибдилар. Сен "бу дунёга ҳақиқий дин қонунларини ўрнатиш ва бунга тўсқинлик қиладиган зотларни яқсон қилиш учун келиб тураман" деган ваъдангнинг устидан чиқиш учун ташриф буюргансан. Эй қудратли Парвардигор, шундай экан мен индинга иблислар Чанура, Муштика ва бошқа полвонлар, филларнинг, шунингдек Камсанинг ўзи ҳам Сенинг кўлингда ҳалок бўлишининг гувоҳи бўламан. Шундан кейин мен Шанкха, Йавана, Мура ва Наракасура сингари бошқа иблисларнинг ҳам ҳалок бўлганини кўраман деб умид қиламан. Шунингдек мен Сенинг осмон шоҳи устидан ғалаба қозониб, жаннатдан *париджата* гулини ерга олиб келишингни ҳам томоша қиламан".

"Эй азиз Худойим, - давом этди Нарада Муни, - шундан сўнг мен Сенинг қандай қилиб кшатрийларга хос куч билан қалин тўлаб, олийнасаб шоҳларнинг қизлари бўлган маликаларга уйланишингни кўраман". Кшатрий бирор гўзал кизга, ўзига муносиб маликага уйланмоқчи бўлса, у рақиблари билан жанг қилиб улар устидан ғалаба қозониши керак. Шунда шоҳ унга мукофот сифатида кизининг қўлини эҳсон қилади".

"Шунингдек, мен Сенинг қандай қилиб шоҳ Пригуни худди дўзахдагидай азоб-уқубатга тўла ҳаёт шароитидан ҳалос қилиб, озодликка чиқарганингни кўраман, - деди Нарада Муни. Бу воқеа Дваракада бўлиб ўтади. Шунингдек мен Сенинг қандай қилиб Ўзингга қаллиқ ҳамда қимматбаҳо гавҳартош Сйамантакани топганингни, бир брахманнинг қачонлардир танасини тарк этиб бошқа сайёрага кетган боласини яна ердаги ҳаётга қайтарганингни кўраман. Шундан сўнг мен Сенинг қандай қилиб иблис Паундракани ўлдирганингни ва шоҳ Каши салтанатининг кулини кўкка совурганингни кўраман. Шунингдек мен Сенинг шоҳ Юдхитхиранинг тарафида туриб буюк жангларда шоҳ Чеди ва Дантавакраларни ўлдиришингни кўраман. Мен бундан ташқари Сенинг муқаддас Дварака заминида бўлган пайтларингга кўрсатган бошқа жуда кўплаган олижаноб кароматларингнинг гувоҳи бўламан. Ўз марҳаматинг билан Сенинг бу кўрсатган илоҳий кароматларингни буюк шоирлар замон ва авлодлар оша ҳамиша олқишлаб куйлаб юрадилар. Муқаддас Курукшетрада бўладиган жангда Сен Ўз дўстинг Аржуннинг жиловдори сифатида иштирок этасан, енгилмас ажал ва мангу замон тимсоли бўлиб Сен шу ерга

тўпланган жангчиларнинг ҳаммасини яқсон қиласан. Мен ана шу жанг майдонида яқсон бўлган жуда кўп жангчиларни кўраман. Эй Парвардигор, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига эҳтиром билан сажда қилишимга рухсат бер! Сен ҳамиша бутунлай илоҳий, илм ва лаззатга тўла ҳолатда бўласан. Сен ҳамиша Ўзингга тўла бутунсан ва ҳар қандай истак-хоҳишлар Сенга бегона. Ўзингнинг ички қувватинг қудратини намоён этиб, Сен майянинг ҳукмронлигини ўрнатдинг. Сенинг чексиз қувватинг қудратини ҳеч ким ҳатто ўлчашга, баҳолашга ҳам қодир эмас. Эй азиз Худойим, Сен - Олий Ҳукмдорсан. Сен ҳамиша Ўзингнинг ички қувватинг ичидасан, шу боис Сени Ўзинг яратган бирор нарсага боғлиқ, бўйсунди деб ўйлашнинг ҳожати йўқ.

Сен Йадулар ва Вришнилар сулоласида дунёга келдинг. Ер юзига Ўзингнинг лаззатли илмга тўла азалий бошланғич қиёфанда ташриф буюришинг - Сенинг илоҳий эрмакларингдир. Сен Ўзингдан бошқа бирор Зотга бўйсунмайсан; шунинг учун мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойида эҳтиром билан сажда қиламан".

Нарада Муни оддий одамларга Парвардигор Кришна тўлалигича мустакил эканини тушунтирмоқчи эди. Кришнанинг Йадулар сулоласида туғилиши, Аржун билан дўст бўлиши сингари кароматлари шу кароматлари натижасидан лаззатланишга интилаётгани учун уларни албатта амалга оширишга Уни мажбур қила олмайди. Буларнинг ҳаммаси шунчаки илоҳий эрмаклар бўлиб, Кришна учун улар шунчаки бир ўйин, ҳолос. Бизлар учун эса, буларнинг ҳаммаси албатта сезиларли, ғайритабiiй оламшумул воқеалар ҳисобланади.

Парвардигор Кришнага ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб бўлиб, Ундан кетишга рухсат олиб, Нарада Муни ўз йўлига равона бўлди. Кришна иблис Кеша устидан ғалаба қозониб бўлиб, худди ҳеч нарса бўлмагандай сигир боқиб юрган дўстлари олдига қайтиб келди. Шундай қилиб, илоҳий эрмакларини намоён этиб Кришна Вриндаванда Ўзининг подачи дўстлари ва гопилар билан бирга вақтини ўтказиб юарди, баъзи пайтларда эса, ҳар хил иблисларни яқсон қилиб Худонинг Олий Шахсига хос бўлган Ўзининг ғайритабiiй жасоратини намоён этарди.

Ана шу куни сал вақт ўтгандан кейин Кришна Ўзининг подачи дўстлари билан бирга ўйнаб ҳордиқ чиқариш учун Говардхана тепалигига йўл олди. Улар "ўғрилар ва қоровуллар" деган ўйин ўйнардилар. Болаларнинг баъзилари "қоровул" бўлди, баъзилари эса "ўғри"лар, бошқалари "бузок" бўлиб ўйнадилар. Шу тариқа улар ўзларининг ёш болаларга хос эрмаклари билан лаззатланиб



ўйнаб юрар экан, уларнинг ёнида Вйомасура, яъни "осмонда учадиган иблис" деган ном билан машҳур бўлган бир иблис пайдо бўлди. У Майа деган бошқа бир кудратли иблиснинг ўғли бўлиб, бу иблислар сеҳр кудратига эга эдилар. Вйомасура "ўғри" ролини ўйнаб юрган бир подачи бола қиёфасига кириб олди ва "бузок" бўлиб юрган подачи болаларнинг кўпларини ўғирлаб кетди. У бирин-кетин подачи болаларни ўғирлаб, уларни тоғдаги ғор ичига яшириб, ғорнинг оғзини катта тош билан бекитиб қўйди. Кришна иблиснинг бу маккорлигини сезиб қолди ва худди арслон кўзичокни тутганидай, дарров иблисни ушлаб олди. Иблис Кришнанинг кўлидан чиқиб кетиш учун сеҳр кудратини ишлатиб тоғдай катта бўлишга уринди, аммо Кришна уни қўйиб юбормади. Худди қассоблар ҳайвонларни ўлдирганидай, Кришна уни зарб билан кўтариб ерга бир уриб ўлдирди. Иблис Вйомани ўлдиргандан кейин Кришна подачи дўстларини тоғдаги ғорлар ичидан озодликка чиқарди. Ҳамма дўстлари ва самодаги фаришталар Кришнанинг бу ғайритабиий жасоратини олқишлай бошладилар. Шундан сўнг Кришна подачи дўстлари ва сигирлари билан бирга Вриндаванга қайтиб келди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Иблис Кеша ва Вйомасура устидан ғалаба" деб аталадиган ўттинчи олтинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

### **37. Акруранинг Вриндаванга кириб келиши.**

Нарада Муни Кришнанинг иблис Вйомасура устидан қозонган ғалабасини эслаб ўтмади, бу шундан далолат берадики, Кришна уни иблис Кеша билан бир кунда ўлдирган. Кришна иблис Кешани эрта тонгда ўлдирган, шундан сўнг подачи болалар сигир боққани Говардхана тепалигига боришган, шунда Кришна иблис Вйомасурани ўлдирган. Икки иблис ҳам эрталаб ўлдирилган. Камса Акрурадан Вриндаванга кечқурун кириб боришни илтимос қилганди. Камсанинг кўрсатмаларини тинглаб бўлгандан кейин Акрура эртасига жанг аравада Вриндаванга йўл олди. Акрура Парвардигорнинг буюк содик(бхакта)ларидан бири бўлгани учун, Вриндаванга борар экан йўл-йўлакай Парвардигорга ҳамду-санолар айтиб борди. Бхакталар ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрадилар, Акрура ҳам ҳамиша Парвардигор Кришнанинг нилуфар

гулбаргидай чиройли кўзлари ҳақида ўйлаб борарди.

Парвардигор Кришнанинг олдига бориш имкониятига эга бўлиш учун аввал қандай савоб ишлар қилганини у билмасди. Агар Кришна истаса мен Кришнани учратган, кўрган бўлардим, деб ўйларди Акрура. Акрура ўзини одамлар ичида энг бахтиёр одам деб ҳисобларди, чунки ҳозир у ҳатто буюк сеҳргар-йоголар, авлиё донишмандлар бир марта кўришга зор бўлиб юрган Парвардигор Кришнанинг ёнига кетиб бораётган эди. У шу куни ўзининг қилган барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлишига ва инсон танасида кечирган ҳаёти тўла муваффақиятга эришган бўлишига аниқ ишонарди. Акрура Камсанинг уни Кришна билан Балорамни олиб келиш учун Вриндаванга юборгани, унга Парвардигор билан юзма-юз учрашиш имкониятини берганини унга ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатгани деб ҳисобларди. Акрура ўйлардики, қадимда донишманд ва авлиё инсонлар шунчаки Кришнанинг нилуфарсимон оёқларидаги ярқираган тирноқларга кўзи тушгани шарофати билан моддий олам тутқунлигидан халос бўлганлар.

"Худонинг Олий Шахси бу дунёда худди оддий одамлардай намоён бўлди, мен эса Уни бевосита юзма-юз кўришдай нодир имкониятга эга бўлдим!" - деб ўйларди Акрура. Тангри Брахма, Тангри Шива сингари буюк фаришталар сажда қиладиган, муқаддас Вриндаван заминининг йўлакларида оёқ изларини қолдириб юрадиган, ёш подачи қизларнинг кункума сепилган кўкракларига тегадиган ўша илоҳий нилуфар пойи қадамларни кўриш лаҳзаларини орзиқиб кутар экан у каттиқ ҳаяжонланарди. У шундай ўйларди: "Менга қанчалар нодир омад кулиб боқди-я, мен бугуноқ ана шу нилуфар пойи қадамларни кўраман, яна шубҳа йўқки, Кришнанинг пешонаси ва бурнига чиройли тилака қўйилган мафтункор жамолини яқиндан кўра оламан. Шунингдек мен Унинг юзидаги мафтункор табассумни, қоп-қора тўлқин-тўлқин сочларини кўра оламан. Шундай имкониятим бўлишга менинг ишончим комил, чунки кийиклар бугун менинг ўнг томонимдан айланиб ўтаётганини кўриб турибман. Бугун мен илоҳий Вишнулока салтанатининг гўзаллигини бевосита томоша қилиш имконига эга бўламан, чунки Кришна Парвардигор Вишнунинг Ўзи ва У ҳозир Ўз хоҳиши билан Ер сайёрасига ташриф буюрган. У - барча гўзалликлар манбаидир; шу боис бугун менинг кўзларим тўла мукамалликка эришади, ҳақиқий гўзалликни тўйиб томоша қилади".

Парвардигор Кришна - Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишну эканига Акруранинг ишончи комил эди. Парвардигор

Вишну моддий кувватга нигоҳ ташлайди, шу тариқа моддий борлиқ намоён бўлади. Гарчи Парвардигор Вишну бу моддий оламни яратган бўлса ҳам, Ўз кувватининг шарофати билан Унга моддий кувват ҳеч қандай таъсир ўтказмади. Ўзининг ички куввати ёрдамида У моддий кувват зулматини ёриб ўтишга қодир. Худди шундай Кришна, бошланғич Вишну, Ўзининг ички куввати ёрдамида Вриндаван аҳолисини яратди. "Брахма-самхита"да ҳам тасдиқланганки, Кришнанинг даргоҳи ва Унинг ҳамроҳлари, анжомлари Унинг ички кувватининг экспансияларидир. Кришнанинг ана шу ички куввати Ер сайёрасида Вриндаван қишлоғи кўринишида намоён бўлади, шу ерда Кришна Ўз ота-оналари билан подачи-дўстлари ва гопилар даврасида вақтини роҳат-фароғатда ўтказди. Акруранинг гапларидан маълум бўладики, Парвардигор Кришна моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий ҳолатда бўлгани сабабли, Парвардигорга илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган Вриндаван аҳолиси ҳам илоҳий зотлардир.

Акрура шунингдек Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари қанчалик муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида мулоҳаза юритарди. У ўйлардики, Кришнанинг илоҳий табиатга эга фаолияти, кўрсатмалари, сифатлари ва эрмаклари оддий одамларга ижобий таъсир кўрсатади. Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини, сифатларини, эрмакларини ва анжомларини муҳокама қилиш билан машғул бўлиш орқали одамлар ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшашлари мумкин. Шу тариқа бутун олам аҳли тинчлик ва осойишталикда яшаб, шарофатли муҳитда руҳий юксалиш йўлидан бориши мумкин. Аммо Кришнани, Худони англаб етмаган, Уни эсламайдиган одамлар жамиятида ҳеч қандай тараққиёт, маданият, ривожланиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Кришна онги, Худони англаш билан боғлиқ бўлмаган маданият - ўлик мурдага тақилган безакка ўхшайди. Жонсиз мурдани жуда чиройли қилиб безаш мумкин, лекин унинг онги бўлмаса, бу безакларнинг ҳаммаси бефойда. Кришнани англаб етмай яшаётган Худобехабар одамлар жамияти ўлик ва бефойда жамиятдир.

Акрура шундай ўйларди: "Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна Йадавалар авлодининг биттаси бўлиб дунёга келди. Диний қонун-қоидалар - Парвардигор Кришнанинг инсонлар жамиятида ўрнатиб қўйган қонунларидир. Ана шу қонунларга риоя қилиб яшайдиган одамлар - фаришталар, шу қонунларни бузадиган одамлар эса - иблислардир. Кришна ер юзига Парвардигорнинг қонунларига бўйсуниб, уларга риоя қилиб яшайдиган фаришталарни ҳимоя

қилиш учун келган. Фаришталар ва бхакталар бу дунёда Кришнанинг ўрнатган қонунларига риоя қилиб яшашдан роҳатландилар, Кришна эса уларга ҳар тарафдан ғамхўрлик қилишдан лаззат олади. "Бхагавад Гита"да айтилганидай, Парвардигор Кришнанинг қароматлари, Унинг Ўз бхакталарини қандай ҳимоя қилгани ҳамда имонсиз иблисларни қандай ўлдиргани ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, уларни бошқаларга гапириб бериш одамлар учун ҳамиша жуда катта руҳий фойда келтиради. Шу боис бхакталар ва фаришталар Парвардигорнинг шавкатли илоҳий қароматларини тобора кўпроқ шарафлаб куйлайвердилар.

Кришна, Худонинг Олий Шахси, барча руҳий устозларнинг бошланғич руҳий устоздир. У - барча адашган руҳларнинг ҳимоячиси ва бутун уч олам ҳукмдори. Ҳар бир имонли инсон Уни Худога бўлган муҳаббат ёшларга тўла кўзлар ёрдамида кўра олади. Бугун мен Ўзининг илоҳий гўзаллиги билан ҳатто раванқ фариштасини ҳам мафтун этган, шу боис раванқ фариштаси ҳамиша У билан бирга юрадиган бўлиб қолган Худонинг Олий Шахсини кўра оламан. Мен Вриндаванга кириб келишим биланоқ аравадан сакраб тушаман, моддий табиатнинг ва барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори бўлган Парвардигорга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб ерга юзтубан йиқиламан. Буюк сеҳргар-йоглар ҳамиша Кришнанинг нилуфар пойи қадамларига сажда қиладилар, мен ҳам Унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қиламан, худди подачи болалардай Унинг Вриндаванлик дўстларидан бири бўламан. Мен Парвардигор Кришна олдида сажда қилганимда, шубҳа йўқки, У Ўзининг кўркув нималигини билмайдиган нилуфар қўлини менинг бошимга қўяди. У Ўзининг шу қўлларини Унинг нилуфар қадамлари пойидан нажот излаган барча шартланган руҳларга таклиф этади. Кришна моддий тирикчиликдан кўрқадиган ҳар бир инсон интилаётган асосий, якуний мақсаддир, ҳеч қандай шубҳа йўқки, мен Уни кўрганимда У Ўзининг нилуфар қадамлари пойидан менга ҳам паноҳ беради. У Ўзининг нилуфар қўлларини албатта менинг ҳам бошимга қўяди деган умиддаман".

Шундай қилиб, Акрура Кришнанинг нилуфар қўллари марҳаматидан умидвор эди. У билардики, осмон шоҳи ва бутун уч олам - олий, ўрта ва қуйи сайёралар тизимининг ҳукмдори бўлган фаришта Индра Кришнага озгина сув тақдим қилгани ва Кришна уни қабул қилгани учун Кришнанинг буюк марҳаматига эришган. Худди шундай Бали Махараж ҳам Вamanaдевага садақа, эҳсон сифатида уч қадамча ер билан Унга озгина сув тақдим этган, Парвардигор эса уларни қабул қилган эди. Шу боис Бали

Махараж Индранинг мартабасига эришган эди. Гопилар Кришна билан раса рақсига тушиб чарчаганларида, Кришна Ўзининг нилуфар гулидай анвойи хид таратиб турган кўллари билан уларнинг юзидаги марварид шодаларидай тер томчиларини артиб кўйганида гопилар шу захотиёқ чарчоғини унутиб, енгил тортиб кетган эдилар. Шундай қилиб, Акрура Парвардигор Кришнанинг ана шу олий кўллариининг марҳаматидан умидвор бўлиб борарди. Парвардигор Кришнанинг кўли Кришнани англаш йўлига кирган ҳар қандай одамга ҳам истаганча саодат ато этишга қодир. Агар одам осмон шоҳига ўхшаб моддий бахтга интилаётган бўлса, у буни Кришнанинг кўлларида олиши мумкин; агар кимдир моддий тирикчилик мусибатларидан озодликка чиқишни истаса, у ҳам буни Парвардигор Кришнанинг саҳоватли кўлларида олиши мумкин; агар қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат ҳис қилаётган бхакта У билан бевосита мулоқот қилишга, Унинг илоҳий танасини ушлашга интилаётган бўлса, у ҳам бунга Кришнанинг кўллари орқали эришади.

Аммо Акрура Кришнанинг душмани бўлган Камсанинг элчиси бўлиб боришдан қўрқарди. У шундай ўйларди: "Мен Кришнанинг олдига Унинг душмани номидан элчи бўлиб боряпман!" Айни пайтда у бошқача ўйларди: "Кришна Олий Рух кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида жойлашган, шу боис У менинг албатта қалбимни билиши лозим!" Гарчи Акрурага Кришнанинг ашаддий душмани ишонган бўлса ҳам, унинг қалби пок эди. У Кришнанинг соф бхактаси эди. У Кришна билан учрашиш имконига эга бўлиш йўлида Камсанинг ғазаб ўтига дучор бўлишга ҳам тайёр эди. Гарчи у Кришнанинг душманининг вакили бўлиб бораётган бўлса ҳам, Кришна унинг ўзини душман деб билмаслигига Акруранинг ишончи комил эди. "Гарчи бу ишга мени Камса юборгани сабабли унинг амри билан бажараётган бу ишим гуноҳ бўлса ҳам, Худонинг Олий Шахсига яқинлашганимда мен кўлларимни қовуштириб Унинг олдида камтарин ҳолда сажда қиламан. Шубҳа йўқки, У менинг садоқатимдан албатта мамнун бўлади, балки У майин табассум билан кулиб кўяр, Ўз нигоҳини ташлаб мени барча гуноҳларим оқибатидан халос этар. Шунда мен илоҳий лаззат ва мукамал илмга эга бўламан. Кришна менинг қалбимни билладиган бўлса, шубҳа йўқки, олдида борганимда У мени албатта кучоклаб бағрига босади. Мен шунчаки Ўдавалар сулоласининг бир аъзосигина бўлиб қолмасдан Унинг соф бхактасиман. У мени меҳр билан бағрига босиши шарофати билан қалбим, танам ва руҳим аввалги ҳаётимда қилган барча

гуноҳ ишлар оқибатидан бутунлай покланади. Бизларнинг танамиз бир-бирига текканида мен дарров ўрнимдан туриб, камтарин ҳолда кўл қовуштириб тураман. Шубҳа йўқки, Кришна билан Балорам мени: "Акрура, тоғажон!" - деб чақирадилар, айнан шу пайтда менинг бутун ҳаётим ҳар қандай олқишга сазовор бўлади. Фақат Худонинг Олий Шахси ундан мамнун бўлганда, уни тан олганидагина инсон ҳаётда муваффақиятга эришган, яъни комил инсон даражасига эришган бўлади".

Бу ерда аниқ айтилганки, инсон ҳаётда ўзининг хизмати ва садоқати билан Худонинг Олий Шахси уни тан олишига интилиб яшаши лозим. Бусиз инсон ҳаётда муваффақият қозона олмайди. "Бхагавад Гита"да айтилганки, Парвардигор, Худонинг Олий Шахси ҳаммага бир хил муносабатда бўлади. Унинг душмани ҳам, дўсти ҳам йўқ. Аммо У Ўзига чуқур муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган бхактасига алоҳида эътибор билан ғамхўрлик қилади. "Бхагавад Гита"да яна айтилганки, Парвардигор Ўз бхактасининг садоқат билан қилган хизматида яраша жавоб беради. Акрура, Кришна худди жаннатда ўсадигап, сажда қилаётган одамнинг истагига мос равишда турли мевалар берадиган истаклар дарахтига ўхшайди, деб ўйларди. Шунингдек Худонинг Олий Шахси - ҳамма нарсанинг манбаи. Бхакта Худога, Кришнага қандай хизмат қилишни билиши керак, шу тариқа у Кришна ўзини тан олишига эришиши лозим. Шу боис "Чайтанья Чаритамрита"да тушунтирилганки, инсон бир вақтнинг ўзида ҳам руҳий устозига, ҳам Кришнага садоқат билан хизмат қилиши, шу тарзда қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим. Руҳий устоз раҳбарлиги остида Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилиш - Худога ҳақиқий хизмат қилишдир, чунки руҳий устоз Кришнанинг бу дунёда намоён бўлган ҳақиқий вакилидир. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур айтадики, руҳий устозини мамнун қилган киши Худонинг Олий Шахсини мамнун қилган бўлади. Бу худди давлат идораларида хизмат қилишни эслатади. Одам идорада бўлим бошлиғининг назорати остида ишлайди. Бирор одамнинг хизматидан бўлим бошлиғи мамнун бўлса, шунинг ўзи унинг мартабаси ошишига, маоши ҳам ўзидан-ўзи кўтарилишига кафил бўлади.

Шундан кейин Акрура ўйлай бошлади: "Агар Кришна билан Балорам менинг илтижоларимдан мамнун бўлсалар, Улар албатта менинг кўлларимдан ушлайдилар ва хурсанд бўлиб мени уйига таклиф этадилар. Албатта Улар мендан Камса ва унинг ҳамтовокларининг ишлари ҳақида сўрай бошлайдилар".

Швапхалканинг ўғли Акрура Матхурадан чиқиб йўлда Шри Кришна ҳақида шундай ўйларга ғарқ бўлиб борарди. У Вриндаванга кун охирлаб қолганда кириб келди. Акрура йўлда қанча вақт юрганини ҳам сезмай қолган эди. У Вриндаванга кириб келганида қуёш ботаётган эди. У Вриндаванга кириб келиши билан йўлда сигирларнинг оёқ изларини ва Парвардигор Кришнанинг оёқ изларини - Унинг байроқча, санчки, яшин ва нилуфар гули белгиси бор оёқ изларини кўрди. Кришнанинг оёқ изларига кўзи тушган заҳоти Акрура Кришнага бўлган чуқур эътиқоди, хурмат-эҳтироми юзасидан аравадан сакраб тушди. У илоҳий жазаванинг ҳамма аломатларини намоён этиб йиғлар ва бутун вужади титрар эди. Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи теккан чангни кўриб ҳаяжонланганидан у қаттиқ илоҳий жазавога тушганча ерга йиқилиб, ҳар тарафга ағанай бошлади.

Акруранинг Вриндаванга қандай кириб бориши ҳамма учун намуна бўлиши лозим. Вриндаванга ташриф буюрмоқчи бўлган киши Акрура кўрсатган мукамал намунадан ўрнак олиши ва ҳамиша Парвардигор Кришнанинг эрмак ва кароматлари ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб бориши лозим. Вриндаван чегарасига оёқ босган заҳоти одам ўзининг дунёвий мартабаси ва обрўсига қарамай танасига Вриндаван чангидан суртиши керак. Нароттама дас Тхакур ўзининг машҳур кўшиғида шундай деб куйлайди: вишайа чхарийа каве шуддха хаве мана - қачон менинг ақлим моддий лаззатланиш иллатини тарк этиб покланса мен Вриндаванга бора оламан. Ҳақиқатан ҳам, шунчаки билет сотиб олиш билан Вриндаванга боришнинг иложи йўқ. Вриндаванга қандай бориш кераклигини Акрура кўрсатиб берган.

Акрура Вриндаванга кириб борганида сигирларни қандай соғишларини кузатиб турган Кришна билан Балорамни кўрди. Кришна сарик либос, Балорам эса кўкимтир либос кийиб олган эди. Шунингдек Акрура Кришнанинг кўзлари худди куз фаслидаги нилуфар гулидай чиройли эканини ҳам кўрди. Акрура улар иккови - Кришна ва Балорамни навкирон ёшлик даврида учратиб турарди. Гарчи уларнинг юз тузилишлари бир бирига жуда ўхшаса ҳам, Кришнанинг танаси қорамтир рангда, Балорамнинг танаси эса оқ рангда эди. Уларнинг иккови ҳам равнақ фариштасининг нажот макони эди. Уларнинг қоматлари келишган, кўллари чиройли, юзлари ёқимли бўлиб, Улар иккови ҳам филдай қудратли эди. Акрура йўлда Кришна билан Балорамнинг оёқ изларини кўргандан кейин мана уларнинг ўзларини кўриб турарди. Гарчи Улар энг қудратли шахслар бўлса ҳам, унга юзида табассум билан қараб

турардилар. Акрура Кришна билан Балорам кун бўйи ўрмонда сигир боқиб, ҳозиргина келиб турганини тушунди; улар ювиниб тоза либосларини кийиб, гулчамбарлар билан безаниб, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб олган эдилар. Уларнинг танаси сандал билан безанган эди. Сандал дарахти ва гулларнинг анвойи ҳидидан, бунинг устига Кришна ва Балорамнинг ўзларини яққол кўриб турганидан Акрура ҳаяжонга тушиб, маст бўлиб қолди. Худонинг Олий Шахси Кришнанинг ва Унинг тўла намоён бўлган экспансияси Балорамнинг жамолини бевосита кўриб турганидан Акрура ўзини жуда бахтиёр ҳис қиларди, чунки Улар Бутун борлиқдаги азалий бошланғич шахслар эканини у яхши биларди.

"Брахма-самхита" да айтилганидай, Кришна азалий Худонинг Олий Шахси ва барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси. Ўзи яратган оламнинг саодатини ўйлаб, ҳақиқий дин қонунларини қайта-тиклаш ва иблисларни яқсон қилиш ниятида Парвардигор Ўз хоҳиши билан ерга ташриф буюрганини Акрура тушунар эди. Илоҳий таналаридан таралиб турган ёғду билан ака-укалар оламнинг зулматини тарқатиб юборган эдилар, бу иши билан Улар худди сапфир ва кумушдан иборат тоғларга ўхшаб кетарди. Ҳеч иккиланиб ўтирмасдан Акрура шу заҳотиёқ аравадан тушди ва Кришна билан Балорамнинг олдида худди калтакдай узала тушиб сажда қилди. Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойига қўлини теккизиб у илоҳий лаззатга ғарқ бўлди: калбидаги ҳаяжони бўғзига тикилиб, у гапира олмай қолди. Кришнанинг бевосита шу ерда турганини ҳис қилган Акруранинг кўз ёшларидан тинмай илоҳий севинч ёшлари оқарди. У чуқур илоҳий жазавога тушиб, кўзи ҳеч нарсага кўрмай, худди тилдан қолгандай гапиролмай қолди. Ўзининг бхакталарига жуда меҳрибон бўлган Парвардигор Кришна Акрурани Ўз кўллари билан билан ердан кўтариб, бағрига босди. Парвардигор Кришна Акрурадан жуда мамнун бўлганга ўхшарди. Балорам ҳам Акрурани кучоқлаб бағрига босди. Акруранинг кўлларида ушлаб Кришна билан Балорам уйга киритдилар, ўтиришга қулай ўриндиқ кўрсатиб, оёқларини ювиш учун сув таклиф этдилар. Шунингдек Улар одатга кўра асал ва бошқа нарсалар таклиф этиб, унга муносиб эҳтиром кўрсатдилар. Акрурани қулай ўриндиққа ўтказгандан кейин, Кришна билан Балорам унга ҳар бири битта сигирдан садақа сифатида эҳсон қилдилар, кейин ширин егуликлар таклиф қилдилар, Акрура мамнуният билан уларни қабул қилди. Акрура тамадди қилиб бўлгандан кейин, у қулай жойлашиб олиши ва ўзини эркин тутиши учун Балорам унга бетел ёнғоғи, ширинликлар, сандал

таклиф қилди. Бошқаларни меҳмон кутиб олиш қоидаларига ўргатиш учун Парвардигор Кришнанинг Ўзи ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган меҳмон кутиш қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳаракат қиларди. Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, агар душманинг меҳмон бўлиб келса ҳам уни шундай яхши кутиб олиш лозимки, у мезбондан бирор хатар келишига ҳатто шубҳа ҳам қилмасин. Агар мезбон камбағал одам бўлса, у меҳмонга ҳеч бўлмаса ўтириш учун сомондан қилинган ўриндиқ ва чанқоғини босиши учун озгина сув таклиф қилиши лозим. Кришна билан Балорам Акрурани унинг юқори мартабасига муносиб равишда кутиб олган эдилар.

Акрурани шу тариқа муносиб кутиб олиб, қулай ўриндиққа ўтказганларидан кейин, Кришнанинг тутинган отаси Нанда Махараж шундай деди: "Азизим Акрура, мен сендан нималар ҳақида сўрашим мумкин? Биламанки, сенга бағритош иблис Камса ҳомийлик қилади. Унинг сенга кўрсатаётган ғамхўрлиги худди қассобнинг кейинчалик сўйиш учун уйида ҳайвонларни парваришлаб юрган ҳайвонларга қилаётган ғамхўрлигига ўхшайди. Камса ўзини шунчалик яхши кўрадики, жонини сақлаб қолиш учун ҳатто тукқан синглизининг болаларини ҳам тап тортмасдан ўлдириб юборди. Шундай экан мен унинг Матхура аҳолисига ғамхўрлик қилаётганига қандай ишонишим мумкин?" Унинг бу гаплари жуда муҳим аҳамиятга эга. Агар давлатни бошқариб турган ҳукумат бошлиғи фақат ўз манфаатини ўйлайдиган бўлса, у ўз фуқароларига умуман ғамхўрлик қила олмайдилар.

Нанда Махаражнинг бундай ёқимли гаплари Акрурани Матхурадан Вриндавангача бўлган бир кунлик йўл юриб чарчаганини ҳам бир пасда унутиб юборишга мажбур қилди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Акруранинг Вриндаванга кириб келиши" деб  
аталадиган ўттиз еттинчи бобида  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

### **38. Акруранинг Матхурага қайтиши ва Йамуна дарёсида Вишнулокага ташириб буюргани**

Парвардигор Кришна билан Нанда Махараж Акрурани илиқ кутиб олдилар ва ухлаш учун унга жой қулай таклиф қилдилар. Бу орада ака-ука Кришна билан Балорам кечки овқатланиш учун ўтирдилар. Акрура ўзига

ажратилган ўриндиқда ўтириб Матхурадан Вриндаванга келгунча йўл бўйи орзу қилган нарсаларининг ҳаммаси амалга ошгани ҳақида мулоҳаза юрита бошлади. Парвардигор Кришна - равнақ фариштасининг ҳожаси; агар Кришна Ўз бхактасидан мамнун бўлса севимли бхактаси истаган нарсаларнинг ҳаммасини унга ато этади. Аммо ҳақиқий бхакта ҳеч қачон Парвардигордан ўз манфаати учун бирор нарса сўрамайди.

Кечкурунги овқатни еб бўлганларидан кейин Кришна билан Балорам хайрли тун тилан учун Акруранинг олдида кирдилар. Кришна ундан тоғаси Камса ҳақида сўраб-суриштирди: "У дўстларига нисбатан ўзини қандай тутяпти?" Кришна Акрурадан: "Менинг қариндошларимнинг аҳволи қандай?" - деб ҳам сўради. Кейин Камсанинг келажақдаги режалари ҳақида сўраб суриштирди. Кейин Худонинг Олий Шахси Акруранинг бу ерга келганидан жуда хурсанд эканини айтди. Кейин У "Қариндошларим ва дўстларим соғ-саломат юрибдиларми, ҳаётнинг ҳар хил ташвишлари уларни безовта қилмаяптими?" - деб сўради. Кришна салтанатни тоғаси Камса бошқараётганидан афсусда эканини айтди. У айтдики, Камсанинг жойи салтанат тахтида эмас, токи ҳокимиятни у бошқарар экан, мамлакатдаги фуқаролар ўзларининг ҳаётида бирор яхшилик бўлишидан умидвор бўлмасалар ҳам бўлади. Кришна шундай деди: "Отам фақат Мен унинг ўғли бўлиб туғилганим учун шунча кўп мусибатларга дучор бўлди. Фақат шу сабабли у ўзининг бошқа фарзандларидан ҳам айрилди. Дўстим ва қариндошим сифатида сенинг бу ерга, Менинг олдимга келганингни Мен Ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман. Акрура дўстим, илтимос, Менга Вриндаванга келишдан мақсадинг нима эканини айт!"

Кришнанинг бу саволига жавобан, Йадулар сулоласининг намоёниси бўлган Акрура Кришнага охириги пайтларда Матхурада бўлиб ўтган воқеалар ҳақида, шу жумладан Камса - Кришнанинг отаси Васудевани ўлдирмоқчи бўлагани ҳақида, Нарада Муни Кришна аслида Васудеванинг ўғли эканини, у Кришнани Нанда Махаражнинг уйига яшириб қўйгани ҳақидаги сирни Камсага очгандан кейин бўлиб ўтган воқеалар ҳақида, умуман Камсага тааллуқли бўлган воқеаларнинг ҳамма-ҳаммасини гапириб берди. У Камсанинг Нарада Мунини қандай кутиб олганини, Камсанинг ўзи уни Вриндаванга юборганини ҳам айтди. Кришна Акрурадан, Нарада Мунининг Камсага Кришна туғилган заҳоти Матхурадан Вриндаванга олиб ўтилгани ва У қандай қилиб Камса юборган иблисларнинг ҳаммасини ўлдиргани ҳақида гапириб берганини билиб олди. Кейин Акрура Кришнага ўзининг Вриндаванга келишдан

мақсади - Уларни ўзи билан бирга Матхурага олиб кетиш эканини айтди. Бундай тайёргарликлар ҳақида эшитиб, душманларни яксон қилишга уста бўлган Балорам билан Кришна Камса режалаштирган кирдикорлардан жуда хурсанд бўлиб кулиб қўйдилар.

Улар Нанда Махараждан барча подачиларни таклиф қилишга ва *Дханур-йагйа* деб аталадиган байрам маросимида қатнашиш учун Матхурага йўл олишни илтимос қилишди. Уларнинг ҳаммасининг байрамда иштирок этишларини Камса ҳам истаган эди. Кришнанинг истагини бажариб Нанда Махараж шу заҳотиёқ барча подачиларни чақирди ва байрам пайтида одамларга садақа қилиш учун сариёғ ва сутдан ҳар хил ширинликлар тайёрлашни буюрди. Шунингдек у Вриндаваннинг бош соқчиси орқали бутун Вриндаван аҳолисига Камса ўтказётган катта Дханур-йага маросими ҳақида хабар бериб, ҳаммани унда иштирок этишга таклиф қилди. Нанда Махараж подачиларга эртага эрталаб йўлга чиқишларини, уларни Матхурага олиб борадиган хўкиз ва сигирларни йўлга тайёрлаш зарурлигини эслатиб қўйди.

Гопилар Акруранинг Кришна билан Балорамни Матхурага олиб кетиш ниятида келганини кўриб қаттиқ ташвишга тушдилар. Уларнинг баъзилари шунчалик хафа бўлдиларки, юзлари бутунлай қорайиб кетди, оғир-оғир нафас олиб, юраклари тез-тез ура бошлади. Улар ўзларининг сочлари ва устидаги либослари пала-партиш бўлиб қолганини кўрдилар. Кришна билан Балорамнинг Матхурага кетаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, уй ишлари билан машғул бўлиб юрган бошқа гопилар ҳам худди ўлим жазосига маҳкум этилиб, ҳозироқ бу дунёни тарк этадиган одамга ўхшаб, шу заҳотиёқ қилаётган ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Уларнинг баъзилари Кришна билан ҳижрон азобига бардош беролмай, бирданига ҳушидан кетиб қолдилар. Кришнанинг мафтункор табассумини ва Унинг ўзлари билан ўтказган ширин суҳбатларини эслаб гопилар чуқур қайғуга ботдилар. Уларнинг ҳаммаси Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг алоҳида фазилатларини - Унинг Вриндаванда юрган пайтларини, ҳазил аралаш ёқимли гаплари билан ҳамманинг қалбини Ўзига ром этганини эслаб бошладилар. Кришна ҳақида ва У билан бўладиган муқаррар айрилик, ҳижрон ҳақида ўйлаб, гопиларнинг ҳаммаси бир жойга тўпландилар, уларнинг юраги ҳаяжондан тез-тез ура бошлади. Улар Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлган, кўзларидан бетиним ёшлар оқарди. Улар шундай гапира бошладилар: "Эй тақдир, сен қанчалик шафқатсизсан-а! Сен бошқаларга нисбатан

меҳрибон бўлиш нималигини умуман билмайдиганга ўхшайсан. Сен шундай қиласанки, аввал дўстлар бир-бири билан учрашадилар, аммо уларнинг истакларини бажармай туриб, сен яна уларни бир-биридан ажратиб юборасан. Бу ишинг худди ёш боланинг ҳеч қандай маънога эга бўлмаган ўйинларига ўхшаб кетади. Сен бизларга танаси кўкимтир-қора, тўлқин-тўлқин сочлари, кенг пешонаси ва чиройли бурни жамолини яна ҳам чиройли кўрсатиб турган Кришнага учратганинг, бу дунёдаги барча жанжалларни бартараф этиш учун ҳамиша юзида чиройли табассум билан кулиб юрадиган ўша Кришнанинг жамолини кўрсатганинг, кейин эса бизларни Ундан айиришга ҳаракат қилаётганинг қанчалик даҳшат, қанчалик зулм эканини билсанг эди! Эй Тақдир, сен қанчалар бешафқатсан! Лекин энг ҳайратланарлиси шуки, сен ҳозир бу ерда исмининг ўзи "Шафқатсиз эмас!" деган маънони англатадиган Акрура қиёфасида намоён бўлиб турибсан! Аввалига, сен бизларга Кришнанинг беқиёс жамолини кўриш имконини берадиган мана шу кўзларни ато этганинг учун сенинг санъатингга тасаннолар айтдик, энди эса, худди бир ақлсиз, нодон одамга ўхшаб, Кришнани кўра олмай қолишимиз учун сен бизлардан шу кўзларимизни тортиб олмоқчи бўляпсан. Нанда Махаражнинг ўғли Кришнанинг Ўзи ҳам жуда шафқатсиз! У ҳамиша янги дўстлар орттириб юришга интилади. У ҳеч ким билан узоқ вақт дўст бўлиб қолишни ёқтирмайди. Биз Вриндаванлик гопилар уйларимизни, дўстларимизни, қариндошларимизни ташлаб Кришнанинг хизматкорлари бўлдик, энди эса У бизларга ҳатто эътибор ҳам бермасдан кетиб қоляпти. Бизлар ўзимизни бутунлай Унга топшириб қўйганимизга қарамай У ҳатто бизларга қарамаяпти ҳам. Энди бундай имкониятга Матхуранинг ҳамма ёш қизлари эга бўладилар. Улар Кришнанинг келишини кутиб юрибдилар, энди улар Кришнанинг кулиб турган жамолидан лаззат олиб, унинг асалдай ширин сўзларидан баҳраманд бўладилар. Гарчи бизлар Кришнанинг жуда қатъиятли ва ўзгармас эканини яхши билсак ҳам, Матхуралик ёш қизларнинг чиройли чехраларини кўриши биланоқ У Ўзини йўқотиб қўйса керак деб кўрқамиз. Бизлар Унинг шу қизларнинг қармоғига илиниб, бизларни, яъни содда қишлоқи қизларни унутиб юбормаса деб кўрқамиз. У энди бизларга меҳрибонлик қилмай қўяди. Шунинг учун бизлар Кришнанинг Вриндаванга қайтиб келишига умид қилолмаймиз. У Матхуралик қизлар даврасини тарк этмайди".

Гопилар ўзларича Матхурада бўлиб ўтадиган тантанали байрам маросимларини

тасаввур қила бошладилар: Кришна кўчадан ўтиб боради, шаҳарлик қиз-жувонлар эса, уйларининг деразаларидан Унинг жамолига махлиё бўлиб қараб қоладилар. Матхура шаҳрида Дашарха, Бходжа, Андхака ва Сатвата деб аталадиган ҳар хил жамоалар яшарди. Уларнинг ҳаммаси Кришна дунёга келган ягона сулола - Ядавалар сулоласининг турли шохалари эди. Улар ҳам Кришнанинг келишини интизорлик билан кутардилар. Равнак фариштаси ўзига паноҳ қилиб олган, барча лаззатлар ва барча илохий сифатлар уммони бўлган Парвардигор Кришнанинг Матхура шаҳрига келиши ҳақидаги хабарни аллақачон бутун аҳоли эшитган эди.

Шунда гопилар Акруранинг қилаётган бу ишини коралай бошладилар. Улар Акрура ўзлари учун энг қадрли бўлган одамдан ҳам қадрлироқ, кўзларининг нури бўлган Кришнани олиб кетаётганидан бутунлай норози эдилар. Акрура ҳатто уларга бу ҳақда бир оғиз гапирмасдан, ҳатто уларни овутмасдан Кришнани улардан олиб кетаётган эди. Акрура бунчалик тошбағир, бунчалик шафқатсиз бўлмаслиги, аксинча уларга раҳми келиб ҳамдардлик билдириши лозим эди. Гопилар ўзаро шундай суҳбатлашардилар: "Энг ҳайратланарлиси шундаки, Нанданинг ўғли Кришна ҳеч нарсага эътибор бермасдан аллақачон аравага ўтириб олди. Бу иши Унинг ақли жойида эмаслигини кўрсатиб турибди. Ҳатто У ақлли бўлса ҳам, барибир Уни одобли деб бўлмайди. Фақат Кришна эмас, аслида подачиларнинг ҳаммаси ҳам юраксиз, тошбағир одамлар, улар ҳам Матхурага саёҳат қилиш учун ҳўкиз ва бузоқларни аравага қўшяптилар. Вриндаваннинг ёши улуг подачилари ҳам меҳр-муруват нима эканини билмайдилар; улар бизларнинг қай аҳволга тушиб қолганимизга эътибор бериб, Кришнани Матхурага бориш фикридан қайтаришга уринмаяптилар. Ҳатто фаришталарнинг ҳам бизларга раҳми келмаяпти; улар ҳам Кришнанинг Матхурага йўл олишига ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмаяптилар".

Гопилар Кришнанинг Матхурага кета олмай қолиши учун фаришталарга илтижо қилиб, бўрон, тўфон ёки жалага ўхшаган қандайдир табиий тўсиқ юборишини сўрадилар. Кейин улар ўзларича яна фикр юрита бошладилар: "Кекса ота-оналаримизга эътибор бермасдан Кришнанинг Матхурага кетишига биз ўзимиз тўскинлик қиламиз. Бу ишга ўзимиз қўл урмасак, бошқа ҳеч қандай иложимиз қолмади. Кришнани олиб кетиш учун ҳамма бизга қарши бирлашиб олган. Бизлар эса Кришнасиз бир лаҳза ҳам яшай олмаймиз!" Шунда гопилар Кришнанинг араваси ўтадиган йўлда бирор катта тўсиқ яратишни ўйлай бошладилар. Улар

бир-бири билан ўзаро шундай суҳбатлаша бошладилар: "Бизлар худди бир лаҳзада ўтиб кетган узун бир тунни Кришна билан раса-ракси ўйнаб ўтказдик. Бизлар Уни кучоклаб бағримизга босдик, Унинг майин табассумини кўрдик, У билан ширин суҳбатлар кўрдик. Агар У бизларни ташлаб кетиб қолса, бизлар Кришнасиз бир лаҳза ҳам яшай олмаймиз! Ҳар куни кечқурун Кришна ва Унинг акаси Балорам дўстлари билан бирга уйларига қайтиб келарди. Кришнанинг юзларига сигирлар подасидан кўтарилган чанг ўтириб қолган бўларди. У бизларга Ўзининг меҳр тўла нигоҳини ташлаб, юзида майин табассум билан сурини чаларди. Бизларнинг бутун ҳаётимиз, жону-ганимиз бўлган Кришнани бизлар қандай унута оламиз? У аллақачон бизларнинг юрагимизни ўғирлаб қўйган. Бизлар кеча-ю кундуз фақат Кришна ҳақида ўйлаймиз, агар У кетиб қоладиган бўлса, бизлар бир лаҳза ҳам яшай олмаймиз!" Шундай ўйлардан ҳамда Кришнанинг Вриндаванни тарк этиб кетаётганидан гопиларнинг қалби тобора чуқурроқ қайғуга ботиб борарди. Улар ўзларининг ақлини жиловлай олмас, шу боис Кришнанинг ҳар хил номларини айтиб бор овози билан қичқира бошладилар: "Эй азиз Дамодара! Дамодара! Мадҳава!"

Кришна кетишидан олдин тун бўйи гопилар йиғлаб чикдилар. Куёш чикиши билан Акрура ювиниб поклангандан кейин Кришна ва Балорам билан бирга аравага ўтириб Матхурага йўл олди. Нанда Махараж ва подачилар ҳам ҳўкиз қўшилган араваларга ўтириб, уларга катта-катта кўзаларда сут махсулотлари - йогурт, сут, сариёғ юклаб, Кришна билан Балорамнинг араваси изидан йўл олдилар. Кришна йўлини тўсмасликни илтимос қилганига қарамай гопилар араванинг атрофини ўраб олдилар ва маюс кўзлари билан Унга қараб турардилар. Гопиларнинг аҳволини кўриб, Кришнанинг уларга жуда раҳми келиб кетди, лекин Матхурага бориш Унинг бурчи эди, чунки буни Нарада Муни башорат қилган эди. Кришна гопиларга айтдики, қаттиқ қайғуришнинг ҳожати йўқ, Матхурада ишларини тугатиб бўлиб, У тезда қайтиб келади. Аммо гопиларни тарқалишга қўндиришнинг иложи йўқ эди. Ниҳоят арава ғарбга қараб йўл олди, арава йўлда борар экан гопиларнинг хаёли ҳам арава билан бирга борарди. Улар то арава кўздан йўқолганура аравага қистирилган байроққа тикилиб турардилар; ниҳоят улар фақат аравадан кўтарилаётган чангнигина кўрадиган бўлдилар. Гопилар то арава бутунлай кўзга кўринмай қолгунча жойларидан жилмай турдилар. Улар худди ҳайкалдай бир жойда қотиб қолган эдилар. Гопиларнинг ҳаммаси Кришна барибир тез орада қайтиб келмайди

деган қарорга келдилар, шу боис бундан каттик қийналиб, ҳафсаласи пир бўлиб уйли уйларига тарқалдилар. Энди Кришнанинг йўқ эканини ўйлаб улар куну-тун Унинг эрмакларини эслаб юрдилар, мана шу уларга бироз енгиллик келтирарди.

Акрура билан Балорам ҳамроҳ бўлган Парвардигор аравани Йамуна соҳилига ҳайдади. Йамуна дарёсида ювиниб покланиш шарофати билан инсон ўзининг бу дунёда қилган гуноҳ ишлари оқибатини енгиллаштиради. Кришна билан Балорам Йамунада чўмилиб, юзларини ювдилар. Йамунанинг тиник, биллурдай мусаффо тоза сувидан ичиб, Улар яна аравага ўтирдилар. Арава катта дарахтлар соясида турган бўлиб, унда икки ака-ука ўтирарди. Шунда Акрура ҳам Улардан Йамуна сувда чўмилиб олишга рухсат сўради. Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган қоидаларга кўра инсон белигача сувда туриб *гайатри* мантрасини такрорлаши лозим. Акрура ҳам сув ичида шундай турган пайтда бирданига кўзи Кришна билан Балорамга тушди. Бу ҳол уни каттик ҳайратга солди, чунки Улар ҳозир аравада ўтирганига унинг ишончи комил эди. Таажжубга тушиб, у дарҳол сувдан чиқди ва болаларни кўриш учун арава олдига борди ва худди аввалгидай Улар арава ичида бамайлихотир ўтирганини кўрди. Уларнинг арава ичида ўтирганини кўриб, у ўзи ҳақиқатан ҳам у дарё ичида уларни кўрган-кўрмаганини ўзидан сўрай бошлади. Шунинг учун у яна дарёга қайтиб келди. Бу гал у дарё ичида фақат Кришна билан Балорамни эмас, балки жуда кўп фаришталарни, сиддхаларни, чараналарни ва гандхарваларни кўрди. Уларнинг ҳаммаси шу ерда ястаниб ётган Парвардигор олдида турардилар. Шунингдек у ўзининг минг бошли аждар қиёфасида турган Шешанагани кўрди. Парвардигор Шешанага кўкимтир либосда бўлиб, бўйинлари оппоқ эди. Шешанаганинг оппоқ бўйинлари худди қор билан қопланган тоғ чўққиларини эслатарди. Акрура Шешанаганинг тана ўрамлари устида ором олиб ўтирган Кришнани кўрди, Унинг тўрт қўли бор эди. Унинг кўзлари қизғиш нилуфар гулларининг гулбарглари эслатарди.

Бошқача қилиб айтганда, қайтиб келгандан кейин Акрура дарё ичида Шешанагага айланган Балорамни ҳамда Маха-Вишнуга айланган Кришнани кўрди. У тўрт қўлли Худонинг Олий Шахсини, Унинг чиройли табассумини кўрди. У барчаани Ўзига маҳлиё этганча ҳаммага меҳрибон нигоҳини ташлаб турарди. Тўғри чиройли бурни, кенг пешонаси, юқорига чўзилган қулоқлари ва қизғиш лаблари билан У жуда жозибали кўринарди. Унинг бақувват қўллари тиззасигача тушиб турарди. Елкалари

баланд, кўкраги кенг, денгиз чиғаноғидай бўртиб чиққан эди. Киндиги чуқур кириб кетган, қорнида уч буклам чиройли чизиғи бор эди. Унинг сонлари аёл сонларидай йўғон, оёқларининг устки қисми филнинг хартумини эслатарди. Унинг оёқлари ҳам, пойи қадамлари ҳам жуда чиройли эди. Унинг оёқларидаги тирноқлар ярқираб турар, бармоқлари эса хулли нилуфар гулбаргларидай чиройли эди. Унинг бошидаги тожи қимматбаҳо маржонлар билан безатилган эди. Белига чиройли камар осилган, кўкраги оша муқаддас браҳманлик зуннори осилиб турарди. Унинг билагида билагузуги бор эди. Бўйинини чиройли кўнғироқчалар безаб турарди. Унинг бекиёс гўзаллиги кишини ҳайратга солар, чиройли қўллари нилуфар гулини эслатарди. Вишну-муртининг белгилари, Унинг қўлларига ушлаб олган денгиз сури, гурзи, халқа ва нилуфар гули Уни яна ҳам гўзалроқ қилиб кўрсатарди. Унинг кўксини Вишнунинг алоҳида белгилари безаб турарди, бўйнига эса янги ясалган гулчамбар тақилган эди. Умуман олганда У ғайритабиий гўзаллик намунаси эди. Акрура шунингдек Унинг мангу ҳамроҳларини - тўрт Кумар: Санака, Санатана, Сананда ва Санат-кумарни ҳамда Сунанда ва Нанда каби Унинг бошқа йўлдошларини, фаришталар Браҳма ва Шивани кўрди. Тўққиз буюк билимдон донишманд ҳам шу ерда эди, Прахлад, Нарада Муни ва саккиз Васу сингари сўзи ва қалби пок бхакталар Парвардигорга илтижо қилиб турардилар. Акрура Парвардигорнинг илоҳий Шахсини кўрган захоти, унинг қалбини Худога нисбатан чексиз муҳаббат туйғуси қамраб олди ва бутун вужуди илоҳий жазавага тушиб, титрай бошлади. Гарчи бироз вақт ўзини бутунлай йўқотиб қўйган бўлса ҳам, у ўзини тутиб олиб, Парвардигор олдида эҳтиром билан бош эгди. Қўлларини қовуштириб, Парвардигорга илтижо қила бошлади.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Акруранинг қайтиши ва Йамуна дарёсида  
Вишнулокага таширф буюргани" деб  
аталадиган ўттиз саккизинчи бобида  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

### 39. Акруранинг илтижолари.

Акрура Парвардигорга қилган илтижоларида шундай деди: "Эй азиз Худойим, мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман, чунки Сен - барча сабабларнинг Олий сабабчиси ва бошланғич, туганмас Шахс, Парвардигор Нарайанасан. Сенинг



киндигингдан нилуфар гули ўсиб чиқади, ана шу нилуфар гулидан бу коинотнинг яратувчиси бўлган фаришта - Тангри Брахма дунёга келади. Тангри Брахма - бу коинотнинг яралиш сабабчиси бўлгани учун Сен - барча сабаблар сабабчисисан. Намоён бўлган бу космик оламдаги барча унсурлар - ер, сув, олов, ҳаво, эфир, эго(ўзлик) - бутун моддий қувват, моддий табиат, оралик қувват, тирик мавжудотлар, ақл, ҳиссиётлар, сезиладиган нарсалар ва коинот ишларини бошқариб турган фаришталар - ҳаммаси Сенинг танангдан чиқади. Сен - ҳамманинг олий Рухисан, лекин Сенинг илоҳий киёфангни ҳеч ким билмайди. Бу дунёда ҳар бир тирик мавжудот моддий табиат гуналарининг таъсири остида яшайди. Тангри Брахма сингари фаришталар моддий қувват таъсири остида бўлган ҳолда моддий табиат гуналари таъсирдан ташқарида турган Сенинг илоҳий ҳолатингни англай олмайдилар. Буюк донишмандлар ва сеҳргарлар Сени барча тирик мавжудотларнинг, намоён бўлган бутун борлиқнинг, барча фаришталарнинг бошланғич сабабчиси бўлган Худонинг Олий Шахси деб билган ҳолда Сенга сиғинадилар. Улар Сенга Ўзида бутун борлиқни мужассам қилган Зот деб сажда қиладилар. Билимдон браҳманларнинг баъзилари ҳам анъанавий маросимлар ўтказиш билан Сенга сиғинадилар. Улар ҳар хил фаришталарга атаб Сен учун турли совғаларни қурбонлик сифатида эҳсон қиладилар. Шунингдек илоҳий илмга сиғинадиганлар ҳам бор. Улар жуда хотиржам бўлиб, ҳаётда ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этишга интилиб яшайдилар. Улар бутун ҳаётини гйана-йога деб аталадиган фалсафий йўл билан Сени излашга бағишлайдилар.

Шунингдек бхагаваталар деб аталадиган, Сенга Худонинг Олий Шахси сифатида сиғинадиган бхакталар ҳам бор. Барча қонун-қоидалар асосида уларга Панчаратра йўли ошқор этилгандан кейин улар танасини тилака билан безайдилар ва Сенинг турли Вишну-мурти киёфаларингга сиғинишга берилиб яшайдилар. Шунингдек шиваитлар деб аталадиган, Сенга Тангри Шива киёфасида сиғинадиган ачарйаларнинг издошлари ҳам бор".

"Бхагавад Гита"да айтилганки, фаришталарга сиғиниш ҳам Худонинг Олий Шахсига сиғинишнинг билвосита йўли ҳисобланади. Аммо сиғинишнинг бу тури сиғинишнинг тўғри йўли ҳисобланмайди, чунки сиғинишга муносиб бўлган ягона Парвардигор - Худонинг Олий Шахси, Нарайана ҳисобланади. Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари фаришталар Парвардигор Нарайананинг танасидан чиқадиган моддий сифатлар тимсолидир. Аслини олганда бутун борлиқ

яралишидан аввал Худонинг Олий Шахси Нарайанадан бошқа бирор мавжудот бўлган эмас. Фаришталарга сиғиниш Парвардигор Нарайанага сиғиниш билан бир поғонада бўлолмайди.

Акрура шундай деди: "Гарчи фаришталарга сиғинадиган одамларнинг ақлу-хаёли маълум бир фариштада мужассам бўлса ҳам, Сен - барча тирик мавжудотларнинг, шу жумладан фаришталарнинг ҳам Олий Рухи бўлганинг учун фаришталарга сиғиниш ҳам Сенга сиғинишнинг бир тури ҳисобланади. Баъзан ёмғир палласида тоғлардан кичик ирмоқлар оқиб тушади, лекин улар денгизгача бориб етолмайдилар. Баъзи ирмоқлар денгизгача етиб борадилар, баъзилари етолмайдилар. Худди шундай, фаришталарга сиғинадиганларнинг баъзилари Сенга эришишлари, баъзилари эса Сенга эриша олмаслиги мумкин. Бунга аниқ ишонч йўқ. Уларнинг муваффақиятга эришиш ёки эришмаслиги уларнинг шу фариштага сиғинишдаги қатъиятига, ишончига боғлиқ бўлади".

Ведавий муқаддас китобларда берилган қонунларга асосан маълум бир фариштага сиғинаётганлар ҳам Нарайана, Йогешвара номига атаб баъзи бир сиғиниш маросимларини ўтказишлари лозим, чунки "Бхагавад Гита"да айтилганки, Нарайана яъни Кришнанинг рухсатисиз фаришталар ўзига сиғинаётган одамларнинг бирор истагини амалга ошириша олмайдилар. Бу ҳақда "Бхагавад Гита"да *майаива вихитан хи тан* деган сўзлар ишлатилган бўлиб, уларнинг маъноси - "фаришталар фақат Худонинг Олий Шахси рухсат берсагина ўзига сиғинаётган одамга бирор ёрдам бера олади". Фаришталарга сиғиниб юрган одамлар агар чуқурроқ фикр юрита бошласалар, шундай ўйлаган бўлардилар: "Фаришталар фақат Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор рухсат берсагина бирор ёрдам бериши мумкин. Шундай экан, бевосита Худонинг Олий Шахсига, ягона Парвардигорга сиғинсам бўлмайдами?" Фаришталарга сиғиниб юрганлар Худонинг Олий Шахсига эриша оладилар, аммо "фаришталар ҳам мустақил ҳолда ҳар нарсага қодир бўлган қудратга эга" деб юрган одамлар охириги мақсадга эриша олмайдилар.

Акрура илтижо қилишда давом этди: "Эй азиз Худойим, бутун олам моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари билан тўлган. Моддий табиат гуналари бу дунёдаги ҳаммани - Тангри Брахмадан то кўзгалмас дарахт ва ўсимликларгача бўлган барча тирик мавжудотларни қоплаб олган. Эй азиз Худойим, мен эҳтиром билан Сенинг олдинда бош эгаман, чунки Сен мана шу

моддий табиат гуналарининг таъсир кўрсатиш доирасидан ташқаридасан. Бу гуналар тўлкини ҳаммани олиб кетади, улар фақат Сенга ўз кучини ўтказа олмайдилар. Эй азиз Худойим, олов - Сенинг оғизларинг, ер - Сенинг товонларинг, куюш - Сенинг кўзинг, осмон - Сенинг киндигинг, оламнинг тарафлари - Сенинг кулоқларинг, фазо - Сенинг калланг, фаришталар - Сенинг қўлларинг, океан ва денгизлар - Сенинг қорнинг, шамол ва ҳаво - Сенинг кучинг ва ҳаёт қувватинг, яшаш қобилиятингдир. Барча дарахт ва ўсимликлар - Сенинг танангдаги туклар, булутлар - Сенинг сочларинг, тоғлар - Сенинг суяк ва тирноқларинг, кун ва тун - Сенинг кўз очиб-юмишларинг, Праджапатилар - Сенинг йўғон ичагинг, ёмғир эса - Сенинг уруғлигингдир.

Эй азиз Худойим, тирик мавжудотларнинг ҳаммаси, шу жумладан ҳар хил мартабадаги фаришталар, ҳукмдорлар, шохлар ҳам Сендан паноҳ топган бўлиши лозим. Тўла бутуннинг ажралмас бир бўлакчаси бўлган ҳолда инсон тажриба йўли билан Сени топа олмайди. У Сенинг илоҳий борлигини худди ичида ҳар хил тирик мавжудотлар яшайдиган бепоён океанга, ёки ичидан сон-саноксиз кичкина чивинлар учиб чиқадиган кадамба мевасига ўхшатиб англай олиши, ҳаёлан тасаввур қилиши мумкин. Эй азиз Худойим, Сен бу дунёда Ўзингни мангу қиёфаларингнинг қайси бирида, қандай кўринишда намоён этсанг ҳам, уларнинг барчасининг вазифаси тирик мавжудотларни ғофиллик, алданиш ва мусибат уммонидан озодликка чиқаришдан иборат. Шунинг учун ҳамма одамлар Сен намоён этган ҳар хил қиёфа ва эрмакларингдан ҳайратга тушиб, Сенинг кароматларингни мангу олқишлашлари, шарафлаб куйлашлари мумкин. Сенинг қанча қиёфанг ва намоён этган кўринишларинг борлигини ҳеч ким санаб санаётганига етолмайди. Ҳеч ким Сенда макон топган коинотлар сонини санаб ниҳоясига ета олмайди.

Шунинг учун менга, гарчи Ўзинг барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлсанг ҳам, охир-замон олдидаги сув тошқинида намоён этган баҳайбат Балиқ қиёфанг олдида эҳтиром билан сажда қилишга рухсат бер! Мен Сенинг икки иблис - Мадху ва Каитабханини ўлдирган Хайагрива қиёфанг олдида эҳтиром билан сажда қиламан; Мен бу дунёда баҳайбат Тошбақа қиёфасида намоён бўлиб, баҳайбат Мандара тоғини кўтариб турган, шунингдек Тўнғиз қиёфасига кириб, Гарбходака сув уммонига тушиб кетган Ер сайёрасини олиб чиққан қиёфанг олдинда эҳтиром билан бош эгаман. Мен Нарасимхадева қиёфасида намоён бўлиб, жуда кўп бхакталарни золим-иблислар юзага келтираётган азоб-уқубатлардан халос этган

Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгаман. Вamanaдева қиёфасида намоён бўлиб, илоҳий танасининг катталаштириб, Ўзининг нилуфар қадамлари пойи билан уч қадам ташлаб бутун уч оламни эгаллаб олган Сенинг олдинда ҳурмат билан бош эгаман. Бу дунёдаги барча имонсиз иблисларни яқсон қилиш учун Ўзини Парвардигор Бхригу қиёфасида намоён этган Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгишга рухсат бер! Раванга ўхшаган иблисларнинг ҳаммасини ўлдириш учун Парвардигор Рамачандра қиёфасида бу оламга ташриф буюрган Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгишга рухсат бер. Парвардигор Васудева, Парвардигор Санкаршана, Парвардигор Прадйумна ва Парвардигор Санкаршана, Парвардигор Анируддха қиёфасида Ўзини намоён этган Сенинг олдинда ҳурмат эҳтиром билан бош эгишга рухсат бер! Иймонсиз даҳрийларни ва иблисларни йўлдан адаштириш учун Парвардигор Буддха қиёфасида намоён бўладиган Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгишга рухсат бер! Жаҳолат ботқоғига ботиб, Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга риоя қилмайдиган жирканч млечхалар даражасига тушиб қолган, аммо ўзларини бу оламнинг ҳукмдорлари деб юрган золим шохларни жазолаш учун Ўзини Калки қиёфасида намоён этадиган Сенинг олдинда бош эгишимга рухсат бер!

Эй азиз Худойим, бу дунёда яшаётган ҳар бир тирик мавжудот Сенинг алдамчи қувватинг таъсирига берилиб шартланиб қолган. Ўзининг асл моҳиятини нотўғри тасаввур қилгани ва ўзларини бирор нарсага эгаман деб адашиб юрганлари натижасида тирик мавжудотлар ўзларининг кўрсатаётган кармали фаолияти ва уларнинг оқибатлари дастидан бу дунёда бир танадан иккинчи танага кетма-кет ўтиб юрадилар. Мен адашганимдан бу дунёда уйим, хотиним, бола-чақам, давлатим, мол-мулким бор деб ўйлаб ўзимни бахтли одам деб ҳисоблаб юрибман. Шу тариқа мен ҳозир гўё сароб оламда яшаб юргандайман, чунки бу нарсаларнинг бирортаси мен учун мангу эмас. Шу нарсаларни ҳақиқий ва мангу деб ўйлаб, шундай ҳаёллар билан яшаб юрганимнинг ўзи ғирт аҳмоқлик ҳисобланади. Эй азиз Худойим, ҳақиқий ўзлим, яъни "мен" ҳақимда нотўғри тасаввурга эга бўлганим сабабли мен мангу бўлмаган нарсани, яъни руҳий табиатга эга бўлмаган, ҳамиша ҳар хил азоб-уқубатлар манбаи бўлган мана шу моддий танани "мен ўзим" деб юрибман. Ҳаёт ҳақида шундай тасаввурга эга бўлиб, ҳаёт ҳақида шундай тушунча билан яшашим мени бутунлай адаштириб қўйган, мен ҳамиша ҳар хил қарама-қаршиликлар билан боғлиқ ўйларга ғарқ бўлиб юраман ва Сени -

илоҳий лаззатлар манбаи бўлган ягона Парвардигорни умуман эсдан чиқариб юборганман. Мен Сенинг илоҳий даврангда иштирок этишдан маҳрум бўлиб, худди сувга ва сувнинг шарофати билан ўсадиган ҳар хил ўсимликлар тўла гуллаб-яшнаган диёрни тарк этиб, чўлу-биёбонда сув ахтариб юрган аҳмоқ, нодонга ўхшаб, бу дунёда сарсон бўлиб юрибман. Шартланган руҳлар ўзларининг чанқоғини қондиришга интиладилар, аммо сувни қаердан топишни билмайдилар. Улар ҳақиқатан ҳам сув омбори бор жойни тарк этадилар ва сувдан асар ҳам бўлмаган чўлу-биёбонга қочиб кетадилар. Эй азиз Худойим, мен ҳар хил сезги аъзоларим олиб қочиб юрган ва кармали фаолият ҳамда унинг натижалари ўзига ром қилиб қўйган ақлимни жиловлаб олишга қодир эмасман. Менинг тафаккурим ҳам худди худбин ҳасисга ўхшайди. Эй азиз Худойим, моддий оламнинг шартланган шароитидаги бирорта одам Сенинг нилуфар қадамлари пойига эриша олмайди. Мен эса қандайдир йўллар билан Сенинг нилуфар қадамларинг пойига яқинлашдим, буни Сенинг менга кўрсатган бесабаб марҳаматинг деб биламан. Сен ўзинг истаган ҳар қандай ишни бемалол амалга ошира оласан, чунки Сен Олий Ҳукмдорсан. Энди мен тушуниб етдимки, Сенинг бесабаб марҳаматинг туфайли бирор инсон кетма-кет туғилиб-ўлишлар уммонидан халос бўлиб руҳий озодликка эришишга муносиб бўлса, у руҳий юксалишда яна ҳам юқори кўтарилади, шунда уни Сенга садоқат билан хизмат қилиш ўзига жалб эта бошлайди".

Акрура Парвардигор олдида узала тушиб сажда қилди ва шундай деди: "Эй азиз Худойим, Сенинг мангу, илоҳий қиёфанг мукамал илмга тўла. Шунчаки ақлини Сенинг қиёфангда мужассам қилиш ёрдамида инсон бутун борлиқни англаб ета олади, чунки Сен - барча илмларнинг азалий, бошланғич манбаисан. Бутун борлиқдаги бутун ҳокимият - ҳар хил қувватлар соҳиби бўлган Сенинг мулкинг. Сен - Олий Браҳман ва Олий Шахс, барча моддий қувватларнинг соҳибисан. Мен Сенинг олдингда эҳтиром билан бош эгаман, чунки Сен - Васудева, бутун борлиқнинг нажот маконисан. Сен - ҳамма ерга сингиб кетган Худонинг Олий Шахсисан, шунингдек ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаракатини бошқариб турадиган Олий Руҳ ҳам Сенсан. Эй азиз Худойим, энди мен ўз ихтиёримни бутунлай Сенга топшираман. Илтимос, мени Ўз паноҳингга ол!"

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Акруранинг илтижолари" деб аталадиган*

*ўттиз тўққизинчи бобида Бхактиведантининг  
изоҳлари шундай яқунланади.*

#### **40. Кришнанинг Матхурага кириб келиши.**

Худди тажрибали артист сахнада усталик билан либосини ечиб, осонгина яна ўзининг ҳақиқий қиёфасига киргани сингари, Акрура Худонинг Олий Шахсига илтижо қилиб турганида Парвардигор ҳам бирдан сув юзидан ғойиб бўлди. Вишну-мурти кўздан ғойиб бўлгандан кейин Акрура ҳам сувдан чиқди. Қолган ишларини тамомлаб у чуқур хайратга тушиб Кришна билан Балорам ўтирган арава ёнига келди. Кришна ундан сувда ёки самода бирор ғайритабиий воқеани кўрган-кўрмаганини суриштирди. Акрура Унга шундай деди: "Эй азиз Худойим, осмондами. Ердами, сувдами - бу дунёда рўй берадиган нарсаларнинг ҳаммаси аслида Сенинг фазовий қиёфангда мавжуд. Шундай экан, шахсан Сенинг Ўзингни яққол кўриб турганимдан кейин бу дунёда мен кўрмаган бирор мўъжиза қолармиди?" Унинг бу гаплари муқаддас китобларда ёзилган гапларни тасдиқлайди, яъни Кришнани билган одам ҳамма нарсани билган бўлади, Кришнани кўрган одам, қанчалик ғайритабиий бўлиб туюлмасин бошқа ҳамма нарсаларни ҳам кўрган бўлади. "Эй азиз Худойим, - давом этди Акрура, - Сенинг илоҳий қиёфангдан ҳам ғаройиброқ нарса бўлиши мумкин эмас. Агар мен Сенинг мана шу илоҳий қиёфангни кўриб турган бўлсам, мен кўрмаган бирор нарса қолган бўладими?"

Шундай деб Акрура аравага ўтирди ва улар йўлга тушдилар. Кун охирига бориб улар Матхура вилоятининг чеккасига яқинлашиб қолдилар. Улар Вриндавандан Матхурага борар экан, йўлдан ўтган одамларнинг ҳаммаси Кришна билан Балорамни кўриб, Уларга такрор ва такрор тикилиб қарамасдан туролмасдилар. Айни пайтда Вриндаваннинг Нанда Махараж ва Упананда бошлиқ подачилари ўрмон ва дарёлар оша ўтиб, аллақачон Матхурага етиб келган, Кришна билан Балорамнинг келишларини кутиб турардилар. Матхура дарвозаларига яқинлашганда Кришна билан Балорам аравадан тушдилар ва Акрура билан қўл қисиб хайрлашдилар. Кришна Акрурага шундай деди: "Энди сен уйингга кетаверсанг ҳам бўлади, чунки Бизлар Матхурага Ўз ҳамроҳларимиз билан бирга кириб борамиз". Акрура шундай деди: "Эй азиз Худойим, Сени ташлаб мен Матхурага бир ўзим бора олмайман. Мен Сенинг камтарин қулингман. Илтимос мenden айрилиб, бу ерда қолишга уринма. Илтимос, Сен ҳам, аканг ҳам, Сенинг подачи дўстларинг ҳам мен

билан юринглар, менинг уйимда азиз меҳмон бўласизлар. Эй азиз Худойим, агар Сен менинг уйимга борсанг, хонадоним Сенинг нилуфар қадамлари пойинг гарди билан покланади. Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан оқаётган сувлар, яъни муқаддас Ганга сувлари ҳаммани, шу жумладан аждодларимизни, олов фариштасини ҳам, бошқа фаришталарни ҳам поклайди. Бали Махараж фақат Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ювиш билан шон-шуҳрат қозонди. У муқаддас Ганга сувларига қўл теккизгани шарофати билан унинг барча қариндошлари жаннатга эришдилар. Бали Махараж барча моддий бойликларга эга бўлиб ҳаётда лаззатланиб яшади, кейин эса руҳий озодликнинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ганга сувлари бутун уч оламни поклаб қолмасдан, Тангри Шива ҳам унинг табаррук сувларини тавоф этиб бошига суртади. Эй барча ҳукмдорларнинг олий ҳукмдори! Мен сенинг олдингда эҳтиром билан бош эгаман!"

Акруранинг гапларини тинглаб туриб, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна шундай деб жавоб берди: "Акрура, Мен акам Балорам билан албатта сенинг уйингда меҳмон бўламан, лекин ҳозир эмас, Ўадавалар сулоласига ҳасад қиладиган барча иблисларнинг таъзирини бериб бўлгандан кейин. Мен шу тарика ўз оғайнилари хурсанд қиламан". Акрура Худонинг Олий Шахсининг бу гапларидан озгина ҳафсаласи пир бўлгандай бўлди, аммо Унинг амрига қарши чиқа олмади. Шунинг учун ёлғиз ўзи Матхурага кириб, Камсага Кришнанинг Матхурага етиб келганини айтди ва уйига кетди.

Акрура кетгандан кейин Парвардигор Кришна, Балорам ва бошқа подачилар шаҳарни томоша қилиш учун Матхурага кирдилар. Улар Матхуранинг дарвозалари ажойиб мрамартошдан усталик билан ўйилганини, эшиклари эса соф олтиндан ясалганини кўрдилар. Ҳамма жойда ажойиб боғлар гуллаб ётарди, бирор душман осонлик билан шаҳарга кира олмаслиги учун шаҳар атрофига қатор замбараклар қўйилган эди. Шаҳар ичидаги йўлларнинг чорраҳаларига олтиндан нақш берилган бўлиб, худди битта меъмор режаси билан қурилгандай ҳар тарафда бир-бирига ўхшаш бой-бадавлат бинолар савлат тўкиб турарди. Биноларнинг деворлари бутун тошлар билан безанган бўлиб, ҳар бир уй олдида мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар ўсиб турган боғчалар бор эди. Уйларнинг айвону-пештоқларига марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлар қўйилган кашта билан безатилган ипак матолар тутилган эди. Айвон эшиги олдида каптар ва товуслар ғув-ғувлаб айланиб юрардилар. Шаҳардаги ғалла сотувчи

савдогарларнинг барча расталари ҳар хил гул ва гулчамбарлар билан, янги узилган майсалар ва чиройли нарғиз, атиргуллар билан безатилган эди. Ҳар бир хонадоннинг кириш эшиги олдида сув тўла кўзалар қўйилган, атрофдаги йўлчаларга қатик, сандал ва гул аралаш сув сепилган эди. Уй эшиклари ҳар хил ўлчамдаги шамчироқлар билан безатилган, эшик устида эса янги узилган манго барги ва ипак байроқчалар осилиб турарди.

Шаҳарда Кришна, Балорам ва подачилар Матхурага кириб келгани ҳақида хабар тарқалган заҳоти бутун аҳоли бир жойга тўплана бошладилар, аёллар ва қизлар уларни кўриш учун уй томларига кўтарила бошладилар. Улар Кришна билан Балорамнинг келишини кучли ҳаяжон билан кутардилар, улар Кришна билан Балорамни кўришга шу қадар интилаётгани сабабли рисоладагидай ясан-тусан ҳам қила олмадилар. Уларнинг баъзилари кўйлагининг орқа тарафини олдига кийиб олган, баъзилари кўзларининг фақат бир томонига сурма қўйиб чиққан, баъзилари фақат бир кулоғига сирға тақиб, яна бирлари фақат бир оёғига қўнғирокча осиб олган эдилар. Шундай қилиб, жуда шошилиб, ясан-тусанини ҳам охирига етказмасдан қиз-жувонлар Кришнани кўриб қолиш учун уйларининг томига югуриб чиққан эдилар. Баъзи қиз-жувонлар эндигина овқатланишга ўтирган эдилар, аммо Кришна билан Балорамнинг келгани ҳақидаги хабарни эшитган заҳоти улар ҳам овқатларини ташлаб том бошига чопдилар. Қизларнинг яна бирлари ҳали ҳаммомда чўмилаётган эдилар, Кришна билан Балорамни кўриб қолиш учун улар ҳам шоша-пиша ҳаммомдан югуриб чиқдилар. Баъзилар болаларини эмизаётган эдилар, улар ҳам болаларини ташлаб Кришна билан Балорамни кўриб қолиш учун томга қараб чопдилар. Парвардигор Кришна битта-битта қадам ташлаб, юзида табассум билан оҳиста ўтиб борар экан, шу заҳотиёқ уларнинг ҳаммасининг қалбини Ўзига ром этиб қўйган эди. У, равнақ фариштасининг эри, шаҳар кўчалари бўйлаб худди филдай мардонавор оҳиста ўтиб борарди. Матхуралик аёллар Кришна ва Балорам ҳақида, Уларнинг ғайритабиий сифатлари ҳақида узунқулоқдан жуда кўп нарсалар эшитган эдилар; аёллар Уларга ғойибдан маҳлиё бўлиб қолган, ҳозир эса Уларни бир кўришга интизор эдилар. Энди, аёллар кўчадан оҳиста қадам ташлаб ўтиб бораётган Кришна билан Балорамнинг майин табассум билан кулиб турган жамолини ҳақиқатан ҳам ўз кўзлари билан яққол кўрганларида, уларнинг қалбидаги қувончи жазавали илоҳий лаззатга айланди. Улар Кришна билан Балорамни бевосита

кўрганларида Уларни ўзларининг қалбига жойлаб қўйдилар ва Уларни ўзлари истаганча кучоклаб бағрига боса бошладилар. Улар илоҳий лаззатдан шундай жазавага туша бошладиларки, танасидаги туклари хурпайиб кетди. Улар Кришна ҳақида кўп эшитган эдилар, аммо ҳеч қачон Уни кўрмаган эдилар. Мана энди уларнинг қалбидаги энг юксак орзуси ушалган эди. Матхуранинг саройлари томига чиқиб олиб, аёллар юзларида чексиз қувонч билан Кришна билан Балорамга гуллар ирғита бошладилар. Ака-укалар шаҳар кўчаларидан ўтиб бораётганида шу ерда яшайдиган барча браҳманлар ҳам кўчага чиқдилар, сандал пастаси ва сув обкелиб, эҳтиром билан Уларни муносиб қарши олдилар. Матхуранинг бутун аҳолиси ўзаро суҳбатларида Вриндаванликларнинг улуғвор ва эзгу ишлари ҳақида гапира бошладилар. Ҳар куни подачи-бола қиёфасига кириб олган Парвардигор Кришна билан Балорамни ҳар куни бевосита кўриб юриш имкониятига эга бўлиш учун Вриндаванда яшайдиган одамлар аввалги ҳаётларида қандай савоб ишлар қилган бўлишлари кераклигини ўйлаб, Матхуралликлар ҳайратга тушардилар.

Кришна билан Балорам йўлда мато бўяйдиган бўёқчини учратдилар. Кришна хурсандчилик билан ундан бирор чиройли мато беришни илтимос қилди. Кришна унга, агар бўяган матоларидан энг яхшисини берса, у ҳаётда энг бахтиёр одам бўлишини, ҳар бир ишда унга омад кулиб боқишини ваъда берди. Кришна қашшоқ эмас эди, аслида Унга ҳеч қандай матонинг кераги йўқ эди, лекин Ўзининг бу илтимоси билан У одамларга ҳар бир инсон агар Кришна нимани сўраса ҳам шу нарсани Унга дарров таклиф этишга тайёр туриши лозимлигини кўрсатиб қўймоқчи эди. Ҳаётда Кришна онги билан яшаш деганнинг маъноси шундан иборат.

Бахтга қарши бу бўёқчи Камсанинг хизматкори эди, шу боис у Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг илтимосини муносиб кадрлай олмади. Имонсиз одамлар билан бирга юришнинг, уларнинг инсон онгига кўрсатадиган салбий таъсирининг оқибати шундай бўлади. Эвазига ҳаётда ҳамиша омад кулиб боқишни таклиф қилиб турган Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнага у шу заҳотиёқ бирор матони таклиф қилиши мумкин эди, аммо иблис Камсанинг хизматкори бўлгани учун бу гуноҳкор иблис Кришнанинг таклифини қабул қила олмади. Бу таклифдан мамнун бўлиш ўрнига, аксинча унинг жаҳли чиқиб Парвардигорнинг таклифини рад этди ва шундай деди: "Шоҳга аталган матолардан Сен қандай қилиб Ўзинг учун сўрашга журъат қилдинг?"

Кейин бўёқчи Кришна билан Балорамга насиҳат бера бошлади: "Эй азиз болаларим, энди бундай беадаблик қилманглар, ҳеч қачон шоҳнинг нарсаларига кўз тикманглар. Акс ҳолда сизларни шоҳнинг хизматкорлари жазолаб қўйиши мумкин. Улар сизларни ушлаб олиб қаттиқ жазолаши мумкин, шунда Сизлар қийин аҳволга тушиб қоласизлар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Шоҳнинг молидан ноқонуний йўл билан фойдаланишга уринган ҳар бир одам қаттиқ жазоланади".

Бу гапларни эшитиб, Девакининг ўғли Парвардигор Кришна мато бўёқчидан қаттиқ ғазабланди, қўлининг уст томони билан унга бир зарба бериб, бошини танасидан жудо қилди. Бўёқчи жон таслим қилиб ерга қулади. Шу тариқа Парвардигор Кришна "Брахма-самхита"да айтилган гапларни тасдиқлади: "Парвардигорнинг илоҳий танасининг ҳар бир аъзоси Унинг Ўзи истаган ҳар бир ишни амалга ошира олади". Ҳеч қандай қуролсиз, фақат қўли билан У бўёқчининг бошини танасидан жудо қилди. Мана шу воқеа ҳам Худонинг Олий Шахсининг ҳар нарсага қодир эканини исботлаб турибди. Агар У бирор ишни амалга оширишни истаса, бошқа бировнинг ёрдамсиз буни бемалол амалга оширади.

Бу даҳшатли воқеадан кейин бўёқчининг одамлари матоларни ташлаб ҳар тарафга тум-тарақай бўлдилар. Кришна билан Балорам бу матолардан Ўзлари истаганча олиб кийиб олдилар, қолганини эса подачиларга бердилар, улар ҳам истаганча кийиниб олдилар. Керагидан ортиб қолган матоларни шу ерда қолдириб, Улар сайр қилишни давом эттирдилар. Айни пайтда бир тикувчи-бҳакта Уларга хизмат қилиш имкониятидан фойдаланиб, шу матолардан Уларга ажойиб либос тикиб берди. Шу тариқа чиройли либослар кийиб олган Кришна билан Балорам худди тўлин ой кечаси ёки янги ой туғилган кунда ҳар хил ранг-баранг матолар билан безатилган чиройли филларни эслатарди. Кришна тикувчидан жуда мамнун бўлди ва уни *сарупйа-мукта*, рухий озодликка чиқишга дуо қилди. Бу дуо шарофати билан у танасини тарк этгандан кейин Вайкунтха сайёралардан бирида тўрт қўлли Нарайананики сингари мангу илоҳий танага эга бўлади. Шунингдек, Кришна унга ваъда бердики, токи у бу ҳаётда яшар экан, ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун етарлича даромадга эга бўлади. Бу билан Кришна яққол кўрсатиб турибдики, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган Кришнанинг содиқлари бу дунёда моддий лаззатлардан, яъни ҳиссий лаззатлардан ҳам етарлича баҳраманд бўлиб яшайдилар. Кришнанинг содиқлари ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун етарлича имкониятга эга бўладилар, умрининг охирида эса, улар Ваикунтхалокага

ёки Кришналокага, Голока Вриндаванга кўтариладилар.

Чиройли кийиниб олиб Кришна билан Балорам Судама деган гул сотувчининг олдига бордилар. Улар Судаманинг уйига яқинлашган заҳоти Судама ўзининг Уларга бўлган чуқур садоқатини намоён этиб, эҳтиром билан узала тушиб Уларнинг олдига сажда қилди. У Кришна билан Балорам ўтириши учун қулай ўриндиклар таклиф этди, ёрдамчисига эса чиройли гуллар ва чандана суртилган бетелр ёнғоғи келтиришни буюрди. Гул сотувчининг қувончли кайфияти Парвардигор Кришнани жуда мамнун қилди.

Гул сотувчи камтарин ҳолда Парвардигорга эҳтиром билан илтижо қила бошлади: "Эй азиз Худойим, Сенинг уйимга ташриф буюришинг менинг барча авлод-аждоғларимга ҳамда мен сизиниб юрган зотларнинг ҳаммасига мамнуният ва руҳий озодлик келтирди деб ўйлайман. Эй азиз Худойим, Сен - бу оламдаги барча сабабларнинг азалий, бошланғич сабабчисисан, аммо мана шу Ер сайёраси аҳолисининг бахтини ўйлаб, Сен Ўз бхакталарингни ҳимоя қилиш ҳамда иблисларни яксон қилиш учун Ўзингнинг тўла намоён бўлган қиёфанг билан биргаликда бу ерда намоён бўлгансан. Барча тирик мавжудотларнинг энг яқин дўсти бўлган ҳолда, Сен ҳаммага бир хил муносабатда бўласан: Сен - Олий Рухсан, шу боис кимнидир Ўзингга дўст, кимнидир душман деб, ҳеч кимни бир-бирдан ажратмайсан. Лекин барибир Сенга садоқат билан хизмат қилиб юргани туфайли Ўз содиқларингга Сен алоҳида марҳамат кўрсатишдан лаззат оласан. Эй азиз Худойим, мен Сен учун қандай хизмат қилишим мумкинлигини айт, чунки мен Сенинг мангу хизматкорингман. Агар Сен менга бирор хизмат буюрсанг, бу Сенинг менга кўрсатган чексиз марҳаматинг бўлади". Гул сотувчи ўзининг уйида Кришна билан Балорамни кўришдан жуда миннатдор эди, мана энди, қалбининг тўрида авайлаб келаётган орзусини рўёбга чиқариб, ҳар хил чиройли гуллардан ажойиб гулчамбар ясаб, у Парвардигорга тақдим этди. Кришна билан Балорам унинг хизмат қилишга чин дилдан самимий интилаётганидан жуда мамнун бўлдилар, Кришна унинг бу ниятини олқишлади ва унга ўз ихтиёрини Худога топширган руҳларнинг ҳар қандай истагини амалга оширишга тайёр эканини айтди. Гул сотувчи Кришнанинг бу гапларини эшитиб, Ундан ҳамиша Унинг мангу хизматкори бўлиб қолишни, ҳамиша Унга садоқат билан хизмат қилишни, ўзининг садоқатли хизмати билан барча тирик мавжудотларга бахт-садоат келтиришни илтимос қилди. Бундан кўриниб турибдики, ҳаётда Кришна онги билан яшаб

юрган Кришнанинг бхактаси фақат ўзининг руҳий юксалиши билан қаноатланиб қолмаслиги керак; у ҳаётда бошқаларнинг бахти учун меҳнат қилишга интилиб яшаши лозим. Вриндаванлик олти Госвами ана шундай ўрناق кўрсатиб яшаганлар. Шунинг учун уларга аталган илтижога шундай дейилган: *локанам хитакаринау* - ваишнава, яъни Парвардигорнинг бхактаси ҳаётда фақат ўзини ўйлаб яшамайди. Улар ҳаётда Парвардигордан, Худонинг Олий Шахсидан нимаики олган бўлсалар шуни бошқаларга ҳам тарқатиб беришга интилиб яшайдилар. Бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида қилинадиган фаолиятнинг энг буюги мана шундан иборат. Гул сотувчидан мамнун бўлиб, Парвардигор Кришна унга ўзи сўраган нарсаларнинг ҳаммасини ато этиб қолмасдан, уни токи бу моддий оламда яшар экан етарлича мол-дунёга, фаровонликка, узоқ бахтли умрга, ҳаётда нимаики истаса шунга албатта эришишига дуо қилди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Кришнанинг Матхурага кириб келиши" деб  
аталадиган қирқинчи бобида  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## 41. Кураш майдончасида Кришнанинг камонни синдиргани

Гул сотувчининг уйидан чиққанларидан кейин Кришна билан Балорам кўчада сандал солинган идиш кўтариб бораётган ёш букри аёлга дуч келдилар. Лаззатлар манбаи бўлган Кришна ўша букри аёл билан ҳазиллашиб Ўзининг ҳамроҳларини бир кулдирмоқчи бўлди. У букри аёлга шундай мурожаат қилди: "Ҳой сарвкомат ёш қиз, сен ким бўласан? Менга айтчи, бу сандални кимга олиб кетяпсан? Сен уни Менга беришинг керак деб ўйлайман, Сени ишонтириб айтаманки, агар шундай қилсанг, сен жуда бахтли бўласан!" Кришна - Худонинг Олий Шахси, шунинг учун у бу букри аёл тарихини яхши биларди. Ўзининг саволи билан Кришна унга билдириб қўйдики, иблисларга хизмат қилишнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ; унинг ўрнига Кришна билан Балорамга хизмат қилиб, шу заҳотиёқ қилган хизматининг натижасига эришгани маъқул.

Аёл Кришнага шундай деб жавоб берди: "Азизим Шйамасундара, ҳой менинг ажойиб қора болам, мен Камсанинг хизматкори эканимни Сен билсанг керак. Мен ҳар куни унга сандал олиб бораман. Ҳар куни мана шундай анвойи ҳид таратиб турадиган сандал билан таъминлаб турганим учун шох мендан жуда

миннатдор, лекин мен энди тушуниб етдимки, бу сандал хизмат қилиши учун Сиз ака-укалардан муносиброқ одам йўқ". Кришна билан Балорамнинг чиройли юзларига, Уларнинг гапларига, табассумига, нигоҳига ва мурожаатига махлиё бўлиб, букри аёл чуқур мамнуният ва садоқат билан Уларнинг танасига сандал сурта бошлади. Икки илоҳий ака-ука, Кришна билан Балорам, табиатан жуда гўзал бўлиб, таналари ҳам ғаройиб рангда, ҳар хил чиройли либослар кийиб олган эдилар. Уларнинг қомати ва сиймоси шундай ҳам жозибали эди, букри аёл таналарига сандал суртгандан кейин эса, Улар яна ҳам чиройлироқ бўлиб кетдилар. Кришна букри аёлнинг садоқат билан қилган хизматидан жуда мамнун эди, шу боис уни қандай мукофотлаш ҳақида ўйлай бошлади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Кришнанинг эътиборини ўзига жалб қилиш учун ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган бхакта Унга чуқур муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиши лозим. Кришнани илоҳий муҳаббат ва садоқат билан қилинган самимий хизматдан бошқа бирор нарса билан мамнун қилишнинг иложи йўқ. Кришна ўйланиб туриб, букри аёлнинг оёғининг устига оёғини қўйди, унинг ёноқларини бармоқлари билан ушлади-да, унинг танасини тўғрилаш учун бирдан юқорига кўтариб юборди. Букри аёл шу заҳотиёқ қадди-қомати келишган, сонлари тўлиқ, бели ингичка, кўкраклари тўла чиройли аёлга айланди. Букри аёлнинг хизматидан Кришна мамнун бўлгани ва унга Кришнанинг қўли теккани шарофати билан у аёлларнинг энг гўзалига айланди. Бу воқеа шуни кўрсатадики, Кришнага хизмат қилар экан бхакта шу заҳотиёқ ҳар жиҳатдан энг юқори поғонага кўтарилди. Худога садоқат билан хизмат қилиш шундай қудратли кучга эга-ки, у билан шуғуллана бошлаган киши ўзидан-ўзи табиий равишда фаришталар сингари илоҳий сифатларга эга бўла бошлайди. Кришнани букри аёлнинг гўзаллиги эмас, унинг хизмат қилишга бўлган истаги ўзига жалб этган эди: Кришнага хизмат қилган заҳоти у энг гўзал аёлларнинг бирига айланди. Кришна онгига эга бўлган киши албатта гўзал ёки қандайдир яхши фазилатларга эга бўлиши шарт эмас; Кришна онгига эга бўлиб, Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юриб у табиий равишда барча эзгу фазилатларга ва гўзалликка эга бўлади.

Кришнанинг марҳамати билан букри аёл ғаройиб даражада гўзал аёлга айлангандан кейин, табиий равишда у ўзини Кришнадан жуда миннатдор, қарздор ҳис қилар, бунинг устига Кришнанинг гўзаллиги уни ўзига мафтун этган эди. У ҳеч иккиланмасдан Кришнанинг либосининг орқа тарафидан ушлаб олиб Уни силкита бошлади. Юзида жозибали табассум

билан у қалби шахвоний эҳтиросга тўлиб бораётганини тан олиб изҳор этди. У Кришнанинг кўчанинг ўртасида, акаси Балорам ва дўстларининг олдида турганини ҳам эсидан чиқариб юборган эди.

У Кришнага очикдан-очик шундай таклиф қилди: "Эй менинг қахрамоним, мен Сени шундай қолдириб кетолмайман. Сен албатта менинг уйимга боришинг керак. Сенинг гўзаллигинг мени аллақачон ўзига мафтун қилиб қўйди, шунинг учун мен Сени уйда яхшилаб меҳмон қилишим лозим, чунки Сен - эркаклар орасида энг аълосисан. Сен ҳам менга меҳрибон бўлишинг керак". Бу билан у Кришнага унинг уйига бориб, унинг шахвоний эҳтиросини қондиришни таклиф қилаётган эди. Кришна албатта акаси Балорам олдида бироз уялиб қолган эди, лекин У бу қизнинг жуда содда эканини, Ўзига мафтун бўлиб қолганини билар эди; шу боис унинг гапларига шунчаки кулиб қўя қолди. Ўзининг подачи ҳамроҳларига қараб қўйди-да, Кришна қизга шундай деди: "Эй Менинг чиройли фариштам, Мени уйингга таклиф қилганингдан жуда миннатдорман, бу ердаги ишларимни тугатгандан кейин Мен сенинг уйингга албатта бораман. Ҳали бўйдоқ, бунинг устига уйдан узокда юрганлар учун кўнгилахушлик қилишга айнан сендай чиройли қизлар керак. Шубҳа йўқки, бошқа дугоналаримиз бўлмагани сабабли ақлимиз келтираётган ташвишлардан сен бизни халос эта оласан". Шу тарика ширин сўзлар билан Кришна қизни мамнун қилди. Уни тарк этиб, Кришна йўлини давом эттириб, бозор томон юра бошлади. Бу ерда шаҳарда яшайдиган одамлар Уни кутиб олишга, ҳар хил совға-саломлар, айниқса бетелр ёнғоғи ва сандал таклиф қилишга тайёр турардилар.

Бозорда савдогарлар Кришна билан Балорамга чуқур эҳтиром билан таъзим қилардилар. У кўчалардан ўтганида Уни кўриб қолиш учун аёлларнинг ҳаммаси уйларида югуриб кўчага чиқардилар, уларнинг баъзилари, энг ёшлари Унинг гўзаллигига махлиё бўлиб, деярли ҳушидан кетиб қолардилар. Уларнинг сочлари, баданига зич ёпишиб турган либосларининг тахи бузилиб кетар, улар ўзларининг қаерда эканини ҳам унутиб қўярдилар.

Кейин Кришна шаҳар аҳолисидан қурбонлик маросими ўтказиладиган майдонча қаердалигини сўради. Камса Дханур-йағйа деб аталадиган қурбонлик маросими ўтказишга ҳозирлик кўраётган эди, ана шу қурбонлик маросимининг тимсоли сифатида, қурбонлик маросими ўтказиладиган майдонча ёнига катта камон келтириб қўйган эди. Бу камон жуда ажойиб бўлиб, худди осмондаги камалакка

ўхшарди. Камонни Камса ёллаган жуда кўп соқчилар кўриқлаб турардилар. Кришна билан Балорам камон ёнига келганида камонга яқинлашмасликни айтиб, соқчилар Уларни огохлантирдилар. Аммо Кришна уларнинг бу гапларига парво ҳам қилмади. У камон ёнига ўтиб борди ва дарров камонни чап кўли билан кўтариб олди. Тўпланган оломон кўзи олдида У камоннинг ипини тортиб кистирдида, ундан пайкон йўлламоқчи бўлиб, худди филнинг шакарқамиш синдирганидай, камонни синдириб иккига бўлиб ташлади. Кришнанинг кучидан шу ерда тўпланганларнинг ҳаммаси ҳайратга тушди. Камон синганда чиққан даҳшатли овоз бутун осмону-фалакни тўлдирди, буни ҳатто Камса ҳам эшитди. Бўлиб ўтган бу воқеани эшитганида Камса ўзининг ҳаётини, жонини ўйлаб қаттиқ ташвишга туша бошлади. Камон ёнида турган кўриқчининг бу воқеадан қаттиқ жаҳли чиқди. У дарров ўз одамларига қўлларига қурол олишни буюрди, ўзи ҳайқириқ билан Кришнага ташланди: "Ушланглар Уни! Ушланглар! Уни ўлдириглар!" Соқчилар Кришна билан Балорамни ўраб олдилар. Улар кўриқчиларнинг ҳамла қилаётганини кўриб қаттиқ ғазабландилар ва синган камонни қўлларига олиб, кўриқчиларни савалай бошладилар. Жанг давом этарди, Камса кўриқчиларга ёрдам бериш учун бошқа жангчиларни ҳам юборди, аммо Кришна билан Балорам улар билан ҳам жанг қилиб, уларнинг ҳаммасини ўлдирдилар.

Шундан сўнг Кришна қурбонлик маросими ўтказиладиган майдонча томонга ўтиб ўтирмади, дарвозадан чиқиб, Ўзлари дам оладиган жойга жўнади. Йўл-йўлакай У Матхуранинг ҳар хил чиройли жойларини томоша қилди. Кришнанинг ишларини ва ғайритабиий жасоратини кўриб, Матхура шахрининг бутун аҳолиси бу икки ака-ука шахарга самодан тушиб келган фаришталар эмасмикан деб ўйлай бошладилар ва энди Уларга яна ҳам кучлироқ ҳайрат билан қарай бошладилар. Ака-укалар эса Камсанинг қонун ва буйруқларига эътибор ҳам бермасдан шахар кўчаларида эркин сайр қилиб юрардилар.

Кеч кирганида Кришна билан Балорам подачи -дўстлари билан бирга шахар чеккасига, аравалари турган жойга кетдилар. Кришна билан Балорам Ўзларининг Матхурага келгани ҳақида Камсага шу тарика хабар берган эдилар. Камса ўзини эртага қурбонлик маросими ўтказиладиган майдонда қанчалик хатарли фалокат кутиб турганини тушунган эди.

Кришна билан Балорам Вриндавандан Матхурага йўл олганларида Вриндаванликлар, соф бхакталар ҳам худди равнақ фариштасидай сажда қиладиган Кришнанинг ғайритабиий гўзаллигидан энди чексиз лаззатланиб юрадиган

Матхураликларнинг қанчалик бахтли эканини тасаввур қила бошлаган эдилар. Вриндаванликларнинг тахминлари тўғри чиқди, чунки Матхура аҳолиси Кришнани кўриб ҳақиқатан ҳам тўла мамнуният ҳосил қилган эдилар.

Кришна Ўзлари тўхтаган жойга келганида хизматкорлари Унга ғамхўрлик қила бошладилар: Унинг нилуфар қадамлари пойини ювдилар, қулай ўриндикқа ўтқаздилар, Унга сут ва ҳар хил ширин таомлар таклиф этдилар. Овқатланиб бўлиб, эртаги кунни қандай ўтказишни режалаштиргандан кейин, У хотиржам бўлиб дам олгани йўл олди. У тунни шу тарзда ўтказди.

Айни пайтда Камса, Кришна унинг ғаройиб камонини синдиргани, соқчи ва унга ёрдамга борган жангчиларни ўлдириб ташлагани ҳақида эшитганида, қисман бўлса ҳам Худонинг Олий Шахси қанчалик қудратли эканини англаб етган эди. У ҳақиқатан ҳам Девакининг саккизинчи ўғли дунёга келганини, энди ўзини муқаррар ўлим кутиб турганини тушуниб етди. Ўзининг муқаррар ажали ҳақида ўйлар экан, у тун бўйи мижжа қоқмай чиқди. Унинг кўзига жуда касофатли аломатлар кўринар, шахар яқинида юрган Кришна билан Балорам унинг ажалининг даракчилари эканини тушуниб етган эди. Тушида ҳам, ўнгида ҳам Камсанинг кўзига турли касофатли аломатлар кўрина бошлади. У кўзгуга қараганида, гарчи ҳали калласи жойида турган бўлса ҳам, ойнадаги акс тасвирида калласи жойида йўқ бўлиб кўринди. Осмондаги ёритгичлар аслида биттадан бўлса ҳам, унинг кўзига кўшалок бўлиб кўрина бошлади. У ўзининг соясида ҳар хил тешиқлар кўра бошлади, қулоқлари тинмай шанғилларди. Дарахтларнинг ҳаммаси унга олтидан бўлиб кўринарди, юрганида эса йўлдаги лойда ёки чангда ўзи қолдирган излар кўринмасди. Тушида эса унга эшак қўшилган араваларда ўтирган ҳар хил арвоқлар кўрина бошлади. Шунингдек унга кимдир захар тутар, у эса шу захарни ичарди. Яна у тушида бўйнига фақат гулчамбар осилган, қип-яланғоч ҳолатда туриб танасига мой суртарди. Шундай қилиб, тушида ҳам, ўнгида ҳам ҳалокатидан дарак берадиган ҳар хил аломатлар кўрина бошлагандан кейин Камса тушуниб етдики, бу ўлим балосидан қочиб қутулиб бўлмайди. Қаттиқ ташвишга тушиб у тун бўйи ухлай олмай чиқди. Тун ўтгандан кейин у кураш бўйича бўладиган мусобақаларга фаол тайёргарлик кўра бошлади.

Кураш майдони тартибга келтирилиб, байроқчалар, гулчамбар ва гуллар билан безатилди. Барабанларнинг баланд овози мусобақа бошланишидан дарак бера бошлади. Байроқча ва гулчамбарлар билан безатилган



майдонча жуда чиройли кўринарди. Хурматли меҳмонлар - шоҳлар, браҳманлар ва кшатрийлар учун олдинда алоҳида жой тайёрланган эди. Шоҳлар учун алоҳида тахтиравонлар, бошқа меҳмонлар учун ҳам ўриндиқлар кўйилган эди. Ниҳоят, майдонга ўзининг маслаҳатчилари ҳамроҳлигида Камса ҳам етиб келди ва ўзи учун махсус қурилган баланд тахтиравонга ўтирди. Бахтга қарши, шунча ҳукмдорлар даврасида ўтирганига қарамай муқаррар ўлим олдидан унинг юраги тез-тез уриб дукиллаб турар эди. Маълумки, одам худди Камсадай қудратли бўлса ҳам, ажал учун барибир. Вақти келганда ажал ҳеч кимнинг баланд мартабасига, обрўсига, лавозимига заррача ҳам эътибор бериб ўтирмайди.

Барча тайёргарлик ишлари тамом бўлгандан кейин тўпланган томошабинлар олдида ўз маҳоратини кўрсатиши лозим бўлган полвонлар майдонга чиқдилар. Улар чиройли либослар кийиб, кўплаб тақинчоқлар билан безаниб олган эдилар. Бу машҳур полвонлар орасида Чанура, Муштика, Шала, Кута ва Тошалалар ҳам бор эди. Жарангдор мусиқа товушлари жўрлигида улар шахдам қадамлар билан ўртага чиқдилар. Нанда Махараж бошлиқ Вриндаванлик мўътабар подачиларни ҳам Камса яхши кутиб олди. Камсага ўзлари билан олиб келган сут маҳсулотларини тақдим этиб, подачилар ўзлари учун шоҳга яқин жойдан ажратилган ўриндиқларга бориб ўтирдилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кураш майдончасида Кришнанинг камонни синдиргани" деб аталадиган қирқ биринчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## **42. Кришнанинг Кувалайапида деган филни ўлдириши.**

Эрталаб туриб ювиниб, Ўзининг эрталабки муқаддас бурчларини бажариб бўлганидан кейин Кришна билан Балорам кураш мусобақаси бўладиган майдондан келаётган барабан овозларини эшитдилар. Бу мусобақани томоша қилиш учун Улар дарров ҳозирлик кўриб, йўлга тушдилар. Кришна билан Балорам кураш бўладиган майдон атрофидаги дарвозага яқинлашганларида Кувалайапида деган баҳайбат филга ва унинг ёнида турган филбонга дуч келидалар. Филбон атайлаб филни дарвоза олдида кўйиб, Уларнинг йўлини тўсди. Кришна филбоннинг ниятини дарров англаб етди ва фил билан жангга кириш учун белини маҳкамроқ боғлаб олди. У гулдираган овоз билан филбонга шундай деди: "Ҳой золим филбон, четроқ тур,

Мени дарвозадан ўтказиб юбор! Агар Менинг йўлимда тураверсанг сени ҳам, филнинг ҳам ажал тимсолининг олдида меҳмонга юбораман!"

Кришнадан бундай ҳақоратомуз гапларни эшитиб, филбон қаттиқ ғазабланди, аввал режалаштирилганидай, Кришнани жангга чақириб, филни Кришнага ташланишга ундади. Фил худди муқаррар ажал сингари важоҳат билан Кришнага яқинлаша бошлади. У Кришнага яқин бориб, Уни ўзининг хартуми билан ўраб олишга уринди, аммо Кришна чакқонлик билан филнинг орқа томонида ўтиб олди. Ўзининг бурнидан узокрокни кўра олмагани сабабли фил оёқлари орасида яшириниб қолган Кришнани кўрмай қолди. У яна Кришнани хартумига ўраб олишга уринди. Кришна яна чап бериб филнинг орқа томонида ўтди ва унинг қуйруғидан тутиб олди. Филнинг қуйруғидан ушлаб олиб, худди Гаруда катта илонларни судраб юрганидай, Кришна филни куч билан тортиб, камида йигирма беш қадамча судраб борди. Кришна худди ёшлигида бузоқларнинг қуйруғидан тортиб ўйнаганидай, филнинг қуйруғидан ушлаб уни гоҳ чапга, гоҳ ўнга торткиларди. Кейин Кришна филнинг олдида ўтди ва унга қаттиқ бир зарба туширди. Кейин У филнинг кўзига кўринмай, орқа тарафига ўтиб олди ва филнинг оёқлари остига ётиб олди, фил Унга қоқилиб ерга қулади. Кришна дарров ўрнидан турди, аммо фил Уни ҳалигача ерда ётган деб ўйлаб, курагини Кришнага тикмоқчи бўлиб, курагини ерга ботирди. Фил қаттиқ хавотирга тушганидан ғазабланиб кўзлари қонга тўлган, унинг калласи устида ўтириб олган филбон эса, тинмай уни ниқтар эди. Фил ақлдан озгандай Кришнага ташланганида, у қўли етадиган масофага келган захоти Кришна филнинг хартумидан ушлаб олди ва пастга қараб силкиб тортди. Фил ҳам, унинг устидаги филбон ҳам ерга кулаб тушганида Кришна филнинг елкасига чиқиб олди ва тепкилаб унинг қовурғасини синдирди, филбонни ҳам ўлдирди. Филни ўлдириб, Кришна унинг бир курагини елкасига ташлаб олди. Дона-дона терлар ва филнинг томчи қонлари билан безанган ҳолда Кришна мамнун бўлиб кураш мусобақаси бўлаётган жойга йўл олди. Парвардигор Балорам ҳам филнинг иккинчи курагини елкасига ташлаб олди. Ўзининг подачи дўслари билан биргаликда улар ҳам майдонга кўтарилдилар.

Балорам ҳамда Ўзининг бошқа дўстлари билан бирга Кришна кураш майдонига кириб келганида ҳар хил одамлар ўзларининг Кришна билан ўзаро муносабат(раса)ларига мос равишда Уни ҳар хил қиёфада кўриб турардилар. Кришна - чексиз лаззат ва ҳар хил яхши ва ёмон муносабат(раса)лар манбаидир. Полвонларга У

худди яшиндай кудратли кўринарди. Оддий одамларга У ғайритабийий гўзал ўспирин бўлиб кўринарди. Аёллар учун У севги фариштасидай энг жозибали эркак бўлиб кўринар, бундан уларнинг шахвоний эҳтироси кучаярди. Шу ерда иштирок этаётган подачилар эса Кришнани ўзлари билан бир қишлоқдан - Вриндавандан бўлган қариндош деб билардилар. Шу ерга тўпланган шоҳ-қшатрийлар Уни кудратли ҳукмдор деб билардилар. Унинг ота-онаси - Нанда ва Йашодага Кришна ўзларининг эркатой ўғли бўлиб кўринарди. Бходжа сулоласининг шоҳи Камса учун У ажал тимсоли бўлиб кўринарди. Нодон одамлар учун Кришна аҳамиятсиз бир одамдай бўлиб кўринарди. Шу ерда иштирок этаётган йоглар учун Кришна Олий Рух бўлиб кўринарди. Вришни сулоласига мансуб одамлар учун Кришна сулоланинг энг машхур намоёндаси бўлиб кўринарди. Шу тарика, бу ерда тўпланганларга ҳар хил кўринишда намоён бўлиб, Кришна билан Балорам ўзларининг подачи дўстлари билан бирга кураш бўладиган майдонга чиқиб келдилар. Кришна Кувалайапида деган филни ўлдирганини эшитиб, Камса тушундики, Кришна - шубҳасиз жуда кўркинчли Зот. Шунда у Кришнадан қаттиқ кўрқиб кетди.

Кришна билан Балорамнинг қўллари узун эди. Улар чиройли либослар кийиб олган бўлиб, шу ерга тўпланган одамларнинг ҳаммасини ўзларига мафтун этган эдилар. Улар худди сахнада томоша кўрсатмоқчи бўлгандай чиройли кийиниб олган бўлиб, ҳамма одамларнинг диққат-эътибори Уларга қаратилган эди.

Матхура аҳолиси Кришнани, Худонинг Олий Шахсини кўриб хайратга тушдилар ва худди самовий шарбат ичаётгандай ташналик билан Унинг жамолига тикилардилар. Кришнанинг ташқи кўриниши уларга шундай завқ берардики, гўё улар фақат Унинг жамоли шарбатига тўйибгина қолмасдан, Унинг танасидан таралаётган муаттар хиддан маст бўлиб, тили билан Унинг ширин таъмини сезаётгандай, Кришна билан Балорамни бағрига босаётгандай бўлардилар. Улар ўзаро бу икки илоҳий ака-ука ҳақида суҳбатга киришиб кетдилар. Улар узоқ вақтлардан бери Кришна билан Балорамнинг гўзаллиги ва кароматлари ҳақида эшитиб юрган эдилар, энди эса Уларни ўзлари бевосита кўриб турардилар. Улар Кришна билан Балорамни Вриндаванда намоён бўлган Худонинг Олий Шахси, Нарайананинг тўла намоён бўлган қиёфалари деб ўйлардилар.

Матхура аҳолиси Кришнанинг эрмаклари ҳақида, Унинг Васудева хонадонидида туғилгани, кейин Унга ғамхўрлик қилиб туриш учун Уни Гокулага, Нанда Махараж ва унинг хотинига топширгани ҳақида ва то У Матхурага келгунча

бўлиб ўтган ғаройиб воқеа-ходисалар ҳақида суҳбатлаша бошладилар. Улар ялмоғиз иблис Путананинг, у ёққа тўфон, қуюн қиёфасида борган иблис Тринаварта ҳақида гапирдилар. Шунингдек улар икки эгизак дарахт *йамала-аржун* дарахти ичига қамалган икки эгизак ака-укаларнинг қандай қилиб руҳий озодликка чиққани ҳақида суҳбатлашдилар. Матхуралиқлар ўзаро шундай суҳбатлашардилар: "Кришна билан Балорам Вриндаванда Шанкхасурани, Кешани, Дхенукасурани ва бошқа кўплаб иблисларни ўлдирдилар. Кришна шунингдек Вриндаванлик ҳамма подачиларни бешафқат ёнғин балосидан ҳам қутқариб қолган. У Йамуна дарёси сувларида яшайдиган Калия деган захарли илонни жазолаган ва осмон шоҳи Индранинг сохта мағрурлигини пасайтириб қўйган. Кришна катта Говардхана тоғини кўтариб олиб, чап қўлида уни етти кун давомида ушлаб турган, шу тарика Гокула аҳолисини бетиним жала, ёмғир, бўрон ва тўфонлардан ҳимоя қилган". Улар Кришнанинг бошқа кароматларини ҳам эслай бошладилар, бунинг натижасида уларнинг қалби жўш уриб, кайфиятлари кўтарилиб кетди: "Вриндаванлик қизлар Кришнанинг гўзал жамолига маҳлиё бўлишдан ва Унинг эрмакларидида иштирок этишдан шунчалик қувонар эдиларки, ҳатто моддий тирикчиликнинг мақсадини ҳам унутиб юборган эдилар. Кришнани кўриб, ҳаммиша Уни ўйлаб юриб, улар ҳар қандай моддий ташвиш ва чарчоқ нима эканини билмас эдилар". Матхура аҳолиси Йадавалар сулоласини муҳокама қилиб, бу сулолада Кришна дунёга келгани шарофати билан энди Йадавалар сулоласи бутун коинотда энг шавкатли сулола бўлиб қолади, деб айтардилар. Кейин Матхуралиқлар Балорам ҳақида гапира бошладилар. Улар Балорамнинг нилуфар гулига ўхшаган чиройли кўзлари ҳақида гапирдилар, бу болакай Праламба ва бошқа кўплаган иблисларни ўлдирганини эсладилар. Кришна билан Балорамнинг кўрсатган кароматлари ҳақида шу тарика суҳбатлашар экан, улар кураш бошланганидан дарак берувчи мусика овозларини эшитди.

Машхур полвон Чанура Кришна билан Балорамга мурожаат қилди: "Азизим Кришна ва Балорам, - деди у, - бизлар сизларнинг қаҳрамонликларингиз ҳақида жуда кўп эшитганмиз. Сизлар буюк қаҳрамонсизлар, шунинг учун ҳам Матхура шоҳи Сизларни бу ерга тақлиф қилган. Бизлар Сизларнинг билакларингиз жуда кучли деб эшитдик. Шоҳ ва бу ерга тўпланганларнинг барчаси Сизларнинг кураш тушишдаги маҳоратингизни томоша қилишни истайдилар. Фуқаролар итоаткорлик билан халққа ҳукмронлик қилаётган шоҳни

мамнун қилишлари лозим; шунда улар ҳамма нарсада муваффақиятга эришадилар. Итоатсизлик қилган одам шохнинг ғазабига учрайди. Сизлар - подачисизлар, эшитишимизча Сизлар ўрмонда мол боқиб юриб бир-бирларингиз билан мазза қилиб кураш тушар экансизлар. Шунинг учун бизлар мана шу кураш мусобақасида Сизлар ҳам бизларга қўшилиб, шохни ва шу ерга тўпланган томошабинларни мамнун қилишингизни истаймиз".

Кришна Чануранинг айтаётган гапларидан унинг муддаосини дарров тушуниб олди ва у билан кураш тушишга тайёрлана бошлади. Лекин, замон ва макон шароитига қараб, У шундай деди: "Сен - Бходжа шохининг фуқароси бўлган ҳолда, ўрмонда яшайсан. Бизлар ҳам билвосита унинг фуқаролари бўлиб, имконимиз борича уни мамнун қилишга ҳаракат қиламиз. Кураш мусобақасида қатнашишга таклиф қилишни унинг Бизларга кўрсатган катта марҳамати деб қабул қиламиз, аммо гап шундаки, Бизлар ҳали ёш ўспирин болалармиз. Баъзида бизлар Вриндаван ўрмонларида ўзларимиз тенги ўспирин болалар билан кураш тушиб ўйнаб юрардик. Ўйлаймизки, ёши ҳам, кучи ҳам Ўзимизга тенг бўлган болалар билан кураш тушиш Бизлар учун фойдали, аммо Бизлар сизларга ўхшаган оламга донғи кетган машҳур полвонлар билан кураш тушсак, бу ҳол томошабинларда ёмон таассурот қолдиради. Бу Худонинг қонунларига ҳам тўғри келмайди, инсофдан ҳам бўлмайди". Шу тариқа Кришна оламга донғи кетган қудратли полвонлар Кришна билан Балорамни курашга таклиф қилмаслиги кераклигини уларга эслатиб қўйди.

Бунга жавобан Чанура шундай деди: "Азизим Кришна, Сен - ёш бола ҳам, ўспирин ҳам эмаслигингни бизлар яхши биламиз. Худди аканг Балорам сингари Сен ҳам барчага нисбатан илоҳий Зотсан. Сен битта ўзи бошқа минглаб филлар билан жанг қила оладиган фил Кувалайапидани ўлдирдинг. Сен Ўзингнинг шундай қудратинг билан бизларнинг орамиздаги энг машҳур полвонлар билан кураш тушиш қизиқарли бўлади. Шунинг учун мен Сен билан кураш тушишни истайман, Сенинг аканг Балорам эса Муштика билан кураш тушсин".

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Кришнанинг Кувалайапида деган филни  
ўлдириши" деб аталадиган қирқ иккинчи бобида  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

### 43. Камсанинг ҳалокати.

Камсанинг полвонлари кураш тушишга қатъий қарор қилганини билдирганларидан кейин Худонинг Олий Шахси, иблис Мадхуни мағлуб қилган Зот курашга тайёр бўлиб Чанура олдига, Рохинининг ўғли Парвардигор Балорам эса Муштиканинг олдига бориб турди. Кришна билан Чанура, Балорам билан Муштика бир-бирига қарши туриб, қўлларини қўлларига, оёқларини оёқларига қарши қўйиб, кураша бошладилар - уларнинг ҳар бири зўр бериб ўз рақибини ерга йикитишга ҳаракат қиларди. Улар бир-бирларига муштлири, оёқлари, калласи ва ҳатто кўкраги билан зарба берар эдилар. Улар бир-бирини бир жойдан иккинчи жойга итарган сайин кураш тобора авж олиб борарди. Биттаси иккинчисини кўтариб ерга ташларди, иккинчиси эса олдидан бориб рақибини шартта қучоқлаб олишга уринарди. Кураш жуда авжга чиқиб борарди. Улар бир-бирини кўтариб олар, судраб юрар, итариб юборар, қўл ва оёқлари бир-бирига чирмашиб кетарди. Уларнинг ҳар бири рақибини мағлуб қилиш учун ҳаракат қилиб ажойиб кураш санъатини намойиш этарди.

Аммо, курашни томоша қилиб ўтирган томошабинлар бу томошадан унчалик мамнун эмасдилар, чунки уларга рақибларнинг кучлари тенг эмасдай туюларди. Улар худди тоғ қоясидай баҳайбат ва мустаҳкам, қудратли полвонлар Чанура ва Муштика олдига Кришна билан Балорамни шунчаки ёш болалар деб ҳисоблардилар. Қалбларида Кришна билан Балорамга бўлган чуқур ҳамдардлик, ачиниш туйғуси остида томошабинларнинг кўплари шундай деб хитоб қила бошладилар: "Ҳой дўстлар, бу жуда хатарли-ку!" Кимдир: "Шохнинг шахсан ўзи шу ерда ўтирган бўлишига қарамай, ўзаро тенг бўлмаган полвонлар орасида адолатсиз кураш давом этяпти!" Томошабинлар бу томошадан ҳечам лаззат олмаётган эдилар. Улар албатта кучли билан ожиз полвонларнинг ўзаро жангини қўллаб-қувватлай олмасдилар. "Муштика билан Чанура яшиндай қудратли, тоғдай мустаҳкам, Кришна билан Балорам эса - ҳали нозик навнихолдай ёш ўспиринлар. Ўзи бу юртда адолат деган нарса қолмаган экан. Маданиятли инсонлар яшайдиган жамиятнинг адолат қонунларидан хабардор бўлган одам бундай адолатсиз курашни томоша қилиб ўтира олмайди. Бу мусобақаларда иштирок этаётган одамлар руҳий юксалишда бирор натижага эришмаган ғофил одамлардир; шунинг учун улар гапирсалар ҳам, сукут сақлаб ўтирсалар ҳам албатта бу гуноҳлари учун албатта жазо оладилар". "Эй азиз дўстларим, Кришнага бир қаранглар! Рақибни билан курашаётганидан Унинг юзида тер томчилари пайдо бўлди, Унинг юзи худди устида сув томчиси турган нилуфар

гулига ўхшайди. Парвардигор Балорамнинг юзига қаранглар - Унинг юзи яна ҳам чиройлироқ бўлиб кетибди! Муштика билан зўр бериб кураш тушаётганидан Унинг оппоқ юзи кип-қизариб кетибди".

Томошада иштирок этаётган аёллар бири-бирига шундай сўзлар билан мурожаат қила бошладилар: "Ҳой азиз дугоналар, Худонинг Олий Шахси, ҳамиша гулчамбарлар билан безаниб, акаси Балорам билан бирга сигир боқиб юрадиган Парвардигор Кришна яшайдиган Вриндаван замини қанчалик омадли экан-а! Унга ҳамиша подачи дўстлари ҳамроҳ бўлиб юрадилар, Кришна ҳамиша Ўзининг илоҳий найини чалиб юради. Вриндаван аҳолиси шунчалик бахтиёрларки, улар ҳамиша Кришна билан Балорамнинг Тангри Браҳма, Тангри Шива ва равнақ фариштаси сингари буюк фаришталар сажда қиладиган нилуфар қадамлари пойини бевосита кўриб юриш имконига эга. Худонинг Олий Шахси билан бирга лаззатланиш ва Унинг илоҳий танасининг тенгсиз гўзаллигидан бахраманд бўлиб яшаш учун аввалги ҳаётларида уларнинг қанча савоб ишлар қилганини санаб чиқишнинг иложи йўқ. Парвардигорнинг жамолининг гўзаллигини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Ҳеч ким Ундан устун бўла олмайди, танасининг гўзаллиги ва порлаб нур таратиши билан ҳеч ким Унга тенглаша олмайди. Кришна билан Балорам барча комил фазилатлар: бойлик, куч-қудрат, гўзаллик, шон-шухрат, илм ва боғланмаслик - манбаидир. Гопилар шу қадар бахтлиларки, улар ҳамиша - эрта тонгда сигир соға бошлаганидами, шоли совураётганидами ёки қатик чаяётганидами - суткасига йигирма тўрт соат Кришнани кўриб, У ҳақда ўйлаб юра оладилар. Уйларини супураётганида, *пол* юваётганида улар ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрадилар".

Гопилар ҳатто бу дунёда дунёвий фаолият билан машғул бўлиб юриб ҳам қандай қилиб ҳамиша Кришна онгида юриш мумкинлигидан бизларга сабоқ берадилар. Агар одам ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрса, дунёвий моддий фаолият иллатлари унга ўзининг салбий таъсирини ўтказа олмайди. Демак, гопилар ҳамиша транс, *самадхи* яъни жазавали илоҳий лаззат ҳолатида юрадилар, мана шу сеҳр қудратининг энг олий поғонаси ҳисобланади. Бу ҳақиқат "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланиб айтилганки, ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрган киши барча сеҳрргар-йоглар ичида энг аълосидир. "Эй азиз дугоналар, - деди бир аёл бошқасига, - бизлар гопиларнинг амалларини энг буюк эзгу амал сифатида қабул қилишимиз лозим; акс ҳолда қандай қилиб улар Кришна эрталаб Ўзининг

сигирлари ва подачи дўстлари билан бирга ўтлоққа кетаётганида, кечкурун қишлоққа қайтиб келаётганида ҳар куни Кришнанинг жамолини кўриб юриш имконига эга бўлардилар? Улар Кришнанинг най чалиб юрганини, ҳаммани Ўзига маҳлиё қилиб жилмайишини тез-тез кўриб юрганлар".

Парвардигор Кришна, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух бу ерга тўпланган аёллар Ўзи ҳақида қаттиқ ташвишга тушаётганини тушуниб, курашни бошқа давом эттирмасликка, полвонларни дарров ўлдириб ташлашга қарор қилди. Кришна ва Балорамнинг ота-онаси - Йашода ва Нанда Махараж қаттиқ ташвишга тушаётган эдилар, чунки улар ўз ўғиллари чексиз қудратга эга эканини билмас эдилар. Парвардигор Балорам Муштика билан кураш тушарди, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна эса - Чанура билан. Парвардигор Кришна Чанурага нисбатан шафқатсиздай туюларди, - У Чанурага Ўзининг мушти билан уч марта қаттиқ зарба туширди. Томошабинларни ҳайратга солиб донғи кетган машҳур полвон гангиб, ўзини йўқотиб қўйди. Лекин у ўзига келиб, бор кучини тўплаб, худди бир калхат иккинчисига ташланганидай, Кришнага ташланди. Қўлларини мушт қилиб тугиб олиб, у Кришнанинг кўксига зарб билан мушт тушира бошлади. Аммо унинг бу зарбалари худди филни гулчамбар билан урганларидай, Парвардигор Кришнага ҳеч қандай таъсир қилмасди. Кришна дарров Чануранинг икки кўлини ушлаб олди ва уни Ўз атрофида гир айлантира бошлади, бундан Чануранинг жони чиқиб кетди. Шунда Кришна уни ерга ташлади. Чанура худди Индранинг байроғидай бўлиб жонсиз ҳолатда ерга қулади, унинг қимматбаҳо тақинчоқлари ечилиб ҳар ёққа сочилиб кетди.

Муштика ҳам Балорамга зарба туширди, Балорам унинг зарбасига кучли зарба билан жавоб берди. Зарба дастидан Муштика титраб кетди, унинг оғзидан қон оқа бошлади. У қаттиқ оғриққа чидамай қолди, худди яшин урган дарахтдай жонсиз ҳолда ерга қулади. Икки полвон ҳалок бўлгандан кейин майдонга Кута деган полвон чиқиб келди. Парвардигор Балорам уни шу заҳотиёқ чап кўли билан ушлаб олди-да осонгина ўлдириб ташлади. Яна бир полвон - Шала олдинга чикди, Кришна бир тепиб унинг калласини пачақлаб ташлади. Кейин Тошала деган полвон ўртага чикди, у ҳам шундай ўлимга дучор бўлди. Шу тариқа Кришна билан Балорам донғи кетган машҳур полвонларнинг барчасини мағлуб қилдилар, қолган полвонлар эса кўрққанидан жон саклаб қолиш учун кураш майдонини ташлаб ҳар тарафга қочиб кета бошладилар. Кришна билан Балорамнинг барча

дўстлари, подачи болалар Уларнинг олдига келиб ғалаба билан Уларни табриклай бошладилар. Барабанлар чалина бошлади, болалар Уларнинг ғалабасини муҳокама қила бошладилар, Кришна билан Балорамнинг оёқларидаги қўнғироччалар жаранглай бошлади.

Томошага тўпланганларнинг ҳаммаси чуқур лаззат оғушига ғарқ бўлиб, Уларни олқишлаб қарсак чала бошладилар, уларнинг шодлигининг чегараси йўқ эди. Шу ерда иштирок этаётган брахманлар хайратга тушиб Кришна билан Балорамга ҳамду-санолар айтиб, Уларни олқишлай бошладилар. Фақат Камсанинг кўнгли ғаш эди - у қарсак ҳам чалмади, Кришнани дуо ҳам қилмади. Камса Кришнанинг ғалабасини шарафлаб барабанлар чалинаётганидан, ўзининг машхур полвонлари ўлдирилганидан, қолганлари кураш майдонини ташлаб қочиб кетганидан қаттиқ афсусланиб, изтироб чекарди. Шунинг учун у шу заҳотиёқ барабан чалишни тўхтатишни буюрди ва ўзининг яқин амалдорларига шундай гаплар билан мурожаат қилди: "Ҳозирок Васудеванинг бу икки ўғли Матхурадан хайдаб юборилсин! Улар билан бирга келган подачиларнинг ҳамма бойликлари тортиб олинсин! Нанда Махаражни ҳозирок ушлаб олинглар, сотқинлиги учун унга ўлим жазосини бериш керак! Алдоқчи Васудевани ҳам ҳозирок ўлдириш керак! Ҳамиша менинг душманларимни кўллаб келган, ҳаммиша менинг режаларимга қарши бўлиб келган отам Уграсенани ҳам ҳозирок ўлдириш керак!"

Камсадан бундай гапларни эшитиб Парвардигор Кришнанинг унга нисбатан қаттиқ ғазаби қайнади, шу заҳотиёқ У Камсанинг катта соқчиларига ташланди. Камса Кришнанинг ҳамла қилишига тайёр турган эди, чунки ўзининг ажали етишида энг олий сабабчи айнан Кришна бўлиши кераклигини аввалдан яхши биларди. У шу заҳотиёқ қиличини яланғочлаб, қилич ва қалқони билан Кришнанинг ҳужумини қайтаришга шайланди. Камса қиличи билан ҳамла қилар, аммо Худонинг Олий Шахси, ҳар нарсага қодир бўлган қудратли Парвардигор Кришна уни куч билан қаттиқ кучоқлаб олди. Ўзида бутун борлиқни мужассам қилган, нилуфарсимон киндигидан бутун моддий олам намоён бўладиган қудратли Парвардигор бир зумда Камсанинг бошидаги тожини уриб тушириб юборди ва унинг узун сочини Ўзининг кўлларига ўраб олди. Кейин У Камсани тахтдан пастга, кураш майдонига судраб тушди, ерга ташлаб унинг устига чиқиб ўтириб олди-да, унга мушти билан кучли зарбалар тушира бошлади. Кришнанинг зарбалари дастидан Камса шу заҳотиёқ жон таслим қилди.

Ота-оналарини Камса ҳақиқатан ҳам ўлган эканига ишонтириш учун, худди арслон ўзи

ўлдирган филни судраб юргани сингари, Кришна Камсани майдон бўйлаб судраб юрди. Шунда бутун атрофдан қаттиқ хайкирик овозлари янгради. Томошабинларнинг баъзилари қувонганидан хайратланиб қичқирар, баъзилари эса аламига чидамай қичқирардилар. "Девакининг саккизинчи ўғли ўлдиради!" деган хабарни эшитган кундан бошлаб Камса кўлларига халқа ушлаб олган Кришна ҳақида ўйлаб юрарди, чунки у ўз ажалидан жуда қўрқарди. У Кришна ҳақида суткасига йигирма тўрт соат - ҳатто овқатланаётганида ҳам, сайр қилиб юрганида ҳам, нафас олаётганида ҳам бетиним ўйлаб юрарди, шундай экан, табиий равишда у ҳозир руҳий озодликка эришган эди. "Бхагавад Гита"да шундай дейилган: *сада тад-бхава-бхавитах* - инсоннинг кейинги танаси унинг бу ҳаётда ҳаммиша ғарқ бўлиб юрган ўйларига мос равишда белгиланади. Камса ҳаммиша кўлларига халқа ушлаган Кришна ҳақида ўйлаб юрарди, Кришнанинг бу қиёфаси кўлларига халқа, гурзи, нилуфар гули ва сур ушлаган Парвардигор Нарайанани билдиради.

Ишонарли мўътабар устозларнинг фикрига кўра Камса ўлганидан кейин руҳий озодликнинг сарупйа-мукти турига эришган, яъни худди Парвардигор Нарайана(Вишну)никига ўхшаган илоҳий танага эга бўлган. Ваикунтҳа сайёраларидаги зотларнинг ҳаммаси худди Нарайананики сингари илоҳий танага эга бўлади. Ўлганидан кейин Камса руҳий озодликка эришиб, Ваикунтҳалокага кўтарилди. Бундан шунга англаб олиш мумкинки, ҳатто Худонинг Олий Шахси ҳақида ўзининг душмани сифатида ўйлаб юрган одамлар ҳам руҳий озодликка эришадилар ёки Ваикунтҳа сайёраларидан бирига кўтариладилар. Шундай экан ҳаммиша Парвардигор Кришна ҳақида муҳаббат ва садоқат билан ўйлаб юрадиган соф бхакталар ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳатто Кришнанинг қўлида ажали етган душман ҳам руҳий озодликка эришади ёки шахсиятсиз брахмажйотидан жой олади. Худонинг Олий Шахси ҳаммага фақат яхшилик ато этадиган бўлгани туфайли дўсти сифатидами, душмани сифатидами ҳаммиша Парвардигор ҳақида ўйлаб юрган ҳар қандай одам ҳам руҳий озодликка эришади. Аммо бхактанинг руҳий озодликка чиқиши билан душманнинг руҳий озодликка чиқиши бир хил эмас, албатта. Кришнага душман бўлиб танасини тарк этган одам одатда *сайуджйа*, баъзида эса *сарупйа* кўринишидаги озодликка эришади.

Камсанинг Канка бошлиқ саккиз укаси бор эди; акаси Камсанинг ҳалок бўлганини эшитиб, улар бир жойга тўпландилар ва қайғуга ботган ҳолда қаттиқ ғазабланиб, Кришнани ўлдириш учун Унга ташландилар. Камса ва унинг

укаларининг ҳаммаси Кришнанинг тоғалари бўларди. Уларнинг ҳаммаси Кришнанинг онаси Девакининг укалари эди. Кришна Камсани ўлдирганида Ўзининг тоғасини ўлдирган, бу эса Ведавий муқаддас китобларнинг қоидаларига хилоф бўлган гуноҳ иш эди. Гарчи Кришна ҳеч қандай ведавий муқаддас китобларга бўйсунмайдиган бўлса ҳам, У фақат энг зарур пайтлардагина муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид иш қилади. Камсани Кришнанинг Ўзидан бошқа ҳеч ким ўлдиролмасди; шунинг учун Кришна уни ўлдиришга мажбур бўлди. Камсанинг саккиз укасини ўлдиришни эса, Балорам Ўз бўйнига олди. Балорамнинг онаси Рохини Васудеванинг хотини бўлса ҳам Камсанинг синглиси эмасди. Шунинг учун Камсанинг саккиз укасининг ҳаммасини Балорам ўлдириши керак эди. У шу заҳотиёқ кўлига қуролини олди ва худди арслон кийиклар тўдасига ташлангани сингари, уларнинг ҳаммасини бирма-бир ўлдириб ташлади. Шундай қилиб, Кришна билан Балорам Худонинг Олий Шахси бу дунёга такводор имонли одамларни ҳимоя қилиш ҳамда фаришталарнинг мангу душмани бўлган имонсиз иблисларни яксон қилиш учун келганларини исботладилар.

Кришна билан Балорамни табриклар жаннатий сайёралардан фаришталар ерга гуллар ёмғирини ёғдира бошладилар. Фаришталар орасида Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари қудратли шахслар ҳам бўлиб, уларнинг ҳаммаси Камсанинг ўлганидан қувониб, шодликдан яйраб кетдилар. Жаннатий сайёралардан барабан овозлари эшитилиб, гуллар ёмғири ёғилар, фаришталарнинг хотинлари эса қувонганидан хурсанд бўлиб рақсга тушардилар.

Камсанинг ва унинг саккиз укасининг хотинлари эрлари бевақт вафот этганидан чуқур қайғуга чўмдилар. Улар кўзларидан тинмай ёш тўкиб, шўр пешоналарига муштлар эдилар. Қаттиқ йиғлаганча эрларининг жасадаларини кучоқлаб, Камсанинг ва унинг укаларининг хотинлари, ўлик мурдаларга қараб, тақдирдан нолиб хитоб қилар эдилар: "Ҳой эрларимиз, сизлар жуда ғамхўрсизлар, кўл остингиздагиларни ҳимоя қиласизлар. Энди сизлар ҳалок бўлгандан кейин бизлар ҳам, сизларнинг оилангиз ҳам, болаларингиз ҳам ўлик ҳисобланамиз. Энди бизлар ҳеч қачон бахтли бўла олмаемиз. Сизлар ўлганингиз сабабли энди бизлар аввалгидай сизларга атаб камон таклиф қилишга ўхшаган чиройли маросимлар ўткази олмаемиз. Эй эрларимиз, сизлар бегуноҳ одамларга жуда кўп азоб бердинглар, шунинг учун ана шундай шармандали ажалга мубтало бўлдинглар. Бу муқаррар нарса, чунки табиат қонунига кўра

бегуноҳ одамни қийнаган одам албатта ўз жазосини олади. Биз яхши биламизки, Парвардигор Кришна - Худонинг Олий Шахси. У - Олий ҳукмдор ва Олий лаззатланувчи, шунинг учун Унинг ҳукмини тан олмайдиган одам ҳеч қачон бахтли бўла олмади, охиروқибатда сизларга ўхшаб шармандали ўлимга маҳкум бўлади".

Кришна Ўзининг холаларига меҳрибон ва ғамхўр бўлгани учун иложи борича уларни овутишга ҳаракат қилди. Марҳумларни дафн қилиш маросимларининг ҳаммаси шахсан Кришнанинг назорати остида ўтказилди, чунки Кришна барча ўлган шахзодаларнинг жияни эди. Бу ишларни тамомлаб бўлиб, Кришна билан Балорам Камса зиндонга ташлаб қўйган ота-онаси Васудева билан Девакини озод қилдилар. Кришна билан Балорам уларнинг оёқларига йиқилиб сажда қилиб, уларга илтижо қилдилар. Кришна фарзанди бўлгани сабаблигина Деваки билан Васудева шунча қийинчиликларни бошидан кечирган эдилар; фақат Кришна сабабли Камса ҳеч қачон уларга тинчлик бермай келарди. Деваки билан Васудева Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг улғувор ҳолатини яхши билардилар, шу боис гарчи Кришна сажда қилиб уларнинг оёқларига бош қўйса ҳам, улар Кришнани кучоқлаб бағрига босмадилар, улар шунчаки жим турган ҳолда Худонинг Олий Шахсининг гапларига кулоқ солардилар. Гарчи Кришна уларнинг фарзанди бўлиб туғилган бўлса ҳам, Васудева билан Деваки ҳамини Унинг илоҳий Зот эканини англаб юрардилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Камсанинг ҳалок бўлиши" деб аталадиган қирқ учинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## **44. Кришна руҳий устозига ўлган ўғлини қайтариб беради.**

Кришна Васудева билан Девакининг эҳтиром билан бош эгиб жим турганини кўриб, улар Ўзи ва Балорамга худди ўзларининг фарзандидай муносабатда бўла олишлари учун шу заҳотиёқ Ўзининг *йогамайя* қувватини намоён этди. Худди моддий оламда Парвардигорнинг алдамчи қуввати таъсири остида ҳар хил алоҳида тирик мавжудотлар орасида ўзаро ота-она ва фарзанд муносабатлар юзага келгани сингари, бхакта ҳам йогамайя таъсири остида Худонинг Олий Шахсини худди ўз ўғлидай кўриб яқин қариндошлик муносабати ўрната олади. Ўзининг *йогамайя* қуввати ёрдамида ана шундай ҳолатни юзага келтириб, акаси билан бирга Сатватлар сулоласининг энг машҳур фарзанди сифатида дунёга келган

Кришна чукур эхтиром билан Васудева билан Девакига камтарона мурожаат қила боошлади: "Эй азиз ота-она, сизлар хаамиша Бизларни жуда авайлаб-асрашга интилиб келгансизлар, аммо то Бизлар улғайиб ўспирин болаларга айлангунча бизларни эркалаб парваришладан лаззатлана олмадинглар". Кришна айни пайтда Ўзининг бу гаплари билан Нанда Махаражнинг оталарча, Ёшоданинг оналарча меҳрибонлик қилганига чукур миннатдорчилик билдираётган эди, чунки аслида У билан Балорам Нанда ва Ёшоданинг фарзандлари бўлиб туғилган бўлмасалар ҳам, Уларнинг болаликдаги эрмакларидан айнан улар лаззатланган эдилар. Табиат шундай тузилганки, одатда ота-оналар танага мужассам бўлган тирик мавжудотларни ёш болалик даврида парваришладан чукур лаззат оладилар. Ҳатто ҳайвонот оламида ҳам ота-оналар жажжи болаларига нисбатан жуда меҳрибон бўладилар. Ўз зурёдларининг ташвиши билан бўлиб, улар болаларини ҳар хил хатарлардан асраб-авайлаб ўстирадилар. Васудева ва Девакига келсак, улар хаамиша Кришна билан Балорамни асраб-авайлашга интилиб юргандилар. Шунинг учун Кришна дунёга келган захоти Уни бошқа одамларнинг уйига олиб бордилар. Балорам ҳам Девакининг қорнидан Рохинининг қорнига ўтказилган эди.

Васудева билан Деваки хаамиша Кришна билан Балорамнинг хавфсизлигини ўйлаб юриб, Уларнинг болаликдаги эрмакларидан лаззатлана олмаган эди. Кришна шундай деди: "Бахтга қарши, тақдир тақозоси билан Бизларни Ўз ота-онамиз тарбиялаб катта қила олмади, Бизлар Ўз уйимизда болалик давримизда ўйнаб кулиб юролмадик. Эй кадрдон ота-она, инсон моддий оламда ўзига ҳар хил бахт-саодат келтирадиган мана шу танасини берган ота-онаси олдида хаамиша қарздор бўлиб қолаверади. Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, инсон танасида ҳаёт кечириш тирик мавжудотга ҳар хил руҳий(диний) фаолият билан машғул бўлиш, ўзининг турли хил истакларини рўёбга чиқариш ва истаган миқдорда бойлик тўплаш имконини беради. Бунинг устига фақат мана шу инсон танасидагина тирик мавжудот учун моддий тирикчилик чангалидан халос бўлиш имкони мавжуд бўлади. Мана шу тана ота ва онанинг биргаликдаги ҳаракати натижасида юзага келади. Ҳар бир инсон ота-онаси олдида ўзини мангу қарздор деб билиши ва ҳеч қачон бу қарзни уза олмаслигини яхши билиши лозим. Агар ўғил фарзанд улғайиб вояга етгандан кейин ота-онасини ўзининг хулқ-атвори, одоб-ахлоқи билан рози қилишга ҳаракат қилмаса ёки уларни моддий жиҳатдан таъминлаб туришга интилмаса, ўлгандан кейин у бунинг учун албатта жазо олади. Ажал фариштаси уни

ўзининг жасадини ейишга мажбур қилади. Агар инсон ўзининг кекса ота-онасига, фарзандларига, садоқатли хотинига, руҳий устозига, браҳманларга ва ўзига қарам бўлган бошқа одамларга ғамхўрлик қилишга, уларни ҳимоя қилишга қодир бўлса-ю, лекин бундан бош тортса, ундай одам гарчи нафас олиб юрган бўлса ҳам, тирик эмас ўлик ҳисобланади. Эй азиз ота-она, сизлар хаамиша Бизларнинг хавфсизлигимизни ўйлаб хавотирга тушиб юрдинглар, аммо бахтга қарши, Бизлар сизларга ҳеч қандай хизмат қила олмадик. То бугунгача Бизлар шунчаки вақтимизни бекорга кетказиб юрдик; Бизлар Ўзимизга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра сизларнинг хизматингизни қила олмадик. Эй азиз ота-она, шу гуноҳимиз учун Бизларни кечиришингизни сизлардан илтимос қиламиз"

Худонинг Олий Шаҳси худди бегуноҳ болаларга ўхшаб шундай ширин гапларни айтиб турганида Васудева билан Девакининг қалби ота-оналарга хос меҳр туйғусига тўлиб кетди, улар қалби қувончга тўлиб Кришнани кучоқлаб бағрига қаттиқ боса бошладилар. Улар ҳайратдан қотиб қолган, ҳатто Кришнанинг гапларига ҳам жавоб беролмасдан ёки бошқа бирор оғиз сўз айтолмасдан фақат Кришна билан Балорамни меҳр ва қувонч билан, кўзларидан бетиним ёшлар тўкиб жимгина бағрига босардилар.

Шу тариқа ота ва онасини овутиб, Худонинг Олий Шаҳси Девакининг эркатой ўғли киёфасида бобоси Уграсена олдида борди ва бугундан эътиборан унинг Ёдавалар сулоласига шохлик қилишини эълон қилди. Камса ҳали отаси тирик бўлишига қармай, зўравонлик билан Ёдавалар салтанатини тортиб олиб, уни зиндонга ташлаб қўйган эди. Камса ҳалок бўлгандан кейин унинг отаси зиндондан озод қилиниб, Ёдавалар салтанатининг шоҳи қилиб тайинланди. Маълумки, ўша даврда Ҳиндистоннинг ғарбий қисмида унча катта бўлмаган кўплаб салтанатлар бўлиб, уларга Ёдавалар, Андхакалар, Вришниллар ва Бходжалар ҳукмронлик қилган. Махараж Уграсена Бходжалар сулоласига мансуб эди; шунинг учун Кришна бу билан Бходжа сулоласининг шоҳи бундан кейин бошқа барча кичик салтанатлар устидан ҳам ҳукмронлик қилишини эълон қилган эди. Махараж Уграсенадан уларга ҳукмронлик қилишни Унинг Ўзи илтимос қилди, чунки Улар унинг фуқаролари эди. *Праджа* ибораси "фарзанд" деган маънони ҳам, "фуқаро" деган маънони ҳам англатади, шу боис Кришна Махараж Уграсенанинг невараси сифатида ҳам, Ёдавалар сулоласининг аъзоси сифатида ҳам Уграсенага *праджа* ҳисобланарди. У Ўз ихтиёри

билан Махараж Уграсенанинг салтанат тахтига ўтиришига рози бўлди. У Уграсенага шундай деди: "Бобокалонимиз Йайатининг қарғиши сабабли Йадавлар сулоласининг шоҳлари салтанат тахтига даъвогарлик қила олмайдилар. Бизлар Сенинг фуқаронг бўлиб хизмат қилишдан мамнунмиз. Ҳар бир ишда Бизларнинг сенга ёрдам бериб юришимиз туфайли сенинг мартабанг яна ҳам орта боради, салтанатинг ҳам ҳамиша ишончли ҳимояланган бўлади. Бошқа сулолаларнинг шоҳлари ўз ихтиёри билан ҳеч иккиланмасдан сенга товон тўлайдилар. Бизларнинг ҳимоямиз остида бўлганинг учун сени ҳатто жаннатдаги фаришталар ҳам ҳурмат қила бошлайдилар. Эй азиз бобо, марҳум шоҳ Камсанинг тажовузидан қўрққанлари сабабли Йадавлар, Вришниллар, Андхакалар, Мадхулар, Дашархалар ва Кукуралар сулоласига мансуб шоҳларнинг ҳаммаси даҳшат ичида хавотирланиб яшардилар. Энди сен уларнинг ҳаммасининг кўнглини хотиржам қилиб, уларни тўла бехатар ҳаёт кечири олишига ишонтаришинг мумкин. Энди бутун салтанатдаги ҳамма одамлар учун хотиржам, осойишта, фаровон ҳаёт бошланади".

Яқин атрофдаги вилоятларнинг ҳамма шоҳлари Камсадан қўрққанидан уйларини ташлаб кетган ва мамлакатнинг узок-узок жойларида яширинча яшаб юрардилар. Энди, Камса ҳалок бўлиб тахтга Уграсена ўтиргандан кейин қўшни шоҳларнинг ҳаммаси Уграсенадан кўплаб совға-саломлар билан бирга қалбларни хотиржам қиладиган ишонарли гапларни эшитдилар. Шундан сўнг улар ўз уйларига қайтиб келдилар. Ҳукуматда шу тариқа тартиб ўрнатилгач, Кришна билан Балорамнинг қудрати билан мустаҳкам ҳимояланган Матхура аҳолиси бахтли ҳаёт кечири бошладилар. Кришна билан Балорам шу ерда яшаган пайтда, яхши ҳукмдорнинг оқилона раҳбарлиги остида Матхура аҳолиси ўз ҳаётидан жуда мамнун яшар, уларнинг барча моддий истаклари рўёбга чиқар, барча эҳтиёжлари қондирилган, Кришна билан Балорамни ҳар куни кўриб юргани шарофати билан улар тез орада ўзларининг моддий муаммоларини бутунлай унутиб юборган эдилар. Чиройли либослар кийган, юзида ёқимли табассум ўйнаб турган Кришна билан Балорам кўчага чиқишлари билан шунчаки Парвардигор Муқунда шу ерда бевосита иштирок этаётгани туфайли бутун шаҳар аҳолиси илоҳий муҳаббат наъшасидан жазавали лаззат ҳис қила бошларди. *Муқунда* ибораси "руҳий озодлик ва илоҳий лаззат бағишлай оладиган Зот" деган маънони билдиради. Кришнанинг шу ерда бевосита иштирок этаётгани фақат ёшларгагина куч берадиган лаззатли шарбатдай таъсир қилиб қолмасдан, Матхуранинг ёши улуғ кексалари

ҳам ҳамиша Кришнани кўриб юргани туфайли қалби ёшариб, кучга тўлиб кетган эдилар.

Нанда Махараж билан Йашода ҳам Матхурада яшар эдилар, чунки Кришна билан Балорам шу ерда эдилар, лекин орадан бироз вақт ўтгандан кейин улар Вриндаванга қайтиш истагини билдирдилар. Кришна билан Балорам Нанда Махараж билан Йашоданинг олдига келиб меҳр билар уларни бағрига босдилар. Кришна шундай деди: "Эй қадрдон ота-она, гарчи Мен Васудева билан Девакининг ўғли бўлиб туғилган бўлсам ҳам, туғилган кунимдан бошлаб Бизларнинг ҳақиқий ота-онамиз сизлар бўлдинглар, то улғайганимизча бизларга меҳр ва муҳаббат билан ғамхўрлик қилдинглар. Сизларнинг Бизларга берган муҳаббатингиз ҳақиқий ота-оналар ўз болаларига бера оладиган муҳаббатдан анча кўпроқ эди. Сизлар - бизларнинг ҳақиқий ота-оналаримизсизлар, чунки Бизлар егим болаларга ўхшаб қолган пайтда сизлар Бизларни худди ўз болаларингиздай тарбияладдинглар. Маълум сабабларга кўра ҳақиқий ота-онамиз бизлардан вақтинча воз кечишга мажбур бўлдилар, шунда сизлар ғамхўрлик қилиб Бизларни ўз ҳимоянгизга олдинглар. Эй азиз ота-онам, биламанки Бизларни бу ерда қолдириб, ўзларингиз Вриндаванга кетгандан кейин сизлар Бизлардан айрилиқ азобидан қаттиқ қийналасизлар, аммо илтимос, ишончингиз комил бўлсинки, Мен ота-онам Васудева билан Девакига, бобом Уграсенага, оиламнинг бошқа аъзолари ва қариндошларимга яхшилик қилиб бўлган заҳоти албатта Вриндаванга қайтиб бораман".

Нанда Махараж ва Йашода Кришна билан Балорамнинг айтган ширин гапларидан ҳамда Уларнинг ҳадя қилган чиройли матолар, тақинчоқлар ва чиройли безатилган идиш-товоқ сингари турли совға-саломларидан жуда мамнун бўлдилар. Кришна билан Балорам уларни ҳам, Вриндавандан улар билан бирга Матхурага келган дўстлари ва қўшнилари ҳам имкони борича мамнун қилдилар. Нанда Махараж Кришна билан Балорамга нисбатан қалбида шунчалик ғайритабиий илиқ оталик меҳрини ҳис қилардики, беихтиёр унинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади. У Уларни кучоқлаб бағрига босди ва подачилар билан бирга Вриндаванга йўл олди.

Шундан сўнг Васудева ўзининг ўғиллари учун фотиҳа олиш маросимини уюштирди, маросим пайтида Улар, жамиятнинг юқори табақа одамлари учун олиш албатта зарур бўлган, уларнинг иккинчи бор туғилганини билдирадиган белги сифатида руҳий устозидан муқаддас чилвир - браҳманлик зуннорини олдилар. Васудева ўз оиласининг руҳий



устозини ва брахманларни уйига таклиф қилди, Кришна билан Балорамга муқаддас зуннор топшириш маросими рисоладагидай ўтказилди. Маросим пайтида Васудева брахманларга кўплаб тақинчоқлар ва ипак попуқлар тақилган ва олтин тақинчоқлар билан безатилган кўплаб сигирлар эҳсон қилди. Аввал Кришна билан Балорам туғилганида Васудева брахманларга сигирлар эҳсон қилмоқчи бўлган эди, аммо Камсанинг зиндонидида қамоқда бўлгани сабабли у бу ниятини фақат хаёлида амалга оширган эди. Камса ўлганидан кейин энди у брахманларга ҳақиқий сигирларни эҳсон қиларди. Балорам ҳам, Кришна ҳам зуннор олиш маросими орқали ўтиб, *гайатри* мантрасини такрорлай бошладилар. Бу мантра шогирдлар зуннор олиш маросимидан ўтгандан кейин берилади. Кришна ҳам, Балорам ҳам бу мантра билан боғлиқ бўлган ҳамма вазифаларни тўла бажарар эдилар. Бу мантрани такрорлаб юрган ҳар бир одам ҳаётда маълум қоида ва қонунларга риоя қилиб яшаши лозим. Гарчи Балорам ҳам, Кришна ҳам илоҳий Шахслар бўлишларига қарамай, Улар брахманлик қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб яшардилар. Уларнинг иккови ҳам аслида Гаргамуни деган ном билан машҳур бўлган оилавий руҳий устоз, Ўадавалар сулоласининг устози Гаргачарйадан фотиҳа олдилар. Ведавий урф-одатларга кўра ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир фаросатли инсоннинг ҳаётда ўз ачарйаси, руҳий устози бўлади. Шунинг учун ҳам ачарйага, руҳий устозга мурожаат қилган одам ҳақиқатан ҳам мукамал илмга эга бўлади. Парвардигор Кришна ва Балорам - Худонинг Олий Шахси, ҳар қандай илмнинг ҳамда ўрганиш усулларининг ҳукмдори. Улар руҳий устоз, яъни ачарйа қабул қилиши шарт эмасди, аммо бу дунёда яшаётган оддий одамларга ўрнатилган кўрсатиш учун Улар ҳам Ўзларининг руҳий илмини юксалтириш учун руҳий устоз қабул қилдилар.

Одатга кўра, руҳий устоз шогирдига гайатри мантрасини бергандан кейин шогирд анча вақтгача уйдан йироқда, руҳий устоз назорати остида руҳий ҳаёт қонун-қоидаларини ўрганиши лозим. Шу пайт давомида шогирд худди оддий хизматкордай устозига хизмат қилиши лозим. Ачарйанинг назорати остида ҳаёт кечирадиган брахмачарийлар риоя қилиб яшаши лозим бўлган жуда кўп қонун ва қоидалар мавжуд, Парвардигор Кришна ва Балорам ҳам Ўзларининг руҳий устози Сандипани Мунининг уйида, Ҳиндистоннинг шимолий қисмида яшаган пайтда ана шу қоидаларнинг ҳаммасига қатъий амал қилардилар. Шастраларнинг кўрсатмаларига биноан шогирд руҳий устозга Худонинг Олий Шахси билан бир хилда эҳтиром кўрсатиб, руҳий устозини Парвардигор билан

бир қаторда туради деб ҳисоблаши керак. Кришна билан Балорам ҳам брахмачарийларнинг ана шу қоида ва кўрсатмаларига қатъий амал қилиб юрдилар. Шу тариқа Улар Ўзларига руҳий илм, ведавий донишмандлик илмини ўргатган руҳий устозини мамнун қилдилар. Улардан жуда мамнун бўлган Сандипани Муни Уларни Ведалар илмининг энг қийин сирлари билан, шунингдек Упанишадлар сингари қўшимча муқаддас китоблар илми билан таништирди. Кришна билан Балорам кшатрийлар бўлгани сабабли Улар ҳарбий санъат, сиёсат ва этика илмини ҳам ўргандилар. Сиёсат илми олти бўлимдан иборат: сулҳ тузиш йўллари; жанг қилиш сирлари; душманни хотиржам қилиш йўллари; давлатни бўлиб олиш йўллари; халққа ҳукмронлик қилиш қоидалари, паноҳ бериш, ҳимоя қилиш йўллари ва ҳоказо. Ана шу фанлар бўйича Кришна билан Балорам руҳий устозидан тўла насихатлар ва тушунтиришлар олдилар.

Океан барча дарёлардаги сувнинг манбаидир. Океандан буғланиб кўтарилаётган сув булутларга айланади, худди шу сув булутлардан ёғадиган ёмғир сифатида бутун ер юзига таралади, кейин эса ирмоқлар орқали дарёларга, дарёлардан эса яна океанга келиб тушади. Худди шундай Кришна билан Балорам, Худонинг Олий Шахси ҳам барча илмлар манбаидир, аммо Улар ҳозир Ўзларини оддий болалар қиёфасида намоён этиб турганлари сабабли Ўзлари ўрнатилган кўрсатиб, одамларга ҳар бир маданиятли инсон албатта ҳақиқий манбалардан илм ўрганиши лозимлигини ўргатадилар. Фақат шу мақсадда Улар руҳий устоз Уларга илм ўргатишига рози бўлдилар.

Руҳий устозидан фақат бир марта эшитиб Кришна билан Балорам барча санъат ва фанларни мукамал ўзлаштириб олардилар. Улар олтмиш тўрт кун ва олтмиш тўрт тун давомида инсонлар жамиятида зарур бўладиган ҳамма илм ва санъат турларини мукамал ўрганиб олдилар. Кундуз кунлари улар руҳий устозидан маълум фанлардан сабоқ олар, кечкурунга бориб илмнинг шу боби бўйича тўлиқ илмга эга билимдон бўлиб олардилар.

Энг аввало Улар қўшиқ куйлашни, қўшиқ яратишни ва ҳар хил оҳангларни бир-бирдан ажрата билишни ўргандилар; улар ёқимли ва ёқимсиз мусиқий зарбаларни, уларнинг ўлчамларини ёдлаб олдилар, ҳар хил тезлик ва оҳангда куйлашни, ҳар хил барабанларни қўшиққа жўр қилиб чалишни ўргандилар. Улар ҳар хил ритмларда, ҳар хил мусиқа ва қўшиқларга мос равишда рақсга тушишни ўргандилар. Улар саҳна асарлари яратишни, оддий кишлоқи усулда расм чизишдан то энг юқори савиядаги санъат асарларини яратишни

ўргандилар. Улар шунингдек юзларига тилака кўйишни, пешонасига ва ёноқларига нуқталар кўйишни ўргандилар. Улар полга гуруч ва буғдой ундан қилинган паста билан расм чизишни ўргандилар; бундай расмларни бировларнинг уйда ёки эҳромда бирор маросим ўтказганда чизиш жуда шарофатли ҳисобланади. Улар гуллар билан дам олиш жойларини безатиш, матоларни ва япроқларни чиройли расмлар билан безаш сирларини ўргандилар. Улар яна турли безакларга қимматбаҳо тошларни ўрнатишни ҳам ўргандилар. Улар сув солинган кўзаларни чалишни ҳам ўргандилар. Бунда кўзалар ҳар бири маълум жойигача сув билан тўлдирилади, шу кўзаларга таёқ билан урилганда ҳар хил чиройли товушлар чиқади, кўзалар бир-бирига урилганда эса, товушлар кўшилиб мусикий оҳанг юзага келади. Улар кўл ва дарёда дўстлари билан сувда чўмилганда бир-бирларига сув сепиш сирларини ҳам ўргандилар. Улар шунингдек эҳромларни гуллар билан безаш сирларини ҳам ўргандилар, бу санъат намуналарини ҳали ҳозиргача Вриндаван эҳромларида ёз пайтларида учратиш мумкин. Бу санъат *пхулла-бади* деб аталади. Супа, тахтиравон, деворлар ва шип - ҳаммаси гуллар билан безатилган, ўртасида эса кичкина чиройли гуллардан ясалган фаввора ўрнатилган бўлади. Гуллардан ясалган бундай нақшлар кўчадаги жазирама иссиқда чарчаб келган одамларга ором бағишлайди.

Кришна билан Балорам сочларни ҳар хил турмаклаш, тараш ва тожни бошга турли кўринишда маҳкамлаш сирларини ўргандилар. Улар сахнани безатишни, артистларга ҳар хил либослар танлашни, уларни ҳар хил гуллар билан безашни, бутун атроф анвойи хид таратиб туриши учун сандал аралашган сув сепиб кўйишни ўргандилар. Улар сеҳр санъатини ҳам ўргандилар. Сеҳр илмида *баху-рупи* деб аталадиган санъат тури бор бўлиб, бу санъат ёрдамида одам шундай кийиниб кўйиши мумкинки, дўстининг олдига борганида ҳатто якин дўсти ҳам уни танимай қолади. Кришна билан Балорам йилнинг турли фаслларида мос келадиган ҳар хил ичимликлар тайёрлашни ўргандилар, турли шарбатларни, уларнинг таъминини ва маст қилиш даражасини ўргандилар. Улар тикиш ва тўкишни, шунингдек рақсга тушадиган кўғирчоқлар ясаб, ипидан тортиб уларни ўйнатиш сирларини ўргандилар. Улар вина, ситар, эсарадж ва тамбур сингари торли мусиқа асбобларида мусиқа чалиш сирларини ўргандилар. Улар ҳар хил бошқотирмалар тузиш ва уларни ечиш сирларини ўргандилар. Улар китоб ўқиш сирларини ўргандилар, бу сирни билиб олиб ҳатто энг нодон одам ҳам тез вақт ичида китоб ўқишни ва ўқиганини тушуниб

олишни ўргана олади. Улар сахна асарларини тайёрлаш ва ижро этиш сирларини ўргандилар. Улар шунингдек ребуслар, кроссвордлар ечиш сирларини ўргандилар.

Улар шунингдек чиройли, жимжимадор нақшлар орқали ёзиш(пиктографик) ёзиш ва уларни ўқиш санъатини ўргандилар. Баъзи бир давлатларда бундай санъат тури ҳали ҳозиргача мавжуд. Бунда бирор воқеа-ҳодиса расмлар орқали баён этилади. Масалан, уй билан одамнинг расми, бирор кишининг ўз уйига қайтиб келаётганини ифодалайди. Кришна билан Балорам меъморлик - уй қуриш санъатини ҳам ўргандилар. Улар ярқирашига ва рангига қараб қимматбаҳо тошларни бир-биридан ажрата олиш сирларини ҳам ўргандилар. Кейин Улар буюмларга олтин ва қумуш қоплаш сирларини ўргандилар. Улар тупроқ қатламини ўрганиш ва фойдали қазилмалар излаш сирларини ўргандилар. Ҳозир тупроқшунослик алоҳида бир маҳсус фан соҳасига айланган, қадимда бу фанни ҳар бир оддий одамга ҳам ўргатганлар. Улар ҳар хил доривор гиёҳларни таниб олишни ва улардан дори тайёрлаш сирларини ўргандилар. Гиёҳларнинг турли оилага мансуб турларини ўрганиб, улар гиёҳларни қандай чатиштириш сирларини, шу йўл билан ҳар хил мевалар олиш сирларини ҳам билиб олдилар. Улар бузоқ ва хўрозларни қандай қилиб кўлга ўргатиш, кейин эрмак учун уларни қандай уриштириш сирларини ўргандилар. Улар тўтиқушларни гапиришга ўргатиш, уларни одамларнинг саволларига жавоб беришга ўргатиш сирларини билиб олдилар.

Улар амалий психологияни - бегона одамнинг онгига қандай таъсир ўтказиш, шу билан уни ўзи истаганча ҳаракат қилишга мажбур қилиш сирларини ўрганиб олдилар. Бу илм одатда гипноз деб аталади. Улар сочларни ювиш, ҳар хил бўёқларга бўяш, уларни ҳар хил турмаклаш сирларини ўргандилар. Шунингдек Улар китобни ўқимай туриб, унинг ичида нима ҳақида ёзилганини, бировнинг кўлини кўрмай туриб, унинг кўлида нима борлигини аниқлаш сирларини ҳам ўргандилар. Баъзан ёш болалар ўйнаганларида ана шу санъат турига тақлид қиладилар. Бир бола кўлига бир нарсани яшириб олади-да, ўртоғидан сўрайди: "Кўлимда нима бор?", ўртоғи эса, гарчи аниқ билмаса ҳам ўзининг тахминини айтади. Аммо шундай санъат тури борки, унинг ёрдамида одам ҳақиқатан ҳам кимнингдир кўлида нима яширинганини аниқ била олади.

Кришна билан Балорам ҳар турли халқларнинг тилида гапиришни ва уларни тушунишни ўргандилар. Улар фақат инсонларнинг тилини эмас, ҳамма тилларни

ўргандилар - Кришна хайвонлар ва қушлар билан ҳам гапириша оларди. Биз олти Госвами қолдириб кетган ваишнавларнинг асарларида бунини исботлайдиган жуда кўп мисолларни учратишимиз мумкин. Улар гуллардан ҳаво кемалари ва аравалар ясашни ўргандилар. "Рамааяна"да ҳикоя қилинишича, Раван устидан ғалаба қозонгандан кейин Парвардигор Рамачандра Ланкадан Бхарата-варшага гуллардан ясалган, *пушпа-ратха* деб аталадиган ҳаво кемасида учиб борган. Шунингдек Кришна баъзи бир аломатларга қараб бўлажак воқеа ҳодисаларни олдиндан башорат қилиш санъатини ўрганди. "Кханарвачана" деб аталадиган китобда ҳар хил аломатлар ва белгилар ёзилган. Агар одам уйдан чиқаётиб, ичи тўла идиш кўтариб келаётган одамни учратса - бу яхшилик аломати бўлади, агар бўш идиш кўтариб келаётган одамга дуч келса - ёмон аломат бўлади. Шунингдек сигир соғаётган аёлни, ёнида яна сигирнинг бузоғини кўриш ҳам шарофатли аломат ҳисобланади. Ана шундай аломатларни билиб олгандан кейин одам келажакни аниқ айтиб бера оладиган бўлади, Кришна ана шу илм сирларини ўрганди. Кришна матрикалар тузиш илмини ҳам ўрганди. Матрика - квадратларга бўлинган тўртбурчак бўлиб, унинг ичига ҳар хил сонлар ёзилади, сонларнинг йиғиндиси энига, бўйига ва диагоналига бир хил бўлиши керак. Матрикалар турлича катталиқда, ҳар хил вазифалар учун мўлжалланган бўлади.

Кришна олмос сингари қимматбаҳо тошларга андоза бериш, шунингдек шеър билан савол бериш ва шеър билан жавоб қайтариш - мушоира санъатини ҳам ўрганди. Кришна жисмларнинг, моддаларнинг бир-бирига таъсири, уларни кўшилганда ва жойларини ўзгартирганда ўзгариш(кимё фани) сирларини ҳам ўрганди. У бошқаларнинг истагини бажариш илмини ҳам ўрганди. Бировнинг истагини қондириш жуда мушкул иш; лекин одам бирор беъмани, амалга ошириб бўлмайдиган истакни ўйласа, бундай истакни йўқотиш ва унинг ўрнига бошқа истагини амалга ошириш мумкин - бу ҳақиқий санъат ҳисобланади. Бу санъатни билиб олган киши ўзида юзага келадиган шахвоний истагини ҳам ўзгартира олади, бу эса ҳатто брахмачарийлар ҳаётида ҳам учраб турадиган ҳол. Ана шу санъат ёрдамида инсон ҳатто ўз душманини ҳам дўстига айлантириши, бирор жисмоний нарсанинг таъсирини бошқа бир нарсага ўтказиш мумкин.

Парвардигор Кришна ва Балорам бутун илм манбаидирлар, Улар юқорида кўрсатилган илмлар бўйича ўзларининг мукамал илмини намоён этдилар. Шундан кейин Улар руҳий устозига мурожаат қилиб, унинг қандай истаги

борлигини, унинг ҳар қандай истагини амалга оширишга тайёр эканини айтдилар. Шогирднинг руҳий устозига, ўқувчининг ўз ўқитувчисига берадиган ана шундай совғаси *гуру-дакишина* деб аталади. Шогирд ўрганган руҳий ёки моддий илми учун миннатдорчилик юзасидан албатта руҳий устозини бирор хизмати билан мамнун қилиши керак. Кришна билан Балорам руҳий устозига шундай сўзлар билан мурожаат қилганида, Сандипани Муни Улардан олдий шогирдлар бажара олмайдиган бирорта ғайритабиий ишни амалга оширишни илтимос қилишга қарор қилди. Шунинг учун у Улардан қандай истакни бажаришни илтимос қилишни хотини билан маслаҳатлашди. Сандипани Муни ва хотини Кришна билан Балорамнинг ғайритабиий қудратга эга Зотлар эканини кўрган ва бу болалар аслида Худонинг Олий Шахси эканини билар эдилар. Шу боис улар Кришна билан Балорамдан бир вақтлар Прабхаса-кшетра ёнида океанга чўкиб ўлган ўғлини қайтариб беришни илтимос қилишга қарор қилдилар.

Кришна билан Балорам руҳий устози ўлган ўғлини қайтариб беришни илтимос қилганини эшитган захоти жанг аравасига ўтириб Океан олдига йўл олдилар. Қирғоққа келиб Улар океан-фариштасидан руҳий устозининг ўғлини қайтариб беришни илтимос қилдилар. Океан фариштаси дарров Кришна билан Балорам олдида пайдо бўлди ва эхтиром билан Уларга сажда қилди.

Парвардигор шундай деди: "Анча вақт илгари сен сабабли Бизнинг руҳий устозимизнинг ўғли сувга чўкиб ўлган. Мен сенга уни қайтариб беришни буюраман!"

Океан фариштаси шундай деб жавоб берди: "Аслида у болани мен олиб кетганим йўқ. Уни Панчаджанья деган иблис олиб кетган эди. Бу даҳшатли иблис одатда денгиз сури қиёфасида чуқур сув остида яшайди. Руҳий устозингизнинг ўғли ана шу иблиснинг қорнида бўлса керак".

Бунини эшитиб Кришна чуқур сув остига шўнғиди ва иблис Панчаджаньяни ушлаб олди. Парвардигор шу захотиёқ уни ўлдирди, аммо унинг қорнида руҳий устозининг ўғлини топа олмади, шунинг учун У иблиснинг танасини ўзи билан олиб чиқди ва Прабхаса-кшетра яқинида океан қирғоғида турган аравасига қайтиб чиқди. Бу ердан Улар Самйаманига, ажал фариштаси Йамаражнинг даргоҳига йўл олдилар. Кўплар Халайудха деб атайдиган акаси Балорам билан бирга Кришна Йамаражнинг даргоҳига яқинлашиб, суруни чалиб юборди.

Унинг сурунининг овозини эшитиб, ажал фариштаси Шри Кришнанинг олдига чиқди ва муносиб ҳурмат-иззат билан Уни қарши олди. Кришна билан Балорам аслида кимлар эканини Йамараж яхши биларди, шу боис у камтарин

ҳолда Уни қандай хизмати билан мамнун қилиши мумкинлигини сўради. Кришна ер юзига оддий подачи бола қиёфасида ташриф буюрган эди, аммо аслида Кришна билан Балорам ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбидан жой олган Олий Рухдир. Улар Парвардигор Вишнунинг Ўзи эдилар, аммо ҳозир моддий оламда оддий болалар ролини ўйнаб юрган эдилар. Йамараж Кришнадан унга қандай хизмати борлиги ҳақида сўраганида, У анча вақт илгари ўзининг кармаси(тақдири) бўйича унинг салтанатига келган руҳий устозининг ўғлини қайтариб беришни илтимос қилди. "Менинг амрим Олий бўлгани учун сен ҳозирок руҳий устозимнинг ўғлини қайтариб беришинг керак!"

Йамараж ўша болани Худонинг Олий Шахсига қайтариб берди, Кришна билан Балорам болани отасининг олдига олиб бордилар. Ака-укалар руҳий устозидан Уларга яна бошқа бирор хизмат бор-йўқлигини сўрадилар. Руҳий устози Уларга шундай деди: "Эй азиз ўғилларим, Сизлар мен учун етарлича хизмат қилдинглар. Мен сизлардан тўла мамнунман. Сизларга ўхшаган шогирди бўлган одамнинг бу дунёда яна қандай истаги бўлиши мумкин? Азиз ўғилларим, энди сизлар уйлариңгизга қайтишлариңгиз мумкин. Сизларнинг шавкатли қахрамонлиқлариңгиз шуҳрати ҳамиша бутун оламга машхур бўлади. Сизлар ҳар қандай дуои-фотиҳалардан ҳам устун турасизлар, лекин барибир сизларни дуо қилиш - менинг бурчим ҳисобланади. Шунинг учун мен сизларни дуо қилиб айтаманки, Сизлар нима ҳақда гапирсанглар ҳам, худди ведалар илми сингари Сизларнинг гаплариңгиз ҳам ҳеч қачон эскирмайди, ўзининг долзарблигини йўқотмайди, ҳамиша янгилик бўлиб қолаверади. Сизларнинг насиҳатлариңгиз фақат бу коинтда, фақат бу даврда эмас, балки бутун оламда, барча замонларда ҳамиша эъзозланади ва уларнинг кадри, қиммати тобора ошиб бораверади". Руҳий устозининг ана шу дуоси шарофати билан Парвардигор Кришнанинг насиҳатлариңгиз, "Бхагавад Гита"нинг аҳамияти ҳамиша кучайиб бораверади, "Бхагавад Гита" фақат бу коинотда эмас, балки бошқа сайёраларда, бошқа оламларда ҳам машхур.

Руҳий устозининг амри билан Кришна билан Балорам шу заҳотиёқ араваларига ўтириб, уйига қайтиб келдилар. Улар шамол тезлигида учардилар, Уларнинг аравалари худди булутлар ортидан эшитиладиган момақалдирик гумбурлашига ўхшаб овоз чиқарарди. Узок вақтдан бери Кришна билан Балорамни кўрмаган Матхура аҳолиси Уларни яна ўз шаҳрида кўриб турганидан жуда қувондилар. Улар худди бирор кадрли нарчасини йўқотиб

қўйиб, анча вақтдан кейин яна уни топиб олган одамдай ўзларини жуда бахтиёр сезардилар.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришна руҳий устозига ўлган ўғлини қайтариб беради" деб аталадиган қирқ тўртинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 45. Уддхаванинг Вриндаванга келиши

Нанда Махараж Вриндаванга Кришна ва Балорамсиз қайтиб келди. Унга фақат подачилар ва уларнинг аёллари ҳамроҳ эдилар. Бу албатта она Йашода учун, Шримати Радхарани учун ва Вриндаваннинг бошқа аҳолиси учун жуда ачинарли ҳол эди. Кўп бхакталар энди Вриндаванда Кришнанинг йўқлигига кўникмоқчи бўлдилар, чунки биладиган одамларнинг фикрига кўра, бошланғич Худонинг Олий Шахси Кришна аслида ҳеч қачон, ҳатто бир кадам ҳам Вриндаванни тарк этмайди. У ҳамиша шу ерда яшайди. Билимдон бхакталарнинг тушунтириши бўйича, аслида Кришна ҳеч қачон Вриндавандан кетмаган. У Ўзи ваъда берганидай Нанда Махараж билан бирга қайтиб келган.

Кришна Акрура бошқараётган аравага ўтириб Матхурага кетиб бораётганида, гопилар Унинг йўлини тўсиб қўйган вақтида Кришна уларни Ўзининг Матхурадаги ишларини тугатган заҳоти албатта қайтиб келишга ишонтирган эди. Кришна уларга ҳасрат-қайғу қилишни бас қилишни айтиб, уларни овунтириб, тинчлантириб кетган эди. Аммо Кришна Нанда Махараж билан бирга Вриндаванга қайтиб кела олмагани учун гўё У гопиларни ё алдаган, ё Ўз ваъдасининг устидан чиқа олмагандай бўларди. Билимдон бхакталарнинг айтишларига кўра, Кришна алдоқчи ҳам эмас, албатта Ўз ваъдасининг устидан чиқмайдиган Зот ҳам эмас. Кришна Ўзининг асл қиёфасида Нанда Махараж билан бирга қайтиб келган, *бхава*(чуқур илоҳий лаззат) кўринишида гопилар ва Йашода она билан бирга Вриндаванда қолган. Кришна билан Балорам Матхурада Ўзларининг бошланғич, азалий қиёфаларида эмас, балки Уларнинг экспансиялари - Васудева ва Санкаршана қиёфасида қолганлар. Ҳақиқий Кришна билан Балорам Ўзларининг азалий *бхава* қиёфасида ҳамиша Вриндаванда яшайдилар, Матхурада эса Улар *прабхава* ва *ваибхава* экспансияларида мавжудлар. Кришнанинг руҳий жиҳатдан юксак поғонага кўтарилган буюк содиқларининг фикри ана шундай. Аммо, Нанда Махараж Вриндаванга қайтиш учун ҳозирлик кўра бошлаганида у билан ўғиллари Кришна ва Балорам орасида

бўлиб ўтган суҳбатда, болалар Нанда Махараждан узоқда қандай қилиб яшай олиши ҳақида гап борган эди. Барибир айрилиш керак бўлгани учун ҳамма бунга рози бўлган эди.

Кришнанинг ҳақиқий ота-онаси бўлган Васудева билан Деваки Камсанинг ўлиmidан кейин Уларни олиб қолишни истаган эдилар. Камса тирик бўлган пайтда Кришна билан Балорам Вриндаванда Нанда Махаражнинг ҳимояси остида эди. Энди эса, табиий равишда Кришна билан Балорамнинг ота-онаси Уларнинг ўзлари билан, айниқса Улар покланиш маросими орқали ўтиб, муқаддас зуннор олишлари учун шу ерда қолишни истаган эдилар. Улар фарзандларига муносиб таълим-тарбия беришни истаётган эдилар, чунки бу отанинг фарзанд олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади. Яна шуни эътиборга олиш лозимки, Камсанинг Матхурадани ташқаридаги дўстлари ҳали шаҳарга ҳужум қилиш пайида юрган эдилар. Шунинг учун Кришна албатта Матхурада яшаш лозим эди. У Дантавакра ва Жарасандха сингари иблислар Вриндаван аҳолисига тажовуз қилишни истамаган эди. Агар Кришна Вриндаванга кетса, душманлар фақат Матхурага ҳужум қилиб қолмасдан Вриндаванга ҳам борар эдилар, шунда Вриндаваннинг тинч аҳолиси бекорга ташвишга тушган бўларди. Шунинг учун Кришна Матхурада қолишга аҳд қилди, Нанда Махараж эса Вриндаванга қайтиб кетди. Гарчи Вриндаван аҳолиси Кришнадан айрилиқ азобидан қийналсалар ҳам, Кришна Ўзининг лилалари, эрмаклари воситасида ҳамиша улар билан бирга эди, мана шунинг ўзи уларга чексиз илоҳий лаззат бағишларди.

Кришна Вриндавандан Матхурага кетганидан бери бутун Вриндаван аҳолиси, айниқса Йашода она, Шримати Радхарани, гопилар ва подачи болалар ҳар бир лаҳзада Кришна ҳақида ўйлаб юрардилар. Улар Кришна ҳақида шундай ўйлардилар: "Кришна мана шундай ўйнади. Кришна найини шундай чаларди. Кришна бизлар билан ҳазиллашиб, бизни кучоқлаб оларди". Бу усул *лила-смарана* деб аталади, буюк бхакталар Кришна билан айнан шундай алоқа ўрнатишни жуда тавсия этадилар; ҳатто Парвардигор Чайтанья ҳам Жаганнатха Пурида яшаганида Кришна билан айнан *лила-смарана* усулида мулоқотда бўлиб лаззатланар эди. Худога садоқат билан хизмат қилишда юксак поғонага кўтарилиб, бундан илоҳий лаззат олишга эришган содиқлар Кришнанинг ана шундай илоҳий эрмакларини эслаб, ҳамиша У билан бирга яшаш мумкин. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура бизларга "Кришна-бхаванамрита" деб аталадиган ажойиб илоҳий асар қолдириб кетган, унда Кришнанинг ҳар хил илоҳий

эрмаклари тасвирланган. Шундай китобни ўқиш ёрдамида содиқлар ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб яшаш мумкин. Кришнанинг эрмак(лила)лари ҳақидаги ҳар қандай китоб, ҳатто мана шу асар ҳам, "Олтин аватара" деб аталадиган яна бир асаримиз ҳам - Кришна билан айрилиқ туйғусини ҳис қила оладиган буюк бхакталар учун ҳаётда ҳақиқий лаззат манбаи ҳисобланади.

Кришна билан Балорамнинг Вриндаванга қайтиб келмаганини қуйидагича изоҳлаш мумкин: Улар Вриндаванга қайтиб келамиз" деб берган ваъдасини бузмадилар - Улар ҳамиша шу ерда, аммо Улар Матхурада бўлишлари лозим эди.

Айни пайтда Кришнанинг амаки оғайниси Уддхава У билан учрашиш учун Дваракадан меҳмон бўлиб Матхурага келди. У Васудеванинг жияни бўлиб, Кришна билан деярли тенгкур эди. Сиртдан караганда у худди Кришнага ўхшарди. Рухий устозининг уйдан келиб, Кришна Ўзининг энг кадрдон дўсти Уддхавани уйда учратганидан жуда хурсанд эди. У Вриндаванликларнинг ҳижрон азобини енгиллатиш учун уларга хат ёзиб, Уддхавадан шу хатни бериб юбормоқчи эди.

"Бхагавад Гита"да шундай дейилган: *йе йатха мам прападийанте* - Кришна тирик мавжудотнинг ҳис-туйғуларига дарров жавоб беради. Кришна Ўзининг содиқ хизматкорининг ҳис-туйғуларига унинг руҳий жихатдан юксала боришига мос равишда жавоб беради. Гопилар Кришна билан ҳижрон азобида қийналиб, сутканинг йигирма тўрт соати мобайнида тинмасдан Кришна ҳақида ўйлаб юрардилар. Кришна ҳам ҳамиша гопилар ҳақида, Йашода она ҳақида, Нанда Махараж ва Вриндаван аҳолиси ҳақида ўйлаб юрарди. Гарчи Кришна улардан олисда юргандай бўлиб кўринса ҳам, У уларнинг илоҳий қайғуга чўмиб юрганини яхши биларди, шу боис уларни овутадиган хат ёзиб Уддхава билан бериб юборишни истаган эди.

Уддхавани Вришни сулоласининг энг улуғвор аъзоси, деярли Кришна билан бир поғонада турадиган шахс деб таърифлайдилар. У Кришнанинг энг яқин дўсти эди, самовий сайёраларнинг руҳонийси ва руҳий устози бўлган Брихаспатининг шогирди бўлгани сабабли Уддхава жуда ўткир ақлли ва тезда тўғри қарорга келиш қобилиятига эга зот эди. У бошқалардан ўзининг чуқур тафаккури билан ажралиб турарди. Уддхава ўзларини Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Вриндаван аҳолисидан улуғвор, илоҳий жазавали садоқат билан хизмат қилишни ўрганиб олиши учун Кришна уни Вриндаванга жўнатмоқчи эди. Инсон моддий жихатдан жуда билимдон, ҳатто Брихаспатининг

шогирди бўлса ҳам, барибир Кришнага муҳаббат илмини у гопилардан ва Вриндаван аҳолисидан ўрганиши лозим. Кришнанинг Вриндаванликларга ёзган хатини олиб бориш учун Уддхавани Вриндаванга жўнатиши Унинг Уддхавага кўрсатаётган алоҳида марҳамати эди.

Парвардигор Кришнани *Хари* деб ҳам атайдилар, бунинг маъноси "ихтиёрини Ўзига топширган руҳларнинг мусибатини олиб кетадиган Зот" деганни билдиради. Парвардигор Чайтанья буни тасдиқлаб айтадики, ҳеч ким, ҳеч қачон Парвардигорга гопилардай садоқат билан хизмат қила олмайди. Мусибатга тушган гопиларнинг аҳволига ачиниб, Кришна Уддхава билан гаплашди ва Вриндаванга йўл олишни мулойимлик билан ундан илтимос қилди. Уддхаванинг кўлларини кўлига олиб Кришна шундай деди: "Азиз дўстим Уддхава, илтимос, ҳозирок Вриндаванга йўл олиб, ота-онам Йашода билан Нанда Махаражни, гопиларни овутишга ҳаракат қил. Улар худди даҳшатли касалга чалингандай ҳижрон азобидан қаттиқ қийналяптилар. У ерга бориб уларга Менинг мактубимни етказ. Бу уларнинг мусибатини анча енгиллаштиради деб ўйлайман. Гопилар ҳамиша Мен ҳақимдаги ўйларга ғарқ бўлиб юрибдилар. Улар ўзларининг бутун вужудини, орзу-истакларини, ҳаётини ва жонини Менга бағишлаганлар. Мен фақат гопилар ҳақида эмас, Мен учун ўз жамиятини, дўстлигини, муҳаббатини ва қулай яшаш шароитини қурбон қилган ҳар қандай одамни ўйлаб ташвишланиб юраман. Ана шундай улуғвор бхакталарни ҳимоя қилишни Ўз бурчим деб биламан. Гопилар Мен учун ҳаммадан азиз. Улар ҳамиша Мен ҳақимда ўйлаб, Мени эслаб ҳамиша тушқунликка тушиб юрадилар, Мен билан айрилиқ, ҳижрон азобига чидай олмай қаттиқ қийналиб яшайдилар. Фақат тез орада Мен албатта қайтиб боришим ҳақидаги фикргина уларга озгина далда беради".

Парвардигор Кришнанинг илтимос билан Уддхава хатни олиб шу заҳотиёқ ўзининг жанг аравасида Гокулага йўл олди. У куёш ботаётган пайтда Вриндаванга етиб келди. Сигирлар ўтлоқдан уйга қайтиб келаётган эди. Уддхава ва унинг араваси ўтлоқдан қайтаётган сигирлар кўтарган чанг билан қопланган эди. У сигирлар изидан югуриб юрган хўкизларни кўрди; баъзи сигирлар елинлари сутга тўлиб, эмизиш учун бузоқларининг олдига чопарди. Уддхава бутун Вриндаван кўчалари оппоқ сигирлар ва уларнинг бузоқларига тўлиб кетганини кўрди. Гокуланинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида сигирлар югуриб юрар, қулоққа уларни соғаётганда чиқадиган ёқимли овозлар эшитилиб турарди. Вриндавандаги ҳар бир хонадон куёш ва олов фариштасига сиғиниш, меҳмонларни, сигирларни, браҳманларни ва фаришталарни

қабул қилишга тайёр қилиб безатиб қўйилган эди. Ҳар бир хонадон мушк-анбарлар ва олов билан покланган эди. Вриндаваннинг ҳамма жойида гулларга тўлиб ётган гулзорлар, боғлар кўзга ташланарди, уларда ариларнинг ғувиллаши ва қушларнинг сайраши эшитилиб турарди. Кўл ва булоқлар нилуфар гуллари, сузиб юрган ўрдак ва оққушлар билан тўла эди.

Уддхава Нанда Махаражнинг уйига кирди, уни Васудеванинг вакили сифатида муносиб ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олдилар. Нанда Махараж унга қулай ўриндиқ таклиф қилди ва Кришна ҳақида, Балорам ҳақида, Матхурадаги бошқа оила аъзолари ҳақида сўраб суриштириш учун ўзи ҳам унинг ёнига ўтирди. У Уддхаванинг Кришнанинг энг яқин дўсти эканини билар, шу боис албатта Ундан яхши хабар олиб келган бўлса керак деб ўйларди. "Азизим Уддхава, - деди у, - дўстим Васудева қандай яшаяпти? Энди у Камсанинг зиндонидан озодликка чиққан, ҳозир ўз дўстлари, болалари Кришна ва Балорам билан бирга яшаяпти. Шу боис у ҳозир жуда бахтиёр бўлса керак. Менга у ҳақда, унинг қандай яшаётгани ҳақида гапириб бер. Иблисларнинг ичида энг бадбахт гуноҳкори бўлган Камсанинг ўлганидан бизлар ҳам жуда хурсандмиз. У ҳамиша Йадавлар сулоласининг аъзоларига, ўзининг дўстларига ва қариндошларига ҳасад қиларди. Ўзининг гуноҳлари учун у ажалини тезлаштириб, укалари билан бирга бу дунёни тарк этиб кетди.

Илтимос, бизларга айтчи, Кришна Ўзининг Вриндавандаги ота-онасини, дўстларини ва дугоналарини ҳеч эслайдими? У Ўзининг сигирлари, гопилари. Говардхана тепалиги, Вриндавандаги ўтлоқлари ҳақида эслашни ёқтирадими? Бизлар Унинг нилуфарсимон кўзлари, чиройли бурни безаб турган гўзал жамолини яна кўра олишимиз учун Унинг дўстлари, Ўзининг қариндошлари ёнига яна қайтиб келиш нияти борми? Унинг бизларни ўрмон ёнғинидан қандай асраб қолгани, Йамуна дарёсидаги Калия илонидан қандай халос этгани, бошқа кўплаган иблислардан бизларни қандай ҳимоя қилгани эсимизда, У бизларни хатарли вазиятлардан неча марта ҳимоя қилиб қолгани учун бизлар Ундан қанчалик қарздор эканимизни ҳамиша ўйлаб юрамиз. Азизим Уддхава, Кришнанинг ажойиб гўзал жамолини, Унинг кўзларини, Унинг бу ерда, Вриндавандаги эрмакларини эслаганимизда қалбимиз ширин ҳис-туйғуларга шундай лиммо-лим тўлиб кетадики, қўлимиз ишга бормай ҳамма ишларни ташлаб қўямиз. Бизлар фақат Кришна ҳақида - Унинг чиройли кулишлари, бизларга Ўзининг ширин нигоҳини ташлашлари ҳақида ўйлаб қоламиз. Бизлар Йамуна соҳилларига, Вриндавандаги кўл бўйларига ёки

Говардхана тепалигига ва ўтлоқларга борганимизда ҳали Кришнанинг оёқ излари ер юзида сақланиб қолганини кўрамиз. Бизлар Унинг шу ерларда қандай ўйинлар ўйнаганини эслаймиз, чунки У ҳамиша шу ерларга бориб юрарди. Ақлимизда Унинг қиёфаси пайдо бўлган заҳоти бизлар Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўламиз.

Мана, шу тарзда бизлар қаттиқ ўйланиб қоламиз: балки Кришна билан Балорам аслида Ер сайёрасида маълум бир ишларни амалга ошириш учун оддий болаларга ўхшаб ер юзига ташриф буюрган жаннатдаги ҳукмдор фаришталардан бири бўлса керак. Кришнанинг гороскопини(тақдирини) башорат қилганида Гаргамуни шундай деб айтган эди. Агар Кришна буюк шахс бўлмаса, У қандай қилиб ўн минг фил кучига эга бўлган қудратли Камсани ўлдирарди? Камсадан ташқари у ерда жуда кўп қудратли полвонлар, шунингдек Кувалайапида деган баҳайбат фил ҳам бор эди. Худди арслон арзимас бир ҳайвонни ўлдирганидай, Кришна ҳам ҳеч қийналмасдан ана шу ҳайвонларнинг ва иблисларнинг ҳаммасини ўлдириб ташлади. Кришна бир қўли билан кўтариб олиб, уч палрма дарахтини бирга қўшиб ясалган катта, оғир камонни синдириб ташлагани қанчалик ғайритабиий жасорат эди. Говардхана тепалигини етти кун давомида бир қўлида ушлаб тургани кишини қаттиқ ҳайратга солади. Унинг ҳеч қийналмасдан Праламбасура, Дхенукасура, Ариштасура, Тринаварта ва Бакасура сингари иблисларни ўлдиргани қандай ғаройиб. Бу иблислар шу қадар қудратли кучга эга эдиларки, ҳатто жаннатдаги фаришталар ҳам улардан кўрқар эдилар, Кришна эса уларни осонлик билан мағлуб қилди".

Уддхавага Кришнанинг ғайритабиий кароматлари ҳақида гапириб берар экан, Нанда Махараж ҳаяжондан аста-секинлик билан тобора қаттиқ тўлқинланиб кетиб, бошқа гапиролмай қолди. Она Йашода эса, эрининг ёнида ўтирган ҳолда Кришнанинг эрмақлари ҳақидаги гапларни жимгина тинглаб ўтирарди. У тинмасдан кўз ёши тўкар, кўкрагидан эса сут томчилаб турарди. Нанда Махараж ва Йашоданинг Худонинг Олий Шахси Кришна ҳақидаги ўйларга бунчалик ғарқ бўлиб ўтирганини, уларнинг Кришнага бўлган чуқур муҳаббатини кўриб Уддхава ҳам қаттиқ ҳаяжонланиб кетди ва шундай деди: "Эй азиз отам Нанда Махараж ва Йашода она, сизлар барча инсонлар орасида энг улуғвор зотларсиз, чунки ҳеч ким Парвардигор ҳақида сизлардай бўлиб чуқур илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб муруқабага берилма олмайди".

Балорам ҳам, Кришна ҳам бутун борликни яратган азалий, бошланғич Худонинг Олий

Шахси. Улар бошқа барча шахслардан устун турадилар. Улар - бу моддий оламнинг фаол сабабларидир. Моддий табиатни пуруша-аватаралар бошқариб турадилар, ўз навбатида уларни Кришна билан Балорам бошқариб туради. Ўзларининг тўлиқ намоён бўлмаган қиёфасида Улар ҳар бир тирик мавжудот қалбига кирадилар. Улар - бутун илм манбаи бўлиш билан бирга хотирра ва унутиш ҳам Улардан". Бу ҳақиқат "Бхагавад Гита"нинг ўн бешинчи бобида тасдиқланган: "Мен ҳар кимнинг қалбида мавжудман, Мен одамни унутишга ва эшлашга мажбур қиламан. Мен Ведаларни яратган Зотман, Мен ҳақиқатан ҳам Ведаларни биладиган ягона Зотман".

Уддхава давом этди: "Агар одам ажали етганида ўзининг пок ақлини атиги бир лаҳза Кришнада мужассам қила олса, у ўзининг мана шу моддий танасини тарк этишга ҳамда ўзининг худди куёшдай порлаб ҳар тарафга нур сочиб турган ҳақиқий руҳий танасига эга бўлишга муносиб зот бўлади. Шу тариқа, инсон ўзининг бу дунёдаги ҳаётини бутунлай тарк этиб, шу заҳотиёқ руҳий оламга, Вайкунтҳага кўтарилади.

Ҳаётини Кришнани англашга бағишлаган, ҳаётда Кришна онги билан яшашга аҳд қилган одам ана шундай буюк мақсадга эришади. Агар бизлар ҳозирги танамизда, токи саломатлигимиз ва ақлимиз жойида пайтда, умримизни мунтазам равишда Ҳаре Кришна маха-мантрасини зикр қилиб юриш билан Кришнани англашга, ҳаётда Кришна онги билан яшашга бағишласак, ҳеч шубҳа йўқки ажалимиз етганда ақлимизни Кришнада мужассам қила оламиз. Агар умримизнинг охириги дақиқаларида шундай қила олсак, инсон танасидаги бу умримизни муваффақият билан адо этган бўламиз. Аммо бутун умримиз давомида фикру-хаёлимиз ҳамиша хиссий лаззат келтирадиган кармали фаолият ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб юрса, табиийки ажалимиз етган пайтда ҳам биз ана шундай фаолият ҳақида ўйлаётган бўламиз, шунда яна моддий табиат гуналари билан шартланган тана ичига киришга, яна моддий тирикчиликнинг уч турли азоб-укубатларига дучор бўлиб яшашга мажбур бўламиз. Шунинг учун Вринаван аҳолиси кундалик турмушда ҳамиша Кришна онгига ғарқ бўлиб яшаганлар, бунга Нанда Махаражнинг, Йашоданинг ва гопиларнинг ҳаёти яққол мисол бўла олади. Агар бизлар шунчаки қўлимиздан келганча, озгина бўлса ҳам улардан ўрнат олиб яшашга ҳаракат қилсак, бизнинг ҳаётимиз ҳам албатта муваффақиятли бўлади, биз ҳам албатта мангу табиатли руҳий оламга, Вайкунтҳага эришамиз.

"Эй азиз Нанда Махараж ва Йашода она, - давом этди Уддхава, - сизларнинг фикру-хаёлингиз тўлалигича, бутунлай Худонинг Олий

Шахсига, Нарайанага, Унинг илоҳий қиёфасига, шахсиятсиз Браҳманнинг сабабчисига қаратилган. Браҳманнинг нури - шунчаки Нарайананинг илоҳий танасидан таралаётган ёғду, холос. Сизлар ҳамиша Кришна ва Балорам ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлиб юрган экансизлар, сизларга бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўк! Мен сизларга Кришна тез кунларда албатта Вриндаванга қайтиб келиши ва сизлар билан бирга бўлиб икковингизни ҳам қувонтириши ҳақида хабар олиб келдим. Кришна Матхурадаги Ўз ишларини тамомлаб бўлиб Вриндаванга қайтишга ваъда берди. У албатта Ўз ваъдасининг устидан чиқади. Шунинг учун мен омадли инсонларнинг энг аълоси бўлган икковингиздан ҳам Кришнанинг вақтинча йўқлигидан каттиқ азият чекмасликни илтимос қиламан.

Сизлар ҳозир ҳам Унинг шу ердалигини суткасига йигирма тўрт соат давомида ҳис қилиб юрасизлар, шунда ҳам барибир У сизлар билан дейдор кўришиш учун тез кунда бу ерга келиб қолади. Аслини олганда, худди ўтин ичида ҳамиша олов бўлгани сингари Кришна ҳамма жойда, ҳар кимнинг қалбида мавжуд. Кришна Олий Руҳ бўлгани туфайли ҳеч Унга душман, ҳеч ким Унга дўст, ҳеч ким Унга тенг, ҳеч ким Ундан устун ёки паст бўла олмайди. Аслида Унинг отаси ҳам, онаси ҳам, ака-укалари ҳам, қариндошлари ҳам йўқ, Унга жамятнинг ҳам, дўстликнинг ҳам муҳаббатнинг ҳам кераги йўқ. Унинг моддий танаси йўқ; У ҳеч қачон оддий одамларга ўхшаб туғилмайди, дунёга келмайди. У ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишлари оқибатида туғилишга мажбур бўладиган оддий одамларга ўхшаб, ҳаётнинг олий ёки қуйи турларида пайдо бўлмайди. У бу дунёда фақат Ўзининг бхакталарини ҳимоя қилиш учун Ўзининг ички қуввати ёрдамида намоён бўлади. Унга ҳеч қачон моддий табиат гуналари ўз таъсирини ўткази олмайди, аммо У бу дунёда намоён бўлганида, худди моддий табиат гуналари таъсири остида яшаётган оддий тирик мавжудотларга ўхшаб ҳаракат қилади. Аслини олганда эса, бу моддий оламни Унинг Ўзи назорат қилиб туради, моддий табиат гуналари Унга таъсир қилмайди. У бутун космик борлиқни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва вақти келганда яқсон қилади. Худди боши айланган одамга бутун олам гўё унинг атрофида айланаётгандай бўлгани сингари, бизлар бекорга Кришна билан Балорамни худди бошқалар сингари оддий одамлар деб ўйлаб юрибмиз. Худонинг Олий Шахси ҳеч кимнинг ўғли эмас; аслида Унинг Ўзи ҳар кимнинг Отаси ва Олий ҳукмдоридир. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бизларнинг ҳаётимизда нимаики рўй берса, нимаики рўй бермаса, мавжуд бўлган ёки

мавжуд бўлмаган ёки келажакда мавжуд бўладиган, энг катта ёки энг кичик нарсаларнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахсидан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Ҳамма нарса Унда макон топган, аммо Унинг Ўзи намоён бўлган нарсаларга аралашиб кетмайди".

Шундай қилиб, Нанда Махараж ва Уддхава тун бўйи Кришна ҳақида суҳбатлашиб чиқдилар. Эрталаб гопилар эрталабки арати маросимига ҳозирлик кўра бошладилар - шамчирокларни ёқдилар, атрофга йогурт аралаш ёғ сепдилар. Мангала-арати ўтказиб бўлиб улар қаймоқдан сарийёғ олишга киришдилар. Гопилар қуви чайиш билан банд экан, шамчирокларнинг шуъласи уларнинг тақинчоқларида акс этиб, уларни яна ҳам чиройлироқ қилиб кўрсатарди. Уларнинг қўлидаги пишкаклар, сирғалари, билагузуклари ва кўкраклари - ҳаммаси ҳаракатга келган эди, кункума кукуни эса уларнинг юзига энди чиқаётган қуёш нурига ўхшаш қизғиш ранг берарди. Қуви чайиш билан бирга улар Кришнани олқишлаб кўшиқ куйлардилар. Бу кўшиқларнинг овози қуви товушларига кўшилиб осмону-фалакка кўтарилар, бутун атрофни поклар эди. Қуёш чиққандан кейин гопилар одатдагидай Нанда Махараж билан Йашодага эҳтиром кўрсатиш учун келдилар, аммо эшик олдида турган Уддхаванинг олтин жанг-аравасини кўриб, улар бир-бирдан бу арава қаердан келиб қолди, у кимники эканини суриштира бошладилар. Уларнинг баъзилари Кришнани олиб кетган Акрура яна қайтиб келмаганмикан деб сўради. Улар Акрурадан унчалик рози эмасдилар, чунки у Камсанинг хизматида бўлиб Кришнани Матхурага олиб кетган эди. Гопиларнинг ҳаммаси "яна қандайдир ёқмас бир ишларни амалга ошириш учун Акрура келган бўлса керак" деган қарорга келдилар. Лекин улар шундай деб ўйладилар: "Энди, олий Ҳукмдоримиз Кришнасиз бизлар ўлик мурдалармиз. Мана шу ўлик мурдаларга яна қандай азоб бериш мумкин?" Улар ўзаро шундай суҳбатлашиб турар экан, эрталаб ювиниб покланиб, Худого илтижо қилиб, мантра зикр қилиб бўлган Уддхава гопиларнинг олдида пайдо бўлди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Уддхаванинг Вриндаванга келиши" деб  
аталадиган қирқ бешинчи бобига  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## 46. Гопилар Кришнанинг мактубини олади



Гопилар Уддхавага кўзи тушганида унинг ташки кўриниши худди Кришнага ўхшашига эътибор бердилар, бундан дарров у ҳам Кришнанинг бхактаси эканини тушундилар. Унинг кўллари жуда узун, кўзлари нилуфар гулларини эслатарди. У сариқ либослар кийиб олган эди, бўйнида эса нилуфар гулларидан ясалган гулчамбар бор эди. Унинг юзи жуда чиройли эди. *Сарунья* даражасидаги рухий озодликка эришган, демак худди Худо Шахсиникига ўхшаган танага эга бўлган Уддхава ташки кўринишидан Кришнага жуда ўхшаш эди. Кришна бўлмаган пайтларда гопилар эрталаб ҳар куни албатта Йашода онани кўриш учун унинг уйига келардилар. Нанда Махараж ва Йашода она ҳамиша ҳижрон азобидан кийналиб юрганини улар яхши билар, шу боис уларнинг олдига келиб Вриндаваннинг ёши улуг аҳолиси ичида энг мўътабар бўлган бу зотларни хурмат-эҳтиром билан тавоф қилиб кетишни ўзларининг муқаддас бурчи деб билардилар. Кришнанинг дўстларини кўриб Нанда ва Йашода Кришнани эслар, Унинг Ўзини кўргандай бўлиб мамнун бўлардилар. Гопилар ҳам Нанда Махараж билан Йашодани кўришдан мамнун эдилар.

Уддхава ҳатто ташки кўриниши билан ҳам Кришнани эслатиб турганини кўриб, гопилар бу зот албатта ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига бутунлай топширган рух бўлиши керак деб ўйладилар. Улар ўзларича шундай ўйлай бошладилар: "Кришнага шунчалик ўхшаш бўлган бу йигит ким бўлди экан? Унинг кўзлари ҳам нилуфар гулига ўхшайди, бурни ҳам Кришнаникидай тўғри, юзи ҳам, кулишлари ҳам Кришнаникига ўхшайди. У ҳар жихатдан Кришнага, танаси қорамтир булут рангида бўлган гўзал Шйамасундарага ўхшайди. Ҳатто унинг либослари ҳам худди Кришнаникидай. Бу ўспирин қаердан келиб қолдийкин? Қайси бир қиз мана шундай йигитнинг рафикаси бўлиш бахтига эришган экан?" Улар ўзаро шундай суҳбатлашар эдилар. Улар бу йигит ҳақида бирор нарса билиб олишга жуда шошилар эдилар. Улар содда қишлоқи қизлар бўлгани учун дарров Уддхаванинг атрофини ўраб олдилар.

Гопилар Уддхава Кришнадан мактуб олиб келганини эшитиб жуда хурсанд бўлдилар; улар Уддхавани хилват жойга олиб ўтиб, қулай ўриндикка ўтқаздилар. Бегона одамлар уларни уялтириб қўймаслиги учун улар Уддхава билан Кришна ҳақида хилватроқ жойда бемалол суҳбатлашмоқчи эдилар. Гопилар унга камтарин ҳолда мулойим сўзлар билан мурожаат қилдилар: "Бизлар биламизки, сен - Кришнанинг энг ишончли дўстисан, шунинг учун ҳам У ота-

онасини овутиш учун Вриндаванга сени юборган. Оилавий боғланишлар жуда кучли бўлишини бизлар яхши тушунамиз. Ҳатто таркидунё қилган буюк донишмандлар ҳам ўзларининг оила аъзоларидан биратўла юз ўгириб кета олмайдилар. Шунинг учун ҳам Кришна сени ота-онасининг олдига юборган; Унинг Вриндаванда бошқа ҳеч қандай иши йўқ. У энди шаҳарда яшайди. Унга энди Вриндаван қишлоғининг, сигир боқадиган ўтлоқларнинг нима кераги бор? Буларнинг ҳаммаси энди Кришнани умуман қизиқтирмайди, чунки У энди шаҳарлик бўлиб кетган.

Албатта, Унинг оила аъзоси бўлмаган одамлар энди Уни қизиқтирмай қўйган. Одамнинг ўз оиласи аъзоларидан бошқа одамлар билан дўстлиги фақат бирор фойдаси тегиб юрганча давом этади, шундай бўлгандан кейин У бошқалар ҳақида, айниқса бошқа бировга эрга чиқиб кетганлар ҳақида ўйлаб нима қилади. Худди асаларилар токи гулдан нектар олганча гулга қизиққани сингари, Кришна ҳам фақат ҳиссий лаззат излагандагина улар билан қизиқа бошлайди. Хуштори ўзининг мол-дунёсини созуриб бўлган заҳоти фоҳиша аёл у ҳақда ўйламай қўйиши мутлақо табиий ҳол. Худди шундай, агар ҳукумат уларни химоя қилишдан ожиз эканини билиб қолсалар, фуқаролар ҳам шу заҳоти бу давлатни ташлаб чиқиб кетадилар. Ўқувчи ҳам мактабда илм ўрганиб бўлгандан кейин ўқитувчиси билан бўлган алоқасини узади. Рухоний ҳам Худога сиғинаётган одамдан садақа олиб бўлган заҳоти ундан юз ўгиради. Меваси тамом бўлгандан кейин қушлар бу дарахтга қўнмай қўядилар. Бир уйга келган меҳмон қорни тўйгандан кейин мезбонни эсидан чиқариб кетади. Ўрмонга ёнғин кетиб, у ерда майсалар қолмаган бўлса, кийик ва бошқа ҳайвонлар бу ўрмонни ташлаб кетадилар. Худди шундай йигит ҳам ўз дугонаси билан лаззатланиб бўлгандан кейин албатта уни ташлаб кетади". Гопилар шу тарзда ҳар хил мисоллар, ўхшатишлар келтириб, Кришнани айблар эдилар.

Уддхава тушундики, Вриндаванлик гопилар Кришна ва Унинг болаликдаги илохий эрмаклари ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлиб яшайдилар. Уддхава билан Кришна ҳақида суҳбатга берилиб кетган гопилар ўзларининг уй ишларини бутунлай эсдан чиқариб юборган эдилар. Кришнага бўлган қизиқиши ортган сари улар ҳатто ўзларини ҳам бутунлай эсдан чиқариб қўйган эдилар.

Гопилардан биттаси, Шримати Радхарани, авваллари Кришна билан кўпроқ бевосита ҳамсуҳбат бўлиб юргани сабабли Кришна ҳақидаги ўйларга шу қадар берилиб кетган эдики, У шу атрофда Унинг нилафарсимон

оёқларига кўнмоқчи бўлиб юрган қовоғари билан суҳбатлаша бошлади. Бошқа гопилар Кришнанинг элчиси бўлиб келган Уддхава билан суҳбатлашар экан, Шримати Радхарани шу қовоғарини Кришнанинг элчиси ўрнида кўриб, у билан суҳбатлаша бошлади: "Ҳой қовоғари, сен гулларнинг нектарини ичишга ўрганиб қолгансан, шу боис табиати сеникига ўхшаган Кришнанинг элчиси бўлиб келишни ўзингга эп кўрибсан-да. Мен сенинг мўйловларингга кункуманинг кизғиш изини кўриб қолдим, Кришна Менинг ракибам бўлган бошқа бир қизни кучоқлаб бағрига босаётганида бу кункума Унинг гулчамбарига тушиб қолган. Сен бу ерга Менинг оёқларимга кўниш иштиёкида Менга хабар олиб келгансан. Аммо, ҳой азизим қовоғари, сени огоҳлантириб қўяй, сен Менга асло яқинлаша кўрма! Менга сенинг бевафо хўжайинингдан ҳеч қандай хабар керак эмас. Сен - бевафо хўжайинингнинг бевафо хизматкорисан!" Балки, Шримати Радхарани Кришнанинг элчиси бўлган Уддхавага ичидаги аламини айтиб олиш учун атайлаб шу қовоғарига ўзининг аччиқ гапларини айтаётгандир. Бир томондан Шримати Радхарани Уддхавани фақат ташқи кўриниши Кришнага ўхшайдиган эмас, балки ҳақиқатан ҳам Кришнага тенг бўлган зот деб кўрарди. Шу боис Шримати Радхарани Уддхавага у ҳам Кришнанинг ўзи сингари ишониб бўлмайдиган бевафо эканини айтиб қўйди. Шримати Радхарани Уддхавага Кришнадан ва Унинг элчисидан нима сабабдан хафа бўлаётганини тушунтириб қўйган эди.

У яна қовоғарига юзланди: "Сенинг хўжайининг Кришна ҳам худди сенинг ўзингга ўхшайди. Сен бирор гулга бориб қўнасан, ундан бироз нектар йиғиб оласан ва шу заҳотиёқ учиб кетасан-да бориб бошқа гулга кўниб, унинг таъмини тотиб кўрасан. Сен ҳам худди ўз хўжайинингга ўхшайсан. У биргина марта Менга Унинг лабларининг мазасини тотиб кўриш имконини берди, кейин эса бизларни бутунлай ташлаб кетди. Мен яна шуни биламанки, ҳамиша нилуфар гулининг ўртасида бўладиган равнақ фариштаси ҳамиша Кришнага хизмат қилиш билан машғул бўлиб юради. Гарчи Унинг ҳақиқий хулқ-атвори қандай эканини билса ҳам, Кришна нимаси билан уни ўзига ром этган ва нимага у Кришнага бунчалик боғланиб қолганини Мен сира тушуна олмайман. Балки уни Кришнанинг ширин сўзлари ўзига мафтун қилиб қўйгандир, шунинг учун ҳам у Кришна аслида қандай эканини тушунмай юргандир. Бизларга келсак, бизлар равнақ фариштасидан ақллироқмиз. Кришна ёки Унинг элчиси энди бизларни лақиллата олмайди".

Билимдон зотларнинг гапига қараганда равнақ фариштаси Лакшми аслида Шримати Радхаранининг ўзига бўйсунадиган экспансияси. Худди Кришнанинг жуда кўп вишну-мурти экспансиялари бўлгани сингари, Унинг лаззатланиш қуввати бўлган Шримати Радхаранининг ҳам равнақ фаришталари кўринишида кўплаган экспансиялари мавжуд. Шунинг учун равнақ фариштаси, Лакшмижи, Худога соф садоқат билан хизмат қилишда ҳамиша гопилардай юксак поғонага кўтарилишга интилиб юради.

Шримати Радхарани давом этди: "Аҳмоқ қовоғари, сен Менга лаганбардорлик қилиб кўнглимни овлашга, Кришнани олқишлаб, Мендан муқофот олишга ҳаракат қиляпсан, аммо билиб қўйки, бу ишинг бирор натижа бермайди. Бизлар бор нарсамиздан айрилиб бўлдик. Бизлар уйимизни, оиламизни тарк этдик. Бизлар Кришна ҳақида ҳамма нарсани биламиз. Бизлар Кришна ҳақида ҳатто сендан ҳам кўпроқ нарсаларни биламиз. Шунинг учун сен Кришна ҳақида нима деб гапирсанг ҳам бизлар учун эски гаплар бўлади. Кришна ҳозир шаҳарда яшайди ва энди Аржуннинг дўсти сифатида машҳур. Энди Унинг бошқа ёш дугоналари кўп, албатта улар Кришна билан бирга бўлишдан бахтиёр яшаяптилар. Кришна уларнинг қалбида ловуллаб ёнаётган эҳтирос оловини сўндириб юргани учун улар албатта ҳозир жуда бахтиёр. Агар сен шуларнинг ёнига бориб Кришнани мақтасанг, улар жуда мамнун бўлиб сенга бирор муқофот беришлари мумкин. Сен ўзингнинг хуш хулқинг билан Менга яхши кўринишга уриняпсан, шунинг учун ҳам Менинг оёқларимга бош уряпсан. Аммо Мен сенинг Мен билан қандай ҳазиллашмоқчи эканингни билиб турибман. Мен сенинг ҳазилкашларнинг энг буюғи бўлган Кришнанинг элчиси эканингни яхши биламан, шунинг учун яхшиси Мени тинч қўй!

Сен бир-бирига рақиб бўлиб қолган икки томонни бир-бири билан яраштиришга жуда уста эканингни биламан, лекин айти пайтда сен билиб қўйишинг керакки, Мен сенинг хўжайининг Кришнага ишонмаганимдай, сенга ҳам ишона олмайман. Бизлар Кришнани деб оиламизни, эрларимизни, болаларимизни ва қариндошларимизни тарк этдик. У эса озгина бўлса ҳам шуни эътиборга олишни, ўзини озгина бўлса ҳам бизларнинг олдимизда қарздор деб ҳисоблашни билмади. У бизларни ўз ҳолимизга ташлаб кетди. Шундан кейин бизларни яна Унга ишонади деб ўйлайсанми? Кришна ёш қизлар билан суҳбатлашмай узоқ юра олмаслигини бизлар яхши биламиз, Унинг табиати шундай. Ҳозир У Матхурада бироз қийинчиликларга дуч келяпти, чунки У

аввалгидай қишлоқда, содда қишлоқи қизлар орасида эмас-да! Энди У жамиятнинг олий мартабали табақасига мансуб, шунинг учун ёш қизлар билан танишиб дўстлашиб олиши ҳам анча қийин бўлса керак. Балки сен бу ерга бизларни шунга кўндиришга ёки бизларни ўзинг билан бирга олиб кетиш учун келгандирсан? Аммо нимага энди Кришна бизларнинг у ёққа боришимиздан умидворр бўлаётган экан? Фақат Матхура ва Вриндаванда эмас, балки бутун оламда бошқа қизларнинг бошини айлантришга Унинг имкони бор. Унинг ғайритабиий чиройли табассуми кишини ўзига шунчалик мафтун этиб кўядики, қошларини ўйнатиши шунчалар жозибаторки, У жаннатий сайёралардан ёки ўрта ва олий сайёралардан истаган бир аёлни олдига чақириб олиши мумкин. Равнақ фаришталарининг энг буюги, Маха-Лакшми ҳам Унга садоқат билан хизмат қилиш иштиёқида ёниб юради. Оламдаги ана шундай буюк аёллар олдида бизлар ким бўлибмиз? Бизларнинг ҳеч қандай кадримиз йўқ.

Кришна Ўзини жуда олийжаноб Зот деб ҳисоблайди, буюк авлиёлар Уни олқишлаб улуғлайдилар. Агар У Ўзининг ана шу олийжаноблигини бизларга нисбатан ишлатса яхши бўларди, У эса бизларга эътибор ҳам бермай, бизни ер билан яқсон қилиб кетди. Ҳой бечора элчи, сен шунчаки аҳмоқ хизматкорсан. Сен Кришна ҳақида кўп нарса билмайсан. У фақат ҳозирги ҳаётида эмас, балки аввалги ҳаётларида ҳам инсофсиз, яхшилиқни билмайдиган, тошбағир бўлиб ўтган. Биз буларнинг ҳаммасини бувимиз Паурнамасйадан билиб олганмиз. У гапириб берган эдики, Кришна аввалги ҳаётида кшатрийлар хонадонида дунёга келган ва Уни Рамачандра деб атаганлар. Шу ҳаётида У Ўз дўстининг душмани бўлган Валини ҳақиқий кшатрийларга ўхшаб очиқ жангда ўлдириш ўрнига, худди ҳайвон овлагандай четда туриб отиб ўлдирган. Овчи ҳам ҳайвон билан жанг қилмасдан, бирор жойда яшириниб туриб уни ўлдиради. Парвардигор Рамачандра кшатрий бўлгани учун Вали билан яккама-якка жанг қилиши лозим эди, аммо дўстининг гапига кириб уни дарахт панасида яшириниб туриб ўлдирган. Шу тариқа У кшатрийларнинг муқаддас бурчига хилоф иш қилди. Яна, Уни Ситанинг гўзаллиги ўзига шунчалик ром қилиб қўйган эдики, У Раваннинг синглиси Шурпанакханинг бурни ва қулоқларини кесиб, бадбашара қилиб қўйди. Шурпанакха Ундан ўзи билан бирга бўлишни илтимос қилган эди, кшатрий сифатида Рамачандра унинг илтимосини бажариши лозим эди, аммо У хотинининг изнидан, оёқ остидан чиқа олмагани сабабли Сита-девини унута олмади, шунинг учун Шурпанакхани бадбашара

қилди. Кшатрий бўлиб туғилишдан аввал У Ваманадева деган болакай-бораҳман бўлиб туғилган ва Бали Махараждан садақа сўраган. Бали Махараж шу қадар олижаноб эдики, Унга бор нарсасини инъом этган. Лекин шунга қарамай, Кришна, яъни Ваманадева унга миннатдорчилик билдириш ўрнига уни худди қарғадай боғлаб олиб, пастки сайёрага, Патала салтанатига жўнатган. Бизлар Кришна ҳақида, Унинг қанчалик нонкўр, яхшилиқни билмайдиган Зот экани ҳақида ҳамма нарсани биламиз. Лекин шуниси қийинки, У қанчалик шафқатсиз, тошбағир бўлмасин, бизлар У ҳақида гапирмай, Уни эсламай тура олмаймиз. Фақат бизлар эмас, ҳатто буюк донишмандлар ва авлиё зотлар ҳам фақат У ҳақида суҳбатлашиш билан банд бўлиб яшайдилар. Бизлар, Вриндаванлик гопилар танаси қора булут рангини эслатадиган бу ўспирин билан дўстлашишни истамаймиз, лекин Унинг кароматларини эслашни, У ҳақида гапиришни қандай тарк этишни билмаймиз".

Кришна мутлақ табиатга эга бўлгани учун Унинг бир қараганда ёмон бўлиб кўринган ишлари ҳам кишига худди Унинг эзгу ишларидай лаззат бағишлайди. Авлиё одамлар ва гопилар сингари буюк бхакталар Парвардигор Кришнани ҳар қандай ҳолатда ҳам тарк эта олмайдилар. Шунинг учун Парвардигор Чайтанйа Ўзининг илтижоларида шундай дейди: "Кришна, Сен ҳар жихатдан тўла мустақил ва эркинсан. Сен мени оёқларинг остида тепкилаб ташлашинг ёки қучоқлаб бағрингга босишинг мумкин. Сен бутун умрим давомида кўзимга кўринмай бағримни қон қилиб юборишинг мумкин, лекин барибир Сен - мен севадиган ягона Зот бўлиб қолаверасан".

"Ўйлашимча - гапида давом этди Шримати Радхарани, - инсон Кришна ҳақида умуман ҳеч нарса эшитмагани маъқул, чунки Унинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикоялар шарбатининг биргина томчиси қулоғига кирган заҳоти одамнинг онги яхши-ёмон деган қарама-қарши тушунчалар поғонасидан юқори кўтарилади. Моддий боғланишлар иллатидан мутлақо пок бўлиб инсон бу моддий олам билан бўлган барча боғланишларидан, оиласидан, уйидан, хотинидан, бола-чақасидан ва бу дунёда инсонга моддий жихатдан энг кадрли бўлиб кўринган нарсаларнинг ҳаммасидан воз кечади. Барча моддий нарсаларидан маҳрум бўлиб инсон ўзини ҳам, ўзининг барча қариндошларини ҳам бахтсиз қилади. Шунда у Кришнани ё инсон қиёфасида, ё ҳаётнинг бошқа турларида ва ҳатто қушлар қиёфасида ҳам излаб, онгли равишда ўз хошиши билан гадойлардай тентираб юра бошлайди. Ҳақиқатан ҳам Кришнаи, Унинг номларини, сифатларини, қиёфаларини,

эрмакларини, анжомларини ва ҳамроҳларини тушуниш жуда мушкул".

Шримати Радхарани Кришнанинг қора қовоғари кўринишидаги элчисига гапиришда давом этарди: "Илтимос, Менга Кришна ҳақида гапиришни бас қил! Яхшиси бошқа бирор мавзуда суҳбатлашамиз. Бизлар худди ўрмонда овчининг ёқимли мусиқасига маҳлиё бўлиб, овга илиниб қолган қора оху сингари ноилож ҳолатдамиз. Худди шундай, бизлар ҳам Кришнанинг ширин сўзларига маҳлиё бўлиб қолганмиз, шу боис бизлар Унинг оёқларидаги тирноқлардан таралаётган илоҳий ёғду ҳақида такрор ва такрор ўйлайверамиз. Бизлар У билан ҳамсуҳбат бўлишга тобора кўпроқ интилаверамиз; шунинг учун сендан илтимос, Менга Кришна ҳақида бошқа гапирма!"

Шримати Радхаранининг қовоғари билан қилган бу суҳбати, Унинг Кришнани тинмай айблаётгани, айна пайтда бир лаҳза ҳам Кришна ҳақида гапирмасдан туролмаётгани - ҳаммаси *маха-бхава* деб аталадиган энг олий илоҳий жазавали аломатлари ҳисобланади. Ана шундай жазавали илоҳий лаззат - *маха-бхава* ҳолати фақат Шримати Радхарани ва Унинг ҳамроҳларида намоён бўлади. Шрила Рупа Госвами, Вишванатха Чакраварти Тхакура сингари буюк ачарйалар Шримати Радхаранининг *маха-бхава* ҳолатида айтган гапларини чуқур таҳлил қилдилар ва унинг *удехурна*, яъни "уялиш", *жалпа-пратижалпа*, яъни "ҳар гапларни гапириш" сингари турли хил ҳолатларини таърифлаб берганлар. Шримати Радхаранида биз *уджджвали*, яъни Парвардигорга бўлган энг ёрқин муҳаббат намунасини, илоҳий муҳаббат марваридини кўришимиз мумкин. Шримати Радхарани қовоғари билан суҳбатлашар экан, қовоғари унинг атрофини айланиб юрарди, аммо бирданига қовоғари кўздан ғойиб бўлиб қолди. Шримати Радхарани Кришна билан ҳижрон азобига чидамай қаттиқ қайғуга чўмган эди, қовоғари билан суҳбатлашишдан эса жазавали лаззат ҳис қиларди. Аммо қовоғари кўздан ғойиб бўлган заҳоти У "элчи-қовоғари Уни қандай сўзлар билан койиганини айтиб бериш учун Кришнанинг олдига қайтиб кетди" деб ўйлаб ҳушидан кетиб қолишига оз қолди. "Бу гапларни эшитиб Кришна албатта хафа бўлса керак!" - деб ўйларди У. Шу тарзда энди Шримати Радхарани илоҳий жазавали лаззатнинг бошқа турига ғарқ бўлган эди.

Айна пайтда қовоғари шу атрофда айланиб юриб, яна Шримати Радхаранининг олдига қайтиб келди. Шримати Радхарани яна ўйга толди: "Кришна худди аввалгидай ҳалиям Менга жуда меҳрибон. Элчиси Унга Мендан иккимизни аразлаштирадиган хабар олиб борган бўлса ҳам,

У Менга шунчалик меҳрибонки, қовоғарини яна Менинг олдига юборибди!" Энди Шримати Радхарани жуда эҳтиёткор бўлиб гапирар, Кришнага қарши бирор гап гапирмасди. "Ҳой азиз дўстим, хуш келибсан! Кришна қандай ажойибки, сени яна Менинг олдига юборибди. Кришна шундай меҳрибонки, Унга Мендан Уни қоралайдиган хабар олиб борсанг ҳам, Менинг бахтимга У сени яна Менинг олдига жўнатибди. Эй азиз дўстим, сен Мендан истаган нарсангни сўрашинг мумкин. Мен сенинг истаган нарсангни ҳаё қиламан, чунки сен Менга жуда меҳрибонсан. Сен бу ерга Мени Кришнанинг олдига олиб кетгани келгансан, чунки Унинг Ўзи бу ерга кела олмайди. Ҳозир Унинг атрофини Матхуралик янги дугоналари ўраб олган. Аммо сен - жуда кичкина мавжудотсан. Қандай қилиб сен Мени бу ердан олиб кета оласан? Кришна равнақ фариштаси билан ором олиб ётган, уни кучоқлаб бағрига қаттиқ босиб ётган пайтида сен қандай қилиб Менинг У билан учрашишимга ёрдам бера оласан? Барибир, кел, буларнинг ҳаммасини - Менинг у ёққа боришимни ёки сенинг ўзингни юборишимни унутайлик. Илтимос, яхшиси сен Менга Кришна Матхурада қандай яшаётгани ҳақида гапириб бер. Менга айт-чи, У Ўзининг отаси Нанда Махаражни, онаси Йашодани, подачи дўстларини, бечора дугоналарини, гопиларни ҳеч эслайдими? Мен ишонаманки, баъзи пайтларда У бизлар ҳақимизда ҳам қўшиқлар куйласа керак. Бизлар эвазига ҳеч нарса таъма қилмасдан Унга худди канизаклардай садоқат билан хизмат қилдик. Кришна қайтиб келиб яна бизларни Ўз кучоғига олиши мумкинми? Унинг қўлларидан ҳамиша ёқимли *агуру* хиди келиб турарди. Илтимос, мана шуларнинг ҳаммасини Кришнадан сўра!"

Уддхава шу ерда туриб, гўё Кришнага бўлган чексиз муҳаббати таъсирида ақлдан озгандай бўлиб қолган Шримати Радхаранининг гапларини тинглаб турарди. Гопиларнинг ҳамиша *маха-бхава*, жазавали илоҳий муҳаббатнинг энг олий ҳолатида бўлиб, ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юришга ўрганиб қолганини кўриб, Уддхава қаттиқ хайратга тушган эди. У Кришнадан мактуб олиб келган, уларни бироз бўлса ҳам овунтириш учун энди шу хатни гопиларга бермоқчи эди. У шундай деди: "Эй азиз гопилар, сизлар инсон танасидаги ҳозирги умрингизнинг бурчини муваффақият билан адо этдинглар. Сизларнинг ҳаммангиз Худонинг Олий Шахсининг энг ажойиб бхакталарисизлар; шу боис бутун инсоният сизларга сажда қилиб сиғинишига муносиб зотларсиз. Сизлар бутун уч олам аҳли сажда қилишига муносиб руҳларсиз, чунки сизларнинг ақлингиз ғайритабиий равишда ҳамиша

Васудева, Парвардигор Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юради. Кришна - барча эзгу, савоб ишларнинг ҳамда хайр-эхсон бериш, риёзат чекиш, шариат қоидаларга риоя қилиш, қурбонлик маросими ўтказиш сингари барча маросимларнинг якуний мақсадидир. У - ҳар хил мантраларни зикр қилишларнинг, Ведаларнинг ўрганишнинг, ҳиссиётни жиловлашнинг, муруқбага берилишнинг охирги мақсадидир. Инсоннинг ҳаётда камолотга эришиш ва ўзлигини англаш йўлида кўрсатадиган фаолиятининг баъзи турлари шулардан иборат. Аслини олганда бу амалларнинг ҳаммаси Кришнани, Худони англаш ва Худонинг Олий Шахсига соф садоқат билан хизмат қилиш учун мўлжалланган".

"Бхагавад Гита"нинг якуний кўрсатмаси ҳам айнан шундан иборат: гарчи унда ўзликнинг англашнинг ҳар хил йўллари кўрсатиб ўтилган бўлса ҳам, охирида Кришна ҳар қандай фаолиятни, ҳар қандай динларни тарк этиб, ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширишни тавсия қилади. Ўзликни англашнинг бошқа жараёнларининг ҳаммаси инсонга оихр-оқибатда ўз ихтиёрини Кришнага топширишни, Унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилишни ўргатишга қаратилган. "Бхагавад Гита"да ҳам айтилганки, жуда кўп умрлар давомида қаттиқ риёзат чекиб, самимий равишда ўзликни англаш қоидаларига самимий риоя қилиб юрган киши ҳам охир-оқибатда ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширади.

Ана шундай комил риёзат гопиларнинг ҳаётида тўла намоён бўлиб тургани учун, уларнинг бутунлай илоҳий ҳолатда эканини кўриб, Уддхава қаттиқ ҳайратга тушди. У гопиларга гапиришда давом этди: "Эй азиз гопилар, сизларнинг Кришна билан бўлган ўзаро муносабатларингиз поғонасига кўтарилиш ҳатто энг буюк донишмандлар ва авлиё зотлар учун ҳам жуда мушкул. Сизлар комил инсон ҳаётининг энг юқори поғонасига эришгансизлар. Бизга фақат Кришна керак деб, фикру-хаёлингизни фақат Кришнада мужассам қилганингиз, Худо Шахси учун уйингиздан, оилангиздан, эрингиздан ва қариндошларингиздан воз кечганингиз - сизлар учун энг буюк бахтдир. Ҳозир сизларнинг ақлингиз бутунлай Кришнада, Олий Рухда мужассам бўлган, шунинг учун сизларнинг қалбингизда табиий равишда бутун мавжудотга нисбатан муҳаббат туйғуси ривожланган. Сизларнинг марҳаматингиз билан сизларни ана шундай ҳолатда кўриш имконига эга бўлганимдан мен ўзимни жуда бахтиёр ҳис қиляпман".

Уддхава унда Кришнанинг мактуби борлигини айтганида гопилар дарров уни

тинглаш истагини билдирдилар. Уларнинг улуғвор ҳолати ҳақидаги гапларни тинглашдан гопилар учун бу хабар анча қизиқарлироқ эди. Бошқаларнинг ўзларининг юксак руҳий ҳолатини мақташлари гопиларга ёқмасди. Улар Уддхаванинг Кришнадан олиб келган мактубини тинглашни орзиқиб кутардилар. Уддхава шундай деди: "Эй азиз гопилар, бу хабарни сизлардай буюк ва итоаткор бхакталарга олиб келишни Кришна атайлаб менга топширган эди. Кришна сизларнинг олдингизга айнан мени юборди, чунки мен - Унинг энг ишончли хизматкориман".

Уддхава Кришнадан олиб келган мактубини гопиларнинг кўлига бермади, хатни уларга ўзи ўқиб берди. Фақат гопилар эмас, ҳатто барча файласуф-эмпириклар ҳам Худого муҳаббат туйғуси Парвардигорнинг барча қувватлари билан биргаликда бир бутунни ташкил қилишини яхши тушуниб олишлари учун мактуб жуда жиддий оҳангда ёзилган эди. Ведалардан шуни тушуниб олиш мумкинки, Парвардигорнинг жуда кўп турли қувватлари мавжуд: *парасйа шактир вивидхаива ируйате*. Гопилар Кришнанинг шунчалик яқин дугоналари эдики, Кришна уларга бу хатни ёзаётганида жуда ҳаяжонланиб турган, шу боис мактубни чиройли дастхат билан ёза олмаган эди. Брихаспатининг шогирди бўлган Уддхава жуда зийрак ақл соҳиби эди, шу боис мактубни гопиларнинг кўлига топшириш ўрнига уни ўзи ўқиб, мазмунини уларга ўзи тушунтириб беришга қарор қилди.

Уддхава давом этди: "Худонинг Олий Шахси сизларга шундай деб ёзади: "Менинг азиз гопиларим, эй азиз дугоналар, билиб кўйингларки бизларнинг орамизда ҳижрон деган нарса ҳеч қачон, ҳеч қерда, ҳеч қандай вазиятда ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки Мен - ҳамма ерда мавжудман".

Парвардигор Кришнанинг ҳамма жойга сингиб кетган табиати "Бхагавад Гита"нинг еттинчи ва тўққизинчи бобларида батафсил тушунтирилган. Кришна Ўзининг шахсиятсиз сифатида ҳамма жойга сингиб кетган; ҳамма нарса Ундан макон топган, аммо У Ўзининг шахсий қиёфасида ҳамма жойда мавжуд эмас. Еттинчи бобда яна айтилганки, беш кўпол унсур(ер, сув, олов, ҳаво ва эфир) ва уч нафис унсур(ақл, тафаккур ва ўзлик) Унинг қуйи қувватларидир. Аммо бундан бошқа Унинг олий қуввати ҳам мавжуд, у қуввати "тирик мавжудотлар" деб аталади. Тирик мавжудотлар Кришнанинг ажралмас заррачаларидир. Шунинг учун Парвардигор Кришна моддий ва руҳий қувват манбаи ҳисобланади. У сабаб ва оқибат кўринишида ҳамма нарса билан аралашган. Нафақат гопилар, бошқа барча тирик

мавжудотлар ҳам ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам Кришнадан ажралган эмаслар. Аммо гопилар, Кришна билан бўлган ана шу алоқани ҳамиша, тўла ҳис қилиб яшайдилар, аммо майя чангалига тушиб алданиб қолган бошқа тирик мавжудотлар Кришнани эсидан чиқариб қўядилар, шу боис ўзларини Кришнадан ажралган, Унга боғлиқ бўлмаган алоҳида мустақил шахс деб ҳисоблайдилар.

Кришнага муҳаббат, яъни Кришнани англаш ҳақиқий илмнинг энг олий даражасидир, фақат шундай илм ҳамма нарсани асл ҳақиқат нуктаи-назаридан тушунтириб бера олади. Бизнинг ақлимизда ҳеч қачон бўшлиқ юзага келиши мумкин эмас. Ақл ҳамиша қандайдир ўйлар билан банд бўлиб юради, ана шу ўйлар Кришнанинг саккиз унсуридан иборат қуввати чегарасидан ташқаридаги нарсаларни ўйлай олмайди. Мавжуд бўлган барча ғояларнинг мана шу фалсафий хулосасини билган одам - ҳақиқий донишманд одамдир, у албатта ўз ихтиёрини Кришнага топширади. Гопилар ана шундай мукамал илм соҳибларига яққол мисол бўла оладилар. Улар ҳар хил ақлий фикрларга берилиб ўтирмайдилар. Уларнинг ақли ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд. Ақл аслида Кришнанинг қувватидан бошқа нарса эмас. Аслини олганда ўйлаш, ҳис қилиш, ҳаракат қилиш ва исташ қобилиятига эга бўлган ҳар қандай одам Кришнадан ажралган бўлиши мумкин эмас. Унинг Кришна билан мангу боғланган эканини англаб етган ҳолати эса Кришна онги, Кришнани англаш деб аталади. Унинг Кришна билан ўзининг мангу муносабатларини англай олмайдиган касал ҳолати эса, булганган, нопок ҳолат бўлиб *майя* деб аталади. Гопилар соф илоҳий илм поғонасида турганлари учун, улар ақли ҳамиша Кришна онгига ғарқ бўлиб яшайдилар. Масалан, олов билан ҳаво бир-биридан ажрала олмагани сингарри, Кришна билан тирик мавжудотлар ҳам бир-биридан ҳеч қачон ажрала олмайдилар. Тирик мавжудотнинг Кришнани эсидан чиқарган пайтларидаги ҳолати унинг ҳақиқий ҳолати эмас. Гопилар эса ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрганлари сабабли, ҳамиша мукамал илмнинг мутлақ поғонасида турадилар. Файласуф-эмпириклар баъзида ўйлайдиларки, бхакти йўли унчалик фаросатли бўлмаган одамлар учун мўлжалланган, аммо агар ўзини билимдон ҳисоблаб юрган одам бхакти поғонасига қўтарила олмаса, шубҳасиз унинг илми ҳақиқий илм ҳам эмас, мукамал илм ҳам эмас. Аслини олганда тирик мавжудотнинг Кришна билан ўзаро мангу муносабатларининг энг комил поғонаси - ўзаро ҳижрон, айрилиқдаги муҳаббат ҳолатидир. Аммо бу ҳам алдамчи ҳолат, чунки аслида айрилиқ,

ҳижрон йўқ. Гопилар ана шундай алдамчи ҳолатда эмасдилар, шундай экан ҳатто фалсафий жиҳатдан ҳам улар учун ҳижрон дегани йўқ нарса эди.

Космик олам ҳам Кришнадан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди. "Ҳеч нарса Мендан ажралган эмас. Бутун космик олам Менда макон топган ва Мендан ташқарида эмас. Олам яратилмасдан аввал фақат Мен бор эдим". Бу ҳақиқат ҳам Ведаларда тасдиқланган: Олам яралгунга қадар фақат Нарайана бор эди. Тангри Браҳма ҳам, Тангри Шива ҳам йўқ эди: *эко нарайана асин на брахма на шианах*. Бутун космик оламни моддий табиатнинг уч гунаси бошқариб туради. Маълумки, Тангри Браҳма - эҳтирос гунасининг тимсоли бу коинотни яратган, аммо у фақат яратишга ёрдамлашган; бошланғич яратувчи - Нарайананинг Ўзи ҳисобланади. Буни Шанкарачарйа ҳам тасдиқлайди: *нарайанах паро вйактат*. Нарайана илоҳий табиатга эга, У бу космик оламдан ташқарида.

Кришна Ўзини ҳар хил киёфаларда намоён этиб кўпайтириб бутун борлиқни яратиб, мавжудлигини таъминлаб ҳамда вақти келганда уни яқсон қилиб туради. Ҳамма нарса Кришна, ҳамма нарса Кришнага боғланган, аммо Уни майя, "алдамчи қувват" деб аталадиган моддий қувватда англаб бўлмайди. Аммо руҳий қувватда Кришнани ҳар қадамда, ҳар қандай ҳолатди англаб, кўриб, ҳис қилиб юриш мумкин. Гопилар Кришнани англашнинг ана шундай мукамал ҳолатидаги зотларга яққол мисол бўладилар. Бу космик борлиқ бутунлай Унга боғлиқ бўлишига қарамай, Кришна ҳамиша бу космик борлиқдан четда бўлганидай, гарчи моддий тана ичида руҳ бўлгани сабабли ривожланадиган бўлса ҳам, тирик мавжудот ҳам аслида ўзининг моддий шартланган ҳаётидан бутунлай ташқарида туради. "Бхагавад Гита"да намоён бўлган бутун космик борлиқ тирик мавжудотларнинг онаси деб таърифланган, Кришна эса уларнинг отаси. Худди тирик мавжудотни она қорнига киритиб, отаси онасини уруғлантиргани сингарри, Кришна ҳам тирик мавжудотларни моддий табиат ичига жойлаб қўяди. Улар ўзларининг аввалги кармаларига асосан ҳар хил моддий таналар олиб дунёга келадилар, аммо ҳар қандай вазиятда ҳам тирик мавжудот моддий, шартланган ҳаётидан четда туради.

Агар бизлар ўз танамизни ўргана бошласак, тирик мавжудот тана деб аталадиган мана шу қафасдан ҳамиша ташқарида эканига амин бўламиз. Тананинг ҳар бир ҳаракати моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро ҳаракати, таъсири туфайли юзага келади. Танамизда ҳар лаҳзада турли ўзгаришлар юз бериб турганини

кўришимиз мумкин, аммо рух, жон, яъни тирик мавжудот бундай ўзгаришлардан ташқарида қолаверади. Инсон аслида яратишга ҳам, яқсон қилишга ҳам, моддий табиатнинг ҳаракатларига аралаштишга ҳам қодир эмас. Шу тариқа тирик мавжудот моддий тана чангалига тушиб қолади ва уч турли ҳолатдан иборат шароитга тушиб қолади: 1. сергаклик вақти, 2. уйқусираш вақти ва 3. онгсиз, қарахт вақти. Ақл ана шу ҳолатларнинг ҳаммасида ҳам фаоллигини сақлаб қолаверади: тирик мавжудот ухлаганида ҳар хил туш кўради, бу тушлари унга ҳақиқийдай бўлиб кўринади, уйқудан уйғонганида эса шунга ўхшаган нарсаларни ҳақиқат деб қабул қилиб юради. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, баъзи бир шароитда инсон бир нарсани ҳақиқат деб қабул қилади, бошқа шароитда эса худди шу нарсани ҳақиқат эмас, туш деб қабул қилади. Мана шу нарсалар файласуф-эмпириклар, яъни санкхья-йоглар ўрганадиган ҳолатлардир. Аниқ бир қарорга келиш учун санкхья-йоглар қаттиқ риёзатлар орқали ўтадилар. Улар таркидунёлик қилиб яшашга, ҳиссиётларини жиловлаб олишга қаттиқ ҳаракат қиладилар.

Инсон ҳаётининг асл мақсадини аниқлашга қаратилган бу йўлларнинг ҳаммасини дарёларга ўхшатадилар. Кришна - чексиз уммон, океан. Худди дарёлар океанга бориб куйилгани сингари, илм олишнинг ҳамма йўллари ягона Парвардигорга, Кришнага қаратилган. Ана шундай интилишлар билан машғул бўлиб миллион умрлар вақтини ўтказгандан кейин инсон Кришнага етиб борганида, Кришнани англаб етганида камолот чўққисига эришади. Парвардигор Кришна "Бхагавад Гита"да шундай дейди: "Ҳамма Мени англаб етишга интилади, аммо таркибида бхакти бўлмаган йўлдан бораётган киши учун бу йўл жуда машаққатли туюлади". *Клешо адхикатарас тешам* - Бхакти йўлига кирмай туриб Худони, Кришнани англаб етишнинг иложи йўк.

"Бхагавад Гита"да уч йўл кўрсатилган: Карма-йога, Гйана-йога ва Бхакти-йога. Кармали фаолиятга қаттиқ боғланиб қолган одамларга уларни бхакти йўлига олиб келадиган фаолият билан шуғулланиш тавсия қилинади. Натижасиз эмпирик фалсафий изланишларга боғланиб қолган одамлар учун ҳам бхактини англаб етиш мақсадида изланиш тавсия қилинади. Шу боис карма-йоглар оддий кармилардан, гйана-йоглар оддий гйанилардан фарқ қилади. Парвардигорнинг "Бхагавад Гита"да келтирилган гапига кўра, охиروقибатда: *бхактия мам абхиджанати* - фақат Худого соф садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон Кришнани англаб ета олади. Гопилар Худого соф садоқат билан хизмат қилишнинг

мукаммал поғонасига кўтарилган эдилар, чунки улар Кришнадан бошқа ҳеч нарсани билишни истамас эдилар. Ведалар ҳам буни тасдиқлайди: *йасмин эва вигйате сарвам эва вигйатам бхавати*. Яъни, шунчаки Кришнани билган одам табиий равишда бошқа ҳамма илмларга ҳам эга бўлади.

Кришна давом этди: "Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илоҳий илмнинг сизларга кераги йўк. Ҳаётингизнинг бошиданоқ сизлар Мени севиб яшашга ўрганиб қолдинглар. Мутлақ Ҳақиқатни билиш айниқса моддий тирикчилик чангалидан озодликка чиқишга интилаётган одамлар учун зарур. Аммо, қалбида Кришнага нисбатан муҳаббат уйғота олган одам аллақачон руҳий озодлик поғонасига кўтарилган бўлади. "Бхагавад Гита"да айтилганки, ҳаётини Худого соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган ҳар қандай одам аллақачон руҳий озодлик поғонасига кўтарилган одам ҳисобланади. Гопилар ҳақиқатан ҳам моддий ҳаёт мусибатларини ҳис қилмасдилар, улар фақат Кришнадан айрилиқ азобидан қийналар эдилар. Шунинг учун Кришна шундай дейди: "Азиз гопилар, сизларнинг Менга бўлган ғайритабиий муҳаббатингизни яна ҳам кучайтириш учун Мен атайлаб сизларни ташлаб кетдим. Сизлар ҳамиша Мени ўйлаб юришларингиз учун Мен шундай қилдим".

Гопилар мууроқабанинг энг комил ҳолатига эришган эдилар. Йоглар одатда Худого садоқат билан хизмат қилишдан кўра кўпроқ мууроқабада ўтириш билан шуғулланишга мойил бўладилар. Аслида Худого садоқат билан хизмат қилиш - йоганинг энг мукаммал ҳолати эканини улар билмайдилар. "Бхагавад Гита"да айтилганки, ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юриш - энг олий йога ҳисобланади. Кришна аёлларнинг табиатини жуда яхши биларди. Агар аёл кишининг севгилиси ундан йироқда бўлса, у севгилиси ёнида юрган пайтдагига қараганда севгилиси ҳақида кўпроқ ўйлай бошлайди. Кришна гопиларнинг мисолида бошқаларга кўрсатмоқчи бўляптики, худди гопилардай ҳамиша илоҳий жазавага ғарқ бўлиб юрган киши шубҳасиз Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига эришади.

Парвардигор Чайтанья ҳаммани *випраламбха-сева*, яъни Худонинг Олий Шахсига ҳижрон туйғуси орқали садоқат билан хизмат қилишга ўргатди. Олти Госвами ҳам Кришнага худди гопилардай, Кришна билан ўзаро ҳижрон туйғуси воситасида сиғинишни тавсия қиладилар. Шринивасачарйанинг олти Госвамига қилган илтижоларида бу масалалар аниқ-равшан тушунтирилган. Шринивасачарйа айтадики, олти Госвами ҳамиша худди гопиларга ўхшаб илоҳий лаззат уммонида ғарқ

бўлиб яшаганлар. Вриндаванда яшаган пайтларида улар баланд овозда қичқириб, Кришнани излаганлар: "Кришна қани? Гопилар қани? Шримати Радхарани, қаердасан?" Ҳеч қачон улар: "Бизлар Радха билан Кришнани кўрдик, энди бизлар мақсадимизга эришдик!" - деб айтмаганлар. Улар ҳеч қачон мақсадига эришмаганлар, улар ҳеч қачон Радха билан Кришнани кўрмаганлар. Раса-рақси бўлиб ўтган пайтда, Кришна билан раса-рақсида иштирок эта олмаган гопилар Кришна ҳақида ўйлаб танасини тарк этганлар. Шундай қилиб, ҳижрон туйғуси орқали Кришна онгига ғарқ бўлиш Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига эришишнинг энг қисқа йўли ҳисобланади. Кришнанинг Ўзи айтганки, гопилар ҳижрон пайтида ҳис қиладиган туйғулари кучига ишонар эдилар. Улар Кришнага сиғинишнинг ана шу усулини ҳақиқатан ҳам ўзларида чуқур ҳис қилар эдилар, шу боис улар Кришна ҳеч қачон уларни тарк этмаганини, ҳамиша улар билан бирга эканини тушуниб ўзларини енгил ҳис қилиб юрганлар.

Шунинг учун гопилар Уддхавани хурсанд бўлиб кутиб олдилар ва унга шундай дедилар: "Бизлар эшитдикки, ҳамиша Йадавалар сулоласи учун азоб-уқубатлар манбаи бўлиб келган шох Камса ҳалок бўлганмиш. Бу бизлар учун жуда қувончли хабар. Шунинг учун ишончимиз комилки, энди Йадавалар сулоласининг барча аъзолари Ўз бхакталарининг ҳамма истакларини рўёбга чиқара оладиган Кришна билан бирга бахтиёр ҳаёт кечириптилар. Азизим Уддхава, марҳамат қилиб айтчи, Матхуранинг олийнасаб аёллари даврасида юрган Кришна баъзида бизлар ҳақимизда ҳам ўйлайдими? Биз яхши биламизки, Матхуралик қиз-жувонлар - бизларга ўхшаган қишлоқи, содда эмас. Улар билимли ва чиройли аёллар. Уларнинг ибодати билан кулиб туришлари, нозли нигоҳлари ва бошқа жиҳатлари Кришнани жуда мамнун қилаётган бўлса керак? Бизлар яхши биламизки, Кришнага ҳамиша чиройли аёлларнинг ёқимли хулқ-атворлари жуда ёқади. Шунинг учун ҳозир Матхуралик гўзал аёллар Кришнани ўзларига мафтун этиб, бутунлай Уни асир қилиб олган бўлсалар керак? Азизим Уддхава, бизга айтчи, бошқа аёллар даврасида юрганда Кришна гоҳида бизларни ҳам эсига оладими?"

Бошқа бир гопи шундай деди: "У кумада гуллари қийғос гуллаган, тўлин ой нур сочиб турган, Вриндаван ғаройиб бир гўзалликка ғарқ бўлган ўша тунни сира эслайдими? Шунда Кришна бизлар билан бирга рақсга тушган, оёқларидаги кўнғироқчалар овози ҳавони тўлдирган эди. Шунда бизлар У билан ширин суҳбатлар қурган эдик. У ана шу тунни эслайдими? Бизлар ҳалигача шу тунни эслаймиз ва ҳижрон азобида ўртанамиз. Кришна билан

ҳижрон азоби худди ичимизда олов ёнаётгандай бизларга азоб беради. Худди ўрмонга кетган оловни ўзининг ёмғири билан ўчирадиган булут сингари Кришна бизларнинг қалбимиздаги ана шу ҳижрон оловини ўчириш учун Вриндаванга келишни ҳеч режалаштирадимиз?"

Учинчи гопи шундай деди: "Кришна - Худонинг Олий Шаҳси, раванқ фариштасининг эри, У ҳамиша Ўзининг қалбидан лаззат олиб юради. Унинг бизлар - Вриндаван ўрмонларидаги қишлоқи қизлар билан ҳам, Матхуранинг шаҳарлик қизлар билан ҳам ҳеч қандай иши йўқ. У - буюк Олий Рух; У бизлардан бирортамиз билан на бу ерда, на у ерда ҳеч қандай муносабат билан боғланган эмас".

Яна бир гопи шундай деди: "Кришнанинг Вриндаванга қайтишидан умидвор бўлиш ақлдан эмас. Бунинг ўрнига бизлар Ундан умидимизни узишдан бахтли бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим. Ҳатто Пингала, машҳур фоҳиша айтган эдики, тўла умидсизлик - энг буюк лаззатдир. Бизлар ҳаммамиз буни яхши биламиз, аммо Кришнанинг қайтиб келишидан умидвор бўлишни тарк этишимиз жуда қийин. Кришна уни истамаса ҳам, кўксиде ҳамиша раванқ фариштаси ором оладиган Кришна билан хилватда қурган суҳбатларини ким ҳам унута оларди? Азизим Уддхава, Вриндаван - дарёлар, ўрмонлар ва сигирлар юрти. Бу ерларда най овози эшитилиб турар, Кришна Ўзининг акаси Балорам билан биргаликда шуларнинг ҳаммасидан бизлар билан бирга лаззатланарди. Шунинг учун Вриндавандаги ҳамма нарса бизларга ҳамиша Кришна билан Балорамни эслатиб туради. Раванқ фариштаси яшайдиган Вриндаван ерларига Кришнанинг оёқ излари ўрнашиб қолган, ана шу излар туфайли бизлар Кришнани ҳеч қачон унута олмаймиз".

Гопилар гапиришда давом этиб айтдиларки, бойлик ва омад Вриндаванни тарк этмади, Вриндаванда моддий жиҳатдан ҳеч қандай муҳтожлик сезилмайди, лекин шундай моддий фаровонликка қарамай, улар Кришна билан Балорамни унута олмаяптилар.

"Бизлар ҳамиша мафтункор Кришнанинг жозибадор жамолини эслаб юрамиз - Унинг юришларини, Унинг табассумини ёки Унинг ҳазил гапларини. Кришна туфайли бизлар бутунлай адойи тамом бўлдик, Уни унутишнинг ҳам иложи йўқ. Бизлар ҳамиша Унга зорланиб илтижо қиламиз: "Эй азиз Худойим, эй раванқ фариштасининг эри, Вриндаван Ҳукмдори, мусибат чекаётган бхакталарнинг халоскори! Бизлар мусибатлар уммонига чўкиб кетяпмиз. Сендан илтимос, Вриндаванга қайт, бизларни бу аянчли ҳолатдан қутқариб ол!"



Кришна билан хижрон азобидан қийналаётган гопиларнинг илоҳий телбаликларини Уддхава диққат билан кузатиб турди ва Шри Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни уларга такрор ва такрор гапириб берсам яхши бўларди, деб ўйлади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб яшайдиган атеистлар ҳамиша моддий мусибатлар оловида қовурилиб яшайдилар. Гопилар ҳам Кришна билан хижрон азобининг илоҳий оловида ёниб яшардилар. Аммо, гопиларни қийнаётган олов азоби моддий оламдаги олов азобидан тубдан фарқ қилади. Гопилар ҳамиша Кришна билан бирга бўлишга интиладилар, имонсиз даҳрийлар эса моддий қулайликларга интиладилар.

Вишванатха Чакраварти Тхакур айтадики, Кришна подачиларни ўрмонга кетган ёнғин балосидан улар кўзларини очиб юмгунча халос этган. Худди шундай Уддхава ҳам гопиларга айтадики, улар ўзларини қийнаётган Кришна билан хижрон азобидан кўзларини юмиб олиб, Кришна билан биринчи марта учрашган кундан бошлаб Унинг барча кароматларини эслаш ёрдамида халос бўлишлари мумкин. Гопилар ташқаридан Уддхаванинг ҳикояларини тинглаб туриб, хаёлида Кришнанинг кароматларини кўришлари мумкин эди, қалбида эса улар Кришнанинг шу эрмакларини эслаб юришлари мумкин. Уддхаванинг насиҳатларидан гопилар билиб олдиларки, Кришна ҳечам улардан ажралиб кетгани йўқ. Улар ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юргани сингари, Матхурада юриб Кришна ҳам ҳамиша уларни ўйлаб юрарди.

Уддхаванинг гаплари ва берган насиҳатлари гопиларни шу заҳотиёқ жон топширишдан сақлаб қолди, шу боис гопилар бу яхшилиги учун Уддхавага чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар. Аслида Уддхава гопиларнинг руҳий устози сифатида йўл тутарди, бунга жавобан гопилар унга ҳам худди Кришнани хурмат қилгандай чексиз эҳтиром кўрсатдилар. Ишонарли муқаддас китобларда руҳий устозга худди Худонинг Олий Шахсига сиғингандай сиғиниш кераклиги айтилган, чунки руҳий устоз Парвардигорнинг энг ишончли вакили ҳисобланади, энг буюк мартабали авлиё зотлар руҳий устозни Парвардигор Кришнанинг ташқи намоён бўлган кўриниши деб қабул қилдилар. Гопилар Кришна ҳамиша ўзлари билан бирга эканини англаб етгандан кейин қалбини қийнаётган илоҳий ўт азобидан халос бўлдилар. Улар ичида, ўзларининг қалбида Кришна билан бирга бўлган пайтларини эсладилар, сиртдан эса Уддхава ўзининг чуқур маъноли насиҳатлари билан уларга Кришнани тушуниб олишда ёрдам берди.

Худонинг Олий Шахси шастраларда *адхокшаджа* деб таърифланади, бу дегани У

"ҳиссиётларнинг сеза олиш чегарасидан йироқда" деганни англатади. Гарчи У - моддий сезгилардан ташқарида бўлса ҳам, У ҳар кимнинг қалбидан жой олган. Айни пайтда У Ўзининг ҳамма жойга сингиб кетган Брахман кўринишида ҳамма ерда мавжуд. "Шримад Бхагаватам"дан гопилар билан Уддхаванинг учрашгани ҳақидаги ҳикояни ўрганиш орқали Мутлақ Ҳақиқатнинг барча уч кўриниши(Бхагаван, Худо Шахси; Параматма, Олий Рух; ҳамма жойда мавжуд бўлган шахсиятсиз Брахман)ни англаб олиш мумкин.

Шринивасачарйа айтадики, олти госвами ҳамиша гопиларнинг кароматлари ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб яшардилар. Чайтанйа Махапрабху ҳам гопиларнинг Худонинг Олий Шахсига сиғиниш усулини энг буюк усул сифатида тавсия қилган. Шукадева Госвами ҳам айтадики, Кришна билан гопиларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги илоҳий ҳикояларни ишонарли манбадан тинглаган, шу насиҳатларга амал қилиб яшаган ҳар қандай одам ҳам Худого садоқат билан хизмат қилишнинг энг юксак поғонасига кўтарилади ва моддий лаззатларга интилишни тарк этишга кодир бўлади.

Уддхаванинг насиҳатлари гопиларни анча овутиди, кейин гопилар Уддхавадан Вриндаванда яна бир неча кун меҳмон бўлиб қолишни илтимос қилдилар. Уддхава уларнинг бу таклифига рози бўлиб, Вриндаванда бир неча кун эмас, бир неча ой қолиб кетди. У гопиларни ҳамиша Кришнанинг илоҳий хабарига, Унинг кароматларига ғарқ қилиб юриди, гопилар ўзларини гўё худди бевосита Кришнанинг Ўзи билан бирга юргандай ҳис қилардилар. Уддхава Вриндаванда меҳмон бўлиб юрган пайтларда бутун Вриндаван аҳолиси у билан бирга бўлишдан чексиз лаззат оларди. Кришна ҳақидаги ҳикояларга ғарқ бўлиб, кунлар худди бир лаҳзадай тез ўтиб кетди. Вриндаваннинг табиий гўзалликлари - Йамуна дарёси, мўл-кўл меваларга тўла дарахтлар ўсиб ётган боғлар, Говардхана тепалиги, ғорлар, қийғос очилган гуллар - буларнинг ҳаммаси Уддхавани Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақида тинмай гапиришга ундарди. Вриндаван аҳолиси Уддхава билан бирга вақт ўтказишдан худди Кришна билан бирга бўлгандай лаззатланарди.

Гопиларнинг Кришнага бўлган муносабати Уддхавани ўзига мафтун қиларди, чунки улар бутун қалби билан Кришнага қаттиқ боғланиб қолган эдилар, гопиларнинг Кришнага бўлган эҳтиросли интилишлари унга чексиз илҳом бағишларди. Уддхава гопиларга чуқур хурмат-эҳтиром кўрсатиб, уларнинг илоҳий фазилатларини олқишлайдиган қўшиқлар тўқий бошлади. Унинг қўшиқларида шундай дейилган эди: "Инсон танасида туғилган барча тирик

мавжудотлар ичида гопилар ўз бурчини ҳаммадан ҳам аъло даражада бажаряптилар. Уларнинг фикру-хаёли бутунлай Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига боғланган. Буюк донишмандлар ва авлиё одамлар ҳам Кришнанинг, рухий озодлик ато этувчи Мукунданинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юришга ҳаракат қиладилар, аммо гопилар Парвардигорни муҳаббат билан қалбларига қабул қилиб, табиий равишда бунга эришганлар, улар йоглар бажариши лозим бўлган ҳеч қандай машқларга муҳтож эмаслар. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, рухий юксалишда гопиларнинг даражасига эришган одамнинг Тангри Браҳма бўлиши ҳам, брахман оиласида туғилиши ҳам, брахманлик зуннорини олиши ҳам мутлақо шарт эмас".

Шри Уддхава бу гаплари билан Парвардигор Кришнанинг "Бхагавад Гита"да айтган гапларини тасдиқлади: Кришнани ҳаётининг олий мақсади деб билган ҳолда Ундан паноҳ топган одам ҳатто шудра, ёки ундан ҳам пастроқ зот бўлса ҳам инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришган зот бўлади. Гопилар бутун олам учун Худога садоқат намунасини намойиш этган эдилар. Гопилардан ўрناق олиб, ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юриб, инсон рухий юксалиш йўлида энг юксак поғонага кўтарила олади. Гопилар буюк мартабали, билимдон одамлар оиласида туғилган эмасдилар; улар подачилар хонадонида дунёга келдилар, аммо шунга қарамай қалбида Кришнага нисбатан энг юксак муҳаббат туйғусини ривожлантирдилар. Рухий ўзликни англаш учун, яъни Кришнани, Худони англаш учун юқори мартабали билимдон одамлар хонадонида туғилишнинг ҳожати йўқ. Бунинг учун зарур бўлган ягона шарт - инсон ўзининг қалбида Худога нисбатан жазавали муҳаббат туйғусини уйғотиши лозим. Кришнани англашда камолотга эришиш учун энг ширин шарбат ва барча лаззатлар манбаи бўлган Кришнага ҳамиша муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб яшашдан бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Кришнани англаш йўлига кирган киши худди лаззатли шарбат ичаётгандай бўлади; унинг илми борми, йўқми, шарбат ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаверади. Инсонни Кришнани англашга ундайдиган куч ҳамма жойда бир хил таъсир кўрсатади; инсон қаерда ва ким бўлиб туғилганининг аҳамияти йўқ. Ҳаётда Кришна онги билан яшашга қарор қилган одамга Кришна албатта Ўз марҳаматини ёғдиради, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Гарчи гопилар подачилар хонадонида туғилган бўсалар ҳам, Кришнанинг гопиларга кўрсатаётган марҳаматига ҳатто раванқ фариштаси ҳам ҳеч қачон эриша олмаган,

ҳатто устидан ҳамиша нилуфар гулиники сингари анвойи ҳидлар таралиб турадиган жаннат фаришталари ҳам бундай марҳаматга эриша олмаганлар. Гопилар шу қадар юксак бахтга сазовор бўлган эдиларки, Кришнанинг Ўзи уларни кучоклаб бағрига босар, раса-ракси пайтида Ўзи уларнинг лабларидан бўса оларди. Кришнанинг Ўзи уларни кучоклар, ўпарди. Албатта бундай буюк бахтга бутун уч оламда гопилардан бошқа ҳеч ким эриша олмаган эди.

Уддхава гопиларнинг ана шундай улуғвор ҳолатини англаб етган эди ва уларнинг оёқларига йиқилиб, уларнинг нилуфар қадамлари пойидаги чанглари бошига суртишни истарди. Аммо у гопилардан гарди пойларини сўрашга ботина олмади - улар унинг бу илтимосини рад этган бўлармиди? Шунинг учун, гопиларга билдирмасдан бошига гопиларнинг гарди пойини суртиш учун у Вриндаван ерларида ўсиб ётган бир тутам майса бўлиб туғилишга ҳам тайёр эди.

Гопилар қалбида Кришнага нисбатан шу қадар кучли интилиш ҳис қилар эдиларки, Унинг чалаётган найидан таралаётган наволарни эшитишлари биланок улар уйларини, оиласини, болаларини, номусини ва аёлларга хос бўлган иффатини ҳам писанд қилмасдан Кришна турган жойга қараб чопардилар. Тўғри йўлдан борадими ёки чакалакзор орқали ўтадими - уларга барибир эди. Ўзлари билмаган ҳолда уларнинг оёғидаги чанглар Вриндавандаги майсалар устига тушиб қоларди. Гопиларнинг оёғидан чанг олиб бошига суртишга истиҳола қилган Уддхава кейинги ҳаётида Вриндаванда бир тутам майса бўлиб туғилишдан умидвор эди. Шунда унинг бошига гопиларнинг оёғидаги чанглар ўзидан-ўзи ўтириб қолган бўларди.

Нилуфар қадамлари пойига нафақат раванқ фариштаси, ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари улуғвор фаришталар ҳам сажда қиладиган, буюк йоглар ўзларининг қалбида ҳаёлан тасаввур қиладиган Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ўзларининг чиройли баланд кўкракларига кўйиш шарофати билан барча моддий иллатлардан бутунлай покланган гопиларнинг ғайритабиий омадли руҳлар эканини Уддхава чуқур англаб етган эди. Уддхава гопиларнинг нилуфар қадамлари пойининг гардига бошини кўйиш бахтига муяссар бўлишни ҳамиша илтижо қилиб юриш қобилиятига эга бўлишни истарди. Гопиларнинг Парвардигор Кришнанинг илоҳий кароматларини қанчалик самимият ва муҳаббат билан олқишлашларини бутун уч оламда шарафлаб куйлайдилар.

Вриндаванда анча вақт яшагандан кейин Уддхава Кришнанинг олдига қайтиш истагини билдирди ва Нанда Махараж билан Йашода

онадан кетишга рухсат сўради. У охирги марта гопилар билан учрашди ва улардан ҳам кетишга рухсат олиб, Матхурага йўл олиш учун жанг аравасига ўтирди.

Уддхава йўлга тушай деб турганида Нанда Махараж ва Йашода она бошлиқ Вриндаваннинг бутун аҳолиси у билан хайрлашгани келди, унга Вриндавандан ҳар хил қимматбаҳо совғалар тақдим қилдилар. Улар ўзларининг ҳурмат-эҳтиромини кўзларига ёш олиб изҳор этдилар - уларнинг Кришнага бўлган боғланиши шунчалик кучли эди. Уларнинг ҳаммаси Уддхаванинг дуои-фотиҳасини олишга интиларди. Улар ҳаммаси ҳамиша Кришнанинг шарофатли кароматлари ҳақида эслаб юришни, бутун фикру-хаёллари ҳамиша Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида бўлишини, таналари ҳамиша Унинг олдида узала тушиб сажда қилишини, нутқлари ҳамиша Кришнани олқишлашларини истардилар, чунки шу йўл билан улар ҳамиша Кришнани эслаб юра олардилар. Вриндаванликларнинг мана шу илтижолари ўзликни англашнинг энг юксак йўли ҳисобланади. Бу усул жуда оддий. Фикру-хаёлни, ақлни ҳамиша Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига қаратиш, бошқа бирор нарсага чалғимасдан ҳамиша Кришна ҳақида гапириб юриш, танани ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиш. Айниқса инсон танасидаги мана шу ҳаётимизда қолган бутун умримизни, барча имкониятларимизни, нуткимизни ва фикримизни Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга бағишлашимиз лозим. Фақат ана шундай фаолиятгина инсонни энг юксак камолот чўққисига кўтара олади. Барча мўътабар зотларнинг хулосаси шундан иборат.

Вриндаван аҳолиси шундай деди: "Олий ҳукмдорларнинг амри билан, ўз фаолиятимизнинг натижасига қараб бизлар кейинги ҳаётимизда қаердадир дунёга келишимиз мумкин. Қаерда дунёга келишимизнинг аҳамияти йўқ, аммо бизлар Худодан бир нарсани илтижо қилиб сўраймиз - биз қаерда бўлсак ҳам ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, ҳаётда Кришна онги билан яшайдиган бўлайлик!" Парвардигор Кришнанинг соф бхактаси ҳеч қачон жаннатий сайёраларга, ҳатто Ваикунтҳага ёки Голока Вриндаванага кўтарилишга интилмайди, чунки у ҳеч қачон ўзи ҳақида қайғурмайди, ўзи лаззатланишни ўйламайди. Парвардигорнинг соф бхактаси жаннат ва дўзах бир-биридан фарқ қилмайди деб ҳисоблайди. Агар Парвардигор Кришна бўлмаса жаннат ҳам дўзахга айланади; агар Кришна бирга бўлса, ҳатто дўзах ҳам жаннатга айланади. Уддхава Вриндаванлик соф бхакталарнинг Парвардигорга бўлган

садоқатини муносиб эъзозлагандан кейин Матхурага, ўзининг ҳукмдори Кришнанинг олдига қайтди. Парвардигор Кришна ва Балорамга эҳтиром билан сажда қилгандан кейин у Вриндаван аҳолисининг Парвардигорга нисбатан ғайритабiiий садоқатга тўла ҳаётини батафсил таърифлаб берди. У Вриндаван аҳолисидан олиб келган совғаларининг ҳаммасини Кришнанинг отаси Васудевага ва Кришнанинг бобоси Уграсенага топширди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Гопилар Кришнанинг мактубини олади" деб аталадиган қирқ олтинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 47. Кришнанинг Ўз бхакталарини хурсанд қилиши

Кришна бутун кун бўйи Уддхаванинг Вриндаванда ўтказган кунларининг тафсилотлари ҳақида, Ўз ота-онасининг, шунингдек гопилар ва подачиларнинг аҳволи ҳақида гапирган гапларини тинглаб ўтирди. Уддхава уларни ўзининг насиҳатлари билан, Ўзи бериб юборган мактуб билан анча овута олганидан Кришна жуда мамнун бўлди.

Шундан сўнг Парвардигор Матхурага келган пайтида Унга сандал пастаси таклиф қилиб мамнун қилган букри аёл Кубджанинг уйига меҳмонга боришга қарор қилди. "Бхагавад Гита"да айтилганидай, Кришнанинг содиқлари ўзларининг хизмати билан Кришнани мамнун қилишга қанчалик ҳаракат қилсалар, Парвардигор Кришна ҳам шунга мос равишда ҳамиша Ўз бхакталарини хурсанд қилишга ҳаракат қилади. Бхакталар ўзларининг қалбида ҳамиша Кришнани ўйлаб юрганидай, Кришна ҳам ҳамиша ичида Ўзининг бхакталарини ўйлаб юради. Кубджа букри аёлдан чиройли сарвкомат гўзалга айланганида, Кришнани ўзининг уйида муносиб кутиб олишга ҳаракат қилиши ва Унга ўзига хос равишда хизмат кўрсата олиши учун Кришна ўзининг уйида меҳмон бўлишини жуда истаган эди. Фоҳишалар одатда меҳмонларини ўз таналари билан лаззатлантириб мамнун қилишга ҳаракат қилдилар. Аммо бу киз Кубджа, аслида Кришна билан бирга бўлиб ўзининг шаҳвоний эҳтиросини қондиришга интилар эди. Кришна Кубджанинг уйига боришга аҳд қилганида У албатта ҳеч қандай ҳиссий лаззатларга берилиш ҳақида ўйламади. Кубджа сандал пастаси таклиф этиш билан Уни аллақачон мамнун қилган эди. Аммо, Кубджанинг ҳиссиётларини қондириш баҳонаси билан У ҳақиқатан ҳам ҳиссий лаззатларга

берилиш учун эмас, балки уни Ўзининг соф содиқ хизматкорига, бхактасига айлантириш учун унинг уйига меҳмонга бораётган эди. Кришнага ҳамиша минглаб равнақ фаришталари садоқат билан хизмат қиладилар; шунинг учун Унинг фоҳишалар билан ҳиссий лаззатларга берилиб юришининг ҳожати йўқ. Лекин У ҳаммага баробар меҳрибон бўлгани учун унинг уйига боришга аҳд қилди. Айтадилар-ку, ой ҳаммага бир хил - у ўғриларга ҳам тўғриларга ҳам нур сочаверади. Худди шундай Кришна ҳам Ўзини бирор хизмати билан мамнун қилган одамдан ҳеч қачон Ўз марҳаматини аямайди, у одам ўзининг шахвоний эҳтироси биланми, ёвузлиги биланми, кўрққаниданми ёки соф муҳаббати биланми хизмат қилгани Уни қизиқтирмайди. "Чайтанья Чаритамрита"да айтилганки, агар кимдир Кришнага хизмат қилишни истаб туриб, айна пайтда ўзининг ҳам шахвоний истагини қондиришни ўйлаётган бўлса, Кришна вазиятни шундай уюштирадики, содиқ ўзининг шахвоний хирсини бутунлай унутиб юборади ва ҳар қандай иллатлардан покланиб, ҳамиша Кришнага соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришади.

Ўз ваъдасининг устидан чиқиб, Кришна Уддхава билан бирга Кубджанинг уйига йўл олди. Кришна унинг уйига яқинлашганида кўрдикки, унинг уйи эркакларнинг шахвоний эҳтиросини кўзгатадиган тарзда безатилган. У ерда ҳар хил яланғоч чиройли таналар тасвирланган расмлар осилган бўлиб, улар устида марварид мунчоқлардан нақш тўқилган байроқчалар осиб қўйилган, пар ёстиклар, юмшоқ тўшаклар тўшалган эди. Хоналар гулчамбарлар билан безатилган, чиройли шамчироклар осилган, мушк-анбарлар тутатилган, ҳамма жойга анвойи ҳид таратиб турадиган сув сепилган эди.

Кришна меҳмонга бораман деб берган ваъдасининг устидан чиқиб, уйига келаётганини кўрган Кубджа Уни кутиб олиш учун дарров ёстикдан сакраб турди. Кўплаган дугоналари даврасида у Кришнага чуқур эҳтиром билан ҳурмат иззат кўрсатиб суҳбатлаша бошлади. Парвардигор Кришнага қулай ўриндик таклиф қилиб, ўзининг мартабасига мос равишда Унга сажда қилиб хизмат кўрсата бошлади. Кубджа ва унинг дугоналари Уддхавани ҳам шундай кутиб олдилар, аммо у Кришна билан бир поғонада эмасди, шунинг учун у полга ўтирди.

Бундай жойларда риоя қилиш керак бўлган одатга кўра Кришна вақтни бекорга ўтказиб ўтирмасдан Кубджанинг ётоқхонасига кирди. Айна пайтда Кубджа ювиниб покланиб, танасига сандал пастаси суртди, кейин чиройли либосларини кийди, тақинчоқларини тақиб, гулчамбарлар билан безанди. Бетел ёнғоғи ва

сархуш қиладиган илдизлардан чайнаб, устига атир сепаб Кришнанинг олдида пайдо бўлди. У кўплар Мадхава, яъни "равнақ фариштасининг эри" деб атайдиган Парвардигор Кришна олдида нозу-карашма билан пайдо бўлганида унинг табассуми ва нигоҳидан аёлларга хос бўлган жозибали ибод, ифбат барқ уриб турар эди. Кубджа Ўзининг олдида келишга журъат эта олмай турганини кўриб, Кришна дарров унинг билагузуклар тақилган қўлларидан ушлаб, эҳтиёткорлик билан Ўзига тортиб, ёнига ўтказди. Парвардигор Кришнага бир пайтлар озгина сандал таклиф қилгани шарофати билан Кубджа ўзининг аввалги барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлган, ҳозир Парвардигор Кришна билан бевосита бирга бўлишдан лаззатланиш имконига эга бўлаётган эди. У Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини олиб ўзининг шахвоний эҳтирос оловида ёнаётган кўксига қўйди. Кубджа Кришнанинг анвойи ҳид таратиб турган нилуфар қадамлари пойини кўксига ҳис қилганида қалбидаги барча шахвоний эҳтирослардан бутунлай халос бўлди. У Кришнани ўзининг икки кўли билан кучоқлаб бағрига босиб имконига эга бўлди, бу билан унинг қалбида қанча вақтлардан бери авайлаб-асраб келаётган Кришнани ўз уйида меҳмон қилишдай орзуси рўёбга чиққан эди.

"Бхагавад Гита"да айтилганки, инсон ўзини Парвардигорга илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишлай олиши учун ўзининг аввалги дунёвий гуноҳ ишларининг оқибатидан бутунлай халос бўлиши керак. Парвардигор Кришнага шунчаки бироз сандал пастаси тақдим қилиб, Кубджа ана шундай мукофотга эга бўлган эди. У Парвардигор Кришнага қандай қилиб хизмат қилишни ҳам ўрганмаган, шу боис у Кришнани ўзи билган йўл билан мамнун қилмоқчи эди. "Бхагавад Гита"да айтилганки, Парвардигор Кришнага ҳар ким ўзи қилиб юрган иш билан ҳам хизмат қилиши мумкин, бунинг учун у шу ишини Кришнани мамнун қилиш учун самимий таклиф қилса бас. Кубджа Кришнага шундай деди: "Эй азиз дўстим, марҳамат қилиб бир неча кун қолиб, мен билан бирга лаззатланиб яша. Эй менинг нилуфаркўзли дўстим, мен Сендан дарров айрилиб қола олмайман. Илтимос, йўқ дема!"

Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, Худонинг Олий Шахсининг жуда кўп қувватлари мавжуд. Ишонарли манбаларнинг айтишига қараганда, худди Шримати Радхарани Кришнанинг *чит-шакти* тимсоли бўлгани сингари, Кубджа Кришнанинг *пуруша-шакти* қувватининг тимсолидир. Гарчи Кубджа Кришнадан бир неча кунга у билан бирга

қолишни илтимос қилган бўлса ҳам, Кришна уни ишонтириб, бунинг асло иложи йўқлигини айтди. Кришна бу моддий оламга ҳар замонда бир келиб туради, аммо Унинг руҳий олам билан бўлган алоқаси мангу. Кришна ҳамиша ё Ваикунтха сайёраларрида, ё Голока Вриндаванада бўлади. Унинг руҳий оламда бўлиши ҳақида гапирганларида *праката-лила* ибораси ишлатилади.

Кубджани Ўзининг ширин сўзлари билан овутиб, Кришна Уддхава билан бирга уйига қайтиб келди. "Шримад Бхагаватам" огоҳлантириб айтадики, Кришнага сажда қилиш осон эмас, чунки У - Худонинг Олий Шахси, барча вишну-таттвалар ичида энг асосийси. Кришнага сажда қилиш ёки У билан бирга бўлиш - осон иш эмас. Айниқса Кришнага ўзининг севгилиси сифатида боғланиб, махлиё бўлиб қолган бхакталар жуда эҳтиёт бўлишлари лозим; агар улар Кришна билан бевосита алоқа қилиб ҳиссий лаззат олмоқчи бўлса, бу яхшиликка олиб келмайди. Аслини олганда ҳиссий лаззат билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси моддий табиатга эга. Руҳий оламда ҳам қучоклаш, бўса олиш сингари севги аломатлари мавжуд, аммо у жойда моддий оламдагига ўхшаган ҳиссий лаззатланиш жараёнлари йўқ. Бу огоҳлантириш айниқса Кришнани оддий одам деб ҳисоблайдиган саҳаджияларга тааллуқли. Уларнинг қалбида Кришна билан жинсий алоқа қилиб лаззатланишдай жирканч истаклар бор. Ўзаро руҳий муносабатларда ҳиссий лаззатларнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. Кришнага У билан жирканч ҳиссий лаззатларга берилиш учун боғланишни истаб юрган одамларни фаросатли одам деб бўлмайди. Улар ўзларининг бундай муносабатини тубдан ўзгартиришлари лозим.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин Кришна Акруранинг уйига боришга берган ваъдасининг ҳам устидан чиқди. Кришна билан Акрура орасида Хўжайин ва хизматкорларга хос муносабатлар бор эди, шунинг учун Кришна Акрура қандайдир йўллар билан Ўзига хизмат қилишини истаган эди. У Акруранинг уйига Парвардигор Балорам ва Уддхава билан бирга йўл олди. Учқови Акруранинг уйига яқинлашганида, уй эгасининг ўзи пешвоз чиқиб, Уддхавани бағрига босди, эҳтиром билан Парвардигор Кришна ва Балорам олдида узала тушиб сажда қилди. Кришна, Балорам ва Уддхавалар ҳам ўз навбатида унга сажда қилдилар, мартабаларига қараб ўзларига кўрсатилган жойга қулай ўрнашиб ўтирдилар. Акрура уларнинг оёқларини ювиб, шу сувдан ўзининг бошига сепди. Кейин, сиғиниш тартибига кўра, у уларга ажойиб матолар, гуллар ва сандал таклиф қилди. Акруранинг

меҳмондўстлик одобидан уларнинг учови ҳам ғоят мамнун эдилар. Акрура бошини ерга текказиб Кришнанинг олдида сажда қилди, кейин Кришнанинг нилуфар қадамларипойи ни тиззасига қўйиб, уни эҳтиёткорлик билан уқалай бошлади. Парвардигор Кришна билан Балорамни ўз уйида меҳмон қилаётганидан тўла мамнун бўлганида, қалби Кришнага муҳаббат туйғусига лиммо-лим тўла Акруранинг кўзларидан тиркираб ёш оқа бошлади, у Кришнага шундай илтижо қила бошлади: "Азизим Кришна, Камса ва унинг ҳамтовокларини ўлдирганинг қанчалик яхши бўлди. Сен бутун Йадавалар сулоласини жуда катта мусибатлардан халос қилдинг. Буюк Йадавалар сулоласи қандай қилиб Сен уларни қутқариб қолганингни ҳамиша эслаб юрадилар. Эй азизларим Парвардигор Кришна ва Балорам, сизлар - борлиқдаги ҳамма нарсани яратган, барча сабабларнинг сабабчиси бўлган Худонинг Олий Шахсисизлар. Сизлар англаб бўлмас қувватлар соҳибисизлар ва ҳамма жойга сингиб кетгансизлар. Сизлардан бошқа бирор кўпол ёки нафис сабаб ва оқибат мавжуд эмас. Сизлар - одамлар ведаларни ўрганиш орқали англаб етадиган Олий Брахмансизлар. Ўзингизнинг англаб бўлмас қувватингиз ёрдамида Сизлар ҳозир бизларнинг кўзимизга кўриниб турибсизлар. Сизлар Ўз қувватингиз ёрдамида мана шу космик борлиқни яратиб, Ўзингиз унинг ичига кирасизлар. Худди беш унсур - ер, сув, олов, ҳаво ва эфир - ҳар хил таналарда намоён бўлган бутун олам бўйлаб тарқалгани сингари, Сизлар ҳам Ўз қувватингиз яратган турли таналар ичига кирасизлар. Сизлар бу таналарга ҳам алоҳида руҳ бўлиб, ҳам Олий Руҳ бўлиб кирасизлар. Моддий таналарни Сизларнинг қуйи қувватингиз яратади. Тирик мавжудотлар, яъни алоҳида руҳлар - Сизларнинг ажралмас заррачаларингиз, Олий Руҳ эса - Сизларнинг намоён бўлган киёфангиздир. Мана шу моддий тана, алоҳида ва Олий Руҳ алоҳида тирик мавжудотни ташкил этади, аммо аслида, азалда уларнинг ҳаммаси ягона Парвардигорнинг ҳар хил қувватларидир.

Бу моддий оламда Сизлар намоён бўлган борлиқни моддий табиатнинг уч гунаси - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналарининг ўзаро ҳаракати ёрдамида яратасизлар, мавжудлигини таъминлаб турасизлар ва вақти келганда яксон қиласизлар. Сизлар ана шу моддий табиат гуналари фаолиятига аралашиб кетмайсизлар, чунки алоҳида тирик мавжудотларнинг чекланган илмига қарши ўлароқ, Сизларнинг Олий илмингизни ҳеч нарса қоплаб олишга қодир эмас".

Парвардигор моддий оламга киради, шу туфайли маълум пайтда у намоён бўлади,

мавжуд бўлиб туради, вақти келганда яқсон бўлади, Парвардигорнинг ажралмас заррачаси бўлган тирик мавжудот эса моддий унсурлар ичига киради ва унинг учун моддий тана яратилади. Тирик мавжудот билан Парвардигор орасидаги фарқ шундан иборатки, тирик мавжудот Парвардигорнинг ажралмас кизик заррачаси бўлиб, у ўзаро фаолият кўрсатиб турган моддий табиат гуналари таъсирига берилувчан. Кришнага, *Парам Брахман*, ярни ҳамиша мукамал илмга эга бўлган Олий Брахманга моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти таъсир қилмайди. Шунинг учун Кришнани *Ачйута*, яъни "Ҳеч қачон адашмайдиган Зот" деб атайдилар. Ҳеч қачон моддий фаолият Кришнани Ўзининг рухий моҳиятини эсдан чиқаришга мажбур қила олмайди. Парвардигорнинг ажралмас заррачалари бўлган тирик мавжудотлар эса, моддий унсурлар таъсири остида ўзи аслида руҳ эканини, рухий табиатга эга жон эканини унутиб қўядилар. Алоҳида тирик мавжудотлар - Парвардигорнинг мангу ажралмас заррачаларидир, бошланғич олов - Кришнанинг кичик учқунларидир, лекин уларда ўчиб қолиш хусусияти бор.

Акрура давом этди: "Адашган калтафаҳм кишилар Сенинг илоҳий қиёфангни ҳам моддий қувват яратган деб ҳисоблайдилар. Аммо Сен ҳақингда бундай ўйлаш бутунлай нотўғри. Аслида Сен - пок руҳсан, Сен ва Сенинг илоҳий тананг бир-биридан мутлақо фарқ қилмайди. Шу боис Сенинг шартланган ёки озодликка эришган ҳолатинг ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Сен ҳаётнинг ҳар қандай шароитида ҳам мангу озод бўлган Зотсан". "Бхагавад Гита"да айтилганки, фақат аҳмоқ ва нодон кишилар Сени оддий одам деб ҳисоблайдилар. Сени ўзларимизга ўхшаган, моддий табиат шароитига тушиб қолган оддий одам деб ўйлаш бутунлай нотўғри, бундай ўйларга бориш шу кишининг илми мукамал эмаслигидан далолат беради.

"Одамлар азалий Ведалар илмининг бошланғич тушунчаларидан узоқлаша бошласа, улар оддий тирик мавжудотларни Сен билан, - бу дунёга Ўзининг азалий мангу қиёфасида, тирик мавжудотлар Парвардигор билан бир эмас, улар Парвардигорга ҳеч қачон тенг бўлолмаслиги ҳақидаги мукамал илмни ўрнатиш учун ташриф буюрган ягона Парвардигор билан тенглаштиришга ҳаракат қила бошлайдилар. Эй азиз Худойим, Сен ҳамиша булганмаган соф эзгулик - *шуддха саттва* ҳолатида бўласан. "Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам аслида бир нарса" деб тасдиқлашга уринаётган даҳрийлар фалсафасига қарши бўлган ҳақиқий ведалар илмини ўрнатиш учун албатта Сен Ўзинг бу дунёга келишинг

лозим. Эй азиз Худойим, Парвардигор Кришна, бу гал Сен Ўзининг тўла намоён бўлган қиёфанг Шри Балорам билан бирга Васудева хонадонида унинг ўғли бўлиб дунёга келдинг. Сенинг келишдан мақсадинг барча виждонсиз, имонсиз шоҳларни уларнинг қудратли қўшинлари билан бирга ер билан яқсон қилишдан иборат. Сен Ер сайёрасининг оғирини енгил қилиш учун ташриф буюрдинг, бу вазифани амалга ошириш учун Сен Ядаваларнинг биттаси бўлиб туғилиб, бу сулола аъзоларининг шуҳратини бутан оламга таратдинг.

Эй азиз Худойим, бугун Сен меникига меҳмон бўлиб келиб бутун хонадонимни покладинг. Бугун мен бутун оламда энг бахтиёр одам бўлдим. Худонинг Олий Шахси, барча фаришталар, питалар, шоҳлар, императорлар ва бошқа мавжудотлар сажда қилиб сиғинадиган, бутун борлиқнинг Олий Руҳи бўлган Кришна бугун менинг уйимга келди. Унинг нилуфар қадамлари пойидан оқадиган табаррук сувлар бутун уч оламни поклайди, ана шу буюк Зот бугун менинг уйимда меҳмон бўлиб ўтирибди. Бутун уч оламда ҳақиқатан ҳам мукамал илмга эга бўлган зотларнинг қайси бири Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ изламайди ёки ўз ихтиёрини Сенга топширмайди? Сенинг Ўз бхакталарингга кўрсатадиган меҳрибонлигингни бошқа ҳеч ким кўрсата олмаслигини яхши била туриб, қайси аҳмоқ Сенинг бхактанг бўлиш имкониятини қўлдан бой беради? Барча ведавий муқаддас китобларда айтилганки, Сен - ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яқин дўстисан. Бу ҳақиқат "Бхагавад Гита"да ҳам тасдиқланган: *сукридам сарва-бхутанам*. Сен - Худонинг Олий Шахсисан, Ўз бхакталарингнинг барча истакларини амалга ошириш учун Сен барча имкониятга эгасан. Сен - ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий дўстисан. Гарчи Сен Ўзингни содик хизматкорингга топшириб қўйган бўлсанг ҳам, бундан Сенинг бошланғич қувватинг камайиб қолмайди. Сенинг қудратинг, қувватинг ҳажм жиҳатидан ҳеч қачон камаймайди ҳам, қўпаймайди ҳам.

Эй азиз Худойим, ҳатто буюк йоглар ва фаришталар учун Сенинг ишларингни англаб етиш ва Сенга яқинлашиш жуда мушкул, аммо шунга қарамай Сен Ўзингнинг бесабаб марҳаматингни кўрсатиб менинг уйимда меҳмон бўлишга рози бўлдинг. Мана шу лаҳзалар менинг бу моддий оламда сарсон бўлиб юрган дамларимнинг энг бахтли онларидир. Фақат Сенинг марҳаматинг билан мен энди тушуниб етдимки, менинг уйим, хотиним, бола-чақам, мол-дунём аслида мени фақат бу моддий оламга боғлаб қўяр экан. Илтимос, мени ана шу

ришталардан халос эт, мени жамият, дўстлик ва муҳаббат деб аталадиган кишанлардан кутқариб ол!"

Парвардигор Кришна Акруранинг илтижоларидан жуда мамнун бўлди. Акрурани Ўзининг майин табассуми билан тобора кучлироқ мафтун этиб, Парвардигор Кришна унга жавобан шундай деди: "Азизим Акрура, сенинг камтарлик қилаётганингга қарамай, Мен сени отам, устозим ва энг яқин дўстларим билан бир қаторда турадиган зот деб ҳисоблайман. Шунинг учун Мен сенга сажда қилишим керак, чунки сен Менинг тоғам бўласан, сен эса ҳамиша Мени ҳимоя қилишинг керак. Сен ҳамиша Мени қўллаб-қувватлаб юришингни истайман, чунки Мен ҳам сенинг фарзандларингдан бири бўламан. Аммо, ҳатто мана шу қариндошлик ришталарини ҳисобга олмасак ҳам, сендай улуғвор бхактага ҳамма ҳамиша сажда қилиб сиғиниши лозим. Ҳаётда ўзига ҳамиша омад кулиб боқишини истаётган ҳар бир фаросатли одам улуғворликда ҳатто фаришталардан ҳам устун турадиган сендай зотларга, буюк бхактларга сажда қилишлари лозим. Одамлар одатда бирор ҳиссий лаззатларга эришмоқчи бўлганида, шу ниятига эришиш учун фаришталарга сиғинадилар. Ўзларига сиғинаётган одамларнинг ўз ниятига эришишида фаришталар албатта ёрдам берадилар. Аммо Акрурага ўхшаган бхакталар ҳамиша одамларга ҳаётда энг олий, юксак бахт-саодат ато этишга тайёр турадилар. Авлиё одам ёки бхакта ҳар қандай одамга ҳақиқий бахт ато эта оладилар, фаришталар эса фақат уларга сиғинган пайтлардагина бирор мукофот беришга қодир. Муқаддас саждагоҳлар фақат шу ерга келган одамларгагина бирор савоб ато этади. Маълум бир фариштага сиғинганда ҳам одамнинг истаги, қалбидаги нияти рўёбга чиқиши учун анча кўп вақт кетади: аммо, эй азиз дўстим Акрура, сенга ўхшаган авлиё одамлар бхакталарнинг барча истақларини бир зумда рўёбга чиқаришга қодир. Азизим Акрура, сен ҳамиша Бизнинг энг яқин дўстимиз ва эзгулик тиловчи кадрдонимизсан. Сен ҳамиша Бизларни мамнун қиладиган ишларни бажаришга ҳаракат қилиб яшайсан. Шунинг учун илтимос, Хастинапурга йўл ол, у ерда Пандузодалар қандай яшаётганидан хабар олиб кел!"

Кришна Пандунинг ўғиллари учун қаттиқ ташвишланарди, чунки улар ёшлигиданок отасидан етим қолган эдилар. Ўз бхакталарига дўстларча меҳрибон бўлгани сабабли Кришна улардан жуда ташвишланарди, шунинг учун У ҳозир Акрурани уларнинг ҳолидан хабар олиб келиш учун Хастинапурга юбораётган эди. Кришна давом этди: "Эшитишимча, шоҳ Панду ўлгандан кейин унинг ёш қолган ўғиллари

Юдхиштхира, Бхима, Аржун, Накула ва Сахадев бева қолган оналари билан бирга, уларга ғамхўрлик қилиши лозим бўлган Дхритараштранинг саройига борган эмишлар. Мен яна эшитдимки, Дхритараштра туғма кўр бўлиб қолмасдан, золим ўғли Дурйодхонга қаттиқ боғланиб қолгани сабабли қалб кўзи ҳам кўр эмиш. Беш пандузода - шоҳ Пандунинг ўғиллари бўлади, аммо Дхритараштра қалбида шум ниятлари бўлгани учун пандузодаларни ёмон кўради. Илтимос, марҳамат қилиб шу ёққа бориб кўрчи, аслида Дхритараштра билан пандузодаларнинг муносабати қандай экан. Шундан кейин Мен пандузодаларни қандай ҳимоя қилиш ҳақида ўйлаб кўраман".

Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна Акрурани Хастинапурга жўнатди, Ўзи эса Балорам ва Уддхава билан биргаликда уйига қайтиб келди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Кришнанинг Ўз бхакталарини хурсанд қилиши"  
деб аталадиган қирқ еттинчи бобига  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

## 48. Дхритараштранинг ёвузлиги

Худонинг Олий Шахси Шри Кришнанинг илтимоси билан Акрура Хастинапурга келди. Айтишларига қараганда Хастинапур ҳозирги Нрю-Дели шаҳри турган ерда жойлашган экан. Нрю-Делининг ҳозир ҳам Индрапрастха деб аталадиган қисми Пандузодалар мамлакатининг пойтахти бўлган. Шаҳарнинг Хастинапур деб аталишига сабаб шуки, у ерда жуда кўп *хаст*, яъни "филлар" бўлган экан. Пандузодаларнинг саройида жуда кўп филлар бўлгани учун бу шаҳар Хастинапур деб аталган. Филларни боқиш учун жуда кўп маблағ сарфланади, шунинг учун жуда кўп филлари бўлган давлат ҳам жуда бой бўлиши керак, Акрура келиб кўрганидай, Хастинапурда ҳақиқатан ҳам жуда кўп филлар, отлар, жанг аравалари ҳамда салтанатнинг бой-бадавлат эканидан дарак берадиган бошқа кўп нарсаларни кўрди. Хастинапур шоҳлари бутун дунёнинг ҳукмдорлари ҳисобланарди. Уларнинг шухрати бутун мамлакат бўйлаб таралган бўлиб, улар давлатни билимдон браҳманларнинг эзгу насиҳатлари асосида одилона бошқарар эдилар.

Бойликка кўмилган пойтахтни томоша қилиб Акрура шоҳ Дхритараштра билан учрашди. Шунингдек у шоҳ билан бирга ўтирган бобокалон Бхишмани ҳам кўрди. Бу учрашувдан кейин у Видура билан учрашишга, кейин Видуранинг укаси Кунти билан учрашишга йўл

олди. У навбат билан Сомадаттанинг ўғли, Бахлика шоҳи, Дроначарйа, Крипачарйа, Карна, Суйодхана(Дурёдхон) билан учрашди. Кейин у Дроначарйанинг ўғли Ашваттхама билан учрашди, кейин беш пандузода билан, шу шаҳарда яшайдиган бошқа дўстлари ва қариндошлари билан учрашди. Акрура "Гандинининг ўғли" сифатида машхур эди, шу боис у ким билан учрашмасин, ўша одам уни ўз уйида меҳмон қилишдан жуда мамнун бўларди. Уни хурсандчилик билан қарши олиб, унга қулай ўриндиқ таклиф қилишар, у эса улардан ҳол-аҳвол суриштирарди.

Парвардигор Кришна Хастинапурга айнан Акрурани юборганидан ҳам билиб олиш мумкинки, Акрура ўзаро муносабатларни тўғри олиб бориш(дипломатия)га жуда уста эди. Шоҳ Пандунинг ўғиллари тирик бўлганига қарамай, ҳозир Дхритараштра Пандунинг тахтини ноқонуний равишда эгаллаб олган эди. Бу жойда юзага келган вазиятни яхшилаб ўрганиш учун Акрура Хастинапурда анча вақт қолмоқчи бўлди. Ёвуз Дхритараштра ўз ўғиллари тарафга ён босаётганини у дарров тушунган эди. Аслида Дхритараштра тахтни қонунга хилоф равишда эгаллаб олган, энди беш ака-ука пандузодалардан қутулиш йўллари излаётган эди. Дхритараштранинг Дурйодхон бошлик ўғиллари виждонсиз сиёсатчилар эканини Акрура ҳам яхши биларди. Дхритараштра Бхишма ва Видуранинг берган тўғри, ҳаққоний насиҳатларига амал қилишни истамасди, бунинг ўрнига у Карна ва Шакуни сингари ёвуз ниятли одамларнинг гапига қулоқ соларди. Юзага келган сиёсий вазиятни яхшилаб ўрганиш учун Акрура Хастинапурда бир неча ой яшамоқчи бўлди,

Акрура Кунти ва Видурадан билиб олдики, Дхритараштра беш пандузодани чиқиштира олмас, уларнинг ҳарб илмидаги ғайритабий маҳоратига, ғайритабий жисмоний кучига ҳасад кўзи билан қарарди. Улар ўзларини ҳақиқий олижаноб қаҳрамонлардай тутар, кшатрийларнинг ҳамма эзгу фазилатларига эга бўлиб, ўзларининг шоҳ хонадонидан эканига чуқур маъсулият билан қарар, ҳамиша ўз фуқароларига ғамхўрлик қилишни ўйлардилар. Акрура яна шуни билиб олдики, ҳасадгўй Дхритараштра ёмон одамларнинг гапига кириб юрган ўғлининг маслаҳати билан Пандузодаларни заҳар бериб ўлдиришга уриниб кўрган.

Акрура Кунтининг амаки акаларидан бири эди; шунинг учун у билан учрашганида Кунти ундан ота тарафдан қариндошларининг ҳаёти ҳақида суриштира бошлади. Ўзига кадрдон бўлган жойларни эслаб, йиғлашдан ўзини зўрға тутиб туриб, у Акрурадан: "Отам, онам, ака-

укаларим, опа-сингилларим ва дўстларим ҳалиям мени эслайдиларми" деб сўради. У айниқса Кришна билан Балорамни, ўзининг машхур жиянлари ҳақида кўпроқ сўраб суриштирди. У шундай деди: "Худонинг Олий Шахси, Ўзининг бхакталарига нисбатан ҳамиша меҳрибон бўлган Парвардигор Кришна менинг ўғилларимни сира эслайдими? Балорам бизларни эслайдими?" Кунти ич-ичидан ўзини худди бир тўда йўлбарслар ўраб олган охудай ҳис қиларди, ҳақиқатан ҳам ҳозирги вазиятда унинг аҳволи жуда қийин эди. Эри, шоҳ Панду ўлгандан кейин у ўзининг беш ўғлига ғамхўрлик қилиши лозим эди, чунки шоҳ Дхритараштра ҳамиша уларни ўлдириш пайида юрарди. Ҳақиқатан ҳам у йўлбарслар орасига тушиб қолган кичкина, беозор, ночор ҳайвондай қийналиб яшарди. Парвардигор Кришнанинг бхактаси бўлган ҳолда у ҳамиша Кришнани эслаб юрар, бир кун келиб Кришна уни бу хатарли ҳолатдан албатта қутқариб олишига умид қилиб яшарди. У Акрурадан: "Кришна бу ёкка келишни, отасидан айрилган Пандузодаларга ёвуз Дхритараштра ва унинг ўғиллари зулмидан қандай қутулиш йўллари ҳақида насиҳат қилишни режалаштирмаяптими?" - деб сўради. Акрура билан мана шулар ҳақида суҳбатлашар экан у ўзининг жуда ночор аҳволда қолганини ҳис қилди ва шундай деб хитоб қилди: "Азизим Кришна, кадрдоним Кришна, Сен - Олий сеҳргарсан, бутун оламнинг Олий Рухисан. Сен бутун борлиқнинг ҳақиқий нажоткори, саодатмандисан. Азизим Говинда, ҳозир Сен мендан йироқдасан, аммо барибир мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойига камтарин бош эгиб, илтижо қиламан. Мен ҳозир отасиз қолган беш ўғлимни қайғуриб қаттиқ қийналяпман. Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан бошқа бирор паноҳ макони ва нажот йўли йўқлигини мен жуда яхши биламан. Сенинг нилуфар қадамларинг пойи мусибат чекаётган руҳларнинг барчасига нажот бера олади, чунки Сен - ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахсисан. Фақат Сенинг марҳаматинг билан инсон туғилиб-ўлишларнинг бу адо бўлмас чархпалагидан озодликка чиқа олади. Азизим Кришна, Сен соф поклик тимсоли бўлган Зотсан. Сен - Олий Рух ва барча йогларнинг Ҳукмдорисан. Мен нима ҳам дея олардим? Мен фақат Сенга чуқур эҳтиром билан сажда қилишни биламан, холос. Мени ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топширган бхактанг ўрнида қабул қил!"

Гарчи Кришна бевосита ёнида бўлмаса ҳам, Кунти худди Кришна ёнида тургандай илтижо қиларди. Кунтидан ўрнак ола билган ҳар бир содиқ ҳам шундай қилиши мумкин. Кришна



хамма жойда шахсан мавжуд бўлиши шарт эмас. Аслини олганда, Ўзининг рухий куввати воситасида Кришна ҳамма жойда мавжуд, шу боис инсон фақат самимий равишда Унга ўз ихтиёрини топшириши керак. Кунти чуқур самимият билан Кришнага илтижо қиларди, у ўзини тутиб тура олмай, Акруранинг олдида хўнграб йиғлаб юборди. Видура ҳам шу ерда эди, уларнинг иккови ҳам Пандузодаларнинг онасига чуқур ҳамдардлик билдирдилар. Унинг ўғиллари бўлган Юдхистхириани, Аржунни ва Бхимани ҳар жиҳатдан мақтаб, улар Кунтини овутишга ҳаракат қилдилар. Унинг ўғиллари ғайритабиий кудратга эга эканини, чунки улар буюк фаришталардан - Йамараж, Индра ва Вайдунан туғилганини, шу боис улар ҳақида қаттиқ қайғуриб, ташвишга тушишга ҳожат йўқлигини айтиб, улар Кунтини овуға бошладилар.

Акрура Матхурага қайтиб бориб, Кунти ва унинг беш ўғли яшаётган вазиятни Кришнага тушунтириб беришга қарор қилди. Аммо, аввалига у ўзининг ўғлига жуда меҳрибон, Пандузодаларга нисбатан эса ёвуз ниятда бўлган Дхритараштрага яхши бир насиҳат бермоқчи бўлди. Кунти билан Дхритараштра дўстлари ва қариндошлари даврасида саройда ўтирардилар, Акрура Дхритараштрага "Варчитравирйя" деб мурожаат қилди. Варчитравирйя дегани "Вичитравирйянинг ўғли" дегани билдиради. Вичитравирйя Дхритараштранинг отасининг номи бўлиб, аслида у Вйасадевадан туғилган эди. Аввал шундай урф-одат бор эдики, унга кўра агар инсон ўзи фарзанд кўришга қодир бўлмаса, укаси унинг хотинини ҳомиладор қилиши мумкин эди. Кали юга даврида бундай қилиш таъқиқланган. Акрура Дхритараштрани мазахлаб Варчитравирйя деб мурожаат қилди, чунки у аслида ўз отасининг ўғли эмасди. У Вйасадеванинг ўғли эди. Агар аёл эрининг укасидан ҳомиладор бўлган бўлса, аслида фарзанд бошқадан бўлган бўлса ҳам, барибир шу боласи эрининг фарзанди ҳисобланарди. Бунга шама қилиш билан Акрура Дхритараштранинг бекорга тахтга даъвогарлик қилаётганини билдириб қўймоқчи эди. Аслида Панду салтанатнинг қонуний шоҳи эди, токи Пандунинг ўғиллари тирик экан Дхритараштранинг тахтга ўтиришга ҳаққи йўқ эди.

Акрура шундай деди: "Эй ҳурматли Вичитравирйянинг ўғли, сен Пандузодаларнинг тахтини ноқонуний йўл билан эгаллаб олгансан. Лекин сен ҳозирча тахтда ўтирган экансан, илтимос менинг насиҳатимга қулоқ сол, салтанатга ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳукмронлик қил. Агар сен шундай қилсанг, фуқароларингни ҳам шундай руҳда

тарбиялашга ҳаракат қилсанг, сенинг номинг ва шуҳратинг асрлар оша мангу қолади". Бу гаплари билан Акрура Дхритараштрага билдириб қўйдики, у ўзининг жиянлари Пандузодаларга нисбатан ёмон муносабатда бўлгани билан улар барибир унинг қўл остидаги фуқаролар ҳисобланади. "Ҳатто сен уларга тахт ворислари сифатида эмас, балки оддий фуқаролар сифатида муносабатда бўлсанг ҳам, сен уларга худди ўз ўғилларингдай ғамхўрлик қилишинг керак. Агар сен бу қоидага риоя қилмасдан бунинг аксини қиладиган бўлсанг, сен ҳеч қачон ўз фуқароларингнинг муҳаббатини қозона олмайсан, натижада кейинги ҳаётингни дўзахда ўтказасан. Шунинг учун сен бундан кейин ўз ўғитлларингга ҳам Пандузодаларга ҳам бир хилда ғамхўрлик қиласан деган умиддаман". Бу билан Акрура огоҳлантириб қўйдики, агар Дхритараштра ўз ўғиллари ва Пандузодаларга бир хилда ғамхўрлик қилмаса, икки лагерга бўлинган бу қариндошлар орасида уруш бошланади. Адолат Пандузодалар тарафида бўлгани учун улар албатта ғалаба қозонадилар, Дхритараштранинг ўғиллари эса ҳалокатга учрайдилар. Акрура Дхритараштрани огоҳлантириб қўйган башорат шундан иборат эди.

Акрура Дхритараштрага насиҳат қилишда давом этди: "Бу моддий оламда ҳеч ким ўзи сингари бошқа биров билан мангу йўлдош бўлиб қола олмайди. Бизлар шунчаки тасодиф туфайли оилада, жамиятда, бирор жамоа ёки миллатда бирга бўлиб қоламиз, аммо ҳар бир одам барибир танасини тарк этишга мажбур бўлгани сабабли охир-оқибатда албатта бир-биримиздан ажралиб кетамиз. Шу боис фаросатли одам оила аъзоларига керагидан ортиқ боғланиб қолмаслиги керак". Дхритараштранинг ўз ўғилларига жинойи иш юзасидан қаттиқ боғланиб қолгани, унинг калтафаҳмлигини кўрсатиб турарди. Акрура Дхритараштрага эслатиб қўйдики, ўзининг қўпол ғофиллиги ёки ахлоқ-одоб қоидаларига нисбатан кўрлиги оқибатида у ўз оиласи аъзоларига қаттиқ боғланиб қолган. Гарчи бизлар ҳозир оилада, жамиятда ёки миллатда бирга тўплангандай бўлиб туялсак ҳам, аслида ҳар кимнинг ўзининг алоҳида тақдири бўлади. Ҳар ким ўзининг аввалги ҳаётида кўрсатган фаолияти натижасига қараб туғилади; шунинг учун ҳар ким ҳаётда ўзининг алоҳида кармасига биноан ё лаззатланиб, ёки мусибат чекиб яшайди. Одамлар биргаликда яшагани билан барибир ўз тақдирини яхши томонга ўзгартира олмайдилар. Баъзида шундай бўладики, отаси ноқонуний йўл билан катта бойлик орттиради, гарчи отаси бу бойликни шунча оғир меҳнат қилиб топган бўлса ҳам, ўғли отасининг бойлигини тортиб олиб

қўяди. Бу худди океанда кичкина балиқ кексайиб қолган катта балиқни еб қўйганига ўхшайди. Ҳар ҳолда инсон ўзининг оиласини, жамиятини, миллатини таъминлаш учун ноқонуний йўл билан бойлик орттира олмайди. Қадимда жуда катта бойлик тўплаган, ҳозир эса йўқ бўлиб кетган буюк империялар бунга яққол мисол бўла олади, чунки барибир уларнинг тўплаган бойликларини авлодлари шамолга совуриб юборадилар. Кармали фаолиятнинг мана шу нозик қонунини тушунмайдиган, одоб-ахлоқ, адолат қонунларига риоя қилмайдиган имонсиз ғофил одам кейинги ҳаётга ўзи билан бирга фақат гуноҳ ишларининг оқибатини олиб кетади, холос. Бошқа биров келиб унинг ноқонуний йўл билан топган шу бойлигига эгалик қилади, унинг ўзи эса дўзахнинг энг чуқур жойларига равона бўлади. Шунинг учун фаросатли одам тақдирга ёзилганидан ортиқча бойлик тўплашга интилмаслиги керак; акс ҳолда у ўзига-ўзи зиён етказган бўлади. Ўзига яхшилик қилиш ўрнига у бунинг аксини қилиб, ўзининг тубанликка юз тутишига ўзи сабабчи бўлади.

Акрура давом этди: "Азизим Дхритараштра, мен сенга кўзингни каттароқ очишни, бу дунёдаги моддий ҳаёт қандайлигини тушунишга ҳаракат қилишни маслаҳат бераман. Моддий оламдаги шартланган ҳаётни, унинг мусибат ёки шодликларини худди тушда бўлаётгандай қабул қилиш керак. Фаросатли инсон бу ўткинчи дунёда ақлини ва ҳиссиётини жиловлаб олиб, қалбида Кришна онгини юксалтириш учун осойишта, хотиржам ҳаёт кечириши лозим".

"Чайтанья Чаритамрита"да айтилганки, одатда одамларнинг ақли ҳамшиша безовта бўлиб, ўзлари хавотирга тушиб юрадилар; фақат Худони англаб, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрганларгина бундан мустасно. Ҳатто руҳий озодликка чиқишга интилиб юрганлар ёки Браҳманнинг нурига қўшилиб кетишга интилиб юрганлар, ёки сеҳр қудратига эга бўлишга интилиб юрган йоглар ҳам ҳаётда хотиржам, осойишта яшай олмайдилар. Кришнанинг соф бхакталари илтижо қилганларида Худодан Кришнадан ҳеч нарса сўрамайдилар. Улар шунчаки Кришнага хизмат қилиб юрганидан ҳаётда мамнун бўлиб яшайдилар. Инсон фақат мукамал Кришна онги билан яшаш орқалигина ақлининг хотиржамлигига ва ҳақиқий осойишталикка эриша олади".

Акруранинг насиҳатларини тинглаб туриб Дхритараштра шундай деди: "Азизим Акрура, сен шунчалик саховат билан менга яхши насиҳатлар беряпсан, аммо бахтга қарши мен уларни қабул қила олмайман. Ўлишга маҳкум бўлган одам ҳатто мангулик шарбати ичса ҳам, унга бу шарбат, нектар таъсир қилмайди. Мен сенинг насиҳатларинг қадрини яхши тушунаман.

Бахтга қарши, худди осмонда чакнаган яшин қўзғалмас булутда сақланиб қололмагани сингари, улар менинг безовта ақлимдан жой ололмайдилар. Мен фақат шуни яхши биламанки, олий кучларнинг муқаррар ҳаракатини ҳеч ким тўхтатиб қолишга қодир эмас. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна Ер юзининг ҳаддан ошиб кетган мусибатини енгиллатиш учун Ўадавалар сулоласида дунёга келганини мен яхши биламан".

Дхритараштра Акрурага Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнага бутунлай ишонишини билдириб қўйди. Айни пайтда у ўзининг оила аъзоларига каттиқ боғланиб қолган эди. Яқин кунларда Кришна унинг барча оила аъзоларини яқсон қилади, ноилож қолган Дхритараштра Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топади. Ўзининг бхактасига чексиз марҳамат кўрсатиб, Кришна бу дунёда боғланиб қолган ҳамма нарсасидан уни бутунлай жудо қилади. Шу тариқа Парвардигор Ўз бхактасини моддий жихатдан ночор аҳволга солиб қўяди, шунда бхактанинг Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига мурожаат қилишдан бошқа бирор чораси қолмайди. Курукшетра жанг майдонида бўлиб ўтган қирғинбарот уруш тугагандан кейин Дхритараштра ҳам ана шундай аҳволга тушиб қолган эди.

Атрофида икки қарама-қарши кучлар ҳаракат қилаётганини Дхритараштра яхши биларди. Кришна ер юзига оғирлик қилаётган ортиқча мусибатни яқсон қилиш учун келганини у тушунар эди. Унинг ўғиллари ерга оғирлик қилиб турган ана шу мусибат тимсоли эдилар, шу боис у уларнинг ҳалокатга учрашини кутарди. Айни пайтда у ўз ўғилларига бўлган боғланиш туйғусидан ҳам халос бўлолмасди. Бир-бирига рақиб бўлиб турган бу икки қарама-қарши кучни ҳис қилган ҳолда у Худонинг Олий Шахсига эҳтиром билан таъзим қилиб, илтижо қила бошлади: "Моддий тирикчиликнинг қарама-қарши йўллари тушуниш жуда қийин; уларни фақат Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида бу моддий оламни яратадиган ва унинг ичига кириб, моддий табиат гуналарини ҳаракатга келтирадиган Парвардигорнинг режаларининг амалга ошиши сифатида қабул қилиш мумкин. Ҳамма нарса яратилиб бўлгандан кейин У ҳар бир тирик мавжудот, ҳар бир атом ичига қиради. Парвардигорнинг англаб бўлмас ишларини ҳеч ким тушуна олмайди".

Бу гапларни тинглаб туриб Акрура Дхритараштра ўз ўғилларининг фойдасини ўйлаб, Пандузодаларни четлаштиришни асло бас қилмоқчи эмаслигини аниқ тушуниб олди. Шундан сўнг у Хастинапурдаги дўстларини тарк этдида, ўз ватанига, Ўадавалар салтанатига

кайтиб кетди. Бу ерга келиб у Парвардигор Кришна ва Балорамга Хастинапурдаги вазиятни, Дхритараштранинг ниятларини хаяжонланиб тасвираб берди. Кришна Акрурани Хастинапурга сиёсий вазиятни аниқлаб келиш учун юборган эди. Парвардигорнинг марҳамати билан Акрура бунинг уддасидан чиқди ва Кришнага у ердаги вазиятни батафсил таърифлаб берди.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Дхритараштранинг ёвузлиги" деб аталадиган  
қирқ саккизинчи бобига Бхактиведантининг  
изоҳлари шундай яқунланади.*

#### **49. Кришна Дварака деган қўрғон қуради.**

Камса ўлгандан кейин унинг икки хотини бева бўлиб қолди. Ведалар маданияти асосида яшаётган жамиятда аёл киши ҳеч қачон ўз ҳолига ташлаб қўйилмаслиги керак. Аёлниинг ҳаётини уч даврга бўлиш мумкин: қиз бола ёшлик даврида отасининг ғамхўрлиги остида вояга етади, кейинчалик у эрининг қўли остида яшайди, агар эри ўлса, у ўзининг тўнғич ўғлининг ғамхўрлиги остида яшаши лозим, агар унинг вояга етган ўғиллари бўлмаса - у отасининг олдига қайтиб келиб, унинг ғамхўрлиги остида бева бўлиб яшаши лозим. Камсаниннг катта ўғил фарзандлари йўқ бўлса керак. Бева бўлиб қолгандан кейин унинг хотинлари оталарининг уйига қайтиб келдилар. Камсаниннг икки маликаси бор эди - Асти ва Прапти, уларнинг иккови ҳам Бихар вилоятининг ҳукмдори, шоҳ Жарасандханиннг қизлари эди. Ҳозир бу вилоят Магадхараджа деб аталади. Маликалар отасининг уйига келиб, унга эрлари Камса ҳалок бўлгандан кейин қандай қийин аҳволга тушиб қолганини гапириб бердилар. Магадха шоҳи Жарасандха қизларининг бундай аянчли аҳволга тушиб қолганини кўриб даҳшатдан юзлари оқариб кетди. Камсаниннг ҳалокатга учраганини эшитган захоти Жарасандха Йадавдалар сулоласини бутунлай ер билан яксон қилишга аҳд қилди. Унинг фикрича, Кришна Камсани ўлдиргани учун бутун Йадавдалар сулоласи ер билан яксон бўлиши керак эди.

У Матхура салтанатига кўп минглаган жанг-аравалардан, отликлардан, филлардан ва пиёда аскарлардан иборат бўлган ўзининг сон-саноксиз ҳарбий қўшини билан бостириб боришга ҳозирлик кўра бошлади. Камсаниннг ҳалокати учун қасос олиш ниятида Жарасандха ана шундай кўп сонли ҳарбий қўшиндан ўн учтасини тайёрлади. Ўзининг бутун ҳарбий

қувватини тўплаб у Йадавдалар салтанатининг пойтахти Матхурани ҳар томондан ўраб олиб ҳужум қилди. Оддий инсон қиёфасида ер юзига ташриф буюрган Парвардигор Кришна Жарасандханиннг худди қирғоқдан тошиб кетишга шайланиб турган чексиз уммондай сон-саноксиз қўшинини кўрди. У Матхура аҳолиси бундан қаттиқ хавотирга тушганини ҳам тушунди. У Ўзининг бу дунёга қандай вазифани амалга ошириш учун ташриф буюргани ҳақида, шунингдек ҳозир юзага келган вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида ўйлай бошлади. Унинг Ер сайёрасига ташриф буюришдан мақсади Ерга оғирлик қилаётган аҳоли сонини кескин камайтиришдан иборат эди; шунинг учун у жанг араваларда, филлар ва отларда жанг қилишга келган мана шу кўп сонли аскарлар қўшини билан жанг қилиш имкониятидан фойдаланди. Жарасандха ўзининг бутун ҳарбий қувватини тўплаб Кришнаниннг олдида турарди, шунинг учун У Жарасандха қайтиб бориб яна қўшин тўплаб келиши учун унинг бутун қўшинини яксон қилишга қарор қилди.

Парвардигор Кришна шундай ўйларга берилган захоти самодан жиловдори билан бирга, зарур қуроллари, тепасида байроғи ва бошқа анжомлари билан жиҳозланган икки жанг араваси Унинг олдида пайдо бўлди. Олдида пайдо бўлган бу икки жанг аравасини кўриб, Кришна ёнида турган акаси Санкаршанага, яъни Балорамга мурожаат қилди. "Эй Акажон, эй арийларр ичида аълоси, Сен бутун олам ҳукмдорисан, Сен Йадавдалар сулоласига алоҳида ғамхўрлик қиласан. Ҳозир Йадавдалар сулоласи Жарасандханиннг жангчилари уларга қандай таҳдид солаётганини билиб қаттиқ хавотирга тушяптилар. Мана Сениннг қурол-аслаҳа тўла жанг араванг ҳам етиб келди, Сен энди уларни бу ҳалокатдан бемалол ҳимоя қилишинг мумкин. Мен Сендан мана шу жанг аравасига чиқиб бу жангчиларни ер билан яксон қилишни, душманнинг бутун қўшинини қириб ташлашни илтимос қиламан. Ахир Бизлар иккимиз ҳам Ер сайёрасини унга оғир бир дард бўлиб турган барча ҳарбий қўшинлардан халос этиш ҳамда такводор бхакталарни ҳимоя қилиш учун бу дунёга ташриф буюрганмиз-ку. Ҳозир ана шу вазифамизни адо этиш имконияти пайдо бўлди. Уни бажаришга киришайлик!" Шундай қилиб, Дашарха авлодидан бўлган Кришна билан Балорам Жарасандханиннг ўн учта қўшинини яксон қилиб ташлашга қарор қилдиларр.

Кришна Дарука жиловдорлик қилаётган жанг аравасига чиқди, ёнига озгина қўшин олиб, жангвор сурлар овози остида Матхура шаҳридан чиқди. Шуниси ҳайратланарлики, гарчи душман қўшинининг сон-саногги бўлмаса ҳам, Кришнаниннг жангвор сурининг овозини

эшитган захоти уларнинг юрагига каттик гулгула туша бошлади. Жарасандха Кришна билан Балорамни кўрганида Уларга жуда ачиниб кетгандай бўлди, чунки Улар унинг неваралари қаторида эди. У атайлаб Кришнага *Пурушадхама*, яъни "Одамлар ичида энг пасткаши" деб мурожаат қилди. Аслини олганда барча Ведавий мукаддас китобларда Кришна *Пурушоттама*, яъни "Инсонлар ичида энг аълоси" деб таърифланган. Жарасандханинг Кришнага Пурушоттама деб мурожаат қилиш нияти йўқ эди, аммо машҳур олимлар Пурушадхама иборасининг ҳақиқий маъносини аниқладилар, унинг маъноси "ёнида бошқа барча зотлар арзимас бўлиб кўринадиган Зот" деганни англатади. Ҳақиқатан ҳам, ҳеч ким Худонинг Олий Шахсига тенг ёки Ундан устун бўла олмайди.

Жарасандха шундай деди: "Бу ёш ўспиринлар, яъни Кришна ва Балорам билан жанг қилиш ҳаётимда қилган энг виждонсиз, энг ноҳақ ишим бўлади". Кришна тоғаси Камсани ўлдиргани учун, Жарасандха ҳозир атайлаб Унга "Ўз қариндошларини вайрон қилувчи Зот" деб мурожаат қиларди. Камса ўзининг шунча қариндошларини ўлдирган эди, аммо Жарасандха бунга эътиборга олмасди. Кришна Ўзининг тоғаси Камсани ўлдиргани учун у дарров бунда Кришнани айблаб бошлади. Одатда иблислар ҳамиша шундай йўл тутадилар. Улар ўзлари қилаётган катта гуноҳни кўрмайдилар, аммо бошқаларнинг қилган арзимас гуноҳини албатта ахтариб топадилар. Жарасандха Кришна аслида кшатрий эмаслигини айтиб ҳам Унинг устидан куларди. Нанда Махараж тарбиялагани учун Кришна кшатрий эмас, вайшйалардан ҳисобланарди. Вайшйаларни одатда *гупта* деб айтадилар. Гупта иборанинг маъноси баъзида "яширинган" деган маънони ҳам англатади. Кришнани Нанда Махараж ҳам яшириб қўйган, ҳам тарбиялаган эди. Жарасандха ҳозир Кришнага уч айб қўйиб қораларди: Кришна Ўз тоғасини ўлдиргани учун; Уни ёшлигида яшириб қўйганлари учун; ҳатто кшатрий бўлмагани учун. Шунинг учун ҳам Жарасандха Улар билан жанг қилишни ўзи учун ноҳақ, виждонсиз иш деб ҳисобларди.

Кейин у Балорам тарафга қараб, Унга шундай гаплар билан мурожаат қилди: "Ҳой Сен, Балорам! Агар истасанг У билан бирга жанг қилишинг мумкин, агар сабринг чидаса, менинг пайконларим Сени ўлдиргунча кутиб туришинг мумкин! Шунда Сен арши-аълога кўтарила оласан!" "Бхагавад Гита"да айтилганки, жанг қилаётган кшатрий учун икки йўл бор бўлиб, бу йўлларнинг иккиси ҳам кшатрий учун фойдали бўлади. Агар кшатрий жангда ғалаба қозонса, у

ғалаба натижасидан лаззатланиб яшайди, агар жангда ҳалок бўлса, жаннатга кўтарилади.

Жарасандханинг гапларини тинглаб туриб, Кришна шундай деди: "Эй ҳурматли шох Жарасандха, қаҳрамонлар кўп гапирмайдилар. Улар жасоратини жангда кўрсатадилар. Кўп гап сотиб турганингга қараганда бу жангда ҳалок бўлишингга ишончинг қомилга ўхшайди. Бизлар сенинг гапларингни тинглаб ўтиришни истамаймиз, чунки ажали етиб турган ёки каттик мусибатга тушган одамларнинг гапини тинглашнинг ҳеч қандай фойдаси бўлмайди". Жарасандха Кришна билан жанг қилиш учун Уни ҳамма томондан қудратли қўшин билан ўраб олди. Худди баъзан қуёшни йўлда кўтарилган чанг ёки булутлар тўсиб қўйганидай, олий қуёш бўлган Кришна ҳам Жарасандханинг сон-саноксиз жангчилари орасида бир пас кўзга кўринмай қолди. Кришна ва Балорамнинг жанг араваларига қистирилган байроқда Гаруда ва палрма дарахтининг сурати бор эди. Матхуранинг барча аёллари бу ғаройиб жангни томоша қилиш учун уйлариининг ва саройининг томларига ёки дарвозаларига чиқиб олган эдилар, аммо Жарасандханинг қўшини Кришнани ҳар томондан ўраб олиб уларнинг кўзига кўрсатмай қўйганида, аёллар шу қадар кўркиб кетдиларки, уларнинг баъзилари ҳушидан кетиб қолдилар. Жарасандханинг қўшини Ўз қўшинидан анча кучли эканини Кришна кўриб турарди. Жарасандханинг қўшини Унинг бир парча жангчиларини ҳар томонлама қисиб кела бошладилар, шунда У Ўзининг Шарнга камонини қўлига олди.

У ўқдонидан бирин-кетин пайконларни олиб, камонга жойлаб, душман томонга ота бошлади. Унинг камонидан чиқаётган узлуксиз пайконлар шу қадар аниқ ва беаёв эдики, орадан сал вақт ўтмай Жарасандха қўшинидаги филлардаги, отлардаги ҳамда пиёда жангчиларнинг ҳаммаси ҳалокатга учрадилар. Кришна йўллаётган тинимсиз пайконлар худди уфуриб турган оловдай Жарасандханинг қудратли қўшинини ямлаб ютиб борарди. Кришнанинг камонлари теккан филларнинг ҳаммаси бирма-бир калласи кесилиб ерга қулай бошлади. Устидаги жангчилари, байроқлари ва жиловдорлари билан бирга жанг аравалари ва отлар ҳам ерга қулардилар. Қўллари, каллалари, оёқлари чопилиб, барча пиёдалар ҳам бирин-кетин ерга қулардилар. Шу тарика минглаб филлар ва отлар ўлдирилган, қон эса дарё бўлиб оқарди. Ана шу қон дарёсида оқиб бораётган чопилган қўллар илонларни, каллалар эса тошбақаларни эслатарди. Филларнинг ўлик таналари кичкина оролчаларни, отларнинг жасадлари эса акулаларни эслатарди. Такдир тақозоси билан ҳар хил жасадларга тўла мана шу

кон дарёси юзага келган эди. Пиёдаларнинг чопилган қўл ва оқлари бу дарёда худди балиқлардай окиб юрарди, уларнинг узилган каллалари эса тўлқинларга ўхшарди. Жангчи ва лашкарбошиларнинг тақинчоқлари эса бу кон дарёси оқизиб бораётган тошларга ўхшаб кетарди.

Санкаршана деб ҳам аталадиган Парвардигор Балорам Ўзининг гурзиси билан шу қадар мохирлик билан жанг қилардики, Кришна юзага келтирган кон дарёси ўз кирғоғидан тошиб кетди. Бу дахшатли манзарани кўрган кўрқоқлар дахшатга тушиб титраб кетдилар, жасур жангчилар эса ўзаро бу икки ака-уканинг жасоратини олқишлардилар. Жарасандханинг чексиз уммондай сон-саноксиз қўшини бор эди, шу қўшинга қарши Парвардигор Кришна билан Балорам иккиси жанг қилган бўлишига қарамай жанг ғайритабиий равишда дахшатли қирғинбарот жангга айланган эди. Оддий одамлар қандай қилиб бундай бўлиши мумкин эканини тушуна олмайдилар, лекин бундай воқеаларга ҳар нарсага кодир бўлган Худонинг Олий Шахсининг эрмаклари сифатида қаралса, ҳаммасини осон тушуниб олиш мумкин. Худонинг Олий Шахси Ўзининг шунчаки бир истаги, хоҳиши билан бутун борликни яратади, оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради, вақти келганда эса уни яқсон қилади. Душман билан олишганда Унинг учун бундай дахшатли қирғинбарот жанглар олиб бориш ҳеч гап эмас. Шунга қарамай, Кришна билан Балорам Жарасандхага қарши оддий одамлар сифатида жанг қилгани сабабли бўлиб ўтган бу воқеаларнинг ҳаммаси ғайритабиийдай бўлиб кўринарди.

Жарасандханинг ҳамма жангчилари ҳалокатга учраб, фақат унинг биргина ўзи тирик қолгандан кейин, Жарасандха қаттиқ ташвишга тушиб, типирчилаб қолган эди. Худди бир арслон катта куч билан иккинчи арслонни ушлаб олгандай, Шри Балорам шу заҳотиёқ уни ушлаб олди. Парвардигор Балорам Жарасандхани Варуна арқонлари ва оддий арқонлар билан кишанлар экан, Парвардигор Кришна қалбида қандайдир бир амалларни режалаштириб, Парвардигор Балорамдан унипг оёқ-қўлларини боғламасликни, асир олмасликни илтимос қилди. Шоҳ жасоратли жангчи бўлгани сабабли қаттиқ ҳижолатда тушган, энди шоҳлик қилмасликка, тахтдан воз кечиб, ўрмонга бориб қаттиқ тавба-тазарруга берилиб, риёзат чекиб яшашга қарор қиламан, деб ўйларди.

Аммо, у ўзининг дўстлари бўлган бошқа шоҳлар билан уйига қайтиб келаётганида, улар унга тахтдан воз кечмасликни, яна қўшин тўплаб Кришна билан яна жанг қилишни маслаҳат

бердилар. Жарасандханинг яқин дўстлари бўлган шоҳлар одатдагидай шароитларда у ҳеч қачон Йадава шоҳлари билан бўлган жангда мағлубиятга учрамаган бўлишини, бу мағлубият эса шунчаки бу гал унга омад кулиб боқмагани сабабли юз берганини айтдилар. Шу тарика бошқа шоҳлар Жэарасандхани яна жанг қилишга ундар, у қахрамонларча жасорат билан жанг қилганини айтиб, уни бу тасодифан рўй берган мағлубиятга унчалик эътибор бермасликка, бу шунчаки аввалги хатоликларнинг оқибати эканига ишонтиришга уринардилар, ахир у жангда бенуқсон жасорат билан жанг қилгани аниқ-ку.

Шундай қилиб, ўзининг бутун қўшинидан айрилган, аввалига асир олиниб ҳақоратланган, кейинчалик эса қўйиб юборилган Магадха вилоятининг шоҳи яна ўз салтанатига қайтиб келишдан бошқа чораси қолмади. Парвардигор Кришна шу тарика Жарасандха қўшинини тор-мор қилди. Гарчи Жарасандханинг қўшинига қараганда Кришнанинг қўшини жуда оз бўлса ҳам, жангда У ўз жангчиларидан бирортасини ҳам йўқотмади, аксинча Жарасандха Жарасандханинг бутун қўшини қирилиб кетган эди.

Жаннатдаги фаришталарнинг ҳаммаси ҳайратга тушдилар, Парвардигорга ўзларининг ҳурмат-эҳтиромини изхор этиб, улар Уни олқишлаб қўшиқлар куйлаб, ерга гуллар ёмғирини ёғдирдилар. Улар Кришнанинг бу ғаройиб ғалабасидан ҳайратга тушиб жуда қувониб кетган эдилар. Жарасандха ўз салтанатига қайтиб кетган, Матхура шаҳри эса душманнинг муқаррар ҳужум қилиши хавфидан халос бўлган эди. Матхура аҳолиси *сута* ва магадхалар сингари ажойиб уста созандаларни, ажойиб шеърлар тўқий оладиган шоирларни тўпладилар. Улар Парвардигор Кришнанинг ғалабасини олқишлар қўшиқ куйлай бошладилар. Жангда ғалаба қилиб Парвардигор Кришна шаҳарга кириб келганида карнай, най, сур барабан ва бхерйа, турйа, вина, най, мриданга сингари бошқа мусиқа асбобларининг овозлари янграб, уларнинг ҳаммаси биргаликда жўр бўлиб ғалаба шарафига куйлар чалина бошлади. Кришна шаҳарга кириб келаман деганча шаҳарнинг ҳамма жойини байрамона безадилар. Ҳамма кўча ва йўлларга сув сепдилар, хурсандчилиги ичига сиғмай кетган шаҳар аҳолиси уйларини ва пештоқларини байроқчалар ва гулчамбарлар билан безадилар. Брахманлар ведавий мантралар тиловат қилардилар. Шаҳар аҳолиси чорраҳаларни, дарвозаларни, йўлак ва кўчаларни безадилар. Парвардигор Кришна чиройли безатилган, байрамона кайфият ҳукмрон бўлган шаҳарга кириб келганида, маросим яна ҳам қувончлироқ

бўлиши учун Матхуранинг киз-жувонлар Уни кўплаган гулчамбарлар билан кутиб турардилар. Ведавий уррф-одатларга кўра улар байрам яна ҳам кувончли, яна ҳам файзлироқ бўлиши учун қатик билан янги яшил майсаларни аралаштириб ҳамма жойга сепа бошладилар. Кришна шаҳар кўчаларидан ўтиб борар экан, шаҳарнинг ҳамма киз-жувонлари ўзларининг чексиз меҳр барқ уриб турган порлоқ нигоҳлари билан Унга жилмайиб қараб турардилар. Кришна билан Балорам жанг майдонидан авайлаб тўпланган турли хил тақинчоқлар, қимматбаҳо маржонлар ва бошқа ўлжалар олиб келардилар. Буларнинг ҳаммасини улар шоҳ Уграсенага ҳадя қилдилар. Шу тариқа Кришна бобосига Ўзининг ҳурмат-эҳтиромини изҳор этганди, чунки шоҳ Уграсена ўша пайтда Йадавалар сулоласининг ҳукмдори эди.

Магадха шоҳи Жарасандха Матхура шаҳрини бир эмас, ўн етти марта қамал қилиб, ҳар гал бир хил сонли катта қўшин билан ҳужум уюштирди. Ҳар гал у мағлуб бўлиб кетар, Кришна унинг ҳамма қўшинини қириб ташлар, у эса яна ҳафсаласи пир бўлиб уйига қайтарди. Ҳар гал Йадаваларнинг ҳукмрон зотлари уни асир олар, яна ҳақоратларга кўмиб қўйиб юборар, ҳар гал Жарасандха уят, ор-номус деган нарсаларни эсдан чиқариб яна уйига қайтарди.

Жарасандха ўн саккизинчи марта шаҳарга юриш қилганида Йадавалар сулоласининг бойлигига кўз олайтириб, Матхурадан жануброқда яшайдиган Йаванлар шоҳи ҳам шаҳарга юриш қилди. Маълумки Йаванлар шоҳи Калайаванага Матхурага юриш қилишни Нарада Муни маслаҳат берган эди. Бу воқеа ҳақида "Вишну-пурана"да ёзилган. Кунларнинг бирида унинг қайниси Йадавалар сулоласининг руҳий устози бўлган Гаргамуни устидан кулиб мазахлаган эди. Йадавалар сулоласининг шоҳлари бу ҳақда эшитганида, улар ҳам унинг устидан кулган эдилар, шунда Гаргамуни уларнинг бу одобсизлигидан қаттиқ ғазабланган эди. У Йадавалар сулоласи учун жуда хатарли бўлган бир зурёдни дунёга келтиришга қарор қилган эди. Шу ниятда у Тангри Шивани мамнун қилиб, ундан ўғил фарзанд кўришга фотиҳа олган эди. Йаванлар шоҳининг хотини унга шу ўғил Калайаванани туғиб берган эди. Ана шу Калайавана Нарада Мунидан сўради: "Жаҳонда энг қудратли шоҳлар кимлар бўлади?" Нарада Муни унга жаҳонда энг қудратли шоҳлар Йадавалар бўлишини айтганди. Буни эшитгандан кейин, Жарасандха шаҳарга ўн саккизинчи марта ҳужум қилаётган пайтда Калайавана ҳам шаҳарга ҳужум қилди. Калайавана бутун олам ҳукмдорларига эълон қилиб ўзига муносиб рақиб излаб топиш иштиёқида ёниб юрарди, аммо шундай шохни

тополмай юрарди. Лекин Нарада Мунидан Матхура ҳақида эшитиб, ўзининг ўттиз миллион аскарлик йаванлар қўшини билан унга ҳужум қилиб, шаҳарни кўлга киритишга қарор қилди. Калайавана шаҳарга ҳужум қилганида Парвардигор Шри Кришна Балорам билан маслаҳатлашиб, бу икки буюк қудратли душман - Жарасандха ва Калайавананинг биргаликда ҳужум қилиши Йадавалар сулоласига қанчалик хатарли эканини ўйлаб кўрди. Кутиб ўтиришга вақт йўқ эди. Калайавана аллақачон шаҳарни ҳар томондан қамал қилиб олган эди. Эртаси куни аввалги ўн еттинчи мартадагига қараганда анча катта қўшин билан Жарасандха ҳам келиши керак эди. Калайавана шаҳарни қамал қилиб турганида Жарасандха албатта Матхурани босиб олиш имкониятидан фойдаланишига Кришнанинг ишончи комил эди. Шунинг учун Кришна эҳтиёткорлик чорасини кўриб, ҳар эҳтимолга қарши шаҳарнинг душман биринчи навбатда олишга ҳаракат қиладиган жойларини ҳимоя қилишга қарор қилди. Агар Кришнага қарши бир жойда Калайавана жанг қилса, Жарасандха Улардан қасос олиш учун бошқа тарафдан бутун Йадавалар сулоласига ҳужум қилиши мумкин. Жарасандха жуда қудратли шоҳ эди, ўн етти марта мағлубиятга учрагани сабабли қасос ўтида ёниб у Йадаваларнинг ҳаммасини қириб ташлаши ёки асир олиб ўз салтанатига олиб кетиши мумкин. Шунинг учун Кришна бирор икки оёқли мавжудот - хоҳ иблис, хоҳ одам боласи бора олмайдиган жойда катта бир кўрғон қуришга қарор қилди. У душман билан бемалол жанг қила олиши учун Ўзининг қариндошларини шу кўрғон ичига яшириб қўйишга қарор қилди. Ўша пайтларда Дварака Матхура салтанатининг бир қисми бўлган бўлса керак, чунки "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Парвардигор Кришна бу кўрғонни денгиз ичида қурган. Кришна қурган ўша кўрғоннинг қолдиқ харобалари Дварака кўрфазида ҳозиргача сақланиб қолган.

Энг аввало У денгиздан кўтарилиб турадиган ва узунига ўн икки йоджан, энига ўн икки йоджан жойни ўраб турадиган катта девор қурди. Бу ғаройиб кўрғонни фаришталарнинг меъмори Вишвакарманинг ўзи режалаштириб қурди. Бирор оддий меъмор бундай кўрғонни денгиз ичида қуришга қодир эмасди, аммо фаришталарнинг меъмори бўлган Вишвакарма коинотнинг истаган жойида ўзининг ғайритабиий санъатини намойиш этишга қодир. Парвардигорнинг қудрати билан катта-катта сайёралар осмонда бемалол сузиб юргандан кейин, албатта денгизда узунига ва энига ўн икки йоджан жойни эгаллаган катта бир кўрғон қуриш мутлақо ғайритабиий нарса эмасди.

"Шримад Бхагаватам"да айтилганки, ана шу янги қурилган мустақкам шаҳарда тўғри йўллар, кўчалар жойлашган эди. Шунингдек унда яхши режалаштириб барпо этилган йўлаклар, гулзорлар, *калтаврикиша*, яъни "орзулар дарахти" деб аталадиган дарахтлар ўсиб ётган боғлар бор эди. Бундай дарахтлар моддий оламдаги бошқа оддий дарахтлардан фарқ қилади; улар фақат рухий оламда ўсади. Парвардигор Кришнанинг амри билан ҳар қандай ишни амалга ошириш мумкин, шу боис бундай дарахтлар Кришна қурган шаҳар ичида ҳам ўсиб турарди. Шаҳарда кўплаган саройлар ва *гопур*, яъни "катта дарвоза"лар бор эди. Ана шундай катта гопурлар ҳозиргача баъзи катта эҳромлар олдида сақланиб қолган. Улар жуда баланд қилиб, катта маҳорат ва усталик билан нақшинкор қилиб қурилган эди. Ана шу саройлар ва дарвозалар олдида шарофат келтирадиган аломат сифатида сув тўла олтин кўза(*калаши*)лар турарди.

Саройларнинг деярли ҳаммаси шу қадар баланд эдики, деворлари булутларга тегай теб турарди. Ҳар бир уй остидаги омборларда катта-катта кўзалар тўла олтин, кумуш ва ғалла сақланарди. Ички хоналарда олтиндан ясалган жуда кўп сув идишлар бор эди. Ётоқхоналар олтин безаклар билан безатилган, поллар эса *мараката* деган қимматбаҳо тошдан тўшалган эди. Йадавалар сулоласи сажда қиладиган Парвардигор Вишнунинг муртилари шаҳарнинг ҳар бир хонадонида ўрнатилган эди. Шаҳарда уйлар шу тартибда қурилган эдики, шаҳарнинг ҳар бир табақаси - брахманлар, кшатрийлар, вайшйалар ва шудралар алоҳида ўз табақаси билан биргаликда шаҳарнинг бир қисмида яшарди. Бундан кўриниб турибдики, ўша даврда ҳам жамиятдаги одамлар табақаларга бўлиниб яшаган. Шаҳар ўртасида катта бир ҳашаматли сарой қурилган бўлиб, у бошқалардан ўзининг салобати билан ажралиб турар ва шох Уграсенага мўлжалланган эди.

Фаришталар Парвардигор Кришна Ўзининг дидига мос келадиган қилиб катта шаҳар қурганини кўриб, шаҳар боғларида ўтқазиб учун совға сифатида самовий *париджата* гулини ва *Судҳарма* деган ажойиб мажлислар саройини жўнатдилар. Бу саройнинг ўзига хос хусусияти бор эди: бу саройда ўтадиган мажлисда қатнашган ҳар бир одам кексалик иллатини енга олиш қудратига эга бўларди, яъни ҳеч қачон кексаймасди. Фаришта Варуна хаёл тезлигида уча оладиган ранги оқ, қулоқлари қора бир от совға қилди. Фаришталарнинг хазинабони Кувера совға сифатида сеҳр илмининг саккиз қудратини юборди. Шу тариқа ҳар бир фаришта ўз имкониятига қараб бу шаҳар аҳолисига турли совғалар юбордилар. Ўттиз уч миллион фаришта

бор, уларнинг ҳар бирига коинотнинг маълум бир қисмини бошқариш маъсулияти юклатилган. Фаришталарнинг ҳаммаси Парвардигор Кришнанинг Ўзининг дидига мос келадиган шаҳар қурганидан фойдаланиб, Дварака шаҳрини коинотдаги энг чиройли ва тенгсиз шаҳар қилиш учун бирор совға инъом этиш билан Кришнани мамнун қилишга шошилардилар. Бу шундан далолат берадики, шубҳасиз, сон-саноксиз фаришталар мавжуд, аммо уларнинг ҳаммаси Парвардигор Кришнанинг ҳукми остида ҳаракат қиладилар. "Чайтанья Чаритамрита"да айтилганидай, Кришна Олий Ҳукмдор, қолган ҳамма тирик мавжудотлар - Унинг хизматкорлари. Шунинг учун Парвардигор Кришна мана шу коинотда бўлган пайтда ҳамма фаришталар иложи борича Унга бирор хизмат қилиб қолишга ҳаракат қилардилар. Ҳар бир фаросатли инсон шу фаришталардан ўрнак олиб яшаши лозим, яъни ҳар ким ўз имкониятига қараб Парвардигор Кришнага хизмат қилишга интилиб яшаши керак.

Янги шаҳарни қуриш ниҳоясига етганида, Кришна Ўзининг режаси бўйича Матхуранинг бутун аҳолисини шу ерга олиб ўтди ва Шри Балорамга шаҳарнинг отаси бўлишни топширди. Шундан сўнг У Балорам билан маслаҳатлашиб, нилуфар гулларида ясалган гулчамбар осиб олдида, ҳеч қандай қурол ишлатмасдан Матхурани эгаллаб олган Калайавана билан учрашиш учун шаҳардан чиқди.

Кришна шаҳардан чиққанида, аввал ҳеч қачон Уни кўрмаган Калайавана, сариқ либослар кийиб олган Кришна нақадар чиройли эканини кўриб, қаттиқ ҳайратга тушди. Қатор турган жангчилар сафи олдида ўтиб борар экан, Кришна худди осмондаги қора булатлар тўдасидан ўтиб бораётган ойга ўхшарди. Калайавана Кришнанинг кўксини безаб турган *Шриватса* чизикларини ва *каустубха* маржонини кўриш бахтига муяссар бўлди. Аммо Калайавана Уни тўрт қўлли, кўзлари эндигина очилган нилуфар гулига ўхшаган, қорамтир танаси чиройли Парвардигор Вишну қиёфасида кўриб турарди. Пешонаси кенг, юзи чиройли, қош-кўзлари қулиб ўйнаб турган, сирғалари чайқалиб турган Кришнадан илоҳий лаззат барқ уриб турарди. Калайавана Кришнани кўрмасдан олдин У ҳақида Нарада Мунидан эшитган эди, ҳозир шу ерда Нарада Мунининг айтганлари тўла тасдиқланиб турарди. У Кришнанинг Ўзига хос алоҳида белгиларини, кўксидagi тақинчокларини, Унинг нилуфар гулидан ясалган гулчамбарини, нилуфар гулига ўхшаган кўзларини ва чиройли танасини кўрди. У бу ажойиб Зот албатта Васудева бўлса керак деган қарорга келди; аввал Нарада Мунидан эшитган

гапларининг ҳаммаси у Кришнани кўрганида яққол исботланиб турарди. Калайавана Кришна жанг аравасида эмаслигини, кўлида ҳеч қандай курол йўқлигини, пиёда юриб бораётганини кўриб, жуда ҳайрон бўлди. Калайавана бу ерга Кришна билан жанг қилгани келган эди, аммо кўлига курол олишга журъат қила олмаслик учун унинг одоб-ахлоқи, маданияти етарли даражада нисбатан юқори эди. У Кришна билан кўллари воситасида даҳанаки жанг қилишга қарор қилди.

Аммо Кришна, Калайаванага ҳатто қайрилиб ҳам қарамасдан унинг ёнидан ўтиб кетди, Калайавана эса Уни ушлаб олиш учун изидан қувишга тушди. Лекин шунча тез чопса ҳам у Кришнага сира ета олмасди. Буюк сеҳргар йогларга ўхшаб одам ҳатто ақл тезлигида ҳаракат қила олишга қодир бўлса ҳам Кришнага ета олмайди. Кришнани фақат садоқат билан хизмат қилиш тўрлари билан ушлаш мумкин, Калайавана эса садоқат билан хизмат қилиш нималигини билмасди. У Кришнани ушлаб олмакчи эди, амма бу иш кўлидан келмагани учун Унинг ортидан чопиб борарди.

Калайавана жуда тез чопар ва ўйлаб борарди: "Мана ҳозир етиб оламан, ҳозир Уни ушлаб оламан!" - аммо сира бунинг иложини қилолмасди. Кришна уни узоқ-узоқларга олиб кетди ва бир ғорнинг ичига яширинди. Калайавана Кришна у билан жанг қилишдан қочиб ғорга кириб яширинди деб ўйлади. У Кришнани ҳақорат қила бошлади: "Кришна, мен Сени Йадавлар сулоласида туғилган жасур қахрамон деб эшитган эдим! Аммо ҳозир кўриб турибманки, Сен кўрқоқлик қилиб жанг қилишдан кутулиб қолмакчи бўляпсан! Бу Сенинг обрўйинга, оиланг шаънига тўғри келмайди!" Калайавана бор кучи билан Кришнанинг изидан чопар лекин барибир Кришнани тута олмасди, чунки у хали гуноҳлари оқибатидан покланмаган эди.

Ведалар маданияти асосида яшайдиган жамиятда маданиятли одамлар яъни брахманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва ҳатто оддий ишчилар тўла амал қиладиган диний урф-одатларга, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмайдиган одамларни *млеччха* ёки *йаван* деб атайдилар. Ведалар жамияти шундай тузилганки, ҳатто энг паст табақадаги маданиятли шудра ҳам, самскара маросимлари, покланиш жараёнлари орқали ўтиб, аста-секин энг юқори табақага, брахман мартабасига кўтарила олади. Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, ҳеч ким фақат маълум бир хонадонда туғилгани сабабли *брахман* ёки *млеччха* бўлолмайди; туғилганда ҳамма шудра бўлиб туғилади. Ҳақиқий инсон покланиш жараёнларидан ўтиш орқали брахман даражасига кўтарилиши лозим. Агар у бу қоидага риоя қилмаса, аксинча ҳеч қандай одоб-

ахлоқ қоидаларига риоя қилмасдан тубанликка юз тутса, ундай одамни *млеччха* ёки *йаван* деб атайдилар. Калайавана ана шундай йаванлар тоифасига мансуб бўлган маданиятсиз одам эди. Гуноҳ ишларга ботиб кетгани сабабли у Кришнага ҳатто яқинлаша олмасди. Млеччха ва йаванлар одатда олий табақали инсонлар хазар қилиб, ўзларини четга олиб юрадиган пасткаш, жирканч ишлар билан, айнан: ноқонуний жинсий ҳаёт, гўшт истеъмол қилиш, қимор ўйнаш(ёлғон сўзлаш), маст қилувчи нарсалар истеъмол қилиш билан машғул бўлиб яшайдилар. Ана шундай гуноҳ ишларга булғаниб яшайдиган одам пок Парвардигорга, Кришнага яқинлаша олмайди. "Бхагавад Гита"да ҳам бу ҳақиқат тасдиқланган: фақат ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай покланган киши Худога садоқат билан хизмат қила олади, яъни ҳаётда Кришна онги билан яшай олади.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришна Дварака деган катта қўرғон қуради" деб аталадиган қирқ тўққизинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## 50. Мучукунданинг руҳий озодликка чиқиши

Кришна бирданига иблисининг кўзидан ғойиб бўлиб тоғдаги ғор ичига кириб кетганида, Калайавана ҳар хил ҳақоратлар билан сўкиб, Унинг изидан эргашиб борарди. Ғор ичига кирганида Калайаваннинг дуч келган биринчи нарсаси шу ерда ухлаб ётган бир одам эди. Калайавана Кришна билан жанг қилишга шунчалик интилар эдики, Кришнанинг ўрнида ерда ётган одамни учратганида у ғорда ухлаб ётган бу одам Кришна бўлса керак деб ўйлади. У ўзининг жисмоний кучи билан жуда мағрурланарди, шу боис "Кришна мен билан жанг қилишдан қочиб кутулмакчи, шекилли" деб ўйларди. Шу боис у "Кришна бўлса керак деб ўйлаб", ухлаб ётган одамга зарб билан қаттиқ бир тепки туширди. У одам эса бу ерда жуда кўп замонлардан бери ухлаб ётган эди. Калайавананинг кучли тепкиси уни уйқудан уйғотиб юборди, у шу заҳотиёқ кўзини очиб, нималар бўлаётганини тушуна олмай, ҳар тарафга аланглаб қарай бошлади. Ниҳоят унинг уйқусираган кўзлари ёнгинасида турган Калайаванага тушди. Бу одамни уйқусидан бевақт уйғотиб юборгандилар, шу боис у ҳозир қаттиқ ғазабланиб турарди. У ғазабдан ёниб турган кўзларини Калайаванага қаратганида, кўзларидан даҳшатли олов учқунлари отилиб



чикди-да, иблис Калайаванани бир зумда бир сикимга кулга айлантриб ташлади.

Махараж Парикшит Калайавананинг ёниб бир қисм кулга айлангани ҳақида эшитганида, Шукадева Госвамидан бу ухлаб ётган одам ким эканини, нимага у бу ерда ухлаб ётганини сўради. У ўзинниг бир нигоҳи билан Калайаванани ёндириб бир қисим кулга айлантриб юборишга қодир бўлган қудратга қандай эришган? Қандай қилиб у узоқ тоғдаги бу ғорга келиб қолган? У Шукадева Госвамига кўп саволлар берди, Шукадева Госвами унинг саволларига батафсил жавоб бера бошлади: "Эй азиз шох, бу одам шавкатли шох Икшваку сулоласига мансуб шохлардан бири эди. У Парвардигор Рамачандра дунёга келган ана шу сулолада бу дунёга Мандхата деган машхур шохнинг қудратли ўғли бўлиб келган эди. Бу одам ҳам буюк рухлардан бўлиб, одамлар уни Мучукунда деган ном билан танир эдилар. Мучукунда ведавий маданиятга хос бўлган брахманларнинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб яшайдиган, ҳамиша ўз сўзининг устидан чиқадиган зотлардан эди. У шунчалик қудратга эга эдики, ҳатто Индра сингари буюк фаришталар ҳам ундан иблисларга қарши жангларда ёрдам беришини илтимос қиларди. Шу тариқа у кўп марта фаришталарни ҳимоя қилиб иблисларга қарши жанг қилган эди".

Фаришталарнинг лашкарбошиси Карттикея Мучукунданинг ибилсларга қарши жангларда жасорат билан иштирок этганидан жуда мамнун бўлганди. Бир куни Карттикея шунча вақт иблислар билан жанг олиб борган Мучукундадан жангни тўхатиб дам олишни, ҳордиқ чиқаришни илтимос қилди. У шох Мучукундага шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Эй ҳурматли шох, сен фаришталарга хизмат қилиш учун ҳамма нарсангни қурблон қилдинг. Сенинг ҳеч қандай рақиб раҳна сололмайдиган ажойиб салтанатинг бор эди. Сен ана шу салтанатдан воз кечдинг, мол-дунёнгни, давлатингни тарк этдинг, ҳеч қачон ўз нафсинг, обрўйинг ҳақида қайғурмадинг. Салтанатингни тарк этиб, фаришталар томонида туриб шунча вақтдан бери иблисларга қарши жанг қилиб юрган пайтингда, сенинг маликанг, болаларинг, қариндошларинг ва маслаҳатчиларинг аллақачон бу дунёни тарк этдилар. Ўлимга маҳкум бўлган одамларни Замона зайли кўп қуттириб қўймайди. Агар сен ҳозир дам олиб ҳордиқ чиқариш учун уйингга қайтиб бормоқчи бўлсанг, у ерда қариндошларингдан ҳеч кимни тирик тополмайсан. Замона зайли бешафқат: барча қариндошларинг ёшини яшаб, аллақачон оламдан ўтиб кетдилар. Вақт, замон жуда қудратли ва кучли, чунки у - Худонинг Олий Шахсининг бу дунёда намоён бўлган

қўринишларидан биридир. Замон бу дунёдаги энг қудратли зотдан ҳам қудратлироқ. Замона зайли билан билинмасдан ҳар хил ўзгаришлар юзага келиб туради. Унинг ҳаракатини ҳеч ким тўхтатишга қодир эмас. Худди ҳайвонларни қўлга ўргатувчи одам уларни ўз истаги билан ҳар хил қўйга солгани сингари, Замона зайли ҳам ўз ихтиёри билан ҳар хил нарсаларга таъсир қилиб туради. Замона зайли билан рўй берадиган ишларни ҳеч ким ўзгартира олмайди".

Мучукундага шундай гапларни айтиб, фаришталар унинг руҳий озодликка чиқишдан бошқа ҳар қандай истагини рўёбга чиқаришга тайёрлигини айтдилар. Бирор тирик мавжудот ҳеч кимга руҳий озодликка чиқаришни ваъда беролмайди. Бу фақат Худонинг Олий Шахсининг, ягона Парвардигор Кришнанинг ҳукми остидаги амаллардан ҳисобланади. Шунинг учун Парвардигор Вишну, яъни Парвардигор Кришнанинг номларидан бири Мукунда, яъни "руҳий озодликка чиқарадиган Зот".

Шох Мучукунда узоқ вақтлардан бери сира ухламаган эди. У ухламасдан иблислар билан бетиним жанг олиб борган, шу боис қаттиқ чарчаган эди. Фаришталар истаган нарсасини сўрашни таклиф қилганида у фақат мириқиб ухлашни, уйкуга тўйиб олишни ўйлаб турган эди. У фаришталарга жундай деб жавоб берди: "Азизим Карттикея, эй фаришталар аълоси, мен ҳозир тўйиб ухлаб олишни истайман, мен сендан фақат шуни тилайман: сен менга ким уйқумни бузса, ҳали мен уйкуга тўймай туриб мени уйғотган ўша одамни бир қарашда ёкиб кул қилиб юбориш қудратини ато эт! Илтимос, менга шундай деб фотиҳа бер!" Фаришта унга шундай қудрат ато этди ва унга албатта тўйиб ухлаб оласан деб ваъда берди. Кейин шох Мучукунда узоқ тоғдаги ана шу ғорга йўл олди.

Карттикеянинг берган дуосининг кучи билан Калайавана Мучукунданинг ғазабли бир нигоҳи таъсири остида ёниб бир қисим кулга айланган эди. Ана шу воқеалар бўлиб ўтгандан кейин Мучукунданинг олдида Кришна пайдо бўлди. Аслида Кришна шох Мучукундани бундай қийин шароитда ухлаб ётишдан уйғотиш учун шу ерга келган эди, аммо У дарров унинг олдида бормасдан, биринчи бўлиб унинг олдида Калайавана боришини уюштирганди. Худонинг Олий Шахси ҳамиша шундай иш тутади. У бирор ишни режалаштирганда бирйўла бир неча мақсадларни амалга оширади. У ғорда ухлаб ётган шох Мучукундани уйқудан уйғотмоқчи, айна пайтда Матхурага бостириб келган Калайаванани ўлдирмоқчи эди. У шундай йўл тутдики, бир вақтнинг ўзида икки мақсадни ҳам амалга оширишга муваффақ бўлди.

Парвардигор Кришна Мучукунданинг олдида сариқ либосда, кўксида *шириватса* белгиси, бўйнини бежаб турган *каустубха-мани* гавхартоши билан пайдо бўлди. Кришна унниг олдида тўрт қўлли, тиззаларигача тушиб турган чиройли *вайджайанти* гулчамбар осиб олган *вишну-мурти* киёфасида пайдо бўлганди. Ундан ғаройиб бир илоҳий нур таралиб турарди, юзида эса мафтункор табассум ўйнар, қулоғига қимматбаҳо тошлардан нақш қўйилган чиройли сирға чайқалиб турарди. Кришнанинг илоҳий гўзаллигини инсон англай олмайди, ҳатто тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. У Мучукунданинг олдида шундай ғаройиб гўзал киёфада пайдо бўлиб, шоҳнинг ақлини лол қолдириб унга Ўзининг улуғвор нигоҳини тикиб кулиб турарди. Гарчи У энг қадимий Парвардигор, Худонинг азалий Олий Шахси бўлишига қарамай У ҳозир ҳам жуда ёш, навкирон эди, Унинг ҳаракатлари ёввойи оҳунинг эркин ҳаракатларини эслатарди. У ғайритабиий равишда кучли кўринарди; Парвардигор шу қадар қудратли Зотки, ҳар бир фаросатли инсон Унинг қудратидан кўркиши лозим.

Мучукунда Парвардигор Кришнанинг ғаройиб жамолига кўзи тушганида Унинг кимлигини билиб олмоқчи бўлди ва камтарин ҳолда Унга мурожаат қила бошлади: "Эй Хукмдорим, қандай қилиб Сен тоғдаги бу ғорга келиб қолганинг ҳақида сўрасам бўладими? Сен кимсан? Пойи қадамларинг нилуфар гулининг нозик баргларига ўхшадини кўриб турибман. Ҳар хил тиканаклар, турли тўсиқлар тўлиб ётган бу ўрмондан Сен қандай қилиб ўтиб келдинг? Мен бундан жуда ҳайрон бўляпман. Мабодо қудратли зотларнинг энг қудратлиси бўлган Худонинг Олий Шахси Сен эмасмисан? Бутун олов ва ёруғликнинг ягона манбаи Сен эмасмисан? Ёки мен Сени қуёш фариштаси, Ой фариштаси, ёки осмон шоҳи Индра сингари қудратли фаришталарнинг биттаси деб қабул қилишим керакми? Балки Сен - бошқа бирор сайёранинг ҳукмдори бўлган Илоҳдирсан?"

Ҳар бир олий сайёралар тизимини бошқарувчи фаришта бўлишини Мучукунда яхши биларди. У фақат мана шу ер сайёрасидагина ҳаёт бор, бошқа сайёраларда ҳаёт йўқ деб ҳисоблайдиган ҳозирги одамлардай ғофиллик ботқоғига ботган инсон эмасди. Ўзи билмайдиган бошқа бир сайёранинг ҳукмдори бўлган бирор фаришта эмасмисан деб берган саволи Мучукунданинг илм даражасига тўла мос келарди. Парвардигорнинг соф бхактаси бўлган ҳолда, олдида Ўзининг бутун улуғворлиги, гўзаллиги билан пайдо бўлиб турган Парвардигор Кришна моддий оламдаги бирор сайёранинг ҳукмдори бўлган фаришта бўлиши

мумкин эмаслигини шоҳ Мучукунда яхши биларди. У ҳақиқатан ҳам Худонинг Олий Шахси, Ўзининг жуда кўплаган Вишну киёфаларига эга бўлган Парвардигор Кришна бўлиши керак. Шунинг учун Мучукунда Уни Пурушоттама, Парвардигор Вишну деб ҳисоблади. Яна у шуни сездики, Парвардигор шу ерда тургани сабабли ғордаги қоронғу зулмат бутунлай тарқаб кетган эди; шунинг учун бу Зот Худонинг Олий Шахсидан бошқа ҳеч ким эмас. Мучукунда жуда яхши билардики, Парвардигор Ўзининг илоҳий номлари, сифатлари, киёфалари ва бошқа нарсалари билан намоён бўлиб турган жойда ғофилликка, қоронғи зулматга ўрин қолмайди. Парвардигор худди борган жойини ёритиб юборадиган чирокка ўхшайди.

Шоҳ Мучукунда Парвардигор Кришнанинг ким эканини билишни жуда истаётган эди, шунинг учун шундай деди: "Эй инсонлар ичида аълоси, агар Сен аслида ким эканингни билишга мени муносиб деб ҳисобласанг, марҳамат қилиб менга шу сирни ошкор эт. Сенинг асли Зотинг ким? Нима иш билан шуғулланасан, қайси табақадансан?"

Шоҳ Мучукунда аввал Парвардигорга ўзини таништиришга қарор қилди, бўлмаса Ундан кимлигини сўрашга ҳаққи бўлмасди. Одоб-ахлоқ қоидаларига кўра, пастрок даражада турган одам аввал ўзини таништирамай туриб, ўзидан мартабали одамнинг кимлигини сўраб суриштиришга ҳаққи йўқ. Шунинг учун шоҳ Мучукунда Парвардигор Кришнага шундай деди: "Эй хукмдорим, мен Сенга ўзимнинг ким эканимни гапириб беришим керак. Мен шавкатли Икшваку шоҳлари сулоласиданман, лекин мен ўзим бобокалонимдай машхур эмасман. Менинг исми Мучукунда. Отамнинг исими Мандхата эди, буюк шоҳ бўлган бобомнинг исми эса, Йуванашва бўлган. Мен қаттиқ чарчаган эдим, чунки жуда кўп минг йиллар давомида тиним билмаган эдим. Шу боис бутун аъзои-баданим чарчаган, деярли ишга яроқсиз бўлиб қолган эди. Ҳордиқ чиқариб, ўзимга келиб олиш учун мен мана шу хилват ғор ичида ухлаб ётган эдим, аммо бир нотаниш одам мени уйқудан уйғотиб юборди. У менинг истагимга қарши, зўрлик билан мени уйғотганди. Унинг шу ҳақорати учун мен уни ғазабли нигоҳим билан ёқиб кул қилиб юбордим. Энди эса, бахтимга Сенинг улуғвор, гўзалликда тенги йўқ жамолингни кўришга муяссар бўлиб турибман. Ўйлайманки, душманнинг ўлимига сабабчи Сенсан. Эй хукмдорим, тан олишим керакки, Сенинг танангдан таралаётган, менинг кўзларим ўрганмаган кучли ёғду таъсирида мен Сени яхшилаб кўра олмай турибман. Сендан таралаётган ёғду таъсирида менинг кучим кетиб қолишини мен тушунаман. Мен Сенинг ҳамма

тирик мавжудотлар сажда қилишига муносиб Зот эканингни тушунаман".

Парвардигор Кришна Ўзининг ким эканини билиб олишга шоҳ Мучукунда қаттиқ қизиқайганини кўриб, юзида табассум билан шундай деди: "Эй азиз шоҳ, Менинг туғилишим, бу дунёга келишим ва кароматларим ҳақида сенга тўла гапириб беришнинг деярли имкони йўқ. Агар билсанг, Менинг намоён бўлган қиёфаларимдан бири бўлган Анантанинг сон-саноксиз оғизлари бор, У қанча вақтдан бери Менинг номларим, шуҳратим, сифатларим, кароматларим, бу дунёга келишим, кетишим ва намоён бўлган кўринишларимни таърифлашга уриниб юрганини аниқлаб бўлмайди, лекин У ҳалиям бунинг охирига етолмаяпти. Шунинг учун Менинг номларим ва қиёфаларим қанчалик кўп эканини аниқ билишнинг иложи йўқ. Балки билимдон атеист-дахрий олим Ер сайёрасидаги атомлар сонини санаб чиқишга қодир бўлар, аммо у Менинг номларим, қиёфаларим ва кароматларимни санаб чиқишга қодир эмас, уларнинг сон-саногии йўқ. Жуда кўп буюк донишмандлар ва авлиё зотлар Менинг турли қиёфам ва кароматларимни санаб чиқишга уриниб кўрдилар, аммо барибир улар буларнинг тўлиқ рўйхатини туза олганлари йўқ. Аммо сен Мен ҳақимда билишни истасанг, шунга айтишим мумкинки, бу гал Мен бу сайёрага одамлар орасида ҳукмронлик қилиб юрган иблисона фикрларни яқсон қилиш ва Ведаларда кўрсатилган ҳақиқий дин қонунларини қайта тиклаш учун келдим. Ана шу мақсадда Мени бу ерга келишга Тангри Браҳма, мана шу коинотни яратган фаришта тақлиф қилди. Шу боис Мен Ўадавалар сулоласида, уларнинг бири сифатида дунёга келдим. Мен атайлаб Ўадавалар сулоласида Васудеванинг ўғли бўлиб дунёга келдим, шу боис одамлар Мени Васудеванинг ўғли сифатида Васудева деб ҳам чақирадилар. Яна шунга билиб қўйки, авалги ҳаётида Каланеми деган ном билан машҳур бўлган Камсани, иблис Праламбасурани ва бошқа кўплаб иблисларни ўлдирдим. Улар бу дунёда ўзларини худди Менинг душманимдай тутардилар, шу боис Мен уларни ўлдирдим. Сенинг олдинда пайдо бўлган иблис ҳам ўзини Менинг душманимдай тутган эди, марҳамат қилиб сен уни ғазабни нигоҳинг билан ёқиб кул қилиб юбординг. Эй ҳурматли шоҳ Мучукунда, сен Менинг буюк бхактамсан, сенга Ўзимнинг бесабаб марҳаматимни кўрсатиш учунгина Мен бу ғорга келган эдим. Мен Ўз бхакталаримга чуқур муҳаббат билан ғамхўрлик қиламан, сен ҳозирги бу ҳолатингга тушмасдан аввалги ҳаётингда Менинг буюк бхакталаримдан бири эдинг ва Мендан сенга Ўз марҳаматимни кўрсатишингни илтижо қилган эдинг. Шунинг

учун Мен сенинг шу истагингни рўёбга чиқариш учун келдим. Истаганингда Менга қараб тўйиб олишинг мумкин. Эй азиз шоҳ, энди сен Мендан истаган тилагингни тилашинг мумкин, Мен сенинг истаган тилагингни рўёбга чиқараман. Менинг мангу қоидам шундан иборатки, Мендан паноҳ сўраб мурожаат қилган ҳар қандай одам Менинг марҳаматим билан қалбадаги барча тилакларига албатта эришади".

Парвардигор Кришна шоҳ Мучукундага истаган тилагини сўраши мумкинлигини айтганида, шоҳ жуда қувониб кетди ва шу заҳотиёқ Гаргамунининг башоратини эслади. У қадим замонларда айтган эдики, Вайвасвата Манунинг йигирма саккизинчи минг йиллигида ана шу сайёрада Парвардигор Кришна дунёга келади. У ўша башоратни эслаган заҳоти Худонинг Олий Шаҳси, Нарайана ҳозир унинг олдида Парвардигор Кришна қиёфасида турганини тушунди. У шу заҳотиёқ Унинг нилуфар қадамлари пойига йиқилиб, Унга илтижо қила бошлади.

"Эй азиз Худойим, эй Олий Шаҳс, бу сайёрадаги барча тирик мавжудотлар Сенинг ташқи қувватинг алдовига учиб, ҳиссий лаззатлар берадиган алдамчи лаззатларга алданиб юрибдилар. Алдамчи, сароб фаолият билан машғул бўлишга муккасидан кетиб, улар Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилишни истамайдилар, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сиғиниб юрган одамлар эришадиган нарсалардан беҳабар ҳолда улар бу моддий оламдаги тирикчиликка хос бўлган чексиз мусибатлар уммонига ғарқ бўлиб юрибдилар. Сенинг ташқи қувватинг таъсири остида уларнинг ҳаммаси - эркагу-аёллар, мана шу моддий тирикчиликка қаттиқ боғланиб қолганлар, натижада улар "алдоқчилар" ҳамда "алданганлар" макони бўлган бу буюк жамиятда бир бирини алдаш бирини умрини ўтказиб юрибдилар. Бу нодон, эссиз одамлар инсон танасига эга бўлиш билан ўзларининг қанчалик омадли эканини билмаган ҳолда, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилишни истамайдилар. Улар Сенинг ташқи қувватинг таъсири остида юрибдилар, худди чуқур қудукка тушиб қолган тилсиз жонивор сингари уларни фақат моддий фаолиятнинг ярқироқ натижалари ва дунёвий жамият, дўстлик ва муҳаббат қизиқтиради".

Бу ерда моддий ҳаёт ташландик чуқур қудукка қиёсланган. Далада узоқ вақт фойдаланилмай, майсалар орасида яшириниб ётган чуқур ташландик қудуқлар учраб туради. Бечора ҳайвонлар билмасдан ана шу қудуқларга қулаб тушадилар, агар бирор одам келиб уларни қутқармаса, улар шу қудуқ ичида ўлиб кетадилар. Озгина ўт излаб юриб, ҳайвонлар ана

шундай кудукларга тушиб қоладилар ва шу ерда ўз ажалига дучор бўладилар. Худди шундай, инсон танасида яшашдан асосий вазифа нимадан иборат эканини билмасдан, эссиз, ғофил, нодон одамлар ҳам ўз умрини ўткинчи ҳиссий лаззатларга сарфлаб хазон қиладилар ва ҳаётда бирор нарсага эришолмасдан ўлиб кетадилар.

"Эй азиз Худойим, моддий оламда ҳукм сураётган ана шу умумий қоидадан мен ҳам четда эмасман. Мен ҳам ўз умрини бекорга хазон қилиб юрган ғофил нодонлардан бириман, менинг аҳволим жуда оғир. Мен шоҳлар сулоласидан бўлганим сабабли менинг манманлигим оддий одамларнинг манманлигидан анча устун туради. Оддий одам ўзини ўз танасининг ёки оиласининг хўжайини деб биледи, менинг фикрларим эса уларникидин анча кенгрок. Мен бутун оламнинг ҳукмдори бўлишни орзу қилардим, ҳиссий лаззатлар менинг мағрурлигимни ошира борган сари мен ўзимни танамга тобора кўпрок, тобора кучлироқ қиёслай бошладим. Уйимга, хотинимга, болаларимга, пулларимга ва бутун олам устидан ҳокимият ўрнатишга бўлган боғланишим тобора кучайиб борарди; тўғрироғи, менинг боғланишим чексиз эди. Шунинг учун мен ҳамиша ҳаётда ўзим учун моддий қулайликлар, моддий фаровонлик яратиш ҳақида қайғуриб яшардим.

Шунинг учун эй азиз Худойим, мен ўзимга яшаш учун ажратилган нодир, жуда ҳам қадрли умримнинг жуда кўп вақтини бекорга сарфладим. Менинг ҳаёт ҳақидаги сохта, нотўғри тасаввурим яна ҳам чуқурлашиб кетди, натижада мен аслида гўшт ва суяклардан иборат бўлган мана шу моддий танани ўзимнинг борлигим, "мен ўзим" деб ўйлаб, мағрурланиб кетганимдан ўзимни "инсонлар жамиятининг шаҳаншоҳи" деб ўйлай бошладим. Ҳаёт ҳақида ана шундай тана нуқтаи-назаридеги сохта тасаввур таъсири остида бўлиб, мен кўп сонли қўшиним - пиёда, отлик, филда, жанг аравасидаги жангчиларим ҳамроҳлигида бутун олам бўйлаб айланиб юрардим. Ёнимда жуда кўп лашкарбошиларим бор эди, мен ўзимнинг қудратимдан яна ҳам гердайиб кетдим, аммо ҳеч қачон ҳақиқий, энг яқин дўст сифатида ҳамиша қалбимда мавжуд бўлган Сени изламадим. Мен Сенга интилмасдим, менинг бу дунёдаги олий мартабали ҳаётимнинг энг катта нуқсонини ана шундан иборат эди. Билишимча барча тирик мавжудотлар менга ўхшайдилар: улар ҳеч қачон ўзларининг руҳий ўзлиги ҳақида ўйламайдилар, улар: "Нима қилсам экан? Энди нима бўлади?" - деб ҳамиша ташвишланиб, хавотирга тушиб яшайдилар. Аммо оёқ-қўлларимиз ўзимизнинг дунёвий истакларимиз билан чамбарчас

боғланган ҳолда бизлар бу дунёда ҳамиша ғофиллик ботқоғига ботиб юраверамиз.

Лекин барибир, бизлар ўткинчи моддий нарсалар ҳақидаги ўйларга фарқ бўлиб юрсак ҳам, Сенинг бу дунёда намоён бўлган кўринишларингдан бири бўлган шафқатсиз Замон ҳамиша ўз бурчини беҳато, бенуқсон бажаришда давом этаверади, бизларга ажратилган вақт тугаши билан, худди тушдагидай бизнинг қилаётган барча дунёвий моддий фаолиятимизга чек қўяди. Худди оч бўғма илон бир зумда каламушни ютиб юборгани сингари Сен ҳам Замон кўринишида бизларнинг дунёвий фаолитимизга яқун ясайсан. Тириклик пайтида ҳамиша олтин тақинчоқлар тақиб юрган, чиройли отлар қўшилган жанг араваларида ёки олтин тақинчоқлар билан безатилган фил устида юрган, инсониятнинг шаҳаншоҳи деб эълон қилиниб келган одамнинг танаси - ана шу шоҳона тана бешафқат замон таъсири остида ажали етганидан кейин бузила бошлайди ва курт-кумурскаларга ем бўлишдан бошқа нарсага ярамай қолади, кулга ёки бирор ҳайвоннинг ахлатига айланади. Токи ичида руҳ, жон бор экан, одамлар балки мана шу ажойиб танани шоҳ деб қабул қилишлари мумкин, аммо жони чиқиб кетгандан, яъни ўлганидан кейин ҳатто шоҳнинг танасини ҳам ҳайвонлар еб кетади, энди у ҳайвон ахлатига айланади; ёки уни ёқиб юборадилар - у кулга айланади; ёки ерда қазилган мазорга кўмадилар, у ерда эса ўлик тана курт-кумурскалар манбаига айланади.

Эй азиз Худойим, нафақат ўлганидан кейин, тириклик пайтимизда ҳам бизлар бошқачароқ кўринишда бўлса ҳам, барибир бутунлай Замон ҳукми остида бўламиз. Масалан, мен қудратли шаҳаншоҳ бўлишимга қарамай, бутун оламни забт қилиб уйга қайтиб келгандан кейин мен ҳам жуда кўп моддий шароитлар таъсири остида яшайман. Ғалаба билан уйга қайтиб келганимда қўл остимдаги барча шоҳлар келиб менга эҳтиром кўрсатадилар, аммо мен сарой ичкарасига кирган заҳотим маликаларим кўлида ўйинчоқ бўлиб қоламан, ҳиссий лаззатларга берилиш учун мен маликаларимнинг оёқларига йиқилишим керак бўлади. Моддий ҳаёт кечириш шунчалик қийинки, ундан лаззатланиш учун одам аввало шунча оғир меҳнат қилиши керак бўладики, бемалол лаззатланишга унинг имкони ҳам қолмайди. Барча моддий бойликларга эришиш учун эса, инсон умр бўйи риёзат чекиб яшаб жаннатий сайёраларга кўтарилиши лозим. Агар одам жуда бой хонадонда ёки шоҳ оиласида туғилиш имкониятига эга бўлса, ҳатто шунда ҳам у ҳамиша ўзининг юқори мартабасини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб яшайди, ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказиб, хайр-садақа

қилиб кейинги ҳаётига тайёрланади. Ҳатто шоҳона ҳаёт кечириб юриб ҳам, инсон ҳамиша хавотирга тушиб, ҳам давлатни бошқариш ташвишида, ҳам ўлганидан кейин жаннатга эришиш ҳақида ўйлаб юради.

Моддий ҳаёт чангалидан озодликка чиқиш жуда мушкул, аммо агар тирик мавжудот омади келиб қандайдир йўллар билан Сени мамнун қила олса, фақат Сенинг марҳаматинг билан Сенинг соф содиқ хизматкоринг билан учрашиш имконига эга бўлади. Мана шу - унинг учун шартланган моддий ҳаёт чангалидан қутулиш жараёнининг бошланиши бўлади. Эй азиз Худойим, фақат Сенинг соф содиқларинг билан ҳамсухбат бўлиш орқалигина Сенга, ҳам моддий ҳам руҳий оламларни бошқариб турган ягона Парвардигорга яқинлашиш мумкин. Барча соф содиқларнинг ҳаётдаги энг олий мақсади - Сен Ўзингсан, ана шундай соф содиқларинг билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан инсон қалбида мудраб ётган Худога муҳаббат туйғусини уйғота олади. Шундай қилиб, Сенинг соф содиқларинг билан ҳамсухбат бўлиб Кришнани англай бошлаш шартланган моддий ҳаёт чангалидан қутулишга сабаб бўлади.

Эй азиз Худойим, Сен шунчалик марҳаматлисанки, мен Сенинг буюк бхакталаринг билан ҳамсухбат бўлишни истамаслигимга қарамай, Гаргамунидай соф бхакта билан озгина суҳбатлашганим оқибати сифатида Сен менга Ўзингнинг бесабаб чексиз марҳаматингни кўрсатдинг. Фақат Сенинг бесабаб марҳаматинг билан мен ўзимнинг барча моддий бойлигимдан, салтанатимдан ва оиламдан айрилдим. Агар Сен Ўзингнинг бесабаб марҳаматингни кўрсатмасанг, мен ўзим бу кишанлардан қутула олмас эдим, деб ўйлайман. Буюк шоҳ ва императорлар шоҳона ҳаётни унутиш учун баъзан ўз хоҳиши билан барча лаззат ва фаровон ҳаётни тарк этадилар, лекин Сенинг бесабаб марҳаматинг билан мен аллақачон ўз салтанатимдан халос бўлдим. Бошқа шоҳлар салтанатига, оиласига бўлган боғланишдан халос бўлиш учун ҳар хил риёзатларга берилиб, таркидунёлик қилиб қийналиб юрадилар, аммо Сенинг марҳаматинг билан бунинг учун менинг таркидунё қилишимга, гадоёлардай яшаб риёзат чекиб юришимга ҳам ҳожат қолмади.

Эй азиз Худойим, шунинг учун мен Сендан шуни илтижо қилиб тилайманки, ҳамиша Сенинг нилуфар қадамлари пойига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юриш имкониятига эга бўлай. Қалби барча моддий иллатлардан бутунлай покланган соф бхакталарнинг интиладиган ягона мақсади шундан иборат. Сен - Худонинг Олий Шахсисан, шу боис Сен менинг истаган тилагимни, шу

жумладан руҳий озодликка чиқиш истагини ҳам рўёбга чиқара оласан. Лекин, Сени мамнун қила туриб, Сендан яна мана шу моддий оламда тутқун бўлиб қолишга сабаб бўладиган бирор нарсани тилаш учун одам қанчалик аҳмоқ, нодон бўлиши керак? Ўйлайманки ҳеч бир фаросатли одам Сендан ана шундай тилак тиламаган бўларди. Шунинг учун мен ўз ихтиёримни бутунлай Сенга топшираман, чунки Сен - Худонинг Олий Шахсисан, Сен - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух ва Брахманнинг шахсиятсиз нурисан. Бунинг устига Сен намоён бўлган мана шу моддий оламсан, чунки бу моддий олам аслида намоён бўлиб турган Сенинг ташқи қувватингдир. Шунинг учун қайси тарафдан қаралса ҳам, Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг охириги паноҳ ва нажот маконисан. Хоҳ моддий поғонада, хоҳ руҳий поғонада ҳар бир одам фақат Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот излаши лозим. Эй азиз Худойим, шунинг учун мен ўз ихтиёримни бутунлай Сенга топшираман. Жуда кўп умрлар давомида мен моддий тирикчиликнинг уч турли азоб-уқубатларига дучор бўлиб қаттиқ мусибатларга учраб яшадим, бундан қаттиқ чарчадим. Мен шу вақтгача фақат ҳиссиётим талабларини қондириб яшадим, ҳеч қачон ҳаётимдан қаноат ҳосил қила олмадим. Шунинг учун мен Сенинг ойоишта ҳаёт манбаи ҳамда моддий иллатлар келтириб чиқарадиган ҳар қандай ҳасрат-қайғуларни бартараф қиладиган нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ излайман. Эй азиз Худойим, Сен - ҳар кимнинг қалбидаги Олий Рухсан, шу боис ҳамма нарсани Ўзинг яхши биласан. Энди мен барча моддий истаклардан бутунлай халос бўлдим. Мен энди бу моддий оламда лаззатланишни ҳам, Сенинг шахсиятсиз руҳий нурларингга қўшилиб кетишни ҳам истамайман. Шунингдек мен Параматмани, Сенинг ҳар кимнинг қалбида мужассам бўлган кўринишининг томоша қилишга фарқ бўлишни ҳам истамайман, чунки биламанки, шунчаки Сенинг Ўзингга садоқат билан хизмат қилиш билан мен тўла хотиржамлик ва осойишталикка эришаман".

Шоҳ Мучукунданинг бундай илтижоларини тинглаб туриб, Парвардигор Кришна унга шундай деб жавоб берди: "Эй ҳурматли шоҳ, Мен сенинг гапларингдан жуда мамнун бўлдим. Сен бу сайёрадаги барча ерларнинг ҳукмдори бўлган шоҳ эдинг, энди сенинг ақлинг моддий иллатлардан бутунлай покланганини кўриб Мен ҳайрон бўляпман. Энди сен Менга садоқат билан хизмат қилишга қодирсан. Бунинг устига, мен сенга истаган тилагингни тилаш имконини берсам ҳам, сен қандайдир моддий бойлик сўраш учун бу имкониятдан фойдаланмаганингдан Мен жуда хурсанд бўлдим. Кўриб туррибманки,

сенинг ақлинг энди бутунлай Мен ҳақимдаги ўйларга ғарқ бўлган, энди уни ҳеч қандай моддий нарсалар безовта қила олмайди.

Моддий табиат гуналари уч турли бўлади - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари. Инсон эҳтирос ва ғафлат гуналарининг аралаш таъсири остига тушиб қолганида нопоклик ва шаҳвоний ҳирс уни бу моддий оламда фаровонликка эришишга ундайди. Эзгулик гунаси таъсири остида бўлган инсон ҳар хил риёзатлар чекиб, тавба-тазарру қилиб моддий иллатлардан покланишга интилади. Инсон ҳақиқий брахман поғонасига кўтарилганида у Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетишга интилади. Аммо, инсон фақат Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишга интилиб яшаганида моддий табиат гуналарининг таъсир чегарасидан ташқарида бўлади. Ҳаётда соф Кришна онги билан яшаб юрган одам моддий табиат гуналари таъсирдан пок бўлади. Эй азиз шаҳаншоҳ, Мен сенинг Худога садоқат билан хизмат қилишда қанчалик юксак поғонага кўтарилганингни текшириб кўриш учунгина сенга истаган тилагингни бажаришимни таклиф қилган эдим. Энди билиб олдимки, сен соф бхакталар билан бир поғонада турган зот экансан, чунки сенинг ақлингни бу дунёдаги шаҳвоний эҳтирос ҳам, очкўзлик илллати ҳам безовта қилолмайди. Ҳатто ҳиссиётини жиловлаб руҳий юксалишга интилиб юрган, ҳар хил жисмоний машқлар бажариб юриб, Менинг жамолимни томоша қилишга ғарқ бўлган йоглар ҳам моддий истақлардан бунчалик пок эмаслар. Ана шундай йогларнинг кўплари имконият бўлиши билан яна аввалги дувёнвий ҳаётга қайтгани ҳақида жуда кўп маълумотлар бор".

Бунга Вишвамитри Муни яққол мисол бўлиши мумкин. Вишвамитри *пранайама* билан шуғулланиб юрган қудратли буюк йоглардан эди, лекин шунга қарамай, олдига Менака, жаннатий сайёралардан тушган фоҳиша аёл келганида у ўзини тута олмай қолди, натижада унинг Менака билан қўшилиши оқибатида Шакунтала деган қиз дунёга келди. Аммо соф бхакта Харидас Тхакурнинг тинчлигини ҳеч ким, ҳатто фоҳиша аёл ҳам буза олмаганди.

"Эй азиз шоҳ, - давом этди Парвардигор Кришна, - шунинг учун Мен сени алоҳида дуоифотиха қиламан, унинг шарофати билан сен ҳамиша Мен ҳақимда ўйлаб юрасан. Шунда сен бу моддий олам уммонидан ҳеч қийналмасдан ўта оласан, моддий табиат гуналари сенга таъсир қила олмайди". Парвардигор Кришнанинг бу сўзлари шунини тасдиқлаб турибдики, ҳақиқатан ҳам Худони, Кришнани англаб етган ва ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ҳеч

қачон моддий табиат гуналари таъсири остида булғаниб қолмайди.

"Эй хурматли шоҳ, - деди Кришна, - сен кшатрий бўлганинг учун сен ов қилибми, давлатни бошқариш зарурати биланми кўплаган ҳайвонларни ўлдириб кўп гуноҳ ишлар қилгансан. Ана шу гуноҳлардан покланиш учун Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб яша ва ҳамиша ақлингни Менда мужассам қилиб юр! Сен тез вақт ичида ана шу жирканч гуноҳлар оқибатидан бутунлай халос бўласан". Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, гарчи кшатрийларга ҳайвонларни ўлдириш рухсат берилган бўлса ҳам, барибир улар бу гуноҳлари учун албатта жавоб берадилар. Шунинг учун, кшатрийми, ваишйами ёки брахманми фарқи йўқ, - барибир ҳар бир инсон умрининг охирида саннийаси турмуш тарзига ўтиб, қолган умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бахшида қилиши ва шу йўл билан аввал қилган гуноҳлари оқибатидан бутунлай покланиши лозим.

Кейин Парвардигор шоҳ Мучукундани ишонтириб шундай деди: "Кейинги ҳаётингда сен ваишнава, яъни брахманларнинг аълоси бўлиб туғиласан, шунда сенинг ҳаётда қиладиган ягона ишинг Менга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш бўлади". Ваишнавлар - энг юксак поғонадаги брахманлардир, чунки ҳақиқий брахман сифатларига эга бўлмаган одам ваишнава даражасига кўтарилма олмайди. Ваишнава ўзининг бутун ҳаётини барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун хизмат қилишга бағишлайди. Одамларга Кришнани, Худони англаш таълимотини ўргатиш - оламдаги барча тирик мавжудотларга бирдай саодат келтирадиган энг эзгу фаолиятдир. Бу ерда айтилганки, фақат Парвардигорнинг алоҳида марҳаматига сазовор бўлган одамгина Худони, Кришнани тўла англаб, ҳаётда Кришна онги билан яшаб, умрини одамларга Кришнани англаш таълимотини ўргатишга бағишлай олади.

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг  
"Мучукунданинг руҳий озодликка чиқиши" деб  
аталадиган эллигинчи бобида  
Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
яқунланади.*

Биринчи китобнинг охири

**Мундарижа**

- Жорж Харрисоннинг мазкур китоб ҳақидаги фикри.....
- Нашриётдан .....
- Китобнинг инглизча нашрига ёзилган сўзбоши.
- Кириш
1. Парвардигор Кришнанинг дунёга келиши
  2. Онаси қорнида ётган Парвардигор Кришнага фаришталарнинг қилган илтижолари. .
  3. Парвардигор Кришнанинг туғилиши
  4. Камсанинг таъқиб қилишни бошлаши
  5. Нанда Махаражнинг Васудева билан учрашуви
  6. Кришна ялмоғиз Путанани ўлдиради
  7. Тринавартани озодликка чиқариш
  - 8.. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси
  9. Яшода онанинг Парвардигор Кришнани боғлаб қўйиши
  10. Налакувара ва Манигривани озодликка чиқариш
  11. Иблислар Ватсасура ва Бакасуранинг ҳалокати
  12. Иблис Агхасуранинг ҳалокати
  13. Тангри Браҳманинг подачи болаларни, бузоқларни ўғирлаши
  14. Тангри Браҳманинг Парвардигор Кришнага қилган илтижолари...
  15. Дхенукасуранинг ўлими
  16. Калия деган илонни бўйсундириш
  17. Кришнанинг ўрмонга кетган ёнғинни ўчиргани
  18. Иблис Праламбасуранинг ҳалокати
  19. Кришнанинг ўрмонни қоплаб олган ёнғинни ютиб юбориши
  20. Ёмғир палласи
  21. Най навосига мафтун бўлган гопилар
  22. Кришнанинг ёш қизларнинг кийимларини ўғирлаб олиб қўйиши.....
  23. Қурбонлик маросими ўтказаетган браҳманларнинг хотинларининг озодликка чиқиши
  24. Говардхана тепалигига сиғиниш
  25. Вриндаванга кучли ёмғир ёғиши
  26. Фаройиб Кришна
  27. Осмон шоҳи Индранинг илтижолари
  28. Нанда Махаражни Варунанинг қўлидан халос этиш
  29. Раса рақси. Кириш
  30. Кришнанинг гопилар кўзидан яшириниши
  31. Гопилар куйлаган қўшиқлар
  32. Раса рақси
  33. Видйадхарани озодликка чиқариш ва иблис Шанкхасура устидан ғалаба
  34. Гопиларнинг ҳижрон азобида ҳис қилган туйғулари
  35. Камса Акрурани Кришнани олиб келгани жўнатади.
  36. Иблис Кеша ва Вйомасура устидан ғалаба.
  37. Акруранинг Вриндаванга кириб келиши.
  38. Акруранинг Матхурага қайтиши ва Йамуна дарёсида Вишнулокага ташриф буюргани.
  39. Акруранинг илтижолари.
  40. Кришнанинг Матхурага кириб келиши.
  41. Кураш майдончасида Кришнанинг камонни синдиргани
  42. Кришнанинг Кувалайапида деган филни ўлдириши.
  43. Камсанинг ҳалокати.
  44. Кришна руҳий устозига ўлган ўғлини қайтариб беради.
  45. Уддхаванинг Вриндаванга келиши
  46. Гопилар Кришнанинг мактубини олади
  47. Кришнанинг Ўз бхакталарини хурсанд қилиши
  48. Дхритараштранинг ёвузлиги
  49. Кришна Дварака деган қўрғон куради.
  50. Мучукунданинг руҳий озодликка чиқиши